Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

САККИЗИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ

XXI АСР. НАВОИЙШУНОСЛИККА КИРИШ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

МУҲАММАДЖОН ИМОМНАЗАРОВ

XXI АСР. НАВОИЙШУНОСЛИККА КИРИШ



УЧИНЧИ МИНГЙИЛЛИКДА

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Муҳаррир муқаддимаси)

Инсон деб аталмиш хилқат макони – Ер сайёрасини қамраб олган глобаллашув ва ахборот майдонининг рақамлашуви жараёнлари, улар орқали кириб келаётган «*оломон маданияти*»нинг ёйилуви миллатларнинг хос хусусиятларини тобора емирмоқда. Халқнинг ўзлигини белгилаш (идентификацияси)да минг йиллар давомида синовдан ва тажрибадан ўтган миллий қадриятлар, аждодлардан қолган ўлмас ёзма мерос бу таҳдидларга қарши асосий ҳимоя тўсиғига айланиши табиий. Ўз теран илдизларидан озиқланмайдиган ва ўзга қадриятлар домига тушган ҳар қандай миллат келажаги хавф остида қолиши шубҳасиз. Шу жиҳатдан, ўзбек халқининг минг йилликлар билан бўйлашадиган ёзма ёдгорликлари, бебаҳо қадриятларининг борлиги, айниқса, улар ичида бемисл шахс – ҳазрат Алишер Навоийнинг биз авлодларга қолдирган боқий мероси миллат маънавиятини ўзликка қайтарадиган, унга маънавий озуқа бериб турадиган ўқ томирдир, десак, янглишган бўлмаймиз. Бу мерос кишиликка олам ва одамга боғлиқ ҳодисалар моҳиятини англаш, инсоннинг ҳаётда яшашдан мақсади, одамийлик моҳияти ҳақида жиддий ўйлаш имконини беради. Бугунги воқеликлар Алишер Навоий асарларининг миллат маънавий юксалишидаги ўрни ва қадри ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Айни ана шу паллада ўзбек навоийшунослиги босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этган ҳолда, соҳанинг келажак юксалиш йўлини ҳам белгилаб олиш ўта муҳим.

Навоийшуносликда бугунги кунга қадар қўлга киритилган натижаларни умумлаштирувчи жиддий илмий изланишларга эҳтиёж юзага келмоқда. Янги учинчи мингйиллик навоийшунослигининг вазифаларини белгилаб олиш учун ҳам бунингдек тадқиқотлар ниҳоятда керак. Алишернинг дўсти ва маслакдоши, султон Ҳусайн Бойқаронинг илмий-адабий кузатувлари асосида юзага келган ўзбек навоийшунослиги XX юзйиллик сўнггига қадар беш асрлик улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Навоий асарларининг дастлабки ўқувчиларидан бири сифатида Абдураҳмон Жомийнинг хизматларини эътироф этган ҳолда, Ҳусайннинг биринчи навоийшунос ва соҳанинг тамал тошини қўйган ёрқин изланувчи эканлигини ҳам тан олиш зарур. У ёшлик кезлариданоқ кичик Алишернинг асарлари ҳақида биринчи бўлиб, ўз қарашлари ва адабий маслаҳатларини бергани тарихдан аён. Энг кераклиси, у Навоий асарлари тўғрисида барча замонлар учун бирдек қадрли холис фикрларини билдириб, алоҳида асар ёзиб қолдирган. Давр ҳукмдори дўсти ҳақида Навоий туркий тилнинг жонсиз танига руҳ бағишлади, деб таъкидлар экан, “*тил миллатнинг руҳи*” деган тушунчадан келиб чиқилса, бу билан Навоий нафақат бугунги ўзбек миллати, балки бутун туркий элатлар маънавий қудратини бундан 5 аср илгариёқ жаҳонга танитган зот сифатида таърифланганлигини қайд этиш мумкин. Бу ўзбек навоийшунослигида Навоийга берилган буюк ва ҳаққоний таъриф ўлароқ бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, мана беш асрдирки, барча туркий халқлар, ва нафақат улар, буюк шоир ва мутафаккир асарларини қўлдан қўймай ўқиб-ўрганиб, ундан маънавий илҳом ва қув-

ват олиб келмоқда. Бунинг далили сифатида дунёнинг турли китоб хазиналарида Навоий асарларининг беҳисоб қўлёзмалари сақланиб келаётганини эслаб ўтиш кифоя.

Ҳусайн Бойқародан бошланган ўзбек навоийшунослигининг биринчи босқичида асосий эътибор Навоий асарлари қўлёзмаларининг кўчирилишига, уларнинг бутун туркий ва эрон заминига ёйилишига қаратилди. Шунингдек, бу босқичда Навоийни тушунишга бағишланган ўндан ортиқ луғат ва грамматикалар ҳам яратилди. Асрдан асрга юксалиб борган ўзбек навоийшунослиги XX юзйилликнинг бошларидан ўз ўрнини иккинчи босқич XX аср ўзбек навоийшунослигига бўшатиб берди. Мазкур давр навоийшунослигининг бош вазифаси сифатида Навоий асарлари ва ғояларининг тарғиботи биринчи масала ўлароқ майдонга чиқди. Мазкур босқич навоийшунослари ўз вазифаларини тугал адо эта олди. Навоий асарлари ва ғоялари кириб бормаган ўзбек хонадони деярли қолмади, Навоий ўзбек халқининг Самарқанд, Бухоро шаҳарлари сингари умумжаҳон эътироф этгувчи миллий брендига айланди. Иккинчи босқич Ватан мустақиллигининг дастлабки ўнйилликлари даврида ўзбек навоийшунослигининг довруқли вакиллари профессорлар Абдуқодир Ҳайитметов, Нажмиддин Комилов, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйимахон Ғаниева, академиклар Алибек Рустамов ва Азизхон Қаюмов ва бошқа фидойи навоийшунослар саъй-ҳаракатлари билан якунига етди.

Ҳозирга келиб, ўзбек навоийшунослигининг учинчи мингйиллик бўсағасидаги янги даври бошланмоқда. XXI юзйиллик, умуман, учинчи мингйиллик навоийшунослиги қайси йўлдан кетади? У кейинги тараққиётида Навоий асарларини қайси мезонлар асосида ўрганади? Рақамли дунё соҳиблари саналмиш бугуннинг ёшларига Навоий асарларининг қай жиҳатлари муҳим? Уларда ҳазрат асарларига қай тарзда муҳаббат уйғотиш мумкин? Ана шу сўроқ ва жумбоқлар бугунги ўзбек навоийшунослари олдида турибди.

Бизнингча, янги давр ўзбек навоийшунослиги қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши керак бўлади:

Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, илмий-ижоди бўйича шу чоққача яратилган тадқиқотларни мутлақо камситмаган ҳолда шоирнинг илмий биографиясини қайтадан ёзиш керак. Бунда Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар билан бир қаторда аллома тириклигидаёқ у ҳақда ёзила бошланган туркий ва форсий тилдаги асарлардан бошлаб, ҳозирга қадар яратилган барча илмий тадқиқотларни қамраб олмоқ зарур. Биографияда ўша давр ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, маънавий муҳитни ҳисобга олган ҳолда, ўша давр темурийлар салтанатининг бошкентлари Ҳирот ва Самарқанднинг Шарқ илмий, маданий, маънавий ҳаётидаги роли ҳамда Навоий феноменини шакллантиришдаги ўрни ҳам кўрсатиб берилмоғи керак. Навоийнинг ҳаёт йўли катта ибрат мактабидир. Шунинг учун биографияда унинг ёлғиз асарлари тўғрисидаги маълумотлар эмас, балки асарларини яратилишига туртки бўлган ижтимоий эҳтиёжлар, Навоий ҳаёт йўлининг ҳар бир босқичи ва фаолияти тугал қамраб олинмоғи зарур. Алишер Навоийнинг биргина кенг кўламли ҳомийлик фаолиятининг ўзиёқ ўнлаб китобларга мавзу бўлишга арзийди.

2. Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик нуқтайи назаридан ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг мукаммал илмий нашрларини тайёрлаш. Бунда дунёнинг етакчи шарқшунослик марказларида шаклланган илмий мезонларга амал қилинган ҳолда Навоий асарларининг илмий транскрипцион нашрларини тайёрлашни кўзда тутяпмиз. Бундан ташқари Навоий асарлари бўйича электрон луғатлар ҳамда ҳазрат қаламига ман-

суб барча ёзма асарларнинг электрон корпусини яратиш зарур. Навоий асарларининг дунё фондларида сақланаётган табаррук қўлёзмалари ва диққатга сазовор тошбосмалари факсимилесини ҳам нашрга тайёрлаш ва интернет тармоғига жойлаштириш керак бўлади.

Бўлғуси янги давр навоийшунослар авлодини тарбиялаш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Олий ўқув юртларида Навоий ижоди чуқур ўргатилмоғи, ўқув режаларида навоийшунослик, улуғ мутафаккир ёзма мероси билан боғлиқ дарслар комплекс тарзда ўрин олмоғи керак. Шунингдек, соҳа вакилларининг жамиятдаги мавқеини кўтаришни ҳам эътиборга олиш керак бўлади. Бугуннинг ёшлари прагматик авлод сифатида, кўпроқ, иқтисодий томонга эътибор қаратмоқда. Агар соҳа вакилларининг ижтимоий-иқтисодий мавқеи оширилса, иқтидорли ўғил-қизларни соҳага қизиқиши уйғонади ҳамда келажакда навоийшуносларнинг янги авлодини етиштириш масаласи осонлашади.

Глобал интернет тармоғида Навоийга бағишланган алоҳида янги давр ўзбек навоийшунослиги порталини очиш. Бу порталда Навоий асарларига бағишланган илмий ишлар ва мақолаларнинг тўлиқ электрон вариантларини жойлаштириб бориш. Бунда ўқувчилар билан боғланиш учун чат ҳам очиб қўйиш керак. Токайки, китобхонга Навоий асарларидан тушунмаган ҳар бир байт бўйича ўз сўроғини йўллаш ва унга жавоб олиш имконияти бўлсин. Шунингдек, порталда навоийшуносликнинг турли масалалари таҳлилига қаратилган бир нечта блогерлар фаолиятини ҳам йўлга қўймоқ керак. Ҳатто, бу ерда Навоийнинг ўлмас байтлари асосида тайёрланган, рақамли дунё ёшларнинг ижтимоий тармоқлардаги севимли тренди ёшларни бирор мақсадга йўлловчи, бирор бир ишга чоғлантирувчи суратли матнлар (демотиваторлар) ҳам ўрин олган бўлсин. Ёшлар бир-бирлари билан виртуал оламда мулоқот қилганда, матнли хабарларни йўллаганда ёки ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўз саҳифасида мавқеи (статуси)ни кўрсатганда ана шу суратли матнлардан фойдалансин. Бу борада, айниқса, Туркияда Мавлоно Жалолиддин Румий асарлари бўйича яратилган демотиваторлар тажрибасини ўрганиш қўл келади. Бу билан ҳам Навоий ғояларини ёшларга бир қадам яқинлаштирган бўламиз. Янги давр ўзбек навоийшунослиги порталининг турли ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда ҳам каналлари ишга туширилса, ёшларнинг ўз қуролларидан Навоий асарларини ўргатиш йўлида фойдаланилган бўлар эди.

Алишер Навоийнинг ҳар бир мисраси, байти, банди мингйилликлар қаъридан отилиб чиққан ҳикматлар билан йўғрилган. Ушбу мисралар ўз замонида қанчалик хизмат қилган бўлса, бугун ҳам замондошларимиз, айниқса, ёшлар учун шунчалик аҳамиятли. Навоий барча замонлар ва барча маконлар мутафаккири сифатида унинг XXI аср тугунлари ечимига қаратилган ғоялари тарғиботини кучайтиришни ҳам эътиборга олиш лозим. Бунинг учун шоирнинг бағрикенглик, меҳр-оқибат, огоҳлик, элсеварлик, халқлар дўстлиги сингари ғоялари сингдирилган байтлари акс этган мафкуравий баннерлар, табрик битиклар, почта маркалари, эсдалик совғалар ишлаб чиқарилмоғи керак. Бир мисол, шарқ мамлакатларида аждодлар меросини ёйишга қаратилган яхши, улгу олса арзирли тарғибот усуллари бор. Чунончи, Хитой ошхоналарида емак учун тайёрланадиган столларнинг усти ойнаванд қилиб ясалган бўлади. Ана шу ойнанинг ости китоб жавонига менгзаб чизилган бўлади. Унда хитойликларнинг мингйилликлардан келаётган ҳикматли сўзлари, катта ижодкорларнинг ўлмас сатрлари хитойча ийроглиф билан санъат даражасида, ҳуснихатда битиб қўйилган

бўлади. Ҳар бир хўранда емак буюртма қилгандан сўнг таом келтиргунга қадар кетадиган вақтда истаса-истамаса, кўзи эски битикларга тушади ва ҳеч бўлмаганда бир сўзни эслаб қолади. Яна бир мисол, кун чиқар – Японияда эса кундалик кўп ишлатиладиган жиҳозларга ручка, пиёла, кийим-кечак, елпиғич, бош кийимларга ҳам қадимги битиклардан ўрнаклар ёзилган бўлади. Бу ҳам жамиятни ўз илдизларига боғлашнинг яхши бир воситаси. Тасаввур қилинг, "*Нафъинг агар халққа бешакдурур. Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур"; "Илмни ким воситайи жоҳ этар, Ўзинию халқни гумроҳ этар"; "Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил"; "Халойиққа кўрма қилиб бенаво, Ўзингга раво кўрмаганни раво"; "Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами"; "Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламам, Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам"; "Хуш дурур боғу коинот гули, Барчадин яхшироқ ҳаёт гули"; "Йигитликда йиғ илмнинг махзани, Қарилик чоғи сарф қилғил ани"* сингари ҳазратнинг мангу байтлари туширилган кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар инглизча таржималари билан ишлаб чиқилса, қандай яхши иш бўлар эди! Тадбиркорларимиз ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Бу сингари ғояларни ҳам жамиятга татбиқ этиш янги давр навоийшунослигининг елкасидаги вазифалардан биридир.

Алишер Навоий ўз асарларини ёзишда озиқланган ёзма ёдгорликлар, улуғ мутафаккир ижодий меросининг манбалари ҳам тадқиқ этилмаган мавзулар сирасидандир. Навоий меросига қадимги туркий адабиёт, қорахонийлар даври адабиётининг таъсири ҳали ўрганилган эмас. Навоий эпик тафаккури ва туркий халқлар эпосини типологик тадқиқ этиш ҳам муҳим масала. Навоийнинг адабий, фалсафий, тилшунослик, адабиётшунослик, тарихий, диний мазмундаги асарлари соҳа билгичлари – тарихчи, илоҳиётчи, тилчи, адабиётчи, файласуфлар билан ҳамкорликда таҳлил этиш яхши илмий натижалар беради.

Ёшларни озод руҳли, эркин фикрли, адолатли, холис, сабр-қаноатли қилиб камолга етказишдек табаррук вазифани Навоий асарлари ўзбекона сўзнинг кучи, қуввати, таровати ва сеҳр-у латофати воситасида бажарди ва бундан кейин ҳам бажаради. Шунинг учун, Навоий асарларининг тили, услуби, балоғати масаласи ҳам янги давр ўзбек навоийшунослиги изланиши керак бўлган йўналишлар қаторидадир. Навоий асарлари янги мезондаги лексикографик тадқиқотларга муҳтож. Навоий ижодида асрлар давомида халқнинг нутқ амалиётида синовдан ўтган ва сўзлашувда муқим ўрнашган минглаб соф ўзбекча лексик бирликлар борки, уларнинг бугунги ўзбек тили мулоқот амалиётида қўллаш ва изоҳли луғатларга киритишнинг вақти келди. Айниқса, ҳозирги ўзбек тилининг сеҳр-у латофати, таровати, шираси бир қадар камайган кезларда бу масала ўта муҳим саналади.

Алишер Навоий ва унинг асарларини ўрганиш асосий йўналиши қилиб белгиланган алоҳида илмий-текшириш муассасаси - институт ёки марказ тузиш вақти келди. Ҳазрат Алишер Навоий биз авлодларга қолдирган мероси бунга арзийди. Кейинги ўнйилликларда дунё миқёсида ҳам Навоий ижоди кенг кўламда ўрганилмоқда. Чунончи, олдинги йил Афғонистонда Навоий асарларининг кўп жилдлиги араб ёзувида чоп этилди. Ёки Туркияда йирик адабиётшунос Камол Эраслан Навоий асарларни катта қисмини қайтадан нашр эттирди. Бу марказ жаҳон илмида Навоий бўйича яратаётган тадқиқот ишларини мувофиқлаштириб, бу соҳада келажакда амалга оширилиши зарур бўлган йўналишларни баҳамжиҳатлик билан белгилаб бориши мумкин. Албатта, бундай марказ ёки институтнинг ўз

илмий нашрлари ҳам бўлиши лозим. Шунда, илмий муассаса олиб бораётган ишларнинг натижаси жамоатчиликка ҳам етиб боради.

Умуман, жамиятда кечаётган туб ўзгаришлар, маънавий тикланишлар даврида Алишер Навоий ижодига, боболаримизнинг меросига янгича илмий қарашлар, ёндашувлар асосида таҳлил ва тарғиб этиш янги давр ўзбек навоийшунослигининг бош вазифасидир. Бунинг учун юртимизда ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва илмий асослар етарли даражада. Ушбу тарихий имкониятни қўлдан бой бермаслик учун соҳа вакиллари ва миллатдошларимиз ҳазрат Алишер Навоий мероси теграсида бирлашмоғимиз керак.

Биз кўпроқ ташкилий жиҳатлар хусусида сўз юритдик. Ушбу китоб муаллифи кўпроқ буюк шоир, адиб ва мутафаккир аллома ижодига оид назарий муаммоларга эътибор қаратган[1].

Абдураҳим Маннонов

[1] Мақола филология фанлари доктори Қудрат Омонов билан ҳамкорликда ёзилган.

КИРИШ

I

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «*Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир*» дейилади.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан диний ва дунёвий илм аҳлининг жаҳон илм-фани ва маънавий тараққиётига қўшган бемисл ҳиссаси маълум ва машҳур. Аммо яна бир ҳақиқатни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, аждодларимиз яратган бадиий адабиёт намуналари ҳам ўз бағрида не-не сирларни яшириб келмоқда ва умумбашарий ижтимоий-маънавий тараққиётда уларнинг ўрни ва аҳамияти ҳануз етарли очиб берилган деб айтиш қийин. Жумладан, улуғ аллома ва мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг илмий ва бадиий ижодига мурожаат қиладиган бўлсак, бугун, яъни XXI аср бошланишида ижтимоий-маънавий воқеъликда инсоният дуч келаётган қатор оғриқли муаммолар ечимига мукаммал жавобларни айни ушбу XV асрда, яъни давримиздан 500 йил илгари яратилган барҳаёт меросдан қидирсак асло янглишмаймиз.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига эътибор унинг йигитлик чоғидан бошланган десак хато бўлмайди. Унинг мухлислари ташаббуси билан илк девонига тартиб берилганда шоир 24-25 ёшларда эди[1]. 1471 йилда эса Хуросондан, Бойқаро салтанатидан анча олисда Оқ қўюнлилар салтанати ҳудудидаги Шероз шаҳрида Навоий шеърларидан яна бир девон тузилди[2]. 1481 йилда Туркияда султон Боязид II илтимосига кўра усмонли турк шоири Аҳмад пошо Навоийнинг 33 ғазалига татаббуъ боғлади[3]. Унинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси бир неча қайта форс тилига таржима қилинди[4]. Шундай қилиб, Навоийнинг шуҳрати тириклик пайтидаёқ Хуросон ва Мовароуннаҳр чегараларидан ташқари кенг ёйилган эди. Шоирнинг пири муршиди Абдураҳмон Жомий ва бир умрлик дўсти, Хуросон ҳукмдори султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоий даҳосига берган олий даража таърифлари бежиз эмасди[5].

Алишер Навоий асарларининг бадиий қиймати, ижтимоий-фалсафий моҳияти, услуби, тили, сўз бойлиги, шоир асарларида ишлатилган луғат бирликларининг маънолар тизими, асарларида кўтарилган мавзулар ва ғоявий мазмунининг минтақа адабиётига муносабати, у яратган асарларнинг сони ва номлари ва бошқа турли жиҳатлари Навоий ҳаётлик

---

[1] Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йилда кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори, проф. Ҳамид Сулаймон. Т., "Фан", 1968, с.5.

[2] Бу девон ҳақида биринчи марта иқтидорли навоийшунос, филология фанлари доктори А.Эркинов "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган суҳбатида хабар берди. 2015 йилда Японияда "Оққўюнли мухлислар девони" факсимилеси А.Эркиновнинг инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги муқаддимаси билан 300 нусхада нашр этилди.

[3] Адҳамбек Алимбеков. Турк адабиёти тарихи (XIII – XVIII асрлар). Т., ТДШИ, 2005, с. 60, 63-64.

[4] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий текст. Тайёрловчи: Суюма Ғаниева. Масъул муҳарир: Воҳид Зоҳидов. Т., ЎзР ФА нашриёти, 1961, с. 13-14. Бу мавзуда Ўзбекистон қаҳрамони, профессор Суюма Ғаниеванинг батафсил тадқиқотлари мавжуд.

[5] Жомий ва Навоий. Т., 1989, с. 12-42. Ҳусайн Бойқаро. Девон.Рисола. Т., 1968, 159-165.

замонидаёқ Абдураҳмон Жомий, Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Давлатшоҳ Самарқандий, Восифий ва бошқа кўплаб шоир ва адиблар, луғат тузувчилар ва тарихчилар томонидан ўрганила бошланганлигини яхши биламиз.

Кейинги 500 йил мобайнида шеърият мулкининг султонига эътибор йилдан-йилга фақат ошиб ва кенгайиб борди. Демак, ҳеч бир муболағасиз навоийшунослик тарихи ярим минг йилдан ўтиб иккинчи ярим минг йилликка кириб бораётганлигини бемалол тан олиш мумкин. Аниқ рақам келтириладиган бўлса, бу тарих ўзининг 550 йиллигидан 560 йиллигига қараб кетмоқда, десак дуруст бўлади[1].

Албатта, навоийшуносликнинг энг баракали ривожланган даври ўтган асрга тўғри келади. Бу даврда XIX аср олими М.Никитский[2] анъанасини давом эттирган рус олимлари В.В.Бартольд ва Е.Э.Бертельс навоийшунослик илмини янги босқичга кўтардилар. Бу борада таниқли ўзбек олимлари Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Садриддин Айний, Олим Шарафиддинов, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, Абдураҳмон Саъдий, Тўхтасин Жалолов, Воҳид Абдуллаев, Қутбиддин Муҳиддинов, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Суюма Ғаниева, Ботирхон Валихўжаев, Эргаш Фозилов, Натан Маллаев, Ботирхон Акрам, Содир Эркинов, Ёқубжон Исҳоқов, Эргашали Шодиев, Раҳим Воҳидов, Малик Муродов, Қавомиддин Муниров ва бошқа устозларнинг хизматлари беқиёс[3]. Ўзбекистон қаҳрамони Суюма Ғаниева ва профессор Абдуқодир Ҳайитметовлар бутун умрларини Навоий ижодини ўрганишга бағишлаган бўлсалар, академик Азиз Қаюмовнинг 10 жилдлик (12 китоб) “Асарлар”ининг 4 жилди (5 китоб) Навоийга аталган. Кейинги авлоддан профессорлар Муҳаммаджон Ҳакимов, Эргаш Умаров, Ботирбек ва Саидбек Ҳасановлар, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Малик Орипов, Баҳром Бафоев, Иброҳим Ҳаққулов, фан номзодлари Ёқубжон Исҳоқов, Т.Аҳмедов, Ш.Эшонхўжаев, Л.Ҳалилов, Ш.Шарипов, Ю.Турсунов, ва бошқалар ҳам бу йўлда озмунча заҳмат чекмадилар[4]. Бу даврда шоир ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонаси ходимлари Зуҳра Бердиева ва Афифа Туроповалар тайёрлаган 266 саҳифалик “Адабиётлар кўрсаткичи”да 1967-1990 йиллар (24 йил) давомида 107 та алоҳида китоб ва рисолалар, турли нашрларда 230 та шоир ижодидан намуналар ва 2418 та мақола эълон қилинганлигини эсга олиб ўтиш кифоя.

Бу даврда Навоий асарлари қўлёзмаларини жаҳон китоб хазиналаридан излаб топиш, уларни тавсиф ва таҳлил қилиб қатор асарлар танқидий матнини яратиш, уларни нашр қилиб кенг китобхонлар оммасига етказиш, уларнинг мазмуний мундарижаси ва бадиий қудратини таҳлил қилиш бўйича ниҳоятда савобли ва улкан ишлар амалга оширилди. Наво-

---

[1] Биз бу рақамни белгилашда буюк шоир туғилишидан эмас, унинг шеърларидан тузилган ва бизгача етиб келган дастлабки мажмуа “Илк девон” яратилган санадан келиб чиқдик.

[2] М.Никитский. Эмир-Низам эд-Дин Али-Шир в государственном и литературном его значении. Рассуждения на степень магистра восточной словесности. СПб., 1856.

[3] Тан олиш лозимки, XX аср бошларида Навоий шахси ва ижодига жиддий эътибор қаратишни биринчи бўлиб, ўзбек зиёлилари эмас, балки озарбайжонлик жонкуярлар бошлаб беришди. Қаранг: “Алишер Навоий Озарбайжон адабиётшунослигида”, Боку, “Қартал”,2009, с. 17-78. (Озарбайжон тилида). Ҳатто 1926 йилда Озарбайжонда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро анжуман ўтказиш режаси ҳам тузилган эди, аммо СССР таркибидаги туркий халқлар яқинлашувини хоҳламаган Москвадаги раҳбарият бунга йўл қўймади.

[4] Тилга олинган навоийшунос олимларнинг барча асарлари мавзу ва мазмуни ҳақида энг қисқа маълумотлар келтириш учун ҳам алоҳида китоб ёзиш зарур бўлур эди.

ий асарларининг тили ўрганилиб, қатор луғатлар босилиб чиқди. Ижодкорларимиз буюк шоир ҳақида шеърлар, достонлар ёздилар, Ойбекнинг шуҳратли “Навоий” романи яратилди. Бугун ўзбек халқи орасида Навоийни танимаган, унинг ижодий меросидан озми-кўп хабардор бўлмаган бирор одам қолмаган десак, муболаға бўлмас. Олимларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз ўз ишларига ниҳоятда ҳалол ва сидқидилдан муносабатда бўлганларига шак-шубҳа йўқ. Аммо XX аср навоийшунослигининг анча-мунча ноқисликлари ҳам бўлганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби илм аҳлида эмас, балки давр сиёсий муҳитида эканлиги ҳам барчага аён.

Ўзбекистон мустақиллиги навоийшунослик ривожига беқиёс имкониятлар йўлини очди. Аввало юқорида номлари тилга олиб ўтилган устозлар Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Суюма Ғаниева, Ботирхон Валихўжаев, Ботирхон Акрам, Ёқубжон Исҳоқов, Эргаш Умаров, Ботирбек ва Саидбек Ҳасановлар, Муҳаммаджон Ҳакимов, Баҳром Бафоев, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқалар мустақиллик йилларида янада янги куч-ғайрат ва илҳом билан навоийшунослик илми ривожига ҳисса қўшиб бордилар. Қолаверса, бу сафга қўшилган Нажмиддин Комилов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Мавжуда Ҳамидова, Ҳасан Қудратуллаев, Самихон Ашурбоев, Дилором Салоҳий, Афтондил Эркинов, Шуҳрат Сирожиддинов, Муҳаммаджон Маҳмуд, Султонмурод Олим, Ҳасан Қудратуллаев, Абдусалом Абдуқодиров, Қодиржон Эргашев, Сирдарёхон Ўтанова, Ҳомиджон Исломов, Олимжон Давлатов, Эргаш Очилов, Исроил Шамсимуҳамедов ва бошқаларнинг қатор тадқиқотлари ва китоблари юзага келди. Булардан ташқари Бегали Қосимов, Пиримқул Қодиров, Фозила Сулаймонова, Шоислом Шомуҳамедов, Исматулла Абдуллаев, Боқижон Тўхлиев, Иброҳим Ғафуров, Носир Муҳаммад, Хуршид Даврон, Муҳаммаджон Қодиров, Мусфира Мунавварова ва бошқалар ҳам ўз асарларида Навоий даҳосига турли миқёсда муносабат билдириб ўтганликларидан хабардормиз. Бугунги кунда Бобомурод Эрали, Насиба Бозорова, Умид Бекмуҳаммад, Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдумажидовларнинг алоҳида асарлари, Сарвиноз Сотиболдиева, Дилнавоз Юсупова, Абдувоҳид Ҳайитов, Нодир Ғаффоров, Замирахон Исоқова, Гулноза Ҳусаинова, Дилфуза Тўхлиева, Малика Раупова, Ойсара Мадалиева каби ёшларнинг махсус тадқиқотлари қутлуғ анъанани давом эттириб бормоқда. Поён Равшанов, Омон Мухтор, Асад Дилмурод каби адибларимиз ушбу мавзуда ўз қисса ва романларини чоп эттирдилар. Марҳум шоиримиз Барот Бойқобиловнинг Навоий ҳақида яратган шеърий тетралогияси Хожа Аҳрор ҳақидаги достони билан биргаликда “Янги Хамса” номи остида нашр этилганлиги, Барот Бойқобилов, Омон Мухтор, Шуҳрат Сирожиддинов асарлари Навоий номидаги давлат мукофотига лойиқ кўрилгани ҳам кўпчиликка маълум.

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан навоийшунослик бугунги кунда жаҳон миқёсида ривож топиб бормоқда. Япониялик профессор Кубо, австриялик Берт Фрагнер, америкалик Николас Волмсли, француз олимлари Алехандр Папас, Марк Тоутант, турк олими Юсуф Четиндоғ, эронлик доктор Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ, покистонлик тадқиқотчи Сўғробону Шукуфта ва бошқалар шоир ижодининг турли қирраларини кашф қилиб, дунё халқларига Навоий даҳосини таништирмоқдалар.

II

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Алишер Навоий шахси ва ижодий мероси ҳақида битган ниҳоятда ҳаяжонли сатрлари кўпчиликнинг ёдида. Шундай бўлса ҳам биз бу эъзозли эътирофларни яна бир марта саҳифа юзига қайд этишни лозим кўрдик:

“Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”[1] .

Бу эътирофлар мағзи жуда бикр. Уларнинг ҳар бир жумласи остида минг-минг мазмун ётибди, даҳо шоир ижодини ўрганишнинг янги уфқлари бўйича соҳа мутахассисларига йўл-йўриқлар бор. Биз ҳозирча фақат баъзи жиҳатларга эътибор қаратиш билан чекланамиз.

Яқинда таниқли навоийшунос ва тасаввуфшунос профессор Иброҳим Ҳаққулнинг ўзбек тасаввуф адабиётини ўрганилиши хусусида жиддий бир мақоласи эълон қилинди. Унда, жумладан, бир ёш тадқиқотчининг Навоий “Хамса”си мазмунини тасаввуфий руҳда талқин қилишга уриниши танқид остига олинган ва буюк мутафаккирнинг асарида “*давр ва замонаси учун энг долзарб, энг ҳаётий ва аҳамиятли ижтимоий-сиёсий, диний-ахлоқий масалалар*” “*образли оҳангларда*” талқин қилинганлиги тўғри таъкидланган. Мақола охирида улуғ тасаввуф шоири Жалолиддин Румийнинг ўғли “*ориф шоир*” Султон Валаднинг тасаввуфий шеърият вакили билан “*оддий шоир*”нинг ижоди орасидаги фарққа доир қуйидаги мулоҳазалари келтирилган: “*Зеро авлиё ўзидан фоний бўлиб, Ҳақ ила бақоликка етишган зотлардир. Уларнинг ҳаракати ҳам, тирикликлари ҳам Ҳақдандир... Шоирларнинг шеъри бунинг акси бўлиб, фикр ва хаёл маҳсулидир. Шунинг учун ҳам авлиёнинг шеъри шоирларнинг ўйлаб топилган, ёлғон, уйдирма, муболаға тарзида тўқилган шеърларига ўхшамайди. Аммо улар ўзларининг шеърларини ҳам валиларники билан тенг деб тасаввур қилишади. Ваҳоланки, буларнинг асосий мақсади ўз устунлигини кўрсатиш ва шон-шуҳрат соҳиби бўлишдир... Авлиё эса шеърда ўзини эмас, Ҳақни кўрсатади. Зеро чин ошиқнинг шеъридан Ҳақнинг бўйи келади, худпараст*

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, с. 47-48.

шоирникидан шайтон васвасаси сезилиб, эшитилиб туради."[1] Султон Валад ўз отаси тимсолида "*авлиё-шоир*" билан ўша давр ўрта-миёна сарой шоирларининг фарқини яхши кўрсатиб берган. Аммо мақола муаллифи фақат тасаввуфшунос эмас, балки мумтоз адабиётнинг кўзга кўринган тадқиқотчиси сифатида "*ориф шоир*"нинг мулоҳазаларини изоҳлаб масалага муайян аниқликлар киритишни лозим топмаганлиги бизга бироз таажжубли кўринди.

Султон Валад таърифлаган икки тоифа шеърият вакилларидан ташқари бу соҳада яна бирор тоифа борми? Масалан, Рудакий ва Фирдавсий, Носир Хисрав ва Умар Хайём шеъриятини қайси тоифага киради? Анварий ва Хоқоний-чи? Саноийни "*авлиё-шоир*" десак, Низомийни ким деб атаймиз? Булар барчаси улуғ шоирлар, "*худпараст шоирлар"* эмаслиги равшан. Аслида Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий сингари валий шоирлар шеъриятининг мазмуний қамрови ҳам ёлғиз тасаввуфшуносларимиз назарда тутган ирфоний ғоялар доирасидан анча-мунча кенгроқдир. Умуман "*авлиё*" тушунчасининг халқ тилидаги кенг маъноси билан тасаввуфий тилдаги тор маъноси ўзаро маълум даражада фарқланишини ҳам фаромуш этмаганимиз маъқул. Шу маънода ўзидан олдинги барча улуғларни ўзига устоз санаган ва улар кўтарган муаммоларни янада теранроқ ва мукаммалроқ ифодалаб бераолган Алишер Навоийдек буюк маънавият муаллимини ***"авлиёларнинг авлиёси", "мутафаккирларнинг мутафаккири", "шоирларнинг султони"*** деб таърифланиши нақадар чуқур мазмунларга ишора қилаётганлиги эътиборга лойиқ.

"Адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир", - деган эди Ислом Каримов[2]. Ўзбек учун бу ҳал қилувчи гап. Чунки аждодларимиз яратган соф фалсафий асарлар асосан ё араб тилида ёки форс тилида. Ахлоқшуносликка оид асарларнинг ҳам аксарияти форс тилида битилган. Тасаввуфга оид салмоқли илмий ва илмий-ирфоний асарлардан фақат Навоийнинг "*Насоим*"ини биламиз. Шундай экан, ўзбекнинг маънавияти асосан аждодларимизнинг бадиий меросида акс этиши ўз-ўзидан маълум.

Энди ёш навоийшунос олималардан бири матбуотда билдирган баъзи фикрларга тўхталиб ўтсак. Олиманинг айтишига кўра, "*Навоий ижодида тадрижий такомиллашувни кўриш қийин. У шеърдан - шеърга, асардан – асарга ўсиб, такомиллашиб борган ижодкор эмас. Балки илк шеърларидаёқ мукаммалликни намоён этган сўз санъаткори."*[3] Аксинча, биз кўп улуғ шоирларимиз ижодий такомил йўлини, афсуски, илмий ўрганиш имконига эга эмасмиз. Чунки уларнинг шеърий девонларидаги қайси шеърни қачон ёзилганлигини билиш учун етарли ва ишончли далиллар йўқ. Шу нуқтайи назардан Алишер Навоий ижоди бизга катта имкониятлар беради. Чунки унинг ўзи ҳаёт чоғида тузилган қатор девон қўлёзмалари бизнинг бахтимизга кўплаб сақланиб қолган. Бу соҳада Ҳамид Сулаймон ва Дилором Салоҳийлар бошлаган хайрли ишни давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Олиманинг иккинчи иштибоҳли мулоҳазаси Навоий ва унинг форсигўй салафлари ҳақида бўлиб, шундай иддао қилинади: "*ўша даврда яратилган асарларда бадиий тафаккур, ташбеҳу тимсолларнинг муштарак ва бир-бирига яқин жиҳатлари кўп. Фарқ, асосан, унинг тилдаги ифодасига бориб тақалади. Бу – Навоий ва Жомий мисолида кўпчиликка аён."*[4] Жомий ва Навоийнинг устоз-шогирдлик муносабатлари, дарҳақиқат, "*кўпчиликка аён*". Аммо бу дегани бу икки улуғ аллома бадиий тафаккурлари ўртасидаги фарқ асосан, уларнинг "*тилдаги ифода-*

[1] "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 2015 йил, 5-сон, с.29-30.
[2] Ислом Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., "Ўзбекистон", 2009, с.23.
[3] "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2010 йил, 5 февраль, № 6, с.3. "Навоийнинг ҳудудсиз олами" (Давра суҳбати).
[4] Ўша саҳифа.

сига бориб тақалади" дейиш на инсофга на илмга тўғри келади. Бу кетишда биз яна Навоий "*форс адабиётининг таржимони*" деган "*эски пластинка*"га қайтиб бориб қолмаймизми! Аслида бундай мулоҳазаларнинг туғилиши ҳам Навоий ижоди ҳақида гапирилаётган кўп гаплар ўша гап эгаларининг ўз тафаккур ва билим даражаларидан туриб билдирган фикрлари натижасидир. 70 йиллик қарамлик асорати тафаккуримизни шу даражада қашшоқлаштиргани ўта афсусланарли ва хатарли ҳолат бўлиб, бугун биз бу аҳволдан қанча тезроқ чиқиб кета олсак шунча хайрлидир. Мустақиллигимизнинг маънавий масъулияти шуни тақозо қилади.

Ушбу китоб мазмунан юқорида тилга олинган ноаниқликларга муайян даражада илк ва мухтасар жавоблар сифатида шакллантирилди. Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, энг охирги тадқиқотлар биринчи қисмда, мавзу бўйича энг биринчи ёзилган мақола энг охирида берилди. Биринчи қисм кўпроқ назарий йўналишда бўлиб, амалий жиҳатдан фақат дастлабки қадамларни ўз ичига олади. Иккинчи ва учинчи қисмлар мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари ва ватан мустақиллиги остонасида нашр қилинган илк яхлит тадқиқотлардан намуналар бўлиб, муаллифнинг бу йўналишдаги тадқиқий такомилидан хабар беради. Шу сабабли турли қисмлар аро учраши мумкин бўлган баъзи қайтариқлар атайин иҳчамлаштирилмади.

1-ҚИСМ. XXI АСР

АЛИШЕР НАВОИЙНИ ТУШУНИШ

Юксак тоғ чўққисига чиқиш қанчалик машаққатли бўлса, буюк сиймолар меросининг асл моҳиятига етиб бориш ҳам бундан осонроқ эмас. Аммо, айниқса, бадиий ижод меваларига нисбатан олганда масаланинг бундай қўйилишидан жуда ҳам чўчиб кетиш керак эмас. Чинакам бадиий асарнинг ўзига хослиги шундаки, ундан ҳар ким ўз талаби ва савиясига кўра баҳра ола билади. Алишер Навоий бадиий мероси бундан мустасно эмас. Тоғ чўққиси жуда ҳайбатли ва олис кўрингани билан сиз ҳали ҳақиқий тоғ бағрига кириб бориб улгурмай, ёнбағирдаги қирларга яқинлашаётганингиздаёқ юзингизга дараларнинг салқин шабадаси урилиб, ҳузурлана бошлайсиз. Алишер Навоий ғазалларига басталанган куйлар қулоғингизга чалина бошлагандаёқ вужудингизни ширин ҳаяжон чулғай бошлайди, шундай эмасми? Улуғ шоир девонларида оддий кишиларни ҳам ўзига мафтун қиладиган шеърлар, оддий деҳқону косиб, ёшу қари юрагига етиб борадиган сатрлар кам эмас.

Бундан ташқари улуғлар ижодини ҳар бир давр одамлари, ҳар бир авлод ўзига яраша тушунади, замонига мослаб талқин қилади. Шундай экан, Алишер Навоий маънавиятининг XX аср талқинлари XXI аср учун қанчалик мувофиқ келиши анча баҳсли масала. Ўтган асрнинг ўзига хос мафкуравий талаблари бўлганлигини ўша даврда яшаб улғайган катта авлод яхши билади. Даврнинг таниқли алломалари, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов каби академиклар «*Навоийнинг қалб дафтари*», «*Улуғ шоир ижодининг қалби*» сингари теран таҳлилларга бой асарлари билан шуҳрат қозондилар. Аммо бу закий инсонлар ўтмиш маънавий меросини қандай яхши тушунишса, давр мафкуравий талабларини ундан ҳам теранроқ англаб турардилар ва уларга риоя қилмаслик оқибатларини ҳам ўз устозларининг аянчли тақдирларида кўз билан кўрган эдилар. Улар билан олдинма-кетин фанга кириб келган ўзга навоийшуносларимиз ҳам шоир ижоди билан қанчалик жиддий шуғулланишмасин, барибир давр талабларига бўйинсунишга мажбур эдилар. Бугунги ёш авлод эмин-эркин замонда яшамоқда. Қуръон оятлари ва Расулиллоҳ ҳадисларига мурожаат қилиш халқ орасида борган сари кенгроқ урф бўлмоқда. Алишер Навоий ижодига ислом дини ва тасаввуф ғояларининг таъсири қатор илмий тадқиқотларга мавзу бўлмоқда.

Аммо улуғ шоир маънавиятини теран ва холис англаб етиш учун бу изланишлар ҳали етарли эмас. Очиғини айтганда, тафаккури ўтган асрда шаклланган устозлар таълимини олган кўп шогирдлар ўзлари билиб-билмаган ҳолда уларнинг ўзига хос қарашлари измига тушиб қолишлари хатарини енгил санамаслик керак. Бу устозлар эса расман ўтмиш қарамлик даврида олға сурилган ғояларнинг очиқ кўриниб турган мафкуравий тушовларини ечиб ташлаган бўлсалар-да, кўзга ёрқин ташланмайдиган нозик тагмаънолари, пухта ишланган яхлит тизимнинг баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қоладиган қолдиқ аломатларидан тамомила халос бўлганларини қатъий тасдиқлаш қийин. Бунинг, албатта, жиддий сабаблари бор. Асосий сабаб иккита ва улар бир-бирига боғлиқ.

Биринчи сабаб - улар ўз даврида улуғ шоир ижоди сув ичган сарчашмалардан бебаҳра қолганлар, уларга бундай имконият берилмаган. Иккинчидан, инсон онгига ўрнашган муайян дунёқарашни ўзгартириш учун ундан-да кучлироқ ва ишончлироқ дунёқараш тизими таклиф этилмоғи лозим бўлади. Алишер Навоий маънавий мероси ўзбек халқи учун ана

шундай бақувват ва мукаммал тизим эканлиги шубҳасиз, аммо Маркс таълимоти энг охирги ва энг ҳаққоний дунёқараш, ислом дини эса тажовузкор араблар томонидан бизнинг халқимизга мажбуран юқтирилган уйдирма хурофот деб зўрлик билан уқдириб келинган бир вазиятда XV асрда яшаб ижод этган бир шоирнинг қарашлари коммунистик мафкурадан кўра илғорроқ бўлиш ҳуқуқига эга эмас эди. Бугун бу мағзи пуч эртаклар ҳаво тўлдирилган пуфакдек бир зарба билан ёрилиб кетди. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, **ўша давр талабларини ҳисобга олиб ёзилган талқинларнинг аксарияти** кенг китобхон оммасигина эмас, балки ҳанузгача халқимизнинг зиёли қатламлари онгидан ҳам тамомила тозаланиб кетган дейиш қийин. Ўз даврининг **эътиборли навоийшунослари** томонидан олға сурилган бу замонасозлик талқинлари бугунги ёш тадқиқотчиларни ҳам чалғитиши мумкинлигини инкор қилиб бўладими?[1]

Яна бир қийинчилик шундаки, Навоий ижодини бевосита ислом динининг асослари бўлмиш муқаддас китоблар билан боғлаб ўрганишнинг ўзи қониқарли натижа бермайди, чунки оят ва ҳадисларнинг турли шарҳ ва тафсирлари мавжуд бўлиб, улардаги турли талқинлар орасида жиддий баҳсли ўринлар, ҳатто бир-бирига зид қарашлар ҳам топилади. Бугунги кунда турли бидъатчи оқимларнинг келиб чиқиши беҳуда эмас. Айтиш керакки, муқаддас китоблардан то Навоийгача муайян маънавий силсила ҳалқаларини бирма-бир адашмай топиб, мукаммал ўрганиб чиқмагунча барча гапирилган гаплар тахминий бўлиб қолаверади. Мен Ғаззолий, Саноий, Анварий, Хоқоний, Низомий, Амир Хусрав, Аттор, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомийни биламан. Шу билимларим ҳам мукаммал эмас. Лекин Бу Али (Абу Али Ибн Сино) меросига муносабат қандай? Ибн ал-Арабий асарларида нималар дейилган? Насимийнинг қарашлари, Хожуйи Кермоний, Абулвафойи Хоразмий, Камолиддин Ҳусайн[2] асарларида олға сурилган ғояларга шоирнинг муносабати қандай? Лутфий ва Амирий каби даврдошларининг Навоийга таъсири қандай? Хуллас, масала анча мураккаб.

Асли ҳақиқий илмда осон нарсанинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун бундан чўчиш керак эмас. Фақат иложи борича Навоийга қадар минтақа маданиятида яратилган маънавий меросни яқиндан ўрганиш керак. Айниқса, шоир ўзи эҳтиром билан тилга олган салафлари ижодига алоҳида эътибор лозим. Бир сўз билан айтганда, Навоийни ўқиш керак. Ҳар бир сўзини чуқур англаб етиб, ҳар бир ишора, ҳар бир рамзга алоҳида эътибор қаратиб ўқиш керак. Шунда кўп сирлар ошкор бўлади, кўп муаммолар ўз ечимини топади.

---

[1] Бу мулоҳазани тасдиқловчи энг аччиқ мисол академик навоийшунос Иззат Султон ва ўз даврининг атоқли шоири Уйғунлар ҳамкорлигида ўтган асрнинг ўрталарида яратилган “Алишер Навоий” драмаси, унинг саҳна ва кино вариантлари, ҳамда буюк адибимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг шоҳ асари бўлмиш “Навоий” романидаги улуғ шоир ва унинг жонажон дўсти - охирги улуғ темурий ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро ораларидаги муносабат талқини бўлиб, қарамлик даври сиёсатида агар ўтмиш ижодкор - шоир ёки олим қиёфасини маълум чегараларда ижобийроқ қилиб кўрсатишга баъзи ҳолларда ижозат берилса ҳам, ўтмиш аждодларимиз давридаги бирор тахт эгаси - ҳукмдорни холис тасвирлаш умуман қатағон қилинган эди ва бу қоидага истисносиз риоя қилиш шарт эканлигини ўша давр зиёлиларимиз яхши билишарди. Бугунги ёшларга шундай қатағонларни инобатга олиб яратилган талқинларни шундоғича саҳнада, экранда, китобда жонлантириш қандай оқибатларга олиб келишини бугунги улуғ ёшли зиё аҳли тўлиқ тасаввур қилмоқдами? Нега бу ҳақда ҳанузгача ёшларга аниқ йўлланмалар, изоҳ ва тушунтиришлар матбуотда ва таълим тизимида ёрқин кўзга ташланмайди?

[2] Абулвафойи Хоразмий, Камолиддин Ҳусайн Хоразм адабий муҳити ва тасаввуф мактабининг XIV-XV асрларда яшаб ўтган атоқли вакиллари бўлиб, Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида уларни эҳтиром билан эслаб ўтади, аммо бу шоир ва мутасаввуфлар ижоди ҳануз яхши ўрганилмаган.

XXI АСР НАВОИЙШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Алишер Навоий ижодий мероси ҳудудсиз уммон. Бу меросни ўрганишга эътибор шоир ижодининг илк даврлариданоқ бошланган бўлиб, борган сари дунё миқёсида кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Айниқса, охирги юз йил ичида бу соҳада баракали ишлар амалга оширилди. Бу даврда Навоий асарлари қайта-қайта кўп минг нусхаларда нашр этилди, улар аксариятининг танқидий матнлари тайёрланди, луғатлар чоп этилди, шоир ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида кўплаб тадқиқотлар ўтказилди, уларни оммалаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.

XXI аср бошларига келиб бу соҳадаги сай-ҳаракатлар доираси янада кенгайиб бормоқда. Масалан, охирги 10-15 йиллар орасида қилинган ишлардан баъзиларини тилга оладиган бўлсак, академик Азизхон Қаюмовнинг «*Асарлар*»инининг 1-4 жилдлари (2008-2009 йиллар), «Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар» асари (2011 йил), академик Алибек Рустамийнинг «*Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами*» (2014 йил), Нажмиддин Комиловнинг «*Маънолар оламига сафар*»(2012 йил), «*Хизр чашмаси*» (2005 йил), Шуҳрат Сирожиддиновнинг "*Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили*" асари (2011йил), Иброҳим Ҳаққулнинг "*Навоийга қайтиш*" асарининг 1-3-китоблари (2007-2017 йиллар), Қодиржон Эргашевнинг "*Ўзбек насрида иншо*" мавзуидаги тадқиқоти (2011 йил), яна шу олимнинг рус тилида «*Фан*» нашриётида босилиб чиққан *"Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг айрим жиҳатлари" («Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои»)* асари (2012 йил), Сирдарёхон Ўтановнинг "*Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси*" номли (2011 йил), Боқижон Тўхлиевнинг «*Алишер Навоий ва ёшлар тарбияси*» (2015 йил) номли, профессор Аҳмаджон Қуронбековнинг «*Алишер Навоийнинг «Хамса» достонларида рамз ва тимсоллар*»(2015 йил), «*Хамса» уммонидан қатралар*»(2017 йил) номли, Афтондил Эркиновнинг «*Алишер Навоий «Хамса»си талқини манбалари*» (2018 йил) номли монографиялари, 2016 йилдан иш бошлаган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг биринчи қалдирғочи бўлмиш Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова, О.Давлатовлар шакллантирган «*Навоийшунослик*» дарслигининг 1-китоби (2018 йил), Ғиёсиддин Хондамирнинг «*Макорим ул-ахлоқ*» асарининг афғонистонлик адабиётшунос Абдулғаффор Баёний тайёрлаган тўлиқ матни ўзбек тилига таржимасининг нашр этилиши (2015 йил), Ҳомиджон Исломов тайёрлаган "*Насойим ул-муҳаббат*"нинг илмий-танқидий матни, Навоий асарларининг ўн жилдлиги, ёш олим Олимжон Давлатов тайёрлаган «*Хазойин ул-маоний*»нинг янги нашри, шоир таваллудининг 570 йиллигига бағишланган "*Навоийнинг ижод олами*"(2011 йил) илмий мақола ва тадқиқотлар тўплами, Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. (рус, инглиз, немис, француз тилларига таржималари билан) китоби, турк олими Юсуф Четиндоғнинг "*Алишер Навоий ва усмонли шеърияти*" асарининг ўзбекча таржимаси (2011 йил), Москвада "*Художественная литература*" нашриётида чоп этилган "*Ҳайрат ул-аброр" («Смятение праведных*») китоби, Эронда (Табризда) доктор Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ амалга оширган "*Муҳокамат ул-луғатайн*"нинг янги илмий нашри, доктор Суғробону Шукуфтанинг Покистонда нашр этилган "*Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва форс тилидаги асарлари таҳлили" ("Шарҳи аҳвол ва осори форсийи Амир Алишер Навоий"*) тадқиқоти (2005 йил), Бокуда озарбайжон-

лик тиним билмас фидойи навоийшунос олима Олмос Улвий тўплаб, нашрга тайёрлаган, қардош ўлкада шоир ижодига оид 1914-2008 йиллар ичида ёзилиб, матбуотда эълон қилинган ноёб мақолаларни ўз ичига олган «*Алишер Навоий Озарбайжон адабиётшунослигида»* тўплами (2009 йил) кабиларни эслаш мумкин.

Турли нашрлардаги алоҳида мақолаларга келсак, биргина *"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"* газетасида 2010-2012 йилларда буюк аждодимизга бағишланган 50дан ошиқ илмий мақола эълон қилингани айтилганларга яна бир далил бўла олади. Айниқса, Афтондил Эркиновнинг 1471 йили Оққўюнлилар давлати ҳудудида (Шерозда) кўчирилган Навоийнинг илк девонларидан бирининг топилиши хусусидаги суҳбати, Носир Муҳаммаднинг "Навоийнинг дунёвий шуҳрати", Қодиржон Эргашевнинг "Янглиш талқинлар", Бобомурод Эралиевнинг "Фарҳоднинг ташрифи" ва "Тўрт қаср тарҳи" мақолалари, Нажмиддин Комилов, Суюма Ғаниева, Иброҳим Ҳаққул каби кўзга кўринган навоийшунос устозларнинг чиқишлари, атоқли навоийшунослар, марҳум академик Воҳид Абдуллаев, профессор Натан Маллаевлар хотирасига бағишланган ёдномалар алоҳида диққатга моликдир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали ҳам ўз саҳифаларида улуғ шоир ҳақидаги янги-янги тадқиқий мақолаларни мунтазам ёритиб бормоқда.

2016 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан икки жилдлик «Алишер Навоий. Қомусий луғат» нашр қилинди. Жами 1016 саҳифалик бу қомусий луғат, менинг назаримда, Ўзбекистон навоийшуносларининг ўтган 100 йиллик меҳнатлари самарасини қисқа бир тарзда хулосалаб берувчи иш бўлган. Ушбу китобнинг иккинчи жилди сўнггида XX аср 30-йилларидан то XXI аср бошларигача Ўзбекистон олимларининг шоир ижодига бағишланган алоҳида асарлари ва илмий тадқиқотларининг бирма-бир қисқача мундарижалари баён қилинган. Унда номзодлик ва докторлик диссертациялари 2011 йилгача, китоблар эса 2015 йилгача қамраб олинган. Шу китоб маълумотларига қараганда охирги 80 йил давомида Навоий ҳаёти ва ижодига оид 175 та турли ҳажмдаги тадқиқот ва рисолалар чоп этилган бўлиб, шулардан 60та катта-кичик асарлар фақат 2005-2015 йиллар мобайнида дунё юзини кўрган, худди шу 80 йиллик даврда 110та номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган бўлиб, улардан 3 та докторлик ва 27 та номзодлик ишлари 2000-2011 йиллар давомида ҳимоя қилинган экан. Шунинг ўзиданоқ қарийб бир аср давомида қанчалик улуғ юмушлар амалга оширилгани очиқ-ойдин кўриниб туради.

Дарҳақиқат, шу кунгача ўзбек ва жаҳон навоийшунослари катта ишларни амалга оширишди. Уларнинг меҳнатини асло камситиш мумкин эмас. Аммо бугунги Ватан мустақиллиги шароитида, ҳурлик даврида энди кўп нарсаларни қайта кўриб чиқиш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари ахборот воситаларининг илгари тасаввур қилиб бўлмас даражада такомиллашуви ҳам илм аҳлига ажойиб имкониятлар яратиб бермоқда. Биз – ўзбек навоийшунослари бу имкониятлардан унумли фойдаланмоғимиз халқимиз, жаҳон афкор оммаси олдидаги ҳам қарз, ҳам фарз. Бизнинг бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиздан бири ҳам шу янги имкониятларни дадил ишга солиб, Алишер Навоий ва бошқа улуғ аждодларимиз меросларини манбашунослик ва матншунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик, маданиятшунослик ва маънавиятшунослик, тафаккур тарихи, умумбашарий маънавий тараққиётга қўшган ҳиссалари жиҳатларидан ҳартомонлама тадқиқ этишимизни тақозо қилади.

Алишер Навоий асарлари маънавий мазмунини англаб етишнинг, назаримда, уч босқичи мавжуд. Албатта, улар орасига "*хитой девори*" қўйиш тўғри бўлмайди, биз сезган-сезмаган ҳолда улар биридан-бирига ўтиб туради, аммо барибир бобокалонимиз ўгитларини теран тушуниб етишимиз учун шу уч қатлам ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлишимиз зарурдир.

Уларнинг биринчиси Навоий замонидан то ҳанузгача энг зукко зиё аҳлидан тортиб оддий фикр эгаси ва шеър мухлиси биринчи кўздан кечиришдаёқ ёқтириб қоладиган, руҳида ёруғ туйғулар ва дилида эзгу ҳислар уйғотадиган умумбашарий мумтоз мазмун. Буни шўролар даври адабиётшунослигида бироз ижтимоий жиҳатига урғу берган ҳолда кўпинча "*халқчиллик*" атамаси билан англатилар эди. Дарҳақиқат, аллома шоирнинг илк шеърлариданоқ хосу ом дилига кириб бора олгани бежиз эмас. Аммо бундай хислат фақат Навоий шахсига, фақатгина унинг бадиий ижодига хос нарса бўлмай, Саъдий ва Ҳофиз, Камол Хўжандий ва Жомий, Лутфий ва Атоий, Фузулий ва Машраб, Мунис ва Огаҳий, Муқимий ва Фурқат, Байрон ва Гете, Пушкин ва Лермонтов, Усмон Носир ва Чўлпон, Ойбек, Ғофур Ғулом ва Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Халима Худойбердиева, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф каби ўнлаб ва юзлаб шоирларга хос фазилат бўлиб, барча шеърият мухлисларининг юрагини банд қилиб келади.

Алишер Навоий асарлари маънавий мазмунидаги иккинчи қатлам эътиқодий ва ирфоний туйғуларга алоқадор бўлиб, бу жиҳатни ўз даврининг хос кишилари, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, "*аҳли маъни*" яхши идрок этган ва юксак қадрлаган. Шўролар давридаги аксарият тадқиқотларда олимлар турли сабабларга кўра одатан биринчи қатлам мазмунлар доирасини тадқиқ этиш билан чекландилар ва фақат баъзи академик даражасида фикрловчи устозларгина бу бадиий олам мазмунининг иккинчи қатлами ҳам мавжуд эканлигига енгил ишоралар қилиб ўтдилар. Бу босқични жиддийроқ ўрганиш иши деярли мустақиллик даври билан бошланди ва ҳали олдинда кўп ишлар турган бўлса ҳам, бугунги кунда бу йўналишда илк қадамлар қўйила бошланганини мамнуният билан эътироф этса бўлади.

Алишер Навоий маънавиятининг туб моҳияти ва ҳақиқий қудратини белгиловчи энг теран ва олий мазмунлар тўғрисида фикрлаш, ростини айтганда, ҳали кўпчиликнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Бунинг учун нималар қилишимиз керак?

Илм фалсафа ва бадиий адабиётдан фарқли ўлароқ кўп қаватли бинога ўхшайди. Улуғ файласуфлар, шоир ва адиблар ўз асарларида борлиқ ҳақиқатини ўзлари тасаввур қилган тарзда мантиқий ёки мажозий акс эттиришга уринадилар. Гўёки улар ҳар бири ўзларича ажойиб кошоналар қуриб, унга мухлисларини таклиф қиладилар. Аммо илм кишиларининг вазифаси хусусий кошоналар қуриш эмас. Ҳар бир соҳа олимлари асрлар давомида ўз соҳасининг кўпқаватли иморатига имкони ва салоҳиятига яраша бир ёки бир неча ғишт қўядилар, улуғ алломалар бутун бир қаватни тиклашга уриниб кўришлари ҳам мумкин. Ана шу илмнинг кўп қаватли иморати юксалган сари унинг пойдевори ҳам мустаҳкамланиб бормоғи керак. Агар 3-4 қаватли иморатга бир қават пойдевор етарли бўлса, 10-12 қаватли иморатнинг пойдевори ҳам 2-3 қават бўлиши талаб этилади. Дарахтнинг томири қанча чуқур кетган бўлса, у шунча юксакка бўй чўзгани каби бинонинг устуворлиги ҳам пойдеворнинг ер остига қанча пухта ўрнашганлиги билан боғлиқдир.

Навоийшунослик илми пойдеворининг **биринчи қавати**, албатта, адабий манбашунослик ва матншуносликка оид бўлиб, Алишер Навоий ижодий меросининг мукаммал илмий

матнларини яратишдан бошланиши табиий. Хўш, бугунги кунда бу соҳада нима ишлар қилинди ва нималар қилиниши керак?

Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан бири матншунос ва манбашунос ёш кадрлар тайёрлашдир. Матншунослик ва манбашунослик ихтисосининг мураккаблиги шундаки, бу соҳанинг лаёқатли билимдони бўлиш учун жуда кўп нарсани яхши билиш талаб қилинади. Мустақиллик шарофати билан мана неча йилдирки Тошкет давлат шарқшунослик институтида (2020 йил 16 апрелдан Тошкет давлат шарқшунослик университети) махсус "*мумтоз филология*" кафедраси ташкил қилиниб, ушбу мутахассислик бўйича алоҳида бакалаврлик ва магистрлик гуруҳларига талабалар қабул қилинмоқда.

"*Филология*" сўзни севиш дегани. Бунинг маъноси чуқур. Аслида ҳақиқий сўзни севгучилар шоирлар, адабиёт аҳлидир. Филологиянинг таркибий қисмлари сифатида адабий манбашунослик ва матншунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар агар ўзаро узоқлашиб кета бошласа, ўз асл мақсадларидан йироқлаша бошлайди. XIX аср Европа филология илмида кўпроқ тилшуносликка эътибор қаратилиб, дунё тилларини қиёсий ўрганиш биринчи ўринга кўтарилган эди. Ўз даврида бу йўналиш муҳим бўлганлиги шубҳасиз. Аммо бугунги кун илмида тил ўрганиш масаласи кўпроқ амалий-педагогик аҳамият касб этиб, тилшуносликка оид жиддий тадқиқотлар ривожланган ахборот технологиялари ёрдамида янги босқичга кўтарилмоқда. Бундай шароитда яна умумфилологик асосга қайтиш, яъни адабий манбашунослик, матншунослик, лингвопоэтика ва адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларини ечишда яқин ҳамкорлик йўлидан бориш талаб қилинмоқда. Демак, Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишда манбашунос ва матншунослар, тилшунослар ва адабиётшунослар қўлни қўлга бериб, яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари айни зарурат ва илм ривожининг олдимизга қўйган қатъий талабидир. Бугина эмас, бугунги кунда навоийшунослик ривожи минтақа маданияти доирасидаги диний ва фалсафий билимлар, тарих ва жамиятшунослик муаммолари, ахлоқ ва тарбия, руҳшунослик ва нафосатшуносликка оид барча билимлардан, қардош форс, араб, ҳинд тилларидаги бадиий, тарихий, ирфоний адабиётлардан жиддий хабардорликни тақозо қилади.

Энди бевосита Навоий асарлари матний тадқиқига қайтадиган бўлсак, бу масалада кўп жиҳатдан ўзбек халқининг, жумладан, матншуносларимизнинг омади келган, деб бемалол айтишимиз мумкин. Мумтоз адабиётимизнинг Навоийдан анча кейин яшаган Машраб, Турди, Гулханий, Махмур сингари йирик намояндалари меросидан фарқли ўлароқ Алишер Навоий аксарият асарларининг шоир тириклик даврида кўчирилган, демакки, унинг назаридан ўтган ишончли қўлёзмалари, тақдир иноятти билан орада ўтган 500 йилни соғ-омон бошдан кечириб, бизгача етиб келган. Айни шу имкониятлар туфайли шоирнинг шахсий котиби сифатида фаолият юритган Абдужамилнинг муаллиф матнидан пешма-пеш кўчириб борган "*Хамса*" қўлёзмасига таянган ҳолда таниқли матншунослар Ғулом Каримов "*Лайли ва Мажнун*" (1944 йил), Солиҳ Муталлибов "*Ҳайрат ул-аброр*" (1945 йил), Порсо Шамсиев "*Сабъаи сайёр*" (1953), "*Фарҳод ва Ширин*" (1963 йил) достонларининг араб ёзувидаги илмий-танқидий матнларини тайёрлаганликлари маълум. Аммо афсуски, улардан бугунги кунгача фақат "*Сабъаи сайёр*" (1956 йил), "*Фарҳод ва Ширин*"(1963), "*Ҳайрат ул-аброр*" (1970 йил) нашр қилинган. "*Лайли ва Мажнун*" достонининг араб ёзувидаги илмий-танқидий матни мавжуд бўлишига қарамай, ҳануз чоп этилгани йўқ.

1960 йилда Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган “*Хамса*”нинг тўлиқ нашри шоир ҳаётлик даврида Абдужамил котиб ва Султон Али Машҳадий кўчирган нусхаларга таяниб амалга оширилган. Аммо бу нашр ҳам кирилл ёзувида бўлиб, илмий-танқидий матн талабларига жавоб бермайди. 1959-1960 йилларда Ҳамид Сулаймон изланишлари туфайли қўлга киритилган мўътабар қўлёзмалар асосида «*Хазойин ул-маоний*»нинг 4 девонини нашр эттирди. Бу нашр ўз вақтида жуда катта аҳамиятга эга бўлган эса-да, барибир кирилл ёзувида ва турли матнлар аро фарқлар кўрсатилмагани сабабли илмий-академик матн талабларига жавоб бермайди.

Алишер Навоийнинг 1987-2003 йиллар орасида нашр этилган 20-жилдлик “*Мукаммал асарлар тўплами*” ўзбек навоийшунослигининг энг кўзга кўринган ютуғидир[1]. Бу нашр Навоийга тегишли ҳисобланган ўзбек ва форс тилларидаги барча асарларни тўлиқ қамраб олганлиги билан буюк шоир мероси хусусида кенг китобхонлар оммасида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Уни ўзбек навоийшуносларининг охирги бир асрлик самарали изланишларининг сарҳисоби ва шойиста якуни дейиш мумкин. Аммо бу нашр ҳам биринчи навбатда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, академик нашрлар талабига мутлақо жавоб бермаганлиги туфайли ундан шоир ижоди бўйича жиддий илмий тадқиқотларда фойдаланиш имкони йўқ.

Масалан, 1987 йилда “*Мукаммал асарлар тўплами*” таркибида “*Бадойиъ ул-бидоя*” ва “*Наводир ун-ниҳоя*” девонлари нашр этилди. Аммо уларда жуда кўп имловий хатолар ва матний сакталикларга йўл қўйилганидан ташқари[2] матн кирилл ёзувида бўлганлиги ва нусхалар орасидаги тафовутлар кўрсатилмаганлиги сабабли яна илмий-академик матн масаласи очиқ қолмоқда. Бундан ташқари ушбу нашрларда “*Бадойиъ ул-бидоя*” ва “*Наводир ун-ниҳоя*”нинг турли қўлёзмаларидаги шеърлар ҳар бири қайси қўлёзмадан олинганлиги тарихий тартиби билан қайд қилинмаганлиги шоир лирик ижодини тадрижий такомилда ўрганишга монелик қилади. Бу икки девон нашрида 100дан ошиқ ғазалнинг икки бора қайтарилиши муаммони янада чуқурлаштиради.

Масаланинг яна бир жиҳати, шу кунгача илмий-академик матн масаласида ўз даврида ишлаб чиқилган асос қоидалар бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ҳам бугун эътироф этишга тўғри келади. Сабаби, илмий-танқидий матнга асос қилиб олинган қўлёзма факсимилеси ўзгаришсиз юқори сифатда нашр қилиниши ва бошқа қўлёзмалардаги фарқлар алоҳида изоҳлаб кўрсатилиши керак. Агар асос қўлёзма ўзгартирилса, янги нусха вужудга келади ва матнга жиддий илмий ёндошув талаби қўпол равишда бузилади.

1961 йилда Суюма Ғаниева “*Мажолис ун-нафоис*”нинг 1498 йилда кўчирилган қўлёзмасидан таянч нусха сифатида фойдаланган ҳолда асарнинг илмий-танқидий матнини нашр эттирган эди. Мустақиллик даврида “*Насоим ул-муҳаббат*”нинг араб ёзувида тайёрланган илмий-танқидий матни ҳам чоп этилди. Аммо бу нашр савияси ҳақида матбуотда ҳануз бирор жиддий мулоҳаза эълон қилинганига назаримиз тушмади.

---

[1] Шу ўринда кичик, аммо миллий тафаккур нуқтайи назаридан анчагина жиддий мулоҳазани билдиришга тўғри келади. Ўзбек тилида рус тилидаги “*Полное собрание сочинений*” бирикмаси ўрнига бир сўздан иборат “*Куллиёт*” атамаси азалдан ишлатилиб келинган. Аммо улуғ аждодимизнинг 20 жилдлик “*Куллиёт*”ининг илк жилдлари (“томлари” эмас!) 1987 йилдан, яъни қарамлик давридан нашр этила бошлангани туфайли бу ҳолда ҳам русчадан калька олинган бўлиб, мустақиллик даврида ҳам бу мажбурий хато тузатилмади, ҳанузгача ҳеч ким бу ҳақда бонг ураётгани ҳам йўқ.

[2] Бу сакталиклар ҳақида ўз вақтида матбуотда чиқишлар бўлган.

Бугунги кунда Навоий меросини жиддий ўрганиш имкониятини яратиш учун унинг барча асарлари илмий-академик матнларини яратиш зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, шоир ҳаёт пайтида кўчирилган барча қўлёзмаларнинг юқори сифатли факсимил нашрларини керакли илмий изоҳлар билан амалга ошириш талаб этилади. Бугунги типография ва нашр шароитлари бунинг учун етарли имкониятлар яратиб бера олади. Шундан сўнг шоирнинг барча асарларини халқаро лотин ёзуви асосидаги матн транскрипциясини ишлаб чиқиш керак бўлади. Мустақиллик йилларида бу йўналишда унумли натижаларни қўлга киритган марҳум академик Эргаш Фозиловнинг қатор ишлари (“*Будапештская рукопись “Гуль и Навруз” Лютфи*” - 2006 йил, “*Лейденская рукопись “Гулистан би-т-турки и Диван*” Сайфи Сарайи” – 2007 йил, “*Лондонская рукопись “Дах-наме” и “Спора между опиумом и вином” Юсуфа Амири*” – 2007 йил, “*Латафат-наме (“Книга о красоте”) Ходжанди*” - 2009 йил) шу жиҳатдан ибратга лойиқдир. Ушбу китобларда олим асар факсимилесига қўшимча қилиб, халқаро лотин ёзуви асосида матн транскрипцияси, асарнинг тўлиқ жомеъ луғати (глоссарий), русча илмий таржимаси ва “*Муқаддима*”да батафсил грамматик шарҳини ҳам илова қилган[1]. Яна бир долзарб вазифа Алишер Навоийнинг араб тилидаги ижоди, яъни аллома тузган «*Сабъати абҳур*» луғати факсимил нашрини ҳам илмий изоҳлари билан мухлисларга етказиш лозим[2].

Навоийшунослик илми пойдеворининг иккинчи қабати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу биринчи навбатда Алишер Навоий асарларининг жомеъ луғати (конкорданси) ва унинг асосида санама сўзлиги (частотали луғати)ни тузиш масаласидир. Шоир асарларининг тили, жумладан, луғат таркиби ҳақида шу кунгача қатор тадқиқотлар ўтказилган. Масалан, филология фанлари доктори Баҳром Бафоев монографиясида шоирнинг ҳар бир асарида нечта сўз ишлатилганлигининг статистик ҳисобини келтиради ва охирида Навоийнинг *«... эски ўзбек тилида ижод қилинган 24 асарида жами 26035 та сўз қўлланилган»*, деб хулоса қилади[3]. Аммо бу миқдордаги сўзлар қайси асарда ва қайси ўринларда қўлланилгани кўрсатилмас экан, бундай ҳисоб-китобдан ҳечқандай наф йўқдир. Чунки олимнинг бу келтирган рақамларини тасдиқлаб ҳам, рад қилиб ҳам бўлмайди. Умуман бундай саноқни адашмай амалга ошириш мумкинлиги ўзи шубҳалидир. Олим тадқиқотида 26035 та сўзнинг тўлиқ рўйхатини бермаган, Берилган тақдирда ҳам сўзларнинг ишлатилиш ўринлари кўрсатилмаса, бу заҳматли оворагарчиликдан фойда кам бўлур эди. Демак, жомеъ луғатсиз шоир бадиий мероси устида на адабиётшунослик, на тилшунослик йўналишида жиддий фундаментал тадқиқотлар ўтказиш имконсиздир.

Ўтган 2012-2016 йиллар давомида Тошкент давлат шарқшунослик институтида ”А – 135 – Ф - Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий ва услубий тадқиқи” илмий-тадқиқот лойиҳаси бўйича давлат гранти асосида “*Хамса*” таркибидаги “*Ҳайрат улаброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”*, “*Садди Искандарий*” достонларининг конкорданслари тайёрланиб, лотин ёзуви асосидаги халқаро транскрипцияда асар матни билан биргаликда нашр этилди[4]. Кейинги йилларда ушбу конкорданслар

[1] “Гуль ва Навруз”да факсимиле йўқ, фақат матн транскрипцияси берилган, Истанбул қўлёзмасининг матни ҳам илова қилинган, Сайфи Саройида фақат “Девон” матни транскрипцияси ва таржимаси берилган.

[2] Биз бу ўринда асосан Навоийнинг ўзи томонидан “Сабъати абҳур” деб номланган араб тилининг изоҳли луғатини назарда тутмоқдамиз. Бу асар ҳақида кейинги мақолада мукаммал изоҳ берилган.

[3] Б.Бафоев. Навоий асарлари лексикаси. Т., “Фан”, 1983, с.19.

[4] Иловага қаралсин. С. 422.

асосида достонларнинг санама сўзликлари (яъни, частотали луғатлари) ҳам тўлиқ тузиб чиқилди. Бугунги кунда Навоий «Хамса»сининг ҳар 5 достони санама сўзликлари ва уларнинг бир китобга бирлаштирилган, «Хамса» туркумининг яхлит санама сўзлиги ҳам тўлиқ нашр этилган.[1]

Эндиги навбат шоирнинг лирик меросига. Агар шоир лирикасининг тадрижий тадқиқотини ўрганиш учун асос бўлувчи факсимил нашрлар амалга оширилса ва уларнинг халқаро транскрипциядаги матни яратилса, шу асосда шоир девонлари конкордансларини ҳам тузиш имкони пайдо бўлур эди. Худди шундай вазифаларни шоирнинг бошқа насрий ва назмий асарлари юзасидан ҳам амалга ошириш керак бўлади. Шундан сўнггина шоир асарларининг тили ва бадиияти юзасидан жиддий фундаментал тадқиқотлар яратишнинг реал имкониятлари шаклланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиб, ишга тушганлиги келажакда ушбу соҳадаги жуда катта ижобий ўзгаришларга олиб келиши шубҳасиз. Аммо буюк бобокалонимиз ижодини жиддий тадқиқ этишга киришиш учун фақат ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўрганиш кифоя қилмаслиги бугунги кунда кўпчиликка маълум. Алишер Навоий ўзигача яратилган минтақа маънавиятининг барча ютуқларини чуқур ўзлаштириб, шундай бақувват заминга таянган ҳолда улардан олға кетиб ўз мустақил маънавий дунёсини яратган. Бугунги кун учун ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган бу мустақил маънавий оламни тўғри ва дақиқ тушуниб етиш учун аввало унга асос бўлган кўп асрлик минтақа маънавий меросини жиддий ўзлаштирган бўлиш талаб этилади. Ўтган асрнинг бақувват навоийшунослари ё мадраса кўрган кекса авлод вакиллари, ё кенг қамровли билимга эга бўлган шарқшунос олимлардан иборат бўлган эди. 70-80 йилларда ўзбек филологиясини битириб чиққан ёшлар, аччиқ бўлса ҳам, тўғрисини тан олиб айтиш керакки, янги давр рус тилшунослик ва адабиётшунослик анъаналаридан кўп ҳам узоқ кетган эмаслар. Демак, XXI аср навоийшунослигининг юқорида тилга олинган улкан ва масъулиятли вазифаларини қониқарли даражада амалга ошириш учун шарқшунослар ва ўзбек филологларининг яқин ҳамкорлиги ўта зарурий эҳтиёждир. Бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик университетида бундай ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган ва унинг бир қатор ютуқлари юқорида тилга олиб ўтилди. Шу билан бирга қатор хорижий мамлакатлар илмий доираларида ҳам буюк ўзбек аллома шоири ижодига қизиқиш кучайиб бораётганлигини инобатга олиб, улар билан яқин ва самарали ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, уларнинг қизиқишларини ҳам инобатга олиш, ютуқларини ўрганиш лозим бўлади. Айниқса, замонавий ахборот технологияларининг энг охирги ютуқларини ўзлаштириш, ижтимоий фанлар йўналишидаги янги назарий қарашлардан хабардор бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Навоийнинг барча достонлари Низомий, Аттор, Деҳлавий, Жомий сингари форс тилидаги мумтоз адабиётнинг улуғ намояндалари асарларига татаббуъ тарзида яратилган. Шоир ўзи Амир Хусрав, Ҳофиз ва Жомийларни ғазалнависликдаги устозлари сифатида эътироф этган. “Девони Фоний”да уларнинг машҳур ғазалларига татаббуъълар бағишлаган. Амир Хусрав, Жомий, Анварий, Хоқоний каби улуғ қасиданависларга татаббуъ сифатида ирфоний қасидалар битган. Нафақат ушбу асарларни, балки араб ва форс тилларида яратилган бой маънавий меросни яхши ўзлаштирмай туриб, Навоийнинг жаҳон маданияти

[1] Иловага қаралсин. С. 421.

ва бадиий тафаккурига қўшган чўнг ҳиссасини мукаммал англаб етиш ва бугунги авлодга етказиб бериш мушкул.

Шу билан боғлиқ яна бир ўта долзарб муаммо устида тўхтаб ўтмасак бўлмас. Бу **ижтимоий фанлар методологияси** муаммоси. Бу муаммо бугунги кунда, менинг назаримда, жаҳон фанининг энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоси бўлиб, афсуски, ҳанузгача жаҳон миқёсида ўз ечимини топган йўқ.

Европа фанининг табиий ва техника фанлари соҳасида эришган ва эришаётган ютуқлари ҳаммага маълум. Аммо ана шу Европа тамаддунининг инсон маънавий камоли нуқтайи назаридан бугунги кунда ўта хатарли жарликка қулашга қараб кетаётганлиги ҳам кўпчиликка ошкор бўлиб бормоқда. Чунки табиий ва техника фанлари ривожи инсоннинг моддий таъминотига хизмат қилади, унинг руҳий баркамоллигини таъминлаш кафолатини бўйнига олмайди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб инсон маънавиятини юксалтириш масаласини биринчи ўринга қўйди, жаҳонда биринчи бўлиб, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш Академиясида "*Миллий маънавият*" кафедрасини ташкил эттирди, бутун таълим тизимига мутлақо илгари кўрилмаган "*Маънавият асослари*" фанини киритди. Шу билан ҳам кифояланмай, ўзи шахсан жаҳондаги давлат раҳбарлари ичида биринчи бўлиб шу мавзуда ажойиб назарий асар яратди. Ушбу ҳаракатлар бесамар кетгани йўқ, ҳозирги кунда бутун дунёда маънавият масалаларига эътибор кундан-кунга ошиб бормоқда.

Лекин биз – Ўзбекистон зиёлилари, ижтимоий-гуманитар фан вакиллари шу ташаббусларга назарий жиҳатдан жиддий эътибор қаратдикми, нега давлатимиз раҳбарининг бунчалик "*маънавият*" деб куйиб-пишаётгани ҳақида астойдил ўйлаб кўрдикми, деган саволга, афсуски тўлақонли ижобий жавоб бериш қийин. Тўғри, собиқ "*мафкурачи*" файласуфларимиз тинмай "*маънавият*" ва "*миллий ғоя*" ҳақида китоблар ёзишаяпти, аммо уларни ўқисангиз, салмоқли ва жиддий илмий ёндошув сезилмайди, янгича фикрлаш йўқ, бир-бирининг китобини ўқиш йўқ, барчаси собиқ Шўролар давридан қолган эски багаж асосидаги умумий чайналган гапларга юртбошининг китобларидан унда-бунда иқтибослар келтириш билан чекланиб қолинмоқда. Масалан, 2013 йилда Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академиясининг эски таркиби нашрга тайёрлаган каттагина «*Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати*»ни бир варақлаб кўрган одам бу эътирозлар қанчалик тўғри эканлигига шубҳаси қолмайди. Сабаби, бундай китобларнинг муаллифлари улуғ аждодларимиз маънавий меросини аслиятида бир варақлаб кўрган эмас ва тил билмагани, эски ёзувни равон ўқий олмагани учун бундай имкониятга эга ҳам эмас.

Биз мустақилликкача аждодларимиз меросидан ҳам айни Европа илми йўналишидаги табиий фанлар, математика, астрономия, фалсафа, медицина кабиларга асосий эътиборни қаратиб келдик. Ваҳоланки, булар ҳаммаси яна моддий дунёни англаб етишга қаратилган соҳалар, инсон руҳиятини эмас.

Илм-фаннинг барча соҳаси, фалсафа биринчи навбатда мантиқий тафаккурга таянади. Бу улар учун умумий асос. Аммо мантиқий тафаккурнинг ўзи билан илм бўлмайди. Табиий ва техника фанлари соҳасида узил-кесил илмий натижага эришиш учун мантиқий тафаккур ёрдамида эришилган хулоса амалий тажриба орқали исботланиши керак. Ижтимоий-гуманитар фанлар бевосита инсон руҳияти ва инсоний жамиятларга оид муаммолар билан шуғулланган туфайли бу соҳада турли тажрибалар ўтказиш амалиётини қўллаш

мумкин эмас. Тарихда бундай *“тажрибалар”* мудҳиш жиноятларга олиб келгани маълум. Демак, бу соҳанинг иккинчи методологик асоси табиий ва техника фанлари соҳасига қараганда тубдан бошқача бўлиши тақозо этилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар мавзуси (**объекти**) бўлмиш инсон руҳияти ва инсоний жамиятлар ўта мураккаб ҳодисалар бўлгани туфайли уларнинг ички сирларини тўлиқ англаб етиш ва тасаввур қилиш бир-икки инсоннинг уҳдасидаги юмуш эмас. Қуръони каримнинг “ал-Исро” сураси, 85-оятида “(Эй, Муҳаммад!) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ фақат Раббимнинг ишидандир”. Сизларга эса оз илм берилгандир” – дейилган[1]. Демак, бу соҳада биргина йўл қолади: аждодлар маънавий меросига таяниш.

Бундан табиий равишда келиб чиқадиган хулоса - ижтимоий-гуманитар фанлар фақат ва фақат миллий бўлади, баъзи собиқ “марк*систлар*” даъво қилаётганидек, *“умуминсоний маънавият”*, *“умуминсоний ахлоқ”* ва ҳ.к.лар фақат мавҳум тушунчалар, халос. Демак, миллий маънавиятимиз тарихий такомилини чуқур ўзлаштирмай туриб Алишер Навоий ижодининг асл моҳиятини ҳам англаб етишимиз мушкул.

Алишер Навоий ижоди Яқин ва Ўрта Шарқ минтақа маданиятининг кўп асрлик ривожи ҳосиласидир. Ўз навбатида бу минтақа маданияти жаҳон маданиятининг муҳим ва салмоқли узвий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу минтақа маданиятининг ўзига хос қарашлар тизими, Борлиқни идрок этишнинг мустақил йўналиши мавжуд. Шоир ижодини жиддий, изчил ва мукаммал тадқиқ этиш бизга дунёни, инсониятнинг маънавий тараққиёти қонунларини, Борлиқнинг асл ҳақиқатини, ўзлигимизни тушуниб етишимизга яқиндан ёрдам беради. Бу олийқадр маънавий мерос ўтмишга эмас, келажакка тааллуқлидир.

2017 йил.

[1] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т., ТИУ нашриёти, 2007, С. 290.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТАНҚИДИЙ МАТНЛАРИ ВА НАШРЛАРИ ХУСУСИДА[1]

“*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*” газетаси саҳифаларида 2010-2013 йиллар давомида матншуносликка оид, хусусан, Навоий матнлари борасида сўз юритилган суҳбат ва алоҳида чиқишлар ҳақида эслаб ўтиш ўринлидир. Уч йил ичида бу мавзуда 15га яқин суҳбат ва мақолалар эълон қилинди. Бу ҳақдаги мулоҳазалар 2010 йил 5 февралдаги “*Навоийнинг ҳудудсиз олами*” деб номланган давра суҳбатидан бошланди. Шу суҳбатда Қодиржон Эргашев Навоий асарларининг йигирма жилдлиги ҳақида гапириб, “*улар матни нуқсонлардан холи эмас*” деган фикрни билдиради. Олим хулоса қилиб айтадики: “*Мана шундан навоийшунослигимизнинг яна бир муҳим, долзарб вазифаси келиб чиқади, яъни Навоий матни устидаги тадқиқотларни давом эттириш, матншуносликка эътиборни кучайтириш, ҳар қандай нуқсон ва камчиликлардан холи нашрни яратиш*”. Бу фикрни давом эттирган Нурбой Жабборов нафақат Навоий ижоди, балки умуман мумтоз адабиётимиз ҳақида жиддий сўз юритиш учун “*матнни англаш, матнни идрок этиш, матн талқини ва таҳлили масалалари*” билан астойдил шуғулланиш лозимлигини таъкидлаган ҳолда кейинги давра суҳбатини матншуносликнинг долзарб муаммоларига бағишлашни таклиф этади. Дарҳақиқат, суҳбатда қайд этилганидек “*мумтоз сўз қадрини тушуниш, уни идрок этиш*” учун “*матнни севиш, матн устида қилни қирқ ёриб ишлаш*” керак бўлади.

Нурбой Жабборов айтган гап амалга ошди. “*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*” газетасининг 2010 йил 2 июль сонида “*Матншунослик давр талаблари даражасидами?*” деб номланган давра суҳбати материаллари босилиб чиқди.

Давра суҳбатида матншунослик муаммоларига доир жуда кўп ва ўта муҳим масалалар юзасидан Суюма Ғаниева, Нурбой Жабборов, Нусратулло Жумахўжа каби етакчи матншуносларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишган. Жумладан, Нурбой Жабборов ўтмиш улуғ матншуносларимиз Порсо Шамсиев, Ғулом Каримов, Азиз Қаюмов, Ҳамид Сулаймонларнинг мислсиз хизматларини таъкидлаб ўтишни лозим топган. Аммо матншунослик назариясининг Ўзбекистонда ишлаб чиқилиши масаласида зукко олимимиз Порсо Шамсиевнинг 1986 йилда нашр этилган “*Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар*” китобини тилга олиб ўтмаслик мумкин эмас эди. Шунингдек, атоқли навоийшунос Ҳамид Сулаймоннинг докторлик диссертациясида ҳам матншунослик назариясининг кўп жиҳатлари айни Навоий мероси билан боғлиқ ҳолда ёритиб берилган. Бундан ташқари Суюма Ғаниева, Ҳоди Зариф, Абдуқодир Мурадий, Муҳаммаджон Ҳакимов, Қавомиддин Муниров, Асомиддин Ўринбоев каби қатор манбашунос ва матншунос олимларимизнинг хизматларини ҳам унутмаслигимиз керак. Умуман олганда, ўзбек матншунослик назариясини яратишнинг биринчи босқичи сифатида ушбу йўналишда шу кунгача қилинган ишлар, ёзилган жиддий мақолаларни астойдил қидириб, тўплаб бир ёки бир неча жилдда нашр этиш энг долзарб вазифамиз бўлиши керак. Шунда ўз-ўзидан бу соҳада қилинган ишлар, эришилган ютуқларнинг мукаммал сарҳисоби юзага келади ва келгусида яна нималар қилиш кераклиги ҳам ойдинлашади. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиёти Яқин ва Ўрта Шарқ минтақа

[1] Мақола филология фанлари докторлари, профессорлар Абдураҳим Маннонов ва Аҳмаджон Қуронбековлар билан ҳамкорликда тайёрланган.

адабиёти билан яқиндан боғлиқ ва демакки, ўзбек матншунослик назариясини академик Е.Э.Бертельс, Н.-М.Османов, Р.Алиев, Аълохон Афсаҳзод, О.Ф.Акимушкин, А.Е.Бертельс, Ғ.Алиев каби таниқли шарқшунос олимларнинг ишлари билан жиддий танишмасдан туриб мукаммал шаклда яратиш қийин.

Шу ўринда масаланинг икки муҳим жиҳатига эътибор бериб ўтсак. Биринчидан, матншуносликни манбашуносликдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас, чунки ҳарқандай матн манбага таянади ва манбаларнинг хусусиятларини яхши англамасдан туриб матн тадқиқига киришиб бўлмайди. Иккинчидан, китобат илми ва котиблар фаолиятини ўрганиш ҳам бу соҳанинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Масалан, машҳур академик Дмитрий Сергеевич Лихачевнинг уч қайта нашр этилган "*Текстология. На материале русской литературы X-XVII веков"* номли ушбу соҳага оид мумтоз асарининг 40 саҳифали биринчи боби "*Работа древнерусского книжника*" (қадим рус котибининг иш фаолияти) деб аталади ва унда қадим рус адабиёти намуналарини хатга туширган котибларнинг иш фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар батафсил таҳлил қилинади-ки буларни яхши билмай туриб матншуносликка киришиб бўлмайди. Афсуски, бу масалалар давра суҳбати доирасидан ташқарида қолиб кетган.

Яна бир мулоҳаза. Суҳбат иштирокчилари матншунослик йўналишининг кўнгилдагидек ривожи учун бу соҳада муайян мувофиқлаштирувчи марказ (ҳайъат, комиссия, кенгаш) тузиш зарурати ҳақида таклифлар билдиришган. Бундай кенгашни Нурбой Жабборов (ўша даврда ЎзМУ филология факультети декани) факультет қошида бўлишини истаса, Қодиржон Эргашев ЎзФА Тил ва адабиёт институтини таклиф қилади. Нусратулло Жумахўжа эса бундай махсус ҳайъат "*Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таъсис этилмоғи"* мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда бу масалада янгича имкониятлар пайдо бўлган. Тошкент давлат шарқшунослик институти негизида Тошкент давлат шарқшунослик университетини ташкил этишга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 16 апрельдаги "Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор долзарб муаммолар хусусида гап борар экан, биринчи навбатда, Президент қарорида Тошкент давлат шарқшунослик университетини республикада таянч олий таълим муассасаси сифатида эътироф этилаётганига эътибор бермоғимиз керак. Қарорда ҳануз ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳақида гап боради. Булардан энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

" 1) Ёшларни шарқона қадриятлар асосида тарбиялашни такомиллаштириш;

2) Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, фалсафаси, моддий ва маънавий мероси соҳасида замонавий билимларни мукаммал эгаллаган рақобатбардош шарқшунос кадрларни тайёрлаш;

3) Қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий тадқиқ этиш асосида шарқ маданияти ва меросини жиддий ўрганиш;

4) Шарқ мамлакатларининг ривожланиш омиллари, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш;

5) Илмий-тадқиқот ишларини маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда олиб бориш;

6) Шарқ мамлакатларидаги тарихий жараёнлар, шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш

6) Талабалар, илм ва таълим соҳасига энди кириб келаётган иқтидорлар ёш кадрлар руҳида Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш;

7) Таълим мазмунини креатив фикрлаш, инновацион ғоя ва ишланмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим технологиялари билан бойитиш;

8) Янги ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

9) Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талабалар учун бадиий, илмий ва ўқув адабиётлари электрон каталоглари ҳамда жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

10) Университетнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлаш" ва ҳоказолар.

Бундай режаларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаш мақсадида "*Университет тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган:*

1) Шарқ мамлакатлари тарихи, ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёти хусусиятлари ва ривожланиш моделларини комплекс тадқиқ этиш;

2) буюк аждодларимиз томонидан яратилган Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тили, маданияти ва тарихига оид ёзма манбаларни ўрганиш мақсадида –

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Маданият вазирлигининг Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази ҳамда Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлилий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Шарқ халқларининг маданияти, шарқ тилларидаги адабий, тарихий, фалсафий манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда юртимиз қадриятлари ва миллий маданий меросимизни дунё миқёсида тарғиб этиш Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин".

Айни шу "Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази" доирасида юқорида таъкид этилган "Қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий тадқиқ этиш асосида шарқ маданияти ва меросини жиддий ўрганиш" вазифасини амалга оширувчи ва манбашунослик-матншунослик масалалари бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА тил, адабиёт ва фолкьлор илмий-тадқиқот институти, ЎзФА тарих илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети ва вилоятлардаги барча университетларнинг тегишли факультетлари илмий жамоатчилигининг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигида алоҳида ҳайъат ёки кенгаш тузилса, менинг назаримда, айни муддао бўлур эди. Бусиз биргина ЎзФА шарқшунослик илмий-текшириш институтининг ҳам моддий, ҳам миқдорий жиҳатлардан имкониятлари чекланган жамоаси билан масалани мамлакат миқёсида тез орада ҳал қилиш мумкинлиги тасаввурга сиғмайди.

Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан яна бири матншунос ва манбашунос ёш кадрлар тайёрлашдир. Матншунослик ва манбашунослик ихтисосининг мураккаблиги шундаки, бу соҳанинг лаёқатли билимдони бўлиш учун жуда кўп нарсани яхши билиш талаб қилинади. Давра суҳбатида Нусратулло Жумахўжа *"етук малакали мутахассислар бармоқ билан санарли даражада оз"* деса, Қодиржон Эргашев *"бизда етарли илмий салоҳият, малакали матншунос олимлар бор"* деб ҳисоблайди. Афсуски, давра суҳбатига профессор Суюма Ғаниевадан бошқа шарқшунослар олимлар жалб қилинмаган. Ваҳоланки, мумтоз адабиётимизнинг таниқли матншунос ва манбашуносларининг кўпчилиги ёки эски мадраса таълимини олганлардан ёки шарқшунослардан етишиб чиққан. Сабаби улар араб, форс тилларини, эски ўзбек ёзувини яхши билишган. Аммо собиқ Тошкент давлат университетининг Шарқ факультетида матншуносликка оид хусусий фанлар, мумтоз ўзбек адабиёти, айниқса, Навоий ижоди махсус ўқитилмас эди. Мустақиллик шарофати билан мана неча йилдирки Тошкет давлат шарқшунослик институти (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университети)да махсус "*мумтоз филология*" кафедраси ташкил қилиниб, ушбу мутахассислик бўйича алоҳида бакалаврлик ва магистрлик гуруҳларига талабалар қабул қилинмоқда. Уларга *"Ўзбек мумтоз адабиёти", "Араб ва форс мумтоз адабиёти", "Навоийшунослик", "Матншунослик асослари", "Ўзбек тили тарихи", "Адабиёт назарияси", "Мумтоз матнларни ўрганиш", "Аруз илми", "Тарихий лексикография", "Ёзма ёдгорликлар тили", "Матншунослик амалиёти", "Шарқ мумтоз поэтикаси*" каби қатор ихтисослик фанлари ўқитилмоқда. Магистрлик босқичида махсус "*Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва матншунослиги*" йўналиши мавжуд бўлиб, унда юқоридагиларга қўшимча равишда "*Мумтоз адабиёти манбашунослиги ва матншунослиги", "Қўлёзмаларни ўқиб ўрганиш", "Манбашунослик тадқиқотлари методикаси", "Ёзув тарихи ва китобат санъати", "Ўрта асрларнинг адабий манбалари*" каби фанлар ўргатилмоқда. Бугунги кунда бу соҳада янги имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети ташкил қилиниши муносабати билан бу ўқув юртида ушбу мавзуга алоқадор янги кафедра ("Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси") ва факультет ("Туркология")лар иш бошлади. Шуларни назарда тутган ҳолда, Беруний номидаги ЎзФА Шарқшунослик институти билан Тошкент давлат шарқшунослик университети орасида бу борада яқин ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш шарқшунослик, филология, тарих ва маънавий меросимизни ўрганиш соҳасидаги таълим ва илмий изланишлар уйғунлигини таъминлаш масаласида ўта муҳим омилдир.

Яна бир таклиф – Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини батафсил ўрганиш бир кишининг, ҳатто бир жамоа, илмий даргоҳ ёки ўқув юртининг саъй-ҳаракати билан битадиган юмуш эмас. Шу сабабли айни юқорида тилга олинган марказ қошида ушбу йўналишда ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг мақтовга лойиқ хизматларини тан олиб, айтишимиз керакки, мавзу ушбу давра суҳбати билан чекланиб қолмади. Газета саҳифаларида бу йўналишдаги баҳсу мунозаралар кейинги сонларда ҳам изчил давом этди. Жумладан, газетанинг 2010 йил 16 июль сонида Исмоил Бекжоновнинг "*Таклифлар жўяли, аммо...",* ўша йили 20 августда Қосимжон Содиқов ва Қудратилла Омоновнинг "*Илмий-танқидий матн яратиш замон талаби"*, 29 октябрда Ғулом Каримийнинг "*Мутахассис масъулияти"* каби амалий таҳлил ва таклифларга бой мақолалари чоп этилди. Айниқса, Қосимжон Содиқов ва Қудратилла Омоновлар мақоласида минтақа матншунослигининг

қадимий илдизларига эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Мақолада айтилганларга қўшимча қилиб, аслида бизнинг минтақада матншунослик "*Авесто*" матнлари давридан, яъни милодий эрадан аввал бошланганлигини манбалар асосида қайд этиш мумкин.

Навоийнинг бадиий мероси ўз замонасидан то ҳозиргача нафақат барча туркийзабон халқлар, балки Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасининг барча адабиёт мухлислари томонидан улуғ бир маънавий хазина сифатида эъзозланиб ва қадрланиб келинмоқда. Шунга қарамай шоир яратган асарларнинг катта бир қисми ҳанузгача матншунослик жиҳатидан мукаммал илмий-танқидий ўрганиб чиқилмаганлиги навоийшунослигимизнинг жиддий камчилигидир. Ўтган асрда бу йўналишда эришилган энг жиддий натижа профессор Суюма Ғаниева тайёрлаб, 1961 йилда нашр эттирган "Мажолис ун-нафоис" асарининг ва зукко матншунос Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган "*Хамса*" туркуми таркибидаги 3 достоннинг араб ёзувидаги илмий-танқидий матнлари бўлиб, афсуски, ўша даврда тайёр бўлган ва Порсо Шамсиевнинг докторлик иши иловаси сифатида шу кунгача сақланиб келаётган "*Лайли ва Мажнун"*нинг асл манба ёзувидаги танқидий матни ҳатто шу кунгача нашр юзини кўрмади. Мустақиллик йилларида филология фанлари доктори Мавжуда Ҳамидова "*Садди Искандарий"*нинг илмий-танқидий матнини тайёрлади, аммо бу асар 2 марта ҳам (биринчиси - 1991 йилда насрий баёни билан, иккинчиси – 1993 йилда МАТ таркибида 11 том сифатида) фақат кирилл ёзувида ва ҳеч қандай матний изоҳларсиз (яъни оммавий нашр тартибида) чоп этилди.

Албатта, қарамлик даврининг масалага ёндошуви бизга маълум. Алишер Навоийнинг 1963-1968 йилларда нашр этилган 15 томлик танланган асарлар тўпламига шоирнинг 23 асари киритилган, лекин бу асарларнинг кўп қисми ўша давр мафкуравий йўриқлари таъсирида қисқартирилиб, шўролар мафкурасига мос келмайдиган қисмлари олиб ташланганлигини ҳам биламиз. Бу ҳақда тўплам муқаддимасида шундай изоҳ берилган эди: "*Навоий асарларининг ўн беш томлиги тип эътибори билан* оммавий нашр бўлиб, кенг китобхонлар оммасига – интеллигенция, олий ўқув юртларининг филология факультетлари студентлари, тил ва адабиёт муаллимлари, адабиёт аҳллари, умуман олганда кенг жамоатчиликка мўлжалланган. Шу сабабдан Ўзбекистон Фанлар Академияси тил ва адабиёт институтининг илмий кенгаши мазкур нашрда Навоий асарларидан ғоя ва бадиий жиҳатдан даврimиз талабларига жавоб берадиган қисмларни биринчи навбатда нашр этишни мақсадга мувофиқ деб топди". Навоий асарларидаги диний-ирфоний мавзудаги сатрлар қисқартириб ташланганлиги шундай изоҳланмоқда. Эътиборга сазовор жойи, шу нашрда "*Хамса*"-дан ташқари бошқа асарларнинг ҳам танқидий матнлари, жумладан, Иззат Султон (*Мезон ул-авзон*, 1948), А.Н.Кононов (*Маҳбуб ул-қулуб*, 1948), М.А.Салье (*Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад* ва *Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер*, 1945,), С.Ғаниева (*Мажолис ун-нафоис*, 1957), Л.Халилов (*Тарихи мулуки ажам ва Тарихи анбиё*, 1963), Ҳ.Сулаймон (*Хазойин ул-маоний*, 1956-1962) томонидан тузилгани ҳақида хабар берилган бўлиб, лекин бу илмий-танқидий матнлар кирилл алифбосида тузилган, уларда асл нусхадаги араб алифбосининг ўзига хос фонетик хусусиятлари акс эттирилмаган, турли нусхалардаги фарқлари кўрсатилмаган, арабий ёзувдаги асл нусхаси (юқорида тилга олинганларидан ташқари) эълон қилинмаган[1].

[1] 1948 йилда А.Н.Кононов араб ёзувида нашр этган китоб "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг илмий-танқидий эмас, йиғма матни (сводный текст) эканлиги тузувчи томонидан таъкидланган. Мустақиллик йилларида "Насоим ул-муҳаббат..." асарининг филология фанлари номзоди Ҳамидхон Исломов томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни араб ёзувида чоп этилди.

Ёш вафот этган салоҳиятли навоийшунос, филология фанлари номзоди Шарафиддин Шарипов камина билан бир суҳбатда “*Мезон ул-авзон*”нинг 15 томлик таркибидаги матни жуда жиддий хатолар билан нашр этилгани ҳақида гапирган ва китоб саҳифасидаги ўзининг тузатишларини кўрсатган эди. Кейинги 20 томликда бу тузатишлар қай даражада инобатга олингани бизга маълум бўлмади. Навоийнинг бошқа асарлари ҳали ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ҳолбуки, ҳануз Навоийнинг барча асарлари илмий-академик матнлари ишлаб чиқилмас экан, мавжуд матнлар асосида олиб борилган тадқиқотлар том маънодаги илмийлик талабларига жавоб бериши қийин.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, энди бугунги кун талаблари ва имкониятларидан келиб чиқиб, илгаригидек Навоий асарларининг илмий-танқидий матнлари эмас, балки илмий-академик нашрлари ҳақида жон куйдириш зарур бўлади. Алишер Навоий яратган асарларнинг аксарияти шоир тириклик даврида кўчирилган ишончли қўлёзмалар ҳолатида замонамизгача етиб келганлигини назарда тутиб, аввало, уларнинг замон талаблари ва имкониятлари даражасида сифатли факсимилеларини нашрга тайёрлаб, ушбу асос матнни бошқа қўлёзмалардаги фарқлар билан мукаммал қиёсий-илмий талқинларини илова қилиш, шу асосда уларнинг ягона халқаро транскрипциядаги матни ва конкордансини тайёрлаш лозим. Ана шундагина илмий-академик матн масаласи мукаммал ҳал қилинган бўлади. Ҳозирги мавжуд илмий-танқидий матнларнинг асосий камчиликлари икки турли бўлиб, биринчиси, танқидий матн тузувчисининг савияси билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, матнни кўчирувчи котиб ёки уни компютерда терувчисининг турли даражадаги иштибоҳларига алоқадордир. Натижада асос қўлёзма ноўрин ўзгартиришларга учраб, янги номукаммал нусха вужудга келади ва матнга жиддий илмий ёндошув талаби қўпол равишда бузилади. Бундан ташқари биргина нусхадаги ноёб қўлёзмалар турли нохуш сабабларга кўра бирор шикастга учраса, жаҳон илми катта йўқотишга учрайди, агар ушбу қўлёзманинг бир неча нусха факсимилеси тайёрланган бўлса, ушбу фалокатдан илм ва инсоният том маънодаги йўқотиш хавфидан ўзини кафолатлаган бўлади.

Шу ҳолатга аниқ бир мисол келтирсак. Академик Э.И.Фозилов тайёрлаган Хўжандий “*Латофотнама*”синиг қиёсий-танқидий матнига аввалги нашридан фарқли равишда асарнинг дунё қўлёзма хазиналарида мавжуд бўлган 5та нусхасининг факсимилеси келтирилган бўлиб, булардан бири Кобул миллий музейи кутубхонаси фондида сақланаётган уйғур ёзувидаги ноёб қўлёзма нусхасидир[1]. НАТО қўшинларининг Афғонистон пойтахтини бомбардимон қилиши оқибатида музейнинг ҳам кули кўкка соврулиб бутун қўлёзмалар хазинаси йўқ қилинган. Демак, бугунги кунда бизнинг қўлимизда ушбу қўлёзмадан фақат Э.Фозилов китобидаги факсимиле нусха ягона ёдгорлик бўлиб қолмоқда. Ушбу фожеали ҳодиса ҳам яна бир марта ноёб қўлёзмаларнинг сифатли факсимилесини нашрга тайёрлаш нақадар муҳим ва долзарб вазифа эканлигига шоҳидлик беради. Аслида нафақат Алишер Навоий асарлари, балки қўлёзмалар хазинасидаги барча ноёб асарлар факсимилесини нашр эттириш шарқшунослар ва манбашуносларнинг кечиктириб бўлмайдиган юмушларидан десак, асло муболаға бўлмайди, чунки бундай асарлар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий мулкидир.

Энди баъзан навоийшуносликка оид баҳсларда тилга олинадиган қуйидаги фикрга тўхталиб ўтсак: “*Нашрлардаги кичик хатоларни излаб вақт сарфлаш ўрнига, каттароқ –*

[1] Э.И.Фазылов. Латафат-наме (“Книга о красоте”) Ходжанди. Т., 2009, с. 231-282.

халқ учун фойдалироқ ишлар билан шуғулланиш керак"[1]. Бундай фикр турли сабаблар билан оғзаки ва ёзма шаклда бир неча қайта билдирилганлиги учун унга жавобан фақат икки мисол келтириб ўтмоқчимиз. Ҳар икки мисол ҳам 20 жилдлик нашр билан боғлиқ.

Биринчи мисол: "*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 14-жилдида Навоийнинг сўнгги асари "*Маҳбуб ул-қулуб*" матни берилган. Асарнинг аввалги қисм 16-фасли "*Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида*" деб аталади ва унда шундай жумлалар бор: *"Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин* ***махлут*** *қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоққи, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушойи Шайх Заҳириддин Саноий ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосига* лофиз Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал-Ҳофиз"[2].

20 жилдликнинг 25-саҳифасида ушбу парчанинг биринчи жумласи матни қуйидагича "таҳрир" қилинган: "Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин маҳсул қилубдурлар ва каломлари бу услубда марбут этибдурлар." Яна парча охирида Хожа Ҳофиз таърифида айтилган "маоний адосига лофиз" ибораси "маоний адосига Ҳофиз" шаклида берилган[3]. Биз 15 томлик асарлар тўпламининг 13-томидан олинган парчани А.Н.Кононов тузган йиғма матн билан қиёслаб кўрдик. 15 томликдаги парча Кононов матнига тўла мувофиқ берилган экан. Юқоридаги ўзгаришга нашрга тайёрловчи томонидан ҳам ҳечқандай изоҳ берилмаган. Балки бу босмахона хатосидир. Аммо нашрга тайёрловчи ва муҳарир босмахонанинг охирги назорат нусхасини диққат билан текшириб чиқиши керак эмасми?

Иккинчи мисол: "*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*" газетасининг шу йил 24 феврал (№8) сонида Ваҳоб Раҳмоновнинг "*Матн тафовутлари ва аслият ҳақиқати"* сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Унда 20-жилдликнинг 1991 йилда чоп этилган 7-жилди - «*Ҳайрат ул-аброр*» достонидаги тўртинчи мақолот матни ҳақида сўз боради. "*Риёйи хирқапўшлар*" ва "*ҳақиқий боданўшлар",* яъни ёлғон суфийлар ва ҳақиқий валийларнинг қиёсий тасвири берилган ушбу боб матнида байтларнинг ўрни алмашиб қолган. Чин ҳақиқат ошиқларига тегишли байт риёкор суфийлар тавсифи орасига тушиб қолиб, ёлғон суфийлар маззаматига оид сатрлар ҳақиқий ишқ бодасидан маст бўлган валийлар таърифига аралашиб кетган. Натижада асар мазмунига жиддий путур етган. Мақола муаллифи яна бир нарсага эътибор қаратган. Матндаги ушбу чалкашликка нашрга тайёрловчилар: "*Бу байт илмий-танқидий матнда ўринсиз, техник сабаблар билан орқароққа тушиб қолган*" деб алоҳида изоҳ берганлар. Танқидчимиз бундай чалкашлик сирини аниқ изоҳлашга уринмаганлиги учун биз бу масалани жиддийроқ ўрганиб чиқишга мажбур бўлдик. Аввало қайд этиб ўтиш лозимки, Порсо Шамсиев тайёрлаган "*Хамса*"нинг 1960 йил кирилл ёзувидаги тўлиқ нашрида барча байтлар ўз жойида ва ҳечқандай чалкашлик йўқ. Биз 1970 йилда нашр этилган илмий-танқидий матнга мурожаат қилдик. Дарҳақиқат, араб ёзувидаги бу матнда биргина байт ноўрин жойга тушиб қолган. 28-бобнинг "*ҳақиқий боданўшлар"* таърифидаги 73-байт –

"Ғусса жаҳон ичра чекиб жон учун,
Жонни фидо қилғоли жонон учун" -

---

[1] "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2010 йил 2 июль (№ 27), с.1.
[2] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. (Сводный текст подготовил А.Н.Кононов). М.-Л., 1948. С. 27-28.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. Т., 1998, с. 25.

сатрларидан сўнг –

“Ҳолда асҳоб доғи пирдек,
Бемазалиқда бориси бирдек”

байти босмахона хатоси билан адашиб келтирилган. Шубҳага ўрин қолмаслиги учун биз ЎзФА Шарқшунослик институти фондига бориб, Абдужамил котиб қўлёзмасининг тегишли жойини қараб чиқдик. Асл қўлёзмада ҳаммаси ўз жойида – кейинги байт ёлғон суфийлар маззаматига оид сатрлар қаторида 44-байт сифатида келган.

Бизнинг ишончимиз комилки, бу нашрларни тайёрлаган нуктадон олимларимиз Навоий сатрларини асло чалкаштирмайдилар. Иккинчи мисолда улар танқидий матндаги хатони тузатмоқчи бўлганларини ҳам кўриб ўтдик. Аммо кейинги йилларда ҳаммамизда бир камчилик – бепарволик касали пайдо бўлган. Биз босмахона ишчиси ёки чаласавод корректор биз тайёрлаб берган тўғри матнни теришда адашиб кетиши мумкинлигини назарда тутиб, охирги матн корректурасини диққат билан сатрма-сатр кўриб беришда баъзан эриниб қоламиз. Бу эса фавқулодда ҳолатларда шоир матнига жиддий хатолар аралашиб қолишига олиб келади. Шундай қилиб, озгина бепарволикдан иш катта масъулиятсизликка айланиб кетади. Навоий матни – муқаддас. Унда кичик хато ҳам катта янглишувларга айланиб кетиши мумкин. Яна мақола муаллифига сўз берамиз: *“Ачинарлиси шундаки, Алишер Навоий “Тўла асарлар тўплами”нинг янгигина босилган 6-жилдида ҳам ўша 20-жилдликнинг 7-жилдидаги хато 118-, 120- саҳифаларида такрорланган.”* Бунга нима дейсиз? Нега катта ишларга қўл урамизу, “*кичик хато*”ларга эътибор бермаймиз? Яна хатомизни тузатганлардан кўнгилхонлик қиламиз.

Академик Д. С.Лихачев ёзади: “*матншунослик – ўзининг назарий қисмида ҳам, амалий қисмида ҳам – адабиётшуносликнинг ва тарихий манбашуносликнинг асосидир*” («*текстология – в своей теоретической, и в своей практической части – база литературоведения и исторического источниковедения* ») - (с.6). Яна: “*Матн тадқиқи – адабиётшуноснинг кейинги барча ишларига пойдевордир*” («*Текстологическое исследование – это фундамент, на котором строится вся последующая литературоведческая работа.»)* - (с. 29). Аммо матншунос ҳам одам, у ҳам баъзан адашиши мумкин. Унинг хатосини биров сезади, биров сезмайди. Кейин матндаги хато туфайли хато хулосалар кетаверади. Нима қилиш керак?

Бунинг биргина иложи бор. Аввало, филология илми 3 қисмдан иборат эканлигини эслайлик: 1) адабий манбашунослик ва матншунослик, 2) тилшунослик, 3) адабиётшунослик. Демак, бу соҳада иш бошлаганда биринчи навбатда манбаларни ўрганиш ва матн тадқиқи, иккинчи навбатда ушбу асар тилининг ўзига хосликлари ва луғат бойлигини ўрганиш, ундан кейингина адабий матнларнинг бадииятшунослигини ўрганишга ўтилса, жиддий илмий хулосалар ҳосил қилиш мумкин бўлади. Алишер Навоий асарлари матнларининг ўрганилиш даражасини кўриб чиқдик. Шоир асарларининг тил хусусиятлари ҳам маълум даражада ўрганилган. Аммо охирги йилларгача бир жиддий вазифа - Алишер Навоий асарларининг жомеъ луғатини (конкордансини) тузиш масаласи ҳал бўлмай келаётган эди. Ваҳоланки, ушбу жомеъ луғатсиз шоир бадиий мероси устида жиддий фундаментал тадқиқотлар ўтказиш имконсиздир.

Бугунги кунда умумбашарий динлар – ислом ва христиан динларининг илоҳий китоблари “Библия” ва Қуръони каримнинг бундай жомеъ луғатлари аллақачон мавжуд. Дунёга машҳур қатор Ғарб ва Шарқ шоирларидан бирқанчаси аксарият асарларининг жомеъ луғатлари тузилган ва нашр этилган. Жомеъ луғатнинг катта бир фойдаси унда ҳар бир сўз, ҳатто ҳар бир морфема асар матнида неча маротаба ва неча ўринда ишлатилган бўлса, барчаси аниқ ўрни билан кўрсатилган бўлади. Энди тасаввур қилинг, матн тузувчи адашиши ва буни биров сеэмаслиги мумкин, аммо жомеъ луғатда бирор ўринда адашилса, бу ҳолат дарҳол умумий ҳисоб-китобга таъсир қилади, демак, тузувчига ҳам, танқидчига ҳам сезилиб қолади. Буни жомеъ луғат тузишга киришган одам дарҳол пайқайди. Жомеъ луғат тузувчиси асар матнидаги ҳеч бир арзимас хатони ҳам ўтказиб юбора олмайди, чунки то унга ўзининг аниқ муносабатини белгилаб олмагунча иши олдинга силжимайди.

Демак, бугунги кунда Алишер Навоийдек буюк шоиримиз барча асарларининг жомеъ луғатини тузиш бундан буён навоийшуносликнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган десак, муболаға бўлмайди. Жомеъ луғат тузиш иши яқингача ўта машаққатли ҳисобланган учун кўпчилик бу ишга қўл уришга журъат этмаган. Аммо бугунги кун компьютер технологияларининг ривожи конкорданс тузиш ишини анча-мунча енгиллаштирганлигини ҳисобга олиб, ушбу ишга киришса бўладиган ҳолат вужудга келди ва бундан дарҳол унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2012 йил.
(2021 йилда қисман ислоҳ қилинган)

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИГА ТУЗИЛГАН ЛУҒАТЛАР ҲАҚИДА[1]

Биринчи ўринда Навоийнинг ўзи томонидан тузилган “*Сабъати абҳур*” номли араб тилининг изоҳли луғатини эслаб ўтиш жоиз. Бу асар қоралама шаклида қолиб кетган бўлиб, кейинчалик (1736 йилда) туркиялик луғатшунос Аҳмад ал-Маниний томонидан оққа кўчирилиб, мукаммал шаклга келтирилган. Бу луғат араб алифбоси асосида боблар ва фасларга ажратилган бўлиб, унинг энг муҳим ўзига хос хусусияти ундаги алифбо тартиби сўзларнинг биз ўрганган бош ҳарфлари асосида эмас, охирги ҳарфлари асосида тузилган. Масалан, “*Аҳмад*” сўзи “*алиф*” бобида эмас, балки “*дол*” бобининг “*мим*” фаслида, “*масраф*” сўзи “*мим*” бобида эмас, балки “*фе*” бобининг “*ре*” фаслида келтирилади. Натижада ушбу луғат шоирлар учун қофия танлашда жуда ўнғай маълумотнома вазифасини бажариши мумкин. Алишер Навоий асарларида зарурат юзасидан баъзан жуда ноёб араб сўзларининг қофия сифатида ишлатилиши бу луғат шоир учун нақадар муҳим бўлганлигига ишора қилади. Ўз вақтида ушбу асар устида номзодлик тадқиқотини ўтказган марҳум профессор Ботирхон Ҳасановга уни нашрга тайёрлаш масаласида савол берилганда, у киши бу ишнинг ниҳоятда машаққатли меҳнат талаб этишини айтган эди. Аммо Туркияда мавжуд 6 қўлёзмадан иккитасининг фотонусхаси Адабиёт музейи фондида мавжуд эканлигини ҳисобга олиб, асарнинг сифатли факсимилесини Ботирхон Ҳасанов диссертациясининг автореферати матни билан бирга чоп этилса, соҳа мутахассислари – тилшунос ва навоийшунослар учун ажойиб армуғон бўлур эди.

Алишер Навоий асарларининг луғат бойлигини ўрганиш ва маънолар хазинасини талқин қилиш бўйича асрлар давомида бир қатор ўта диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Бундай ноёб асарлар сирасига XV асрда яратилган Толи Имоний Ҳиравийнинг “*Бадоиъ ул-луғат*” асарини, XVI асрга оид “*Абушқа*” луғатини, XVIII асрда тузилган Мирзо Меҳдихоннинг “Санглоҳ” луғатини ва бошқа луғатларни киритиш мумкин. Бу луғатларнинг ҳозирги авлод учун аҳамияти шундаки, уларда нафақат сўзларнинг маъно талқини, балки Навоий асарлари тилининг фонетик хусусиятлари ва унлиларнинг фонологик вариантлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу луғатлар ҳозирги авлод Навоий адабий меросининг семантикаси ва фонетик тизимини ўрганувчилар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Буларни жиддий ўрганмай туриб Навоий асарлари мазмунини тўғри тушуниш масаласида комил ишонч билан сўз юритиб бўлмайди. Ваҳоланки, то шу кунгача ушбу қадим луғатларнинг ҳеч бири илмий изоҳлари билан тўлиқ нашр этилганича йўқ.

Ўзбекистонда Навоий асарларининг луғат бойлигини ўрганиш бўйича амалга оширилган қимматли тадқиқотлардан Порсо Шамсиев, Қутбиддин Муҳиддинов, Алибек Рустамов, Эргаш Фозилов, Эргаш Умаров, Баҳром Бафоев, Ботирбек Ҳасанов ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова сифатида Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовлар тузган Навоий асарлари луғати[2], Э.Фозилов раҳбарлигида тузилган 4 жилдли “*Алишер Навоий асарлари тилининг*

[1] Мақола филология фанлари докторлари, профессорлар Абдураҳим Маннонов ва Аҳмаджон Қуронбековлар билан ҳамкорликда тайёрланган.

[2] Навоий асарлари луғати. (Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова) Т., 1972, 784 саҳ. (Тузувчилар: Порсо Шамсиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, Собиржон Иброҳимов, Муҳаррир: филология фанлари доктори С.Муталлибов). Бош сўзлар 12500 га яқин, иборалар 8000дан ортиқ.

изоҳли луғати"[1] (Т. 1983) Ботирбек Ҳасанов тузган Навоий асарлари учун қисқача луғат[2] ва бошқалар шоир асарларини ўқиб, тўғри тушунишда китобхонларга анча-мунча қулайликлар туғдириши бор гап. Бу амалга оширилган ишларнинг илмий-амалий қимматини заррача инкор этмаган ҳолда, шуни алоҳида урғу бериб таъкидлаш зарурки, на юқорида тилга олинган қадим луғатларда, на янги даврда тузилиб нашр этилган луғатларда Алишер Навоий асарларининг мукаммал сўз бойлиги тўла қамраб олингани йўқ. Мавжуд луғатларнинг ҳеч бирида Навоий асарларидаги барча сўзларнинг умумий рўйхати акс этмаган ва асарлар тилидаги полисемантик сўзларнинг маънолари асар матни бўйича мисоллар билан тўла очилмаган. Улар барчаси Алишер Навоийнинг 20 жилдлик "*Мукаммал асарлар тўплами"*дан олдин нашрга тайёрланган бўлиб, олдин нашр этилган танланма матнлар асосида тайёрланган.

Бундан 30-40 йил бурун афсонага ўхшаб кўринган имкониятлар ҳозир оддий ҳолатга айланмоқда. Бугунги кунда энди ҳатто матнни компьютерга қўлда киритиш ҳам шарт эмас. Яхши созланган сканер воситасида достон танқидий матнини шундоққина Word га кўчириб ўтказиб, устидан диққат билан бир кўриб чиқсангиз кифоя. Эронда форс мумтоз адабиёти матнлари жомеъ луғатларини компютер воситасида шакллантириш дастури ва бунинг қонун-қоидалари 1970-йиллардаёқ муфассал ишлаб чиқилган эди. Аммо бугунгача бу масала қай даражада ҳал этилганлиги ҳақида менда аниқ маълумот йўқ.

Илгари тилшунослик адабиётшуносликка нисбатан анча қийин соҳа ҳисобланган, луғатшунослик эса кони азоб эканлиги латифаларга ҳам айланиб кетган эди. Бугунги кунга келиб, бизнинг назаримизда, адабиётшуносликнинг ўта жиддий ва юқори малака ва катта назарий тайёргарлик талаб қилувчи фан эканлиги ошкор бўлиб қолди. Қайтага тилшунослик, айниқса, жомеъ луғатлар тузиш иши анча-мунча жўнлашиб кетди. Чунки бу борада ишнинг энг оғир ва инсонни толиқтирадиган қисмини амалга ошириш компютерларнинг зиммасига ўтди. Юқоридаги усул билан матнни киритиб, тайёр дастур асосида вазифа берилса, шоир жомеъ луғатининг дастлабки хомаки варианти қўлингизга тегиб турибди, дейиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Ғарб ва Шарқ мумтоз адиблари кўпчилиги мукаммал асарларининг илмий-танқидий матнлари тузилиб, тўлалигича компьютер махзанига киритилган ва асарлар тилининг конкорданси ишлаб чиқилган. Жумладан, Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Саъдий, Ҳофиз, Шекспир, Гёте, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Т.Шевченко, И.Франко ва бошқаларнинг асарларининг тўла матни ва конкорданси, изоҳли луғатининг электрон вариантлари ишлаб чиқилиб, CD дискларда бутун дунёга тарқатилмоқда.

Афсуски, ҳозирги ўзбек тилининг асосчиси ва туркий тилли халқларнинг орзу армонларини, маънавий ва маърифий қадриятларининг буюк куйчиси бўлган, туркий халқлар шарафини бутун оламга тараннум қилган Навоийдек бир улуғ зот асарларининг мукаммал илмий танқидий матни ҳали эълон қилинмаган ва уларнинг конкордансlари (жомеъ сўзлиги) ва изоҳли луғатлари ишлаб чиқилмаган.

Бундай жомеъ луғат (конкорданс) ва унинг асосида тузилган изоҳли луғат Навоий асарларининг ижтимоий ва фалсафий ғояларини тўла англаб етиш учун дунё аҳли ва айниқса, ҳозирги авлод учун қанчалик сув билан ҳаводек зарурлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

---

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. (ЎзФА мухбир аъзоси Э.И.Фозилов таҳрири остида). 1-4 томлар. Т., "Фан", 1983-1985. 4 жилдда 15 мингга яқин сўз батафсил, мисоллар билан изоҳланган.

[2] Навоий асарлари учун қисқача луғат.Т., "ФАН", 1993. 10 мингдан ортиқ сўз қисқача изоҳланган.

Навоий асарларида кўплаб қадимги туркий сўзлар, шоир замонида муомала бўлган, лекин ҳозирги даврда истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар, арабий-форсий ўзлашмалар, тасаввуф истилоҳлари мавжудки, буларнинг ҳаммаси нафақат ҳозирги авлод адиблари, адабиётшунослари учун, ҳатто навоийшунос олимлар учун ҳам охиригача тушуниб етиш қийин бўлган луғат бирликлари ва иборалардир. Шунинг учун Навоий асарларининг 20 жилдлик мукаммал асарлари тўпламида кўплаб имловий, маъновий, услубий, фонологик ва грамматик хатолар учрайди. Бундай нуқсонлар, нафақат Навоий асарлари мазмун моҳиятини тўғри англашга, балки унинг кўзлаган мақсадларини баъзан бутунлай бузиб кўрсатилишига сабаб бўлади. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи навбатда Навоий асарларининг фонетик ва грамматик жиҳатдан тўғриланган тўла матнини компьютер хотира махзанига киритиб, шу матн асосида мукаммал сўзлигини конкордансларда қайд қилиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда Ҳофиз ёки Румий ижоди бўйича жиддий иш қиламан, деган одамга, биринчи навбатда, бу алломалар асарларининг жомеъ луғати қўл остида бўлиши керак. Бунинг учун, аввало, интернет тизимига кириб кўрилса, у ерда тайёр матнлар бўлиши мумкин. Масалан, Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари устида профессор А.Қуронбеков амалга оширган тадқиқотлар айни шу имкониятнинг мавжудлигига далолат бериб турибди. Бундан ташқари худди шу тадқиқотчининг докторлик диссертацияси ва кейинги лингвопоэтикага оид ишлари итальян олими Даниэл Менжини Корреал тузган жомеъ луғат асосида эканлигини ҳам яхши биламиз. Фақат шу йўналишни ҳаётга кенгроқ татбиқ этиб, ёшларни айни шундай фундаментал тадқиқотларга кўпроқ жалб этишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди деб ўйлаймиз.

Демак, бугунги кунда Алишер Навоийдек буюк шоиримиз барча асарларининг жомеъ луғатини тузиш бундан буён навоийшуносликнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Бундан 10 йилча муқаддам Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида тузилган Навоий асарларининг конкордансини яратиш бўйича илмий тадқиқот гуруҳи мана шу хайрли ишни ўз зиммаларига олишди. Бу гуруҳ биринчи навбатда Навоийнинг энг йирик асари “Хамса”нинг конкордансини тузишга бел боғлашди. 2012-2016 йиллар давомида “Хамса”нинг 5 достони конкордансилари тайёрланиб нашр этилди. Кейинги 2 йил ичида уларнинг санама сўзликлари, яъни частотали луғатлари ҳам тайёр бўлди.

Қуйида ушбу амалга оширилган ишнинг моҳияти ва унинг натижасида эришилган ютуқлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни ўринли ҳисобладик.

Конкорданс ўзи нима?

Кўпчиликда конкорданс ўзи нима деган савол туғилмоқда. Конкорданс сўзи лотин тилидаги concordare сўзидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан “мувофиқлаштириш”, “уйғунлаштириш”, “мослаштириш” маъноларини англатиб келган. Ҳозирги замонда эса илмий атама сифатида муайян бир асар (ёки асарлар) матнидаги луғавий бирликлар, морфемалар, сўз бирикмалари ёки фрозеологизмлар барча сўзшаклларининг (словоупотребление) мукаммал йиғиндиси маъносида ишлатилади. Унда ушбу асар (ёки асарлар) матнидаги барча сўзшаклларнинг қўлланиш даражаси, матндаги ўрни, уларнинг морфологик тизими, фонетик ва фонологик вариантлари акс эттирилади. Масалан, “Лайли ва Мажнун” достонига тузилган конкорданснинг бошланиши:

№	Сўзлар Words	Частота Frequency	Боб рақами / Байт рақами Chapter / Couplet
1	’abīridin	1	35/112;
2	’adad	2	6/31; 30/26;
3	’adadda	1	28/20;
4	’adaddin	1	21/46;
5	’adam	8	1/4; 1/6; 4/32; 7/57; 10/0; 17/47; 19/66; 27/48;
6	’adamda	1	27/29;
7	’adamni	1	1/6;
8	’adāvat	1	22/0;
9	’adāvatini	1	21/85;

Конкорданс одатда: а) она тили ёки бирор хорижий тилдаги муайян матннинг (ёки матнлар мажмуининг) луғат таркибини аниқлаб изоҳли луғатлар тузиш; б) ушбу асар (ёки асарлар) матнини илмий ўрганишни енгиллаштириш; в) муайян адабий ёдгорлик ёки якка муаллифнинг сўз бойлигини аниқлаш ва умуман матн устида турли тадқиқотлар олиб бориш учун мукаммал илмий асос яратиш мақсадида тузилади.

Муайян бир тилнинг луғат бойлигини аниқлаш учун тузилган конкорданс шу тилдаги бадиий, илмий, ўқув-услубий ва соҳавий матнларнинг тўлиқ электрон базасини яратиш мақсадини кўзда тутади. Лекин бу ишни амалда бажариш имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда шу тилдаги мавжуд ёзма матнлардан мўътабар манбалар танлаб олиниб, уларнинг электрон базаси яратилади ҳамда шу асосда конкорданс тузилади.

Конкордансlар кузатилган мақсадга қараб турли шаклларда бўлиши мумкин. Булардан энг урф бўлгани сўзшакллар конкорданси бўлиб, бунда шоир ёки ёзувчининг асарида учрайдиган мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг барча морфологик шакллари акс эттирилади. Масалан, қуйидаги байтни олсак – Мисрда хожа бор эрди ғани, Эшики ҳожат аҳлининг ватани – конкордансда бу байтдаги барча сўзшакллар – “мисрда”, “хожа”, “бор”, “эрди”, “ғани”, “эшики”, “ҳожат”, “аҳлининг”, “ватани” – қайд этилади. Бу байтдаги “мисрда” сўзи ўрин келишигида, “эшики” сўзшакли қаратқич келишигининг қаралмиш шаклида, “аҳлининг” қаратқич келишигида, “ватани” қаралмиш шаклида келган бўлиб, оддий луғатларда бу сўзлар бош келишикда – “миср”, “эшик”, “ватан” шаклида берилган бўлур эди.

Асардаги сўзшаклларни қандай шаклда келса шундай беришдан мақсад, биринчи навбатда асарда қўлланилган сўзшаклларнинг миқдорини аниқлаш. Ундан ташқари ўзбек тилининг грамматикаси, фонетикаси, семантикаси, сўзларнинг шаклий ўзгаришлари, сўз ясалиши ва сўзшаклларнинг вариант ва инвариантларини тадқиқоти ва бошқа мақсадлар учун бой материал бўлиб хизмат қилади.

Кейинчалик сўзшакллар конкордансига таянган ҳолда содда ва қўшма феъллар конкорданси, фраземалар конкорданси, морфемалар конкорданси ва бошқа турли конкордансlар ҳам тузилиши мумкин. Шеърий матнларда аксар ҳолларда турли фразеологизмлар, қўшма феъллар ва феълнинг аналитик шакллари гоҳо дистант ҳолатида, гоҳида инверсия ҳолатида қўлланилаверади. Шу сабабли сўзшакллар конкордансида уларнинг ҳар бир компонентлари алоҳида-алоҳида берилади ва қайси бири содда феъл, қайси бири қўшма феъл эканлигини фарқлаш учун кейинги босқичда алоҳида тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади. Кейинги босқичда қилинадиган ишлардан яна бири сўзшакллар конкорданси асосида

санама сўзлик[1] (“частотали луғат”) тузиш бўлиб, “Частота” сўзи рус тилида “бирор ҳаракат ёки ҳолатнинг тез-тез такрорланиши” маъносини ифодалайди. Тилшуносликда эса бирон асардаги нутқ бирликларининг қанча миқдорда қўлланишининг кўрсаткичидир. Рус тилидаги “частота” термини шартли атама бўлиб, ўзбек тилида “*санама сўзлик*” атамаси матнда ишлатилган ҳар бир сўзнинг саноғини акс эттириш учун мос келади.

Санама сўзлик яратиш учун, аввало, конкордансда тўпланган сўзликни асл қолипига келтириш керак. Масалан, “*Фарҳод ва Ширин*”да “*жисм*” сўзи конкордансда 21 сўзшаклда (“*жисм*”, “*жисмдин*”, “*жисмға*”, “*жисмида*”, “*жисмим*”, “*жисмини*”, “*жисмнинг*”, “*жисминг*” ва ҳ.к. каби) келган.

Юқорида келтирилган сўз-шакллар “*жисм*” сўзининг турли морфологик шакллари бўлиб, улар санама сўзликда битта луғат бирлиги шаклида киритилади. Шундан сўнг уларнинг такрорланган сони жамланади ва санама сўзликда умумий сони кўрсатилади. Масалан, “*жисм*” сўзи ҳар хил вариантда “*Фарҳод ва Ширин*” достонида 102 марта қўлланган. Санама сўзлик тадқиқот мақсадларига қараб турли шаклларда тузилади.

Санама сўзликнинг энг кўп тарқалган шакли асардаги ҳар бир лексеманинг ишлатилиш сонига қараб камайиб борадиган шакли бўлиб, бу санама сўзлик асардаги сўз туркумларининг қанчалик кўп ёки кам ишлатилганини аниқлаш учун тузилади. Бу шаклда тузилган санама сўзлик асарда шоир ёки ёзувчи ишлатган сўз бойлиги, унинг таркиби ва ҳар бир сўзнинг солиштирма миқдорини аниқлашга ёрдам беради. Санама сўзликнинг иккинчи бир тури алифбо тартибида тузилган сўзлик бўлиб, бу сўзликда сўзлар одатан халқаро транскрипция тизими бўйича қабул қилинган символлар асосида тузилади.

Конкорданс учун транскрипция тизимини шакллантириш

Навоий даврида ёзувда араб алифбоси қўлланилгани учун туркий тилнинг ҳамма нозикликларини ажратиб бериш имкони бўлмаган, лекин ёзилган асарларни халқ тўғри ўқиган. Чунки асар матни ўша даврда муомалада бўлган адабий тил қоидаларига мувофиқ бўлган.

Бу давр тилининг ўзига хосликлари хусусида Алишер Навоий “*Муҳокамат ул-луғатайн*” асарида мукаммал таҳлиллар келтиради. Бир мисол: “*Ва маъруф ва мажҳул қофияда “вовий”, “ёйий” ҳамки, форсий ашъорда воқеъ бўлур, икки ҳаракатдан ортуқ бўлмас, “вовий” андоққи: “худ ва дуд” ва “зўр ва нур” ва “ёйий” андоққи: “пир” ва “шер”*[2]. (Алишер Навоий бу ўринда, классик форс тилидаги унлиларнинг орфоэпик хусусиятларини туркий тилдаги унлиларнинг орфоэпик хусусиятлари билан қиёслаган. Классик форс тилида 8 та - “a, i, u” қисқа унлилари ва “ā, ī, ē, ū, ō” чўзиқ унли фонемалари мавжуд бўлган. Маълумки, Ўрта аср давридаги форс ва туркий тиллардаги шеърият аруз вазнида ёзилган. Аруз вазнида қисқа унли билан келган ёпиқ бўғин битта чўзиқ бўғинни ва чўзиқ унли билан келган ёпиқ бўғин битта чўзиқ ва битта қисқа бўғинни ифодалаган. Шу сабабдан, шоир қофияларда келадиган форс тилидаги унлиларни “маъруф”, яъни чўзиқ фонема ва “мажҳул”, яъни қисқа фонемаларга ажратади. *“xud”* ва *“dud”* сўзларидаги *“u”* фонемаси мажҳул бўлиб, қисқа талаффуз қилинади ва *“zōr”* ва *“nūr”* сўзларидаги *“ō”*, *“ū”* фонемалари маъруф бўлиб, чўзиқ талаффуз

[1] Бу термин асар матнидаги ҳар бир сўз ва синтактик воситаларнинг қанча миқдорда ишлатилишини аниқлаш учун қўлланилгани сабабли профессор Аҳмаджон Қуронбеков бу амални “*санама сўзлик*” деб номлашни таклиф қилди.

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том, с. 18.

қилинади, *“ёй”* ҳарфи унли фонемаларни ифодалаб келганда эса фақат чўзиқ *“ī”* ёки *“ē”* фонема шаклида талаффуз қилинади (пир ва шер), деб таъриф берган.

Шундан сўнг Навоий туркий тилдаги шу ҳарфларнинг орфоэпик хусусиятларини шундай таърифлайди: *“Ва туркий алфозда бу маъруф, мажҳул ҳаракат* ***тўрт навъ*** *топилур: Ҳам “вовий”си, ҳам “ёйий”си: “вовий”си андоқки, “ўт”ки, шайъи муҳриқдур ва “ўт” мурур маъниси била “ут” муқаммирга бурд жиҳатидин амр ва “ут”ки боридин ариқ ҳаракатдур, каллани ўтга тутуп, тукин аритур маънидадур.”*[1]

Бу таърифнинг маъноси шуки, Навоий туркий тилдаги “вов” ҳарфи келадиган сўзларни тўрт қисмга бўлиб, уларнинг ҳам чўзиқ шаклида, ҳам қисқа шаклида талаффуз қилинишини, ҳамда “ō” фонемаси ва “ū” фонемасини ифодалашини таъкидламоқда. Олов маъносидаги “ўт” ва қиморда ютмоқ маъносидаги “ут” ҳам арабий хатда бир хил шаклда ёзилади, аммо ўқилишда бири чўзиқ “ў” шаклида “ўт”, бошқаси “ут” қисқа “у” шаклида талаффуз қилинади. Олов маъносидаги “ўт”даги “ў” фонемаси тил орқа чўзиқ фонема шаклида талаффуз қилинади, “ўтмоқ” феълининг буйруқ майлидаги шакли – “ўт” – тил олди қисқа фонема шаклида талаффуз қилинади. Шунингдек, “ютмоқ” маъносидаги “ут” классик тилдаги “утмоқ” феълининг буйруқ майли бўлиб, бу тил орқа “у” фонемасини ифодалаган, каллани куйдурмоқ маъносидаги “ут” сўзидаги “у” фонемаси классик тилдаги “утмоқ” феълининг буйруқ майли бўлиб тил олди, лабланган “у” фонемасини ифодалаган.

Навоий “ёй” ҳарфига шундай таъриф беради: *“Ва “ёйий” мисол уч ҳаракатдан ортуқ топилмас: “****без****”ки сорт “кадуд” дер ва “****биз****”ки “мо” ва “наҳну” маъниси биладур ва “****бииз****” ки “дарафш” дерлар”*[2]*.*

Бу таърифда арабий хатда бир хил ёзиладиган туркий сўзларни баъзида ўз ўрнига қараб чўзиқ “е” шаклида (***без***), баъзида қисқа “и” шаклида (***биз***) ва баъзида чўзиқ “и” шаклида (***бииз***) талаффуз қилиниши маълум қилинмоқда. Шундан маълум бўладики, арабий ёзувдаги туркий тилдаги сўзларда “*ёй*” ҳарфи ўрнига қараб баъзан чўзиқ “*ī*”, ”*ē*” шаклида, баъзан қисқа “*i*” шаклида талаффуз қилинади. Яъни форс тилидан фарқли ўлароқ туркий тилида узун-қисқалик маъно ажратувчи фонема вазифасида эмас, балки аллофон шаклида қўлланилади.

Навоий асарлари матни бугунги кунда, асосан, икки хил ёзувда нашр этилмоқда. Буларнинг бири илмий-танқидий матнлар нашрида қўлланиладиган арабий ёзув бўлиб, маълумки, унда унли товушлар ўзининг мукаммал аксини топмайди. Иккинчиси, ўзбек тилига мослаштирилган кирилл ёки лотин ёзуви бўлиб, уларда нашр этилган Навоий асарлари тили талаффуз жиҳатидан асосан ҳозирги замон ўзбек тилига мослаштирилган бўлиб, юқорида Навоий қайд этиб ўтган, XV аср талаффуз меъёрлари деярли ўз аксини топмайди. Бундан ташқари, Навоий асарлари тили учун мазмунан ҳам баъзан ўта муҳим бўлган араб ёзувига хос унсурлар – ўзбек тилида бир хил талаффуз қилинувчи “те”, “то”, “се”, “син”, “сод”, “зе”, “зол”, “зод”, “зо”, “ҳойи ҳутти” ва “ҳойи ҳавваз” сингари ҳарфлар, араб тилигагина хос бўлган товушни билдирувчи “айн” ҳарфи кабилар ўша давр арабий ёзувдаги матнда ўз маъно ажратиш хусусиятига эга бўлган ва ҳозирги ёзувларимизда уларнинг ўз ўрнида ифодаланмаслиги Навоий матнини адекват акс эттирмасликка сабаб бўлади ва кўпинча асар руҳини теран англаб етмасликка олиб келади (поэтик матнда ҳар бир товушгина эмас, баъзан ҳар бир ҳарф ҳам бадиий тимсол яратишда иштирок этиши мумкин).

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том, с. 18-19..
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том, с. 19.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, конкорданс учун асос қилиб олинадиган “Хамса” достонларининг матнини лотин алифбосидаги халқаро транскрипция тизимига ўгириш мақбул топилди. Сабаби лотин алифбоси асосидаги транскрипциялар тизими халқаро миқёсда қабул қилинган бўлиб, дунёдаги барча тилларнинг фонологик тавсифи ана шу тизимда берилади. Алишер Навоий асарлари матнини халқаро транскрипциялар тизимига ўтказилганда, унинг асарлари бўйича дунёнинг истаган нуқтасида тадқиқот ишлари олиб бориш мумкин. Араб алифбоси ёки кирилл алифбосидаги матн ҳамма тадқиқотчилар учун ҳам қулай деб бўлмайди, чунки бу алифболар тарқалган географик ҳудуд ва билимдонлар доираси чекланган.

Бундай транскрипция тизимида арабий ва форсий ўзлашмалардаги қисқа ва чўзиқ унлилар, “*айн*” ҳарфи ва “”*ҳамза*” белгисини, арабий ўзлашмаларда учрайдиган *“те”, “то”, “се”, “син”, “сод”, “зе”, “зол”, “зод”, “зо”, “ҳойи ҳутти”* ва *“ҳойи ҳаввaз*” ундош ҳарфларини алоҳида символлар билан бериш имкониятидан фойдаланилди. Аммо туркий тилдаги сўзларда фонемаларнинг узун-қисқалиги орасида аниқ чегара бўлмаганлиги учун улардаги унлиларни узун ва қисқа фонемаларга ажратишда изчилликка эришиш қийин бўлди.

“*Хамса*” матнларини лотин транскрипциясига ўгиришда учта манбага таянилди: 1) Араб алифбосининг ўзига хос хусусиятларини транскрипцияда акс эттириш ва мукаммал асарлар тўпламида йўл қўйилган баъзи камчиликларни тузатиш учун Порсо Шамсиев ва бошқалар томонидан 1956-1971 йилларда эълон қилган араб алифбосида ёзилган “*Хамса*”нинг илмий-танқидий матнларига мурожаат қилинди. 2) Навоий давридаги унлилар тизимини аниқлаш ва ҳар бир сўзни айни ўша давр талаффузида ифодалаш алоҳида тарихий-фонологик тадқиқотларни талаб қилишини назарда тутган ҳолда, ҳозирча бу масалада 1991 йилда эълон қилинган 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламининг 7-11 жилдлари матнидан келиб чиқишни лозим топилди. 3) “*Хамса*” достонларининг шеърий матни аруз вазнида ёзилганлиги, ундаги арабий ва форсий ўзлашмаларда ҳар бир унли товушнинг чўзиқ ёки қисқа талаффуз қилинишини белгилашга асос бўла олишини ҳисобга олиб ва аруз вазнидаги шеърий матннинг тўғри ўқилишига эришиш учун ҳар бир унли товушнинг чўзиқ ва қисқа вариантларини тақтиъ асосида алоҳида ифодалашга ҳаракат қилинди[1].

Бундай ёндошув келгусида Навоий даври тили устида олиб бориладиган тарихий-фонологик тадқиқотлар учун аниқ материал бериши мумкинлиги ҳам инобатга олинди. Мана шу кўрсатилган тамойиллар асосида “*Хамса*” достонлари матнини имкон даражасида мукаммал ифодалаш учун лотин алифбоси асосида жами 43 белгидан иборат транскрипция тизими қабул қилинди.

Алишер Навоийнинг “Хамса” достонлари матнини транскрипциялашда унли товушларни ифодалаш масаласи

“Хамса” достонлари конкордансини тузиш принципларини ишлаб чиқиш жараёнида асар матни транскрипциясини яратиш эҳтиёжи туғилди. Бу юмушни амалга оширишдаги энг мураккаб вазифа Навоий матнидаги унли товушларни қандай ифодалаш муаммоси бўлди. Чунки Навоий даврида ёзувда араб алифбоси қўлланилгани учун туркий тилнинг

[1] Алишер Навоий достонларида туркий сўзлардаги унлилар вазн талаби билан турли ўринларда турлича, яъни бир сўзнинг ўзидаги унлилар баъзи ўринда чўзиқ, баъзи ўринда қисқа унли сифатида ишлатилган. Шу сабабли туркий сўзлар учун ушбу масалада қатъий қоидага амал қилиш катта қийинчилик туғдирди. Арабий ва форсий ўзлашмаларда бундай ўзгаришларга иложи борича йўл қўймасликка интилиш бор, аммо баъзи ўринларда бу қоидадан чекиниш барибир учраб туради.

ҳамма нозикликларини ажратиб бериш имкони бўлмаган. Шу сабабли Навоий давридаги унлилар тизимини аниқлаш ва ҳар бир сўзни айни ўша давр талаффузида ифодалаш алоҳида тарихий-фонологик тадқиқотларни талаб қилади. Биз туркология соҳасидаги бундай жиддий изланишларга қўл уришдан ўзимизни тийган ҳолда шу кунгача бу йўналишда турколог олимлар олиб борган тадқиқотлар ва уларнинг энг сўнгги хулосаларига таяниб иш кўришга қарор қилдик.

Бу мавзудаги адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, ниҳоятда хилма-хилликка дуч келамиз. Э.Фозиловнинг кузатишларига қараганда, К.К.Юдахин Алишер Навоий даврида 6та унли мавжудлигини қайд этган бўлса, А.К.Боровков Навоий тилида 8та унли бор деб тахминлайди. Х.Дониёров эса 7-8 фонема, 11 товуш ҳақида гапиради. Янош Экман Навоий тилидаги унлилар системаси 9 фонемадан иборат деб ҳисоблайди. Академик А.Рустамов ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Э.Фозиловнинг ўзи ҳам шу хулосани маъқул топиб, Навоий тилида қуйидаги 9та унли товушларни санаб ўтади: *а, ӓ, е, и, ы, о, ӧ, у, ӱ.* Э.Умаров ўз докторлик ишида XV аср луғатшуноси Толеъ Ҳиравийнинг *“Бадоеъ ул-луғат”* асари материалларига таянган ҳолда Навоий даври адабий тилида 14 унли товуш, жумладан, 9 фонема (а, у, ý, уо, о, и, и:, иэ, э) ва 5 аллафон (ã, ă, э, и, ў,) мавжудлигини аниқлаган. Аммо кейинчалик ушбу олим *“XV аср ўзбек тили унлилари ҳақида”* мақоласида яна Толеъ Ҳиравийга таянган ҳолда, 11 унлини (чўзиқ *а,* қисқа *а,* очиқ *а, и, э, у,* қисқа *ү, ӱ, ў,* қисқа *и, ий*) ажратиб кўрсатади.

Булар барчаси назарий ечимлар. Уларни амалиётга татбиқ этилиши қандай? Э.Фозилов ўзининг XV аср биринчи ярмида яшаб ижод этган шоирлар – Хўжандий, Юсуф Амирий, Лутфийлар адабий мероси устида олиб борган тадқиқотларида 9 фонема ва 5та аллафон ажратиб кўрсатади. Хўжандий *“Латофатнома”*сини кириллица асосида – *а(ā), ə, е(ē), и(ū), ы, о(ō), ө, у(ӯ), ү,* шаклида, Амирий ва Лутфий асарларини эса лотин графикасига таянган ҳолда - а/ā, ӓ, е/ē, і/ī, **у,** о/ō, ӧ, u/ū, ӱ унли фонемалар билан транскрипциялайди. Унинг раҳбарлигида тузилган 4 жилдли *“Навоий асарлари луғати”*да эса кенг китобхон оммасига қулайлик яратиш мақсадида Навоий асарларининг янги даврдаги бошқа нашрлари сингари сўзлар XV аср талаффузида эмас, бугунги талаффуз қоидаларига риоя қилган ҳолда берилган. Аммо достонлар матнини илмий транскрипцияси учун бундай ёндошув мақбул эмас.

*“Хамса”*нинг биринчи достони *“Ҳайрат ул-аброр”* матнини транскрипция қилишда биз илк тажриба сифатида **уч асос**га таянишни маъқул топдик. Булардан **биринчиси** 1991 йилда эълон қилинган 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламининг 7-жилди матни бўлса, **иккинчиси** матншунос олим Порсо Шамсиев 1971 йилда тайёрлаб нашр эттирган арабий хатдаги илмий-танқидий матн эди. Ҳар икки матн ҳам асардаги унлилар тизимини мукаммал акс эттирмаслигини ҳисобга олиб, **учинчи** асос сифатида буларга қўшимча равишда мавжуд бир имкониятдан ҳам унумли фойдаланиш хайрли кўринди. Яъни *“Ҳайрат ул-аброр”*нинг шеърий матни аруз вазнида ёзилганлиги ундаги ҳар бир унли товушнинг чўзиқ ёки қисқа талаффуз қилинишини белгилашга асос бўла олишини ҳисобга олиб ва аруз вазнидаги шеърий матнни тўғри ўқилишига эришиш учун **ҳар бир унли товушнинг чўзиқ ва қисқа вариантларини тақтеъ асосида алоҳида ифодалашга ҳаракат қилинди**. Бундай ёндошув келгусида Навоий даври тили устида олиб бориладиган тарихий-фонологик тадқиқотлар учун аниқ материал бериши мумкинлиги ҳам инобатга олинди.

Алишер Навоий “*Мезон ул-авзон*” асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатишича, шеър тақтеъ қилинганда товушларнинг араб ёзувидаги ҳарфлар билан ифодаланиши эмас, айни талаф-

фузи ҳисобга олинади: “*Шеър тақтеъи иборат андиндирким, байт алфозини бир-биридан айиргайлар, ул навъким, байтнинг ҳар миқдори тенг тушгай ул биҳорнинг афоъийлидин биригаким, ул байт баҳрда воқеъдур ва тариқи будурким, мулоҳаза ҳаракатнинг нафсиға воқеъ бўлғай, йўққим, аҳволиғаки, ул фатҳа ва замма ва касрадур ва* ***малфуз эътибор қилғай, йўққи мактуб ва ҳар ҳарфки лафзда келгай, агарчи китобатда бўлмағай, тақтеъда ҳисобға киргай...*** ”[1]

“*Ҳайрат ул аброр*” достони арузнинг “*сариъи мусаддаси матвий*” вазнида ёзилган. Бу вазннинг шартли ифодаси “*муфтаилун муфтаилун фоилон(*ёки *фоилун)”* бўлиб, шартли белгиларда –VV- / -VV-/ -V~ (-), яъни бир чўзиқ бўғин, икки қисқа ва яна бир чўзиқ бўғин икки марта қайтарилиши ва охири бир чўзиқ, бир қисқа ва бир ўта чўзиқ (ёки чўзиқ) бўғин билан тугашини ифодалайди.

Мисол:

Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.

Бу байт шундай тақтеъ қилинади:

– V V - / - V V - / - V ~
Här/du/rä/ŋā/ĵäv/hä/ri/ĵan/din/fu/zūn
Qiy/mä/tä/rā/ik/ki/ĵä/han/din/fu/zūn[2]

“Ҳайрат ул аброр” матнини шу шаклда вазнга мослаб тақтеъ қилиш (узун ва қисқа бўғинларга ажратиш) жараёнида достон тилида 10та унли товуш аниқланди. Аммо бизнинг бу илк тажрибамизда бир масалада иккиланиш бўлди. Яъни ҳозирги ўзбек тилидаги ***о*** ва ***а*** унли фонемалари ўзаро фарқланмай қолди. Кўп ўйлаб ва юқорида кўрсатиб ўтилган мутахассисларнинг хулосаларини ҳам инобатга олиш натижасида қисқа ***а*** товушини ҳам ҳисобга киритиб достон матни транскрипциясида 11та чўзиқ ва қисқа унли товушларни (ä, а, ā, е, ē, і, ī, u, ū, о,ō) акс эттиришга қарор қилинди.

Қайд этиб ўтиш керакки, бу товушларнинг баъзиси фонемалар ҳосил қилса, баъзилари аллафонлар (вариантлар) сифатида қўлланилган. Жумладан, транскрипциядаги (талаффузи - кирилл ҳарфларида)

АаО (қисқа)
ЕеЭ (қисқа)
ІіИ (қисқа)
UuУ (қисқа)
ООў (қисқа)

товушлари билан мувофиқ равишда

ĀāО (чўзиқ)
ĒēЭ (чўзиқ)
ĪīИ (чўзиқ)

[1] Алишер Навоий. МАТ. Т.16. Т., “Фан”, 2000, с.59. (Бу ўринда жумла мазмунига кўра “*ҳарф*” сўзи товуш маъносида ишлатилган.)
[2] (Охирги бўғин zun ўқилиши ҳам мумкин).

ŪūУ (чўзиқ)
ŌōЎ (чўзиқ)
товушлари кўп ўринда аллафонлар ҳосил қилади.

Шундай қилиб, достон матни транскрипциясидаги унлиларнинг узун-қисқалиги аруз вазнидаги шеърларнинг тўғри ўқилиши учунгина муҳим бўлиб, маъно фарқловчи алоҳида фонемаларни ташкил қилмайди, шу сабабли уларни асосан аллофонлар сифатида қабул қилиниши ўринлидир. Эътибор бериш керакки, транскрипцияда берилган "ä" белгиси фақат кирилл ёзувида *а* ҳарфи билан ифодаланувчи қисқа товушни ифодалаш учун қўлланилди. Транскрипциядаги "а" ва "ā" белгилари эса ҳозирги кирилл ёзувида **"***о***"** ҳарфи билан берилувчи товушнинг қисқа ва чўзиқ вариантларини ифодалаш учун қўлланилди. Бир нарса аниққи, бу товуш вазнга муносиб чўзиқ ўқилганда матн транскрипциясида "ā" белгиси билан, қисқа ўқилганда эса "а" белгиси билан ифодаланса-да, аслида ҳозирги ёзувдаги биргина "***о***" товушининг аллофонларини ҳосил қилиши ҳисобга олинди.

Аммо кейинги достонлар матнини транскрипциялашда қисқа *а* товушини ифодалаши керак бўлган "ä" белгисидан воз кечишга қарор қилинди. Чунки, биринчидан, матнда "а" ва "ä" белгилари аро фарқни аниқ ажратиш кўпинча қийин кечди[1], иккинчидан, Навоийнинг ўз изоҳларига қараганда[2], соф туркий асосдаги сўзларда араб ёзувида *"алиф", "вов", "йай"* ҳарфлари орқали ифодаланган унли товушлар форс ёки араб тилидагидек доимо чўзиқ *а, у, и* товушларини ифодалаб келавермас экан. Демак, биз ажратиб кўрсатмоқчи бўлган қисқа ***а*** ва қисқа ***о*** товушларини ифодалаши керак бўлган "а" ва "ä" белгилари доимо ҳам воқеликни тўғри акс эттириши гумонли экан. Бу муаммога узил-кесил аниқлик киритган яна Навоий тилининг билимдони Э.Умаров бўлди. Биз унинг 1994 йилда "Шарқшунослик" илмий тўпламида босилиб чиққан "*Навоийда ийҳом санъати"* деб номланган мақоласига, сарлавҳасидан келиб чиқиб, адабиётшунослик мавзусида экан, деган мулоҳазада аввал эътибор бермаган эканмиз. Ваҳоланки, айни шоир ишлатган ийҳом санъати намуналари бизнинг бошимизни қотирган масалада аниқ ва ишонарли хулоса чиқаришга имкон берар экан. Мана олим хулосаси: "*Эски ўзбек тилида "о" товуши йўқлиги луғатчилар фикрига қараганда шоирларга ажойиб сўз ўйини - ийҳом санъати яратиш имконини берган".* Бу хулоса Толеъ Ҳиравийнинг *"Бадоиъ ул-луғат"* ва Мирза Меҳдихоннинг *"Санглоҳ"* луғатларида келтирилган қатор далиллар билан мукаммал исботланади. Демак, ҳозирги ўзбек тилидаги *"бармоғим" - "бормоғим", "ташимда" - "тошимда", "қани" - "қони", "нари" - "нори", "қанда" - "қонда", "қалқан" - "қалқон", "қара" - "қора*" сўзлари Навоий даврида деярли бир хил талаффуз қилинганлиги шубҳасиз бўлиб, бизнинг муаммомизни ҳам тўлиқ ечиб берганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин[3].

---

[1] Биз "*ä*" белгисини араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги муайян ҳарф билан ифодаланмайдиган "*а*" товушини билдириш учун ишлатган эдик.

[2] "Яна туркча алфоздурким, анда «алиф» ва «вов» ва «ё» «фатҳа» ва «замма» ва «касра» ҳаракати ўрниға битилурки, бу ҳеч маҳалда ҳарф ҳисобиға кирмас, балки ҳаракат ўрнигадурур, магар баъзи ердаким байтнинг охирида тушган ва ани заруратдин қофия қилмиш бўлғайлар..."

[3] Профессор Қосимжон Содиқовнинг «Муҳокамату-л-луғатайн»ни ўқиб ўрганиш" китобида Навоий асарини транскрипциялаш учун 3та "а" таклиф қилинади:
а - орқа қатор, "йўғон", кенг, лабланмаган унли;
ä - олд қатор, "ингичка", кенг, лабланмаган унли;
ā – арабча ва форсча ўзлашмалардаги "алиф" билан берилувчи "чўзиқ" /а/.
Лекин биз олдинги икки шартли белги билан берилган товушларни матнда аниқ ажратиб кўрсатувчи белги кўрмадик ва келтирилган матн транскрипциясида ҳам бир морфеманинг икки хил ёзилишига дуч келдик (-lar ва lär). Назаримизда, бу ерда ҳам Навоий даври ўзбек адабий тилида сингармонизм бор деган фараздан келиб чиқилган. "Bilä" сўзи ҳам танқидий матнда доим "алиф" билан ёзилган.

Кейинги масала араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги унлилар талаффузи масаласи бўлиб, маълумки, бугунги Эрондаги адабий форс тилида 3та қисқа (*э,а,ў*) ва 3та чўзиқ (*и, о, у*) унли товушлар қайд этилган. Булардан биринчилари араб графикасида сўз ўртаси ва охирида алоҳида ҳарфлар билан ифодаланмайди, сўз бошида эса ҳар 3 товуш фақат биргина "алиф" билан ифодаланади. Иккинчилари эса сўз ўртаси ва охирида *"алиф", "вов", "йай"* ҳарфлари орқали, сўз бошида *"алиф" ва "вов", "алиф" ва "йай"* ҳамда *"алиф"* устига "*мадд*" белгиси қўйиш билан ифодаланади. Аммо Навоий матнларининг талаффузи кўпинча ушбу қоидага мувофиқ келмайди. Нега?

Бу саволнинг жавоби А.Қуронбековнинг 2009 йили "*Шарқ классик филологияси*" илк тўпламида чоп этилган "*Классик форс тили ҳамда ҳозирги форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий таҳлили*" мақоласи билан равшанлашади. Иқтибос келтирамиз:

"*Классик порсий-дарий тилининг фонетик тизими ҳозирги замон форс тилининг фонетик тизимидан фарқли бўлган. Классик порс тилида 8 та унли 24 та ундош фонема мавжуд бўлган. Улар қуйидагилар*[1].

Унли фонемалар:

Қисқа унлилар	Чўзиқ унлилар
a	ā
i	ī
u	ū
	ē
	ō...[2]"

Тилшунос олим мақола давомида бу хулосасини пухта далиллар асосида ишонарли исботлайди.

Кўриб турганимиздек, X-XV асрлар давомида жорий бўлган классик форс адабий тили талаффуз тизими ҳозирги форс адабий тилидан кўра ҳозирги дарий ва тожик тилларидаги унлилар тизимига кўпроқ мос келган. Бундай бўлиши табиий, чунки дарий тилидаги мумтоз шеърият мактаблари дастлаб Мовароуннаҳр (Самарқанд, Бухоро) ва Хуросонда (XI аср Ғазнавийлар саройи шоирлари, Фирдавсий – Эрон Хуросони) шаклланган. XV аср Ҳирот адабий мактаби шоирлари – хоҳ форс тилида ижод қилсин, хоҳ туркий тилда – талаффуздаги ушбу анъанага содиқ қолганликларига сира шубҳаланмаса ҳам бўлади. Демак, Алишер Навоий матнларидаги араб-форс тилидан ўзлашган сўзлар талаффузи ҳозирги форс адабий тили талаффуз тизимига эмас, ҳозирги дарий ва тожик тилларидаги унлилар тизимига кўпроқ мос келган **к**лассик форс адабий тили талаффуз тизимига мувофиқ бўлганлиги мантиқлидир.

Охирги бир масала қолди. Юқорида Э.Фозилов китобида келтирилган Навоий тилидаги 9та унли товушлар қаторида *ӧ, ӱ* ҳам учраган эди. Олимнинг кейинги тадқиқотларида XV аср туркигўй шоирлар Амирий ва Лутфий асарларини транскрипциялашда ҳам ушбу ӧ, ӱ унли фонемалари учрайди. Хўш, Навоий тилида ушбу товушлар дарҳақиқат учрайдими ва агар учраса, улар маъно ажратувчи фонема ҳосил қиладими? Бу саволга яна Э.А.Умаров ўзининг 2008 йилда рус тилида алоҳида рисолача шаклида нашр этилган *"Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат ат-турк» асаридаги унлилар ҳақида янги маълумотлар"* тадқиқо-

[1] Мавзуга алоқадор бўлмагани учун ундошлар рўйхатини келтирмадик.
[2] А.Қуронбеков. Классик форс тили..., с. 12.

тида мукаммал жавоб берган. Олим Маҳмуд Қошғарий, Толеъ Ҳиравий, Мирза Меҳдихон, Фатҳ Алихон, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқаларнинг мавзуга оид қарашларини жиддий таҳлил қилиш натижасида туркий тиллар тарихий талаффузида ҳозирги рус тилидагидек фонема ажратувчи юмшоқлик – қаттиқлик зиддияти ҳам, сингармонизм ҳам бўлмаган[1], деган хулосага келади. Аксарият турколог олимлар томонидан Алишер Навоий тилида ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлмаган *ö, ÿ* унлилари бор деб ҳисобланиши фақат назарий асосда, яъни қадим туркий тилда фонема ажратувчи юмшоқлик - қаттиқлик зиддияти ва сингармонизм ҳодисаси мавжудлигига ишончдан келиб чиққанлиги маълум. Бизнинг назаримизда, бугунги кунда баъзи туркий тилларда мавжуд бўлган фонетик ўзига хосликлар ушбу адабий тилларнинг муайян туркий шевалар асосида ва муайян ўзга тиллар муҳитида шаклланганлигининг таъсири бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тилининг қатор шевалари талаффузида ҳам бундай ўзига хосликлар кенг тарқалгандир. Аммо ўтмиш тилшуносларимиз ҳам, биз ҳам адабий тил нормалари ҳақида мулоҳаза юритмоқдамиз. Бунинг устига Алишер Навоий яшаб, ижод қилган Ҳирот тил муҳити дари ва туркий тилда гаплашувчи халқлар аралаш яшаган муҳит бўлиб, масалан, усмонли турк шоирлари ижод қилган муҳитдан кескин фарқ қилганлигини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Хуллас, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, Алишер Навоий "*Хамса*"си достонлари конкордансини тузиш учун шакллантирилган матн транскрипциясида унли товушларни қуйидаги белгилар билан ифодалаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ топилди[2]:

Transkripsiya	**Талаффузи (кирилл ҳарфларида)**	**Араб ёзувида ифодаланиши**
Aa	А ёки О (қисқа)	Сўз бошида – "*алиф*" ёки (соф туркий сўзларда) баъзан "*мадда*"ли "*алиф*" билан ифодаланади. Сўз ўртасида – ҳарф билан ифодаланмайди, ёки (соф туркий сўзларда) баъзан "*алиф*" билан ифодаланади. Сўз охирида – *"ҳойи ҳаввоз"* ёки (соф туркий сўзларда) баъзан "*алиф*" билан ифодаланади.
Āā	О (чўзиқ)	Сўз бошида – "*мадда*"ли "*алиф*" билан ифодаланади. Сўз ўртасида – "*алиф*" билан ифодаланади. Сўз охирида – "алиф" билан ифодаланади.
Ее	Э (қисқа)	Сўз бошида – "*алиф*" ёки "*алиф*"+ *"йай"* билан ифодаланади. Сўз ўртасида – ҳарф билан ифодаланмайди ёки "*йай*" билан ифодаланади. Сўз охирида - "*йай*" билан ифодаланади.
Ēē	Э (чўзиқ)	Сўз бошида – "*алиф*" билан ифодаланади. Сўз ўртасида – "*йай*" билан ифодаланади. Сўз охирида – "*йай*" билан ифодаланади.
Іі	И (қисқа)	Сўз бошида – "*алиф*" ёки "*алиф*"+ *"йай"* билан ифодаланади. Сўз ўртасида – ҳарф билан ифодаланмайди ёки *"йай"* билан ифодаланади. Сўз охирида – "*йай*" билан ифодаланади.

[1] Сингармонизм масаласида қатор турколог олимлар Э.Умаров хулосасига қўшилмаслиги маълум, аммо бу баҳс ушбу мақола доирасига сиғмайди.

[2] Бу ишда биз ўта баҳсли масала бўлган ўша давр талаффуз нормаларини тўғри тиклашни эмас, балки Навоий шеъриятидаги аруз вазни қоидаларига бўйсундирилган ва ёзувда аниқ ифодасини топган шартли фонетик тизимнигина акслантиришни лозим кўрдик. Қолгани турколог олимлар баҳсига ҳавола.

Ii	И (чўзиқ)	Сўз бошида – “*алиф”+ йай*” билан ифодаланади. Сўз ўртасида – “*йай*” билан ифодаланади. Сўз охирида – “*йай*” билан ифодаланади.
Uu	У (қисқа)	Сўз бошида – “*алиф*” ёки “*алиф”+ “вав”* билан ифодаланади. Сўз ўртасида – ҳарф билан ифодаланмайди ёки “*вав*” билан ифодаланади. Сўз охирида – “*вав*” билан ифодаланади.
Ūū	У (чўзиқ)	Сўз бошида – “*алиф”+ “вав*” билан ифодаланади. Сўз ўртасида – “*вав*” билан ифодаланади. Сўз охирида – “*вав*” билан ифодаланади.
Oo	Ў (қисқа)	Сўз бошида – “*алиф*” ёки “*алиф”+ “вав”* билан ифодаланади. Сўз ўртасида – ҳарф билан ифодаланмайди ёки “*вав*” билан ифодаланади. Сўз охирида – “*вав*” билан ифодаланади.
Ōō	Ў (чўзиқ)	Сўз бошида – “*алиф”+ “вав*” билан ифодаланади. Сўз ўртасида – “*вав*” билан ифодаланади. Сўз охирида – “*вав*” билан ифодаланади.

“ХАМСА” ДОСТОНЛАРИ МАТНЛАРИДАГИ САКТАЛИКЛАР ВА КОНКОРДАНС ТУЗИШ УЧУН ХАЛҚАРО ТРАНСКРИПЦИЯ ТИЗИМИГА ЎТИШДА УЛАРНИ ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ

“Хамса” достонлари матнларини халқаро транскрипция тизимига ўтказиш жараёнида маълум бўлдики, Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик “*Мукаммал асарлар тўплами*”да турли сабаблар билан йўл қўйилган баъзи сакталиклар учрар экан. Биз уларни тузатишда икки асосга таяниб иш кўрдик. **Биринчиси,** йигирма жилдликдаги матнни танқидий матн ва Абдужамил котиб нусхаси билан қиёслаш. Бунда аввал танқидий матн билан қиёсланди, агар қониқарли натижага эришилмаса, унда Абдужамил котиб нусхасига мурожаат қилинди.

Бундай сакталикларга “*Ҳайрат ул-аброр*” бўйича бир мисол олдинги мақолада келтирилган эди. Иккинчи бир мисол тарзида “*Лайли ва Мажнун*” достони матнини транскрипциялаш жараёнидаги қийинчиликлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Аввало шуни қайд этиб ўтиш лозимки “*Лайли ва Мажнун*” достонининг танқидий матни марҳум устоз Порсо Шамсиев томонидан мукаммал тузилган бўлишига қарамай, то шу кунгача асл нусхада яъни араб алифбосида нашр этилмаган. Натижада олимнинг Ўзбекистон ФА кутубхонаси фондидаги докторлик диссертацияси қўлёзма нусхаси илова қисмидан ушбу танқидий матннинг электрон вариантини кўчириб олиб фойдаланишга мажбур бўлинди. Аммо бу вариантдаги баъзи ўринларни ўқиш бироз мушкул эди. Ундан қоғозга кўчириб олиш эса умуман самарали натижа бермади.

Шу сабабли достон матнини халқаро транскрипция асосидаги лотин ёзувига ўтказиш жараёни бироз мураккаблашди. Бу жараёнда “*Мукаммал асарлар тўплами*”нинг 9-жилди матнида асарнинг танқидий матнига қиёсан баъзи ўзгаришлар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Булардан қайси бири тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида ЎзФА Беруний номидаги собиқ Шарқшунослик институти фондида сақланаётган табаррук қўлёзма Навоий “Хамса”сининг Абдужамил котиб нусхасига мурожаат қилишга тўғри келди.

Мисоллар:

“Мукаммал асарлар тўплами”да XXXVII боб, 11-байт –

Kin anda ki, bolsa razm čāġi,

Lutf anda ki, ičsa bazm ***ayāġi*** – шаклида берилган.

Танқидий матнда эса худди шу байт –

Kin anda ki, bolsa razm čāġi,

Lutf anda ki, ičsa bazm ***čāġi*** – ҳолатида келган.

Биз Абдужамил котиб нусхасига таянган ҳолда иккинчи вариантни сақлаб қолдик.

Яна танқидий матнда XXXVI боб, 20-байт –

Tāpqāč ani bu ṣifat ***ṣafāliq****,*

Tāqti ātiġa ĵahānnamāliq – деб берилган ҳолида

“Мукаммал асарлар тўплами”да байтнинг 1-мисраси –

Топқоч ани бу сифат ***зиёлиқ*** - шаклида қайд этилган.

Транскрипция учун Абдужамил котиб нусхаси тасдиқлаган танқидий матн варианти танланди.

Танқидий матнда XXXIII боб, 99-байт –
Gar luqmayi ***nāgah*** *aylabān qut,*
Andin ġaraẓiŋ bolub maŋa sut – шаклида берилганига қарамай
“Мукаммал асарлар тўплами”да 1-мисра –
Гар луқмаи ***нонки*** *айлабон қут* – деб ёзилган.
Абдужамил котиб нусхаси билан қиёслаш натижасида “***nāgah***” варианти танланди.
XXIV бобнинг 4-байти танқидий матнда –
Vahm ayladilar ki; «Makr etgay,
Ġāfillay alar *bāšiġa yetgay»* - сифатида берилган.
“Мукаммал асарлар тўплами”нинг тузувчилари байтнинг 2-мисрасини
Ғофил қилибон *бошиға етгай* – шаклида тузатганлар.
Абдужамил котиб нусхаси билан солиштириб биз танқидий матн вариантини тўғри деб топдик.
IX боб 107-байт танқидий матнда –
Čun ’išq ḥavālasini bildi,
’Išqi *dil ila qabūl qildi* – вариантида
“Мукаммал асарлар тўплами”да эса
Čun ’išq ḥavālasini bildi,
Ṣidqi *dil ila qabūl qildi* – шаклида берилган.
Албатта, ҳозирги кунда халқ тилида кўпроқ “*сидқи дил*” бирикмаси ишлатилади. Лекин биз Абдужамил котиб нусхасига риоя қилган Порсо Шамсиев танловини афзал кўрдик.
Бу каби тузатишлар матнда яна анча-мунча учрайди. “*Мукаммал асарлар тўплами”*нинг тузувчилари ўз текстологик тузатишларини изоҳларда аниқ далиллаб кўрсатмаганлар, шу сабабли биз бу тузатишлардан кўп ўринда танқидий матн фойдасига воз кечишга мажбур бўлдик.
Иккинчи гуруҳ сакталиклар аруз вазнига риоя қилишдаги нозикликлар билан боғлиқ бўлиб, улар достонлар матнини тўлиқ тақтеъ қилиб чиқиш мобайнида аниқланди. Йигирма жилдликдаги кўпчилик хатолар турли сабабларга кўра вазн бузилиши билан боғлиқ бўлиб, улар шеърий матн тақтиъ қилинганда яққол кўзга ташланиб қолар экан. Масалан еттинчи жилддаги “*Ҳайрат ул-аброр*” матни 3-фасл, 11-байт шундай берилган:

Демаки наргис кўзи масти хароб,
Балки дам гулшанида масти хоб

Бу байтдаги “*балки дам*” бирикмасида вазн аниқ бузилган. “*Ҳайрат ул-аброр*” достони арузнинг **“сариъи мусаддаси матвий”** вазнида ёзилган бўлиб, бу вазннинг шартли ифодаси ***“мафтаилун мафтаилун фоилон (***ёки ***фоилун)”*** – шартли белгиларда **–VV–/–VV–/–V~ (**–) тарзида кўрсатилади, яъни бир чўзиқ бўғин, икки қисқа ва яна бир чўзиқ бўғин икки марта қайтарилиши ва охири бир чўзиқ, бир қисқа ва бир ўта чўзиқ (ёки чўзиқ) бўғин билан тугашини ифодалайди.
Мисол:

Риштаси худ иқди жаҳон риштаси
Дема жаҳон риштаси жон риштаси.

Бу байт шундай тақтиъ қилинади:

– VV– / –VV– / –V ~

Риш/та/си/худ иқ/ди/жа/ҳон риш/та/си

Де/ма/жа/ҳон риш/та/си/жон риш/та/си

Тақтиъ қилинганда маълум бўлдики, юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасида бир чўзиқ, икки қисқа, бир чўзиқ (**–VV**–) ўрнига бир чўзиқ, бир қисқа яна бир чўзиқ (-V-) бўғин келмоқда, ўртада бир қисқа бўғин етишмайди. П.Шамсиев тайёрлаган арабий хатдаги нусха билан қиёслаганда *“-дам”* сўзида олдинги “*айн*” ҳарфи тушиб қолганлиги маълум бўлди. Шугина эътиборсизлик байтнинг маъносини буткул ўзгартириб юборган. “*Дам*” бу “*истироҳат, ором*” маъносини ифодаласа “*адам*” бу арабий сўз бўлиб “*йўқлик*” маъносини ифодалайди.

Яна бир мисол:

Ҳокими одил бўлубон ҳукмрон,
Дома лаҳул – мулк ва лаҳул – ҳукм шон.

Бу байтнинг иккинчи мисрасида вазн бузилган, бу байтни

“Дома лаҳул мулку лаҳул ҳукму шон”- деб ўқилса вазнга тушади.

“*Фарҳод ва Ширин*” достонининг вазни **“ҳазажи мусаддаси мақсур”** бўлиб, “***мафоийлун, мафоийлун, мафоийл***” (шартли белгиларда **V– – – / V– – –/ V– –**) вазнида ёзилган.

Мисол:

Кўзимга ул эшик қулфин падид эт,
Анинг фатҳиға килкимни калид эт.

Бу байтнинг тақтиъси:

V– – – / V – – – / V – –
Кў/зим/га/ ул э/ шик/ қул/ фин па/ди/дет
а/нинг/фат/ҳи ға/кил/ким/ни/ ка/ ли/ дет

“*Фарҳод ва Ширин* ” достонида ҳам вазн бузилган ва натижада сакталик вужудга келган сатрлар учраб туради. Масалан, учинчи фаслда йигирма жилдликнинг саккизинчи жилдида шундай байт келади:

Ки гар эгрию гар рост килки тақдир,
Азалда айламиш олиға таҳрир.

Бу байтнинг биринчи сатридаги “*рост*” сўзи вазнни бузган, илмий танқидий матнда бу сўз ўрнида “*туз*” , яъни “*тўғрилик*” сўзи қўйилган. Агар “*рост*” сўзи “*туз*” билан алмаштирилса вазнга мос тушади.

“*Лайли ва Мажнун*”нинг вазни ҳам анча мураккаб. А.Ҳожиаҳмедовнинг “Навоий арузи нафосати” асарида таъкидланишича, бу асар **кўп вазнли** достонлардан бўлиб, асосан ўз-

бек шеъриятида нисбатан кам қўлланилган **ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф** (*мафъулу мафоилун фаулун*) ва **ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур** (*мафъулу мафоилун мафоийл*) вазнларида яратилган. Булардан ташқари, баъзи ўринларда шоир **ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф** (*мафъулун фоилун фаулун*) ва **ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақсур** (*мафъулун фоилун мафоийл*) вазнларига ҳам мурожаат қилган. Шу усул билан достон оҳангида керакли даражада ранг-баранглиқни таъминлашга муваффақ бўлинган.

Мисол:

Эй яхши отинг била сароғоз,
Анжомиға ким етар ҳар оғоз.
– – V/ V – – – / V – – –
Эй/ях/ши/ о/тинг/би/ла/ са/ро/ғоз
Ан/жо/ми/ ға/ким/е/тар/ҳа/ро/ғоз

Бу достоннинг матнини тақтиъ қилиш жараёнида ҳам бир қатор сакталикларга йўл қўйилгани аниқланди ва матнни транскрипцияга ўгириш жараёнида бу сакталиклар тузатилди. Масалан шу достоннинг биринчи фаслида:

Тоғлар *тутуб нечукки сойил,*
Очиб этагин тиларга мойил.

Бу байтдаги “*тоғлар*” сўзи вазнга тушмаган (мазмун ҳам хиралашган). Танқидий матнга қаралганда бу сатр “***Тоғлола*** *тутуб нечукки сойил*” эканлиги аниқланди ва бу вазнга тўла мос келади (мазмун ҳам ёришади).

“*Сабъаи сайёр*” достони асосан **хафифи мусаддаси махбуни мақсур** ва унинг зиҳофлари вазнида ёзилганлиги аниқланди. Бу аруз вазнидаги *“фоилотун мафоилун фаълон”* баҳридан иборат.

Мисол:

Эй сипосинг демакда эл тили лол,
Элга тил сендин ўлди тилга мақол.

Тақтиъси:

Эй/си/по/синг/ де/мак/да/эл/ ти/ли/лол/
Эл/га/тил/сен/ ди/нўл/ди/тил/ га/ма/қол

Достон матнини тақтиъ қилиб ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида котибларга алоҳида таъкидлаб, асл матнни буэмасдан кўчиришни тайинлаганларига хилоф равишда, баъзи байтларда сакталиклар ва хато ёзилган сўзлар мавжудлиги аниқланди.

Масалан, йигирма жилдликнинг 10-жилди, 8-фасл,47-байти:

Кайфиятини айладинг мафҳум,
Бўлдиму бу (???) иш ҳақиқати маълум? –

деб ёзилган.

Кейин нашр этилган 10 жилдлик тўла асарлар тўпламида ҳам бу сакталик тузатилмаган. Ваҳоланки, илмий-танқидий матнда вазнни бузиб турган “бу” сўзи йўқ. Алишер Навоий ўз асарида вазнга ўта эҳтиёткорлик билан ёндошади. Чунки вазннинг бузилиши шоирнинг маҳорати суст эканлигидан далолат беради.

Худди шундай вазндаги сакталик шу фаслнинг 87 байтида ҳам кузатилади:

Нукта ким суруш қилди хуруш,
Бу ҳам этти хуруш мисли суруш.

Бу байтда биринчи мисрадаги “нукта ким” вазнга тушмайди. Вазн бўйича “*фоилатун мафоилун фаълон*” шаклида ўқилиши керак “*нукта ким*” бирикмаси “*фоило*” шаклида ўқилиб бир узун ёпиқ бўғин етишмайди, кейинги сўзлар эса вазнга тушади. Бунинг сабабини аниқлаш учун илмий-танқидий матнга мурожаат қилинганда, бу матнда ҳам “*нукта ким*” шаклида ёзилгани маълум бўлди. Бу сакталикнинг сабаби Алишер Навоийнинг асл матнидаги бир бўғин (*-йэ* – ноаниқлик артикли) қўлёзмаларда ўз аксини топмаганлигидан бўлса керак (“*нукта*” сўзи ёзувда ҳойи ҳаввазга тугайди, ва ундан кейинги “*йэ*” одатда “*ҳамза*” белгиси билан берилади, бу белги эса зич матнларда кўпинча тушиб қолади). Асл матн бўйича: *“Нук/та/е/ ким/ су/ру/ш/ қил/ди хуруш”* - деб ўқилса вазн бузилмайди.

Бундай сакталиклар Ўрта аср балоғат илмидан бехабар кишига арзимаган бир камчилик бўлиб кўриниши мумкин. Лекин Навоий даврида ва ҳозирги адабиётшунос олимлар наздида бу кечириб бўлмас хатолик ҳисобланади. Алишер Навоий достонининг фалон байтида сакталикка йўл қўйилган, деган айб қўйилса, Алишер Навоийдек буюк шоир шаънига доғ тушган бўлади.

Албатта, достонларни нашрга тайёрловчилар аруз вазнининг пухта билимдонлари эканлигига шубҳа йўқ ва асосан достонлар вазни тўғри сақланган, аммо иш бор жойда хато бор, деганларидек, баъзан кўз чарчайди, баъзан чарчаганда эътибор сусаяди, шундай ҳолларда барибир анча-мунча хатоликлар ўтиб кетиши табиий.

Шундай бўлса ҳам имкон даражасида биз бир-биримизнинг камчиликларимизни тузатиб боришимиз илм талабидир. Баъзан газета ва журналларда оддий бир хабар ёки мақолада хато кетса, кейинги сонда узр сўраб хатолик тузатилади. Тасаввур қилинг шундай хатолик Алишер Навоийдек буюк шоирнинг шоҳ асарида рўй берса, бунга эътибор қаратмай ўтиш мумкинми?.

Яна бир гап. “*Ҳайрат ул-аброр*” матнини шу шаклда вазнга мослаб тақтиъ қилиш (узун ва қисқа бўғинларга ажратиш) жараёнида достон тилидаги унли фонемалар ҳозирги ўзбек тилидаги унли фонемалардан фарқли равишда баъзан чўзиқ, баъзида қисқа ўқилиши кузатилди. Масалан “ā” унлисининг вариантлари:

Солиб *чун қаҳр* ***истиғноси*** *партав,*
Келиб кам зарралардин доғи Хусрав.

Бу байтдаги “*солиб*” сўзидаги “*со*” бўғини қисқаликни ифодалаб келган, “*истиғно*” даги “*но*” эса чўзиқ бўғинни ифодалаб келган. Шунингдек, “а” унлиси ҳам баъзан чўзиқ, баъзида қисқа бўғин таркибида келади:

Вужуд ичра йўқ олойиш аларға,
Адам ***кунжида*** *осойиш* ***аларға****.*
(мафоийлун мафоийлун мафоийл)

Бу байтдаги "*кунжида*" сўзидаги "*да*" қўшимчаси қисқа бўғин таркибида келган, "*аларға*" сўзидаги "*ға*" қўшимчаси эса чўзиқ бўғин таркибида келган. "*И*" унлиси ҳам баъзан очиқ бўғинларда чўзиқ бўғин таркибида, баъзан қисқа бўғин таркибида келади:

Ўтумда йўқ ***тириклик*** *меҳри* ***тоби****,*
Суюм йўқлуғ биёбони сароби.

Бу байтдаги "*тириклик*" сўзидаги "*ти*" қисқа бўғин таркибида келган, "*тоби*" сўзидаги "*би*"эса чўзиқ бўғин таркибида келган. Шунингдек, "*е*" унлиси ҳам худди шундай:

Не *тан* ***не*** *танда бош* ***не*** *бош аро кўз,*
Не *юз* ***не*** *юзда лаб* ***не*** *лаб аро сўз.*

Бу байтдаги бошида келган биринчи "*не*" қисқа бўғинни ифодалайди, ундан кейинги келган "*не*"лар чўзиқ бўғинни ифодалайди. Бошқа унлилар ҳам худди шундай.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Навоий давридаги туркий тилда ҳар бир унли фонеманинг узун-қисқа аллофонлари мавжуд бўлган, ёки бўлмаса, туркий тилда унлиларга узун-қисқалик хос бўлмай, аруз вазни тақозоси билан унлилар гоҳида узун, гоҳида қисқа ўқилаверган. Бу муаммони ҳал қилиш келажак ўзбек тилшуносларининг эътиборига ҳавола.

Биз матнларни халқаро транскрипция тизимига кўчиришда, туркий сўзлардаги "*а, и, у, е, ў*" унлиларнинг узун-қисқа фонемаларга қатъий ажратишдан воз кечдик. Чунки бу айнан бир сўздаги унлиларни баъзан чўзиқ, баъзида қисқа қилиб кўрсатишни талаб қиларди, бу эса ўз навбатида турли чалкашликларга олиб келган бўлур эди.

Йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўпламига кирган "*Ҳайрат ул-аброр*" матни билан танишиш жараёнида ўзбек тилидаги сўз ясалиши усулларига, қўшма сўз билан сўз бирикмаси фарқига, копулятив бирикмалар билан синтактик гап бўлаклари ўртасидаги боғловчиларни бир-биридан ажратишга, сўз ясовчи аффиксларнинг алломорфларига эътибор берилмагани кузатилди.

Қўшма сўзларнинг ёзувда ажратиб ёзилишига мисол:

"Йўққи ўшул риштаи ***гавҳар баҳо****,*
Ганжи илоҳийга эрур аждаҳо" (1,11)

Бу байтдаги "*гавҳарбаҳо*" қўшма сўз бўлиб қўшиб ёзилиши керак, матнда алоҳида ёзилган.

Копулятив қўшма сўзларга мисол:

"Ишқ елин еткурубон ***тунду тез****,*
Ақл алачуғин этиб рез-рез" (2,18)

Бу байтдаги *“тунду тез”* иккита синоним қўшилишидан ясалган копулятив қўшма сўз бўлиб, у битта қўшма сўз сифатида *“тунду-тез”* шаклида ёзилиши керак эди. Сўз ясовчи қўшимчаларга мисол:

*“Ҳусн қуёшин қилиб **офоқ сўз**,*
*Партавини айлади **олам фуруз**.” (2,23)*

Байт маъносидан кўриниб турибдики, “*сўз*” куйдирувчи, *“фуруз”* ёндирувчи маъносидаги сўз ясовчи аффикслар. Буларни алоҳида ёзиш мумкин эмас. Булар “*офоқсўз*” (уфқларни куйдирувчи) *“оламфуруз”* (оламни ўртагувчи) шаклида қўшиб ёзиш керак. Акс ҳолда конкордансда булар мустақил сўз сифатида киритилган бўларди. Боғловчиларга мисол:

“Ҳамд ангаким вожиби биззот эрур,
Ҳомид анинг зотиға заррот эрур” (2,1)

Бу байтдаги “*ангаким*” даги “*ким*” боғловчиси алоҳида ёзилиши керак, акс ҳолда бу битта луғавий бирлик сифатида конкордансдан жой олади, ҳолбуки, булар алоҳида иккита луғавий бирлик.

Алломорфларга мисол:

“Ришта эмас, турфа камандедур ул,
Давлату дин сайдиға бандедур ул” (1.5)
“Бо”си бурун “бо”и башорат дурур,
Шамраси кирмакка ишорат дурур” (1,32)

Бу икки байтдаги “*дур*” билан “*дурур”* алломорф бўлиб от кесимига қўшилиб келадиган боғлама вазифасини бажаради. Ҳолбуки, булар тўпламда бир ўринда қўшиб ёзилган, бошқа ўринда ажратиб ёзилган.

“Ҳайрат ул-аброр” матнидаги бундай норасоликларни тузатиш учун матнни бошидан охиригача вазнга солиб тақтиъ қилиб, қайтадан илмий матн яратиш эҳтиёжи вужудга келди.

Баъзи арабий ва форсий сўзлар нотўғри ўгирилган. Масалан:

*“Чарх **мисосида** булутдек ғирев,*
Девзада ўйлаки кўрганда дев” (4,27)

Бу байтдаги “*мисо*” сўзи форсча ёки арабча луғатда йўқ, балки “*Ғиёс ул-луғат*” да “***масо***” сўзи “*шом пайти*” яъни кечки қоронғилик пайти деб шарҳланади.

Илмий матнни тайёрлашда на фақат бундай қўпол хатоларга, балки бир-ярим имло хатоларга хам йўл қўйиш мумкин эмас. Бу аввало илмий нохолисликка, ундан бурун Навоийдек буюк бобомизнинг хотирасига беэҳтиромлик қилиш билан баравар бўлур эди. Матнни конкордансга тайёрлаш жараёнида бундай норасоликлар ҳаддан ташқари кўп эканлиги ва “*Ҳайрат ул-аброр*” достонининг конкордансини яратиш учун матнини қайтадан кўриб чиқиш кераклиги ва бу норасоликларни қайтадан тузатиш зарурати туғилди.

Навоий даври ўзбек адабий тили фонетикаси арузий шеърият учун катта имкониятлар берган. Масалан, *ота, она, аро, анга* каби сўзлар Навоий шеъриятида вазн талабига биноан *ātam, atā, atā-anā, ātā-anadin, atā-anāġa, atāsiz, ataniŋ, āra, arā* каби турли вариантларда бемалол ишлатила берган. Масалан –

Ātā-anasida ġam uza ġam,
Ne ġam uza ġam ki, sōg u mātam. (14-боб, 4-байт)
Ḥaq raḥm etib ikki bēnavāġa,
Bergay āni ul atā-anāġa. (20-боб,12-байт)
Guldek yuz ila bu tāza gulšan,
Aylab ataniŋ kozini ravšan. (11-боб, 48-байт)

Шу сабабли биз достон матнини лотин ёзуви асосидаги халқаро транскрипцияга ўтказишда мисол тариқасидаги баъзи истиснолардан ташқари асл туркий сўзлардаги унлиларни вазн асосидаги чўзиқ-қисқалигига риоя қилиш имконини топмадик.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Алишер Навоийнинг шеърий асарларини халқаро лотин транскрипциясига ўтказишдан аввал уларнинг ҳар қайси бирини аруздаги вазнини аниқлаб, диққат билан тақтиъ қилиб чиқиш керак ва тақтиъ жараёнида кўзга ташланган сакталикларни илмий-танқидий матн орқали, агар танқидий матн бўлмаса, Абдужамил котиб ёки Султон Али Машҳадий ва бошқалар кўчирган асл нусха орқали тузатиш керак. Навоийнинг “Хамса” достонларини конкордансга тайёрлашда матнда учрайдиган барча сакталиклар шу усулда тузатилди.

Матнда сўзнинг чегараси

Алишер Навоий асарларининг замонавий ўзбек алифболаридаги нашрлари матнида кўпинча сўз чегаралари тўғри белгиланмайди. Масалан, *“соянишин”, “ишратнамой”, “ашкфишон”, “оромжўй”, “гулрух”, “комжуй”, “нурпош”* каби қатор қўшма сўзлар ва ярим аффикслар билан ясалган ясама сўзлар 20 жилдликда ҳар бири 2 сўз сифатида *“соя нишин”, “ишрат намой”, “ашк фишон”, “ором жўй”, “гул рух”, “ком жўй”, “нур пош”* шаклида ажратиб берилган. Бундай ҳолатлар ўзбек тилидаги сўз ясалиш қоидаларига хилоф бўлиб, бу сўзларнинг морфологик шакли ва семантик тизимининг бузилишига ва Навоий сўз бойлиги ҳақида нотўғри хулосалар пайдо бўлишига олиб келади. Шу сабабли конкорданс тузишда асар матнидаги сўз чегарасини аниқ критерийлар асосида белгилаб олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу масалада қуйидаги қоидаларга риоя қилинди:

Конкордансда матндаги мустақил сўз туркумларининг ҳар бир морфологик категорияси (кўриниши) алоҳида сўз-шакл сифатида берилади. Масалан: *“нафснинг”, “базмда”, “бир”, “ўнбеш”, “коми”, “еткуруб”, “йиғлабон”, “қилғали”, “айлагил”* каби. Масалан:

Очиб ул ганж қуфлин бу калидим,
Насибим айла не ки бор умидим.

Бу байтдаги сўз-шакллар қуйидагича конкордансда қайд этилади: *очиб, ул, ганж, қуфлин, бу, калидим, насибим, айла, не, ки, бор, умидим.* Яъни бу байтда 12 та алоҳида сўз-шакл учрайди.

Қўшма сўзлар (феълдан ташқари), ясама (олд қўшимчали, орт қўшимчали, ярим аффиксли) сўзлар, копулятивлар, редупликативлар алоҳида сўз-шакл сифатида келтирилади. Масалан: *“соянишин”, “ашкфишон”, “оромжўй”, “гулрух”, “дурднўш”, “ҳамтабақ”, “бехудлуқ”, “хуршидрой”, “беҳадду-адд”, “туну-кун”, “рез-рез”, “ҳай-ҳай”* каби. Масалан “*Фарҳод ва Ширин”*дан:

*Ало то абри найсон **зинда пили**,*
*Кияр **баргниствони** чархи нили. (А.Н. 8 т. 30 б.)*

Бу байтдаги “*зинда пил*” қўшма сўз бўлиб, “*зиндапил*” шаклида қўшилиб ёзилади. “*баргниствон*” сўзи хато ёзилган, тўғриси “*баргуствон*”, форсча сўз бўлиб, “*отнинг устига ёпиладиган совут*”ни ифодалайди.

Бу икки пилни ғуфрон параст эт,
Майи раҳматдин икки пилни маст эт.

Бу байтдаги “*ғуфронпараст*” сўзидаги “*параст*” сўзи ярим аффикс мустақил маънога эга эмас, шунинг учун қўшилиб ёзилиши керак.

Кўмакчилар, боғловчилар, ундов сўз ва юкламалар ҳар бири барча вариантларида алоҳида сўзшакл сифатида қайд қилинади. Масалан: *“ва”, “йу”, “у”; “ки”, “ё”, “ёки”; “агар”, “гар”, “гарчи”; “на….на…”, “то”; “ба”, “билан”, “ила”, “учун”; “ойё”, “эй”, “оҳ”* ва ҳ.к.

Алишер Навоий “*Муҳокамат ул-луғатайн*” асарида ўзининг туркий тилга берган таърифини шундай баён қилади: *“...Турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрилди – оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ анда зебу-зийнат ва сипеҳре табъга маълум бўлди, тўққиз фалакдин ортуқ анда фазлу рифъат ва махзане учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ ва гулшане йўлиқди, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ, ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масъун ва ажноси ғарибий ғайр илги тегмакдин маъмун”.*

Ўзбек тилининг хақиқий бойлигини илк бор кашф қилган буюк аллома Алишер Навоий бўлган. Биз тилшуносларнинг вазифамиз – ўзбек тилининг тенгсиз бойлигини жамлаб, унинг унут бўлган *“ўн саккиз минг оламдек”* битмас-туганмас бойлигини қайта тиклаш ва муомалага киритишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони конкорданси. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров, Ҳ.Турдиева). Тошкент, ТДШИ, 2012.

2.Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони конкорданси. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева). Тошкент, ТДШИ, 2013.

3.Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони конкорданси. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева). Тошкент, ТДШИ, 2014.

4.Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони конкорданси. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева). Тошкент, ТДШИ, 2015.

5.Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т., “Фан”, 1987-2003.

6.Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Илмий-танқидий матн. (Тузувчи: Порсо Шамсиев). Т., “Фан”, 1970.

7.Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Танқидий текст. (Тайёрловчи: Порсо Шамсиев). Т., “Фан”, 1963.

8.Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Илмий-танқидий матн. (Тузувчи: Порсо Шамси). Т., “Фан”, 1967. (П.Шамсиев. “Алишер Навоий “Хамса”синининг илмий-танқидий тексти ва уни тайёрлаш принциплари” (АДД). Т., 1970 – қўлёзмаси электрон нусхаси иловасидан олинди.)

9.Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Илмий-танқидий матн. (Тузувчи: Порсо Шамсиев). Т., “Фан”, 1956.

Алишер Навоий. Хамса.(қўлёзма). ТДШИ, Беруний номидаги Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш илмий маркази қўлёзмалар махзани. Инв. Рақами № 5018.٠١.عليشيرنواى- خمسه- كاتب- ابدالجميل

11.П.Шамсиев. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т., “Фан”, 1986.

12.А.Каримов. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг луғати. (1-2 китоблар). Т., ТДШИ, 2004.

13.Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. (1-4 тт.). Т., “Фан”, 1983-1985.

14.Навоий асарлари учун қисқача луғат. (Тузувчи ф.ф.д. Ботирбек Ҳасанов). Т., “Фан”, 1993.

15.А.Қуронбеков. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. Т., 1994.

16.А.Қуронбеков. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Аинаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви. Автореферат канд. дисс. М., «Наука», 1988.

17.А.Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. Т., ТДШИ, 2009.

18.М.Имомназаров. Опыт статистического сравнения разножанровых текстов персидской поэзии. // ж. «Народы Азии и Африки», М., 1974, № 5.

19.М.Имомназаров. Опыт составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.458, 1975. с. 124-138.

20.М.Имомназаров. Общая статистическая структура лексики поэмы «Ширин и Хосров» Амира Хосрова Дехлеви. // Восточное языкознание. М., 1976, стр. 98-106.

21.М.Имомназаров. Функционально-семантический анализ наиболее частых слов поэмы «Ширин и Хосров» Амира Хосрова Дехлеви. // Востоковедение. Т., Ташгу, 1976, стр. 170-175.

22.М.Имомназаров. Из опыта составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.575, 1978. с. 42-56.

23.А.А.Уфимцева. Лексическое значение. Принцип семиологического описания лексики.М., «Наука», 1986.

24.Инструкция к составлению частотных словарей персидских текстов. Тегеран, 1973 (на персидском языке)

25.Словарь языка Пушкина (в 4-х тт.). М., 1956-1957.

26.Словарь автобиографической трилогии М.Горького (в 6-и тт.). Л., ЛГУ, 1974-1982.

27.М.-Н.Османов.Частотный словарь Унсури. М., 1971.

28.В.П.Григорьев. Словарь языка русской советской поэзии. М., «Наука», 1965.

29.Р.М.Фрумкина. Статистические методы изучения лексики. М., 1964.

30.Е.Э.Бертельс. Вопросы методики подготовки критических изданий классических памятников литературы народов Ближнего и Среднего Востока. // Е.Э.Бертельс. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М. «Наука», ГРВЛ, 1988, с.376-380.

31.М.-Н. О.Османов. Из опыта текстологической работы над «Шах-наме» Фирдоуси. // Проблемы вотоковедения. № 4, 1960, с. 123-129.

32.Р.Алиев. Воля исследователя и проблема метода составления критического текста. // Писменные памятники Востока. Ежегодник. 1968. М., 1970, с. 7-16.

33.О.Ф.Акимушкин. Вопросы восточной текстологии. // Советское востоковедение. М., 1988, с.82-89.

34.Е.Э.Бертельс. Древнейшая рукопись «Пяти поэм» Алишера Навои. // Е.Э.Бертельс. Навои и Джами. М., 1965.

35.Э.Умаров. Навоийда ийҳом санъати. // “Шарқшунослик” (илмий тўплам), № 5, 1994, с. 109-112.

36.Э.Умаров. XV аср ўзбек тили унлилари ҳақида. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1982, № 6, с. 45-46.

37.Э.Умаров. *А* товушининг XV асрдаги сифат хусусиятлари ҳақида. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1982, № 1, с. 45-46.

38.Э.А.Умаров. Новые данные о гласных «Ди:ва:ну луға:т ат-турк» Махмуда Кашгарского. Т., “Фан”, 2008, 24 стр.

39.Э.А.Умаров. Проблема транслитерации тюркских слов в «Ди:ва:ну луға:т ат-турк» Махмуда Кашгарского. Т., 2012, 20 стр.

40.Э.И.Фозилов. Латафат-наме (“Книга о красоте”) Ходжанди. Т., 2009. с. 139.

41.Э.И.Фозилов. Лондонская рукопись “Дахнаме” и “Спора между опиумом и вином” Юсуфа Амири. Т., 2007. с. 175.

42.Э.И.Фозилов. Будапештская рукопись “Гуль и Навруз” Лутфи. Т., 2006, с. 290.

43.Э.И.Фозилов. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. Т., “Фан”, 1969, с. 20-23.

44.А.Рустамов. “Хамса” ва ўзбек адабий тили. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1986.

45.А.Рустамов. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари. // “Навоий ва адабий таъсир масалалари”. Т., 1968, № 6, с. 258-278.

46.А.Рустамов. XV аср ўзбек тилининг вокализми. // “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари”. Т., 1958, № 6, с. 66-68.

47.А.Қуронбеков. Классик форс тили ҳамда ҳозирги форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий таҳлили. // “Шарқ классик филологияси”. (Илк тўплам). Т., ТДШИ, 2009, с. 11-19.

48.Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Т., “Фан”, 1984, 160 саҳ. (с. 6-30 – “*Навоий тилининг фонетик хусусиятлари*”).

49.Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов. Қадимги туркий тил. Т., “Ўқитувчи”, 1982, с. 7-8.

50.И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш. Т., “Ўқитувчи”, 1984, с. 92-95.

51.Қ.Содиқов. «Муҳокамату-л-луғатайн»ни ўқиб ўрганиш.Т., 2011, 96 саҳ.

52.Дж. Томас Шоу. Конкорданс к стихам А. С. Пушкина. (В 2х тт.) М., «Языки русской культуры», 2000.

53. Поляков А.Е., Пильщиков И.А., Бергельсон М.Б. Конкорданс к текстам Ломоносова – концепция и реализация. (Lomonosov concordance – concept and implementation). // Доклад на конференции «Диалог 2009» – Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии. (*Электрон вариант*).

54. Зиянгиров Р.О. Конкорданс произведений С.Т.Аксакова // Вестник Челябинского государственного университета. 2012. № 23 (277). Филология. Искусствоведение. Вып. 69. С. 45-47.

55.Конкордансы всех произведений Ф.М.Достоевского. (Конкордансы созданы при финансовой поддержке Российского фонда гуманитарных исследований - Грант № 97-04-16132; руководитель проекта - профессор В. Н. Захаров - *Электронный вариант*)

56.Daniela Meneghini Coreal. The ghazals of Hafiz concordance and vocabulary. Roma, 1988.

57.Concordance of Shakespeare’s complete works. George Mason University. 2003-2015. (*Электрон вариант*).

58. The Harvard Concordance to Shakespeare. ed. Spevack, Marvin., Cambridge, Mass., Belknap Press of Harvard University Press, 1973.

59. تهران - دکتراحمد علی رجای بخارا ی فرهنگ اشعار حافظ 0731.

60.(Конкорданслар бўйича энг янги материаллар интернет маълумотлари асосида берилди.) 2015 йил.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИК МЕРОСИ МАТНШУНОСЛИГИНИНГ БУГУНГИ МУАММОЛАРИ

2015 йил навоийшунослигида бир қувонарли ҳодиса бўлди. Ўтган асрнинг атоқли навоийшунос олими Абдуқодир Ҳайитметовнинг машҳур монографик асари – *«Навоий лирикаси»* китобининг тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри домланинг содиқ шогирди, филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа томонидан тайёрланиб, мухлислар қўлига етиб борди. Янги нашрни варақлар эканман, яна бир бор амин бўлдимки, устоз, дарҳақиқат, буюк навоийшунос, дақиқназар бадиятшунос эканлар.

Аммо дастлаб 1961 йилда нашр этилган бу асар биргина қўлёзма - ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар махзанида сақланувчи «*Хазоин ул-маоний*»нинг 677-рақамли қўлёэмаси материалларига таянган ҳолда ёзилган бўлиб, 1955-1961 йилларда олиб борилган профессор Ҳамид Сулаймоннинг тадқиқотлари ҳам фақат қисман инобатга олинган экан.

1961 йили заҳматкаш матншунос Ҳамид Сулаймон ҳам улуғ бир ишни ниҳоясига етказди - Алишер Навоий лирик меросининг илк матншунослик тадқиқини амалга оширди. Ишнинг самараси сифатида «*Хазоин ул-маоний*» таркибига кирган 4 девон 1959-1960 йиллари кирилл алифбосида тўлиқ нашр этилди. Кейинчалик 15 жилдлик таркибида «*Девони Фоний*» ҳам босилиб чиқди. Ҳамид Сулаймон тадқиқотининг энг катта ютуғи ва янгилиги, бизнинг назаримизда, Алишер Навоий лирик меросининг даврлаштирилиши эди.

Маълумки, нафақат ўзбек адабиёти, балки аксарият Шарқ халқлари мумтоз шеърияти намояндаларининг лирик меросини тадрижий ўрганиш имконияти йўқ, чунки улар ижодидаги кичик лирик жанрларнинг яратилган йиллари маълум эмас. Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижодий меросининг тақдири бизга ўта ноёб имконият ато этган. Улуғ шоирнинг беш аср илгари яратилган 9та алоҳида девонидан 8тасининг (“*Девони Фоний*”дан ташқари) шоир ҳаётлик пайтида турли йилларда кўчирилган мўътабар нусхалари бизгача етиб келган. Шуларга таянган ҳолда шоир ижодининг тарихий ва тадрижий такомилини кузатиш имконига эгамиз.

Ҳамид Сулаймон ушбу мўътабар қўлёзмалар матнига таянган ҳолда шоир лирик меросини яратилиш даврига кўра 4 босқичга ажратди: 1) Ёшлик лирикаси – 1465 йилда, шоир 24 ёшга тўлган пайтда даврнинг машҳур хушнависи Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган «*Илк девон*»даги шеърлар асосида; 2) Йигитлик даври лирикаси – Ҳусайн Бойқаро тавсияси билан шоир ўзи тузган «*Бадойиъ ул-бидоя*” девони асосида; 3) Ўрта ёш лирикаси – шоир ўзи тузган иккинчи девон – “*Наводир ун-ниҳоя*” асосида; 4) Қарилик даври лирикаси – «*Хазоин ул-маоний*» девонлари таркибидаги олдинги девонларга кирмаган шеърлар асосида.

Матншунос олим кейинроқ – 1968 йили Санкт-Петербургда Салтиков-Щедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида сақланувчи «*Илк девон*»нинг факсимил нусхасини нашр эттирди. 1963 йили шу қўлёзма асосида Ё.Исҳоқов «*Алишер Навоийнинг илк лирикаси*» мавзуида номзодлик тадқиқотини амалга оширди. Мустақилликкача шоирнинг лирик ижодини тадрижий ўрганиш бўйича бошқа бирор иш қилинмади.

Мустақиллик йилларида бу соҳада кўзга кўринарли янгилик юз берди. Самарқандлик олима Дилором Салоҳий 2001 йили «*Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тако-*

мили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида) « деб номланган докторлик ишини ҳимоя қилди ва шу асосда 2005 йили «*Навоий шеърий услуби масалалари*» номли монографик тадқиқотини нашр эттирди. Олима бу тадқиқотида биринчи марта Ҳамид Сулаймон жадвалларига таянган ҳолда Навоий лирик ижодидаги даврий ўзгаришларни батафсил таҳлилига киришганини навоийшунослик илмидаги жиддий олға силжиш деб баҳолаш мумкин. Аммо Дилором Салоҳий ўз тадқиқотини "*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 1- 6 жилдларига таяниб ёзган. (Манбалар рўйхатида «*Илк девон*» факсимил нусхасидан бошқа бирор қўлёзма нусха қўрсатилмаган).

"*Мукаммал асарлар тўплами*" 1-жилди кириш сўзида таҳрир ҳайъати номидан «*Бу нашрга ЎЗР ФА Ҳ.С.Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтидаги "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг қўлёзма нусхаси (инв. №216) асос қилиб олинди*», деб қайд этилган. Бу қўлёзма эса 1486 йилда, яъни шоир 45 ёшга кирган пайтида кўчирилган. Ҳамид Сулаймон шоирнинг **йигитлик даври лирикаси**ни 1466-1476 йиллар, яъни шоирнинг 25-35 ёшлиги орасидаги даврга оид деб ҳисоблаган. 36-45 ёш орасида яратилган асарлар эса унинг **ўрта ёш лирикаси** - "*Наводир ун-ниҳоя*" девони яратилган давр деб олинади.

Ҳамид Сулаймон ўз тадқиқотида "*Бадойиъ ул-бидоя*" девонининг шоир ҳаёт пайтида шакллантирилган 4 нусхаси – 1) 1480 йилда кўчирилган қўлёзма (Париж нусхаси, Миллий кутубхона, инв. № 746), 2) 1482 йилга оид қўлёзма (Лондон нусхаси, Британия музейи, инв. № 401, 887 ҳижрий, 231 варақ), 3) 1484 йилги қўлёзма (Боку нусхаси) ва 4) 1486 йилда кўчирилган қўлёзма (Тошкент нусхаси) ҳақида маълумот берган. Агар жиддий илмий асосда девон матни тузиладиган бўлса, унга энг қадимги мавжуд қўлёзма, яъни 1480 йилда кўчирилган Париж нусхаси асос қилиб олиниб, унга кейин кўчирилган қўлёзмалардаги янги ғазаллар тартиб билан (йили кўрсатилиб) илова қилиниши лозим эди. Шунда шоир ижодининг биринчи даври - Навоий лирик шоир сифатида ўзлигини намоён қилган даврда кўчирилган 1480-1482 йилларга оид девон қўлёзмалари, «*Хамса*» яратилган даврда кўчирилган 1484-1486 йилларга оид нусхалар билан қоришиб кетмаган бўлур эди.

Бу нусхалар орасида жиддий фарқлар мавжудлиги биргина мисолда очиқ кўринади: агар профессор Ҳамид Сулаймон 1959 йилда Британия музейидаги нусхага асосланиб девонда 585 ғазал, 4 мухаммас, 78 рубоий, 46 фард мавжудлигини тасдиқлаган бўлса, 216-рақамли Тошкент қўлёэмаси асосида нашр этилган шоир "*Мукаммал асарлар тўплами*" 1-жилдида 777 ғазал, 5 мухаммас, 85 рубоий, 53 фард қайд этилган. Орадаги фарқ 192 ғазал, 1 мухаммас, 7 рубоий, 7 фардни ташкил этади. 1982 йилда кўчирилган Британия нусхасида 585 ғазал бўлса, 20 жилдликнинг 1-жилдидаги 192 ғазал қайси нусхалар асосида тўлдирилган? Шоир ўз қўли билан тузган "*Бадойиъ ул-бидоя*" девони таркибида даставвал нечта ғазал бўлган?

1480 йилда кўчирилган Париж нусхасида (инв. №746) нечта ғазал бўлганлиги ҳақида Ҳамид Сулаймон бир-бирига мутлақо зид икки хил маълумот келтиради. Докторлик диссертациясининг 1-боби 4-фасли 68-саҳифасида 634 та ғазал деб кўрсатилган бўлса, «*Хазоин ул-маоний*» 4-жилдининг 1960 йилги нашрига илова қилинган жадвалларда ушбу нусхада жами 735та ғазал мавжудлиги қайд этилган. Биз масалага аниқлик киритиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондларидан Ҳамид Сулаймон фойдаланган 746-рақамли Париж нусхасининг ҳам, 401-рақамли Лондон нусхасининг ҳам фотокопияларини қидириб топа олмадик. Биз топган ягона 76-рақамли *"Бадойиъ ул-бидоя"* девонининг

йили кўрсатилмаган Париж нусхасида **629 та ғазал** рақамлаб чиқилган экан. Шу музейдан топилган 650 ғазалдан иборат Лондон қўлёзмаси эса «*Хазоин ул-маоний*» таркибидаги 4-девон - «*Фавоид ул-кибар*»нинг фотонусхаси бўлиб чиқди.

1987 йилда нашр этилган "*Мукаммал асарлар тўплами*" 1-жилдидаги таҳрир ҳайъатининг кириш сўзида 216-рақамли қўлёзма матни *"Бадойиъ ул-бидоя"нинг қадимий нусхалари, жумладан Париж миллий кутубхонасида инв.№ 746 билан сақланувчи 1480 йилда кўчирилган қўлёзма ҳамда Британия музейидаги №401 инвентарига эга бўлган 1482 йилда кўчирилган қўлёзмалар фотонусхалари билан солиштириб чиқилди*», дейилган (с.7). Қани ўша фотонусхалар?

216-рақамли 1486 йили кўчирилган қўлёзмада (бу қўлёзманинг инвентар рақамини Ҳамид Сулаймон ҳамма жойда №84 деб кўрсатади) бизнинг ҳисобимизга кўра 649та (Ҳамид Сулаймон бир жойда 669та, бошқа ўринда 670та деб кўрсатади) ғазал бўлиб, нашрда унга яна 109та (ёки кўпроқ) ғазал юқорида санаб ўтилган бошқа девонлардан олиб қўшилган.

Шундай қилиб тилга олинган ишлар ўз даври имкониятлари даражасида бўлиб, ҳозиргача Алишер Навоий лирик мероси матншунослик нуқтайи назаридан бугунги кун талаблари ва имкониятлари даражасида мукаммал ўрганилмаган эканлигини эътироф этишга тўғри келади.

"*Бадойиъ ул-бидоя*" девонининг турли йилларда кўчирилган қўлёзмалари таркиби ўзаро кескин фарқ қилишининг сабаби нимада? Бу девон таркибини шоирнинг ўзи ёки котиблар йилдан йилга янги шеърлар билан бойитиб борганми ёки «*Илк девон*» билан "*Бадойиъ ул-бидоя*" орасидаги фарқ каби кейинги нусхаларда олдингилардаги баъзи шеърлар бизга номаълум сабабларга кўра тушириб қолдирилганми? Айниқса, 1480-82 йилларда кўчирилган Париж ва Лондон нусхалари билан 1484-86 йилларда кўчирилган Боку ва Тошкент нусхалари орасидаги фарқларга жиддий эътибор қаратиш лозим, чунки булар шоир ижодий такомилидаги турли босқичларга мувофиқ келмоқда. Буларни ҳисобга олмаслик ва қориштириб юбориш бугунги кунда навоийшунослик илмидаги жиддий камчилик сифатида қаралиши керак.

Яқингача навоийшуносларимиз «*Хазоин ул-маоний*»гача Навоий ҳаётлигида кўчирилган девонларнинг 6 тасидан хабардор эдилар. Аммо шартли равишда "*Оққўюнли мухлислар девони*" деб номланган ва филология фанлари доктори, навоийшунос Афтондил Эркинов томонидан Японияда факсимиле нусхаси нашр этилган 1471 йилда Оққўюнлилар давлати ҳудудида, Шерозда хаттот ва шоир Абдураҳим Анисий кўчирган девон яқин кунларгача навоийшуносларга маълум бўлмаган. Агарчи 1935 йилда рус шарқшуноси Иван Чайкин бу девонни қисқача тавсифлаб ўтган бўлса ҳам, ушбу муҳим манба яқин йилларгача навоийшунослар назаридан четда қолиб келган. Навоий 30 ёшлик чоғида унинг ўғуз шевалик мухлислари ташаббуси билан тузилган бу девон жами 229 шеърни ўз ичига олиб, бу шеърларнинг баъзилари "*Илк девон*"да, асосий кўпчилиги шоир ўз қўли билан тузган биринчи девон – "*Бадойиъ ул-бидоя*"да такрорланган. Бу девоннинг аҳамияти шундаки, агар биз шу кунгача шоир 24 ёшигача ёзган ғазалларини 1465 йили кўчирилган "*Илк девон*" асосида (бизгача етиб келган илк қўлёзмаси 1480 йили кўчирилган) биринчи девон "*Бадойиъ ул-бидоя*"даги шеърлар билан қиёслаб ўрганиш имкониятига эга бўлган бўлсак, энди (шоир 39 ёшида кўчирилган) биринчи девондаги шеърлар ичидан шоир 30 ёшигача ижод этганларини ажратиб олиш имкониятига эгамиз. Бу дегани шоир лирик меросини

ўрганишда Афтондил Эркинов ўринли қайд этганидек, шоир ижодий эволюциясини илгаргидек 4 босқичда эмас, балки 5 босқичда (24 ёшигача, 30 ёшигача, 39 ёшигача, 45 ёшигача ва 45 ёшидан умрининг охиригача) тадрижий ўрганиш имкониятига эгамиз. Иккинчидан, янги топилган девон шоир асарларини ҳали унинг 30 ёшли навқирон пайтидан нафақат туркий тилли халқлар, балки туркманлар ҳам ҳавас билан ўрганганликлари, ўз шоиридек қабул қилганларини кўрсатадики, шоир –

Кўнгил бермиш сўзимга турк, жон ҳам,
На ёлғиз турк, балким туркмон ҳам –

деганда мутлақо муболаға қилмагани, балки соф ҳақиқатни таъкид этгани маълум бўлади. Янги топилган девонда ўша давр ўғуз шевасининг таъсири мавжудлиги ўша давр туркий адабий тилнинг икки вариантини ўзаро қиёслаш имконияти тарихий тилшунослик жиҳатидан жиддий тадқиқотларга замин яратади.

"*Илк девон*"нинг факсимил нашри билан "*Оққўюнли мухлислар девони*"ни дастлабки қиёслашлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар икки қўлёзмада ҳам қўлимизда мавжуд матнларга нисбатан айрим ўзгаришлар ва котиблар йўл қўйган анча-мунча орфографик хатолар мавжуд. Турли нашрлардаги шундай ўзгаришларни жиддий қиёсий ўрганиш ва аниқ хулосаларга келиш лозим. Бундан ташқари араб ёзувидаги бу матнларни ягона халқаро транскрипцияда тиклаш жаҳон навоийшунослик илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Юқорида санаб ўтилган шоир ҳаёт даврининг турли йилларида кўчирилган ва турлича таркибга эга бўлган 6 қўлёзмага яна атоқли навоийшунос олима, Ўзбекистон Қаҳрамони профессор Суюма Ғаниева Эрон қўлёзма хазиналаридан топиб 1991 йилда нашр эттирган шоирнинг ўз қўли билан тартиб берилган "*Наводир ун-ниҳоя*" девонининг мусаввадаси (*коф* ҳарфигача 550дан ортиқ ғазал), ушбу девоннинг 1487 йилда тартиб берилган Абдужамил котиб нусхаси (840 ғазал), б) яна ушбу девоннинг кейинроқ кўчирилган Султонали Машҳадий қаламига мансуб бошқа нусхаси (628 ғазал), в) 1492 йилда Султонали Машҳадий кўчирган терма девон (337 ғазал) ва г) 1498-99 йилларда кўчирилган "*Хазоин ул-маоний*" қўлёзмаси (Санкт Петербург нусхаси) ҳам қўшиладиган бўлса, энди шоир лирик ижоди эволюциясидаги 11 босқич ҳақида илмий хулоса бериш имконияти пайдо бўлмоқдаки, минтақадаги бирор ижодкор мероси бундай имконият бермайди.

Алишер Навоий лирик меросини тадрижий ўрганиш масаласини жаҳон миқёсига кўтариш учун девонларнинг факсимил нашрларини амалга ошириш зарур, аммо бу етарли эмас, бунинг учун навбатдаги қадам девонларнинг халқаро транскрипциядаги илмий матнини яратиш бўлмоғи керак. Илмий асосда яратилган бундай матнлар келгусида замонавий технологиялардан фойдаланиб шоир девонларининг конкордансларини тузиш имконини беради. Улар эса турли йўналишдаги филологик тадқиқотларга кенг йўл очади.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг лирик мероси матншунослиги кўп жиҳатдан жаҳон илмида ўзига хос ноёб хусусиятларга эга эканлиги ва шу кунгача бу мавзуда комплекс асосда жиддий изланишлар олиб борилмаганлиги муаммони ниҳоятда долзарблаштиради ҳамда масалага алоҳида назарий аҳамият қаратишни тақозо қилади.

2017 йил.

УЧ ДЕВОН МУҚОЯСАСИ

(Алишер Навоий шеъриятида лирик жанрлар хронологиясига доир)

Яқингача Алишер Навоий лирик шеъриятидан шоир ҳаётлик пайтида кўчирилган 12 мўътабар қўлёзма бизгача етиб келганлиги маълум эди. Шоир таваллудининг 577 йиллиги олдидан дунё қўлёзма хазиналарида сақланаётган ўша даврда кўчирилган яна 2 девон мавжудлиги аниқланди. Натижада бундай ноёб манбалар сони 14тага етди. Булар – 1) «Илк девон» (1465й.), 2) "*Оққўюнли мухлислар девони*" (1471 й.), 3) «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 746-инв. рақамли Париж нусхаси (1480 й.), 4) Шу девоннинг 401-инв. рақамли Лондон нусхаси (1482 й.), 5) Шу девоннинг янги топилган **Теҳрон нусхаси** (Эрон, Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, 14197-рақамли қўлёзма - ҳижрий 888 йил, сафар ойи / милодий 1483 йил, март-апрелда кўчирилган)[1], 6) Яна шу девоннинг 3010-инв. рақамли Боку нусхаси (1484 й.), 7) Шу девоннинг янги топилган **Истанбул нусхаси** (1485 йил)[2] 8) Шу девоннинг 216-инв. рақамли Тошкент нусхаси (1486 й.), 9) "*Наводир ун-ниҳоя*"нинг 11675-инв. рақамли Тошкент нусхаси (1487 й.), 10) Шу девоннинг 1799-инв. рақамли нотўлиқ Теҳрон нусхаси (шоир дастхати) 11) 790-инв. рақамли терма девон (Тошкент нусхаси - 1492 й.), 12) «*Хазоин ул-маоний*»нинг 55--инв. рақамли Санкт-Петербург нусхаси (1498 й.), 13) Шу асарнинг 1990-инв. рақамли Душанбе нусхаси (1499/1500 й.), 14) 21-инв. рақамли терма девон (Нью-Йорк - 1499/1500 й.). Бу рўйхатдан кўринадики, илк бор Навоийнинг ўз қўли билан тузилган биринчи девони унинг ҳаётлик даврида камида 6 марта кўчирилган ва бу турли қўлёзмалар таркиби, уларни тавсиф қилган олимлар тузган қиёсий жадвалларга кўра, бир-биридан турли даражада фарқ қилар экан[3].

Бу – ўта ноёб имконият. Булар асосида шоирнинг ёшлиги - 24 ёшгача, йигитлик даври - 30 ёшгача, ўрта ёшлик пайти – 39, 41, 42, 43, 44, 45, 46 ёшлардаги, кексалик - 51, 57, 58-59 ёшларгача ёзган лирик шеърияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, демакки, унинг бутун ижодий такомил жараёнини кузатиш имконига эгамиз. Мумтоз Шарқ шеърияти намояндаларидан яна кимлар мероси бизга бундай кенг имконият беради?

Албатта, ХХ асрда Ҳамид Сулаймон бошлаб берган, Ёқубжон Исҳоқов ва Дилором Салоҳийлар давом эттирган бу йўналишдаги изланишлар ҳали такомилига етиши учун кўп меҳнат талаб қилинади. Ҳозирча улуғ шоирнинг айни камолот ёши 40 ёшгача яратган шеърлари хронологиясини аниқлаш йўлидаги илк натижалар билан таништиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ёш шоир мухлислари талаби билан даврнинг таниқли хаттоти Султонали Машҳадий тартиб берган «*Илк девон*»да 434 шеър - 391 ғазал, 1 мустазод, 1 мухаммас, 41 рубоий мавжуд. Изланувчан олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов Миср қўлёзма хазиналаридан топиб, 2015 йилда Токиода факсимил нусхасини нашр эттирган

---

[1] Афтондил Эркинов. Бадойиъ ул-бидоя"нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси // "Алишер Навоий ва XXI аср" (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., 2018, 8-февраль, с. 51-57.

[2] Абдуллатиф Турдиалиев, Афтондил Эркинов. Бадойиъ ул-бидоя"нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси // "Алишер Навоий ва XXI аср" (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., 2018, 8-февраль, с. 57-62.

[3] Қаранг: "Алишер Навоий ва XXI аср» (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., 2018, 8-февраль, с. 59.

“*Оққўюнли мухлислар девони*”да 224 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржиъбанд жой олган. Алишер Навоийнинг илк бор ўз қўли билан яратган биринчи девонининг дастлабки тажриба варианти бўлган 1480 йилда кўчирилган «*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг 746-инв. рақамли Париж нусхасига 731 ғазал, 37 рубоий, 35 муаммо, 1 чистон, 4 туюқ, 23 фард киритилган[1]. Шоир девон тузишнинг илк тажрибасида ўзининг шу давргача яратган шеърларини икки девон - «*Бадойиъ ул-бидоя*” ва “*Наводир ун-ниҳоя*”га тақсимлашни ният қилгани сабабли биринчи девонга мавжуд асарларининг фақат бир қисмини киритган.

Биз ушбу уч девондан бир-бирига ўтган шеърлар ва ҳар бир девондаги олдингиларда қайтарилмаган шеърларни дастлабки босқичда аниқлаб чиқдик. Маълум бўлишича, шоир 24 ёшлигида кўчирилган «Илк девон»даги 391 ғазалдан 45таси шоир 30 ёшлик чоғида тузилган “*Оққўюнли мухлислар девони*”га ва 118таси «*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Париж нусхасига ўтган экан. Алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги 118 ғазал ҳисобига олдинги 45 ғазал ҳам қўшилиб кетган, яъни ушбу 45 ғазал ҳар уч девон таркибида учрайди.

Қуйида ушбу 45 ғазалнинг биринчи мисралари келтирилади[2]:

Алиф:(6та)

№5 (ИД-39, ББ-П-37, ББ-Т-43, ҒС-№29)

Ёр тутар кўнглумда гардундин жудо бўлған бало,

№9 (ИД-14, ББ-П-30, ББ-Т-32, ФК-№13)

Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга,

№11 (ИД-30, ББ-П-38, ББ-Т-44, ФК №36)

Оразу холингни бирдам кўрмасам, эй дилрабо,

№12 (ИД-10, ББ-П-21, ББ-Т-22, ФК-№9)

Неча кўнглум пора бўлса, раҳм қилмас ёр анга,

№ 13 (ИД-4, ББ-П-22, ББ-Т-23, ҒС-№9)

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,

№19 (ИД-7, ББ-П-39, ББ-Т-45, ФК-№2)

Равшандурурки меҳр, юзунгдин олур сафо,

Бе: (10та)

№25 (ИД-52, ББ-П-50, ББ-Т-55, ҒС-№42)

Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,

№26 (ИД-62, ББ-П-55, ББ-Т-62, ҒС-№52)

Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб,

№27 (ИД-59, ББ-П-57, ББ-Т-64, ҒС-№49)

Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,

№28 (ИД-51, ББ-П-49, ББ-Т-54, ҒС-№41)

Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб

№29 (ИД-64, ББ-П-58, ББ-Т-65, ҒС-№54)

Ваҳ, не қотилдур келур ойини қатлу кин солиб,

№30 (ИД-55, ББ-П-60, ББ-Т-67, ҒС-№45)

Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб,

---

[1] Хазоин ул-маоний. 4-том. Фавойид ул-кибар. Т., ЎзФА нашриёти, 1960, Илова, 1-жадвал.

[2] Рўйхатдаги биринчи рақам “*Оққўюнли мухлислар девони*”даги ғазалнинг тартиб рақамини кўрсатади, кейинги қисқартмалар - ИД - “Илк девон”, ББ-П - *Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Париж нусхаси, ББ-Т- *Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Тошкент нусхаси, ҒС-”*Ғаройиб ус-сиғар*”)

№31 (ИД-65, ББ-П-61, ББ-Т-68, ҒС-№55)
Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга санчилиб,
№32 (ИД-54, ББ-П-53, ББ-Т-61, ҒС-№44)
Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,
№33 (ИД-68, ББ-П-62, ББ-Т-69, ҒС-№58)
Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,
№34 (ИД-53, ББ-П-52, ББ-Т-59, ҒС-№43)
Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб,
Те: (2та)
№35 (ИД-87, ББ-П-73, ББ-Т-80, ҒС-№72)
Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,
№36 (ИД-89, ББ-П-76, ББ-Т-83, ҒС-№74)
Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,
Ре:(1та)
№78 (ИД-138, ББ-П-173, ББ-Т-184, ФК-№188)
Кўнглумни фигор эттингу жонимда балодур,
Коф-Гоф:(6та)
№103 (ИД-213, ББ-П-340, ББ-Т-343, ҒС-№348)
Ишқим ортар хатти зоҳир бўлғали жононанинг,
№108 (ИД-215, ББ-П-347, ББ-Т-349, ҒС-№350)
Коғаз уза қаламни фусунсоз қилмадинг,
№109 (ИД-218, ББ-П-352, ББ-Т-352, ҒС-№353)
Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,
№110 (ИД-220, ББ-П-355, ББ-Т-354, ҒС-№355)
Неча жаврин тортайин ул сарви ҳуризоднинг?
№111 (ИД-221, ББ-П-356, ББ-Т-355, ҒС-№356)
Кўнгуллар қути ширин достонинг,
№112 (ИД-222, ББ-П-358, ББ-Т-356, ҒС-№357)
Рафиқларни борин ёру муътамад қилдинг,
Лом: :(8та)
№116 (ИД-252, ББ-П-409, ББ-Т-396, ҒС-№379)
Қилди овора мени хастани овора кўнгул,
№119 (ИД-253, ББ-П-413, ББ-Т-399, ҒС-№381)
Ё раб, ул ой ҳуснин эл фаҳмиға номафҳум қил,
№121 (ИД-255, ББ-П-416, ББ-Т-401, ҒС-№383)
Зулфини очмиш сабо, юзига чиқмиш тоби мул,
№123 (ИД-256, ББ-П-418, ББ-Т-403, ҒС-№384)
Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,
№125 (ИД-257, ББ-П-420, ББ-Т-405, ҒС-№385)
Қоматингга ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол,
№127 (ИД-276, ББ-П-422, ББ-Т-407, БВ-№385)
Эй кўнгул, ҳижрон кунидур, тортиб афғон йиғлағил,
№128 (ИД-258, ББ-П-423, ББ-Т-408, ҒС-№386)
Боғ мендек сорғориб, булбул менингдек бўлди лол,

№130 (ИД-259, ББ-П-425, ББ-Т-410, ҒС-№387)
Сарвинозим, йўқ ажаб, гар рўзадин топмиш малол,
Мим: (4та)
№131 (ИД-214, ББ-П-345, ББ-Т-347, ҒС-№349)
Тонг насимин сойир этган гулъузоримдур маним[1],
№133 (ИД-217, ББ-П-350, ББ-Т-351, ҒС-№352)
Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим маним,
№135 (ИД-307, ББ-П-447, ББ-Т-432, ҒС-№403)
Тун оқшом келдию келмас менинг шамъи шабистоним,
№154 (ИД-308, ББ-П-472, ББ-Т-454, ҒС-№418)
Лаълинг ғамидин дийдайи гирён била бордим,
Нун:(8та)
№158 (ИД-316, ББ-П-517, ББ-Т-494, ҒС-№465)
Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен,
№162 (ИД-317, ББ-П-521, ББ-Т-498, ҒС-№469)
Васлингға етибон соғинурмен хаёл экин,
№163 (ИД-318, ББ-П-522, ББ-Т-499, ҒС-№470)
Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
№164 (ИД-319, ББ-П-523, ББ-Т-500, ҒС-№471)
Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин,
№165 (ИД-321, ББ-П-525, ББ-Т-502, ҒС-№473)
Ғамингда ҳар кеча, эй гулъузор, йиғлармен,
№166 (ИД-320, ББ-П-524, ББ-Т-501, ҒС-№472)
Эйким, танимға жон берасен ҳар тариқдин,
№169 (ИД-322, ББ-П-528, ББ-Т-505, ҒС-№476)
Фалак ситезасидин бўлма, соқиё, маҳзун,
№170 (ИД-323, ББ-П-529, ББ-Т-506, ҒС-№477)
Ғам елидин, ё раб, ул гулга ғуборе бўлмасун,
Жами - 45 ғазал.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу 45 ғазал бизнинг қўлимизда мавжуд[2] Навоий ҳаётлик даврида кўчирилган ҳар 5 девонда ҳам қайтарилган. Кейинги рўйхатларда биз фақат мавзуга оид 3 девонга мурожаат қиламиз. Энди «*Илк девон*»дан «*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Париж нусхасига ўтган 118та ғазалнинг юқоридаги жадвалга кирмай қолган **73** тасининг 1-мисралари рўйхатини келтирамиз:

Алиф - 9та
2. ББ-П-7 Зиҳе жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,
3. ББ-П-9 Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
5. ББ-П-23 Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиғ қондин анга,
28. ББ-П- 11 Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,
31. ББ-П- 42 Сариғ оғриғ бўлдум, эй соқий, ҳазони ҳажр аро,

[1] “*Оққўюнли мухлислар девони*”даги 131ва 133 тартиб рақамлари остида келган ғазаллар радифи бошқа барча девонларда “*менинг*” шаклида берилган ва “*Коф-гоф*” қофияли ғазаллар қаторида келади.
[2] *Бадойиъ ул-бидоя”нинг Лондон ва Боку нусхалари қўлимизда мавжуд эмас, янги топилган Теҳрон ва Истанбул нусхаларини ҳануз ўрганиб чиқишга улгурмадик.*

34. ББ-П- 45 Бағир хунобидин заъф ўлди ғолиб хаста жонимға,
41. ББ-П- 12 Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми бедорим фидо,
47. ББ-П- 40 Зор жисмимға ҳадангинг заҳмидин ортар наво
48. ББ-П- 46 Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Бе - 7та
50. ББ-П- 47 Зиҳе висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,
63. ББ-П- 56 Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб
66. ББ-П- 65 Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,
67. ББ-П- 63 Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб,
69. ББ-П- 67 Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб
70. ББ-П- 66 Қон ёшим йўлунгда томмайдур кўзум гирён бўлуб,
77. ББ-П- 69 Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,
Те - 3та
88. ББ-П- 75 Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингға бот
90. ББ-П- 77 Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот.
91. ББ-П-78 Эй кўнгул, ёр ўзгалар домиға бўлди пойбаст,
Ре - 8та
131. ББ-П- 216 Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
134. ББ-П-190 Борди улким, сендин айрилғай кўнгул то жони бор,
118. ББ-П-197 Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
124. ББ-П-178 Ҳар ниёзу ажзким, бу жони ношодимда бор,
125. ББ-П-199 Савсани тўн бирла ул қад савсани озод эрур,
139. ББ-П-194 Хаста кўнглум ўртанур, гўё севар жоним борур,
140. ББ-П-110 Сипеҳр осебидин солим қутулмоғлиқ не имкондур
143. ББ-П-192 Буким, кўнгулнинг ул ойсиз не саъб ҳолати бор,
Шин - 1та
164. ББ-П- 268 Не хам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш,
Қоф - 1та
198. ББ-П- 317 Эй, каломи жон физойинг нақди жондин яхшироқ.
Гоф - 11та
208. ББ-П- 331 Кулмадинг, то кўзларимни кавкабафшон қилмадинг,
209. ББ-П- 336 Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг,
212. ББ-П- 337 Оразинг субҳидин эл айшини жовид айладинг,
214. ББ-П- 345 Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,
217. ББ-П- 350 Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
219. ББ-П- 353 Эй ишқ, яна фурқат ўтин жонима урдунг,
223. ББ-П- 374 Чаманда чеҳра фуруғи учун қадаҳ олдинг,
230. ББ-П- 328 Бўлур гаҳики ғамим шуъласин аён қилсанг,
231. ББ-№334 Тоза доғ атрофида жисмимда тим-тим қон кўрунг,
238. ББ-П- 372 Яна, эй ишқ, гули рухсорин ошуби чаман қилдинг,
239. ББ-П- 378 Латофат ойи ул юз, шоми савдо сунбули тобинг,
Лом - 14та
240. ББ-П- 386 Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,

241. ББ-П- 389 Юзунгни кўрдум эмди кўзларимни боғла, эй қотил
242. ББ-П- 390 Ҳажр ўтиға истасанг ёқилмағайсен, эй кўнгул,
243. ББ-П- 391 Чаманда қонини баским оқизди зор кўнгул,
244. ББ-П- 392 Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
245. ББ-П- 393 Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
246. ББ-П- 394 Номаси қўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул,
247. ББ-П- 395 Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул
248. ББ-П- 398 Қон тўкар кўз оразинг гулгуналиқ кўрган маҳал,
249. ББ-П- 350 Кўзумда ҳажр ўтининг ҳумратин кўр, дема қондур ул,
250. ББ-П- 403 Қани бир чеҳраки майл эткай анга хаста кўнгул,
251. ББ-П- 406 Ҳар киши кўрса қизил хорода ул маҳваш жамол,
260. ББ-П- 427 Уйғониб субҳ уйқусидин меҳр шамъин тор қил,
264. ББ-П- 396 Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул

Мим - 9та

287. ББ-П- 480 Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур комим,
292. ББ-П-475 Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
300. ББ-П-462 Ёғлиғинг илгимда, ашкимни равона айларам,
301. ББ-П-430 Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим
303. ББ-П-435 Ҳажр тошининг кўкумтул доғидин куйди таним,
304. ББ-П-439 Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум,
305. ББ-П-441 Магарки кўз йўлидин оқти қон бўлуб юрагим
306. ББ-П-445 Айни заъфимдин қўлум чун қўлдадинг, эй дилбарим,
309. ББ-П-473 Водийи ҳажрингда бир дам қон ютардин қонмадим,

Нун - 1та

329. ББ-П-579 Базм ичинда андоқ ул маҳваш хаёли бирламен

Вав - 2та

335. ББ-П-595 Хатинг эрмас, гул узра сабзайн боғи Ирамдур бу,
337. ББ-П-579 Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму,

Ҳе - 2та

355. ББ-П-635 Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда,
353. ББ-П-647 Чаманда сарв ё гул чун сабодин тебранур ногаҳ,

Йай - 5та

376. ББ-П-682 Чун илик бермаски ўпсам, ул ситамкор илгини,
373. ББ-П-665 Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
367. ББ-П-668 Кўксумда наъл бўлди хадангинг нишонаси,
372. ББ-П-685 Менинг бахтим юзи ғам кожидин ул кун қаро бўлди,
379. ББ-П-695 Не май хуштур манга, не гул керакликтур, не гулзори

Шундай қилиб, «Илк девон»даги 391 ғазалдан 273 таси биз қиёслаётган 2 девонга кирган эмас. Улардан яна 4 таси «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Лондон, Боку, Тошкент нусхаларида, 93 ғазал «*Наводир ун-ниҳоя*»да учрайди.[1] Қолган 190та ғазал фақат «*Хазойин ул-маоний*»

[1] Профессор Ҳамид Сулаймон девоннинг 1995-рақамли Султонали Машҳадий нусхасига таяниб "*Наводир ун-ниҳоя*"га "Илк девон"дан 71та ғазал ўтган деб ҳисоблаган. Аммо бугунги кунда бу нусха ишончли эмаслиги маълум бўлиб, 20 томликнинг 2-жилдига 11675-рақамли Абдужамил котиб нусхаси асос қилиб олинган.

девонларига киритилган[1].

"*Оққўюнли мухлислар девони*"даги 223 ғазалнинг юқоридаги 45тадан ташқари яна «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхасида қайтарилган 158тасининг 1-мисралари рўйхати қуйидагича:

№1 ББ-П-3 Эй, мусҳафи рухсоринг азал хаттидин иншо[2]
№2 ББ-П-655 Эй, юзунг устида тер гулбарг узра шабнаме
№3 ББ-П-599 Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ
№4 ББ-П-13 Нуқтайи мушкдур бу ё холи анинг жабин аро
№6 ББ-П-28 Жавру зулминг гарчи ўлмаклик нишонидур манга
№7 ББ-П-14 Эй, алифдек қоматинг мили бузулғон жон аро
№8 ББ-П-29 Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга
№10 ББ-П-25 Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга
№14 ББ-П-31 Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манга
№15 ББ-П-32 То сенингдек қотили хунхорае бордур манга
№16 ББ-П-26 Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга
№17 ББ-П-33 Лабинг сори токим назардур манга
№18 ББ-П-34 Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзандур манга
№20 ББ-П-19 Эй, алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро
№21 ББ-П-27 Ийди рухсоринг кўруб, бўлди улус ҳайрон санга
№22 ББ-П-35 Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга
№23 ББ-П-54 Лабингдин хаста жонким бўлди бетоб,
№24 ББ-П-51 Етти ҳажр айёми, қатлимға недур ҳар дам итоб?
№37 ББ-П-72 Кел-кел, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,
№38 ББ-П-84 Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,
№39 ББ-П-87 Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож,
№40 ББ-П-89 Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулъузор ўлғач,
№41 ББ-П-88 Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
№42 ББ-П-95 Равзаю гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ,
№43 ББ-П-99 Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
№44 ББ-П-103 Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
№45 ББ-П-105 Топқали хокий танимға новаки ишқинг кушод,
№46 ББ-П-131 Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули хуррам баҳор,
№47 ББ-П-132 Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур
№48 ББ-П-125 Телбараб итган кўнгул ёдимға келса гоҳлар,
№49 ББ-П-135 Тиргузур ҳар дам рақибларнию мани ўлтурур,
№50 ББ-П-136 Яна сенсизин мунисим ғам бўлубтур,
№51 ББ-П-138 Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур,
№52 ББ-П-139 Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобук сувор,
№53 ББ-П-151 Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар,

Биз ҳам шу жилд материалига таяндик.

[1] "Бадойиъ ул-бидоя"нинг Париж нусхасидан "Наводир ун-ниҳоя"га 100 дан ортиқ ғазал кўчиб ўтганлиги туфайли юқорида келтирилган 93 ғазалдан 13таси ҳар икки девонда қайтарилган.

[2] Мисрада ўзгариш бор.

№55 ББ-П-126 Юз туман меҳнат ўти андуҳлиғ жонимдадур,
№56 ББ-П-127 Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулузор,
№57 ББ-П-128 Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
№58 ББ-П-129 Ул малоҳат шамъидин мундоққи жисмим ёнадур,
№59 ББ-П-130 То хаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур,
№60 ББ-П-153 Ул ойки, жафо нардини хўблардин утубтур,
№61 ББ-П-154 Барча хўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор?
№62 ББ-П-155 Чорайи кор истабон бечоралиқ кўнглум тилар,
№63 ББ-П-156 Ҳар ўқи ул қоши ёнинг элниким қурбон қилур,
№64 ББ-П-157 Ё раб, бу не гулдурким, бошиға чечак санчар,
№65 ББ-П-158 Ғаминг ўқики, кўнгуллар уйин нишона қилур,
№66 ББ-П-159 Ҳуреки, менинг жонима офат етилибтур,
№67 ББ-П-160 То бўлди кўнгул ул кўзи усрукка гирифтор,
№68 ББ-П-163 Сариғ либос аро ул нўшлабки хандондур,
№69 ББ-П-164 Улки, онсиз хаста кўнглумнунг юз оҳу войи бор,
№70 ББ-П-165 Вою юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
№71 ББ-П-166 Ҳар қаён боқсам кўзумға ул қуёшдин нур эрур,
№72 ББ-П-167 Ер бордию кўнглумда анинг нози қолибтур,
№73 ББ-П-168 Ул малаксиймо париким, халқ анинг ҳайронидур,
№74 ББ-П-169 Шаҳсуворим ҳар қачон жавлон қилур,
№75 ББ-П-170 Қайси бир кўкнинг юзунгдек меҳри оламтоби бор?
№76 ББ-П-171 Йўлида кош мени пора-пора қилғайлар,
№77 ББ-П-172 Хаста кўнглум азм этар ул сориким жонон борур,
№79 ББ-П-174 Кўзум ёшики, юрак қониға тутош кўрунур,
№81 ББ-П-175 Бағримни тийғи ҳажр ила юз пора қилдилар,
№82 ББ-П-176 Улки, юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор,
№83 ББ-П-191 Соқиё, дай шиддатидин ақлу ҳис бетоб эрур,
№84 ББ-П-220 Рафиқлар, мени маҳзун нечук бўлай ғамсиз?
№85 ББ-П-221 Тиргузур юз хастани бир ноз ила ул дилнавоз,
№87 ББ-П-222 Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз,
№88 ББ-П-219 Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
№89 ББ-П-223 Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз,
№90 ББ-П-225 Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз,
№91 ББ-П-239 Ёрдин айрилғали шайдо кўнгул, бехоб кўз,
№93 ББ-П-263 Чиқти ёрим кеча йўл азмин қилиб ул бағри тош,
№94 ББ-П-269 Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
№95 ББ-П-273 Сени кўргач, дер эдим бир меҳрибоним бор эмиш,
№96 ББ-П-280 Борғонингдин жон талашмоқ эрди мен маҳзунға иш,
№97 ББ-П-306 Ўртанурмен кечалар ҳажрингда андоғким чароғ,
№98 ББ-П-305 Гарчи мен ҳажрингдин ўлдум тортибон кўп зорлиғ
№99 ББ-П-306 Неча, эй ороми жон, ҳажрингда беоромлиғ?
№100 ББ-П-319 Ваҳ, неча жисмимни ғамдин нотавон этгай фироқ,
№101 ББ-П-320 Қон ёшим сориғ юз узра ошкор этти фироқ,

№102 ББ-П-318 Оҳким, ғам тийғидин кўксумни қилди чок ишқ,
№104 ББ-П-342 Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек,
№105 ББ-П-343 Тилагим сенинг ҳузурунг, талабим сенинг жамолинг
№107 ББ-П-346 Кўкрагимдур субҳнинг пираҳанидин чокрок,
№115 ББ-П-407 Сарвдек хазро либосинг бирла, эй нозик ниҳол,
№117 ББ-П-410 Эй, жамолинг равзаси фирдавс боғидек жамил,
№118 ББ-П-412 Не қошу юздурур санга, эй ҳусни лоязол.
№120 ББ-П-415 Нолани ҳар нечаким элдин ниҳон айлар кўнгул,
№122 ББ-П-417 Қасди жон айлар дамодамким анга юз жон туфайл,
№124 ББ-П-419 Гар етар ағёрдин юз минг жароҳат, эй кўнгул,
№126 ББ-П-421 Англадинг ё йўқмуким айлар сафар ёр, эй кўнгул,
№129 ББ-П-424 Эй, латофат касбида ҳуснунга ҳожатманд гул,
№132 ББ-П-349 Ғам хазонин зоҳир этмиш чеҳрайи зардим маним,
№136 ББ-П-448 Зулмати ҳижрон қилур қатъи ҳаётим дам-бадам,
№137 ББ-П-449 Ишқ ила бўлдум масал савдо била афсона ҳам,
№138 ББ-П-450 Лаълингки, соғиндим ани жон розиға маҳрам,
№139 ББ-П-451 Кеча ул маҳвашни ёд айлаб фаровон йиғладим,
№140 ББ-П-452 Соқиё, кечаги май нашъасидин жон топтим,
№141 ББ-П-453 Битигингдинки, саводини кўруб жон топтим,
№142 ББ-П-454 Висол тухмини эктим, фироқ бар топтим,
№143 ББ-П-455 Васл баргин узки, мен ҳижрон гулин бўй этмишам,
№144 ББ-П-456 Тирик юрурмену бор мендин айру жононим,
№145 ББ-П-457 Эй, қадинг сарви равон, кўюнг баҳору гулшаним,
№146 ББ-П-458 Эйки, аввал қоматинг васфини шамшод айладим,
№147 ББ-П-460 Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
№148 ББ-П-461 Етти сўзи ҳажру чектим оҳи дардолуд ҳам,
№149 ББ-П-464 Яна фироқ ўтиға тушти тоблиғ кўнглум,
№150 ББ-П-466 Не айб, агар майи софий ғамидадур кўнглум,
№151 ББ-П-467 Вайранаедур масканим, андин манга бисёр ғам,
№152 ББ-П-469 Онча кавкаб тўкти шоми ғам хаёлингдин кўзум,
№153 ББ-П-415 Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим,
№155 ББ-П-514 Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин,
№156 ББ-П-515 Ёнида бўлмасам нафасе, дарднокмен,
№157 ББ-П-516 Ул сабабдин тийрадур кўнглум уйи ҳижронидин,
№159 ББ-П-518 Юз бало ҳар дам топар ҳижрон бу маҳзун жон учун,
№160 ББ-П-519 Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун,
№161 ББ-П-520 Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун,
№167 ББ-П-526 Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлубтур тўла қон,
№168 ББ-П-527 Сафҳайи ҳуснунгда жонбахш ирнинг, эй сийминбадан,
№171 ББ-П-530 Эйким, нафасе ғойиб эмассен назаримдин,
№172 ББ-П-531 Не тирикмен, не ўлук; не соғ, не бемормен,
№173 ББ-П-533 Сарвеки, нолишим бийик ўлди ҳавосидин,
№174 ББ-П-534 Дўстлар, бир чора мен девонае шайдо учун,

№175 ББ-П-536 Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,
№176 ББ-П-537 Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен,
№177 ББ-П-539 Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
№179 ББ-П-619 Лабларингким, ҳайф эрур тенг тутмоқ они қанд ила,
№180 ББ-П-621 Меҳрдин дерменки бўлсам дойим ул ойим била,
№182 ББ-П-622 Гар сабодек ҳамдам эрмон сарви озодинг била,
№183 ББ-П-624 Ваҳки, ул шўх бориб, жонима ўт солди яна,
№184 ББ-П-625 Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била,
№185 ББ-П-628 Мени гадой қачон еттим эрса шоҳимға,
№186 ББ-П-602 Куйди кўнглумким, недин манзил эмас жононаға,
№187 ББ-П-611 Жон олса найлай ул бути паймон гусил била,
№188 ББ-П-612 Оҳким, жон бўйниға зулфунг таноб ўлди яна,
№191 ББ-П-603 Ёнида эл кўрсам, ўқ санчилмасунму жонима,
№192 ББ-П-605 Ғамидин гарчи жон йўқ эрда танда,
№193 ББ-П-607 Зиҳи ҳайвон суйидек лабларингнинг ҳасрати жонда,
№194 ББ-П-608 Пардаға кирган киби хуршиди рахшон ҳар кеча
№195 ББ-П-610 Ул мусофирким эрур барча сипоҳ аҳлиға шоҳ,
№196 ББ-П-606 Кўнглумнинг оҳи қатрае хуни жигар била
№197 ББ-П-676 Бўлғай эрди юз туман минг ранжу меҳнат кошки,
№198 ББ-П-678 Хуштурур гулгун қадаҳ гирдинда гулбарги тари,
№200 ББ-П-679 Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,
№201 ББ-П-681 Икки ҳамдамким эрур май базм аро ҳамдамлари,
№202 ББ-П-682 Юз урма ҳар тараф, эй шўху, зор қилма мени,
№205 ББ-П-684 Наргисин гул узраким бемор этар ноз уйқуси,
№206 ББ-П-687 Эй кўнгул, бердинг иликдин васлининг давронини,
№207 ББ-П-689 Ул ойки, меҳр ила оламни муҳтарам қилди,
№208 ББ-П-690 Маҳвашеким, меҳридин бўлдум жаҳон овораси,
№209 ББ-П-692 Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини,
№210 ББ-П-693 Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани,
№211 ББ-П-694 Ҳар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади,
№212 ББ-П-696 Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлоли,
№213 ББ-П-697 Ғунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани,
№214 ББ-П-699 Ғариблиқ яна кўнглумни дарднок этти,
№215 ББ-П-700 Лаълингга боғланди жоним, ҳажр элиндин ол ани,
№216 ББ-П-702 Қани висолингга бир мендек орзуманде,
№217 ББ-П-703 Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире,
№218 ББ-П-705 Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси

Энди *"Оққўюнли мухлислар девони"*дан « *Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 1480 йилги илк нусхасига кирмай қолган **20 ғазал** тақдирига келадиган бўлсак, улардан қуйидаги 13таси « *Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 1480 йилдан кейин кўчирилган вариантларида учрайди:

№204 ББ-Т-622[1] Эй, дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати,
№54 ББ-164[2] Ул қуёшким салтанат авжи уза тобон эрур,
№80 ББ-188 Васлидин гар барги гулдур ҳажрдин гар нўги хор
№86 ББ-236 Не ғам, хумор қилди эса қасди жонимиз,
№113 ББ-377 Басе дард бердингу даво қилмадинг,
№114 ББ-378 Юзунг оқ, эй ғамки, ашким рангини ол айладинг,
№134 ББ-376 Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин маним[3],
№189 ББ-635 Бода тут, соқийки, айёми висол ўлди яна
№190 ББ-636 Кўзни лаълинг шавқидин дурбор қилғунгдур яна,
№199 ББ-738 Эй, ҳаётим нақди лаъли хурдадонинг садқаси,
№203 ББ-711 Эй, гули сарви чаманда оразинг шармандаси,
№219 ББ-737 Мушки тардур сабзайи хаттинг, юзунг гул хирмани,
№220 ББ-689 Ҳушсиз жонким, ёшурмиш жисми ғампарвард ани,

Аммо қуйидаги 7 ғазал 20 томликнинг 1-томида ҳам, «*Хазоин ул-маоний*»нинг Ҳамид Сулаймон нашр этган бирорта жилдида ҳам учрамайди:

№106 Гарчи элга жон бағишлар ҳусни руҳафзолиғинг,
№178 Бу ёмон толиъ айирди ёрни мен зордан
№181 Сипеҳру меҳр юзингдин нишонадур барча,
№92 Улки шаккардек лабиға тўтийи жондур магас,
№221 Мунчаким ҳар дам етар жисмума ҳажрингдин ғаме,
№222 Фалак жафойидин ул ойға бўлмасун дарде,
№223 Кўзум шамъин яна равшан қилур бир меҳрсиз моҳе,

Улардан 6таси МАТнинг охирги жилдида «*Расмий девонларга кирмаган шеърлар*» рўйхатида бор, аммо

№221 *Мунчаким ҳар дам етар жисмума ҳажрингдин ғаме,* деб бошланувчи ғазал бу рўйхатда ҳам йўқ.

Шундай қилиб, Навоий 39 ёшли навқирон пайтида илк марта ўзи тартиб берган девонда келтирилган 731 ғазалдан 276таси (45+73+158) олдинги 2 девондан олинган бўлиб, бу девонга олдингиларида учрамаган 455 ғазал киритилган бўлиб чиқмоқда.

Аммо бу ҳисоб-китоблардан шоир 24 ёшигача 391 ғазал ёзган, 30 ёшигача яна 178та ғазал, 39 ёшигача эса янги 455 та ушбу жанрдаги шеър ижод қилган экан, деб хулоса чиқариш ҳақиқатга мувофиқ бўлиб чиқмайди. Масалан, барча мактаб ўқувчиларига ҳам таниш бўлган «*Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш...*» деб бошланувчи машҳур ғазал дастлаб «*Илк девон*»да эмас, балки "*Оққўюнли мухлислар девони*"да учрайди (№ 94). Мавлоно Лутфийнинг юксак баҳосига сазовор бўлган бу гўзал сатрлар замондошлари томонидан 15 ёшли Алишернинг истеъдод даражасини белгиловчи меъёр сифатида таърифланганлиги

[1] Бу ғазал "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 216-рақамли Тошкент нусхасида учрайди ва шу қўлёзма ғазаллари тартиб рақамида берилди.
[2] Шу ва шундан кейинги барча ғазаллар Париж ва Тошкент нусхаларида учрамайди, аммо МАТ 1-жилдида келтирилган. Уларнинг қайси девонларда учраши бизга аниқ бўлмагани учун рақамланиши МАТ 1-жилди бўйича келтирилди.
[3] Ўзгариш бор: ББда қофия - "менинг".

кўпчиликка маълум, аммо Султонали Машҳадий тузган девондан бу ажойиб санъат намунаси нега тушиб қолганлигига аниқ жавоб йўқ.

Яна бир мулоҳаза шуки, навқирон йигитнинг энг илҳоми жўш урадиган 25-30 ёшлик пайтида 5 йил давомида атиги 178та ғазал яратган деб тасаавур қилиш ҳам унча тўғрига ўхшамайди. Аслини олганда, қўшни Оққўюнлилар давлатидаги туркман қардош ва қадрдон мухлисларига ёш шоир энг сара шеърларидан бир қисм намуна юборган бўлиши эҳтимолга яқин. Бу даврда ёзилган шеърлар 39-40 ёшларида режалаштирган икки девони таркибидаги 1500дан ортиқ ғазалнинг катта бир қисмини ташкил этганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Айтиш мумкинки, «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг илк вариантидаги олдинги девонларга кирмаган 455 ғазалдан бир қисми айни шу даврда, яъни "*Оққўюнли мухлислар девони*"даги 178 янги ғазал билан бир жараёнда ижод этилган деб тахмин қиладиган бўлсак, кўп хато бўлмаса керак. Лекин бир нарса аниқ. «*Илк девон*»даги 391 ғазал ҳижрий 870 йилдан кейин яратилган эмас. Худди шунигдек, "*Оққўюнли мухлислар девони*"даги 178та янги ғазал 1471 йилдан кейин ижод этилган деб бўлмайди. «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 1480 йилги илк нусхасидаги шеърлар эса, албатта, шу қўлёзмада битилган санадан олдин ёзилган. Биз учун энг муҳими – шу.

Энди ушбу девонлардаги бошқа жанрларга оид шеърларни қиёслайдиган бўлсак, «*Илк девон*»да 1 мустазод шундай бошланади:

Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой, не ғамзайи жоду,
Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой, хуршид анга кўзгу...

"*Оққўюнли мухлислар девони*"да келган 1 мустазод ундан фарқ қилади:

Эй, ҳуснунгга зарроти жаҳон ичра тажалли, мазҳар санга ашё,
Сен лутф била кавну макон ичида мавли олам сенга мавло...

«*Илк девон*»да келган қуйидагича бошланувчи 1 мухаммас:

Шарбати «юҳйил-изом» эрни майи нобиндадур...

"*Оққўюнли мухлислар девони*"да қайтарилган ва унга яна янги 2 мухаммас қўшилган:

№1 *Шарбати «юҳйил-изом» эрни майи нобиндадур...*
№2 *Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шоҳни...*
№3 *Ҳалқайи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами...*

Бу кейинги девондаги 1 таржиъбанд қуйидагича бошланади:

Эй, кирпики нешу кўзи хунхор,
Жонимни неча қилурсен афгор...

"*Оққўюнли мухлислар девони*"да рубоий йўқ. «*Илк девон*»даги 41 рубоийдан қуйида биринчи мисралари келтирилган 21таси «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхасида қайтарилган:

18 - 4 Мажнунға эътимод[1] қилмоқ бўлмас,
20 - 1 Ул кўзки, даме бўлмади соғ, эй қарокўз,
21 - 2 Жонбахш лабинг чашмайи ҳайвонму эмас?!
22 - 6 Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
23 - 8 Йўқ бодайи васл, оби ҳайзон ул эмиш,
24 - 10 Соқий, мени хор-хордин айла халос,
25 - 11 Бер жому ол, эй муғбача, жонимни иваз,
26 - 12 Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
28 - 13 Ким айласа соқийи гуландом тамаъ,
29 - 16 Бир гул ғамидин дедим қўяй бағрима доғ,
31 - 17 Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,
32 - 20 Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
33 - 21 Зоҳид сену ҳур, манга жонона керак,
34 - 22 Гар дилбар эмас малаквашу ҳур хисол,
35 - 23 Турмай мени зору нотавон бирла кўнгул,
36 - 26 Муғ дайри сори букун таманно қилдим,
37 - 28 Баҳру кемадин кўнгулда кўпдур аламим,
38 - 32 Дайр ичра тилаб жоми ҳилолий партав,
39-- 33 Гар қилса киши қилиб гуноҳе тавба,
40 - 34 Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши,
41 - 36 Охир даме умр этса шитоб, эй соқий,

Шундай қилиб, “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Париж нусхасида 455 янги ғазал ва 16 янги рубоий жой олган. Бундан ташқари ушбу девонга илк марта олдинги 2 девон таркибида мавжуд бўлмаган 35 муаммо, 1 чистон, 4 туюқ, 23 фард ҳам киритилган. Аммо, шу билан бир қаторда, олдинги девонлар таркибидаги 2 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржиъбанд шоирнинг ўз ташаббуси билан шакллантирилган дастлабки мажмуадан жой олмаган. Бунинг сабаби нима?

Ушбу муаммога бағишланган алоҳида муфассал мақола «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1918 йил 1-сонида чоп этилди.

2018 йил.

[1] “*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Париж нусхасида қуйидагича ўзгарган: *“Маҳбубга эътиқод қилмоқ бўлмас”*

«БАДОЙИЪ УЛ-БИДОЯ»НИНГ ПАРИЖ НУСХАСИ

Профессор Ҳамид Сулаймоннинг 1955-1961 йилларда яратилган докторлик диссертациясида биринчи марта «*Хазоин ул-маоний*» таркибидаги девонларга шеърларнинг тақсимланиши бу шеърлар яратилиш даврининг ҳақиқий хронологияси эмаслиги манбалар асосида аниқлаб берилган эди. Шу билан бирга, Алишер Навоийнинг ўз қўли билан тузилган илк девонлари – «*Бадойиъ ул-бидоя*" ва "*Наводир ун-ниҳоя*"нинг муаллиф ҳаётлигида кўчирилган турли нусхаларидаги барча шеърларнинг жанрлар бўйича аниқ ҳисоби жадвал тарзида келтирилиб, кейинги қиёсий тадқиқотларга кенг йўл очилган эди. Аммо 1963 йилдаги Ёқубжон Исҳоқовнинг «*Алишер Навоийнинг илк лирикаси*» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ва 2001 йилдаги Дилором Салоҳийнинг «*Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида)* « деб номланган докторлик ишидан ташқари бу соҳада шу кунгача бошқа бирор жиддий тадқиқот амалга оширилмади.

Дилором Салоҳий ўз тадқиқотида «*Илк девон*»нинг факсимил нусхасидан бошқа мўътабар қўлёзмалар матнига бевосита мурожаат қилмай, Алишер Навоий "*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 1987-1990 йилларда нашр этилган 1-6 жилдларига таяниб иш кўрган. Ваҳоланки, юқорида тилга олинган Ҳамид Сулаймон жадвалларидаёқ биргина «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг шоир ҳаётлик даврида турли йилларда кўчирилган 4 қўлёэмаси бир-биридан мундарижаси ва қамровига кўра жиддий фарқланиши аниқ кўрсатиб берилган эди. Лекин шу пайтгача бу фарқларга жиддий эътибор қаратилмади ва уларнинг моҳиятини очиб беришга уриниш ҳам бўлмади.

Навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркиновнинг изланишлари натижасида топилган ва шартли равишда "*Оққўюнли мухлислар девони*" номи билан 2015 йили факсимиле нусхаси нашр этилган эди. Ўтган йили яна шу олимнинг саъй-ҳаракатлари билан "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж миллий кутубхонасида №746-инвентар рақами остида сақланувчи 1480 йилда (ҳижрий 885 йил) кўчирилган қўлёэмасининг электрон варианти қўлга киритилди. Натижада бугун бизнинг қўлимизда №746-инвентар рақамли "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхаси, №216- инвентар рақамли 1486 йилда кўчирилган Тошкент нусхаси, Илк девон ва "*Оққўюнли мухлислар девони*" факсимилелари йиғилиб қолди. Шундан фойдаланиб биз "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг илк кўчирилган нусхасини юқоридаги манбалар билан дастлабки қиёсий таҳлилини илм аҳлига ҳавола қилишни ният қилдик. Шеърларни рақамлашда қулайлик юзасидан кенг илм аҳлига яхши таниш бўлган Алишер Навоий "*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 1-жилдига таянишни лозим топдик.

Девоннинг 746-инвентар рақамли Париж нусхаси 231 варақдан иборат. Бевосита девон матни қўлёзманинг 3-варағидан бошланади. 3а-13б саҳифаларда «*Дебоча*» жой олган бўлиб, унинг матни нашр этилган 20 жилдликнинг 1-жилди ва Тошкент нусхасидан фарқ қилмайди. 14-варақ бўш қолдирилган. 15-варақдан ғазаллар бошланади. Биринчи ғазал анъанавий «*Ашрақат*» ғазали бўлиб, то 20-ғазалгача Париж ва Тошкент нусхалари матни 1-жилд матнидан фарқ қилмайди. 1-жилддаги «*Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро*» деб бошланувчи 20-ғазал Тошкент нусхаси ва «*Илк девон*»да бор, аммо Париж нусхасида йўқ[1].

[1] Бу ғазал кейинча "*Наводир ун-ниҳоя*" таркибига ҳам киритилган.

Натижада 746-инвентар рақамли қўлёзмадаги ғазаллар то 30-рақамли ғазалгача Тошкент нусхаси ва 1-жилдга нисбатан бир тартиб рақамига кечикиб келабошлайди. 1-жилддаги 30-рақамли «*Ул малоҳат ганжи*[1] *ҳажрида бузуғ маскан манга*» деб бошланувчи ғазал 746-инвентар рақамли қўлёзмада йўқ. Шундан бошлаб бу қўлёзмадаги ғазаллар тартиби 1-жилд ва Тошкент нусхасидан 2 ғазалга ортда қола бошлайди. 1-жилд ва Тошкент нусхасидаги 38, 40, 41, 42- рақамли ғазаллар ҳам Париж нусхасида йўқ. Булардан 41 ва 42-рақамли ғазаллар «*Илк девон*»да бор[2], аммо «*Кўзларимда ишқдин сув эрди уйқу ўрнида*» деб бошланувчи 38-рақамли ва «*Ёр акси чунки айлар жилва май кўзгусида*» деб бошланувчи 40-ғазал «*Илк девон*»да ҳам йўқ.

Шу ўринда бир лирик чекиниш ўрни бор.

«Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донайи савдо»

матлали машҳур ғазал биринчи марта айни шу 746-инвентар рақамли Париж қўлёэмасида 36-тартиб рақами остида учрайди. Демак, малика Ҳадичабегимнинг ҳадяси муносабати билан ёзилган шеър 1472-1479 йиллар орасида, яъни Алишер Навоийнинг 31-38 ёшлик даврларида ёзилганлиги маълум бўлади.

1-жилдда 46-рақам остида келган «*Зор жисмимга хадангинг заҳмидан ортар наво*» деб бошланувчи ғазал Париж нусхасида 40-тартиб рақамига мувофиқ келади. Энди навбат №216- инвентар рақамли Тошкент нусхасига келди. Унда ушбу ғазал йўқ. Демак, «МАТ»-нинг 1-жилдидаги ғазаллар тартиб рақамидан Тошкент нусхаси ғазалларининг рақамланиши ортда қола бошлайди.

Китобдаги 58-рақамли «*Эйки рухсоринг эрур хўбу хатинг ҳам марғуб*» деб бошланувчи ғазал яна Париж нусхасида йўқ, аммо «*Илк девон*»да бор[3]. Кейинги 59-рақамли «*Тиғ ила хоки танимни ҳар тараф ёрдинг келиб*» ғазали Париж нусхасида ҳам, «*Илк девон*»да ҳам йўқ[4]. Шундай қилиб, энди Тошкент нусхасидаги 59-ғазал («МАТ» 1-жилда №60) 746-инвентар рақамли қўлёзмада 52-тартиб рақами билан келади, яъни орадаги фарқ 7тага етади. Бу нисбат то Тошкент нусхасидаги 96-ғазалгача ўзгармайди. Китобда Тошкент нусхасидаги «*Кўруб дардим тараҳҳум қилмадинг ҳеч*» ва «*Гириҳ-гириҳ чу тугарсен - етар аёғингга соч*» деб бошланувчи 96-97-ғазаллар ўрни алмашиб қолган. Ҳар икки ғазал ҳам Париж нусхасида учрамайди. Улар «*Илк девон*»да ҳам, 1471 йилда кўчирилган девонда ҳам йўқ. Натижада 216-рақамли қўлёзмадаги 100-ғазал 746-рақамли қўлёзмада 91-шеърга мувофиқ келади[5]. Навбатдаги 10 ғазал ҳар 3 матнда ўзгаришсиз. Фақат Тошкент нусхасидаги 111-ғазал (китобда 112 - «*Дуди оҳ эрмас кўнгул уйин қаро қилғонда дард*») Париж нусхасида ҳам «*Илк девон*»да ҳам, "*Оққўюнли мухлислар девони*"да ҳам йўқ. Шу қофия билан келувчи 115-ғазал (китобда 116 - «*Бу ки ҳар ёндин кўкартибдур юзимни кожи дард*») ҳам яна юқоридаги ҳар учала девонда учрамайди.

---

[1] 1-жилдда бу сўз "кунжи" шаклида хато босилган.
[2] "Кимса ҳаргиз кўрмади..." ва "Миръоти ҳуснунг тийрадур..." деб бошланувчи бу ғазаллар кейинча "Наводир ун-ниҳоя" таркибига ҳам киритилган.
[3] Бу ғазал ҳам кейинча "*Наводир ун-ниҳоя*" таркибига киритилган, фақат унда "*Эйки рухсоринг*" ўрнига "*Илк девон*"даги вариант, яъни "*Икки рухсоринг*" деб ёзилган.
[4] Бу ғазал ҳам "*Наводир ун-ниҳоя*" таркибида қайтарилган.
[5] «МАТ» 1-жилдида бу шеър 101-рақам остида келган.

Тошкент нусхасидаги 116-ғазалдан, то 162-ғазалгача Париж нусхасидаги 105-151 ғазаллар билан тўлиқ мос тушади. Аммо «МАТ» 1-жилдидаги 164-тартиб рақамли «*Ул қуёшким салтанат авжи уза тобон эрур*» деб бошланувчи ғазал на 216-нчи, на 746-нчи қўлёзмаларда, на «*Илк девон*»да учрамайди, фақат "*Оққўюнли мухлислар девони*"да ушбу ғазал 54-тартиб рақами билан келтирилган. 1-жилдга бу шеър қайси манбадан кирганлигини билиш учун қўлимизда девоннинг Лондон ва Боку нусхалари бўлиши керак. Афсуски, биз Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондларидан Ҳамид Сулаймон ва «МАТ» 1-жилдининг тузувчилари фойдаланган 746-рақамли Париж нусхасининг ҳам, 401-рақамли Лондон ва 3010-рақамли Боку нусхаларининг ҳам фотокопияларини топа олмадик.

Китобдаги «*Васлидин гар барги гулдур, ҳажридин гар нўги хор*» деб бошланувчи 188-ғазал ҳам юқорида тилга олинган нусхалардан фақат "*Оққўюнли мухлислар девони*"да 80-тартиб рақами остида келтирилган, холос. Кейинги 47 ғазал ҳар икки қўлёзма ва китобда фарқсиз. 1-жилддаги 236-ғазал («*Не ғам, хумор қилди эса қасди жонимиз...*») эса фақат А.Эркинов топган девонда учрайди.

Бундан кейинги фарқларни гап чўзилмаслиги учун рўйхат шаклида келтирамиз[1].

1-рўйхат.

Париж нусхасида бор, Тошкент нусхасида йўқ ғазаллар:

(Биринчи рақам «МАТ» 1-жилдига тегишли, иккинчи рақам - 746-инв. рақамли Париж нусхасидаги ғазалларнинг тартиб рақами)

277 - 262 - *Суроҳий то майи лаълинг висолин орзу қилмиш,*
281 - 265 - *Оразин кўрдум ниҳон, ашк айлади сирримни фош,*
284 - 268 - *Не хам қошлардурурким, ҳайрати қаддимни ё қилмиш,*
287 - 271 - *Тузмагай эрди қазо бу жисми вайронимни кош,*
290 - 274 - *Ошиқ ўлдум, билмадим ёр ўзгаларга ёр эмиш,*
334- 317 - *Эй, каломи жонфизойинг нақди жондин яхшироқ,*
339 - 322 - *Кўнглум бўлур ғаминг туни ҳар лаҳза қайғулуқ,*
342 - 325 - *Демангиз, аҳбобким, қилмасмусен бас йиғламоқ?*
355 - 338 - *Оразинг гулдур, гул узра сабзайи тар кокулунг,*
358 - 341 - *Қуюндек васл даштидин гар, эй Лайли, мени сурдунг,*
365 - 348 - *Бир ўт эсаки, манга журмсиз вафони кам эттинг,*
368 - 351 - *Не ажаб, сарв сиҳийга инмаса бошинг сенинг,*
371 - 354 - *Не хаёл эди янаким, кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,*
374- 357 - *Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг,*
380 - 360 - *Ҳажрдин кўзумга оламни қаронғу айладинг,*
382 - 362 - *Ё раб, ул ойники эл кўнглига марғуб айладинг,*

Жами: 79 ғазал.

Ушбу рўйхатдаги № 425-405,428-408, 435-414 рақамли 3 ғазалдан ташқари барча шеърлар (76 ғазал) «*Наводир ун-ниҳоя*» девонига ўтган.

2-рўйхат.

Париж нусхасида ҳам, Тошкент нусхасида ҳам йўқ ғазаллар:

376 - *Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин менинг,*
377 - *Басе дард бердингу даво қилмадинг,*

[1] "*Илк девон*" ва "*Оққўюнли мухлислар девони* "да бу ғазалларнинг учраш-учрамаслиги алоҳида мақола мавзуси сифатида бу рўйхатга киритилмади.

378 - *Юзунг оқ, эй ғамки, ашким рангини ол айладинг,*
429 - *Гулбуни ишратдин узгил барги пайванд, эй кўнгул,*
635 - *Бода тут, соқийки, айёми висол ўлди яна,*
636 - *Кўзни лаълинг шавқидин дурбор қилғунгдур яна,*
661 - *Тийралик хаттинг саводидин лаби хандон уза,*
672 - *Очиб кўксум шикофин, айладим кўнглумни наззора,*
673 - *Фироқинг тийғидинким хаста жисмим бўлди юз пора*
689 - *Ҳушсиз жонким, ёшурмиш жисми ғампарвард ани,*
711 - *Эй, гули сарви чаманда оразинг шармандаси,*
713 - *Эй, дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати,*
732 - *Тушда сарву гулдин ислаб бирни, қучтум бирини,*
737 - *Мушки тардур сабзайи хаттинг, юзунг гул хирмани,*
738 - *Эй, ҳаётим нақди лаъли хурдадонинг садқаси,*
741 - *Оғиз ичра тилингдек ғунчада гулбарги тар бўлғай,*
748 - *Сўрмангиз ашким суйинким муттасилму келгуси,*
751 - *Бир пари пайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени,*
753 - *Захмиға марҳам ёқиб, ғамгин кўнгул шод ўлмади,*
756 - *Бўлса кўюнг туфроғи заъф ичра жисмим бистари,*
761 - *Кўнгул, ўт берки, бир ой ҳажридин кўксумга доғ ўртаи,*
763 - *Саҳар куяр ғами ҳажрингда хаста жисм хаси,*
766 - *Лаб уза хатти анбаролуди*
769 - *Ёрдин айрилса қотилмоғлиғин билмас киши,*
772 - *Кўрма сориғ баргу қил наззора рухсорим сари*
773 - *Баски кўнглумни фалак мажруҳу вайрон истагай,*
776 - *Гул эмас ҳар ён юзунг даврида оро қилғали*

Жами: 27 ғазал.

Бу таркибдан ҳам 14 ғазал «*Наводир ун-ниҳоя*» девонига ўтган (№ 661, 732, 741, 748, 751, 753, 756, 761, 763, 766, 769, 772, 773, 776).

Шундай қилиб, хулосалаш мумкинки, XXI аср илмининг талаблари нуқтайи назаридан ёндошганда 1987 йили тайёрланиб, шоир «Мукаммал асарлар тўплами»нинг 1-томида «*Бадойиъ ул-бидоя*" девони номи билан тақдим этилган китобни Алишер Навоий тартиб берган мажмуа сифатида қабул қилишнинг мутлақо иложи йўқ. Амалда «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг шоир ҳаётлигида турли йилларда тартиб берилган ва таркибига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилувчи бир қатор нусхалари мавжуд бўлиб, ҳозирча уларнинг ҳеч бирини муаллиф иродасидан ташқари котибларнинг ўз ихтиёрига кўра эркин шакллантирилган деб тасаввур қилишга асос йўқ. Алишер Навоийнинг ўша даврдаги ижтимоий мавқеини ва шоир табиатидаги ўта талабчанликни назарда тутганда бундай «*бебошлик*» давр руҳига ҳам мувофиқ келмайди.

"*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 1987 йилда нашр этилган биринчи жилдини эса тузувчилар томонидан муайян шароитни ҳисобга олиб тузилган **йиғма девон** сифатида қабул қилиш керак бўлади. Юқоридаги икки рўйхатда келтирилган «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 1486 йилда тузилган №216-инвентар рақамли Тошкент нусхасига киритилмаган 106 ға-

залдан 90тасининг шоир ташаббуси билан тузилган иккинчи девон «*Наводир ун-ниҳоя*» таркибида учраши бизнинг бу мулоҳазаларимизни қувватловчи мустаҳкам далил бўла олади.

Аммо XX аср навоийшунослигидаги бундай номувофиқликларга янги аср тадқиқотчилари ҳануз етарли эътибор қаратмай келмоқдалар. 2016 йилда нашр этилган «Алишер Навоий. Қомусий луғат»ида навоийшунос олима К.Муллахўжаева МАТнинг 1-жилдига таяниб, *"Бадойиъ ул-бидоя" девонидаги шеърлар адади 1046 тадан иборат, уларнинг 777 таси ғазал, 3 таси мустазод, 5 таси мухаммас, 2 таси мусаддас, 3 таси таржеъбанд, 46 таси қитъа, 85 таси рубоий, 10 таси луғз, 52 таси муаммо, 10 таси туюқ, 53 таси фард*» деб ёзади.[1] Аммо девоннинг ҳижрий қамарий 885 йилда кўчирилган Париж нусхаси таркибида 731 ғазал, 37 рубоий, 35 муаммо, 1 чистон, 4 туюқ, 23 фард мавжуд бўлиб, жами шеърлар адади 831та. Бу қўлёзмада нафақат ғазал, рубоий, муаммо, туюқ, фардлар сони олима келтирган рақамлардан фарқ қилади, балки **мустазод, мухаммас, мусаддас, таржеъбанд ва қитъа** жанридаги шеърлар умуман учрамайди, 10 та луғз ўрнига биргина чистон киритилган. Ваҳоланки, «*Илк девон*»да ғазал ва рубоийлардан ташқари 1 мустазод ва 1 мухаммас, "*Оққўюнли мухлислар девони*"да эса буларга қўшимча яна бошқа 1 мустазод, 2 мухаммас ва «*Эй, кирпики нешу кўзи хунхор, Жонимни неча қилурсан афгор*» деб бошланувчи 1 тажрибанд келтирилган. Натижада 1480 йилгача ёзилганлиги аниқ маълум бўлган 2 мустазод, 3 мухаммас ва 1 тажрибанд негадир *"Бадойиъ ул-бидоя"*нинг илк нусхасига киритилмаган.

Энди *"Бадойиъ ул-бидоя"*нинг 1482 (ҳ.қ. 887) йилда кўчирилган 401-инвентарь рақамли Лондон нусхаси таркибига эътибор берайлик. Унда Ҳамид Сулаймон жадвалларида берилган маълумотга кўра 571 ғазал, 3 мустазод, 4 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржеъбанд, 41 қитъа, 78 рубоий, 52 муаммо, 10 чистон, 10 туюқ, 42 фард мавжуд. Орадаги фарқ - Лондон нусхасида 160 ғазал кам, бироқ 43 рубоий, 17 муаммо, 9 чистон, 6 туюқ, 42-23=19 фард, 41 қитъа, 3 мустазод, 4 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржеъбанд янги қўшилган. Кейинги 1484 йилги Боку ҳамда 1486 йилги Тошкет нусхаларида ғазаллар бирмунча кўпайган, бошқа жанрларда ҳам рақамларда бироз ўзгаришлар бор, аммо Лондон нусхасининг жанрлар бўйича асосий таркиби сақлаб қолинган.

Демак, 1480 йилда шоир ҳануз изланишда бўлган ва ўзи тузмоқчи бўлган дастлабки икки девонга шеърларни тақсимлашда аниқ бир қарорга келмаган. Бу ҳолат "*Бадойиъ ул-бидоя*" девонининг узил-кесил шаклланиш тарихини нафақат Ҳамид Сулаймон тахмин қилган «*1470-1476 йиллар ўртаси*»да[2], балки А.Абдуғафуров ва Дилором Салоҳийлар хулоса қилган 1978-79 йиллар деб белгилаш ҳам унчалик тўғри бўлиб чиқмаётганини кўрсатади. Фақат кейинги тарихни, Дилором Салоҳий айтганидек, «*энг тўнғич нусха*» сифатида Париж нусхасига татбиқ этилса, хато бўлмайди[3].

Хуллас, 1480 йилда кўчирилган 746-инв. рақамли Париж нусхаси девон тузишда шоир изланишларининг дастлабки намунаси бўлган, бизнинг тасаввуримизда шаклланган "*Бадойиъ ул-бидоя*" дан тамомила фарқ қилувчи **алоҳида мажмуа** (А.Эркинов таъбири билан айтганда «*протодевон*») бўлиб, ушбу қўлёзма матни билан яқиндан танишиш буюк шоир ижодий такомил жараёнига оид бир қатор янги хулосаларга келишга имкон беради.

---

[1] Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т., "ШАРҚ" НМАК БТ, 2016, С. 91.
[2] Алишер Навоий. Хазоин ул-маоний. 1-том. Ғаройиб ус-сиғар. Т., 1959, с. XXI/
[3] Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Т., "Фан", 2005, С.37.

Улар ичида **энг биринчиси ва энг муҳими** шуки, қўлёзма таркибини эътибор билан ўрганиш шоир ўз қўли билан туза бошлаган биринчи девон 1480 йилда ҳам мусаннифнинг кўнглини қониқтирадиган даражада мукаммал шакл касб этмаганлигини ошкор қилмоқда.

Алишер Навоий оддий шоир эмаслигини, теран мулоҳазали ва ўз-ўзига талабчан мутафаккир эканлигини яхши биламиз. У девон тузишни шу ёшгача ёзган шеърларини қофиясига кўра алифбо тартибига солиб бир тўпламга йиғиб қўйиш деб тушунган эмас. Низомий ҳар бир инсон 40 ёшида ўз ҳаёт тажрибасидан муайян хулосалар чиқариб, маънавий мукаммаллик касб этади, деб эътироф этган эди. Алишер Навоий ҳам *"Бадойиъ ул-бидоя"* девонининг биринчи нусхасини шакллантирган пайтида айни 38-39 ёшларда эди. Шоир ўзи суйган Хўжа Ҳофиз изидан бориб девонга махсус кириш ғазалини яратди ва унда ўз ижодий дастурини баён қилди. Мухлислар тузган олдинги икки девонда бундай фалсафий умумлашма ғазал йўқ эди. Девон тайёр бўлди ва оққа кўчирилди. Аммо шоирнинг ўз ишидан кўнгли тўлмаган эди. Навоий қадрдон дўсти ва юрт ҳукмдорининг таклифи ва топшириғини дарҳол бажармаганининг сабаби ҳам ўзининг мукаммал ҳаёт ва ижод фалсафасини шакллантирмай туриб девон тузишга журъат қилмаганидан эди. Ниҳоят мутлақо янги ўзига хос фалсафий ғазал дунёга келди ва девон тузилди. Аммо ҳануз шоир ўз ишидан қониқиш ҳосил қилмади. Чунки китобнинг кириш қисми мукаммаллик касб этган бўлса-да, хулосаси йўқ эди. Яъни, 1480 йилги девонда «*Ашрақат*» бор эди-ю, «*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...* « ҳануз ёзилмаган эди. Шоир вазифа олган пайтида мавжуд шеърларини ҳисоблаб, икки девонга тақсимлаш ҳақида бир қарорга келган. Булар *"Бадойиъ ул-бидоя"* (бошланиш) ва «*Наводир ун-ниҳоя*» (якунланиш) бўлиши керак эди, аммо уларнинг ички таркиби қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тугал фикр ҳануз йўқ, шоир тараддудда эди. *"Оққўюнли мухлислар девони"*да мавжуд бўлган, яъни шоир 30 ёшигача ёзиб тугаллаган 1 тажрибаднинг биринчи девонга киритилмаганлиги сабаби балки унинг иккинчи девон таркибига киритиш мўлжали билан боғлиқ эди. Аммо бу орада янги тажрибандлар ёзилди ва шоир ўз ҳаёт ва ижод фалсафаси мукаммаллашганлигини сезди. Энди Навоий янги уфқларга интила бошлади ва ижод йўлининг биринчи босқичини мукаммал якунлаштириш имкони ва заруратини чуқур ҳис қилган ҳолда ниҳоят *"Бадойиъ ул-бидоя"*нинг иккинчи, мукаммал концептуал вариантини яратди. Бу иш 1482 йил қўлёзмаси - ҳозирги Британия музейида №401 инвентар рақами остида сақланаётган ноёб матнда ўз аксини топган эди. Шу билан шоир ўз ижодий такомилидаги биринчи давр – **лирик шеърият босқичини** – тўлиқ қониқиш билан якунлаб, иккинчи даврнинг асосий меваси – «*Хамса*» достонларини яратишга киришди.

2018 йил.

ОЛТИ ДЕВОН МУҚОЯСАСИ

(«*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг янги топилган Теҳрон нусхаси асосида)

Профессор Ҳамид Сулаймон ўз тадқиқотида “*Бадойиъ ул-бидоя*” девонининг шоир ҳаёт пайтида шакллантирилган 4 нусхаси – 1) 1480 йилда кўчирилган қўлёзма (Париж нусхаси, Миллий кутубхона, инв. № 746), 2) 1482 йилга оид қўлёзма (Лондон нусхаси, Британия музейи, инв. № 401, 887 ҳижрий, 231 варақ), 3) 1484 йилги қўлёзма (Боку нусхаси) ва 4) 1486 йилда кўчирилган қўлёзма (Тошкент нусхаси) ҳақида маълумот берган.

Сўнгги йилларда изланувчан олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов саъй-ҳаракатлари билан айни шу девоннинг яна икки қўлёэмаси аниқланди. Булар шу девоннинг янги аниқланган **Теҳрон нусхаси** (Эрон, Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, 14197-рақамли қўлёзма – ҳижрий 888 йил, сафар ойи / милодий 1483 йил, март-апрелда кўчирилган)[1] ва яна шу девоннинг **Истанбул нусхаси** бўлиб, кейинги қўлёзма 1485 йилда кўчирилганлиги аниқланган[2].

Демак, бугун жаҳон илмий жамоатчилиги ихтиёрида шоирнинг ўз қўли билан тузган биринчи девонининг турли йилларда кўчирилган 6 та қўлёэмаси мавжуд бўлиб, улардан 3таси 1480–1483 йилларда, яъни Алишер Навоий ижодий такомилининг биринчи босқичида – «Хамса» достонлари ёзила бошлагунча оққа кўчирилган. Бизнинг қўлимизда ҳозирча бу уч девондан бири – 1482 йилда кўчирилган Лондон нусхаси йўқ. 1480 йилда кўчирилган Париж нусхаси ҳақида алоҳида мақоламиз чоп этилганлигини ҳисобга олиб, энди шоир ўз достонларини ёзишга киришган 1483 йилда тузилган **Теҳрон қўлёэмаси** атрофида сўз юритишни бошлаймиз. Бу қўлёзмага оид умумий маълумотлар Афтондил Эркинов мақоласида бор[3].

“*Бадойиъ ул-бидоя*” девонининг шоир ҳаёт пайтида шакллантирилган 6 нусхасида келтирилган ғазаллар сони барчаси бир-биридан фарқ қилади. Энг кўпи биринчи кўчирилган Париж нусхасида – 731 ғазал[4]. Кейинги – Лондон нусхасида – Ҳамид Сулаймон маълумотларига кўра фақат 571 ғазал келтирилган, яъни бир девоннинг ўртада 2 йиллик тафовут билан кўчирилган нусхалари орасидаги тафовут 160 ғазални ташкил этади. Аммо бунинг эвазига Лондон нусхасига 1980 йилги қўлёзмада мавжуд бўлмаган 3 таржеъбанд, 3 мустазод, 4 мухаммас, 2 мусаддас, 41 қитъа киритилган бўлиб, рубоий, муаммо, чистон, туюқ, фардлар сони ҳам сезиларли даражада кўпайтирилган. «*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Париж нусхасида мавжуд бўлиб, девоннинг кейинги нусхаларидан тушиб қолган ғазалларнинг аксарияти иккинчи девон «*Наводир ун-ниҳоя*» таркибига киритилган.

“*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг янги аниқланган **Теҳрон нусхасида** биз аниқлашимиз бўйича 618 ғазал мавжуд. Демак, 1 йил ўтиб кўчирилган бу нусхада Лондон нусхасига нисбатан ғазаллар сони 47 тага кўпайган, аммо Париж нусхасига қараганда 113 ғазал кам. Девоннинг

---

[1] Афтондил Эркинов. Бадойиъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёэмаси // “Алишер Навоий ва XXI аср” (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., 2018, 8-февраль, с. 51-57.

[2] Абдуллатиф Турдиалиев, Афтондил Эркинов. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёэмаси // “Алишер Навоий ва XXI аср” (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., 2018, 8-февраль, с. 57-62.

[3] Биринчи изоҳга қаранг.

[4] Бизнинг кейинги ҳисобимизда ғазал 735та чиқди. Яна аниқлаш керак.

1484 йилда кўчирилган Боку нусхасида, яна Ҳамид Сулаймон маълумотларига таянсак, 603 ғазал, яъни Теҳрон нусхадан бироз (15тага) камайган, янги топилган Истанбул нусхаси (ҳижрий 889, милодий 1484/85 йиллар) нуқсонли бўлгани туфайли (орада варақлар тушиб қолган) ундаги ғазаллар миқдори ҳақида аниқ хулоса чиқариш қийин[1]. "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг кўчирилган йилларига кўра шоир ҳаётлигида китобат қилинган охирги қўлёзмаси – Тошкент нусхаси – 1486 милодий йилига (ҳижрий 891 йил) тўғри келади. Ундаги ғазаллар сони – 657та. Девоннинг турли нусхаларидаги бошқа шеърий жанрлар миқдорида ҳам фарқлар мавжуд. Бир девоннинг турли йилларда кўчирилган нусхалари орасидаги бундай ўзгаришларни қандай изоҳлаш мумкин.

Париж нусхасига оид мақоламизда[2] бу нусхада бор, Тошкент нусхасида йўқ 79 ғазалнинг биринчи мисралари рўйхатини келтирган эдик. Шулардан 76таси кейинча "*Наводир ун-ниҳоя*" таркибига киритилган. Яна ўша мақолада тилга олинган ҳар икки нусхада ҳам учрамаган, аммо "*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 1- жилдига киритилган 27 ғазалнинг дастлабки мисраларини келтириб, улардан 14 ғазал "*Наводир ун-ниҳоя*" девони таркибида ҳам учрашини таъкидлаб ўтган эдик. Демак, ушбу рўйхатдаги 13 ғазал девоннинг Лондон ва Боку нусхаларида учраши мумкин.

6 девон муқоясаси деганда биз бугун қўлимизда шу кунгача мавжуд бўлган «*Илк девон», «Оққуюнли мухлислар девони», "Бадойиъ ул-бидоя*"нинг илк протодевони бўлмиш Париж нусхаси, шоир ҳаётлигида кўчирилган бизга маълум охирги варианти бўлмиш Тошкент нусхаси ва кейинги девон "*Наводир ун-ниҳоя*"нинг Абдужамил котиб кўчирган ("*Мукаммал асарлар тўплами*"нинг 2-жилди сифатида нашр этилган) нусхаси билан янги топилган Теҳрон нусхасининг илк қиёсий таҳлилини назарда тутмоқчимиз.

Бу қиёсий таҳлилдан қандай натижаларга эришиш мумкин? Шу кунгача мавзуга оид нашр этилган мақолаларимизда - «Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари»[3], "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхаси», «Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеъриятида лирик жанрлар хронологиясига доир)»[4] «XXI аср навоийшунослиги: методология муаммолари»[5] - XXI аср бошларига келиб шу йўналишда йиғилиб қолган муаммолар таҳлил қилинган ва уларнинг баъзиларига ечимлар изланган эди. Биз ҳанузгача Ҳамид Сулаймон биринчи бор қисқача тавсиф қилган Лондон нусхаси матнини қўлга киритишга муваффақ бўлмадик. Теҳрон нусхаси айни шу нусхадан кейин кўп ўтмай китобат қилинган. Унда 1482 йили кўчирилган матнга нисбатан ғазаллар миқдори бирмунча ошган, аммо барибир 1480 йил нусхасидан сезиларли даражада кам. Янги топилган нусхадаги энг асосий янгилик шундаки, "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг бу нусхаси шоир лирик меросининг бошқа жанрларини акс эттиришда Париж нусхасидан кескин фарқ қилиб, Лондон, Боку ва Тошкент нусхалари билан тўла уйғун келади. Бу ҳолат бизнинг олдинги махсус мақо-

---

[1] Абдуллатиф Турдиалиев, Афтондил Эркинов. Бадойиъ ул-бидоя"нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси // "Алишер Навоий ва XXI аср" (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., "ТУРОН-ИҚБОЛ", 2018, 8-февраль, с. 58-59.

[2] "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхаси // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 2018 йил, 1-сон, с.16-24.

[3] Алишер Навоий ва XXI аср» (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., «ТАМАДДУН», 2017, 8-февраль, с. 6-10.

[4] Алишер Навоий ва XXI аср» (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., «ТУРОН-ИҚБОЛ», 2018, 8-февраль, с. 12-17.

[5] Алишер Навоий ва XXI аср» (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., «НАВОИЙ УНИВЕРСИТЕТИ» НАШРИЁТ-МАТБАА УЙИ», 2019, 9-февраль, с. 13-19.

ламизда 1480 йил нусхаси шоир томонидан кейинча рад қилинган протодевон[1] эканлиги ҳақидаги хулосамизни яна бир марта тасдиқлашга хизмат қилади. Бу – биринчи натижа.

Албатта, 1482 йил ва ундан кейин кўчирилган нусхалар орасида баъзи жузъий фарқлар ҳам бор. Булар асосан турли лирик жанрлардаги шеърларнинг миқдорига оид. Масалан, Ҳамид Сулаймон жадвалларидаги маълумотларга кўра, Лондон нусхасида 571 ғазал, 3 мустазод, 4 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржеъбанд, 41 қитъа, 78 рубоий, 10 таси луғз, 52 муаммо, 10 туюқ, 42 фард мавжуд, Боку нусхасида ғазал 603 та, мухаммас 5 та, рубоий 62 та, фард 48тага ўзгарган бўлиб, қолган жанрлар миқдори олдинги нусхадан фарқ қилмайди, Тошкент нусхасида 657 ғазал, 83 рубоий, 50 фард мавжуд бўлиб, қолган жанрлар саноғи Лондон ва Боку нусхалари билан бир хил. Теҳрон нусхасида эса ғазаллар сони 618 та, яна 3 мустазод, 4 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржеъбанд, 49 қитъа, 79 рубоий, 10 та луғз, 53 муаммо, 10 туюқ, 51 фард мавжуд. Демак, Лондон нусхасига нисбатан ғазаллар 47тага, қитъа – 8 тага, рубоий 1 тага, муаммо ҳам 1 тага, фард 9 тага кўпайган, қолган жанрлар миқдори ўзгармаган.

Олдинроқ «*Илк девон»* ва *«Оққуюнли мухлислар девони»* "*Бадойиъ ул-бидоя"*нинг Париж нусхаси билан солиштирганда[2] маълум бўлишича, ҳар уч девонда 45 та ғазал қайтарилган, 1-нчи ва 3-нчи девонларда қайтарилган ғазаллар 117 та, 2- ва 3- девонлар учун умумий бўлган ғазаллар миқдори 205 та (Демак, *«Оққуюнли мухлислар девони»*даги 19 та ғазал "*Бадойиъ ул-бидоя"*нинг илк вариантига кирмаган[3].). Биз МАТ 1-жилдига таянган ҳолда 5 девондаги ғазалларнинг қиёсий рўйхатини тузиб чиқдик. Унинг асосида қуйидаги натижалар маълум бўлди.

Биринчидан, *"Бадойиъ ул-бидоя"*нинг биз таҳлилга тортган ҳар уч нусхасида ва МАТ 1-жилдида қуйидаги 12 ғазал ўзгаришсиз келмоқда:

№ 1 - *Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,*
№ 2 - *Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,*
№ 3 - *Эй, мусҳафи рухсоринг азал хаттидин иншо,*
№ 4 - *Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,*
№ 5 - *Ё раб, улус ниҳони эмастур ниҳон санга,*
№ 6 - *Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,*
№ 7 - *Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,*
№ 8 - *Зиҳи ҳилолинг ўлуб ой бошиға тийғи бало,*
№ 9 - *Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,*
№ 10 - *Фалак нилуфаридин чашмайи меҳр ўлди гар пайдо,*
№ 11 - *Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,*
№ 12 - *Ҳам рамад теккан кўзунгга жисми беморим фидо,*

Париж ва Тошкент нусхалари то №19гача ўзгаришсиз келади, аммо Теҳрон нусхасидаги ғазаллар тартиби №13 дан ўзгара бошлайди:

---

[1] "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг дастлабки номукаммал нусхаси.

[2] Уч девон муқоясаси // "Алишер Навоий ва XXI аср» (Республика илмий-назарий анжумани материаллари.), Т., «ТУРОН-ИҚБОЛ», 2018, 8-февраль, с. 12-17.

[3] Мақолада "Оққуюнли мухлислар девони"даги ғазаллар сонини 223 та деб кўрсатган эдик, девоннинг кирилл ёзувидаги нашри сигнал вариантида 222 та ғазал берилган бўлиб, асл нусхадаги икки ғазал тушиб қолган экан, бу хато тузатилгач, 2-нчи ва 3-нчи девонлар учун умумий бўлган ғазаллар миқдори мақолада келтирилгандек 203 та эмас, балки 205 та бўлиб чиқди.

№ 13 - №21 - *Нуқтайи мушкдур бу ё холи анинг жабин аро,*
№ 14 - №29 - *Эй, алифдек қоматинг мили бузулғон жон аро,*
№ 15 - №32 - *Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро,*
№ 16 - №45 - *Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,*
№ 17 - №31 - *Ваҳки, расвомен яна девонаву оқил аро,*
№ 18 - №13 - *Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро,*
№ 19 - №37 - *Эй, алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро,*
МАТ 1-жилдидаги -
№20 - *Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро* -
деб бошланган Тошкент нусхаси билан мувофиқ келувчи ғазал Париж нусхасида ҳам, Теҳрон нусхасида ҳам учрамайди.

МАТ 1-жилдидаги кейинги №21-45 ғазаллар тартиби ҳам Тошкент нусхаси билан мувофиқ келади, №21дан бошлаб то №29гача Париж нусхасида бир тартиб рақамига камайган ҳолда давом этади.

№21 - №20 - №44
Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,
№22 - №21 - №41
Неча кўнглум ёра бўлса, раҳм қилмас ёр анга,
№23 - №22 - №22
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
№24 - №23 - №24
Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиғ қондин анга,
№25 - №24 - №14
Чин кийиги десам кўзин, ваҳ недурур итоб анга,
№26 - №25 - №30
Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
№27 - №26 - №27
Қаҳринг ўлса барча ишимдин малолаттур санга,
№28 - №27 - №38
Ийди рухсоринг кўруб, бўлди улус ҳайрон санга,
№29 - №28 - №28
Жавру зулминг гарчи ўлмаклик нишонидур манга,

МАТ 1-жилди ва Тошкент нусхасида – «Ул малоҳат ганжи[1] ҳажрида бузуғ маскан манга» (№30) – деб бошланувчи ғазал яна Париж ва Теҳрон нусхаларига кирмай қолган. Кейинги ғазаллар МАТ 1-жилди ва Тошкент нусхасида ўзаро мувофиқ давом этади, Париж нусхасида энди тартиб рақами 2 номерга оқсаб келади:

№31 - №29 - №36
Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга,
№32 - №30 - №23
Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга,
№33 - №31 - №25
Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манга,

[1] МАТ 1-жилдида бу сўз "*кунжи*" деб хато берилган.

№34 - №32 - №26

То сенингдек қотили хунхорае бордур манга,

№35 - №33 - №33

Лабинг сори токим назардур манга,

№36 - №34 - №34

Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзандур манга,.

№37 - №35 - №39

Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга,

МАТ 1-жилди ва Тошкент нусхасида навбатдаги «*Кўзларимда ишқдин сув эрди уйқу ўрнида»* деб бошланадиган 38 тартиб рақамли ғазал яна, Париж ва Теҳрон нусхаларида йўқ.

Навбатдаги «маҳди улё» Ҳадичабегимга бағишланган машҳур «*Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо»* деб бошланувчи ғазал ҳар уч нусхада (№39 - №36 - №23) учрайди, аммо ундан кейинги қуйидаги 3 ғазал -

№40 - *Ёр акси чунки айлар жилва май кўзгусида,*

№41 - *Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо,*

№42 - *Миръоти ҳуснунг тийрадур бу оҳи дардолуд аро* -

фақат Тошкент нусхасида мавжуд бўлиб, Париж ва Теҳрон нусхаларида учрамайди.

Кейинги **3 ғазал** эса барча **5 нусхада** (“*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг Тошкент, Париж, Теҳрон нусхалари ва «*Илк девон», «Оққуюнли мухлислар девони»,*) келтирилади:

№43 - №37 - №20 - №39 - №5

Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлғон бало,

№44 - №38 - №40 - №30 - №11

Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,

№45 - №39 - №35 - №7 - №19

Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо,

Ва ниҳоят, МАТ 1-жилдида 46-тартиб рақами остида келган *«Зор жисмимға хадангинг захмидин ортар наво»* мисраси билан бошланувчи ғазал энди Тошкент нусхасида учрамайди ва шундан бошлаб МАТ 1-жилди билан Тошкент нусхаси ўртасида тартиб рақамидаги мувофиқлик бузилади. Эндиги рўйхатда Тошкент нусхасининг тартиб рақами МАТ 1-жилдидан бир рақамга кечика бошлайди. Масалан, *«Ёр дардим сўрмайин кўнглумни маҳзун қилдило»* мисрасидан бошланувчи ғазал МАТ 1-жилдида №47, Тошкент нусхада №46, Париж нусхасида №41, Теҳрон нусхасида №16 тартиб рақами остида келади. Кейинги ғазаллар худди шу тартибда (5-қатор «Илк девон»):

№48 - №47 - №42 - №17 - №31

Сориғ оғриқ бўлдум, зй соқий, хазони ҳажр аро,

№49 - №48 - №43 - №18

Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа,

№50 - №49 - №44 - №19

Қосидеким ёрдин бир сўз ривоят айласа,

№51 - №50 - №45 - №43 - №34

Бағир хунобидин заъф ўлди ғолиб хаста жонимға,

№52 - №51 - №46 - №46 - №48

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,

Қофияси «алиф» ҳарфи билан тугалланувчи ғазаллар МАТ 1-жилдида 52 та, Тошкент нусхасида 51 та, Париж нусхасида 46 та, Теҳрон нусхасида ҳам 46 та. «*Илк девон*»да бу рўйхат 49 тани, «*Оққуюнли мухлислар девони*»да эса 22 тани ташкил қилади.

"*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч нусхасида «*Эй, мусҳафи рухсоринг азал хаттидин иншо*» – деб бошланувчи 3-тартиб рақамли ғазал «*Оққуюнли мухлислар девони*»да «*Эй, сафҳаи рухсоринг азал хаттидин иншо*» шаклида биринчи бўлиб келган. № 13 - №21 - *Нуқтайи мушкдур бу ё холи анинг жабин аро* - деб бошланувчи ғазал эса бу девонда №4 бўлиб келади. № 14 - №29 - рақамли ғазал 7-тартиб рақамида «*Эй, алифдек қоматинг мили дузулмуш жон аро*» - шаклида берилади. «*Эй, алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро*» -, деб бошланувчи № 19 - №37 - рақамли шеър эса Оққуюнлилар тузган девонда 20-тартиб рақами остида келади.

«*Илк девон*»даги «*Илоҳо, подишоҳо, кирдигоро*» - деб бошланувчи 1-ғазал на "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч нусхасида, на "*Наводир ун-ниҳоя*"да учрамайди. Бу ғазал шоир ўзи тузган девонлардан фақат «*Хазоин ул-маоний*» таркибидаги 1-девон бўлмиш "*Ғароиб ус-сиғар*"дагина 5-тартиб рақами билан келтирилган. Бунинг сабаби балки "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг бошланишига «*Ашрақат*» ғазалининг қўйилиши билан боғлиқдир. Чунки бу ғазал шоир томонидан ўзи тузган биринчи девон учун махсус ёзилганлиги аниқ сезилиб туради[1]. «*Илк девон*»даги - «*Зиҳи жавлонгаҳинг...*» - деб бошланувчи 2-ғазал "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч нусхасида № 7 ўриндан жой олган. «*Ҳар гадоким...*» - деб бошланган 3-ғазал "*Бадойиъ ул-бидоя*" қўлёзмаларида 9-тартиб рақами остида келади. Айни шу ғазал мазмунига оид масалада бир жиддий муаммо бор. Маълумки, «*Илк девон*» ҳижрий 870 (милодий 1465-1466) йили машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган деб ҳисобланади. Аммо шеър мазмуни, айниқса, унинг охирги 5 байти ҳар қандай эътиборли инсонда иштибоҳ уйғотади:

Шоҳга шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.
Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятлиғ, магар
Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.
Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анга.
То шаҳу дарвеш бўлғай, айлагил, ё раб, аён
Шоҳдин хизмат анга, дарвешдин ҳиммат анга.
Гар Навоий сўз узатти, фақрдин эрмас деманг,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин, қайда бу журъат анга?

Шеърнинг биринчи қисми - 8 байт давомида жамиятдаги икки бир-бирига зид тоифа вакили шоҳ ва дарвеш қиёсланади ва биринчисидан иккинчиси юқори қўйилади. Аммо 9-байтдан бошлаб шоир ўз қарашларига ислоҳ киритади, яъни ҳукмдорлик ва маънавий юксаклик бир кишида бирлашиши мумкин, ва бунинг ягона мисоли *Шоҳ Ғозий*, яъни шоирнинг ёшликдан қадрдон дўсти ва ҳамфикри бўлмиш Ҳусайн Бойқаро эканлиги очиқ эътироф этилади. Савол туғилади: Ахир девон кўчирилган ҳижрий 870 -милодий 1465-1466

[1] Бу ҳақда олдинги мақолаларда батафсилроқ изоҳлар берилган эди.

йиллари Ҳирот тахтида Абусаид мирзо ўтирган эди-ку, Ҳусайн Бойқаронинг *Шоҳ Ғозий* унвони у Ҳиротни эгаллаб Хуросон тахтига ўтирганидан сўнг жорий бўлган эмасмиди? Бу савол мени анчадан буён қийнаб келаётган эди, ушбу мақолани ёзиш жараёнида яна «*Илк девон*»нинг 1968 йилда Ҳамид Сулаймон нашр эттирган факсимилесини қўлга олдим. Хаёллар оғушида китобни варақлар эканман, бирдан ярқ этиб 505-506 йиллар илгари кўчирилган китобнинг бир саҳифаси ўз рангига кўра бошқа барча саҳифаларидан кескин фарқ қилиб турганлиги диққатимни жалб этди. Аввалларида шунга эътибор қилмаган эканман. Бизгача етиб келган қўлёзманинг барча саҳифалари одатий сарғиш тусда бўлса, айни кўпчиликда иштибоҳ уйғотадиган 3-тартиб рақамли ғазал кўчирилган саҳифа (3а) асоси кўкимтир рангда экан. Диққат билан яна қараб чиқдим, бундай кескин ўзгариш қўлёзманинг бошқа бирон саҳифасида кузатилмайди. Демак, ушбу саҳифадаги ёзув ювилган, сўнг матн қайта ёзиб чиқилган, деган хулосага келдим. Сабаби тушунарли. Алишер Навоий ўзининг яқин дўсти ва ҳамфикри бўлган темурий шаҳзодадан умидлари катта эди ва унинг Ҳирот тахтига ўтириши шоир учун айни муддао бўлган. Султонали Машҳадий ҳақида Мирзо Бобурнинг ёзганлари ҳам шуни кўрсатадики, бу даврда истеъдодли хаттот ҳар икки дўст учун ҳам қадрли бўлган. Шундай шароитда яқин дўсти ижод намуналари акс этган девоннинг бошланиш қисмида шоҳ ва дарвешни бир-бирига зидлаштириш ва дарвешни шоҳдан улуғ билиш мазмунидаги ғазал жой олиши, албатта, янги тахтга ўтирган ҳукмдорга ўта ҳурматсизлик бўлур эди. Аммо агар шу руҳдаги ғазал юқорида келтирилган мисралар билан якунланса, буткул бошқача руҳ касб этар ва ёш шоир орзуларига ҳам мувофиқ тушиши табиий эди. Демак, матншуносликда ҳар бир энг арзимас туюлган жиҳатга ҳам жиддий эътибор талаб этилар экан.

Қиёсий таҳлилни давом эттирамиз. «*Илк девон*»даги «*Ул паривашким...*» - деб бошланувчи 4-ғазал юқорида келтирилгандек, МАТ 1-жилди ва Тошкент нусхасида №23, Париж ва Теҳрон нусхаларида №22 - тартиб рақамларида, *«Оққуюнли мухлислар девони»*да эса №13-тартиб рақами остида келади. 5- ғазал («*Синса кўнглумда ўқунг*») Тошкент нусхасида №24, Париж нусхасида - №23, Теҳрон нусхасида №24 - тартиб рақамларида учрайди. 6-ғазал («Эй, етти манзар тарҳиға...») *"Бадойиъ ул-бидоя"*нинг биз қиёслаётган нусхаларининг ҳеч қайсисида учрамайди.

«*Илк девон*»даги №№7, 30, 31, 34, 39 - ғазаллар қиёси юқорида келтирилганини ҳисобга олиб, «*Илк девон*» ва *«Оққуюнли мухлислар девони»*даги кейинги ғазалларни *"Бадойиъ ул-бидоя"*нинг Париж, Теҳрон ва Тошкент нусхалари билан тартиб рақамларига кўра қиёслашни энди иҳчамлаштириб рўйхат тарзида келтирамиз (1-тартиб рақами «*Илк девон*»га, 2, 3, 4 - лари тартиб билан Тошкент, Париж, Теҳрон нусхаларига ва 5 - *«Оққуюнли мухлислар девони»*га тегишли[1]):

№10 - (*Неча кўнглум...)* - №23 - №22 - №22.
№14 - (*Агарчи йўқ...*) - №32 - №30 - №23 - №9.
№19 - (*Миръоти ҳуснунг...*) - №42. (Фақат ББнинг Тошкент нусхасида).
№21 - (*Саводи холи анинг...)* - №20. (Фақат Тошкент нусхасида).
№28 - (*Манга не манзилу...)* - № 11 - (ББнинг ҳар уч нусхасида).
№32 - (*Кимса ҳаргиз...)* -№41 (Фақат Тошкент нусхасида).

[1] Бундан буён матнни соддалаштириш учун "Илк девон"ни ИД, "Оққуюнли мухлислар девони"ни ОМД, "Бадойиъ ул-бидоя"ни ББ деб белгилаб оламиз.

№41- (*Ҳам рамад теккан...*) - № 12 - (ББнинг ҳар уч нусхасида).
№47- (Зор жисмимға...) - ББнинг Тошкент нусхасида йўқ. - №40, №42
№48- (*Не наво соз айлагай...)* - №52, №46, №46.

Демак, «*Илк девон*»даги қофияси «*алиф*» ҳарфига тугайдиган ғазаллар 49та бўлиб, улардан 19таси (№№2, 3, **4**, 5, **7**, **10**, 11, **14**, 19, 21, 28, **30**, 31, 32, 34, **39**, 41, 47, 48) "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг турли нусхаларида қайтарилади, қолган 1, 8, 9, 11, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 29, 33, 35, 36, 37, 38, 40, 42, 43, 44, 45, 46, 49 - тартиб рақамли ғазаллар эса (30та ғазал) "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч нусхасида ҳам учрамайди.

Ана энди режамиздаги **6-нчи девон** "*Наводир ун-ниҳоя*"нинг Абдужамил котиб кўчирган нусхасига эътибор қаратамиз. «*Илк девон*»нинг "*Бадойиъ ул-бидоя*" нусхаларида учрамайдиган 30 ғазалидан нечтаси ва қайсилари кейинги девон таркибида учрайди?

№15 - №34
Чоғирға тушкали йўқтур қарору хоб манга,
№18 - №19
Телба кўнглум ёраси ҳадсиз тани урён аро,
№19 - №25 - №42
Миръоти ҳуснунг тийрадур бу оҳи дардолуд аро,
№21 - №27 - №20
Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро
№29 - №40
Ул ой бу телба била ёрму экин, оё,
№32 - №43 - №41
Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли давронди вафо,
№35 - №44
Ўтға солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,
№40 - №16
Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро,
№42 - №37
Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,
№44 - №12
Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,
№49 - №8
Маҳвашо, сарвқадо, лоларухо, сиймтано.

Шундай қилиб маълум бўлмоқдаким, «*Илк девон*»даги қофияси «*алиф*» ҳарфига тугайдиган 49 та ғазалдан 11 таси "*Наводир ун-ниҳоя*"га ўтган экан. Энг қизиғи, 11 ғазалдан 3 таси "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Тошкент нусхасида ҳам учрайди. 19 ғазал ёнига яна 8 та қўшилса, 27 та бўлади ва «*Илк девон*»даги кейинги икки девонга кирмай қолган ғазаллар сони 22 тага тушади.

«*Оққуюнли мухлислар девони*»да «*алиф*» ҳарфига тугайдиган ғазаллар 21та бўлиб, улардан 6таси (№№5, 9, 11, 12, 13, 19) «*Илк девон*»нинг 39, 14, 30, 10, 4, 7 - тартиб рақамли ғазалларини қайтаради. «*Бе*»ҳарфига тугайдиган ғазаллар «*Илк девон*»да 37 та,«*Оққуюнли мухлислар девони*»да 12 та, "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхасида 23 та, Теҳрон нусхасида ҳам 23 та, Тошкент нусхасида 25 та.

«*Илк девон*»даги *«Бе»* ҳарфига тугайдиган 37 ғазалдан 18 таси ББнинг Тошкент нусхасида, 17 таси Париж ва Теҳрон нусхасида учрайди, яна 10 та ғазал "*Наводир ун-ниҳоя*"га ўтган. *«Оққуюнли мухлислар девони»*даги 12 ғазалнинг 10 таси ҳам «*Илк девон»*дагилар. "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч нусхасида эса 12 та ғазалнинг барчаси учрайди.

«*Те*»ҳарфига тугайдиган ғазаллар «*Илк девон»*да 7 та,*«Оққуюнли мухлислар девони»*да 3та, "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч нусхасида 12 та.

«*Се*»дан«*Хе*»гача «*Илк девон»*да 10 та, *«Оққуюнли мухлислар девони»*-да 6та, "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхасида 18 та, Теҳрон нусхасида ҳам 18 та, Тошкент нусхасида 20 та.

«Дол»дан«Зол»гача «*Илк девон»*да 10 та, *«Оққуюнли мухлислар девони»*-да 6 та, "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхасида 9 та, Теҳрон нусхасида ҳам 9 та, Тошкент нусхасида 11 та.

*«Ре»*ҳарфига тугайдиган ғазаллар «*Илк девон»*да 29 та,*«Оққуюнли мухлислар девони»*да 38 та, "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхасида 111 та, Теҳрон нусхасида 99 та, Тошкент нусхасида 110 та.

«*Те*»дан *«Ре»*гача «*Илк девон»*даги 56 та ғазалдан 14 таси (№№87, 88, 89, 90, 91, 118, 124, 125, 131, 134, 138, 139, 140, 143) "*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Тошкент (№№ 80, 82, 83, 84, 85, 207, 189, 209, 228, 201, 184, 205, 122, 202) ва Париж нусхаларида (№№73, 75, 76, 77, 78, 197, 178, 199, 216, 190, 173, 194, 111, 192) 14 тадан, Теҳрон нусхасида эса 12та (№№ 77, 73, 78, 79, 80, 183, 191, 170, 151, 188, 149, 196,). 11 таси "*Наводир ун-ниҳоя*"да (№№ 92-100, 103-130, 108-142, 114-143, 116-190, 117-171, 120-164, 123-209, 133-167, №131 - 183 ва 143-176 ҳар икки девонда қайтарилади). Бу орада *«Оққуюнли мухлислар девони»* билан *«Илк девон»*даги ғазалларнинг кесишган жойи фақат 2 та (№87 - 35, №89 - 36).

"*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг ҳар уч қадим қўлёзмаларини қиёслаганда *«Ре»* ҳарфига тугайдиган ғазаллар охиригача Тошкент нусхасида фақат қуйидаги 3 ғазал учрамайди:

№45 *Зор жисмимға хадангинг захмидин ортар наво,*

№164 *Ул қуёшким салтанат авжи уза тобон эрур,*

№188 *Васлидин гар барги гулдур ҳажрдин гар нўги хор*

Тошкент нусхасида мавжуд, аммо Париж ва Теҳрон нусхаларининг ҳар иккисида ҳануз учрамайдиган ғазаллар бирмунча кўпроқ (рақамлаш 1-жилд бўйича берилди):

№20 *Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро,*

№30 *Ул малоҳат кунжи ҳажрида бузуғ маскан манга,*

№38 *Кўзларимда ишқдин сув эрди уйқу ўрнида,*

№40 *Ёр акси чунки айлар жилва май кўзгусида,*

№41 *Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли давриндин вафо*

№42 *Миръоти ҳуснунг тийрадур бу оҳи дардолуд аро,*

№58 *Эйки рухсоринг эрур хўбу хатинг ҳам марғуб,*

№59 *Тийғ ила хоки танимни ҳар тараф ёрдинг келиб,*

№97 *Гириҳ-гириҳ чу тугарсен – етар аёғингга соч,*

№98 *Кўруб дардим, тараҳҳум қилмадинг ҳеч,*

№112 *Дуди оҳ эрмас кўнгул уйин қаро қилғонда дард,*

№116 *Буки ҳар ёндин кўкартибдур юзумни кожи дард,*

Жами 12 та ғазал.

Энди Париж ва Теҳрон нусхаларини ўзаро қиёслайдиган бўлсак, қуйидагича манзара ҳосил бўлади.Аввало МАТ 1-жилдидаги дастлабки 140 ғазалнинг 128 тасида ҳар икки қўлёзмада тартиб рақамлари ўзгаргани билан ғазаллар ўзгаришсиз қайтарилади. Аммо 141 ғазалдан бошлаб Теҳрон нусхасидаги ғазаллар сони Париж нусхасидан ортда қолабошлайди, яъни қуйидаги ғазаллар Теҳрон қўлёзмасида умуман учрамайди:

№141 *Ул малоҳат шамъидин мундоқки жисмим ёнадур,*
№153 *Икки кўзумки дарду бало жўйборидур,*
№156 *Қатлима тийғ ўлгаликим чарх иши озордур*
№162 *Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор,*
№165 *Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур,*
№189 *Бағримни тийғи ҳажр ила юз пора қилдилар,*
№190 *Улки, юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор,*
№193 *Кеча ҳар кавкаб кўрунгач, ёдима ойим келур,*
№196 *Икки зулфунг хаста кўнглумга қаронғу кечалар,*
№199 *Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумда ёш эрур,*
№202 *Ул ўтлуғ чеҳраға зарбафт хилъат не ярошибдур,*
№205 *Буким, кўнгулнинг ул ойсиз не саъб ҳолати бор,*
№207 *Товушким уй тошидин келса, дермен бағри тошимдур*
№210 *Чун мени мажнун бошин атфол тоши синдурур,*
№212 *Шамъ ул ой ҳажрида ҳар тун куймагим огоҳидур,*
№216 *Биров ғами яна кўнглумга қўзғолон соладур,*
№218 *Барги най тўн ичида нол киби бели ниҳондур,*
№219 *Ҳар кишиким, бир сўз ул бадмеҳрдин тақрири бор.*
№222 *Белию оғзи кўрар-кўрмасда чун пинҳон эрур,*
№223 *Юзи гулчеҳра соқийнинг тараб ҳукмиға туғродур,*
№224 *Дуд янглиғ дема кўнглум оҳи дардолудидур,*
№227 *Оразинг ҳуснун фузун қилғон ҳилолий қош эрур,*
№228 *Нетиб туз этай қадким – жисмимда шиканлардур,*
№230 *Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,*
№231 *Бошгин-аёғ яланг таним узраким тоза доғ эрур,*

Жами: 25 ғазал.

Қуйидаги ғазал Теҳрон қўлёзмасидагина мавжуд ва нафақат Тошкент нусхасида, балки Париж нусхасида ҳам учрамайди:

№164 *Ул қуёшким салтанат авжи уза тобон эрур,*

Ушбу дастлабки қиёсий таҳлиллардан қандай хулосаларга келиш мумкин. **Аввало,** Теҳрон нусхасининг Париж ва Тошкент нусхаларидан фарқланиши борасида. Кўрдикки, 13-ғазалдан бошлаб 1483 йилда кўчирилган қўлёзмадаги шеърларнинг тартиб рақамлари 1480 ва 1486 йиллардагилардан кескин фарқ қила бошлайди. Шундан тахмин қилиш мумкинки, Теҳрон қўлёзмаси шоирнинг таҳрири остида кўчирилган эмас. Бу фаразга аниқлик киритиш учун, албатта, Лондон нусхасини кўриш керак бўлади. Аммо Париж ва Тошкент нусхаларидаги тартибнинг умумийлигидан келиб чиққанда 1482 йилда кўчирилган Лондон қўлёзмаси ҳам асосан шу тартибга мувофиқ бўлса керак, деган тасаввур ҳақиқатга яқин туюлади.

Иккинчидан, 1983 йилги қўлёзма 1486 йилги нусхадан кўра мундарижасига кўра (ғазаллар тартибига эмас) 1980 йилга нусхага яқин туради (дастлабки 140 ғазалда тўлиқ мос келади).

Учинчидан, 141 ғазалдан бошлаб, то 232 ғазалгача Теҳрон нусхасида Париж нусхасидан 25 ғазал кам учраши 1983 йилги қўлёзманинг Париж нусхасидан эмас, балки ҳозир бизнинг қўлимизда мавжуд бўлмаган 1980 йилги Лондон нусхасидан кўчирилганлик эҳтимолини кучайтиради.

Тўртинчидан, Париж нусхасидаги 129-нчи (МАТ 1-жилдида 141-нчи) ғазалдан то 218-нчи (МАТ 1-жилдида 232-нчи) ғазалгача Теҳрон нусхасига киритилмаган 25та шеърдан қуйидаги 16таси кейинчалик "*Наводир ун-ниҳоя*" таркибига киритилгани маълум бўлди (1-рақам - МАТ 1-жилди бўйича, 2-рақам - 746-нчи қўлёзмада, 3-рақам - "*Наводир ун-ниҳоя*"да):

№153 - №141 - №201
Икки кўзумки дарду бало жўйборидур,
№156 - №144 - №188
Қатлима тийғ ўлгаликим чарх иши озордур
№193 - №179 - №236
Кеча ҳар кавкаб кўрунгач, ёдима ойим келур,
№196 - №182 - №182
Икки зулфунг хаста кўнглумга қаронғу кечалар,
№199 - №185 - №237
Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумда ёш эрур,
№202 - №188 - №208
Ул ўтлуғ чеҳраға зарбафт хилъат не ярошибдур,
№205 - №192 - №176
Буким, кўнгулнинг ул ойсиз не саъб ҳолати бор,
№207 - №193 - №189
Товушким уй тошидин келса, дермен бағри тошимдур,
№210 - №196 - №241
Чун мени мажнун бошин атфол тоши синдурур,
№212 - №198 - №207
Шамъ ул ой ҳажрида ҳар тун куймагим огоҳидур,
№216 - №202 - №205
Биров ғами яна кўнглумга қўзғолон соладур,
№219 - №205 - №173
Ҳар кишиким, бир сўз ул бадмеҳрдин тақрири бор.
№222 - №208 - №242
Белию оғзи кўрар-кўрмасда чун пинҳон эрур,
№224 - №210 - №210
Дуд янглиғ дема кўнглум оҳи дардолудидур,
№228 - №214 - №216
Нетиб туз этай қадким – жисмимда шиканлардур,
№230 - №216 - №183
Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,

Жами: 16 ғазал.

Бунга қўшимча МАТ 1-жилдидаги №230 билан № 277 орасида яна Париж нусхасида мавжуд, аммо Теҳрон нусхасига киритилмаган қуйидаги ғазалларни ҳам қўшсак (1-рақам - МАТ 1-жилди, 2-рақам - Париж нусхаси, 3-рақам - "*Наводир ун-ниҳоя*"):

№244 - №229 - №244

Бўлди шому жонға ул ой ҳажридин қайғу ҳануз,

№248 - №233 - №244

Сарвқадлар агар биру гар юз,

№250 - №235 - №272

Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,

№253 - №238 - №259

Онсиз ўлмоқ эрур ўлмоқ жонсиз,

№266 - №251 - №286

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,

№269 - №254 - №285

Гар менингдур ёр лўли бўлса шоҳ этмон ҳавас,

№273 - №257 - №319

Ёзуқсиз, журмсиз бедод этар фош,

№275 - №260 - №329

Манга эмди сарз ила гул муддаоси қолмамиш,

Жами: 8 ғазал.

Ушбу рўйхатга «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж нусхаси» мақоласида келтирилган 76 ғазални ҳам қўшсак, маълум бўладики, *746*-инвентар рақамли 1980 йилда кўчирилган шоирнинг ўз ташаббуси билан илк бор шакллантирилган протодевондан 16+8+76=100та ғазал 1487 йили Абдужамил котиб томонидан кўчирилган "*Наводир ун-ниҳоя*" девонига кўчиб ўтган экан.

Бешинчидан, 20 жилдликнинг охирига илова қилинган «*Расмий девонларга кирмаган шеърлар»* рукни остида келтирилган ғазалларнинг аксарияти янги топилган девон қўлёзмалари таркибида мавжуд эканлиги маълум бўлиб бормоқда. Масалан, янги топилган Теҳрон қўлёэмасида «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг Париж ва Тошкент нусхалари ҳамда МАТ 1-жилдида учрамаган бир қатор шеърлар кўзга ташландики, қуйида улар ҳақида маълумот келтирамиз (1-рақам - Теҳрон нусхаси, 2-рақам - ОМД).

№158 - №58

Сенсизин, эй умр, жисмим руҳдин бегонадир,

№224 - №92

Улки шаккардек лабина тўтийи жондир магас,

№309 - №106

Гарчи элга жон бағишлар ҳусни руҳафзолиғинг,

№489 - №179

Бу ёмон толеъ айирди ёрни мен зордин,

№532 - №182

Сипеҳру меҳр юзингдин нишонадур барча,

№608 - №220

Мунчаким ҳар дам етар кўнглумга ҳажрингдин ғаме,

№610 - №221

Фалак жафосидин ул ойға бўлмасун дарде,

Теҳрон нусхасидаги 224,309,489, 532, 610 - тартиб рақамли ғазаллар МАТ 20-томда иловасида учрайди. Аммо №158 ва №608 у ерда ҳам учрамайди.

Яна бир ғазал фақат Теҳрон нусхасида ва 20-томда учрайди:

№504 - *Боғ аро чиқмас хиромон сарви озодим яна,*

490-тартиб рақамли ғазал эса фақат Теҳрон нусхасидагина учрайди:

Неча ким кўздин йироқтур қаддинг эй, сийминбадан,
Гар яқин боқсам алифтек рост жоним ичра сан.
Дерсан ул гулдан хабар де, пираҳан чок айлама,
Чун отин туттинг қолурму чок бўлмай пираҳан.
Ул мўғулчин кўзларинг бодомидин мушки Хито
Кўҳу саҳрони кезиб истарман оғуйи Хўтан.
Гарчи сен ёқтинг назарни , жонни ким олди десам,
Ноз илан боқиб табассум айлабон айтур: «Қачон?»
Чизса суратгар ўшал ой суратин девор уза,
Чун мусаввирдин намудор ўлғуси бир пираҳан.

Олтинчи ва энг асосий хулоса шундан иборатким, 6 девон муқоясасига биз асос қилиб олган «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 1483 йили кўчирилган Теҳрон қўлёзмаси олдинги мақолаларимизда олға сурилган ғояни, яъни «*Бадойиъ ул-бидоя*"нинг 1480 йили кўчирилган Париж нусхаси девон тузиш бўйича шоирнинг илк тажрибаси бўлиб, кейинча ушбу вариант ижодкор томонидан тубдан ислоҳ қилинган ва биз бугун тасаввур қилган «*Бадойиъ ул-бидоя*" девонининг ҳақиқий мундарижаси 1482 йили кўчирилган бугунги кунда Буюк Британияда сақланувчи қўлёзмадан бошланади, деб билдирилган фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Теҳрон қўлёзмаси шоир топшириғи ва кузатуви остида кўчирилмаган, бундай хулосага келишимиз сабаби Париж ва Тошкент нусхалари учун умумий бўлган тартиб Теҳрон нусхасида сақланмаганлигидир. Аммо Тошкент нусхасидан олдин ва Париж нусхасидан кейин Лондон нусхасига таянган ҳолда тузилганлиги аниқ.

Мақола якунида энди кенгроқ доирага чиқамиз. Алишер Навоийнинг лирик мероси матншунослиги йўналишида охирги йилларда олиб борган изланишларимиз натижасида муҳим бир хулосага келинди.

Маълумки, Ҳамид Сулаймон ўз даврида шоир ҳаёт пайтида кўчирилган қатор мўътабар қўлёзмалар матнига таянган ҳолда шоир лирик меросини яратилиш даврига кўра 4 босқичга ажратган эди: 1) Ёшлик лирикаси – 1465 йилда, шоир 24 ёшга тўлган пайтда даврнинг машҳур хушнависи Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган «*Илк девон*»даги шеърлар асосида; 2) Йигитлик даври лирикаси – Ҳусайн Бойқаро тавсияси билан шоир ўзи тузган «*Бадойиъ ул-бидоя*" девони асосида; 3) Ўрта ёш лирикаси – шоир ўзи тузган иккинчи девон – "*Наводир ун-ниҳоя*" асосида; 4) Қарилик даври лирикаси – «*Хазоин ул-маоний*» девонлари таркибидаги олдинги девонларга кирмаган шеърлар асосида.

Ўтган асрда забардаст навоийшунос устоз эришган ютуқларни бугунги қўлга киритилган янгиликларга таянган ҳолда жиддий ислоҳ қилишга тўғри келади. Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, "*Наводир ун-ниҳоя*" девони мундарижаси асло «*Бадойиъ ул-бидоя*" девони яратилгандан кейинги шоир ижодидан дарак бермас экан. Аслида девон тузиш ҳаракатини бошлагандаёқ Алишер Навоий «Хамса» достонлари ёзилгунча бўлган даврда

ўзи яратган асарлар бир девонга жой бўлмаслигини билган ва 1) «*Бадойиъ ул-бидоя*» ва 2) "*Наводир ун-ниҳоя*" номлари билан 2 девон тузишни режалаштирган. Шоир дастлаб биринчи девонга кўпроқ кичик ҳажмли шеърларни киритиб, каттароқ ҳажмдагиларини (таржеъбанд, мухаммас, мусаддас кабиларни) иккинчисига қолдирмоқчи бўлган. 1480 йилги Париж қўлёзмаси шундан дарак беради. Аммо кейинча фикри ўзгарган ва 1482 йилги Лондон қўлёзмаси вужудга келган. Бизнинг назаримизда, бунга асосий сабаб «*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...*» тажрибандининг ёзилиши бўлган. Бу асар «*Ашрақат*» ғазали билан ажиб бир уйғунлик ҳосил қилиб, Алишер Навоий ўз қўли билан тузган биринчи девонига ғоявий-мазмуний мукаммаллик бахш этган. Ниҳоят, шоир илк лирик мажмуасидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилиб, кўнглида шаклланаётган эпик кўламни амалга оширишга астойдил киришган.

Алоҳида ғоявий-мазмуний мукаммаллик касб этган ушбу девон ўз даврида кенг доирада машҳурлик касб этиб, ундан у ёки бу даражада жузъий ўзгаришлар билан, турли жанрлардаги янги ёзилган шеърларни қўшиш билан кўплаб нусхаларда кўчирилган ва улар дунёнинг турли минтақаларига тарқаб кетган. Аммо буюк аллома санъаткор хаёлида шаклланаётган янги-янги ғояларни рўёбга чиқариш билан банд бўлиб, бошланишда режалаштирган иккинчи девонни ҳам мукаммал тузишга кўп рағбат қилмаган. Балки «Хамса» якунлангач, Абдужамил котиб ёки бошқа бир яқин инсон иккинчи девон режасини эслатган бўлса, шоир бу юмушни ишончли котибига топшириб қўяқолган бўлиши ҳам мумкин. Натижада иккинчи девон биринчидек эътибор билан тузилмаган ва биринчидек шуҳрат ҳам қозонмаган. Қолаверса, бу даврга келиб янги ёзилган шеърлар ҳисобидан ҳажман ҳам ўта кенгайиб кетган. Амалга оширилган қиёсий таҳлиллар бугун қўлимизда мавжуд Абдужамил котиб тузган «*Наводир ун-ниҳоя*" девони мундарижаси **ўтган асрда устоз** Ҳамид Сулаймон олға сурган ғоя, яъни шоир лирик меросини 4 даврга бўлиб ўрганиш ва шоир ўзи тузган иккинчи девон – "Наводир ун-ниҳоя" асосида учинчи давр – Ўрта ёш лирикасини алоҳида ажратиш фикри мутлақо янглиш эканлигини кўрсатди. Қиёсий таҳлиллар "Наводир ун-ниҳоя"нинг шоир ҳаёт пайтида кўчирилган бугунги мавжуд қўлёзмаси ижодкорнинг турли йилларда, жумладан, шоир ўз қўли билан тузган биринчи девондаги шеърлар билан айни бир даврда яратилган юзлаб ғазаллар кейинги йилларда ёзилганлари билан тамомила қоришиб кетганлигини аниқ исботлади.

Алишер Навоий ўзининг лирик меросини тартибга солиш масаласига кейинроқ яна қайтди – энди 4 девондан иборат «Хазоин ул-маоний»ни яратди. Мана шу улкан мажмуанинг яратилишини шоир лирик меросини даврлаштиришдаги учинчи босқич деб қабул қилиш мумкин. Албатта, бу борада узил-кесил хулосага келиш учун «Бадойиъ ул-бидоя"нинг бизга маълум бўлган шоир ҳаёт пайтида кўчирилган барча нусхаларини қиёслаш керак бўлади.

Шу масала билан боғлиқ яна бир чалкашликка тўхтаб ўтишга зарурат бор. Маълумки, ЎзФАШИ махзанида "*Наводир ун-ниҳоя*"нинг ўша давр машҳур хаттотларидан Султонали Машҳадий кўчирган яна бир нусхаси сақланади. 1995-инвентар рақамли бу қўлёзмада «Алишер Навоий. Қомусий луғат»да келтирилишича, 628 ғазал, 3 мустазод, 3 таржеъбанд, 5 қитъа, 46 рубоий, 1 та луғз, 6 муаммо ва 1 туюқ, – жами 693 та шеър киритилган. Аммо яқинда Ойсара Мадалиева диссертациясига тузган иловадан аниқ маълум бўлдики, Султонали Машҳадий қўлёзмасига киритилган 3 мустазод ва 3 таржеъбанд очиқдан-очиқ шун-

доғича «*Бадойиъ ул-бидоя*" девонидан кўчириб олинган экан. Шуларни ҳисобга олган ҳолда 20 томликнинг 2-жилдига Султонали Машҳадийнинг эмас, балки Абдужамил котиб тузган фақат ғазаллардан иборат «*Наводир ун-ниҳоя*" қўлёзмаси асос қилиб олинган эди. Шунга қарамай, «Қомусий луғат»даги мақола муаллифи Кароматхон Муллахўжаева яна эътиборсизлик билан китобхонларни чалғитиб, нотўғри маълумотлар келтирмоқда.

Умумий хулоса шуки, XXI аср навоийшунослиги яна янгидан ишни биринчи навбатда шоир асарларининг манбашунослиги ва матншунослигидан бошлаши керак бўлиб турибди. Бусиз биз ҳечқачон Навоий ижоди ҳақида ишонарли маълумотларга эга бўла олмаймиз.

2021 йил.

НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ МУАЛЛИФ ХОС ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА

Жаҳон илмида муаллиф хос луғати *(«авторский словарь»)* тузиш масаласи янгилик эмас. 1950 йилларда нашр этилган "*Пушкин тили луғати*"[1] ва 1970 йилларда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) олимлари ташаббуси билан тайёрланган "М.Горький автобиографик трилогиясининг луғати"[2] бу соҳада қилинган ишларга ёрқин мисол бўла олади. Академик Э.И.Фозилов раҳбарлигида яратилган 4 жилдли "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" ҳам, гарчи муаллифлик луғати талабларига тўлиқ жавоб бермаса-да, бир улуғ шоирнинг асарлари матнига таяниб яратилган луғат сифатида ўз вақтида бу соҳада Ўзбекистонда қўлга киритилган катта ютуқ бўлди. Албатта, бу луғат яратилган пайтда ахборот технологиялари бўйича ҳозирги юзага келган қулай имкониятлар мавжуд эмас эди. Картотека яратиш бўйича деярли барча ишлар қўлда бажарилар эди. Шу сабабли Навоийнинг барча асарлари матнини тўлиқ қамраб олиш имконияти бўлган эмас.

Аммо бугун аҳвол буткул ўзгарган. Бугунги кунда Алишер Навоийнинг 20 жилдли асарлар тўплами матни деярли тўлиқ интернет тармоқларида кирилл ва лотин ёзувларида ўз аксини топган. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда атиги 7 йил ичида (2012-2018) Тошкент давлат шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан "Ф-1–135 - Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий ва услубий тадқиқи" илмий-тадқиқот лойиҳаси бўйича давлат гранти асосида туркий "Хамса" достонларининг халқаро транскрипциядаги конкорданслари ва шу асосда уларнинг санама сўзлиги (частотали луғати) ҳам нашр этилгани бундай имкониятлардан қандай унумли фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Мана энди ушбу асосда Алишер Навоий "Хамса"сининг муаллиф хос луғати устида иш бошлаш учун воқеъ имконият қўлга киритилди, дейиш мумкин.

Бугунги мавжуд луғатларнинг аксарияти, жумладан, Навоий асарлари бўйича яратилиб чоп этилган луғатларнинг барчаси амалий аҳамиятга эга, яъни шоир асарларининг ўқувчилари учун ёрдамчи восита сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Фақат охирги юз йил ичидагина эмас, балки Навоий давридан бошлаб ўтган асргача турли луғатшунослар томонидан тузилиб, қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган айни мавзудаги луғатлар ҳам шу мақсадни кўзлаб яратилган. Буларнинг барчасидан фарқли равишда шоирнинг муаллиф хос луғати жиддий илмий асосга эга бўлган ноёб тадқиқот хусусиятига эга бўлиши назарда тутилади.

Маълумки, ҳар қандай луғатнинг асосини ҳар бир сўз шаклий хусусиятлари ва маънолари изоҳланган луғат мақоласи ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, биз ушбу мақолада Алишер Навоий асарларида кўп ишлатилган биргина сўз – "*кўнгил*" сўзининг "*Ҳайрат ул-аброр*" достонида қўлланилган маънолар кўлами ва уларни қандай қилиб луғат мақоласида ифодалаш хусусида дастлабки мулоҳазаларни баён қилмоқчимиз.

Ўзбек тилида, жумладан, Алишер Навоий достонларида "*кўнгил*" сўзи ишлатилади. Форс тилида бу сўз йўқ, унинг ўрнида Низомийдан Жомийгача барчалари "*дил*" сўзини ишлатишган. Форс тилидаги бу сўз кўп маъноли бўлиб, турли луғатларда 6 тадан 12 тагача маъ-

[1] Словарь языка Пушкина. (В 4-х томах) Т. 1. А-Ж. М., 1956, 808 стр.
[2] Словарь автобиографической трилогии М.Горького. (В 6-ти выпусках) Выпуск 1. А-Всевидящий. Изд. ЛГУ, 1974, 316 стр.

нолари қайд этилган[1]. Жумладан, “*юрак*” (инсон ва ҳайвонларнинг тана аъзоси), “*кўнгил*”, бирор нарсанинг ботини (масалан, *“дили дарё”* – денгиз қаъри, “*дили хоро*” – харсангтош бағри, *“дили шаб”* – тун қоронғуси, *“дили хок”* – ер қаъри ва ҳ.к.)[2] маънолари асосийларидан ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир шоир *“дил”* сўзини “*кўнгил*” маъносида ишлатганда бу ҳайвонларда ҳам бўладиган **оддий тана аъзоси** эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топишган. Албатта, мумтоз шеъриятда бу сўз кўпроқ айни *“кўнгил”* маъносида ишлатилган ва умуман шоирлар тилида шу маънода энг кўп учрайдиган сўзлардан ҳисобланади. Масалан, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “*Ширин и Хосров*” достонида 370 марта[3], “*Ойинайи Искандарий*”да 259 марта[4] *“дил”* сўзи учрайди. Навоий матнларига мурожаат қиладиган бўлсак, бугунги кунгача тайёр бўлган Навоий “*Хамса*”си конкорданси материалларига биноан “*Фарҳод ва Ширин*” достонида “*кўнгил”* сўзи 248 марта, *“Лайли ва Мажнун”*да 169 марта, “*Сабъаи сайёр*”да 175 марта учрайди.“*Ҳайрат ул-аброр*”да “*кўнгил*” сўзи жами 145 марта ишлатилган. Ўзбек тилига оид луғатларда ушбу туркий сўзнинг қандай маънолари берилганига эътибор қаратадиган бўлсак, аввало, 1981 йилда Москвада нашр қилинган икки жилдли *“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”* 1-жилдида *“кўнгил”* сўзига 1. Кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил. 2. Феъл-атвор; характер, хулқ[5] деб изоҳ берилган. Мустақиллик даврида Тошкентда нашр қилинган беш жилдли “*Ўзбек тилининг изоҳли луғати*” 2-жилдида ҳам айни шу изоҳлар қайтарилган[6]. 1959 йили Москвада чоп этилган *“Ўзбекча-русча луғат”*да *“кўнгил”* сўзи рус тилига “*душа, сердце* (*как вместилише чувств*)[7] деб ўгирилган. Изоҳли луғатдаги “*юрак, қалб, дил*” деб берилган қўшимча изоҳга аниқлик киритиш керак эди, чунки *“кўнгил”* бу кўп маъноли сўзларнинг барча маъноларини акс эттирмайди. Юқорида тилга олинган 4 жилдли “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да *“кўнгил”* сўзи қуйидагича изоҳланади: “1. *Қалб, дил, кўнгил... 2. Хотир, ёд, фикр, хаёл, ихтиёр... 3. Кўнгилдаги...*”[8] Қолганлари фразеологик бирикмалар. Кўриниб турганидек, бу луғатда ҳам изоҳлаш усули юқоридаги оддий луғатлардан фарқ қилмайди.

Энди Пушкин тили луғатига мурожаат қилайлик. Маълумки, *“кўнгил”* сўзининг соф муқобили рус тилида мавжуд эмас. Бу тушунча одатда рус тилига “*душа*” ёки “*сердце*” сўзлари билан ўгирилади. Мисол сифатида “*душа*” сўзининг маънолари тизими қандай ифода-

---

[1] Дил – 1. Узви хунгардони... 2. Дарун, дохил, миёни чизе. 3. Ботин, хотир, жон, руҳ. 4. Фикр, андеша. 5. Майл, хоҳиш, ҳавас. 6. Дилбар, ёр, маҳбуба, дўст. 7. Далери, шижоат, журъат. (Бирикмалар – с. 370-374) // *Фарҳанги забони тожики*. (дар 2 жилд). М., 1969 с. 370 - 374.

Дел – 1. Узви дохилийи бадан..., қалб. 2. Шикам. 3. Хотир, замир. 4. Жон, равон. 5. Мағзи сар. 6. Мағзи дарахт ва монанди ои. 7. Миён, васат, дарун, дохил. 8. Марказ. 9. Журъат, шижоат. 10. (*тасаввуфий*) Латифайи раббоний ва руҳоний ва он ҳақиқати инсон аст ва мадраку олиму орифу ошиқ аст. 11. (*тасаввуфий*) Маҳалли тафсили маоний, нафси нотиқа. 12. Махзани асрори Ҳаққ, қалб. // *Доктор Муҳаммад Муин. Фарҳанги форси (мутавассит). Жилди 2. Теҳрон, 1357, с. 1546.*

Дэл – 1) *анат.* Сердце, 2) сердце, душа, 3) желудок, живот, чрево, 4) храбрость, отвага, мужество, доблесть, сила духа, 5) *редко* середина (*дэли шаб* - полночь) 6) *карт.* Черви. (Остальное - фразеология). // *Персидско-русский словарь в двух томах. Том 1. М., 1970, с. 648-651.*

[2] Қаранг: Семантика слов “дил” и “жон” в поэме “Ширин и Хосров” Амира Хосрова Деҳлави // Лексикология и грамматика восточних языков.(Сборник статей). М., “Наука”, ГРВЛ, 1975, с. 42.

[3] Шу китоб, с. 40.

[4] А.Куранбеков. Парадигматический анализ семантической структуры “*жон*” ва “*дил*” в поэме “*Ойинайи Искандарий*” Амира Хосрова Деҳлави. // Амир Хосров Деҳлави. /Сб. Науч. Трудов ТашГу /. Т., 1987, с. 43-44.

5 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдли. 1-жилд. М., 1981, саҳ. 415-417.

6 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. Т., 2006, саҳ. 457-460.

7 “Ўзбекча-русча луғат. М., 1959, с. 230-231.

8 Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. Академик Э.И.Фозилов таҳрири остида. 2-жилд. Т., 1983, с.151.

ланганига назар солайлик: "*1. По религиозным представлениям, нематериальное начало в человеке, продолжающее жить после его смерти. (44) ... 2. Сущность, основа чего-нибудь. (1) ... 3. Внутренный, психический мир человека. (510) ... 4. Чувство, воодушевление; способность ощущать, воспринимать, отзываться. (7) ... 5. О человеке, как носителе определенных душевных качеств, свойств. (12) ... 6. Крепостной крестьянин. (33) ... 7. Ласковое, дружеское обращение к кому-нибудь. (93) ...*"[1] Кўриниб турибди-ки, бу луғатда иложи борича бир сўзни бошқа сўз билан эмас, балки кенг изоҳлаб, мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган. Аммо бу луғатда ҳам сўз маъно структурасини илмий изоҳлаб беришга ҳаракат қилинмаган.

Луғатшуносликда, махсусан, муаллиф хос луғати тузишда сўз маъно структурасини илмий изоҳлаш методикасини ишлаб чиқишни бошлаб берган олим марҳум устозимиз М.Н. Османов эди[2]. Устознинг бошлаб берган ишини кейинчалик аспирант сифатида камина ўз номзодлик ишида давом эттиришга ҳаракат қилдим[3]. Аммо бу йўналишда энг салмоқли натижаларни қўлга киритган олим филология фанлари доктори, профессор А.Қуронбеков бўлади. Бу олим ўзининг номзодлик ва докторлик тадқиқотларини тўлиғича шу йўналишга бағишлади[4].

Бадиий асар тилини тилшунослик нуқтайи назаридан ўрганишнинг ўзига хос асосий хусусияти **хусусийликдан умумийликка йўналганлиги**дадир, яъни бир сўзнинг бир асарда қандай маъноларда ишлатилганлиги умумадабий тил заминида текширилади ва умумадабий тилнинг семантик имкониятлари нуқтайи назаридан хулосалар чиқарилади. Бунда юқорида тилга олиб ўтилган рус тилидаги икки луғатнинг ўзаро моҳиятан фарқланишига эътибор қаратадиган бўлсак, Г.О.Винокур ва В.В.Виноградовлар раҳбарлигида ишлаб чиқилган Пушкин тили луғатида "*асосий мақсад – умуммиллий рус адабий тили ва унинг луғат бойлигининг А.С.Пушкин асарларида ўз аксини топган ва қўлланган қисмига оид маълумотларнинг тўлиқ тавсифини бериш" бўлган.* ("основная цель Словаря – описать факты общенационального литературного русского языка, его словарного состава, нашедшие отражение и применение в произведениях А.С.Пушкина")[5] Аммо профессор Борис Александрович Ларин ташаббуси ва раҳбарлигида ҳозирги Санкт-Петербург университети илмий жамоаси томонидан асос солинган 6 жузли "*М.Горькийнинг автобиографик трилогияси луғати*" бошқача тамойиллар асосида яратилди. Бу ҳақда

---

1 Словарь языка Пушкина. Т. 1., стр 737-739. Яна қаранг: Словарь автобиографической трилогии М.Горького. Выпуск 2, стр. 253-257.

2 Н. Османов. О методике составления структурно-частотных словарей. (на примере словаря Рудаки). М. 1963, 14 с.

3 Имамназаров М.С. Статистико-семантическое исследование лексики поэмы «*Ширин и Хосров*» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф-т канд. дисс. М., 1975. Яна қаранг: Шу муаллиф. Опыт составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.458, 1975. с. 124-138. Яна шу муаллиф. Из опыта составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.575, 1978. с. 42-56. Яна шу муаллиф. Семантика слов "дил" и "жон" в поэме "Ширин и Хосров" Амира Хосрова Деҳлави // Лексикология и грамматика восточних языков.(Сборник статей). М., "Наука", ГРВЛ, 1975, с. 39-48.

4 Қуронбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Аинаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф-т канд. дисс. М., 1988. Шу муаллиф. Парадигматический анализ семантической структуры "жон" ва "дил" в поэме "Ойинайи Искандарий" Амира Хосрова Деҳлави. // Амир Хосров Деҳлави. /Сб. Науч. Трудов ТашГу /. Т., 1987, с. 43-44.. Шу муаллиф. Методы исследования семантической структуры лексики газелей Хафиза. Автореф-т докторской дисс. Т., 1995. Шу муаллиф. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи.Т., "Фан", 1994, 208 саҳ.

5 Словарь языка Пушкина. Т. 1., стр. 10.

луғатнинг кириш қисмида шундай изоҳ берилади: "*трилогия луғати – бу муаллиф луғати. Унда М.Горький тилининг ўзига хос услуби ёритиб берилиши керак.*"[1] Бу турдаги луғатнинг энг асосий хусусияти ҳам аниқ айтилган: "*... муаллиф луғатида турли ўринларда қўлланган бир сўзнинг асосий туб маъносини аниқлаш эмас, балки бадиий матннинг ҳар бир жумласидаги ҳар бир сўзнинг яхлит (ўзига хос) маънолар мажмуини англаб етиш ва очиб бериш талаб этилади.*" ("... в словаре писателя необходимо уловить не сквозной семантический стержень множества словоупотреблений, а каждый единственный семантический комплекс слова в каждом абзаце поэтического текста")[2] Профессор Аҳмаджон Қуронбековнинг кейинги изланишлари[3] айни шу иккинчи йўналишдаги луғат мақолаларига мувофиқ келади.

Менинг ва А.Қуронбековнинг номзодлик ишларимиз ҳар бири Деҳлавийнинг биргина достони материаллари асосида олиб борилганлиги туфайли муаллифлик луғати тузишнинг илмий асосларини мукаммал шакллантириш имкони бўлмади. Аммо Италиялик тадқиқотчи Даниела Менжини Кореал тузган Ҳофиз девонининг конкордансига таянган ҳолда Аҳмаджон Қуронбеков томонидан амалга оширилган докторлик тадқиқотида бу масалани ечишнинг бир неча амалий босқичлари очиб берилди. Агар ишнинг 1-бобида "*Тил системаси ва бадиий матн тили... Муаллиф хос луғатини тузиш масалалари*" форс мумтоз шеъриятига нисбатан муаммо сифатида қўйилган бўлса, 2-боб "*Ҳофиз ғазалиётида кўп ишлатилган луғавий бирликлар маъносида системали муносабатлар*" деб аталади ва унда инглиз олими Р.М.Роженинг "*Инглиз тилидаги сўз ва иборалар тезауруси*"[4] китобида олға сурилган ғоялар Ҳофиз девони лексикасига татбиқ қилинди, яъни шоир девонида ишлатилган барча сўзлар уларнинг "*бошланғич маъно белгисига*" кўра табақалаштирилиб маълум тизимга бирлаштирилди. Натижада *"Инсон" (242 сўз), "Иш-фаолият" (242 сўз), "Илму-ҳунар" (63 сўз), "Асбоб-анжом" (86 сўз), "Мол-мулк" (30 сўз), "Жисму-жон" (67 сўз), "Аъзойи бадан" (76 сўз), "Тил" (69 сўз), "Емиш" (45 сўз), "Кийим" (21 сўз), "Макон" (99 сўз), "Олам" (66 сўз), "Табиат" (130 сўз), "Ҳайвонот" (32 сўз), "Замон" (56 сўз), "Руҳият" (180 сўз), "Ҳиссиёт" (167 сўз), "Илоҳиёт" (60 сўз)* каби 18 "*луғавий-маъно гуруҳлари*" шакллантирилди[5]. Яна бу гуруҳларнинг ҳар бири ичида "*мавзу туркумлари*" ажратилди. Масалан, *"Инсон"* луғавий-маъно гуруҳида 1. *"Тарихий шахслар" (33 сўз), 2. "Касбу-кор" (35 сўз), 3. "Севги тимсоли" (31 сўз) , 4. "Донолик" (12 сўз), 5. "Қавм-қариндош" (13 сўз) 6. "Руҳоният" (33 сўз), 7. "Миллат" (6 сўз) 8. "Ахлоқ" (26 сўз), 9. "Муносабат" (25 сўз)* каби 9 мавзу туркуми аниқланган[6]. Ишнинг "*Байт савиясидаги сўзларнинг ўзаро семантик муносабатлари"* деб номланган 3-боби биргина "*ёр*" сўзининг "*наҳвий бирикув моделлари"*га таянган ҳолда "*синтагматик бирикмадаги луғавий маъно белгилари"*ни батафсил очиб беришга қаратилган[7]. А.Қуронбеков тадқиқотининг 4-бобида "*Тил системаси ва тилдан ташқари борлиқ муносабатларининг*

---

[3] Словарь автобиографической трилогии, стр. 9

[4] Ўша ерда.

[5] Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси.Т., ТДШИ, 2009, 116 сах. Шу муаллиф. "Маснавийи маънавий"да тасаввуф тимсоллари. Т., 2011, 216 сах. Шу муаллиф. Алишер Навоийнинг "Хамса" достонларида рамз ва тимсоллар. Т. 2015, 228 сах.

4 Roget P/M/ Thesaurus of English Words and Phrases. London, 1921/

[5] Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи, сах. 27-51. (Гуруҳлар аро маълум даражада мазмуний уйғунликка эришиш мақсадида биз улар тартибини бироз ўзгартириб келтирдик).

[6] Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи, сах. 55-56.

[7] Шу китоб, сах. 63-132.

маънолар силсиласида инъикоси” масаласида баҳс юритилади. Биз мавзуни худди шу ердан давом эттиришга уриниб кўрамиз.

Барчага маълумки, инсон тили мавжуд борлиқни акс эттиради. Аммо, шу билан бирга, ҳар бир миллий тилдаги сўзларнинг ўзаро маъно муносабатлари тизими (тезауруси) ўзига хос бўлиб, уларнинг ҳеч бири биз билган борлиқдаги мавжудликларнинг ўзаро муносабатлар тизими билан тўлиқ мувофиқлик ҳосил қилмайди. Шу сабабли муайян тилдаги муайян сўзларнинг маънолар тизимини аниқлаш учун, аввало, ушбу тил фактларидан ташқари чиқиб, биз билган борлиқдаги мавжудликларнинг ўзаро муносабатлар тизимига эътибор қаратиш тақозо қилинади. Шунга кўра “*Ҳайрат ул-аброр*” достонида қўлланилган “*кўнгил*” сўзининг маънолар кўлами ҳақида аниқ гап айтишдан аввал ушбу сўз билан ифодаланувчи мавжудликнинг борлиқдаги ўрни хусусида мулоҳаза қилиб кўрайлик. Биринчидан, *“биз билган борлиқ*” тушунчасига тарихий ёндошув талаб этилади. Биз Алишер Навоий асарларининг муаллиф хос луғати масаласини қўяётган эканмиз, ушбу улуғ шоир яшаган замон ва маконга, яъни XV аср Хуросон муҳитига қайтишимиз шарт. Бу ҳолатда *“биз билган борлиқ*” XV аср ислом дунёсининг муайян маконидаги юксак тоифа зиёли аҳлининг тасаввуридаги, хусусан, туркий ва форсий шеъриятдаги янги бир маънавий такомил даражаси – “*мажоз тариқи*” босқичида ижод қилган ва ушбу маънавий такомил босқичини назарий асослаб бера олишга муваффақ бўлган улуғ шоир ва мутафаккир **Алишер Навоийнинг тасаввур оламида шаклланган борлиқ** бўлиб чиқади. Албатта, биз бу буюк инсоннинг тасаввур оламини тўлиқ тиклаб беришга даъво қилишдан узоқмиз. Аслида шоирнинг мукаммал муаллифлик луғатини яратишдан мақсад ҳам шу буюк салоҳият соҳибининг тасаввур оламига бугунги авлодни иложи борича яқинлашувига эришишдир. Ҳозирча энг ибтидоий даражадаги тарҳларни шакллантиришга уриниб кўрамиз.

XV аср ислом дунёси одамининг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари XX аср Ғарб дунёси таъсирига тушган биз сингари Гегель “*диалектика*”си (“*қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши”)* руҳида тарбия олмаган, ёки бугунги Европа оламида кенг тарқалган Зигмунд Фрейднинг “*либидо*” назарияси, Карл Ясперс ва Жан Пол Сартрларнинг “*экзистенциализм*”и, Фридрих Нитшенинг мураккаб фалсафий ғояларидан бехабар бўлган, XVIII аср француз маърифатпарварларининг материалистик қарашларига ҳануз етиб келмаган эди. Шунингдек, уларнинг тасаввурлари VI-VII аср араб мушриклари даражасида, ёки қадим “*маздаясна*” эътиқодининг яккаҳокимлик истибдоди ва асотир тафаккур тазйиқи натижасида ўта айниб кетган Сосоний даври “*беҳдин*”и ақидалари ҳукми остида ҳам эмас эди. Тўғри, бу даврда кенг ёйилган тасаввуф тариқатларининг кишилар онгига таъсири кучли бўлган. Аммо XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросондаги оддий шаҳар аҳли орасида ҳам XII аср яссавийлик руҳидаги зоҳидлик ғоялари ўрнини нақшбандия пирларининг “*дил ба ёру, даст ба кор”* ҳикмати эгаллаб улгурган эди. Тавҳидий тафаккур мазмуний такомилининг олий босқичи бўлмиш Навоийнинг “*мажоз тариқи*” деб номланган борлиқни идрок этиш даражаси замонасининг нафақат илғор қарашли кишилари (“*аҳли ирфон”, “аҳли дил*”), балки шаҳар аҳолисининг ўртаҳол тоифалари учун буткул тушунарсиз бир жумбоқ эмас эди.

Хуллас, шоирнинг асарларида ўз аксини топган ўша давр мавжуд борлиқ ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, “*кўнгил*” сўзининг маънолар кўламини ёритиш учун, биринчи навбатда, бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги тушунчаларни истеъмолга киритишни таклиф этамиз: “*моддий*” ва “*ғайри моддий*” мавжудлик, “*ботиний*” ва “*зоҳирий*” мавжудлик,

“*мавжудлик*” ва “*мавжудот*”. Ушбу тушунчалар тизимида “*кўнгил*” сўзи билан англатилган ўша давр инсони тасаввуридаги борлиқ унсури **инсон вужудидан жой олган ботиний, ғайри моддий мавжудлик**ни ифодалаб келган, дейиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу мавжудлик (“*мавжудот*” эмас!) “*руҳ*”, “*имон*”, “*ишқ*”, “*ҳаяжон*”, “*ҳайрат*”, “*шавқ-завқ*”, “орзу”, “иштиёқ”, “*эҳтирос*”, баъзан “*ғазаб*”, “*нафрат*”, “*қўрқув*”, “*рашк*” каби қатор руҳий унсурлар (кўпроқ туйғулар) учун **макон** вазифасини ҳам бажариб келган. “*Кўнгил*”нинг макони инсон вужуди. Аммо туркий тилдаги “*кўнгил*” сўзи форс тилидаги “*дил*”, ёки араб тилидаги “*қалб*” сингари ҳам моддий аъзони, ҳам ғайри моддий мавжудликни англатиб келмайди, унда моддийлик хусусияти мумлақо йўқ. “*Кўнгил*”нинг яна бир ўзига хос жиҳати у покланиш хусусиятига эга. “*Кўнгил*”нинг покланиши эса инсоннинг маънавий такомилини таъминлайди. Шундан келиб чиққанда, бу ғайри моддий ботиний мавжудлик инсон маънавий оламида марказий ўринни эгаллаб туриши ўз-ўзидан равшан. Бу мавжудликнинг иккинчи бир жиҳати - у агар покланса, моддий вужудга эга бўлган инсонни “*ғайб олами*” (“*олами малакут*”) билан боғлаш хусусиятини касб этиши мумкин. Бу мулоҳазалар Ғаззолийнинг “*Кимёйи саодат*” асари муқаддимаси, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий “Хамса”лари биринчи достонлари муқаддима қисмлари таркибидаги шу мавзуга бағишланган боблар мазмунидан келиб чиққан ҳолда баён қилинди.

Демак, ушбу сўзнинг XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий тилда сўзлашувчи зиё аҳли орасидаги туб маъноси **инсоннинг ботиний вужудида марказий ўрин эгаллаган ғайри моддий маконий мавжудлик**ни англатиб, “*руҳ*”, “*имон*”, “*ишқ*”, “*ҳаяжон*”, “*ҳайрат*”, “*шавқ-завқ*”, “орзу”, “*иштиёқ*”, “*эҳтирос*”, “*ғазаб*”, “*нафрат*”, “*қўрқув*”, “*рашк*” каби қатор руҳий унсурлар (ҳозирги тасаввурга кўра, туйғулар) унда намоён бўлиши мумкин. Унинг покланиш ва шу орқали “*ғайб олами*” (“*олами малакут*”) билан боғланиш хусусиятига кўра эгасининг маънавий такомилини таъминлаш имкони зиё аҳли (“*аҳли ирфон*”, “*аҳли дил*”) назарида унинг аҳамиятини ниҳоятда оширади[1].

Ушбу сўзнинг маъно жиҳатидан араб тилидаги “*қалб*”, форс тилидаги “*дил*” сўзлари билан бевосита боғлиқлиги очиқ сезилиб туради ва турли ёзма ва оғзаки матнларда баъзан ушбу сўзлар билан алмашиб келиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Туркий “*кўнгил*” сўзининг улардан мазмунан асосий фарқи, унда моддий мавжудлик (“юрак”, инсон баданидаги моддий аъзо) маъноси мутлақо ифодаланмаган. Ҳозирча бу туркий сўзнинг келиб чиқиш этимологияси бизга маълум эмас. Аммо академик Э.И.Фозилов тадқиқотларидан маълум бўлишича, XIV аср туркий ёдгорликлар тилида бу сўз кенг истеъмолда бўлган ва олим тузган луғатдаги мисолларнинг ҳеч бирида соф моддий мавжудлик (“юрак”) маъносида ишлатилмаган[2].

Энди бевосита достон матнига мурожаат қилайлик. Маълумки, том маъноли ҳар бир сўз адабий асарда бадиий тимсолга айланиши мумкин. Бадиий тимсол эса ўз навбатида кўпинча бадиий сиймо (“*персонаж*”) сифатида жонланиб, мавжудликдан “*мавжудот*”га айланиб кетиши табиий ҳол. Дарҳақиқат, Низомий, Деҳлавий ва Жомий достонларида “*дил*” сўзи, “*Ҳайрат ул-аброр*”да эса “*кўнгил*” сўзи шундай маъно “*эврилиш*”ларига учраб, Низомий “*дил*”ни “*хожа*” деб, у билан хаёлий суҳбат қурса, Навоий “*кўнгил*”ни жаннат боғлари, юлдузлар олами ва инсон баданида сайр қилдиради. Бу ҳақда қуйида келтирилган мақолада

---

[1] Бу масала каминанинг “*Кўнгил*” *ҳақида тўрт достон шарҳи*” мақоласида батафсил очиб берилган. Қаранг: М.Имомназаров. Навоийшуносликка кириш. Т., 2015, с. 78-124.

[2] Э. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. 1. Т., «Фан», 1966, с. 622-623.

батафсил сўз юритилгани учун ҳозирча бу жиҳатларга ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз-да, бевосита достондаги ушбу сўз учраган байтларга эътибор қаратамиз.

Туркий *“Хамса”*нинг биринчи достонида *“кўнгил”* сўзи жами 145 ўринда келган бўлса, шундан 38 тасида исм сўз бирикма таркибида учрайди. Улардан 1 ўринда 4 сўзли бирикма, 7 ўринда 3 сўзли бирикма, қолганлари 2 сўзли бирикма таркибидадир. Бундай сўз бирикмалар одатан ўзаро ёки аниқловчи-аниқланмиш, ёки қаратқич-қаралмиш муносабатларида бўлади. Маълумки, бундай таркибда сўз маъноси **фаоллашган** *(“актуаллашган”)* ёки **фаоллашмаган** (“пассив”) ҳолатда бўлиши мумкин.

Бу сўз 87 марта феълий сўз бирикмалар таркибида, шу жумладан, эга вазифасида (34 марта, шундан қоқ ярми от кесим билан сифатланиш ҳолатида), от кесим вазифасида (3 марта), воситасиз тўлдирувчи вазифасида (14 марта), воситали тўлдирувчи вазифасида (39 марта, жумладан, *“кўнгул аро”* – 5 марта, *“кўнгулга”* – 22 марта, *“кўнгулда”* – 10 марта) ва 6 марта хитоб ҳолатида учрайди. Қолган ўринларда фразеологик бирикмалар таркибида келади.

Бу айтилганлар синтагматикага оид бўлиб, сўзнинг жумладаги ўрни аниқланмоқда, яъни гап шакл устида кетмоқда. Энди агар мазмунга кўчадиган бўлсак, биз юқорида *“кўнгил”* сўзининг XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий тилда сўзлашувчи зиё аҳли орасидаги туб маъносида **маконий мавжудлик** маъно белгиси борлигини эътироф этган эдик. Дарҳақиқат, достон матнида ушбу маъно белгисига бевосита ишора қилувчи бирикмалар энг кўп (10 марта исм сўз бирикма таркибида, 31марта феълий сўз бирикмалар таркибида, жами – 41 марта) учрайди. Яна юқорида биз адабий асарда ҳар бир сўз бадиий тимсолга айланиб, кўпинча бадиий сиймо (*“персонаж”*) сифатида жонлантирилиш, яъни мавжудликдан *“мавжудот”*га айланиб кетиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган эдик. Худди шу ҳолат *“кўнгил”* сўзига ҳам тааллуқли бўлиб, унга шоир мустақил *“мавжудот”* сифатида ёндошган ўринлар достон матнида 25 марта (6 марта бевосита хитоб ҳолатида, 10 марта исм сўз бирикма таркибида, 9 марта феълий сўз бирикмалар таркибида) учрайди. Биз яна сўзнинг **фаоллашган** *(“актуаллашган”)* ва **фаоллашмаган** (“пассив”) ҳолатлари ҳақида эслаб ўтган эдик. Юқорида биз *“кўнгил”* сўзининг мазмунан фаоллашган ҳолатлари ҳақида сўз юритдик. Энди мазмунан фаоллашмаган ўринларига тўхталадиган бўлсак, достон матнидаги 20 ўринда (исм сўз бирикма таркибида – 14 марта, феълий сўз бирикмалар таркибида эса - 6 марта) бу сўз мазмунан фаоллашмаган, яъни алоҳида маъно белгилари очилмаган ҳолатда учрайди. Биз юқорида *“кўнгил”* сўзининг **ғайри моддий маконий мавжудлик** маъно белгиси ҳақида гапирган эдик. Аслида ҳам матнда шу маъно етакчилик қилади. Аммо достон бадиий асар унда рамзий маъноларда бу сўз **моддий маконий мавжудлик** маъносини ҳам касб этиши ғайри табиий эмас. Айниқса, бадиий тимсол (мажоз, истиора) сифатида (достон матнидаги 16 ўринда (исм сўз бирикма таркибида – 9 марта, феълий сўз бирикмалар таркибида эса – 7 марта) айни **моддий маконга** “айланиб” қолган. Энди ушбу назарий мулоҳазалар асосида Алишер Навоий асарларининг муаллиф хос луғатини тузиш йўлидаги дастлабки *муҳокама учун намуна* сифатида таклиф қилинаётган «**Кўнгул»** сўзининг *“Ҳайрат ул-аброр”* достонида қўлланилган маънолар кўлами миқёсида шакллантирилган **луғат мақола**сининг бошланғич қисмини келтирамиз.

ЛУҒАТ МАҚОЛА:
(*муҳокама учун намуна)*

Кўнгул – (*XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросон туркий адабий тили учун асосий маъноси)* **инсоннинг ботиний вужудида марказий ўрин эгаллаган ғайри моддий маконий мавжудлик**, одатда "*руҳ*", *"имон", "ишқ", "ҳаяжон", "ҳайрат", "шавқ-завқ*", "орзу", "*иштиёқ*", "*эҳтирос*", *"ғазаб", "нафрат*", "*қўрқув*", "*рашк"* каби қатор руҳий унсурларнинг жойлашув ва намоён бўлиш ўрни. Маънавий покланиш ва шу орқали *"ғайб олами*" ("*олами малакут*") билан боғланиш хусусиятига эга. Шеъриятда жонлантириш орқали мустақил *"мавжудот"* сифатида ҳам гавдаланиши мумкин.

(А.Н. "Ҳ.-А."да): 145 марта - 19 сўзшакл – (кўнгул – 58, кўнгли – 27, кўнглига – 13, кўнглида – 10, кўнглини – 7, кўнглум – 4, кўнгулни – 4, кўнглунга, кўнглунг - 3, кўнглума, кўнгулсиз – 2, кўнглидаги, кўнглумга, кўнглумни, кўнгулдин, кўнгулга, кўнгулнинг, кўнглунга, кўнглунгда – 1мартадан). Жумладан, кўнгулнинг қайси бир шахсга тегишли эканлигига ишора қилувчи эгалик қўшимчалари билан келган ўринлари достонда 77 марта учрайди.

(*Мазмунан*): **маконий мавжудлик (**маъно белгисига ишора қилувчи ўринлар) – 42 ўринда (2/17; 4/36; 12/4; 12/7; 13/45; 13/46; 14/12; 15/4; 16/20; 17/18; 24/31; 24/72; 28/65; 30/20; 33/2; 34/33; 34/97; 36/44; 36/46; 36/67; 36/67; 36/111; 38/17; 38/41; 38/46; 38/46; 38/81; 39/2; 42/54; 42/56; 44/33; 44/98; 46/77; 50/44; 50/95; 51/13; 52/81; 56/0; 58/26; 58/32; 59/8; 62/138;)

Мисоллар:

Кўнглини меҳрига **макон айласун**.
36/111;
Шукрин анинг вирди забон айласун,
Кўнглини меҳрига макон айласун.

Кўнгли анинг махзани асрори ишқ,
39/2;
Кўнгли анинг махзани асрори ишқ,
Нутқи анинг абри гуҳарбори ишқ.

Кўнгли бўлуб **маскани мавойи илм**,
42/54;
Кўнгли бўлуб маскани мавойи илм,
Қатра киби пайкари дарёйи илм.

Бадиий тасвирда рамзий маънодаги **моддий макон** маъносида:

Жилдиға кўнглумни ғилоф айладим
13/45;

Шавқида кўксумни шигоф айладим,
Жилдиға **кўнглумни** ғилоф айладим.

Кўнглида юз **ит ўлубу** гандараб[16]
28/65;
Кўнглак аро мушку абири тараб,
Кўнглида юз ит ўлубу гандараб[16]

Кўнгул аро чирмашибон юз йилон,
62/138;
Кўнгул аро чирмашибон юз йилон,
Балки хавотир елидин қўзғалон,

Шу маъно мажозий ўхшатиш-истиоралар кўринишида:

кўнгул - дурж
38/46;
кўнгул - бурж
38/46;
Ишқ эрур дурру **кўнгул** дурж анга,
Балки қуёш ишқу **кўнгул** бурж анга.

Ғунча киби **кўнгли** тўла қон эди
33/2;
Ғунча киби **кўнгли** тўла **қон** эди,
Лек ғами хурдаси пинҳон эди.

Маълум маконларга ўхшатиш шаклида:

Анда **кўнгул хиттаи поки Ҳирот**[4]
58/26;
Анга жаҳон кўкси келибдур сифот,
Анда **кўнгул** хиттаи поки Ҳирот[4].

кўнгул кулбасидек
12/4;
Гарчи **кўнгул кулбасидек** мухтасар,
Икки жаҳон анда бўлуб жилвагар.

кўнгул каъбаси
17/18;
Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи **кўнгул каъбаси.**

Рамзий мустақил “***мавжудот***” **(**маъно белгисига ишора қилувчи ўринлар) – 25 ўринда (1/41; 2/25; 13/0; 14/3; 17/0; 22/63; 24/51; 28/71; 34/71; 38/117; 38/117; 41/10; 48/1; 48/1; 52/33; 58/50; 59/4; 62/122; 62/129; 62/142;)
Мисоллар:

Хитоб ҳолатида:

эй кўнгул
62/129;
Тенгри учун, **эй кўнгул**, инсоф бер,
Диндин агар нафс чиқармас не дер.

эй кўнгул,
48/1;
эй кўнгул²
48/1;
Чарх эрур шуъбадасанж, **эй кўнгул**,
Топма фиреби била ганж, **эй кўнгул²**.
Жонлантириш:

Кирса чиқар йўл топа олмай кўнгул
58/50;
Кирса чиқар йўл топа олмай **кўнгул,**
Сайрида савдойи бўлуб ақли кул.

Кўнгли агар боғ **таманно қилиб**,
34/71;
Кўнгли агар боғ таманно қилиб,
Гулшани ахзарни тамошо қилиб,

назар этти кўнгул
14/3;
Боғчаи даҳрки юз тоза гул,
Топти қаёнким назар этти **кўнгул**.

Кўнгил – оина, кўзгу сифатида:

Кўнгли маоний юзи ойинаси
13/2;
Кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси...

Бу маъно товланишлари билан ҳали “кўнгил” сўзининг барча маъно белгилари қамраб олингани йўқ. Биз биргина достон чегарасида сўзнинг баъзи маъно белгиларига мисоллар келтириш билан чекландик. Луғатда “Хамса” туркумининг барча достонлари қамраб олиниши назарда тутилади. Жумладан, Фарҳод ва Ширинда - 248 марта (32 сўзшакл), Лайли ва Мажнунда -169 марта (26 сўзшакл), Сабъаи сайёрда – 168 марта (24 сўзшакл) ишлатилганини ҳисобга олсак, “кўнгил” сўзининг тўлиқ туркумда 1000 га яқин ўринда ишлатилган бўлиши мумкинлигини тасаввур қиламиз. Бундан ташқари ушбу сўз билан маълум мазмуний муносабатларга кирган бошқа сўзларнинг маънолар қамровини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Демак, ушбу барча ҳолатларни ўрганиб чиққачгина мукаммал илмий луғат-мақола вужудга келади.

Албатта, бу жуда оғир ва машаққатли меҳнат, аммо шу заҳматларсиз биз она тилимизнинг бутун малоҳати ва жозибасини намоён қила олмаймиз, демакки, миллатнинг чексиз ва теран маънавий бойлиги кўз ўнгимизда ёрқин намоён бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Словарь языка Пушкина. (В 4-х томах) Т. 1. А-Ж. М., 1956, 808 стр.
2. Словарь автобиографической трилогии М.Горького. (В 6-ти выпусках) Выпуск 1. А-Всевидящий. Изд. ЛГУ, 1974, 316 стр.
3. Фарҳанги забони тожики. (дар 2 жилд). М., 1969
4. Доктор Муҳаммад Муин. Фарҳанги форси (мутавассит). Жилди 2. Теҳрон, 1357.
5. Персидско-русский словарь в двух томах. Том 1. М., 1970.
6. Имамназаров М.С. Семантика слов “дил” и “жон” в поэме “Ширин и Хосров” Амира Хосрова Деҳлави. // Лексикология и грамматика восточних языков.(Сборник статей). М., “Наука”, ГРВЛ, 1975.
7. А.Куранбеков. Парадигматический анализ семантической структуры “*жон*” ва “*дил*” в поэме “*Ойинайи Искандарий*” Амира Хосрова Деҳлави. // Амир Хосров Деҳлави. /Сб. Науч. трудов ТашГу /. Т., 1987.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдли. М., 1981.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Т., 2006.
10. Ўзбекча-русча луғат. М., 1959.
11. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. Академик Э.И.Фозилов таҳрири остида. Т., 1983.
12. Н. Османов. О методике составления структурно-частотных словарей. (на примере словаря Рудаки). М. 1963.
13. Имамназаров М.С. Статистико-семантическое исследование лексики поэмы «*Ширин и Хосров*» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф-т канд. дисс. М., 1975.
14. Имамназаров М.С. Опыт составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.458, 1975, с. 124-138.
15. Имамназаров М.С. Из опыта составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.575, 1978. с. 42-56.
16. Қуронбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «*Аинаи Искандари*» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф т канд. дисс. М., 1988.
17. Қуронбеков А. Методы исследования семантической структуры лексики газелей Хафиза. Автореф-т докторской дисс. Т., 1995. Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи.Т., “Фан”, 1994, 208 саҳ.
18. Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси.Т., ТДШИ, 2009, 116 саҳ.
19. Қуронбеков А. “Маснавийи маънавий”да тасаввуф тимсоллари. Т., 2011, 216 саҳ.
20. Қуронбеков А. Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларида рамз ва тимсоллар. Т. 2015, 228 саҳ.
21. Roget P/M/ Thesaurus of English Words and Phrases. London, 1921/
22. Э. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. 1. Т., «Фан», 1966.
23. Боровой Л. Путь слова. М., “Сов. писсатель”, 1974, 960 стр. (“*Душа*” – с.610-634. “Слово - личность” – 891-897.)
24. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М. «Сов. энциклопедия», 1966, 608 стр.

25. Юлдашев А.А. Принципы составления тюркско-русских словарей. М., «Наука»,1972, 416 стр. («Основные принципы выделения и лексикографирования значений слов» - с. 335-402.)
26. Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. М., «Наука»,1979, 416 стр. («Природа слова. Номинация, атрибуция и предикация» - с. 99-102.)
27. Ўринбоев А. XV аср ёзишмаларида нақшбандия таълимотининг акс этиши. // Шарқшунослик. № 5. Т., "Фан", 1994, с. 35-41.
28. Абдураҳмонов Ғ.А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Т., "Фан", 1984, 160 саҳ.
29. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Т., "Фан", 1983, 160 саҳ.
30. Пустовойт П.Г. Слово. Стиль. Образ. М., "Просвещение", 1965, 260 стр. ("Слово – средство создания образа" – 114-118)
31. Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. Т., "Фан", 1993, 132 саҳ.
32. Сўз маъно тарққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. Т., "Академнашр",2014, 284 саҳ.
33. Томашевский Б.В. Стилистика. Л., ЛГУ, 1983, 288 стр. («Тропы. Эпитет. Сравнение. Метафора. Метонимия…» - 187- 238.)
34. Степанов Ю.С. Основы языкознания. М., "Просвещение", 1966, 272 стр. (Структура. Норма. Индивидуальная речь. – стр. 8-9, 35-41, 97-102, 146-165, 187-189, 215-224)
35. Степанов Ю. Французская стилистика. М., "Высшая школа", 1965, 356 стр. (с. 5-48, дальше – почти все)
36. Шукуров И. Эллипсис сабабли отларда нутқий метонимиялар содир бўлиши. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, № 3, 1982, с. 44-46.
37. Жўраев Б. "*Бош"* сўзининг маънолари. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, № 3, 1982, с. 46-49.
38. Қўчқортоев И. Ўзбек тили лексик семасиологияси ва унинг актуал вазифалари. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, № 6, 1982, с. 26-29.
39. Шукуров Ш. Ўзбек тили тарихининг ўрганилиши. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, № 6, 1982, с. 20-25.
40. Шукуров Р. Сўз вариантлари ҳақида. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, № 6, 1982, с. 38-42.
41. "Таржумон" – XIV аср ёзма обидаси. Т., "Фан", 1980, 128 саҳ. (с. 51 – *"**йурак** – сезиладиган юрак (яъни аъзо сифатидаги), **кўнгул** – сезилмайдиган, ғайри моддий қалб")*

2018 йил.

КЎНГИЛ ҲАҚИДА ТЎРТ ДОСТОН ШАРҲИ

(Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий достонларининг қиёсий таҳлилига муқаддима)

Маълумки, VIII-IX асрлардан шакллана бошлаган мусулмон минтақа маданияти маънавий жиҳатдан ўз ривожида бир қатор такомил босқичларини босиб ўтди. Улардан биринчиси Сунна босқичи бўлиб, дастлабки икки асрни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда Муҳаммад (с.а.в) ҳадислари йиғилди ва Имом Бухорий бошлаб берган ҳадисшунослик илми ўзининг олтин даврини бошдан кечирди. Ундан кейин X-XI асрларни "Мусулмон маърифатчилиги" босқичи деб аташ мумкин. Бу даврда калом илми, фалсафа, ботиния йўналишлари оламшумул натижаларни қўлга киритиб, тасаввуф йўналишида ҳам дастлабки назарий асарлар яратила бошланди. Ақлга, мантиқий тафаккурга таяниш ушбу даврнинг етакчи тамойили бўлиб, нафақат Форобий, Мотуридий, Ибн Сино ва Беруний сингари илму-фалсафа намояндалари, балки Рудакий, Абу Шукур Балхий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб сингари таниқли бадиий сўз санъаткорлари томонидан ҳам эътироф этилди[1].

Аммо ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаёт ўзгариб борарди. Буюк маърифатчиларимиз умид қилган адолатли жамият ҳануз орзу-армонлигича қолиб келарди. Умар Хайём ўз ҳаёти ва ижоди мисолида маърифатчилик босқичининг якунловчиси сифатида намоён бўлди, аммо кучайиб келаётган тасаввуфга хайрихоҳлик кўрсатмади. Аллома ақл кучининг синганини кўрди ва ўкинч билан эътироф этди, бироқ ҳали ҳаёт чоғидаёқ туғилиб келаётган янги йўналишни пайқамади ва иқрор этмади. Бу вазифани унинг улуғ замондоши Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) мукаммал адо этди.

Кучли мутакаллим ва фиқҳ олими бўлиб етишган Ғаззолий улуғ вазир Низомулмулк (1063-1092)нинг эътиборига тушиб, Низомия мадрасасида дарс беришга жалб этилди. Аммо аср охирларида кучли руҳий изтиробга тушган Ғаззолий ўзининг бутун мударрислик ва фақиҳлик фаолиятини тўхтатиб, ҳажга йўл олди ва тасаввуф сулукига бош уриб, 11 йил мобайнида зоҳидлик ва тарки дунё билан кун кечирди. Шу давр ичида ўзининг энг машҳур ва мукаммал асари – «Эҳёйи улум ад-дин»ни ёзиб тугатди. 1106 йилда Низомулмулкнинг ўғли Фахрулмулк илтимосига кўра яна Низомияда дарс беришга қайтди ва шу даврда ўз фалсафий қарашларининг такомил босқичларини акс эттирувчи «ал-Мунқиз мин ад-далал» асарини ёзди. Умрининг охирида яна она шаҳри Тусга қайтиб, суфий хонақоҳини ихтиёр этди ва муридларига суфиёна ҳаёт тарзидан сабоқ бера бошлади.

Ниҳоятда бақувват мантиқий тафаккур эгаси, зукко файласуф бўлган Ғаззолий ўз асарларида мантиқий тафаккурнинг ички зиддиятларини, мусулмон маърифатчилиги даври файласуф алломаларининг асарларидаги ўзаро зид келувчи ўринларни чуқур таҳлил

[1] Мусулмон минтақа маданиятининг Навоийгача такомил босқичлари ҳақидаги мукаммал маълумотлар муаллифнинг «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» (Т., «Шарқ» НМКБТ, 1996, с. 22-70), Миллий маънавиятимиз асослари. (Т., "ТИУ», 2001, с. 126-179), яна шу китобнинг лотин ёзувидаги қайта ишланган ва тўлдирилган нашри - «Milliy ma'naviyatimiz asoslari» (Т., «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti», 2006, с.105-148) номли рисола ва ўқув қўлланмаларида келтирилган. Фақат бу китобларда «*ислом минтақа маданияти*» термини ишлатилган. Кейинчалик биз «*ислом*» (ягона Аллоҳнинг китоби орқали бизга буюрилган имон-эътиқод тизими) ва «*мусулмон*» (Аллоҳнинг буюрган ислом динига эътиқод қилувчилар) тушунчаларини бир-биридан фарқ қилиш лозимлигини англаб етгач, VIII-XV асрларда шаклланиб қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтган минтақа маданияти айни мусулмонлар жамоаси тамаддунига оид тарихий воқелик эканлигини ҳисобга олиб атамага аниқлик киритишга қарор қилдик.

қилиб берди. Аллома «Ҳақиқат изловчилар»нинг турли тоифаларини бирма-бир санаб кўрсатиб, уларнинг қарашларини қиёсий таҳлилдан ўтказди, ўзаро ички зиддиятларини аниқлаб, орадаги мўътадил мувозанат ҳолатини топишга уринди. Ғаззолий фақат файласуфлар билан эмас, балки барча йўналиш вакиллари билан баҳсга киришиб, христианларнинг, ботинийларнинг, суфийларнинг қарашларидаги ифротий (яъни умумий меъёрдан чиқиб кетган) жойларини илмий таҳлил асосида очиб берди.

Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари мусулмон минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи якунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди.Унинг энг буюк ихтироси ўз қудратини қўлдан бой берган ақлга таяниш тамойили ўрнига кўнгилни поклаш тамойилини жорий қила билганлигидадир. Бу тамойилнинг олға сурилиши минтақа маънавий такомилида янги босқич – Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичининг бошланганини билдирар эди. Улуғ алломанинг «Эҳёйи улум ад-дин» асаридаги ғоялар ихчамлашган тарзда «Кимёйи саодат» номи билан форс тилида баён қилинган бўлиб, бу асар муқаддимасида биринчи марта инсон вужудида кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир, деган ғоя олға сурилади.

Ғаззолий ёзади: “Билгинки, (Ҳақ таоло) одамни ўйнамоқ ва кулмоқ, емоқ ва ичмоқ учун яратмабдур. Балки Одамнинг яралишида улуғ ҳикматлар бордурки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўзини танитмоқ учун яратибдур. Ва маърифат йўлининг улуғ хатарлари бордур. Агарчи одам азалий эрмасдур, лекин абадийдур.” Инсон ҳақиқий инсонийлик даражасига етишмоғи учун биринчи навбатда ўз нафсини, яъни ўзлигини танимоғи керак бўлади. Аллома яна ёзади: “Билгилки, танинг мисоли шаҳарга ўхшашдир... Дил – бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазиридир.”

Дарҳақиқат, инсон ҳар доим ҳам ақл йўриғи билан иш юритавермайди. Кўпинча, ақл кўрсатмаси эмас, кўнгил хоҳиши инсонни бошқаради. Кўнгил истаклари не кўйларга солмайди, деган ибора бежиз эмас. Демак, ишни кўнгилни поклашдан бошламоқ керак, деб хулоса қилади аллома. Кўнгилни поклаш эса риёзат билан бўлади. Тасаввуф йўли айни риёзат йўлидир.

XI аср охири - XII аср бошларида шаҳарлар аҳолиси, айниқса, ҳунарманд - косиблар ва ўрта ҳол савдо аҳлининг маърифати ва ижтимоий мавқеи юксалиб борар, уларнинг маънавий эҳтиёжлари ва билим даражаси кескин ошиб, ижтимоий фаолликлари ҳар соҳада сезила бошлаган эди. Футувва ва ахийлик жамоалари борган сари кенг таркиб топиб, тасаввуф ғоялари хонақоҳ ва ҳужралардан чиқиб, халқ ичига ёйилаётган эди. Хуллас, жамиятнинг маънавий аҳволи янги бир босқичда уйғунлашув ва мувозанатни тақозо этарди. Бу даврга келиб Ғаззолий ижоди ушбу эҳтиёжга энг мукаммал жавоб бўлди. Ўзаро баҳс ва низолар ўрнига эл маънавиятида шундай бир уйғун мувозанат таклиф этилдики, унинг барча тоифа ва йўналишлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва фикрий оқимларга ўзаро яқинлашув имконини берувчи қудрати ва мазмун бойлиги яққол сезилди. Ғаззолий ўзининг бош асарида Сунна ва тасаввуф қадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаб қўяқолмай, имон, илм ва ирфоннинг яхлитлигини мантиқий асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу билан бирга Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа халқлари маънавий камолотини ислом маърифатчилиги босқичидан тасаввуф ирфони босқичига узил-кесил олиб ўтиб қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ҳам бемалол айтиш мумкин.

Минтақа маънавий такомилидаги бу эврилишлар аста-секин бадиий ижод майдонига ҳам таъсир кўрсата бошлади. XI аср иккинчи ярмидан тасаввуф руҳида ижод қилувчи шоирлар бирин-кетин юз кўрсата бошлашди. Форс тилидаги шеъриятда бу йўналиш даставвал Абусаид Абулхайр (967-1049) ва Бобо Тоҳири Уръён (ваф. 1055) рубоийларида, Бобо Кўҳий Шерозий (ваф. тақрибан 1050) ғазалларида ўз аксини топган бўлса, кейинроқ бориб Навоий томонидан "пири Ҳирот" деб улуғланган тасаввуфий адабиётнинг ёрқин вакили Абдуллоҳ Ансорий (1006-1088) ижодида кенг кўламда намоён бўлди. Унинг тасаввуф назарияси ва ахлоқига оид "Манозил ус-соирин", "Канз ус-соликин", "Зод ул-мусофирин", "Сад майдон", "Табақот ус-суфия" каби рисолаларидан ташқари Юсуф ва Зулайхо қиссасининг рамзий-ирфоний баёнидан иборат бўлган "Анис ул-муридин ва шамс ул-мажолис" асари ўз даври бадиий насрининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Ансорийнинг шеърий девон тузгани маълум эмас, аммо унинг насрий асарлари кўпроқ сажъ билан ёзилган бўлиб, улар таркибида қатор ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа жанрлардаги шеърлар кўп учрайди.

Агар X-XI асрлар минтақа адабиётида асосан дунёвий мавзулар етакчилик қилган бўлса, XII асрдан бошлаб тасаввуфий-ирфоний ғоялар бадиий адабиётда етакчи ўринга кўтарила бошлади. Туркий тилдаги адабиётда бу ҳодиса яссавийлик адабий мактабининг шаклланишида ифодаланган бўлса, форсийзабон мумтоз адабиётда даставвал Саноий, Анварий, Хоқонийлар ижодида, ва ниҳоят, буюк Низомийнинг эпик ижодида яққол намоён бўлди.

Бироз чўзилиб кетган мавзу муқаддимасидан асосий масалага ўтишдан олдин яна бир қисқа изоҳга зарурат борга ўхшайди. Мустақиллик даври матбуотида ва илмий изланишларда ўтмиш адабиётдаги тасаввуфий ва ирфоний йўналишлар ҳақида кўп ёзилмоқда. Аммо бу икки атама орасидаги маъно фарқларига кўп урғу берилмайди. Ваҳоланки, масала унчалик жўн эмас. Масалан, Низомий тасаввуф шоири эмас. Аммо унинг асарларида ирфоний руҳ кучли намоён бўлади. Абдулмажд Саноий (1048 - 1141) ижодининг гултожи бўлган 10 минг байтли "Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа" ("Ҳақиқат боғлари") асари узоқ вақт Европа шарқшунослари томонидан "Тасаввуф қомуси" ("Энциклопедия суфизма") сифатида таърифланиб келди. Аввал бу фикрга қўшилган академик Е.Э.Бертельс шоир ижоди билан яқиндан танишгач, бу фикридан қайтганини эътироф қилди. Алишер Навоий ҳам Саноийни "ҳақиқат тариқининг суханварлари" Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар сафига қўшмай, Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий ва Ҳофизлар каби "ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут" қилиб "каломларин бу услубда марбут" қилганлар қаторида тилга олади. Анварий ва Хоқонийлар ҳам ушбу "мажоз тариқи" вакиллари сафида санаб ўтилади[1]. Айтилганлардан ҳозирча хулоса шуки, "ирфоний адабиёт" тушунчаси "тасаввуфий адабиёт" тушунчасига қараганда қамрови бирмунча кенгроқ. Бу ҳақда аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги бир мавзуга кенгроқ эътибор қаратамиз.

XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган Низомий Ганжавий (1141-1203) ўзининг биринчи достони *"Махзан-ул-асрор"*нинг муқаддима бобларида анъанавий *"Тавҳид"*, икки "*Муножот*", Пайғамбар (с.а.в) мадҳидаги тўрт "*Наът*", Малик Фахриддин Баҳромшоҳ мадҳи, Китобнинг ёзилиш сабаби, Сўз фазилати, Назмнинг насрдан афзаллиги ҳақидаги боблар сўнггида **кўнгил** ҳақида алоҳида беш боб киритади. Улардан биринчиси *"Кеча васфи ва кўнгилни таниш ҳақида"* (*"Дар тавсифи шаб ва шинохтани дил".*) деб номланган. Боб 12

[1] Навоий талқинидаги *"ҳақиқат тариқи"* ва *"мажоз тариқи"* тушунчаларига минтақа адабиётининг ривожига бағишланган кейинги фаслларда батафсил изоҳлар берилади.

байт давомида қуёш ботиши ва қоронғу тушишининг рамзий тавсифи билан бошланади. Шоир "*чироғсиз қоронғу тунда сўзни жигари қони билан қориб*", энди бир неча сўз айтган пайтида ғайбдан ("*ҳотифи хилват*" деб атайди шоир) шундай овоз келади: "*Қарз олсанг, кейин уза оладиган миқдорда олгин. Бу пок оловга сув сепиш не керак? Тупроқни шамолда чангитишдан не маъни? Ўлимга маҳкум танани тобутга бағишла, ёлқинли оловни ёқутга бағишла. Ўқ отма, нишон ўз ниятингдир, Қамчига куч берма, улов ўз оёғингдир. Бундан буёғига ғофилликни ташла, ҳар не кўз ёшинг бўлса, кўнгил қошида тўк. Ушбу кўк тоқ остида* ***кўнгил қиссасини*** *сўйлаки, қулоққа ёқадиган нағма шудир. Йўлдан оздирувчи ҳою ҳавасларни нари сур, сенга ҳақ йўлни кўнгил кўрсатади, сен кўнгилни таниб ол. Тана кишанларини тарк этиб, арши аълога интилганлар кўнглига Жаброил қанотлари бахш этилур. Жиловини икки оламдан терс ўгирганлар кўнгил эҳсонидан қувват топурлар. Сен дилни лойдан яралган мунчоқ деб ўйлама, ундай дил (яъни юрак) эшакда ҳам бор*[1]*, барча жонзотлар жон билан тирик, сен кўнгил билан тирик бўлки, асл умр шудир..."*

"*Хилват хабарчиси*"нинг хитоби 34 байт давомида келтирилади. Унинг айтишига кўра, инсон 40 ёшга етганда балоғат даражасига кўтарилади, шунда инсонга бир ғамхўр ёр керак, агар ёр (дўст) бўлса, ғам емаса ҳам бўлади. Дўстнинг яқинлиги жуда мустаҳкам таянчдир, агар икки киши яқин бўлса, бир-бирининг нафаси билан илиқ муҳит пайдо бўлади ва ҳар қандай ғам бир нафасда йўқ бўлади. Сендан ўзлигинг билан ҳеч иш чиқмайди, ёр талаб қил, чунки ҳар иш ёр-дўст билан битади.

Дил нимадан пайдо бўлади? Жон ва сурат (ташқи қиёфа) бирга қўшилиб, иккиси бир-бирини қучоғига олгандан дил юзага келади, деб тушунтиради "*хилват хабарчиси*" сўзининг охирида. Боб давомида шоирнинг хаёлан ўз ички оламига кириб бориши тасвирланади. Бу қисқача натурфилософик сайр "*етти халифа*", яъни инсон ички аъзоларининг ҳар бирини – ўпка, қораталоқ, жигар, ўт пуфаги, буйрак ва ҳ.к.ларни бирма-бир мажозий сифатлаш билан бошланиб, якунида "*дил*" таърифланади:

Ин ҳама парвонаву дил шамъ буд,
Жумла парокандаву дил жамъ буд.
(Булар барчаси парвона, дил эса шамъ эди,
Барчаси қовушмаган, фақат дил қовуштирувчи эди.)

"*Мен қаноат ҳосил қилиб, дил меҳмони бўлдим*", дейди шоир ва шу билан "*дил*"нинг шоирга хитоби бошланади. "*Мен хазинаман, -* дейди у, *- аммо Қоруннинг киссасида эмасман, сен билан эмасман, аммо сендан ташқарида ҳам эмасман.*"

Кейинги боб "*Кўнгил тарбияти хусусида биринчи хилват*" (*" Хилвати аввал дар парвариши дил")* деб номланган. Боб шундай бошланади:

Ройизи ман чун адаб оғоз кард,
Аз гиреҳи нўҳ фалакам боз кард.
Гарчи гиреҳ дар гиреҳаш буд жой,
Бар нагирифт аз сари ин ришта пой.

[1] Биз ўзбек тилида "*кўнгил*" деб атаётган тушунча форс тилида "*дил*" сўзи билан берилган. Аммо бу сўз иккимаъноли бўлиб, тилимиздаги "*кўнгил*" сўзи ҳам, "юрак" сўзи ҳам шу биргина сўз билан (араб тилида "*қалб*"сўзи ҳам шундай) ифодаланади. Натижада, шоир учун юқоридаги сўз ўйини ҳосил қилиш имкони пайдо бўлган.

То сари ин ришта ба жое расид,
К-он гирех аз ришта бихоҳад бурид.
Хожа маалқисса, ки дар банди мост,
Гарчи худо нест, худованди мост.
Шаҳнаи роҳу ду жаҳони ман аст,
Гар на чаро дар ғами жони ман аст?
Гарчи басе соз надорад зи ман,
Шафқати худ боз надорад зи ман.
Гашт чу ман беадаберо ғулом,
Он адабомуз маро кард ром...
(Тарбиячим[1] менинг асов табиатимни жиловлашга киришгач,
Ундаги тўққиз фалак тугунини ечиб юборди.

Гарчи унда тугун устига тугун қалашиб кетган бўлса-да,
Чилвир бошини маҳкам босиб туришдан толиқмади.
Токи чилвир боши маълум нуқтага етишмагунча,
Тугунларини қирқиб ташлашга шошилмади.
Хуллас, хожа /яъни кўнгил/ ўзи бизга банда бўлса-да,
Худо бўлмаса ҳам, бизнинг соҳибимиздир[2].
Юрган йўлим ва икки жаҳоним унинг назоратида,
Бўлмаса, нечун менинг жоним қайғусини қилади?
Мендан тузук бир эътибор кўрмаса ҳам,
Ўз шафқатини асло дариғ тутмайди.
Мендек одобсизга тобеъ бўлган ҳолда,
Ул адаб ўргатувчи мени ўзига ром қилди...)

Низомий танани "*Мисри Зулайҳопаноҳ*" (Зулайҳо макон тутган Миср) ва кўнгилни Юсуфга ўхшатади. Кўнгил шоирни қўлидан етаклаб бир хаёлий боғ сари бошлайди. Шу билан 42 байт давомида ушбу мажозий боғнинг жозибали васфи бошланади. "*Биринчи хилват самараси*" деб номланган фаслда «*хожа*» яъни кўнгилнинг бир «*гул нафасли*»га ошиқ бўлиши воқеасини тасвирлайди. Ул хаёлий атиргул нафасли гўзал васфи 17 байтни эгаллайди. Хулосада маълум бўладики, батафсил тасвирланган боғ ҳам, гўзал ҳам шоир ботиний кечинмаларининг ифодаси экан. Низомий ўз мажозий тасвирларини шарҳлаб *"сабза"* «*фалак*» эди ва «*боғ*» «*сўз*» эди, ундаги зилол сувлар шоирнинг кўз ёшлари эди, деб изоҳ беради.

Иккинчи хилват мажозий тунги базм ҳақида бўлиб, кўнгил (хожа) икки-уч ўзи сингариларни йиғиб базм беришидан бошланади. Базм анжумани («*мажлис*») «*навбаҳор каби*» чароғон эди, дейди шоир. «*Навбаҳор*» сўзи бу тасвирда кўпроқ мангу олов ёниб турувчи зардуштийлар ибодатхонаси («*оташкада*») эмасмикан деган таассурот қолдиради. Боб тўлиқ мажозий ишрат базми ҳақида, унда жуда гўзал ва эҳтиросли рамзлар кўп учрайди. Масалан:

[1] Аслиятдаги "ройиз" сўзи асов отларни қўлга ўргатувчи маъносини билдиради.
[2] Бу ўринда шоир "худо" ва "худованд" (ҳукмдор маъносида) тушунчалари асосида сўз ўйини қилади.

Боз шуда куйи гиребони ҳур,
Хатти саҳар ёфта туғрои нур.
(Ҳурнинг ёқаси эшиги очилар экан,
Саҳар номаси нурли туғрога эга бўлди)

Низомийнинг маҳорати шунда-ки, у ҳар бир байтига бир неча маъно ишоралари сингита олади ва уларнинг барчаси ҳам самимийдир. Кўнгил аслида ишқ ва имон маконидир. Шу нуқтайи назардан ушбу боблар ботиний мазмунида шоирга бир пайтлар каниз сифатида совға қилинган ва кейинча унинг маънавий тарбиячисига айланган севимли хотини - қипчоқ қизи Офоқ ҳақидаги хотиралар яширинган эмасмикин, деган тасаввур туғилади. Бу тасаввуримиз бежиз эмаслиги «*иккинчи хилват самараси*»даги қуйидаги байтлар билан янада аниқлашади:

Турки қасабпўши ман он жо чу моҳ
Карда диламро чу қасаб рахнагоҳ.
(Менинг нозик либосли турк гўзалим ой каби ўша жойда,
Дилимга қамишдек раҳналар солди)

Шоир севгилиси билан ўтказилган фараҳли тунларни эслайди ва тонг отишини фалокат сифатида қабул қилади, бундай ташбеҳлар беҳуда бўлмаслиги керак, тасаввуф истилоҳотида «*субҳ», яъни «тонг», «кундуз» - «нариги», «боқий дунёни ғайбий «ёр» юзини, «тун», «зулмат» эса «бу дунё», «фоний дунё»*ни, фаол моддий ҳаётни эслатган, шеърда ушбу тимсолларга ишора бор, бироқ шоирнинг маҳзун руҳи «*тун*»ни қўмсайди, «*тонг*»ни рад қилгиси келади. «*Тонг*» унинг назарида «*жаллод»:*

...Теғзанон субҳ дар омад зи дар.
Оташи хуршед зи мижгони ман
Оби равон кард ба айвони ман.
(...Эшикдан тиғ ўйнатиб тонг кириб келди.
Қуёш олови менинг киприкларимдан
Айвонимга кўз ёшларини оқизди).

Низомийдаги бу каби мураккаб маъно товланишлари ва акс садолар унинг даврига мос эди. Мусулмон маърифат-чилиги даври ҳур фикрининг ҳали тирик анъаналари ва Ғаззолий реформацияси, Ганжа шаҳри «*футувва*» жамоаларининг ҳаётчан пантеизми ва кучайиб келаётган диний таассуб, шоирнинг оташин муҳаббати ва абадий айрилиқ алами булар барчаси Низомий шеъриятидаги қатма-қат ва кўп қиррали мажозий маънолар хазинасининг зиддиятли манбаълари эди, «*Қуёш чашмаси*» - шоир сингариларнинг кўпини сопол кўзадек синдирган:

Ҳавзаи ин чашма, ки хуршид баст,
Чун ману ту, чанд сабуро шикаст.
(Қуёш яратган бу чашманинг доираси

Мен ва сен каби қанча кўзаларни синдирган).
Шоир оҳ чекади, «тонг»ни очиқ айблайди:
Дар паи жонам саҳар аз жўй жаст,
Ташнакуши карду бар у пул шикаст.
Бонг бар омад зи хароботи ман,
К-эй саҳар, ин аст мукофоти ман?
(Тонг жоним қасдида ариқдан сакраб ўтди
Ташналарга зомин бўлди ва кўприкни синдирди.
Менинг вайронамдан наъра келди,
Эй, тонг, менинг мукофотим шу бўлдими?).

"*Илгарироқ тунларимни ёритувчи шам каби кишим бор эди, энди менда на ўшал тунлар колди, на шам*» деб нола қилади шоир. Бундай автобиографик ишоралар шоир тасвиридаги ирфоний мажозлар билан мураккаб уйғунлик ҳосил қилади, ширин хотиротларнинг аччиқ алами ва юксак умумбашарий дардлар бирлашиб, Низомий назмининг мазмуний чексизлигини таъминлайди. Боб охиридаги шарҳлар ҳам кўп маъноли:

Ман, ки аз ин шаб сифате кардаам,
Он сифат аз маърифате кардаам.
Шаб сифати пардаи танҳои аст,
Шамъ дар у гавҳари бинои аст...
Кўш, к-аз он шамъ ба доғе раси,
То чу Низомий ба чароғе раси.
(Мен бу тунни васф этар эканман,
Маърифат васфидан сўзладим.
Тун танҳолик пардасининг сифатидир,
Ундаги шам /дил/ кўзини кўрадиган этувчи гавҳардир...
Сен урингинки, шу каби шамдан дилингга доғ тушсин,
Токи Низомий сингари чироққа етишгин.

Бу сатрларни ирфоний мазмунда ҳам, воқеъ хотиралар сифатида ҳам шарҳлаш мумкин. Яъни Офоқ ишқи шоир кўзини очувчи гавҳар бўлган, висол ва айрилик тунлари унинг учун маърифат мактаби бўлган, ўзгалар ҳам Низомий сингари кўнгилларига ҳақиқий ишқ ўтидан доғ тушса, улар ўз йўлларини ёритувчи чироққа эга бўладилар. Бу хулосалар аслида фақат уч хилват *«самараси»* эмас, балки шоирнинг бутун ижод йўлини белгиловчи хулосалардир, десак, янглишмасмиз.

Кўрдикки, Низомийнинг тасвир олами ниҳоятда мураккаб ва сермаъно. Низомий «Хамса»сига биринчи бўлиб тўлиқ жавоб ёзган ҳиндистонлик форсинавис шоир **Амир Хусрав Деҳлавий** (1253-1325) тасвирлари эса ёрқин, сербўёқ ва равшан. Улар ниҳоятда содда ва ёғдули бўлиш билан бирга, анъанавий ҳамдир.

Низомий зоҳирий таркибланишга чандон эътибор бермайди, у ўз жаҳоний ўйлари билан банд. Бўлмаса, асли «*Дар тавсифи шаб ва шенохтани дил*» бобини «*биринчи хилват*» деб атаса, «*самара*»ларни «*хилват*»лар билан бириктирса уч хилват чиқар эди. Амир Хус-

рав бунга эътибор беради. Унда ички мазмун ва ташқи шакл мутаносиблиги мавжуд. Хар икки шоирда воқеаларнинг умумий ташқи манзараси ўхшаб кетади - татаббуъ қоидаси ҳам шу. Аммо агар яқинроқдан назар ташланса, буткул бошқача мазмуний таркибланиш ва маънолар олами намоён бўлади.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг «*Матла-ул-анвор*» достони ҳам анъанавий муқаддима билан бошланади. Аммо ҳинд шоири зоҳирий уйғунликка эътибор қаратиб, "*Тавҳид*"дан кейин Халлоқи оламга уч "*Муножот*", Расулиллоҳ(с.а.в)га уч "*Наът*" бағишлагач, пири Низомиддин Авлиё мадҳига ўтади. Шундан кейингина Султон Алоуддин Хилжий ситойиши бошланади. Ҳукмдор мадҳи икки боб давом этгач, достоннинг ёзилиш сабабига ўтилади. Муқаддимада сўз фазилати ҳақида алоҳида боб берилмаган. Сабаби бу мавзуга асосий қисмдаги учинчи мақолат тўлиғича бағишланади. Достондаги боб сарлавҳалари жуда жимжимадор. Масалан: *"Хилвати аввал дар фазли тааббўд ке аввалаш тойи тааб аст ва охираш доли даражат ва фазлияти таҳажжўд ке баниҳояти ҳиммат ва жаҳди қалб тамом шавад наздики аҳли фикрат ва равшан кардани нури ке дар дили шаб ба дийдайи айн ал-яқин муойина шўд ва боз намудани сафойи ке аз у дили оҳаний ойина шўд»*[1] (Биринчи хилват – тааббуд, яъни бандалик шартларини бажариш фазилати хусусидаким, унинг бошланиш ҳарфи тааб, яъни қийинчилик, охири эса даражат, яъни камолот зинапоялари билан мувофиқдир, яна таҳажжуд, яъни тунги бедорлик ва ибодат афзаллиги ҳақидаким, қалб[2] ҳиммати ва жидду-жаҳди била ниҳоясига етур, тафаккур эгалари наздида, ва тун қаърида айн ул-яқин нигоҳи билан аниқланган нурни чароғонлаштириш ҳамда пўлат кўнгилни ойинага айлантирувчи мусаффоликка эришиш борасида).

Сарлавҳа мазмунидан бу боб мавзуси ярим тундаги бедорлик ва ибодат ҳақида, шу йўл билан кўнгилни поклаш хусусида бўлиб, кўриниб турибдики, ҳинд шоирининг нияти масалани салафи даражасида мураккаблаштириш эмас. Ҳинд шоири ўз салафини такрорламайди, уни ўқувчилар ўқиганлигини эътиборда тутиб, Низомий матнига турли ишоралар қилади. Зотан XIII аср охири Ҳинд тупроғидаги ижтимоий-маънавий ҳолат Низомий яшаб ижод этган XII аср иккинчи ярми Озарбайжон юртидаги вазиятдан мутлақо фарқли эди. Деҳлавий ҳам суҳбатни қуёш ботишидан бошлайди:

Суфийи гардун чу ба хилват нишаст,
Кард фалак субҳайи Парвин ба даст.
(Само сўфиси хилватга чекингач,
Фалак Парвин тасбиҳини қўлига олди.)

Амир Хусрав қуёшни осмон сўфисига, юлдузлар занжирини тасбиҳга ўхшатар экан, тасаввуфий-ирфоний шеърият энди куч олиб келаётган Низомий даври билан бу шеъриятни энг олий босқичга кўтарган Жалолиддин Румий ҳам бу оламни тарк этган давр орасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Форс мумтоз шеърияти ривожида "*Мажоз тариқи*" босқичининг илк онгли намояндаси бўлмиш ҳиндистонлик шоир масалаларга тасаввуфий-ирфоний шеъриятнинг юксалиш босқичи аввалида турган ганжалик ҳаким сингари муносабатда бўла олмаслиги аниқ эди. Низомий ҳам ўз замондошлари Саноий, Анварий, Хоқонийлар

[1] Амир Хусрав Деҳлавий. «*Матлаъ-ул-анвор*» с.61
[2] "*қалб*"нинг яна бир маъноси "*ҳ*" ва "*ж*" ҳарфлари "*таҳажжуд*" сўзининг ўртасида келишига ҳам ишора қилади.

каби соф тасаввуф шоири эмас эди, аммо унинг қалби ирфоний туйғулар билан лиммо-лим эди. Бу ҳолат унинг илк достони сарлавҳасиданоқ очиқ-ойдин сезилади. Академик Е.Э.Бертельс аллақачон эътибор қаратган ҳадисга[1] достоннинг биринчи байтидан ишора бошланади:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим
Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким.
("Раҳимли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан"
Ҳикматлар эгаси хазинасининг калитидир.)

Назмнинг насрдан афзаллиги ҳақидаги бобнинг бошланишида ушбу ақида янада равшанроқ ифода этилади:

Қофиясанжон ки сухан бар кашанд,
Ганжи ду олам ба сухан дар кашанд.
Хоса калиде ки дари ганжрост,
Зери забон марди сухансанжрост.
Он ки тарозуйи сухан сахта кард,
Бахтоваронро ба сухан пухта кард.
Булбули аршанд суханпарварон,
Боз чи монанд ба он дигарон.
З-оташи фикрат чу паришон шаванд,
Бо малак аз жумлайи хешон шаванд.
Пардайи розе, ки суханпарварист,
Сояе аз пардае пайғамбарист.
Пешу пасе баст сафи кибриё,
Пас шуаро омаду пеш анбиё.
Ин ду назар маҳрами як дўстанд,
Ин ду чу мағз, он ҳама чун пўстанд...
(Сўзни қофияли-ўлчовли сўзловчилар
Икки олам хазинасини сўзга тизурлар.
Хазина эшигини очувчи махсус калит
Сўзни ўлчаб айтувчи марднинг тили остидадир.
Сўз тарозусини созловчи шоир
Бахт келтирувчиларни сўз билан пухталади.
Сўзга парвариш берувчилар арш булбулларидир,
Ўзгалар уларга қачон тенг кела олсинлар?
Тафаккур оловида хаёл осмонига кўтарилган пайтлари
Фаришталар билан қардошлик касб этурлар.
Сўз санъаткорларининг сир пардалари
Пайғамбарлик пардасининг соясидандир.

[1] Низомий яшаган даврда шуҳратли бўлган ҳадис ҳақида "*Ҳафт осмон*" тазкираси асосида Е.Э.Бертельс келтирган ривоят "X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти" китоби муқаддимасида тўлиқ келтирилгани учун бу ўринда такрорлаб ўтирмадик.

Улуғлар сафида ҳам паст-баланди бўлади,
Аввал анбиёлар, ортидан шоирлар келади.
Бу икки тоифа бир дўст маҳрамидирлар,
Бу икки тоифа мағзу қолган ҳама пўстдирлар...)

Бу мисралар Саноий ва Хоқоний даври ирфоний шеъриятининг моҳиятини намоён қилувчи байроқлар (“*лейтмотив*”) дейишга арзигуликдир. Кейинги асрда Аттор ва Румийларнинг эпик ижоди соф тасаввуфий руҳ билан йўғрилган адабиётни юксак чўққиларга олиб чиқди ва шу билан бирга бу йўналиш камолотидаги якуний нуқта вазифасини ҳам ўтади. Энди Амир Хусрав бу йўналишдаги назирагўйларга маълум даражада беписанд қарай бошлаганига[1] ҳайрон бўлмасак ҳам бўлади. Шоир янги уфқларга кўз тикаётган эди.

У биринчи хилватнинг бошланишидаёқ қуёшни *«фалак суфийси”*га ўхшатган бўлса, иккинчи байтда «*зулмат гажаги*»ни[2] рўза тутган одамнинг лабларига ўхшатади. Низомий хилватларининг охиридаги *«қуёш чашмаси»* ибораси[3] Деҳлавийда биринчи хилват бошидаёқ ишлатилади ва шу билан салафи тугатган жойидан ҳинд шоири бошлаганига ишора сезилади. Деҳлавий манзаралари жуда ёрқин:

Мардумаки чашми касон то ба рўз
Кард ба мижгон дари худ мехдўз.
(Кишиларнинг кўз қорачиғлари[4] эрталабгача
Киприклар воситасида ўз эшикларини михлаб ташлади).

Ҳинд шоири ўз салафини такрорламайди, уни ўқувчилар ўқиганлигини эътиборда тутиб, ҳар хил ишоралар қилади. У ўз ҳолатини тасвирлашга ўтар экан, кўнгилни алоҳида руҳий мавжудот сифатида тасвир этади, *«дил сийнадан чиқиб мени бу тупрок танадан олиб чиқиб кетди»*[5] деб гап бошлайди. Бу мажозий тасвирдан мақсад, маиший тор ташвиш ва майда орзу-ҳаваслар доирасидан ташқари қадам қўйиб, «*олий сирлар*» даражасида фикр юритишга интилиш бўлиб, бу ният енгил тасаввуф қобиғига ўраб берилади. Деҳлавийшшг ирфоний тушунчаларга муносабати унчалик жиддий эмас. Атторнинг ишқи ҳақиқий йўлидаги эҳтироси унга буткул ёт. У «*олий сир*» ҳақида сўзлаётиб ҳазил ҳам қила олади:

Дидам аз он сон шарафи бартари,
К-аз сарам афтод кулоҳи сари.
(Олий мақом шарафига шундай /берилиб/ тикилдимки,

---

[1] Бу беписандлик “Ширин ва Хусрав”нинг муқаддима қисмидаги “ишқи ҳақиқий”дан лоф урувчиларга муносабатда очиқ баён этилади. (Бу ҳақда яна “X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти” китобида батафсил изоҳлар мавжуд.)

[2] Тасаввуф терминологиясида «соч», «зулф», «гажак» (форсчада - “турра”) қоронғуликнинг, яъни бу фоний дунёнинг, рамзи сифатида келиши маълум.

[3] Низомийда “чашмайи хуршед” - «Махзан-ул-асрор», ”Самарайи хилвати дуюм”, 35-байт; Деҳлавийда “чашмайи хур” - «Матлаъ-ул-анвор», “Хилвати аввал...”, 4-байт.

[4] “*Мардумак”* форсчада *“кўз қорачиғи”* маъносини беради, аммо “*мардум”*, яъни “*одамлар*” сўзидан кичрайтиувчи қўшимча орқали ясалган бу сўз шеърхон тасаввурида “*одамчалар*” маъносига ҳам ишора қилиб, байт маъносида кўп қатламлик ҳосил қилиши ҳисобга олинган.

[5] “ Дил, ке шуд аз сийна ба поки бурун, Бурд маро з-ин тани хоки бурун” - «Матлаъ-ул-анвор», “Хилвати аввал...”, 12-байт.

Бошимдан бошчилик кулоҳи ҳам тушиб кетди).
Мурожаатда ҳам сўз танлаб ўтирмайди:
Дод дилам ҳиммати олийгарой
К-"эй, саги бадзаҳра, чи монди, дар ой!".
(Дилим олий даражага интилувчи ҳимматини кўрсатди,
/Ва деди/: "Эй юраксиз ит, нега орқада қолдинг, кирсанг=чи!")

Ниҳоят шоир руҳи олий даргоҳга яқинлашиб, таъзим бажо қилади. Шу онда «*мурувват элчиси*» уни ҳузурига чақириб «*маърифат чодири*»да қабул қилади ва «*беадаб*»/шоир/га адаб қоидаларидан таълим беради. Шу баҳонада унинг хитоби берилади[1]. «*Мурувват элчиси*»нинг насиҳати уни «*гўлаҳ пашшаси*» бўлиб ҳар турли «*ахлат*»ларга қўниб юришдан, ҳар турли «*санам*»ларга сажда қилишдан манъ этиш, «*ҳар икки жаҳонга қўл силтаб», «фалак қуши*» бўлишга даъват қилишдан иборат. Бу «*санам*»лар, «*ахлат устидаги пашша*» қиёслари сарой шоирининг ўз-ўзига нисбатан аччиқ танқиди эди-ки, ирфоний қобиқ бу ерда фақат эҳтиёт чорасидир, деса ҳам бўлади. Олий даргоҳ намояндасининг тилидан берилган мажоз моҳияти охирги байтда ёрқинроқ очилган:

Хиз, ки имшаб на шаби хуфтан аст,
Балки шаби ***қиссаи дил*** *гуфтан аст.*
(Тур, бу кеча уйқу туни эмас,
Балки **кўнгил қиссаси***ни сўзламоқ тунидир)*

Ҳа, шоирнинг асл мақсади «***кўнгил қиссаси****ни сўзлаш*» эди, у замон ҳукмдорларини мадҳ этиш, ёлғон-яшиқ билан уларнинг кўнглини олишдан ўзини қутқариш ва юрагидаги дардларини очиқроқ баён қила олиш имкониятини Низомий ва шайх Нзомиддин Авлиёлар этагини тутиш билан қўлга киритмоқчи эди.

Шоир Низомий ишлатган «*ройиз*» /асов отларни ўргатувчи/ ва «*миқраа*» /қамчин/ рамзларини ўзига хос контекстда, баъзан салафи фикрига зид жумлаларда ишлатади. Низомий «*отинг ўз оёқларингдир, қамчи урма*» деса, Деҳлавий «*қамчи уриш*»га чақиради ва ҳ.к.

Деҳлавий сатрлари баъзан Анварий байтларини ҳам эслатгандек бўлади.

Анварий:

Кимиёйи кунам туро таълим
Ки дар иксиру дар саноат нист.[2]
(Сенга кимиё /моҳият/дан таълим бераман,
Ки жавҳар ва касби-корда бўлмас)

Деҳлавий:

Пойи дил аз роҳи саноат бар ор...
(Кўнгил оёғини касби-кордан торт..)

[1] Низомийда «Хилват хабарчиси»нинг хитоби 34 байт давомида келтирилган бўлса, Деҳлавийда «мурувват элчиси»сининг шоирга мурожаати фақат 8 байт давом этади.
[2] Фарҳанги забони тожик. Жилди 2. с.191.

Шундай қилиб Хусравнинг ниёзи қабул бўлади ва шоир энди жўшиб фахрия руҳида ўзини қўйиб юборади:

Партави Хусрав ба ҳаво шуд зи паст,
Субҳ ба дарюза бар овард даст.
(Хусрав нурлари пастдан ҳавога таралди,
Тонг ундан тиланиб қўлларини чўзди).

Товушлар уйқашлигидан фойдаланиб, шоир «*хуршид*» /қуёш/ ўрнига «*Хусрав*» сўзини қўйиб юбормоқда!

Низомийда –

В-он ки инон аз ду жаҳон тофтаст
Қут зи дарюзаи дил ёфтаст.
(Жиловни икки жаҳондан четда буриб,
Кўнгилга тиланиб бориб, озуқа топди) -

дейилган эди.

Низомийдаги натурфилософик тасвирлар Деҳлавий учун хос эмас. Аммо Деҳлавийда ажойиб кайҳоний кузатишлар мавжуд:

Сояфикан хок ба чархи бирин,
Чарх шуда соянишини замин.
(Тупрок/ер/ олий чархга соя ташлаб,
Чарх /осмон/ ернинг соясида ўтирувчига айланиб).

Аммо ернинг осмонга соя ташлаши каби жуда тагзаминли фикр икки шоирда умумий йўналиш бир эканидан нишона бўлса ҳам, Низомийнинг руҳий ҳодисаларни натурфилософик деталлашидан фарқли ўлароқ, Деҳлавий ташбиҳларида ижтимоий ҳаётга ишоралар кўпроқ:

Пўшт қавий шуд ба рукуъ ву қиём...
(Саждага бош қўйиш ва яна қадни ростлашлар билан бел бақувват бўлди...)

Бу тагмаъноли сатрни албатта бадантарбиядан кўра ижтимоий шароит заруратларига алоқаси кўпроқ.

Низомийдаги «*биринчи хилват*» ва унинг «*самараси*» ҳинд шоирида «*иккинчи хилват*»-га мос келади. Деҳлавийнинг ниятлари, ташвишлари, дардлари муайян маънода салафи давридагидан буткул бошқадир. Буни шоир ўзи алоҳида таъкид этган-ки, қуйида кўриб ўтамиз. Деҳлавий хилватлар композициясини нафақат ташқи жиҳатдан, балки мазмун томонидан ҳам мавзулаштирган. Жумладан, «*иккинчи хилват*»да шоирнинг ўз салафи /Низомий/ билан мажозий учрашуви акс эттирилган.

Бу хилват тонг отишидан бошланади (Низомийдаги тасвирнинг охири). Ҳинд шоири учун тонгга душманлик кўзи билан қараш ёт, қайтага тонг ёришиб, боғни эгаллаб ётган

кўршапалак, бойқуш каби тун паррандалари даф бўлади ва боғда «*саҳар куйчиси*» **булбул** ўз замзамасини бошлайди. Тонгдаги боғ ҳолати 14 байтда васф этилади, кейин шоир ўз ҳолати тасвирига ўтади. «*Мен бундай муборак нафасли тонгда парвоз этишга қанотларимни шайладим*» дейди у. Иқбол ва бахт қушларининг ҳамроҳлигида шоир гўзал бир гулшандан ўтиб боради, 11 байт ушбу гулшан васф этилади. Бундай ажойиб гулшаннинг тобора ичкарисига кириб борар экан, шоир қулоғига бир тарафдан «*дардли нола*» овози эшитилади. Бу ажойиб қўшиқ жоннинг ичига сингиб борарди ва кўнгилни оташ ичра соларди. "*Бу замзамани эшитиб хароб бўлдим»,* хитоб қилади шоир ва ўша томон шошади.

Рафтаму дидам ки ҳамандуҳ буд,
Бар дили тангаш ғами чун кўҳ буд.
(Бордим ва кўрдимки, бир қайғудош эди,
Нозик кўнглида тоғ каби ғам бор эди).

Шоир ул кимсадан, «*сен кимсан ва нега бу аҳвол нола чекасан»* деб сўрайди. Жавоб чуқур ўйга толдиради:

Гўфт: зи кори ки ба миқдор нист,
Ҳамчу маниро ҳади ин кор нист.
Кор ки чандин сари мардони пок,
Дар сари ин кор фурў шуд ба хок...
(Айтди: Бир иш-ки, миқдорига етиб бўлмайди.
Мендек инсонга бу ишнинг уҳдасидан чиқиш ҳадди эмас,
Бу шундай ишки, неча-неча пок эрлар боши,
Ушбу ишни деб тупроққа чўмди.)

Ҳа, бу оламнинг олий ҳақиқатини излаш меҳнати эди, бу йўлда бани башарнинг улуғ пешволари асрлар давомида изланиб келади, ҳар бир даврда маълум бир ютуқларга эришилади, аммо ниҳоий натижа доимо узоқ уфқда қолиб келаверади. Шоир қайғудошининг кўнгил дардлари умумбашарий муаммоларга туташ бўлиб, унда ирфоний ва ижтимоий йўналишлар ўзаро мураккаб чатишувларда ўзлигини намоён қиларди.

Шоир қайғудошидан юкининг ниҳоятда оғир эканини эшитгач, ундан ҳам баттар аҳволга тушади, аммо қайғудош ўз дардини баён қилгач, нафаси янгиланади. Шоир дилидаги доғ ҳам янгиланади ва унинг олдида кўнгил оламини тўсиб турган парда очилади.

Икки қайғудош бириккач -
Жўши ду ҳамдард ба як жо шуда,
Мавжи ду хуноба ба дарё шуда.
У ғами худ гуфта ву ман сўзи хеш,
Дийда намак рехта бар ҳар ду реш.
(Икки ҳамдарднинг қайнаши бирга қўшилди,
Икки қон сели бир дарёга келиб қуйилди.
У ўз ғамини айтар, мен эса ўз куйганимдан сўзлардим.
Кўз ҳар икки /кўнгил/ яраси узра туз сепарди).

Бу сўзлар шунчаки тасвир элементлари эмас, балки Низомий ва Деҳлавий «*Хамса*»лари орасидаги нисбатни очиб берувчи асос аҳамиятга эга бўлган мажозий тушунтириш-лардир. Айни шундай экани кейинги сатрлар мазмунида янада равшанроқ очилади:

Орзуйи ҳар ду ба як ком буд,
Чошнийи ҳар ду зи як жом буд.
(Ҳар иккимизнинг орзумиз бир мақсад билан боғлиқ,
Ҳар икки майнинг тотими бир қадаҳдандир).

Шундай килиб, шоиримиз ўз салафи билан татаббуъ нисбатини аниқ ифодалаб беради: биринчидан, ҳар икки қайғудош ўз дардини айтиб йиғламокда; иккинчидан, ҳар иккисининг нияти /ғоявий йўналиши/ бир мақсадга қаратилган ва ҳар иккиси «*майи*»нинг /асарлари мазмунининг/ хўриши ҳам бир қадаҳдан олинган – яъни, умумий бир сюжет заминидадир.

Лекин ҳали шоир баён қилмоқчи бўлган ниятлар учун Низомий нуфузи ҳам етарли эмас эди. «*Учинчи хилват*» шу сабабдан шоирнинг воқеъ ҳаётдаги иккинчи қудратли таянчи бўлмиш пири - Низомиддин Авлиё билан мажозий мулоқотига бағишлангандир.

Низомийнинг пири бўлганлиги маълум эмас, у асли том маънодаги суфий ҳам бўлмаган эди. Шунинг учун унинг ягона «*хожа*»си – соҳиби – кўнгилдир. Аммо Амир Хусрав даври ва мавжуд шароити бу «*эркалик*»ни кўтарадиган эмас. Шу сабабли шоир пир қидиради. Деҳлавий «*хожа*» тушунчасини пирга нисбатан қўллайди, унинг етакловчиси ва келажагидан башорат қилувчи ҳам пиридир. «*Хожа*» ва «*дўст*», пир ва салаф - шоирнинг икки мустаҳкам таянчидир:

Рў ба суйи хожа ву дил суйи дўст,
Ҳар ду ягона шуда дар мағзу пўст.
(Юзни хожа сари ва кўнгилни дўст сари бурдим,
Ҳар иккиси моҳият ва шаклда бир бўлиб кетди).

Дарҳакикат, Низомий ва Низомиддин исмлари орасидаги уйқашлик уларни мажозда бирлаштириш учун асос берган бўлиши мумкин.

Пир унинг келажагидан башорат килиб, майда-чуйда турмуш ташвишларига берилмай, олға кетишни, олдинда азим уммон, нурли тонг борлигидан хабар беради ва «*тонг ёриши-ши*» рамзи муносабати билан «*матлаъ*" сўзи тилга олинади .

Шоир ишонч билан йўлга чиқади ва олдинда «*биринчи манзил*» хабари келади. Шундай қилиб, 1-мақолатга ўтилади.

Мақолатлар сони ҳар икки шоирда бир хил – 20 та, Биринчи мақолат мавзуси ҳам мос келади - ҳар икки шоир уни инсоннинг моҳиятини таърифлаш ва улуғлашга бағишлайди.

Алишер Навоийнинг улуғ замондоши**,** пири ва устози **Абдураҳмон Жомий**(1414-1492) нинг "*Туҳфат ул-аҳрор*" достони Деҳлавий достонидан 184 йил ўтиб ёзилди. Жомий ижодида тасаввуфий ғоялар устунлик қилиши маълум, аммо давр Аттор ва Румийлар замони эмас. Шу сабабли Навоий эътироф этганидек, аллома шоир "*ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми иккаласи тариқида вофий ва шомил*" эди. Низомий ва Деҳлавий достонларига татаббуъ тарзида битилган асар муқаддимаси бошқа анъанавий мавзулар қатори уч

хилватни ҳам ўз ичига олади. Аммо Жомий Деҳлавийдан фарқли ўлароқ биринчи хилватни бошламасдан олдин "*Дар кашфи парда аз ҳақиқати дил ва дар баёни онки дил дар паҳлуйи соҳиби дил дил шавад*" (Кўнгил ҳақиқати /юзи/дан пардани кўтармоқ ва дил кўнгил соҳиби бағридагина кўнгилга айланишини баён қилмоқ) деб номланган алоҳида боб келтиради. Боб шундай бошланади:

Гулбуни жонро ки ба гил коштанд,
Орзуйи ғунчайи дил доштанд.
(Жон гулкўчатини тупроққа қадаганларида
Дил ғунчаси орзусида бўлганлар.)

Пири муршиднинг кўнгил ("*дил*") ҳақидаги қарашлари салафларига нисбатан янада ривож олиб, умумкайҳоний миқёс касб этган:

Чун зи гил он гулбуни тар сар кашид,
Ғунчаи наврустаи дил бар дамид,
Дурж дар он ғунча чу авроқи гул,
Ҳарчи дар офоқ чи жузъу чи кулл.
Ҳусни бутон ояти тафзили у,
Кавну макон дафтари тафсили у.
Чархи фалак в-он чи бувад дар хумаш,
В-он чи хирад ном ниҳад олимаш!
Дар сиати доираи дил гум аст,
Он ҳама чун қатра ву дил қулзум аст...
Он ки худойи ҳама гунжад дар у,
Ин ҳама пайдост чи санжад дар у.
Ин ки паси пардаи тан пардагист,
Дасти хуши зиндаги ву мурдагист,
Мазҳари асрори дил омад на дил,
Матраҳи анвори дил омад на дил.
(Тупроқдан ул тоза гул кўчати бош кўтаргач,
Янги етилган кўнгил ғунчаси кўзни яшнатди.
Ушбу ғунча бағрида худди гул япроқлари жо бўлганидек,
Бу оламда хоҳ кичик, хоҳ улуғ – неки бўлса барчаси яшириндир.
Гўзаллар ҳусни унинг афзаллик бериш мўъжизасидан,
Мавжуд борлиқ унинг муфассал баён қилинган дафтаридир.
Фалак чархи ва унинг хумида нима бўлса,
Ва олимлар ақл деб ном қўйган нарса ҳам
Кўнгил доираси кенглигида яширингандир,
Улар барчаси қатралар ва кўнгил уммондир...
Унда барчанинг ҳукмдори жой олган экан,
Бу барча кўзга кўринган нарсалар унга қиёслашга арзирмиди?
Бадан пардаси ортидаги пардаловчи
Ҳаёт ва мамотни /белгиловчининг/ қудратли қўлидир.

Кўнгил сирларининг намойишидир у, дил[1] эмас.
Кўнгил нурларининг таралишидир у, дил эмас.)

Шундан кейин Жомий ҳам "*дил*"ни барча ҳайвонотда ҳам бўладиган моддий аъзо – "*юрак*" сифатида тушуниш ва талқин қилишни қоралайди. Ким шундай талқин қилса, у қиммат-баҳо дур билан оддий мунчоқнинг фарқига бормас экан, дейди.

Кейинги мисралар кўнгил гавҳарини ҳосил қилиш учун нималар лозим эканлиги ҳақида бўлиб, масаланинг буёғи энди ўша давр тасаввуф сулуклари ёндошувида талқин қилинади:

То накуни рўй ба дарёдили,
Набвадат аз гавҳари дил ҳосили.
То назани хайма ба паҳлуи пир,
Ҳамчу дил аз дил нашави баҳрагир...
(Токи юзингни бир дарёдилликка қаратмагунингча,
Кўнгил гавҳаридан ҳосил унмайди.
Токи пири муршид яқинига чодир тикмас экансан,
Кўнгилдан кўнгилдагидек баҳра топмайсан...)
Боб давомида ҳақиқий пири муршиднинг таърифи берилади:
Жайби дилаш машриқи анвори ғайб,
Нур ба каф карда чу Мусо зи жайб.
Зиндагийи дил чу Масиҳ аз дамаш,
Сабзийи жон чун Хизр аз мақдамаш.
Талъати у нури саодатфишон,
Халъати у домани давлаткашон...
(Унинг кўнгил уйи ғайб нурларининг тонготаридир,
Кафти Мусо қўлидек нурланиб туради.
Кўнгилнинг тириклиги унинг Исодек нафасидан,
Жоннинг яшнаб туриши унинг Хизрдек ташрифидан.
Унинг чеҳраси нури саодат ёғдирувчидир,
Унинг чопони этаги давлат бахш этгувчидир...)

Бундай пирнинг суҳбати мис вужудларга иксир[2] каби таъсир қилади, дейди шоир. Навбатдаги бобга айни шу фикрга мувофиқ равишда *"**Суҳбати аввал** бо пири равшанзамир дар торикийи шаби занн ва тахмин ва расидани мурид ба воситайи вай ба давлати **илми яқин**"*(**Биринчи суҳбат** – равшанзамирлик (ботини ёруғ) пир билан гумон ва тахминлар туни қоронғулигида ва муриднинг ушбу суҳбат воситасида **илм ул-яқин** давлатига етишмоғи) деб сарлавҳа қўйилган. Боб қоронғу тунда шоирнинг шак ва гумонлар зулмати аро изтироблари тасвири билан бошланади. Унда ер юзига қоронғулик таралиши билан инсон хотирини шубҳа-гумонлар қоплаши ўзаро мувозанатда тасвирланади:

[1] Бу ўринда яна форс тилидаги "*дил*" сўзининг кўп маънолиги асосида сўз ўйини қилинмоқда, яъни кейинги "*дил*" сўзи инсон танасидаги қонни ҳайдаб берувчи муайян моддий аъзо – "юрак" маъносида ишлатилмоқда.
[2] "*Иксир*" - Ўрта асрлар кимёгарлари наздида мисни олтинга айлантирувчи жавҳар, мўжизавий кимёвий модда.

Душ ки чун нури яқин дар гумон,
Рўз шуд андар тутуқи шаб ниҳон,
Пардайи шаб рўйи заминро нуҳуфт,
Зулмати шак нури яқинро нуҳуфт.
(Кеча оқшом ишонч нурига гумон аралашгач,
Кундуз тун чодирига яширинди.
Тун пардаси ер юзини қоплади,
Шубҳа зулмати ишонч нурини кўздан яширди.)

Шоир бу бедорлик тунида ўзининг ғафлатли аҳволидан афсус-надоматлар чекиб, нолалар қилади. Унинг дуо-ю нолалари кўкка етиб, пири унга пешвоз чиқади ва уни қўллаб, шак ва гумонлар асоратидан олиб чиқиб кетади...

Кейинги боб "***Сўҳбати дўввум*** *бо пири соҳибтамкин ва равшан шўдани чашми мурид ба нури* ***айн ул-яқин***"(**Иккинчи суҳбат** – виқорли пир билан ва муриднинг кўзи **айн ал-яқин** нуридан равшан тортмоғи) деб белгиланган. Бу боб Амир Хусравнинг "*Иккинчи хилват*"ига мувофиқ равишда тонг ёришуви тасвири билан очилади:

Субҳ ки бар ҳошияйи ин чаман
Зад алами нурфишон настаран.
Рехт аз-ин гулшани фирузафом,
Шохи шукуфа варақи сими хом...

(Тонг ёришиб бу чаман қирғоғида Настаран гули ўз нурли байроғини ўрнатди.
Ушбу ферузаранг гулшандан Чечаклар соф кумуш гулбаргларини соча бошладилар...)

Яна табиат тасвири ирфоний тимсолларга чулғаб берилади:

Жилвагаҳи ёфтам ороста,
Суйи ба су жилвагарон хоста.
Балки яки савмаъа ву баста саф,
Аҳли сафо гирди вай аз ҳар тараф.
Сабза мусалло зи гиёҳ сохта,
Гирд ба гирди чаман андохта.
Сабзлибосон ба хушўъи тамом,
Карда ба болойи мусалло қиём.
Мурғи чаман замзамасози ҳама,
Карда адо вирди намози ҳама.
Жаста чинор ашрафи авқотро
Даст бар оварда муножотро...
(Ораста бир манзарага[1] кўзим тушди,
Бутун атрофда нозли чеҳралар бош кўтарган эдилар.
Гўё бир ибодат манзилию гирди атрофида

[1] Аслиятдаги *"жилвагоҳ", "жилвагар"* сўзлари тасаввуфий-ирфоний маъноларга ҳам эга бўлиб, ягона Ҳақнинг мазҳари, Ҳақиқатнинг мажозда зуҳурига ишора қилади.

Поклик аҳли саф тортиб турардилар,
Майса кўкатлардан жойнамоз тўқиб
Чаманзорнинг бутун атрофига ёйиб ташлаган.
Яшил либослилар тамоми диққатни жамлаб,
Ушбу сажжода устида қиёмда турардилар.
Чаман булбули замзамадан тўхтамай,
Намоз қироатини адо этиш билан банд эди.
Чинор асосий вақтини қўлларини /кўкка/ чўзиб,
/Ҳаққа/ муножот қилиш билан ўтказарди...)

Бу тариқа икки маъноли тасвир 16 байт давом этади. Сўнг шоир яна ўз ҳоли баёнига ўтади:

Ман ба ченин вақт пўр аз ёди пир,
Жону дили шод ба иршоди пир,
Оташи шавқаш зи дарун шўълакаш,
Бурда зи ман сабру сукун шўълаваш.
Гирди чаман тавфкунон мешудам,
Жомадарон наъразанон мешудам...
(Мен шу пайтда пир ёди билан тўлиқиб,
Пир ҳидояти билан жону дилим шодланиб,
Шавқ олови ичимда аланғаланиб,
Сабру қароримни алангасида куйдириб,
Гулзор атрофида гир айланиб кезардим,
Ёқамни пора қилиб, наъра тортиб кезардим...)

Шундай ҳолатда шоир кўзига узоқдан бир нуроний инсон шарпаси кўринади. Бу одам ким бўлди экан ва бу гулзорга не юмуш билан келаётган экан, деб хаёлга берилиб турганда яқинроқ келгач, ул чеҳрасидан нур ёғилиб турган киши ўзининг пири муршиди эканлигини таниб қолади. Югуриб қаршисига бориб ҳаяжонланиб салом беради. Пир шоирнинг дил кўзини ярқ очиб, аввал ақл кўзи билан англаб етганларини энди очиқ кўз билан кўрадиган даражага етказади. Шоир нималарни кўрди?

Дид ки олам зи самак то само,
Нист ба жўз вожиби мумкин нўмо.
Ҳастийи вожиб яки омад ба зот,
Ҳаст тааддуд зи шўуну сифот.
Касрати сурат зи сифот асту бас,
Асли ҳама ваҳдати зот асту бас.
Баҳр яки, мавж ҳазорон ҳазор,
Рўй яки, ойинаҳо бешумор.

(Кўрдики, олам (сувдаги) баликдан самога қадар Вожибнинг зоҳир бўлиш имконидан ташқари эмас.

Вожибнинг мавжудлиги асл зотида якка-ёлғиз, Унинг адади ортиб кетиши азамати ва сифатлари кўплигидан. Сувратларнинг кўплиги (“*касрат*”) сафол, холос.

Аслида барчаси зотида ягона *(“ваҳдат”*) дир.

Уммон – битта, тўлқинлар минг-минглаб,

Чеҳра – битта, ойналар беҳисоб.)

Таърифлардан аён бўладики, пири муршиднинг талқинлари тамомила тасаввуфий асосга эга. Учинчи суҳбат ҳам яна пир ва мурид муносабатлари хусусида бўлиб, қуйидагича сарлавҳа остида келади: ***Сўҳбати сеййўм*** *бо пири ҳақиқатбин ва ёфтани мурид гавҳари мақсуд аз ҳуққайи* ***ҳаққ ул-яқин.*** (**Учинчи суҳбат** – ҳақиқатни кўриб турувчи пир билан ва муриднинг **ҳаққ ул-яқин** сандиқчасидан мақсад гавҳарини қўлга киритгани хусусида). Боб чоштгоҳ пайти тасвиридан бошланади:

Чошт ки хуршид алам бар фарошт,
Зулмати соя ба замин кам гузошт.
Ҳар алам аз соя фазояд паноҳ,
Жўз алами хур ки буд соякоҳ.
Ханжари заррин чу кашид аз шекуҳ,
Соя шуд аз дашт гўризон ба кўҳ...
(Чоштгоҳ пайти қуёш байроғини ёзиб
Соя зулматини ер юзида кам қолдирди.
Ҳар бир байроқ сояни узайтиради,
Фақат қуёш байроғи сояни камайтирувчидир.
Олтинранг ханжарини /қинидан/ чиқаргач,
Соя қўрқувдан даштни ташлаб, тоққа қочди...)

Шундай кунда шоир ўз оғир аҳволидан қийналиб, шаҳру кўчаларга сиғмай қолади ва бош олиб дашту саҳрога чиқиб кетади. Бепоён дашт таърифи бошланади. Бу таърифлардан дашт ҳам мажозий тимсол эканлигини англаш мумкин. Шоир яна пирини излайди. Излаб-излаб бир майсазорга етишади. Ундаги булоқ бошида пири муршиди таҳорат олиб ўтирган бўлади. Шоир салом бериб эҳтиром кўрсатгач, пири каромат кўрсатиб, унинг дилидаги барча тугунларни ечиб юборади. Шоирнинг дил тугунлари ечилгач, у ўзини мутлақо бошқа бир ҳолатда ҳис қилади:

Қатрайи ночиз ба баҳр орамид,
Ҳастийи худро ҳамаги баҳр дид.
Дар сувари баҳр чу мавжу бухор,
Ёфт ҳама жилвайи хеш ошкор.
Чун пайи гавҳар суйи дарё шитофт,
Ҳеч гуҳар жўз гуҳари худ наёфт.
Чун ба тамошо суйи худ бингарид,
Ҳеч надонист ки жўз баҳр чист...

(Ожиз бир томчи уммонга қўшилиб кетди, Ўзлигини буткул уммонга айланганини кўрди.

Барча ўзидаги товланишлар Денгиз юзидаги мавжу тўлқинлар каби эканлиги ошкор бўлди.

Гавҳар истаб денгизга интилган эди,
Ўз гавҳаридан ўзга гавҳар топмади.
Ўзини кўрмоқчи бўлиб назар солган эди,
Уммондан ўзга бирор нарсани англай олмади.)

Шундай қилиб, тасаввуф пири муршиди кўнгил тарбияси борасидаги уч суҳбат давомида муриднинг пир кўмагида *"илм ул-яқин"* (шариат), *"айн ул-яқин"* (тариқат), *"ҳаққ ул-яқин"* (ҳақиқат)[1] босқичларини босиб ўтиб, маънавий камолотнинг юксак босқичига кўтарилишини мажозий гўзал лавҳаларда гавдалантириб беришга эришади.

*"Туҳфат ул-аҳрор"*дан кейин икки йил ўтиб илк бор туркий тилда Алишер Навоийнинг *"Ҳайрат ул-аброр"* достони яратилди. Бу асар муқаддимасидан ҳам кўнгил таърифидаги анъанавий боблар жой олган. Ушбу боблар мундарижаси таҳлилига ўтишдан олдин бир нарсага эътибор қаратайлик. Биз мақоланинг бошидан охиригача *"кўнгил"* сўзини ишлатаяпмиз. Аммо аслида форс тилида бу сўз йўқ. Шундай экан, Низомийдан Жомийгача барчалари (жумладан, «*Кимёйи саодат*»да Ғаззолий ҳам) *"дил"* сўзини ишлатишган. Бу сўз, олдинроқ ҳам айтиб ўтганимиздек, кўп маъноли бўлиб, турли луғатларда 6 тадан 12 тагача маънолари қайд этилган[2]. Жумладан, "*юрак*" (инсон ва ҳайвонларнинг тана аъзоси), "*кўнгил*", бирор нарсанинг ботини (масалан, *"дили дарё"* – денгиз қаъри, "*дили хоро*" – харсангтош бағри, *"дили шаб"* – тун қоронғуси, *"дили хок"* – ер қаъри ва ҳ.к.)[3] маънолари асосийларидан ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир шоир *"дил"* сўзини "*кўнгил*" маъносида ишлатганда бу ҳайвонларда ҳам бўладиган **оддий тана аъзоси** эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топишган. Албатта, мумтоз шеъриятда бу сўз кўпроқ айни *"кўнгил"* маъносида ишлатилган ва умуман шоирлар тилида шу маънода энг кўп учрайдиган сўзлардан ҳисобланади. Масалан, Амир Хусрав Деҳлавийнинг "*Ширин и Хосров*" достонида 370 марта[4], "*Ойинайи Искандарий*"да 259 марта[5] *"дил"* сўзи учрайди. Энди Навоий матнларига мурожаат қиладиган бўлсак, бугунги кунгача тайёр бўлган Навоий "*Хамса*"си конкорданси материалларига биноан "*Фарҳод ва Ширин*" достонида "*кўнгил"* сўзи – 248 марта (32 сўз шаклда) учрайди. "*Дил*" сўзи эса атиги – 2 марта, бу сўз асосидаги қўшма сўзлар – (43 сўз-

---

[1] Бу талқинлар ҳақида яна қаранг: Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. М., 1965, с. 38-39.

[2] Дил – 1. Узви хунгардони... 2. Дарун, дохил, миёни чизе. 3. Ботин, хотир, жон, руҳ. 4. Фикр, андеша. 5. Майл, хоҳиш, ҳавас. 6. Дилбар, ёр, маҳбуба, дўст. 7. Далери, шижоат, журъат. (Бирикмалар – с. 370-374) // *Фарҳанги забони тожики*. (дар 2 жилд). М., 1969 с. 370 - 374.

Дел – 1. Узви дохилийи бадан..., қалб. 2. Шикам. 3. Хотир, замир. 4. Жон, равон. 5. Мағзи сар. 6. Мағзи дарахт ва монанди ои. 7. Миён, васат, дарун, дохил. 8. Марказ. 9. Журъат, шижоат. 10. (*тасаввуфий*) Латифайи раббоний ва руҳоний ва он ҳақиқати инсон аст ва мадраку олиму орифу ошиқ аст. 11. (*тасаввуфий*) Маҳалли тафсили маоний, нафси нотиқа. 12. Махзани асрори Ҳаққ, қалб. // *Доктор Муҳаммад Муин. Фарҳанги форси (мутавассит). Жилди 2. Теҳрон, 1357, с. 1546.*

Дэл – 1) *анат.* Сердце, 2) сердце, душа, 3) желудок, живот, чрево, 4) храбрость, отвага, мужество, доблесть, сила духа, 5) *редко* середина (*дэли шаб* - полночь) 6) *карт.* Черви. (Остальное - фразеология). // *Персидско-русский словарь в двух томах. Том 1. М., 1970, с. 648-651.*

[3] Қаранг: Семантика слов "дил" и "жон" в поэме "Ширин и Хосров" Амира Хосрова Деҳлави // Лексикология и грамматика восточних языков.(Сборник статей). М., "Наука", ГРВЛ, 1975, с. 42.

[4] Шу китоб, с. 40.

[5] А.Куранбеков. Парадигматический анализ семантической структуры "*жон*" ва "*дил*" в поэме "*Ойинайи Искандарий*" Амира Хосрова Деҳлави. // Амир Хосров Деҳлави. /Сб. Науч. Трудов ТашГу /. Т., 1987, с. 43-44.

шаклда) 78 марта учрайди. *“Қалб”* сўзи – бори-йўғи 3 марта (2 сўзшаклда) учрайди. *“Лайли ва Мажнун”*да *“кўнгил”* – 169 марта (26 сўзшаклда) учрайди, *“дил”* сўзи эса атиги 1 марта-гина ишлатилган холос. Бу достонда *“қалб”* сўзи 3 марта қўлланган. Таркибида *“дил”* ўзаги мавжуд бўлган қўшма сўзлар (26 сўзшаклда) 53 марта учраган. *“Сабъаи сайёр”* достонида *“кўнгил”* сўзи – 175 марта (26 сўзшаклда) учрайди. *“Дил”* сўзи ўзи атиги – 3 марта, бу сўз асосидаги қўшма сўзлар эса – (37 сўзшаклда) 86 марта учрайди. *“Қалб”* сўзи – бор-йўғи 2 марта, яна 1 марта бу сўз асосидаги қўшма сўз учрайди.

Ушбу далиллардан маълум бўлмоқдаки, Навоий тилида асл туркий сўз форсий ва арабий муқобиллари ўрнини деярли тўлиқ эгаллаб бўлган. Форс тилидан ушбу ўзак асосидаги ўзлашмалар фақат қўшма сўзларга алоқадор бўлиб қолган. Ушбу қоида, яъни туркий муқобили мавжуд бўлган ҳолатда форсий ва арабий сўзларни иложи борича кам ишлатиш тамойили Навоий шеъриятида қай даражада изчил риоя қилинганини яна бир назардан ўтказиш мақсадида ўзаро яқин маънодошликка эга бўлган *“кўкс”, “бағир”, “сийна”, “юрак”*сўзларини конкорданс материаллари асосида кўриб чиқилди. Натижада қуйидаги маълумотлар қўлга киритилди. *“Фарҳод ва Ширин”* достонида *“кўкс”* – 21 марта (10 сўзшаклда), *“бағир”(“-бағри”)* – 4 марта (12 сўзшаклда), *“сийна”* – 1 марта, *“Лайли ва Мажнун”*да *“кўкс”* – 17 марта (7 сўзшаклда), *“бағир”* – 3 марта (2 сўзшаклда), *“юрак”* - 4 марта (3 сўзшаклда), *“сийна”* сўзи учрамади. *“Сабъаи сайёр”* достонида *“кўкс”* – 8 марта (3 сўзшаклда), *“бағир”(“бағри”)* – 4 марта (4 сўзшаклда), *“сийна”* – 1 марта, *“Ҳайрат ул-аброр”*да *“кўкс”* – 15 марта (9 сўзшаклда), *“бағир”* – 7 марта (7 сўзшаклда), *“сийна”* – 1 марта, *“юрак”* – 4 марта (3 сўзшаклда) ишлатилганлиги маълум бўлди. Демак, юқоридаги хулосамиз яна бир марта ўз тасдиғини топди, дейиш мумкин.

*“Ҳайрат ул-аброр”*да *“кўнгил”* сўзи жами 148 марта (27 сўзшаклда) ишлатилган (*“дил”* сўзи 3 марта – 2 сўзшаклда, *“қалб”* 7 марта - 6 сўзшаклда, *“дил”* ўзаги асосидаги қўшма сўзлар – 47 марта – (14 сўзшаклд)а учрайди. Энди ўзбек тили луғатларида ушбу туркий сўзнинг қандай маънолари берилганига эътибор қаратайлик. 1981 йилда Москвада нашр қилинган икки жилдли *“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”* 1-жилдида *“кўнгил”* сўзига 1. Кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил. 2. Феъл-атвор; характер, хулқ[1] деб изоҳ берилган. Мустақиллик даврида Тошкентда нашр қилинган беш жилдли *“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”* 2-жилдида ҳам айни шу изоҳлар қайтарилган[2]. 1959 йили Москвада чоп этилган *“Ўзбекча-русча луғат”*да *“кўнгил”* сўзи рус тилига *“душа, сердце* (*как вместилище чувств*)[3] деб ўгирилган. Изоҳли луғатдаги *“юрак, қалб, дил”* деб берилган қўшимча изоҳга аниқлик киритиш керак эди, чунки *“кўнгил”* бу кўп маъноли сўзларнинг барча маъноларини акс эттирмайди.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг муқаддима қисми 21 бобдан иборат бўлиб, *“Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим”* шарҳидан бошланиб, *“Холиқ ҳамди”*[4], тўрт муножот, беш наът, Низомий ва Амир Хисрав таърифидаги, Абдураҳмон Жомий васфидаги, сўз таърифидаги, сўзда маънонинг аҳамияти ҳақидаги, Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳидаги боблардан кейин охирги 4 боб *“кўнгул”* таърифига бағишланади. Бу бобларнинг биринчиси (муқаддима бобларнинг 17-си) шундай номланган:

---

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдли. 1-жилд. М., 1981, саҳ. 415-417.
[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. Т., 2006, саҳ. 457-460.
[3] “Ўзбекча-русча луғат. М., 1959, с. 230-231.
[4] Барча боб сарлавҳалари жуда батафсил баёнлардан иборат бўлиб, биз буерда уларнинг қайси мавзуга бағишланганликларини билдирувчи қисқа жумлалар билан чекландик.

"Кўнгул таърифидаким, кўнгул тилагандек қилилмайдурур ва анинг васфин соҳибдиллиқға мавсуф бўлғон кишидин ўзга киши билмай дурур. Кўнгулсиз роқим хомасин рақамкаш қилмоқ ва бу рақам саводи билан кўнглин хуш қилмоқ." Эътибор берилса, Навоий сарлавҳадаёқ масала моҳиятига урғу бериб, аввало *"кўнгул"*ни *"кўнгул тилагандек"* яъни кўнгилдагидек таърифлаш иложсиз эканлиги, уни фақат *"соҳибдил"* яъни *"кўнгил эгаси"* деб аташга арзигулик инсонгина мукаммал тасаввур эта олишга қодир эканлигини таъкидламоқда. Боб қуйидагича бошланади:

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ
Одами хокийни гулистони сунъ.
Эсти насиме у гулистон сари,
Сунбулу сарву гулу райҳон сари,
Ким бу раёҳинға етишти футуҳ,
Ўйлаки тан гулшаниға кирди руҳ.
Эрмас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул.

Бу парчага 20 жилдликнинг 7-жилдида шундай изоҳ берилган: *"Бу мисраларда инсон гулистонга ва унинг аъзолари турли гулларга ўхшатилиб, яратувчи (худони) деҳқон атаб, азал тонгида яратиш (сунъ) деҳқони одам танасини гулистондай ясаганда, бу гулистонга ва ундаги турли-туман гулларга майин ел эсиб, бу гуллар очилгани, тан гулшанига руҳ киргани, ундан ғараз ҳеч гул бўлмай, мақсад ёлғиз кўнгул эканини гўзал ташбиҳлар орқали таъкидланган.[1]"* Изоҳ насрий баён тарзида ёзилган, аммо татаббуъ тамойилининг бутун жозибаси шоир сатрларини салафлари билан қиёслаганда намоён бўлишини назарда тутсак, маълум бўладики, шоир ҳар бир сатри, ҳар бир байти билан ҳам салафларига жавоб бермоқда, ҳам мутлақо янги манзара яратмоқда. Агар барча салафлари *"кўнгил қиссаси"*ни қоронғу тушишидан бошлаган бўлсалар, Навоий суҳбатни мажозий маънодаги *"субҳи азал"*, яъни *"азал тонги"*дан бошламоқда, шу билан бирга пири муршиди Жомий изидан бориб илк инсоннинг яратилишидаёқ мақсад *"кўнгил"* (Жомийда *"ғунчайи дил"*) эканини таъкидламоқда. Тасвир худди Жомийдаги каби бошдан-оёқ икки маъноли бўлиб, тонг, тонгги майин шабада, унинг ёрдамида *"гулу райҳон"*лар хуш бўйининг таралиши каби табиат тасвири бир вақтнинг ўзида ибтидода илк инсоннинг яралиши, унга Оллоҳ ўз руҳидан дам уриб ҳаёт бахш этиши, шу билан Оллоҳ руҳининг макони бўлган кўнгилнинг шаклланти-рилиши каби ирфоний тасвирлар шеърхон тасаввурида мувозеъ ва уйғун ҳолатда намоён бўлишига эришилган. Навоий устози ғоясини таъкидлаган ҳолда буткул янги манзара яратишга муваффақ бўлган. Афсуски, насрий баён бундай гўзал манзараларни китобхон кўз олдида гавдалантира олишга ожиз қолади.

Боб давомида салафлари кўтарган масала – ирфоний тушунча бўлган *"кўнгил"*ни инсон танасининг моддий узви бўлмиш *"юрак"* билан чалкаштириш хато эканлиги ҳақида хитоблар келади. Шу ўринда шоирнинг биз тилга олган салафлари барчаси форсий тилда ижод этгани туфайли улар икки маъноли *"дил"* сўзи асосида ўз фикрларини баён этишга мажбур бўлганлигини яна бир карра эслаб ўтамиз. Ўзбек шоири икки алоҳида *"кўнгил"* ва *"юрак"*

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-ж. Т., 1991, с. 359.

сўзларини ишлатиш билан бу муаммога узил-кесил чек қўяди. Шоир яна бир нозик нуктага эътибор қаратади. Юқорида кўриб ўтдикки, Жомий дилни гул ғунчасига (“*ғунчайи дил*”) ўхшатган эди. Навоий ирфоний ва моддий тасаввурларни аралаштирмаслик масаласида изчиллик кўрсатиб, “*кўнгил*”ни на “*гул ғунчаси*”га, на “*қон*”, на “*пайкон*” (ўқ ёки найза учи) ва умуман “*рангу бў*” (яъни моддийлик хусусиятларига) эга бирор бир шаклга нисбат бериш (ҳатто бадиий ташбиҳ сифатида ҳам) мутлақо хато эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади:

Эй ки кўнгул васфи баён айладинг,
Сен бу кўнгулни не гумон айладинг.
Гулшани жисминг аро гул ғунчаси,
Битса гумон этма кўнгул ғунчаси.
Ғунча эмаским, бу кўнгул қон эрур,
Ё бўялиб, қон аро пайкон эрур.
Йўққи, бу бир шакл дурур рангу бў,
Ҳарне керак бўлсун, агар бўлса бу.
Гар бу дурур ҳар нимаким жони бор,
Жисмида бу ғунча сифат қони бор.
Ҳам они дажжол топиб, ҳам наби,
Ийси била тенгму бўлур маркаби?

Орада Низомий талқинига ҳам ишора сезилади:

Гар бу эса Хожа, ўзин муттасил –
Қайси кўнгул бирла дегай аҳли дил?

Маълумки, ганжалик шоир *“кўнгил”*ни *“Хожа”* деб атаган, шу билан бирга натурфилософик талқинларга ҳам ўрин қолдириб, шоирнинг хаёлан инсон ички оламига кириб бориши тасвирида *“дил”*ни *“етти халифа”*, яъни инсон танасининг моддий узвлари – ўпка, қораталоқ, жигар, ўт пуфаги, буйрак ва ҳ.к.лар билан боғлиқ ҳолда тилга олган эди. Қисқаси, туркий тил имкониятларидан унумли фойдаланган устоз шоир икки тушунчани – ирфоний *“кўнгил”* билан моддий “*юрак*”ни бошқа-бошқа унсурлар сифатида алоҳида номлаб, тўлиқ бир-биридан ажратиб қарашга муяссар бўлди:

Бу худ эмас жазм сен истар кўнгул,
Гар бу кўнгул бўлса сен андин тўнгул.
*Бу ки **кўнгул** дерсен эрур бу **юрак**,*
Исм кўнгул бирла анга муштарак[1].

Шундан сўнг “кўнгил”нинг ҳақиқий таърифи бошланади:

Кўнгул эрур булбули бўстони роз,
Қудс ҳаримида бўлуб жилвасоз.

[1] Навоий “*кўнгил*” сўзини ишлатади, аммо бу ўринда аслида *“дил”* сўзини назарда тутади, чунки унинг барча салафлари форс тилида ёзишган ва *“дил”* сўзини ишлатишган.

Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,
Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул.
Солик ани арши муалло деди,
Сўфи ани олами кубро деди.
Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.
Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи кўнгул каъбаси,
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ.

Бу таърифлар шоир салафларининг ҳеч бирида йўқ. Шу билан бир вақтда Навоийнинг таърифлари олдин ўтган устозларнинг ушбу мавзудаги мулоҳазаларининг мантиқий хулосаси эканлиги ҳам ҳақиқатдир.

Боб давомида шоир пири муршиди ақидасини ривожлантириб кўнгил гавҳарини ҳосил қилиш учун нималар лозим эканлиги ҳақида ёзади. Аммо Навоийнинг бу борадаги қарашлари устозидан тамомила фарқ қилади. Агар Жомий масалани ўша давр тасаввуф сулуклари ёндошувида талқин қилиб, то бир пири муршид этагини ушламас экансан, мақсадга ета олмайсан деган хулосани баён қилган бўлса, Навоий масалага ниҳоятда кенг қарайди:

Топқуча ганжинаи асрорлиқ,
Кўп қилибон солики атворлиқ.
Каъбаға ҳам қатъи манозил қилиб,
Дайрға ҳам таййи мароҳил қилиб,
Ҳам етибон аҳли муножот аро,
Ҳам тушубон кўйи харобот аро.
Гоҳ бўлубон муътакифи хонақаҳ,
Шайх они тоатға қилиб рўбараҳ.
Гоҳ кириб дайри фано сори маст,
Муғбача олида бўлуб бутпараст.
Гоҳ қилиб шамъға парвоналиқ,
Гоҳ пари ишқида девоналиқ.
Гоҳ висол ичра бўлуб айш соз,
Гоҳ фироқ ўтиға айлаб гудоз,
Гар кўрубон чобуки симинтане,
Хандаи ширин била шўрафгане.
Дарду бало тоғида Фарҳод ўлуб,
Тирноғ анга тешаи пўлод ўлуб.
Ё йўлуқуб моҳрухи дилкаше,
Дашти малоҳат аро лайливаше,
Ишқида саргашта чу гардун ўлуб,
Дард биёбонида Мажнун ўлуб.
Сокин ўлуб ўтда самандар киби.

Ғўтта уруб сув аро гавҳар киби.
Ғарқи ҳаво абри гуҳарсанждек,
Туфроқ ичинда ётибон ганждек.
Водие қолмай ул анга етмаган,
Қатъида такмили сулук этмаган,
Ориз ўлуб жумлаи ҳолот анга,
То бўлубон касби камолот анга,
Олам аро ҳар не кўруб, касб этиб,
То лақаби олами кубро етиб.
Кимга бу олам сари очилса йўл,
Олам аро аҳли дил ул бўлди ул.
Улки етиб махзани раъфат анга,
Бўлди бу оламда хилофат анга.
Тахти сафо бўлди анинг маскани.
Сўфийи соҳибдил ани бил ани.
Йўлида жону кўнгул айлаб фидо,
Жону кўнгулдин анга қил иқтидо.
Гар этагин тутмоқ эмас дастрас,
Тушса Навоий сари бир ришта бас.

Масала ниҳоятда жиддий бўлганлиги сабабли достондан мавзуга оид иқтибосни тўлиқ келтиришни лозим топдик. Юқорида батафсил кўриб ўтганимиздек, Жомий муаммони фақат пири муршид суҳбатлари билан ҳал қилиб қўяқолган эди. Навоий вазиятни бу қадар соддалаштирмайди. Шоир энг аввало масалага якка инсон маънавий камолоти эмас, умумбашар маънавий такомили нуқтайи назаридан ёндошади. Бунда Жалолиддин Румийнинг "Маснавий"си таъсирини ҳам сезиш мумкин. Инсоният маънавий камолотнинг юқори чўққиларига эришиш йўлида фақат Каъба зиёрати билан чекланмай, шайх Санъон сингари дайр, яъни христиан роҳибларининг таркидунёчилик макони (монастирь) сирлари билан ҳам танишмоғи, бутпарастлар аҳволидан ҳам хабар топмоғи, хонақоҳ ва харобот аҳлининг дардларига ҳам ошно бўлмоғи, парипайкарлар ишқида девона бўлиб, висол лаззатини ҳам, айрилиқ азобини ҳам бошидан кечирмоғи, Фарҳод сингари тирноқ билан тоғ қазиб, Мажнун каби дашту биёбон кезмоғи, **хуллас, бу ёруғ дунёнинг барча аччиқ-чучугини тотиб, роҳату машаққатларини бошдан кечирмоғи кераклигини, то ўтда ёниб, сувга чўммагунча инсон маънавий камолотга эришуви мушкул эканлигини мусулмон минтақасида кенг тарқалган бадиий тимсоллар орқали ифодалаб бермоқда.** Албатта, якка бир шахс бу синовларнинг барчасига дуч келмаслиги мумкин, аммо шунга тайёр турмоғи талаб этилади. Жомий суҳбатлари билан Навоий ҳайратлари орасидаги фарқ "*ҳақиқат тариқи*" билан "*мажоз тариқи*" орасидаги жиддий тафовутни ва ҳар бирининг ўзига хос йўлини яққол гавдалантирувчи намуна деб қабул қилиш ҳам мумкин.

Низомий ва Деҳлавийлар *"хилват"* хусусида, Жомий пир билан "*суҳбат*" борасида сўз юритган бўлсалар, ўзбек шоири *"кўнгул"* "*ҳайрат*"ларини баён қилади[1]. "***Аввалғи ҳайрат***

1 Академик Азиз Қаюмовнинг "Ҳайратул-аброр"талқини" асарида ушбу боблар таҳлилига оид "Уч ҳайрат" деб номланган алоҳида фасл мавжуд. Қаранг: Азиз Қаюмов. Асарлар. 1-жилд, 1-китоб. Т., "МУМТОЗ СЎЗ", 2008. с.25-30. Устоз таҳлили ёшларга Навоий достони мундарижасини таништириш

- кўнгулнинг адам тунидин қутулуб, вужуд субҳиға ҳамнафас бўлуб, малак олами баҳористонининг ранго-ранг азҳори ва гуногун ашжорин тамоша қилғони ва аларни «Саббиҳ исма раббикал-аъло»[1] амри била қайюми ҳақиқий тасбиҳиға машғул эрконин билиб димоғи боғида ҳайрат гуллари очилғони ва ул гуллар атри димоғидин ҳуш олиб беҳуш йиқилғони" тўғрисида. Боб яна тонготар тасвири билан бошланади:

Субҳдур, эй соқий, этиб меҳр фош,
Тут манга бир жом нечукким қуёш.
Тонг қуши чун берди паёми сабуҳ,
Нўш этайин бир-икки жоми сабуҳ.
Субҳ сафолиқ майидин маст ўлай,
Тонг қушиға нолада ҳамдаст ўлай.
Берди саҳар ҳулласи зарришта тоб,
Қолмади тун пардасидин риштатоб.
Ёзди фалак тоқиға килки қазо,
Ояти «Ваш-шамс» била «Ваз-зуҳо»[2].
Сўфийи субҳ айлабон ул дам зуҳур,
Ёйди сипеҳр узра мусаллойи нур.
Шом саводи асарин тийра хок,
Субҳ супургуси била қилди пок...

Бу тасвир 12 байт давом этгач, сўнг илк инсон кўнглининг йўқликдан борлиққа юз тутиб, аввал олами улвий ажойибот-ларидан саросимага тушиб, сўнг унинг сирларини билишга интилиши тасвирланади. Илк инсон кўнгли дабдурустдан бу сирларни билишга ожизлик ҳис қилиб турганда ғайб хабарчиси ("*ҳотифи ғайбий*") унга нидо қилади:

Ким "Қўпу сайр айла бу гулшан сори,
Айла назар сабзаи равшан сори.
Қўптию қўйди чу бир-икки қадам,
Бўлди аён равзаи боғи Ирам.
Қайси Ирам, гулшани мину сиришт,
Гулшани мину дема, боғи биҳишт.

Шу ердан жаннат боғларининг хаёлий васфи бошланади. Бу гўзал васф роса 40 байт давом этади. Сўнг яна илк бор вужуд оламига юз тутган кўнгилнинг аҳволи баёнига ўтилади:

Ул бу Ирам тавфида беҳол ўлуб,
Зойил ўлуб ҳушу тили лол ўлуб,
Ҳар тарафиким боқиб ул равзанинг,
Кўзга ғаройиб кўрунуб бирга минг.

мақсадида ёзилганлиги туфайли ҳайратлар мазмуни оммабопроқ тарзда баён қилинган.
1 Қуръони карим ояти, "Аъло" сурасининг бошланиши.
2 Қуръони каримнинг 91 ва 93-сураларига ишора. 91-сура "Қасамёд этаман Қуёш ва унинг зиёси билан" деб бошланади. 93-сура "Қасамёд этаман чошгоҳ вақти билан" деб бошланади. Шўролар замонида бу каби ишораларга чандон эътибор қаратилмаган. Ваҳоланки, аслида боб мазмуни ушбу илоҳий оятларнинг ўзига хос бадиий таъвилидан иборат.

Неча назар бўлса тамошо талаб,
Булъажаб узра кўрунуб булъажаб.
Топмади сарриштани чун фикрати,
Ҳайрат уза қилди ғулу ҳайрати.
Ақл ишин яъс жунун айлади.
Васваса ҳушини забун айлади,
Ким бу гулистонким эрур бу жаҳон,
Балки жаҳоне гул ичинда ниҳон,
Бутмак ўзи худ эмас имкон анга,
Гар бу эмас ким эса деҳқон анга?

Кўнгил ўз саволига жавоб топа олмай турганида яна суруш (яъни (“*ҳотифи ғайб*”) ёрдамга келади: “*Сен бундай бефойда ҳайратланишни тўхтатгин-да, ҳақиқат асроридан баҳраманд бўлмоқчи эсанг атрофга “**басират кўзи**” билан назар ташлагин.*”

Дур киби етгач қулоғиға бу сўз,
Нури ҳидоят била очти чу кўз -
Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,
Барчаси қайюмиға зокир эди,
Ҳар бир анинг шукриға шокир эди.
Гар ел агар сув бўлубон нағмасоз,
Сониъ ила ҳар бирига ўзга роз.

Бу синоатлардан бениҳоя ҳайратга тушган кўнгил қаттиқ бир оҳ чекиб ўзидан кетади. Шоир соқийга мурожаат билан бобни якунлайди.

“Иккинчи ҳайрат – *ул ҳумоюнбол қушнинг (*яъни кўнгилнинг*) малак олами гулистонидин малакут олами шабистониға ҳаво қилиб, ул рафиъ манозилнинг шамъ ва машоилин забона тилидин «Вазкур исма раббика ва табаттал илайҳи табтило»*[1] *ҳукми била холиқи аслий зикрига зокир эрканин маълум қилиб, ҳайратдин бир оламдин яна бир оламға борғони ва бу ҳайрат яна ани бехудлуққа солғони”* ҳақида. Боб 15 байт давом этган тун васфи билан бошланади. Бунда ботаётган қуёшнинг Хўтанлик турк гўзалига қиёс этилиши диққатга сазовор. “*Хўтанлик турк гўзали ўз зебо чеҳрасини кўздан яширгач, (туннинг) совуқ шабадаси (ер юзига) мушк сепа бошлади*[2]*, яъни ер юзини қоронғулик қоплади*” деб бошланади тун тасвири. Кўнгил энди “*тойири қудсий*”, яъни “*муқаддас, илоҳий қуш*” деб таърифланадики, бу бежиз эмас. У “*наво истаб*” яна кўкка парвоз қилади:

---

[1] Қуръони каримдан: “*Музаммил*” сураси, 8-оят.

[2] *Турки Хўтан ёпти чу зебо жамол,*
Мушк фишон бўлди насими шимол.
Ушбу бир байтнинг ўзида 20 жилдликнинг 7-жилдида 2 қўпол хатога йўл қўйилган. Биринчи мисрада “*ёпти*” сўзи “*топти*” бўлиб хато кетган. Бу хато танқидий матн асосида тузатилди. Иккинчи мисрада охирги сўзни “*шамол*” эмас, “*шимол*” деб ўқиган (ва ёзган) маъқул, чунки форс тилида “*шамол*” ҳам, “*шимол*” ҳам бир хил маъно беради (русча “*север*”), аммо ҳозирги ўзбек тилида “*шамол*” русча “*ветер*” маъносини англатади, “*шимол*” рус тилига “*север*” деб ўгирилади. Демак, достоннинг 1989 йилги нашри насрий баёнидаги “*шамол шабадаси*” деган ғалат иборани тузатиб, “*шимол шабадаси*”, яъни совуқ шабада деб тушунсак, аслига мувофиқ бўлади.

Тойири қудсий яна истаб наво,
Учти доғи ул сори қилди ҳаво.
Қолиби хокий қолибон хок уза,
Чиқти фалак ахтари афлок уза.
Руҳ қаноти била тойир бўлуб,
Чарх шабистониға сойир бўлуб...

Баҳонада шоир 50 байт давомида бирма-бир осмон жисмлари – **Ой, Аторуд, Зуҳра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал – 7 сайёрани** мажозий таърифлар ила васф этади, сўнг **12 бурж** таърифига ўтади:

Буржиға бу етти фалакдин уруж,
Балки анинг бобида «Зотил-буруж»[1].
Хандақининг умқиға андоза йўқ,
Буржи ўн икки, анга дарвоза йўқ.
Равзана ҳар буржи аро ғурфаэ,
Жилвагар ул ғурфа аро турфаэ.
Турфа буким сайр қилиб бардавом,
Сайрлари лек ўн икки мақом.
Ҳол тили бирла мақол айлабон,
Ҳамди карими мутаол айлабон.

Ундан ҳам юқори кўтарилгач, тўққизинчи осмон қабатига етишади ва у ерда бир бутхонани кўради. Шоир бу ўринда ўша давр кайҳоний тасаввурларига кўра собит (яъни 12 бурждан фарқли равишда жойини ўзгартирмайдиган) юлдузлар тўпи жойлашган осмон қабатининг (яъни "*сомон йўли*"нинг) рамзий тасвирини бермоқда. У ҳар бир чарақлаб турган юлдузни ҳиндавий эътиқоддаги кумуштан санамга ("*бути сиймтан*") ўхшатади. Аммо бу "*бутхона*"да на роҳиблар ("*руҳбон*"[2]), на браҳман бор эди, балки худди бутпараст бутга сажда қилгандек ҳар бир санам ўзини яратган "*бутгар*" (яъни "*бут ясовчи*") қошида ибодат ила маст эди. Бу ғаройиб ҳолатларни кўриб, янада ҳайрати ошиб ҳушини йўқотади.

"Учунчи ҳайрат – *ул ошуфта ҳол мусофирнинг малакут олами шабистонидин бадан мулки шаҳристониға нузул қилғони ва ул кишвар аҳлининг ҳам «Фазкуруни азкуркум»*[3] *бўйруғи била қодири мутлақ ёди бирла эрконин билиб, ҳайрат ўти иштиол этиб, вужуди ул ўтдин кул бўлуб, фано елига билкул совурулмоқ била иккинчи фано мақомин ҳосил этиб, андин сўнг ҳақдин бақойи комилий етиб. хожанинг ул мулкда хилофат тахтиға қарор тутқони"* борасида. Боб яна тонготар тасвири билан бошланади:

Меҳр чу машриқ сори урди алам,
Олди жаҳон мамлакатин якқалам.
Тавсани гардунға минар майл этиб,
Чиқти уфуқ жонибидин секритиб.

[1] Қуръони карим, 85-суранинг 1-оятига ишора.
[2] 20 жилдликда бу сўз ҳам "раҳбон" деб хато талқин қилинган.
[3] Қуръони карим, "Бақара" сураси, 152-оятнинг бошланиши.

Чун ки бийик бўлғуча қилди шитоб,
Солди ҳарорат била оламға тоб.
Хожаки ҳайрат майидин маст эди,
Мастлиқ уйқусиға ҳамдаст эди.
Солди қуёш тоби чу мағзига жўш,
Сесканибон кирди димоғиға ҳуш.

Ҳайрат майидан маст бўлган Хожа (яъни кўнгил) ўзига келиб, хаёлида ватанга (яъни баданга) қайтиш фикри уйғонди. Шундан бошлаб шоир инсон ички аъзоларининг рамзий тасвирини бошлайди. Бу тасвир 58 байт давом этади. Инсон бадани шаҳарга (давр тушунчаси бўйича **шаҳар-давлат** назарда тутилади) ўхшатилади. Унда ўз ҳукмдори бор, унинг вазири бор. Эътиборли жойи шундаки, ҳукмдор (“*шоҳ*”) мамлакат ўртасидаги тахтда жойлашган бўлса, вазир энг тепадаги алоҳида гумбаз қасрда ўлтиради. Бу рамзий тасвирда Ғаззолий олға сурган “*кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир*” ғояси аниқ ўз ифодасини топган. Навоий инсон танаси таркибида ўша даврда маълум бўлган бир-бирига зид 4 унсурнинг мураккаб бир тарзда бирикуви ҳақида ёзади. Достоннинг насрий баёнида бу боб мундарижаси муфассал баён қилинганини ҳисобга олиб, унинг хулосасига ўтиб қўяқоламиз:

Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,
Заррада кавн, қатрада дарё ниҳон.
Фикр наҳангиға яна қут ўлуб,
Лужжаи ҳайрат аро мабҳут ўлуб,
Фикрат ўти кўкка чекиб дудини,
Ҳайрати нобуд этибон будини.
Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано
Фоний этиб хожани балким фано.
Ҳақдин ўлуб тоза вужуде анга,
Тоза вужуд ичра шуҳуде анга.
Шамъи баҳо чун ёруғ айлаб кўзин,
Англабон ул салтанат ичра ўзин.
Фатҳ ўлуб мулк ила кишвар анга,
Балки жаҳон мулки мусаххар анга...

Шоир соқийга мурожаати охирида кейинги боб Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мадҳида эканлигидан хабар беради. Барча улуғлар – Низомий, Амир Хусрав, Жомий, Султон Ҳусайн Бойқаро олдин эсга олиниб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мадҳи кўнгил ҳақидаги боблардан кейин келтирилиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳақда яна тўхталамиз.

Шундай қилиб, келтирилган қиёсий мисол ва таҳлиллар кўрсатадики, бадиий ижодда татаббуъ услуби ниҳоятда жозибакор ва мўъжизавий ҳодиса экан. Бунда салафнинг ютуқлари мутлақо инкор қилинмаган ҳолда мавзуни унинг етиб келган жойидан илгарилаб, янада теранроқ ва мукаммалроқ талқин қилишга интилиш асосий мақсад ва мўлжал бўлар экан. Агар шу ниятни амалга ошириш қўлидан келмаса бу ишга уриниш ҳам бефойда бўлиб, адабиёт тарихида номи абадий муҳрланиб қолишига умид қилмаса ҳам бўлади.

Низомий XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда тасаввуф тариқатлари энди шаклланиб келаётган пайт бўлиб, узлатга чекиниш масаласи ҳануз кун тартибидан тушиб қолган эмас эди. Бу даврда тасаввуф арконлари мукаммал шаклланган эмас, тасаввуф ва ирфон фарқланган эмас эди. Фақат шоир наздида узлатга чекиниш бу дунё ҳою ҳавасларидан юз ўгириш (ва ғаму ташвишларидан қочиш) эмас, балки бир нафас хилватда кўнгил билан роз айтишиш орзуси эди. Маълумки, кўнгил туйғулар ошиёни. Уни турли ҳою ҳавасларидан поклаш керак. Покланган кўнгилда энди фақат **имон қолади, ишқ қолади**.

Ҳақиқий мумтоз шеърият фақат пок кўнгил билан, имон ва ишққа тўлиқ кўнгил билан дунёга келади. **Деҳлавий**ни *"Хамса"* ёзишга ундаган нарса ҳам шу эди. У Низомий достонлари билан танишар экан, ўз дил дардига малҳам топди, 100 йил олдин яшаган ганжалик шоир мисолида ўзига "*қайғудош*" топди. Аммо давр бошқа, ҳинд шоирининг қалбини ўртаган дардлари бошқа эди. Ўтган 100 йил орасида тасаввуф шеъриятининг буюк намояндалари Аттор ва Румийлар яшаб ўтдилар. Энди улардан ўтказиб бу мавзуда бир нарса яратиш имкондан ташқари эди. Амир Хусрав шу сабабли "***ҳақиқат ишқи***"ни эмас, "***мажоз ишқи***"ни куйлашини рўйи-рост эълон қилди.

Навоий *"Хамсатул мутаҳаййирин"*да устозига шундай таъриф беради: "*Чун аларға бизот* ***машраби тавҳид*** *воқеъ бўлғондур, ҳақиқат жамолин мажоз музоҳири мушоҳадасида муояна кўруб, беихтиёрлиғлар даст берур экандур. Ул маънини назм либосида адо қилмоқдин гузирлари йўқ эркандурким, бу восита била ўтқа таскин ва ўтлуғ кўнгулга ором бўлур эркандур"*[1]. ("Уларнинг асл табиатларида тавҳид майидин мастлик воқеъ бўлгани учун, ҳақиқат жамолини мажоз ёрдамида яққол кўриб, уларда беихтиёрликлар юз берар экан. Шу маънони назм либосида адо қилишдан бошқа чора кўрмас эканлар. Бу восита билан ўтга таскин ва ўтли кўнгилга ором берар эканлар"[2]) Демак, **Жомий** аслида тасаввуфнинг орифлик даражасига етишган пири муршиди сифатида ирфоний ғояларни мажоз тили билан ифодалаган. Мажозда Ҳақиқатнинг мазҳарини кўрганликлари учун ҳам Навоий "*Маҳбуб ул-қулуб*"да устозини *"ҳақиқат ва мажоз тариқида комил"* деб таърифлаган эди. Аммо пири муршиднинг ботини *"машраби тавҳид"*, яъни "*тавҳид майи*" билан лиммо-лим бўлганлигидан унинг барча интилишлари, ишқий достонлари ва ғазаллари, илмий-назарий асарлари барчаси бир ботиний мақсадга бориб уланар эди. Буни ҳам Навоий аниқ ифодалаб беради: *"...тариқат одоби сулукида андоқ дақиқ равиш била тариқларини тузидилар ким, ҳеч киши аларнинг зоҳир улуми ва шеър ва муаммо ва иншо ва бу навъ нималардин шарифроқ* ***ниҳоний амрға*** *машғул эрконларини билмадилар ва фаҳм ҳам қилмадилар..."*[3]. Шу сабабларга кўра Жомий кўнгил таърифида ҳам ажойиб мажозий тасвирлар беришидан қатъи назар, якуний хулосада давр тасаввуфий андазалари доирасини тарк этмайди. Кўнгилнинг маънавий покланишини анъанавий ***"илм ул-яқин", "айн ул-яқин", "ҳаққ ул-яқин"*** поғанадорлиги доирасида "*кўнгил*"нинг – рамзий "*мурид*"га айланиб рамзий "*пири муршид*"нинг табаррук ботиний суҳбати натижасида камолга етиши сифатида изоҳлайди.

Алишер Навоий масалага буткул янгича ёндошади. Аввало *"Ҳайрат ул-аброр"*да "*хилват*"лар ёки "*суҳбат*"лар хусусида эмас, балки "*кўнгил*"нинг "*ҳайрат*"лари ҳақида сўз кетмоқда. Биз юқорида "*кўнгил*" имон ва ишқ макони эканлиги ҳақида эсладик. Буни кўпчилик

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. Т., "Фан", 1991, с. 11.
[2] Суйима Ғаниева. МавлоноАбдураҳмон Жомий. Т., 2014, с.26. Ҳурматли устоз таржималарига фақат биргина аниқлик киритиш лозим бўлади, яъни "машраби тавҳид" бирикмасини "ягоналик майидан сархушлик"
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. Т., "Фан", 1991, с. 12.

билади ва ҳеч ким инкор этмайди. Аммо Навоий **кўнгилнинг ҳайратланиши**ни тасвирлайдики, бунинг ўзи инсон маънавий тараққиётида буюк кашфиёт эди. Бутун улуғвор форс мумтоз адабиётида ҳануз бу масала кун тартибига қўйилмаган эди. **Кўнгилнинг ҳайратланиши – бу буткул Янги давр нишонаси эди**, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бу хулосани икки оғиз шарҳлаб ўтишга эҳтиёж бор. Навоий кўнгил ҳақидаги биринчи бобда татаббуъ қоидаларига биноан салафларига бирма-бир жавоблар бериб якунлагач, **уч ҳайрат** давомида кўнгилнинг Халлоқи олам яратган **табиат**, **коинот**, **инсон вужуди** доирасидаги чексиз **мўъжизалар**дан ҳайратга тушиб, бу уч олам унсурларининг барчаси ўз **сонеъ** (яратувчи)си – *"қодири мутлақ ёди"* билан банд эканлигини англаб етгач, шундай хулоса қилади:

Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи.
Нафсға чун ориф ўлуб мў-бамў,
*Фойиз ўлуб «**қад арафа раббаҳу**».*

Бу сатрларда, аввало, яна татаббуъ қоидаларига садоқат бор. Маълумки, "*Хамса*" оламининг илк асосчиси ўз достонининг биринчи мақолотида Инсоннинг яралиши ҳақида ёзиб –

Он ба гуҳар ҳамқадару ҳамсафи,
Ҳам маҳаку ҳам зару ҳам сайрафи
(Унинг зотига кўра гавҳарга тенг софлиги,
Ўзи ҳам зар, ҳам заргар, маҳак тоши ҳам ўзи) –

деган бўлса, Навоий салафи сўзларини кенг маънода шарҳлаб, **Халлоқи олам яратган табиат, коинот, инсон вужуди доирасидаги чексиз мўъжизалардан ҳайратга тушиб, "*бақо биллоҳ*" мақомига етишган кўнгил**ни *"мулк ҳам, тахт ҳам, шоҳ ҳам ўзи эди"*, деб хулоса қилмоқда. Бу "***кўнгил***" энди якка инсон кўнгли эмас, балки **маънавий камолот касб этган инсоният** кўнглининг рамзидир, Навоийнинг келажак орзусидир. *"Ўз нафсини англаб етган Парвардигорини англаб етади"* – бутун **табиат, коинот, инсон вужуди доирасидаги чексиз мўъжизаларни қамраб олиш ва англаб етиш учун эса инсоният яхлит бир вужудга айланиши талаб қилинади,** бу юмуш бир кишининг қўлидан келадиган юмуш эмас**.** Румий қалбини ўртаган дард Навоий орзусида даво топмоқда**.**

Шундай қилиб, **устози ўтмишни якунлаб бергач, шогирди келажакдан башорат қилмоқда**. Пири муршид тарбиятида *"Ҳаққ ул-яқин"*га етишган мурид инсоният келажагини басират кўзи билан яққол кўриб, биз – бугунги авлодга борар йўлимизни равшан кўрсатиб бермоқда.

2015 йил.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ТАВҲИД ҒОЯСИНИНГ МАЗМУНИЙ ТАКОМИЛИ

Навоий ижодий мероси бениҳоя теран бир уммон. Унинг шаклий ва мазмуний жиҳатларини турли сатҳ ва қабат(даража)ларда ўрганиш мумкин. 20 аср навоийшунослиги бу масалаларда катта ютуқларни қўлга киритди. Улуғ шоир ва адиб ижодий меросини адабий манбашунослик ва матншунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтайи назарларидан ўрганиш бўйича самарали натижаларга эришилди.

Унинг фалсафий, сиёсий, ахлоқий қарашлари ҳам анча-мунча тадқиқ этилди. Хусусан, академик Воҳид Зоҳидовнинг 1970 йилда нашр этилган «*Улуғ шоир ижодининг қалби*» асари ўтган аср имкониятлари даражасида Алишер Навоий маънавий олами ҳақида яхлит ва батафсил тасаввур ҳосил қилишга қаратилган йирик тадқиқот бўлиб, унда шоир дунёқараши шаклланишига асос бўлган «*маънавий замин», «шоир ва дин», «Навоий ва тасаввуф*» мавзулари алоҳида бобларда кўриб чиқилган эди. Зукко олимнинг дақиқ кузатишларига тан берган ҳолда, афсус билан қайд этишга тўғри келади-ки, нафақат давр «*совет*» академигидан талаб қилган мафкуравий қолиплар, балки бугунги кўплаб имкониятларнинг тадқиқотчи қўли етар доирада мавжуд бўлмаганлиги ҳам сабаб бўлиб, бу китобда кўп гаплар чала қолган, кўплаб ўринларда олимнинг эътибори замонасозлик томонга ошиқча оғиб кетганлиги ҳам бугунги кунда сир эмас.

Хуллас, XXI аср ибтидосида Алишер Навоий маънавияти мавзуси яна долзарб, аниқроғи, янада долзарброқ бўлиб тургани ҳақиқат.

Шахс маънавиятининг таркибий қисмлари ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, имон-эътиқод масаласи олдинга чиқади. «*Маҳбуб ул-қулуб*»да Навоий ёзади: «*Ҳар кимда имон йўқ - андин одамийлиқ келмоқ имкон йўқ*»[1]. Асли имон маънавиятнинг умуртқа поғонасидир. Шу сабабли ҳам халқимиз тилида «*имонсиз*» сўзи энг оғир хақорат сифатида қабул қилинади. Бугунги кунда навқирон авлодни имон-эътиқодли қилиб тарбиялаш масаласи Ватан ва миллат тақдирини белгиловчи даражадаги муҳим масалалардан бўлиб турган бир пайтда буюк шоирнинг бу масалага муносабати қандай деган савол алоҳида аҳамият касб этади.

Машҳур шарқшунос-навоийшунос академик Е.Э.Бертельс шоирнинг диний туйғулари ҳақида гапириб, унинг бу соҳадаги ёндошуви аҳли сунна ва жамоа эътиқоди доирасидан ташқарида бўлмаганлигини таъкидлайди[2]. Навоийнинг юқорида тилга олинган асарлари мазмуни билан танишган киши рус олимининг ҳақ эканлигини яна бир карра эътироф этиши турган гап. Изчил Тавҳид эътиқоди – ислом дини ва ислом маънавиятининг ўзак томирини ташкил этади. Ислом дини хусусида масала – равшан, тавҳид эътиқоди ягона Аллоҳ таолонинг бани башарга раҳмати ва инъоми бўлиб, аслида Одам Атодан тортиб 124 минг пайғамбарларнинг барчаси инсониятни айни шу эътиқодга даъват этганлар ва барча

---

[1] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. (А.Н.Кононов тайёрлаган йиғма матн). М.-Л. 1948, с. 114. Афсуски, шоирнинг "*Мукаммал асарлар тўплпми*"14-жилдида ушбу асар матни жуда сифатсиз нашрга тайёрланган. Қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, биз келтирган иқтибоснинг ҳам иккинчи қисми тушиб қолган (с.82).

[2] Олим шундай таъриф беради: «*религиозное чувство, остающийся в пределах правоверного восприятия ислама». – «Навоий ва Аттор*» рисоласи, // Е.Э. Бертельс. Танланган асарлар, 3-жилд. «*Тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт*». М. 1965, с. 389.

илоҳий китобларнинг асосий мазмуни ҳам шу ягона Ҳақ йўлга ҳидоят этишга қаратилган. Аммо Аллоҳнинг олий адолати шундаки, ҳеч ким ҳеч қайси динга эътиқод қилиши мажбурий эмас, қайси динга ким эътиқод қилади, ёки умуман, даҳрийликни афзал кўрадими, ҳар бир мустақил инсоннинг шахсий иши. Бу исломий қоида бизнинг Асосий қонунимизда ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Эътиқод эркинлиги билан боғлиқ яна бир жиҳат – ибодатлар масаласи. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди доирасида, ўз охиратини обод қилиш мақсадида ўзи эркин танлаган диний тизим доирасида ибодат қилади. Агар ҳеч қандай ибодат қилмаса ҳам яна ўзининг иши. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари сингари бизнинг юртимизда ҳам турли диний йўналиш намоёндаларини ўзида бирлаштирувчи махсус мустақил ташкилотлар борки, улар барчаси эркин ва тенг ҳуқуқ асосида очиқ фаолият юргизиб келмоқдалар. Булар – дин ишлари.

Биз Имон масаласига маънавият нуқтайи назаридан ёндошмоқчимиз. Маълумки, имон-эътиқод масаласи динда ҳам, маънавиятда ҳам бош масала ҳисобланади. Аммо маънавият соҳасида бу масалага ёндошувнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Дин ҳам, маънавият ҳам биринчи навбатда, инсоннинг ботиний оламига қаратилган. Аммо турли диний эътиқод тизимлари бир-биридан ибодатда ҳам, имон рукнларида ҳам фарқ қилади. Маънавият эса зидлаштириш йўлидан эмас, балки яқинлаштириш, бир-бирини тўғри тушунишга кўмаклашиш йўлидан боради. Маънавият доимо миллий ва минтақавий заминда ривожланади, аммо ҳеч қачон умуминсоний қадриятларга зид бўлмайди. Бугунги тил билан айтганда, бузғунчи ғояларнинг маънавиятга алоқаси йўқдир.

Иккинчи жиҳат – Аллоҳнинг дини пайғамбарлар воситасида инсониятга нозил этилган илоҳий китобларда ўз ифодасини топади, маънавият эса инсонлар қалбида шаклланади. Алоҳида шахс қалбида кўз очган маънавият булоғи унинг хатти ҳаракатларида, гап-сўзларида, у яратган маданий бойликларда инъикос топиб, шу йўл билан бошқаларга ҳам таъсир ўтказади, ушбу турли макон ва замонларда бирлашган шахслар маънавияти мажмуасидан миллий маънавият ташкил топади. Ҳар бир миллат маънавияти эса тарихий жараён давомида такомил топиб боради. Шундай экан, муайян замон ва маконда яшаган ҳар қандай шахс маънавияти ушбу шахс мансуб бўлган миллат маънавиятининг такомил босқичларида муайян ўрин эгалламай иложи йўқ.

Имон тушунчасига маънавият нуқтайи назаридан ёндошадиган бўлсак, уни бирор-бир эътиқодий тизим билан боғламаймиз. (Масалан, «марксистлик эътиқод», «исломий эътиқод, «христианлик эътиқоди» каби). Чунки ҳар бир инсоннинг нимага эътиқод қилиши унинг шахсий иши. Маънавият имон-эътиқоднинг фақат умумий жиҳатларига эътибор беради. Масалан, сидқ ва риё, тақлидий ва таҳлилий имон, имонда илм ва амал нисбати каби жиҳатларни шу жумладан олиб қараш мумкин. Кўпчилик оддий инсонлар имони ушбу нисбатларда мутлақ мукаммалликка эга бўлмайди. Аслида мутлақ сиддиқлар, ёки тамомила риёкорлар, мутлақ тақлидчилар, ёки илмига мукаммал амал қилувчилар ҳаётда камдан-кам учрайдилар. Кўпчилик инсонлар имони маълум даражада тақлидий ва қандайдир миқёсда идрок этилган бўлиб, баъзилар билганларига ҳам тўлиқ амал қилмасликлари, бошқа бировлар нега деб сўраб ўтирмай, кўпчиликка қараб иш қилишлари ҳам мумкин.

Аммо маънавият соҳасида ўзига хос мактаб ярата олган шахслар, одатда ўзлари эътиқод этган йўналишда ҳам мукаммал англаб етилган тизимга эга бўладилар ва ўз ҳаёт йўлларини ўзлари англаб етган Ҳақиқатларга мувофиқ тарзда қуришга ҳаракат қиладилар. На-

тижада илм ва ибрат мувофиқлиги юзага келади. Бундай шахслар миллатнинг маънавий мураббийси даражасига кўтариладилар, улар буюк аллома, пири муршид ёки мутаффакир шоир ва адиб бўлишлари мумкин. Улар хоҳ буюк асарларни мерос қолдирсинлар, хоҳ жонли ибрат намунаси бўлиб, шогирдлар етиштирсинлар, барибир халқ хотирасида абадий сақланиб қоладилар. Алишер Навоий шундай мукаммал имон эгаларидан эди.

Шу сабабли ҳам унинг маънавият олами миллий маънавиятимиз такомилида алоҳида, айтиш мумкинки, энг олий босқични ташкил этганлиги бежиз эмас. Ҳар қандай иморатнинг юқори қабатларига пастки табақа зиналаридан бирма-бир босиб чиқилганидек, Навоий маънавиятини хоҳ яхлит олиб қарайлик, хоҳ унинг турли қирраларига эътибор беришни ният қилайлик, миллий маънавиятимизнинг тадрижий такомилидаги олдинги босқичлар ҳолатини тўғри идрок этмай туриб буюк шоир маънавий олами ҳақида ҳам тўғри тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Албатта, бир мақола доирасида миллий маънавиятимизда тавҳид имони масаласини мукаммал кўриб чиқиш имкони йўқ. Фақат баъзи асосий нуқталарга қисқача эътибор қаратиб ўтишга тўғри келади.

Муҳаммад(с.а.в.)га ваҳий кела бошлаган кундан то Қуръони карим оятлари тўлиқ нозил бўлганга қадарли 23 йиллик муддат ислом тарихида «асри саодат» деб аталади. Чунки ўша йилларда тавҳид имонини қабул қилган инсонлар – саҳобалар учун исломни тушуниш ва татбиқ этишда ҳеч бир қийинчилик бўлмаган, Ҳар қандай муаммо туғилса, Расулиллоҳ орқали (хоҳ ваҳий билан, хоҳ ҳадис даражасида) ечими топилган. Кейинги даврларда ҳам то саҳобалар ҳаёт экан, кўп масалалар мавжуд тажриба асосида ҳал қилинган. Аммо Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа) даврларига (яъни VIII аср бошларига) келиб, аҳвол ўзгарган. Асри саодатнинг тирик намояндалари борган сари кам қолиб, энди Пайғамбаримиз суннатларини ёзма манбалар (ҳадислар) асосида ўрганиш зарурати туғилган. Шундай қилиб, VIII аср асосан ҳадисларни йиғиб турли ҳажмдаги тўпламлар тузиш («Муснад», «Муватто» сингари) билан ўтган бўлса, IX асрда ҳадишунослик назарий илм даражасига кўтарилиб, унинг асосида 6 машҳур ишончли ҳадис тўпламлари юзага келди. Бу даврда исломий ҳаёт тарзи, жумладан имон масаласи Пайғамбаримиз ибрати асосида шаклланган бўлиб, унинг турлича талқинлари ҳанафия, моликия, шофиъия, мазҳаблари тарзида намоён бўлган эди.

Лекин булар барчаси мусулмонлар жамоасининг ичидаги гаплар. Мусулмон маънавияти умумбашарий миқёсда ҳам мавқе касб этиши учун ибрат маърифати кифоя бўла олмаслиги аниқ. Чунки бу даврда турли минтақаларда кенг ёйилган буддавийлик, ҳиндавийлик, конфуцийлик, маздаясна эътиқоди, яҳудийлик, насронийлик каби турли эътиқод тизимлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўз муқаддас китоблари, мукаммал шаклланган фалсафий тизимлари, кўп асрлик маданий анъаналари ҳукм суриб келар эди. Улардан баъзилари мушриклик (яъни, турли илоҳларга сиғиниш) шаклида бўлса, бошқалари тавҳидий қарашларни ҳам ўзида маълум даражада акс эттирарди. Ана шундай шароитда умумбашарият томонидан исломгача яратилган илмий-маънавий меросни мусулмон маънавияти билан қиёсий равишда ўрганиш ривож ола бошлади. Бу йўналиш айниқса, қадим юнон илмий-фалсафий меросини ҳар тарафлама ўзлаштириш ва тавҳид эътиқоди нуқтайи назаридан тадқиқ этишда ёрқин намоён бўлди. Шу ерда бир савол пайдо бўлади. Нега қадим юнон фалсафаси, астрономияси, медицина илми, ҳисоб-китоб илми ва мантиқ чуқур ўрганилди, бу соҳаларга оид аксарият китоблар арабчага ўгирилди-ку, аммо бадиий адабиёт намуналари – Ҳомер эпопеялари, Эсхил, Софокл, Эврипид трагедиялари – ўша давр мусулмон дунёси

намояндаларининг диққатини деярли ўзига тортмади? Барчаси бир тилда ёзилган эди-ку. Бизнинг назаримизда, қадим юнон файласуфлари ўз даврларига хос мушриклик эътиқодини кўр-кўрона қабул қилиш йўлидан бормай, Борлиқ ҳақиқатини мустақил англаб етишга интилганлари, натижада кўплари мавжуд борлиқни ягона бир қудрат (ёки унсур) асосида изоҳлашга мойил бўлганликлари уларнинг қарашлари билан тавҳид эътиқоди ўртасида муайян умумийликни юзага келтирган. Қадим юнон бадиий адабиёти эса ўз даври воқелигини акс эттириб ўша давр одамларининг мушриклик эътиқодларини кенг кўламда тасвир мавзуси сифатида ифода этганлиги туфайли мусулмон дунёсида уларни оммалаштириш мақсадга мувофиқ топилмаган.

Ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқалар тавҳид маънавиятини илмий-фалсафий йўналишда ривожлантириб умумбашарий миқёсга кўтарган бўлсалар, Мотуридий ва унинг издошлари исломий ақидаларни мантиқий далиллаш йўлидан бордилар. Абу Райҳон Беруний, Абулфатҳ Шаҳристоний каби алломалар қиёсий диншуносликка асос солдилар.

Хуллас, X-XI асрларга келиб, тавҳид маънавияти умумбашарий миқёсда илмий асос касб этди. Агар дастлабки даврда тавҳид эътиқоди, биринчи навбатда, ягона Аллоҳга сиғиниш, яъни бутпарастлик, мушриклик эътиқодини рад қилишга қаратилган бўлса, кейинги асрларда Борлиқнинг ягона асосга қурилганлигини илмий идрок этиш даражасига кўтарилди. Шундай қилиб, тавҳид эътиқоди соф диний масала доирасидан чиқиб, илмий-фалсафий кўлам касб этди. Бу даврда ақл ва билим бахт-саодат калити деб тасаввур қилинди.

Аммо амалда ундай бўлиб чиқмади. Сабаби ақл ва мантиқ фақат моддий дунёни англашда қўл келиб, инсоннинг ўзлигини, ўз ботиний оламини англаб етиш учун кифоя қилмас экан. Айниқса, имон-эътиқод масаласида ақл ва билимга таяниш этарли эмас экан. Мусулмон маънавиятининг алоҳида бир йўналиши бўлмиш тасаввуфдаги ирфон назарияси – айни инсоннинг ботиний оламига айрича эътибор бериши билан борган сари кўпчиликни ўзига жалб қила бошлади.

XI аср охири – XII аср бошларида барча диний ва дунёвий илмларни мукаммал эгаллаб, даврининг энг донишманд алломаси даражасига кўтарилган Имом Ғаззолий «Иҳёу улум-ид-дин» (Диний билимларни жонлантириш) номли қомусий асар яратиб, унда «қалб ойнасини ифлосликлардан тозалаб» унга сайқал берувчи ботиний илмларга инсонлар диққатини қаратди. Бу илм «қалб ҳолатларини ўрганади». Яъни энди инсон ташқи дунёни тадқиқ этиш билан бирга ўз кўнгил мулкини ҳам обод қилишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бу имон-эътиқод тарбиясида янги босқич эди. Ботиний илмларнинг мазмун-мақсади Ҳақни англаб етишга, аниқроғи Инсон шахсининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини англаб етишга қаратилган эди. Бунда энди фақат назарий билим кифоя қилмасди, мантиқий усуллар етарли эмасди, балки маънавий покланиш илми биринчи ўринга кўтарилган эди.

Суфийлар Ҳақ жамолига етишнинг бош йўли ҳар бир шахснинг ўз нафси билан аёвсиз жиҳодга киришуви деб билар эдилар. Бу йўлда энг самарали восита – **Ишқ** деб топилди. Суфийлар Ҳақ ишқини инсон қалбини ҳар қандай худбинлик зангидан, бемаъни ҳою-ҳавaслар чиркидан тозаловчи, покловчи, бу йўлдаги ҳар қандай офату балоларни бартараф этувчи қувват сифатида талқин этдилар. XI – XII асрларда буюк пири муршидлар қатор тасаввуф тариқатларига асос солдилар, бу жараён мусулмон дунёсида юз минглаб одамларни ўз доирасига қамраб олди.

Аҳмад Яссавий ва Абдухолиқ Ғиждувонийларнинг устози сифатида улуғланган буюк пири муршид Хожа Юсуф Ҳамадоний «Рутбат ул-Ҳаёт» («Ҳаёт мезони») рисоласида инсон зотининг алоҳида шарафи ҳақида сўзлаб, унинг бошқа махлуқотлардан фарқи айни дилидаги имон-эътиқоди эканлигига ишора қилади ва инсонийликнинг уч рутбаси (даражаси) ҳақида мулоҳаза билдиради. Улар 1) ислом билан яшаш 2) имон билан яшаш 3) эҳсон билан яшаш. Булар бир-бирига зид тушунчалар эмас, аммо шу билан бирга улар орасида муайян фарқланиш ҳам йўқ эмас. Улардан биринчисини аллома шундай таърифлайди: «Диний фикр ва амаллар билан тасалли топиб, ҳаловатга эришган ҳар бир инсон ислом билан тирикдир». Аллоҳнинг ҳукми билан юзага келган катта-кичик ишларни кўриб «тафаккур қилувчи ва шу билан фароғат топувчи кишилар эса иймон билан тирикдирлар. Бадан ислом учун ишлайди ва яшайди. Қалб эса имон учун ишлайди ва яшайди». Исломга кириш ва имонли бўлиш ўзаро фарқ қилиши аслида Аллоҳ оятлари билан баён қилинган: «Аъробийлар «Иймон келтирдик», - дедилар. (Эй, Муҳаммад, уларга) айтинг: «Сизлар имон келтирганингиз йўқ, лекин сизлар «Исломга кирдик», денглар! (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир». (Ҳужурот сураси, 14-оят). «Ислом билан яшаш» рутбасидан «имон билан яшаш» даражасига кўтарилиш шартларини Ҳамадоний шундай баён қилади: «Ислом оромгоҳи ва тасалли топиш оламидан иймоннинг тасалли топиш оламига сафар қилиш учун зикр фикрга, амал мушоҳадага, кўз ғайбга, нафс кўнгилга, ошкоралик яширинликка ва ниҳоят зоҳир ботинга айланиши керак».

Демак, ислом Ҳақ таолонинг борлиги ва бирлигини тан олиб, унга сўзсиз бўйсуниш бўлса, имон тафаккурни талаб қилади, ислом зоҳирий бўйсуниш билан мукаммал ҳисобланса, имон кўнгилга эътиборни, ботиний мушоҳадани тақозо этади.

Пири муршид тилга олган учинчи рутба – «эҳсон билан яшаш» китобда шундай таърифланади: Ҳазрати Жаброил (а.с.)нинг «Эҳсон нима?» деб берган саволларига Расулуллоҳ: “Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилишдир. Сен Уни кўрмасанг ҳам, у сени кўриб туради», деб жавоб берганлар.

Юсуф Ҳамадоний айтадики: «Иймон-ла ҳаёт кечирмоқ ҳар қанча юксак мартаба бўлгани билан, эҳсон билан яшаш самоларининг замини - тупроғи кабидир». Аслида инсон ўз қилаётган ишларининг, хатто кўнглидан ўтказган хаёлларининг бирортаси Аллоҳдан ширин қолмаслигини доимий ҳис қилиб турса, унинг барча амали ибодатга айланади, чунки у ҳар бир қадамини ўткинчи ҳою-ҳаваслар йўлида, худбинлик мақсадларида эмас, фақат Ҳақ ризолиги учун босишга ўрганади. Ҳақ ризолиги учун босилган ҳар бир қадам эса ҳақиқий ибодатдир.

Юсуф Ҳамадоний Имом Ғаззолийнинг кичик замондоши эди. Унинг ҳаёти ақл ва тафаккурга таяниш устун бўлган даврдан кўнгилни поклаш, ботиний оламга эътибор биринчи ўринга кўтарила бошлаган давр оралиғида ўтди. Шу сабабдан унинг қарашларида тафаккур ва кўнгилга, ботиний оламга эътибор тамойиллари муштарак шаклда ифода этилган. Аммо тарихий воқеликда жараён бошқача кечди. XI аср охирлари – XII аср бошларига келиб тасаввуфий шеъриятда ақл ва ишқни, Ҳақиқат ва мажозни бир-бирига зидлаштириш тамойили кучайиб кетди. Бундай ҳолат яна Борлиқ ҳақиқатини бир томонлама талқин этишга, инсон маънавий оламида уйғунликнинг бузилишига олиб келиши мумкин эди. Тасаввуфда худбинлик ва ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилишни инкор этишдан умуман инсоннинг моддий эҳтиёжларини унинг маънавий камолот йўлидаги ғов, деб тушунишга ўтиб

кетиб қолиш хавфи йўқ эмас эди. Ваҳоланки, инсон соф маънавий оламдан иборат қилиб яратилмаган.

Қисқаси, эндиликда эҳсон билан яшашнинг ижтимоий моҳияти нимада деган саволга жавоб бериш зарурати туғилган эди. Буюк хамсанавислар – Низомий, Деҳлавий, Навоий – ана шу муаммони ўз ижодларига бош мавзу қилиб олдилар. Тасаввуф ва ирфоннинг ниҳоий мақсади маънавий комиллик бўлса, «мажоз тариқи» намояндалари ана шу комил инсонлар, яъни Борлиқ ҳақиқатини англаб етган орифларнинг ҳаётий мақсадлари нимага қаратилганлигини таҳлил этиш ва очиб кўрсатиш эди. Тасаввуфда бу ғояни Баҳоуддин Нақшбанд қисқа қилиб «Дил ба ёру даст ба кор» (Дилда Аллоҳ ёди билан ҳар ишга Ҳақ ризолиги йўлида киришиш) деб ифода қилди.

XI – XII асрлардан мусулмон дунёсида кенг тарқала бошлаган суфийлик сулуклари ўзликни англаш, кўнгилни поклаш йўли эди. Аммо ўзликни англаш билан иш битмайди. Руҳий дунёсини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлашувига эришган инсонларни дарҳақиқат маънавий баркамол шахслар деб аташ мумкин. Аммо бундай шахслар ҳеч бир даврда жамиятда аксариятни ташкил қилмайди. Хўш, ҳали маънавий камолот касб этмаган аксарият оммага нисбатан қандай ёндошув лозим? Шу ўринда бир масалага эътибор қаратиб ўтиш лозим. Кимни имонли деб билиш керак, деган саволга икки хил жавоб мавжуд. Бири – Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, Муҳаммад (с.а.в.) унинг охирги пайғамбари эканлигини тан олиш. Кимки шу ақидани тилида эътироф қилиб, дилида тасдиқласа – ўша одам мусулмон деб тан олиниши шарт. Аммо тилдаги эътирофни биз эшитамиз, дилдаги тасдиқни эса Аллоҳ билади – биз билмаймиз. Демак, кимки тилда ушбу ақидани тан олдими, биз уни мусулмон ҳисоблашимиз керак бўлади. Қолган гуноҳ ва савоблари – Аллоҳ ва банда орасидаги ботиний муносабатга тегишли. Бу ҳар бир шахснинг ўзгалар имонига муносабатини белгиловчи ёндошув. Иккинчи ёндошув – одамнинг ўз-ўзига сарҳисоби. Аниқроғи ҳар бир шахснинг Аллоҳ олдидаги масъулияти. Ҳужурот сураси 14-15 оятларининг мазмуни, Юсуф Ҳамадонийнинг ислом, имон ва эҳсон хусусидаги мулоҳазалари айни шу иккинчи ёндошувга алоқадор.

Шундай қилиб, мусулмон маънавиятида тавҳид ғояси асрдан-асрга такомил топиб борди. Дастлабки асоси “Ло илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадин расулиллоҳ” иборасида ўз аксини топган бу ғоя Сунна босқичида (VIII-IX асрлар) “фақат ягона Аллоҳгина сиғинишга сазовор зот” мазмунини ифодалаган бўлса, Ислом маърифатчилиги босқичига (X-XI асрлар) келиб, унинг мазмуни кенгайди. Рус тилида “единобожие” атамаси билан англатиладиган дастлабки мазмун ривожлантирилган ҳолда “ягона Аллоҳ яратган Борлиқ ул зот белгилаб берган ягона қонуниятлар асосида ривожланади ва уларни жиддий илмий ўрганиш айни Аллоҳ ибодатининг энг муҳим жиҳати, яъни илм фарзи ҳисобланади” деган мазмунни ўзига қамраб ола бошлади. Энди бу маънодаги Тавҳид ғояси рус тилида “единобытие” атамаси орқали ифодаланувчи “Борлиқнинг ягоналиги” мазмуни билан бойиди.

Аммо ягона Борлиқнинг қонуниятларини ўрганиш билан одамзотнинг мушкуллари ечилмади, фозил жамият ҳақидаги орзулари ушалмади. Маълум бўлдики, “инсон вужудида ақл - подшоҳ” деган ақида фақат ширин орзу экан, аслида инсонлар ҳақиқатни билиб туриб ҳам ўз ҳою-ҳаваслари йўлида ноҳақ йўлларга озиб кетишлари ҳар қадамда учраб турадиган ҳодиса экан. Шу аччиқ тажрибалардан хулоса чиқариб, XII-XIII асрларда тасаввуф пирлари Ғаззолий сўзлари билан айтганда “инсон вужудида кўнгил - подшоҳ, ақл эса унинг вазири, яъни маслаҳатчисидир” деган қарашни олға сурдилар. Бундан хулоса, демак, ҳақ йўлни

топиш ва ҳақиқий бахтга эришиш учун кўнгилни поклаш лозим бўлади. Хўш, кўнгилни поклаш қандай амалга оширилади? Бунинг учун туйғуларни тарбиялаш зарур. Туйғулар тарбиясидаги энг таъсирчан ва қудратли восита бу ишқ-муҳаббатдир. Аммо, дейди суфийлар, мавжуд моддий дунё унсурлари, жумладан, инсон умри ҳам, гўзаллиги ҳам ўткинчи, бугун – бор, эртага – йўқ. Ягона азалий ва абадий зот – Парвардигор. Демак, ҳақиқий Борлиқ – Аллоҳнинг борлиғи. Қолганлари – бари ўткинчи, фоний. Кўнгилнинг ҳақиқий поклигига ягона Аллоҳ ишқи ("ишқи ҳақиқий") орқали эришилади. Шундай қилиб, тасаввуф пири муршидлари тавҳид ғоясини яна янги мазмун билан бойитдилар.

Агар ҳақиқий Борлиқ Аллоҳнинг борлиғи бўлса, биз кўриб турган моддий борлиқни қандай баҳолаш керак? Тасаввуф таълимотининг бунга жавобида шундай тимсолий талқин келтирилади: Ибтидода фақат Аллоҳ бўлган, у азалий ва абадий зот шу билан бирга мутлақ ҳусн эгаси. Муайян бир даврга келиб ягона Парвардигорда ўз мутлақ ҳуснини тамоша қилмоқ иштиёқи пайдо бўлади ва шунда бу моддий оламни ўз ҳуснини акс эттирувчи кўзгу сифатида яратишни ирода қилади. Демак, биз кўриб турган бу ёруғ олам – Аллоҳнинг мутлақ жамолини акс эттирувчи ойина, унда жилва қилувчи барча нарса-ҳодисалар эса ҳақиқий воқеликнинг кўзгудаги акси, сароб, "мажоз"[1]. Шундан адабиётга "ишқи ҳақиқий" ва "ишқи мажозий" тушунчалари кириб келди.

Дастлаб бу тушунчалар бир-бирига зидлаштириб ишлатила бошлади. Агар Аттор XIII аср бошларида инсонни "мажоз"га ("сурат"га, яъни бу фоний дунё нарса-ҳодисаларига) маҳлиё бўлишдан қайтариб, унинг нигоҳини "маъно"га, (асл "ҳақиқат"га, яъни азалий ва абадий зот бўлмиш Аллоҳга) қаратишга уринган бўлса, XIV асрга келиб Амир Хусрав ўз ижодида "ишқи ҳақиқий"ни эмас, балки "ишқи мажозий"ни куйлашни мақсад қилиб қўйганлигини очиқ баён қилди. XV асрда Алишер Навоий ғайбий устозлари Низомий ва Амир Хусрав изидан бориб "Хамса" достонлар туркумини тўлиғича айни "ишқи мажозий"ни куйлашга бағишлади. Аммо бундан, демак, Амир Хусрав ва Алишер Навоийлар "ишқи ҳақиқий"га салбий муносабатда экан-да, деган хулоса чиқмайди. Шу билан бирга бу шоирлар талқинидаги "ишқи мажозий"ни шўролар даврида кўп ишлатиладиган "дунёвий муҳаббат" маъносида талқин қилиш ҳам асли ҳақиқатни ифодаламайди. Масала бундай жўн талқинлардан кўра анча мураккаброқ.

Алишер Навоий ўз ғазаллари ва "Хамса" туркуми достонларида устозлари изидан бориб, бевосита "ишқи мажозий"ни куйлаган бўлса, ўзининг охирги икки асари "Лисон ут-тайр" ва «Маҳбуб ул-қулуб»да ушбу мураккаб тимсол-тушунчанинг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини назарий жиҳатдан мукаммал тушунтириб берди. "Лисон ут-тайр" достонида шоирнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари мажозий йўсинда – қушларнинг Симурғ сари сафари тафсилотлари шаклида тасвирланган бўлса, «Маҳбуб ул-қулуб»да "ишқ" тимсол-тушунчасининг янгича талқини орқали бевосита назарий далиллаб берилди. Навоийгача тасаввуфий қарашларда бу тимсол-тушунча икки қисмга ("ишқи ҳақиқий" ва "ишқи мажозий"га) тақсимланганлигини кўриб ўтдик. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисми 3-бобида "ишқ"ни 3 қисмга ажратади: "авом ишқи", "хавос ишқи"(ёки "хос ишқ") ва "сиддиқлар ишқи". Аллома шоир бу билан тасаввуф аҳли қарашларини рад этмайди, балки улар ғоясини янгича ёндошувлар билан бойитади. Суфийлар "ишқ" тимсол-тушунча-

[1] "***Мажоз***" сўзининг энг умумий мазмунида "*кўчма маъно*" тушунчаси бор. Тасаввуфий истилоҳда эса "***мажоз***" бизнинг тасаввуримиздаги "*моддий дунё*"ни англатиб, ғайб оламига, маънавий оламга ишора бўлган "***ҳақиқат***" тушунчасига зид маъно беради. Рус тилига буни "***инобытие***" деб ўгиришади.

сини икки қисмга бўлганда, бу ишқ туйғусининг кимга қаратилганидан (объектидан) келиб чиққан эдилар, яъни биринчиси (“ишқи ҳақиқий”) Аллоҳга (Холиққа) йўналтирилган (“ишқи илоҳий”) ва иккинчиси (“ишқи мажозий”) бандаларга (махлуққа) йўналтирилган (“ишқи инсоний”). Навоий бу тимсол-тушунчани 3 қисмга ажратганда туйғу субъектининг (эгасининг) маънавий такомил ҳолатидан келиб чиқди, яъни “авом ишқи” ҳануз маънавий камолот касб этмаган жоҳилият ҳолатидаги инсонлар туйғусини англатса, “хавос ишқи”(ёки “хос ишқ”) юксак маънавий баркамолликка эришган, яъни Борлиқ ҳақиқатининг моҳиятини англаб етиб, ўз руҳини ушбу Олий ҳақиқат билан уйғунлаштира олган ориф инсонлар қалбини забт этган пок туйғуни назарда тутди. Бундай олий туйғуни шоир шундай таърифлайди:

“Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ”.[1] («Иккинчи қисм – алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади”).[2]

Матн давомида “ишқ аҳлининг покбозлари” қаторида Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий ва Хожа Ҳофиз Шерозийлар таъриф қилинади.

Навоий «Хамса»нинг беш достонида «мажозий ишқ»нинг мукаммал бадиий тасвири ва талқинини яратди. «Хамса» достонлари «мажозий ишқ» тасвиридаги энг мукаммал тизим даражасига кўтарилган яхлит бадиият олами бўлиб, уни Борлиқ ҳақиқатининг бадиий модели дейиш мумкин. Бу моделга жон бахш этувчи ички қувват манбаи эса – ишқ. Ишқни Навоий инсон учун ўзликни англаш йўли, “Ҳақиқат асрори” ганжинасининг калити деб билади. Шоир “Лайли ва Мажнун” хотимасида муҳаббатга ғаройиб кимиё, яъни мисни олтинга айлантира олувчи сеҳрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу, деб таъриф беради. Бунинг маъноси шуки, Алишер Навоий, салафлари Низомий ва Деҳлавийлар анъанасини давом эттириб, бадиий ва илмий-ижтимоий тафаккурида «ишқ» тушунчасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтайи назаридан қарайди ва шу асосда «мажозий ишқ»ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради.

Шундай қилиб, ислом минтақа маънавиятининг биринчи босқичида “ягона Аллоҳга имон келтириш” (“единобожие” маъносидаги тавҳид ғояси, кейинги даврга келиб Форобий ва Ибн Синолар ижодида “Борлиқнинг ягоналиги ” (“единобытие”) маъноси билан бойитилди. Суфийлар инсон маънавий такомилига эътибор қаратиб, “ҳақиқат” ва “мажоз” тушунчаларини жорий қилдилар. Бу фоний дунёни ҳақиқий Борлиқнинг кўзгудаги акси («инобытие») деб ҳисобладилар ва инсонларни ўткинчи ҳою ҳаваслардан воз кечиб, ҳақиқий (азалий ва абадий) Борлиқ бўлмиш ягона Аллоҳни севишга ундадилар. “Мажоз тариқи” вакиллари эса пайғамбаримиз (с.а.в) даъватларидан (“Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат” – мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) келиб чиқиб, Аллоҳни севиш у яратган олам ва ундаги мавжудотларга (давр терминида “мажоз”га) меҳр қўйиш билан исботланади, фақат бу меҳр пок ва беғараз бўлиши керак, деган хулосага келдилар. Алишер Навоий “ха-

[1] Алишер Навоий. Асарлар 13-ж., с.42.
[2] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, с.52

вос ишқи”(ёки “хос ишқ”) деганда айни маънавий камолот касб этган, яъни орифлик даражасига эришган инсонларга хос бўлган беғараз ва пок меҳрни назарда тутган эди. Демак, Алишер Навоий ўзининг меҳр концепцияси билан тавҳид ғоясини янги, тўртинчи ва энг юксак босқичга кўтарди. Бу босқичда, ниҳоят, маънавий ва моддий оламнинг ички уйғунлиги таъминланди, имон ва илм, риёзат ва меҳр инсон руҳида бирлашди[1].

[1] Европа ва ислом дунёси фалсафий қарашларидаги асосий фарқ шундаки, Ғарб файласуфлари аксарият ҳолатда бир-бирини рад қилувчи тизимлар яратади, бизнинг минтақада эса одатда халафлар салафларни рад қилиш йўлидан эмас, балки уларнинг қарашларини инкор қилмаган ҳолда, янада тўлдириб, мазмунан бойитиш йўлидан борадилар ва бу билан миллатнинг маънавий такомилида изчилликка эришилади.

НАВОИЙ ВА ТАСАВВУФ

(Муаммони ўрганишнинг баъзи жиҳатлари)

Алишер Навоийнинг тасаввуфга муносабати масаласи ҳанузгача турли очиқ ва очиқ айтилмаган баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Масалан, Алишер Навоий ҳақида рус тилида интернетда берилган қисқача маълумотномада қуйидаги таъриф келтирилган: "*выдающийся поэт Востока. Философ*". Шоирнинг шахсий ҳаёти ҳақида: "*Как мыслитель Алишер Навои входил в дервишский суфийский орден Накшбанди. Следуя этике суфия, Навои соблюдал безбрачие и не имел гарема*"[1] (Vikipedia маълумоти). Бу албатта, мутахассис бўлмаган одамнинг гапи. Бошқа мисолни кўрайлик.

Профессор Санжар Содиқнинг ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш масаласига бағишланган "*Янги ўзбек адабиёти*" мақоласида жумладан шундай фикрлар билдирилади:

"... XX аср ўзбек сўз санъати ***дунёвий адабиёт*** *сифатида майдонга чиқди. Унга қадар бизнинг тарихимизда тўла маънодаги* ***дунёвий адабиёт бўлмаган****. Тўғри, деярли шу пайтга қадар XIV–XV асрлардаги ўзбек адабиёти «дунёвий адабиёт» деб келинар эди. Фақат бу атама ўша давр адабиётига мутлақо мос келмайдиган, нотўғри қўлланган термин ҳисобланади. Чунки XIV–XV асрлар ўзбек сўз санъатида, хусусан, унинг чўққиси бўлган Алишер Навоий ижодида дунёвий руҳ эмас, балки илоҳий мазмун етакчилик қилади. Бунга иқрор бўлмоқ учун унинг ижодида адабиётнинг азалий масаласи бўлмиш муҳаббат мавзуси қандай талқин этилганлигини эслаш кифоя. Навоий лирикасида муҳаббат қўйилган, мадҳ этилган маҳбуб кўп ўринда Оллоҳдир. Баъзида шоир чиндан ҳам ерда мавжуд гўзал қизга нисбатан ишқни куйлаган бўлса-да, қаерда Худо, қай ўринда аёл мадҳ этилганлигини аниқ ажратиб олиш жуда қийин ёки деярли мумкин эмас, чунки улуғ санъаткор иккаласининг тасвирида ҳам бир хил воситалардан, ташбеҳлардан фойдалана берган. Бундай ҳол фақат Навоий ижодида эмас, балки бутун муттоз ўзбек адабиётида яна бир неча аср давом этган. Фикримизнинг далили учун Навоийнинг энг машҳур ғазалларидан бир мисол эслашимиз кифоя:*

Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Мазкур байтдаги «сарви гул» тимсоли муттоз адабиётда ердаги қадди-қомати келишган қиз суратини чизишда ҳам, Оллоҳнинг хаёлий қиёфасини гавдалантиришда ҳам бир хилда қўлланаверган. Демак, бу ташбеҳга қараб, ошиқнинг кимни кутаётганлигини аниқлаш мумкин эмас. Бироқ матнни чуқурроқ идрок этсак, унинг кимни кутаётганлигини қай даражададир аниқласа бўлади. Одатда, ерда чиндан ҳам мавжуд қизнинг севгилиси ҳузурига кечаси келиши анча ғайритабиий ҳисобланади. Ошиқнинг ёлғиз қолганда, айниқса, тунда хаёлан Оллоҳни кутиши эса, ўта мантиқли ва табиий бир руҳий ҳолатдир. Худди шунингдек, ошиқ қанча кутгани, ухламагани, йиғлагани билан Худонинг унинг олдига тўғридаи-тўғри келмаслиги ҳам ҳеч шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатдир. Демак,

[1] Навоийнинг оила қурмаганлигининг бундай изоҳланиши нотўғри, албатта. Улуғ шоирнинг устози ва тасаввуфий пири Абдураҳмон Жомий оилали, бола-чақали бўлганлиги ўзи бундай талқиннинг асоссизлигига ёрқин мисол.

«сарви гулрў» деганда, шоирнинг Оллоҳни кўзда тутганлиги ҳақиқатга кўпроқ яқиндир. Буни яна жуда кўп ғазаллар мисолида исботлаш мумкин. Ҳатто жуда оддий маиший масалалар, ерда кўриниб турган нарсалар ҳақида гапирилган асарларда ҳам моҳият эътибори билан илоҳий руҳ ҳукмронлиги сезилиб туради. Масалан, шоир Махмурнинг машҳур «Ҳапалак» шеърида қишлоқнинг ўта хароблиги, уйларнинг вайрона ва каталаклиги, одамларнинг ажириқ томиридан сумалак пишириб ейиши сингари ҳаёт тафсилотлари тилга олинади. Лекин ғазал:

Эй жаҳондори зафар кавкабаи даври фалак,
Гўш қил қиссаи – қишлоғи хароби Ҳапалак -

деган худога мурожаат билан бошланадики, бу ҳол шоирнинг дунёни моҳият эътибори билан илоҳиётга боғлиқ ҳолда идрок этганлигидан далолат беради. Худди шунга ўхшаш яна бир мисол ҳаммамизга болалигимиздан жуда яхши таниш. Ёшликда ҳаммамиз шоир Гулханийнинг: «Ҳазратим, очликдан ўлдим, егани нон бер манга»,–деб бошланувчи ғазалини ёд олганмиз[1]. Юзаки қараганда, унда нон, очлик, қашшоқлик сингари кундалик инсоний ташвишлар ҳақида гап боради. Лекин шоир аҳволнинг яхшиланишини, хатто нон беришни сўраб, Худога илтижо қилади, чунки у "ҳазратим" деганда, тангрини кўзда тутади."[2]

Бундан 15-20 йиллар аввал қўқонлик қизиқувчан бир дўстим коинот сирларига оид мураккаб бир ҳодисанинг математик моделини тузиш масаласини кўтариб қолди. Мен уни математика фанлари доктори, яхши бир тенгдош дўстимиз олдига етаклаб бордим. Биздан масаланинг моҳиятини муфассал суруштириб олгач, олим дўстимиз айтдики, "*узр, бу муаммо менинг соҳамдан узоқроқ экан, буни математиканинг фалон йўналиши билан шуғулланувчи олимлар ечиб бериши мумкин".* Афсуски, ижтимоий фанларнинг кўпида, айниқса, адабиётшуносликда, маънавият назарияси соҳаларида, шундай жиддий ёндошув етишмаётир. Тўғри келган одам ўзи яхши билмаган соҳада бемалол фикр билдириб, буни яна илм деб тасаввур қилиши оддий ҳол бўлиб қолди. Умр бўйи ҳозирги замон ўзбек адабиёти билан шуғулланиб келган яхшигина олим, фан доктори, профессор бирдан ўзи яхши билмаган мавзуга кириб қолса, хаёлида туғилган мулоҳазаларини китоб саҳифасига олиб чиқмай туриб бирор яхши мутахассис билан маслаҳатлашиб олса тузук бўлармиди, деб ўйладим аввал. Сўнг масалага жиддий ёндошув асли биз - мумтоз адабиёт тадқиқотчиларининг ўзида ҳам етишмаслигини англаб қолдим. Сабаби, собиқ қарамлик даври асоратларидан ҳали ўзимиз ҳам астойдил чиқиб кета олганимиз йўқ, шекилли. Ёзилаётган китобларда янги фактлар, батафсил таҳлиллар учрайди. Аммо хулосалар яна ўша-ўша, энг умумий гаплардан нари ўтиш йўқ.

Навоий ижодининг мураккаб жиҳатлари мавжудлигини сезишга профессор Санжар Содиқнинг адабий-илмий иқтидори кифоя қилган. Аммо бу мураккабликларнинг моҳиятини тўғри идрок эта билиш учун иқтидорнинг ўзи етарли бўлмай қолади. Мумтоз адабиёт алоҳида бир соҳа. Унинг сирларини англаш учун умрни бағишлаш керак бўлади.

---

[1] Бу таржима, аслида Гулханий шеъри "*бидеҳ*" (бер) радифи билан форсча ёзилган, шоир расман шоҳнинг навкари ҳисобланган ва у ҳукмдордан ўз қонуний ҳақини талаб қилмоқда.
[2] Санжар Содиқ. Сўз санъати жозибаси.Т., "Ўзбекистон",1996, с.96-98.

"*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*" газетасининг 2009 йил 4 декабрь сонида ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими Аъзам Қозихўжанинг "*Ғазалнинг серовоз олами*" сарлавҳаси билан каттагина бир мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада асосан шеърий нутқда ички диалог масаласи қўйилган бўлиб, Алишер Навоийнинг

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани бар бод бил -

матлаъли ғазали тўлиқ таҳлил қилинган. Мақолада Шайх Абдулқоҳир Журжонийнинг (ваф.1078) "*Далойил ул-иъжоз*"[1], Абдураҳмон Қазвинийнинг – "*Талхис ул-мифтоҳ*" асарларида маоний илми бўйича билдирилган фикрларга таянган ҳолда анча қизиқарли мулоҳазалар баён қилинган. Аммо хулосага эътибор қилайлик: "*Шариатдан чиқмасдан тариқатда яшаш, шариат ва тариқатни бир-биридан айро кўрмаслик, айнан Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тариқатининг йўли, аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди, ҳанафийлик мазҳабидир*". Тадқиқотчи ёзади: "*Навоий даҳоси ... бутун ғазалда башарни ожиз қолдирувчи* ***иъжоз мақоми****га кўтарилади*". Тўғри. Аммо яна ўша ҳолат. Таҳлил - янги, хулоса – эски.

И.Кант айтадики, ҳақиқий мавжуд воқелик – "*нарса ўзида*", биз уни билолмаймиз, фақат ўз онгимиздаги қолипларга таяниб хулосалар чиқарамиз. Айни шундай. Онгимиздаги қолипларимиз эса жуда жўнлашиб кетган. Қадимда хитой аёлларининг оёқларига болалигидан ёғоч ковушлар кийдириб қўйилар экан. Шундан уларнинг оёқлари табиий равишда ўсишига йўл қўйилмай, боланинг оёғидек кичкина бўлиб қолар экан. Бизнинг онгимизни исканжага олган қолипларга шундай ўрганиб қолганмизки, уларни аллақачон ечиб ташлаш кераклиги хаёлимизга ҳам келмайди. Чунки асл ҳақиқатни излаш учун вақтимиз ҳам, ҳавфсаламиз ҳам, қунтимиз ҳам йўқ. Асл ҳақиқатни излаб топиш эса осон иш эмас. Ҳеч қачон Навоийнинг бир ғазалини таҳлил қилиб уни топиб бўлмайди. Бир ғазалини тўғри таҳлил қилиб, ҳақиқий баҳо бериш учун шоирнинг бутун ижодини мукаммал билиш керак. Бунинг учун эса бутун минтақа маънавиятини билиш керак. Фақат адабиётини эмас, бутун маънавиятини. Бунинг учун жаҳон аҳволини билиш талаб этилади. Бу билимларни эгаллаш учун эса бутун умрни бағишлаганимизда ҳам, агар Аллоҳ ўзи қўлламаса, бирор-бир салмоқли натижага эришиш осон эмас.

Алишер Навоий ижоди мусулмон минтақа маданиятининг кўп асрлик ривожи ҳосиласидир. Ўз навбатида бу минтақа маданияти жаҳон маданиятининг муҳим ва салмоқли узвий қпсмларидан бири ҳисобланади. Бу минтақа маданиятининг ўзига хос қарашлар тизими, Борлиқни идрок этишнинг мустақил йўналиши мавжуд.

Алишер Навоий ижоди ушбу анъаналар асосида ўрганилмас экан, уни бегона қолипларга солишга уриниш, ёки чала гаплар билан қаноатланиш кутилган натижани бермайди, асл ҳақиқатга олиб бормайди. Токи биз Навоийни тўғри тушунмас эканмиз, ўзлигимизни ҳам англаб ета олмаймиз, чунки Навоий бизнинг ўзлигимизни ўзимизга танитган улуғ устоз, миллатимизнинг ҳақиқий ва бош мураббийсидир.

Бугунги кунда шоир ижодини баъзан диний мотивлар, баъзан тасаввуф аньаналари нуқтайи назаридан талқин этишга уринишлар, бу соҳадаги оқсашлар ва чал-

[1] Мақола матнида асар муаллифининг номи "Абдулқодир Жузжоний" деб хато берилган. Бу қўпол хато тадқиқотчиникими, ёки мақолани нашрга тайёрлаган газета ходими адашганми, билолмадик.

кашликларнинг жиддийлигини, ҳар бир минтақа бадиий ижод тажрибасини ўша заминда туғилган илмий тушунчалар системаси асосида англаб етишга уриниш лозим эканлигини кўрсатиб турибди. Бунда, бир жиҳатдан, Алишер Навоий бадиий тафаккури минтақа фалсафий, илмий, диний, ирфоний, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан боғлиқ эканлиги, иккинчи жиҳатдан, бу тафаккур йўналишининг ўзга йўналишлардан моҳиятан мустақиллиги, ўз ички ривожланиш қонунларига, мукаммал ички қурилишга эга эканлигини ҳис қилиб, ушбу қонуниятларни минтақа адабиёт илми ва шоирнинг ўз назарий хулосаларига асосланган ҳолда, унинг асарлари мураккаб мазмунидан келиб чиқиб очиб беришга астойдил интилиш зарурдир.

VIII-IX асрларда бадиий адабиёт бутун минтақа бўйлаб асосан араб тилида яратилган бўлса, IX аср охирларидан минтақада бадиий адабиётнинг қамрови ва кўлами беқиёс кенгайиб, араб тилидаги адабиёт ёнига Хуросон ва Мовароуннаҳрда форсий ва туркий тиллардаги мумтоз шеърият қўшилди. Қудратли маҳаллий ҳукмдорлар – Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар саройлари доирасида бу тилларда мустақил адабий мактаблар шаклланди. Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги илк мумтоз шеърият мактаби Сомонийлар даврида юз кўрсатган бўлса, Ғазнавийлар саройида форс тилида ва Қорахонийлар саройида туркий ва форсий тиллардаги шеърият ривож топди. Унсурий, Фарруҳий, Манучеҳрий ва бошқалар яратган мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналари, Фирдавсий нинг 60 минг байтли “Шоҳнома”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони, Носир Хисрав ва Абул Аъло ал-Маарриийнинг юксак фалсафий мазмундаги асарлари шу давр маҳсули эди.

Бу даврнинг энг асосий хусусияти ақлга таяниш эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Бу ғоя бадиий адабиётда ҳам етакчи ўрин тутганлигининг исботи сифатида Рудакийнинг кичик замондоши Абу Шукур Балхийнинг қуйидаги мисраларини эслаб ўтиш кифоя:

Хирадманд гўяд: “Хирад – подшо-ст,
Ки бар хос-у бар ом фармонраво-ст.
Хирадро тани одаме лашкар аст,
Ҳаме шаҳват-у орзу чокар аст.
(Ақлликлар айтур, ақл – подшодир,
Ақл барчага бир фармонраводир.
Тана аъзолари – ақл лашкари,
Шаҳвату орзулар унинг чокари.)

Бундай фикрларни Рудакийда ҳам, Фирдавсийда ҳам, Юсуф Хос Ҳожибда ҳам, Носир Хисрав асарларида ҳам учратиш мумкин. Бу давр алломалари барчаси имонли, тақволи, чин маънодаги мусулмон инсонлар, аммо тавҳид ғоялари ҳали булар онгида Сунна босқичи даражасида англаб етилган, тавҳид таълимотининг маъно тераникларини қидириш аксарият ҳолларда ҳануз бу давр шеъриятига хос эмас. Шулардан келиб чиқиб, VIII - XI асрлар араб, форс ва туркий тиллардаги мумтоз бадиий наср ва шеъриятга нисбатан “дунёвий адабиёт” тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бу давр адабиётида тасаввуфий-ирфоний оқим ҳам шакллана бошлаган бўлиб, Абусаид Абулхайр (967-1049) ва Бобо Тоҳири Уръён (ваф. 1055) рубоийлари бунга мисол бўла олади[1]. Аммо бу йўналиш XI аср адабиётида ҳануз ўзининг тўлақонли ифодасини топган эмас эди.

VIII - XI асрларда ислом минтақасида шаклланган илмий доиралар сингари турли адабий мактаблар ҳам кўпроқ у ёки бу ҳукмдор саройида марказлашган бўлиб, уларнинг мазмуний мундарижасида мадҳ, тағаззул, хамриёт, зуҳдиёт, ҳижо (ҳажв) каби соф дунёвий мавзу турлари етакчилик қиларди.

Аммо XII асрга келиб энди бу мавзулар улуғ мутафаккир шоирларни қониқтирмай қўйди. Улар бирин-кетин бу йўналишни тарк эта бошладилар. Анварий ёзади:

Ғазалу мадҳу ҳичо – ҳар се бад-он мегуфтам,
Ки маро шаҳвату ҳирсу ғазаби буд ба ҳам...[2]

(Ишқий ғазаллар, мадҳиялар, ҳажв – ҳар уч йўналишда шеърлар битганим сабаби,
Қонимда шаҳвату ҳирсу ғазаб туйғулари жўш урганидандир...)

XII аср шоирининг бу эътирофлари энди минтақа мумтоз шеъриятидаги катта бир босқич ниҳоясига етиб, бадиий тафаккурнинг янги босқичи бошланаётганининг нишонаси эди.

Навоийнинг "Маҳбуб ул- қулуб" рисоласи "Аввалги қисм"идаги минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларга бағишланган 16-фаслида асосан XII-XV асрларда яшаб ижод этган қатор шоирлар тилга олиниб, улар бир неча гуруҳга ажратилади. Булар ичида тарихан энг биринчиси Абдулмажид Саноий (1048 - 1140) бўлса, ундан кейин XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган Абдулвосиъ Жабалий (вафоти 1160), Анварий (вафоти 1191), Асириддин Ахсикатий (1108-1196), Хоқоний (1120-1199), Зоҳир Фарёбий (вафоти 1202) кабилар санаб ўтилади. Булар барчаси биринчилардан бўлиб саройни ва мадҳиягуйликни тарк этган, шеъриятга жиддий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирган улуғ мутафаккир ижодкорлар эди. Чунончи Саноийнинг "Сайрул-ибод илал-маод" (Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари) ва 10 минг байтдан ортиқ ҳажмдаги "Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа" (Ҳақиқат боғлари) достонлари минтақа адабиётида янгича йўналишга асос солганлиги маълум ва машҳурдир. Саноий ва Анварийлар бошлаб берган шеъриятга янгича ёндошув уларнинг яқин издошлари – XII аср охирги чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърият осмонида порлаган икки ёрқин юлдуз Низомий Ганжавий ва Фаридиддин Аттор (1147-1229) сиймолари мисолида икки алоҳида йўналиш бўйича ривож олди.

Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади: бири – инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи; иккинчиси – инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати.

---

[1] Таронаҳои дилангез. Душанбе, "Ирфон", 1986, с. 5-64 (11-84).
[2] Самадов Т. Анвари ва газалиёти у. Душанбе, 1988, С.26

Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади. Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

Кейинчалик Жалолиддин Румий ёзган эди:

Аттор руҳ буду Саноий ду чашми ў,
Мо аз паи Саноию Аттор омадем.[1]
(Аттор руҳ эди, Саноий унинг икки кўзи, Биз Саноий ва Аттор изидан келдик.)

Саноий “икки кўз”га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. Аттор эса “руҳ” – унинг назмдан мақсади “асрори илоҳий адоси” (“илоҳий сирларни баён этиш”) – инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. “Маснавийи маънавий”дек буюк ирфоний қомусни яратган Жалолиддин Румий ҳам айни шу йўлдан борди. Тасаввуф шеъриятининг моҳияти аслида шу.

XII - XIII асрлар мобайнида ислом минтақа маданияти доирасида ирфоний шеърият ва тасаввуф фалсафаси юксак чўққиларга кўтарилди. Аттор ва Румийларнинг тасаввуфий эҳтиросга йўғрилган буюк эпик асарлари, ирфоний ишқнинг оташин куйчиси Ибн ал-Фарид (1181-1234) шеърияти ва Ибн ал-Арабий (1165-1240) яратган тимсолий тафаккурнинг мумтоз намунаси “Футуҳоти Маккия” асари ушбу давр минтақа маънавиятининг ноёб намуналаридир.

Низомий Ганжавий эса фақат инсон руҳиятининг ички қатламларига теран назар ташлаш билан чекланиб қолмай, ўз достонларида шахснинг Ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди, яъни, унинг асарларида ирфоний ва ижтимоий муаммолар олий бир уйғунликда ифодаланди. Айни шу уйғунлик ифодасига кейинчалик Алишер Навоий томонидан “мажоз тариқи” деб ном берилган эди.

Агар Навоий “ҳақиқат тариқининг суханвари” деб атаган Фаридидин Аттор XIII аср бошларида инсонларни “мажоз”, яъни ташқи моддий дунё ҳою-ҳавасларига берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) Ҳақиқати сари интилишга, ташқи суратга маҳлиё бўлмай, маънога, моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлса, шу аср охирларига келиб Фахриддин Ироқий (1207-1289), Авҳадиддин Кирмоний (вафоти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида “Ламаъот” асарини ёзган Ироқий “мажоз” ва “ҳақиқат” нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх Авҳадиддин Кирмоний ушбу нисбатни қуйидагича талқин этади:

З -он минигарам ба чашми сар дар сурат,
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.[2]
(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,
Суратда маънонинг изи бордир.

---

[2] Бертельс. Б.Э. Ибранные труды. Низами и Фузули. М. – «Наука»-1962, с.174.
2 Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. Т., 1968, с.166

Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)

Демак, Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириши лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир[1].

XIII аср охири - XIV аср бошларида Амир Хусрав Деҳлавий (1253-1325) Низомий достонларига биринчи бўлиб жавоб ёзди ва бу асарда "ишқи мажозий"ни куйлашни ўзига мақсад қилиб қўйганлигини очиқ намойиш қилди. Амир Хусрав "Хамса"си шу даражада шуҳрат қозондики, ундан кейин ислом минтақа шеъриятида "мажозий ишқ"ни куйлаш ва "Хамса" достонларига татаббуъ бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. XIV- XV асрлар минтақа маънавияти "Хамса" анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганда "Хамса"нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди.

Ислом минтақа адабиёти ривожидаги учинчи давр XIV-XV асрларни ўз ичига олиб, Алишер Навоийнинг бу ҳақдаги назарий мулоҳазаларига таянган ҳолда бу даврни миллий маънавиятимиз ва минтақа адабиёти ривожида "Мажоз тариқи" босқичи деб атасак, тарихан тўғри ёндошган бўламиз. Навоий бу йўналишдаги улуғ шоирлардан биринчи навбатда Амир Хусрав Деҳлавий ва Ҳофиз Шерозийларни тилга олади. Улардан кейин Деҳлавий изидан бориб ба ҳоли қудрат "хамсачилик" анъанасини давом эттирган Хожуйи Кирмоний, Салмон Соважий ва Котибийларни, ғазалнависликда Хожа Ҳофиздан улгу олиб "мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғиб"бўлган" Камол Хўжандий, Носир Бухорий, Шоҳий Сабзаворий каби XIV-XV асрларда яшаб ўтган қатор машҳур форсийзабон шоирларни санаб ўтади. Навоий туркигўй шоирлардан Мавлоно Лутфийни ҳам "мажоз тариқи"га мансуб деб эътироф этади.

Алишер Навоий ўз ижодида Амир Хусрав ва Ҳофизлар изидан бориб, бутун умр "ишқи мажозий"ни таърифлаган бўлса, якуний асари "Маҳбуб ул-қулуб" рисоласининг иккинчи қисмидаги "Ишқ зикрида" аталмиш 10-бобида бу туйғуни хавос ишқи (яъни, ўз нафсини енгиб ўтиб маънавий баркамолликка эришган ориф инсонларнинг ўзга инсонларга нисбатан беғараз, пок ишқи) деб номлаб, унинг «авом ишқи»дан ҳам, «сиддиқлар ишқи»дан ҳам фарқланишини таъкидлаб, ушбу муаммони мукаммал ҳал қилиб берди.

Навоий ушбу назарий хулосалари билан ўз севимли қаҳрамонлари Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун тимсолларида намоён бўлган бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ»нинг асл моҳиятини, яъни кўпчилик йигит-қизлар орасидаги оддий "ошиқ-маъшуқ"ликдан ҳам, тасаввуф аҳли "ишқи ҳақиқий" деб атаган ирфоний интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди.

Шарқ мумтоз адабиёти ривожида мажоз атамасининг турли маънолардаги талқинини учратамиз. Жумладан, "мажоз" усули "дунёвий адабиёт" вакиллари учун воқеликдаги би-

[1] "*Ирфоннинг ниҳоясидир*" деган хулосани "*энди ирфон ўтмишга айланди*", деган маънода талқин қилиш керак эмас, балки "*энди мавзуни бу даражада тушуниш етарли бўлмай қолди*" деган маънода қабул қилиш лозим.

рор оддий ҳодисани бадиийлаштириб тасвирлаш воситаси сифатида қўлланилган бўлса (масалан, Рудакийнинг “Модари май” қасидаси, ёки Манучеҳрийнинг шу мавзудаги мусаммати), тасаввуф шоирлари (масалан, Аттор ва Жомий достонларида) ундан ирфоний ғояларнинг аллегорик ифодаси сифатида фойдаландилар. “Мажоз тариқи” босқичида энди бу шунчаки бадиий тасвир воситаси эмас, балки Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва англатиш воситасига айланди.

Шундай қилиб, “Мажоз тариқи” босқичи ислом минтақа маънавияти такомилининг энг олий поғонаси, Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини сифатида моддий борлиқни тадқиқ этиш, табиатни тушуниш, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини идрок этиш йўли бўлиб, буюк истеъдод эгалари Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Лутфийлардан мерос бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган ўзига хос дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ягона ислом минтақа маънавияти такомилининг қонуний якуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобоколони ижодида авж нуқтага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат бадиий адабиётда, бадиий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, “мажоз” тушунчаси ўзи бадиий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

Аъзам Қозихўжа таҳлил этган ғазалга келсак –

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани бар бод бил -

матлаъли бу шеър Навоийнинг дастлаб 1465 йилда кўчирилган илк девони таркибига (№ 240) киритилган бўлиб, бу пайтда шоир энди 24 ёшга тўлган эди. Аввало, шу ёшдаёқ шоирнинг ирфоний қарашлари нақадар юксакликка кўтарилганига қойил қолмай иложимиз йўқ. Қолаверса, бу пайтда “Бадойиъ ул-бидоя” девони ҳам тузилмаган, “Ашрақат” ғазали ҳам ёзилмаган эди. Биз Навоий ижодини ўрганишда ажойиб имкониятларга эгамиз. Унинг ҳаётлик пайтида кўчирилган турли йилларга оид асарлари қўлёзмалари Навоий ижодининг бадиий-ғоявий эволюциясини кузатишга воқеъ имкон берадиким, бошқа кўп Шарқ мумтоз шоирлари мероси, афсуски, бундай қулайликлардан маҳрум. Бизнинг дастлабки кузатишларимизга кўра, Навоийнинг фикрий-ижодий тараққиётини уч катта даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Уларнинг биринчисини шартли равишда “Навоий – лирик шоир” деб, иккинчи даврни “Навоий – лиро-эпик шоир”, учинчи даврни эса “Алишер Навоий – буюк шоир, адиб ва мутафаккир аллома сифатида” деб номлаш мумкин. Бу даврларнинг ҳар бири алоҳида ва батафсил тадқиқ этилмоғи керак.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА «ХАМСАЧИЛИК» АНЪАНАЛАРИ

(тадрижийлик ва индивидуал талқин нисбати)

Мусулмон минтақаси маънавиятининг энг асосий, энг муҳим хусусияти, назаримизда, тадрижийлик, давомий камолотдир. Бу маънавиятни шаллантирган юксак салоҳият эгалари ўз ижодларида салафларини инкор этишга, илгари мутлако кўрилмаган янгилик яратишга интилган эмаслар, балки улар устозлар яратган маънавий бойликларни янада такомиллаштириш, уларга янгича жило бериш, улар излаган яхлит, буюк Ҳақиқатнинг янги ва тоза қирраларини кашф этиш, мазмунан бойитиш йўлидан борганлар. Бу, том маъноси билан, муқаддас анъана бўлиб, илоҳий китоб «*Қуръони карим*»дан сарчашма олади.

«*Бақара*» сураси бошланишидаги «*улар сенга нозил қилинган ва сендан илгари нозил қилинган нарсаларга имон келтирадилар ва охиратга аниқ ишонадилар*» ояти каримасидан муайян бўлувчи ва кейинги сураларда мазмунан неча марта таъкидланувчи бу **тадрижийлик** ислом маънавияти учун фарз даражасида, дейиш мумкин. Фирдавсий ўз и*Шоҳнома*»си билан минтақамиздаги исломгача маънавиятнинг бадиий қомусини яратиб, уни янгича талқинда ислом маънавиятига олиб кирган бўлса, Низомий илк достони «*Махзан ул-асрор*» (Сирлар хазинаси) билан Олий ҳақиқат сирларини бадиий кашф этишга бел боғлади ва бу йўлда Абдулмажид Саноийнинг «*Ҳадойиқ ул-ҳақиқа*» асари билан бошлаб берилган йўналишни янги босқичга олиб чиқди. Низомий умр бўйи олти достон яратиб, зоҳирий мазмунда кўпроқ Фирдавсий қаҳрамонларининг саргузаштларини янгича талқин қилган бўлса, ботиний моҳиятда Саноий ниятларини такомилига етказди. Унинг яратгани янги бир бадиий олам – «*Хамса*» (Бешлик) муҳити эканлигини балки шоирнинг ўзи тугал тасаввур этмагандир. (Низомий ўз асарини «*Хамса*» ёки «*Панж ганж*» деб ҳеч қаерда атамайди). Аммо Низомий вафотидан кейин орадан 100 йил ўтиб, Ҳиндистонда туғилиб ўсган форсийзабон турк ўғлони Амир Хусрав Деҳлавий «*Хамса*»нинг қудратини очиқ-ойдин англаб етди ва ўзи унга биринчи бўлиб жавоб – татаббуъ ёзиб, хамсачилик анъанасини бошлаб берди.

Деҳлавий «*Хамса*»си Низомийга ажойиб шарҳ ва ундаги мазмунларнинг рангин талқини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шуҳратини оламга ёйди. Кейинги XIV – XV асрлар минтақа маънавияти «*Хамса*» анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори, – ҳеч бўлмаганда, – «*Хамса*»нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмий бошлаб берган хамсачилик анъанаси Алишер Навоий ижодида ўзининг камолига эришди ва бениҳоя эзгу самара берди. Низомий, Амир Хусрав, Алишер Навоий руҳиятлари «*Хамса*»нинг маънавият майдонида бирлашиб, ягона иқлим, ягона моҳият касб этдилар. Ушбу ягона моҳият бутун мусулмон минтақа маънавиятининг энг буюк чўққиларидан бўлиб қолди.

Дадил айтиш мумкинки, Низомий ва Амир Хусравсиз Навоийни тасаввур этиб бўлмаганидек, Алишер Навоий ижодий меросисиз Низомий ва Амир Хусрав бадиий оламини ҳам бутун кўлами билан идрок этиб бўлмайди. Шоир ўз достонларини «*зоҳир юзидин афсона*» деган эди. XX аср адабиётшунослигида, муайян сабабларга кўра, «*Хамса*» достонлари ушбу «*афсона*» даражасида талқин этиб келинганлиги сир эмас. Хатто Низомий ва

Навоий ижоди таҳлилига алоҳида йирик тадқиқотлар бағишлаган зукко шарқшунос-адабиётшунос академик Е.Э.Бертельс қарашлари-да ҳам давр талаби билан ҳисоблашиш оҳанглари сезилиб туради.

Алишер Навоийнинг «*Хамса*» достонлари ҳар бири алоҳида неча-неча тадқиқотлар мавзуи бўлиб келди, бу иш яна давом этади, чунки мазкур асарларнинг мазмун қабатлари бениҳоядир. Бу достонлар шаклан қандай мукаммал бўлса, мазмунан ундан ҳам уйғун, муаззамдир. Умуман, Низомий, Деҳлавий, Навоий достонларининг қиёсий таҳлили бир эмас, балки бир неча китобга мавзу бўлиши табиийдир.

Биз ушбу мўжаз мақолада мавзунинг фақат бир қиррасига ишора қилиб ўтмоқчимиз. Унинг туб моҳиятини Навоий:

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини юз йил югурса додхоҳ, –

матлаъли машҳур ғазалида жуда ихчам ва ёрқин ифода этган.

Фирдавсий «*Шоҳнома*»си ва илк туркий эпопея – «*Қутадғу билик*» учун одил шоҳ ғояси асосий мавзудир. Бутун ўтмиш жамият учун долзарб бўлган бу ғоя – умумбашарий маънода ҳур фикрли инсонлар жамияти қандай асосда тузилмоғи ва қандай усулда бошқарилмоғи лозим, деган саволга ўша давр сиёсий-ижтимоий тартиботининг таклиф этган жавоби бўлиб, унинг меҳнаткаш халқ манфаатларига қанчалик мос келиши ва уни қандай усуллар билан такомиллаштириш масаласи ҳамиша ўз даври мутафаккирлари ва ижодкорларининг диққат марказида бўлган.

Агар «*Қутадғу билик*» муаллифи доно маслаҳатчилар кўмагида илм-фанга ҳомийликни такомиллаштирмоқчи бўлса, Низомий меҳр-муҳаббат туйғусини адолатли шоҳни тарбиялаш воситаси сифатида олға сурди ҳамда тож ва меҳр мавзуини бошлаб берди. Илоҳий ишқ билан дунёвий ишқ муносабатлари ёнига тож ва меҳр зиддияти қўшилди.

Низомий оддий кишилар ичида яшади, сарой шоири бўлишдан қатъиян бош тортди. Ахийлар жамоасига яқинлик шоир ишончини янада мустаҳкамлар эди. У яратган сийрат – шаҳзода Хусрав жуда ўзбошимча, эрка-тантиқ. Аммо унинг ҳассос қалби бор, у чинакамига севиб қолади. Ширин – ҳурфикр сийрат. У –-Низомийнинг эзгу орзуси. Асли у малика ҳам эмас, қипчоқ қизи Офоқ сингари пок ва маъсумадир. У ўз муҳаббати таъсири остида Хусравни одил ва доно ҳукмдор қилиб тарбиялашга аҳд қилади. Хусрав ўз қиёфасида тож ва меҳр зиддиятини кескин бир тарзда намоён этади. Бундай руҳ кейинги достонларда Баҳром ва Искандар тасвирларида ҳам мустаҳкамланади.

Буюк ҳинд сеҳргари деб таърифланадиган шоир Амир Хусрав Деҳлавий достончилиги гуллаган даври XIV аср бошларига тўғри келади. У илк бор Низомийга жавоб ёзиб, хамсачилик анъанасига асос солган шоир. Унинг ҳаёти чуқур ижтимоий силкинишлар даврига тўғри келди, мўғуллар босқини, ички урушлар, ҳинд-мусулмон нифоқлари авж олган, суфий сулукларининг саройга кучли аксилгуруҳи шоир ижодига жиддий таъсир кўрсатарди. Бунинг устига, Амир Хусрав расман сарой шоири саналиб, умрининг кўп қисмини катта ва кичик ҳукмдорларга у ё бу даражада боғлиқ ҳолда ўтказди, саройнинг бутун ички фасодининг, фитна ва разолатининг гувоҳи бўлди. Шу сабабданми, Деҳлавий ҳукмрон табақа вакилларининг асл моҳиятини теран ҳис қилди ва уларни

«*хайли гўрг» («бўри галаси»)* деб атади. Шоирнинг қалби эса оддий инсонлар орасидаги энг олий ва табаррук туйғу саналмиш меҳр қудратига ошуфта эди.

Деҳлавий ўз салафининг **тож ва меҳр** ҳақидаги хулосасига тарихий-ижтимоий воқеликка мос равишда – янгича муносабат намоён этди. Унинг қаҳрамони Хусрав типик ҳукмдор сифатида иш тутади. Масалан, исён кўтарган Баҳром Чўбинга қарши курашиш учун мадад сўраб, Рум қайсари ёнига боришга мажбур бўлади. Ширинни севади, бироқ шароит тақозосига кўра, Марямга уйланади. Ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач эса, қайнотаси ва ҳалоскорининг беҳисоб хазиналарини ўзлаштиришдан тап тортмайди.

Ҳаётга бундай ёндошув ҳақиқий инсоний муносабатлардан узоқ эди, аммо тожу тахт эгалари учун оддий ҳол эканлигини шоир ишонарли кўрсатиб бера олган. Хусравнинг ортиқ даражада Ширин ишқига берилиши туфайли ҳукмдорлик юмушлари ўлда-жўлда қолиб кета бошлагач, сарой аёнлари қутқуси билан ўғли Шируя отасига қарши исён кўтаради ва шоҳ тож-тахтдан ажралиб ҳалок бўлади. Ҳинд шоири нафақат *“Ширин ва Хусрав”*, балки маҳаллий мавзуда ёзилган *“Дўвалрони ва Хизрхон”* достонида ҳам ошиқлик ва ҳукмдорлик бир-бирига зид нарсалар эканлиги хусусидаги аччиқ ҳақиқатни рўйи-рост очиб ташлайди.

Шоир «*Хамса*» эпопеясида тожни Хусравга ва меҳрни Фарҳод ва Мажнунларга муносиб кўради. Ошиқ Фарҳод тож-тахтдан буткул воз кечиб, тошкесарлик ҳунарини танлаганлиги туфайлигина чин инсоний меҳрга қобилдир. Аммо Амир Хусравнинг барча чин ошиқлари ижтимоий жиҳатдан анчагина суст ва шоир меҳрни деярли доим маиший йўналишда тасвирлайди.

Навоий ўз салафлари ижодини чуқур ўрганди, ёшликдан улар тажрибасини тўлиқ ўзлаштирди, бироқ бу ишга фақат етарли ижтимоий-ҳаётий тажриба орттиргачгина қўл уришга журъат этди. Навоийнинг ижодий қарашлари кўпинча романтик йўналишда баҳоланади. Бу хулоса, назаримизда, масалага бироз юзакироқ ёндошув бўлиб туюлади. Туғилишдан қалби ишқ дарди билан ёнган Фарҳод – маънавий дунёсига кўра – шоирнинг ўзи. Аниқроғи – эзгу орзуси. Унинг Ширинга муҳаббати эса – мажоз. Навоий «*Хамса»*сида меҳр туйғуси маиший йўналишда эмас, аввало ижтимоий маънода талқин этилади. Навоий инсоннинг, миллатнинг, башариятнинг маънавий камолоти ҳақида қайғуради. Шаҳзоданинг дилда ишқ билан туғилиши, унинг Ҳоқон мулкини қабул қилиб олишдан илгари сирли сандиқ ва ундаги кўзгу тилсимини ечиш қасдида Юнон сафарига йўл олиши, бу йўлда турли ёвларни бартараф этиб, донишманд Суқрот билан учрашувга муваффақ бўлиши – бу афсонавий саргузаштлар замирида башариятнинг, инсоннинг, айниқса, туркий элатнинг ўз моҳиятини англаб етиш йўлидаги камолот босқичларини бир-бир босиб ўтишига бадиий-мажозий ишоралар яширинган. Суқротнинг мажоз ишқи ҳақидаги ҳикматли башоратлари бу ботиний мазмунга калит бўлиб хизмат қилади.

Шоир орзулари ўз даври учун – хаёл эди, бугунги кунимиз учун эса –воқеликдаги яқин мақсад. Яъни достон ғоялари келажакка қаратилган. Фарҳод – меҳр йўлида тож-тахтдан воз кечган шаҳзода. Аммо унинг ишқи зоҳидона мавҳум «*ишқи ҳақиқий*» эмас. Фарҳод – юқори табақа вакили сифатида эмас, меҳнаткаш нуқтайи назаридан ижтимоий фаол шахс. Отаси унинг кўнглини ёзиш учун қаср қурдиради, у эса бундан ҳунар ўрганиш учун фойдаланади, шунда ҳам ишни Боний ва Монийларнинг нозик санъатларини эмас, Қоран-

нинг тошкесарлигини, яъни пухта иш қуроли ясашни ўрганишдан бошлайди. Сўнг дунёвий илмлар ўчоғи ҳисобланган юрт сари йўл олади. Энг аҳамиятлиси шундаки, Фарҳод ўрганган касб ва ўзлаштирган барча билимларини халқ манфаати йўлига сафарбар этади. Навоий Фарҳоди - енгилмас қаҳрамон. Фақат уни ёлғизлик забун этади, фириб ва ёлғон ҳалок қилади. Фарҳод оддий меҳнаткаш каби бардошли, жасоратли, меҳрли, шу билан бирга ишонувчан шахс. Баъзи тадқиқотчилар Ширин сийратининг бироз суст эканлигини таъкидлайдилар, Бу – ушбу образ моҳиятидан келиб чиқувчи табиий ҳол. Чунки Фарҳод – ҳаётий қаҳрамон, Ширин эса – инсоният бахти ҳақидаги ширин орзу.

Шундай қилиб, Низомий шоҳни ҳам оддий инсон каби меҳрга қобил деб билса, Деҳлавий тож ва меҳр зиддиятига эътибор қаратди. Навоий ушбу тажриба асосида ўзгача ечим қидирди: уни тахту-тожни рад этиш ва меҳр йўлида ижтимоий фаоллик кўрсатиш зарурати сифатида ҳал қилиб берди, шу билан **меҳр** тушунчасини **ижтимоий туйғу** даражасига кўтарди.

Достон фожиавий якунланади. Бу ҳам улуғ шоирнинг бадиий ҳақиқатга содиқлигидан намуна эди. Албатта, Фарҳод сингари фидойи инсоннинг ўз даври воқелигида ғолиб чиқишига имкон йўқ эди.

Хамсанавислик анъанаси минтақа маънавияти такомилининг бадиий тафаккурдаги ўзига хос маҳсули бўлиб, бу анъана тадқиқотчидан ҳам, оддий китобхондан ҳам ҳар бир достоннинг шакл ва мазмунига алоҳида эътиборни тақозо этади, чунки бир мавзуда ёзилган ўнлаб достонлар, диққат билан ўқилса, асло бир-бирини такрор этмагани, балки ўзаро ижодий баҳсда ёзилгани маълум бўлади. Шу сабабдан ҳар бир достонни ўқиганда унинг ҳам ушбу мавзу силсиласидаги ўрнига, ҳам ҳар бир шоир ижодий меросидаги мавқеига диққатни қаратган маъқул. Шундагина унинг ўзига хослиги ва мазмуний қамровини англаб етиш мумкин. Минтақа адабиётининг бу мураккаб хислати, унинг, масалан, янги давр Ғарб адабиётидан фарқи XX асрнинг 30-йилларидаёқ Е.Э. Бертельс томонидан Навоий ва Аттор, Низомий ва Деҳлавий ижодини киёсий ўрганиш асосида илмий исботланган эди.

НАВОИЙ ВА ФОРС МУМТОЗ АДАБИЁТИ

Татаббуъ ва талқин

Алишер Навоий ижоди Яқин ва Ўрта Шарқ минтақа маданиятининг кўп асрлик ривожи ҳосиласидир. Бунда бевосита форс мумтоз адабиётининг буюк намояндалари ҳиссаси алоҳида ва, айтиш мумкинки, етакчи ўрин тутади. Навоий ўз асарларида Фирдавсий ва Саноий, Низомий ва Аттор, Румий ва Саъдий, Камол Исфахоний, Анварий ва Хоқоний Ширвоний, Абдулвосиъ Жабалий ва Асириддин Ахсикатий, Саъдий Шерозий ва Амир Хусрав Деҳлавий, Хўжа Ҳофиз Шерозий ва Носир Бухорий, Фахриддин Ироқий ва Хожуйи Кирмоний, Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий каби ўнлаб форсийзабон шоирларни эҳтиром билан тилга олади. "Девони Фоний" таркибидаги 552 ғазалнинг ярмидан ошиғи Ҳофиз Шерозий ва Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Камол Хўжандий ва Салмон Соважий каби қатор форс мумтоз адабиёти таниқли вакиллари асарларига татаббуъ шаклида ёзилгандир. Унинг машҳур "*Туҳфат ул-афкор*" қасидаси Амир Хусравнинг "*Дарёи аброр*" ва Жомийнинг "*Лужжат ул-асрор*" асарларига, "*Насим ул-хулд*" эса Хоқонийнинг "*Айвони Мадоин*" (ёки "*Қасидаи шиния*"), Амир Хусравнинг "*Миръот ус-сафо*", Жомийнинг "*Жило ур-руҳ*" қасидаларига, "*Қут ул-қулуб*" Анварийга ва "*Минҳож ун-нажот*" Хоқоний ва Анварийга татаббуъ-жавоб тарзида дунёга келган. "*Арбаин*" ва "*Насоим ул-муҳаббат*" Жомийнинг "*Чиҳил ҳадис*" ва "*Нафаҳот ул-унс*" асарлари асосида яратилганини кўпчилик билади.

«*Хамса*» ва "*Лисон ут-тайр*" асарларининг кимларга жавоб сифатида ёзилганлиги мактаб ўқувчиларига ҳам маълум. Фақат «*Хамса*» достонларининг биринчиси Низомий, Деҳлавий ва Жомийларга татаббуъ бўлиб, қолганлари Низомий ва Деҳлавий достонларидан илҳомланиб ёзилганлигини эслаб ўтиш мумкин. Бундай ташқи ўхшашликлар бир пайтлар Европа олимларини адаштирганлигини ҳам биламиз.

Ўзбекистонда навоийшуносликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган XX асрнинг йирик шарқшуноси Е.Э.Бертельснинг дастлабки тадқиқотларидан бири 1928 йили академик В. В. Бартольд тавсияси билан ёзилиб, «*Мир Али Шер*» тўпламида босилиб чиққан «*Навоий ва Аттор*» асари нафақат навоийшунослик, балки умуман Шарқ классик адабиётини ўрганиш соҳасида янги сўз бўлди. Е.Э.Бертельс классик Шарқ адабиётини ўрганишда унинг ўзига хос томонларини, ички қонуниятларини билмаслик ва ё назарга илмаслик, Ғарб адабиёти ўлчовлари билан ёндашув каби жиддий хатоликларга қарши бўлди. Е.Э.Бертельс Алишер Навоийнинг то ўша пайтгача «*Мантиқ ут-тайр*»нинг эркин таржимаси деб ҳисобланиб келинган «*Лисон ут-тайр*» достони мутлақо оригинал асар эканлигини сатрма-сатр, байтма-байт солиштириш заминида тўлиқ исбот қилиб берди.

Алломанинг 1940–1948 йиллар ичида Навоий ижодининг муайян қирраларини тадқиқ этувчи қатор жиддий мақолалари эълон қилингач, 1948 йилда Москвада олимнинг «*Навоий, ижодий биография тажрибаси*» монографияси босилиб чиқди. 1949 йилда эса Москва-Ленинградда «*Александр ҳақида роман ва унинг Шарқдаги асосий версиялари*» асари нашр этилди. Бу ҳар икки йирик тадқиқот асосан Навоий ижодига бағишланган бўлиб, биринчисида буюк шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти XV асрнинг иккинчи ярми Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий, ижтимоий ва маданий аҳвол фонида яхлит олиб

таҳлил қилинган бўлса, иккинчисида шоир ижодининг айрим саҳифаси, яъни «*Садди Искандарий*» достони ушбу мавзудаги илгари яратилган достонлар, хусусан, Низомий, Амир Хусрав ва Жомий достонлари билан изчил муқоясада ўрганиб чиқилган.

Тадқиқотлар жуда батафсил ва салмоқли. Аммо кейинроқ бориб ундаги баъзи хулосалар анчагина баҳсталаб эканлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Мисоллар келтирамиз. Е.Э. Бертельс ёзади: «Создавая «Садди Искандари», Навои задумал дать образ идеального правителя… »,[1] «поэт взялся показать среднеазиатскому властелину образец идеального правителя»,[2] «Ему нужен был именно образцовый шах…»[3] 1975 йилда Тошкентда А.П.Қаюмовнинг «Садди Искандарий» номли тадқиқоти босилиб чиқди. Ундаги "Навоий Искандари" бобида достон бош қаҳрамонининг маънавий қиёфаси таҳлил қилинар экан, тадқиқотчи қуйидагича хулосаларга келади: "Искандар идеал қаҳрамон ҳисобланиши мумкинми? Албатта, йўқ... Модомики, Искандар идеал инсон ёки қаҳрамон эмас экан, унга идеал ҳукмдор деб қараш мумкинми? Бу саволга ҳам салбий жавоб беришга тўғри келади."[4] Олим ёзишича, Навоий ўз асарида Искандар характерининг эволюциясини кўрсатади. Аммо бу тадрижий ривожланиш ижобий томонга эмас. Навоийнинг Искандари асар бошида камтарин инсон, у аввал ҳукмдорлик таклифини ҳам рад этади, рози бўлгач, адолатли шоҳ сифатида иш юрита бошлайди. Аммо кетма-кет турли юртларни фатҳ этган сари у салбий томонга ўзгариб боради. Бутун жаҳонни эгаллаш орзусига тушади. У бутун ер юзини эгаллагач, денгиз сатҳи ва остини ҳам эгаллаш ҳавасига тушади. Шоир ўз қаҳрамонининг ҳолатини шундай ифодалайди:

"Ҳавас тунди боди чу бедод этар,
Хирад хонумонини барбод этар."

Денгиз тубини эгаллаш ҳавасига тушган Искандардаги борган сари кучая бораётган жаҳондорликка интилишни Навоий "*бийми жунун*" деб атайди:

"Бу андеша чун кўнглин этти забун,
Димоғига юзланди бийми жунун.

"*Демак,* - деб хулоса қилади А.П.Қаюмов, - *Навоий Искандар образини идеаллаштирмаган. Аксинча, унинг характеридаги эволюцияни, унинг қайси йўлдан кетганини ниҳоятда объективлик билан тасвирлаган."*[5] Навоий тасвирига кўра, жаҳонгирлик муддаосининг хом эканлигига Искандар ўз ҳаётининг интиҳоси яқинлашаётганлигини сезганда иқрор бўлади. У ўлимидан сўнг тобутдан бир қўлини чиқариб қўйишларини васият қилади, токи одамлар бутун дунёни эгаллаган Искандар нариги дунёга қуруқ қўл билан кетаётганлигини кўрсинлар.[6]

Албатта, Навоийнинг Искандари воқеликдаги Александр эмас эди, шоир кейинчалик Европа адабиётида ҳам кенг қўлланилган усулдан фойдаланган, асар бошида қаҳрамони-

[1] Е.Э. Бертельс.Избранные труды. Навои и Джами. М., «Наука», ГРВЛ, 1965, с.166.
[2] Там же, с. 409.
[3] Там же, с. 408.
[4] Азиз Қаюмов.Асарлар.1-жилд.2-китоб.Т., "Мумтоз сўз", 2008, с.275-276.
[5] Азиз Қаюмов.Асарлар.1-жилд.2-китоб, с.281.
[2] Шу китоб, с. 336-339.

ни идеал инсон сифатида олиб, уни муайян шароитга қўяди ва холис кузатиб ундаги ўзгаришларни тасвирлайди. Шу нуқтайи назардан достоннинг бош ғояси шоирнинг машҳур форсий қасидаси матлаъсида баён қилинган қараш билан тўлиқ мувофиқ эди:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшоҳлар тожидаги оловланиб турувчи лаъл,
Уларнинг бошида туғилган хом хаёлларни иширувчи бир чўғдир).

Шундай экан, академик Е.Э.Бертельс хулосасига нима таъсир қилган деган савол туғилади. Улуғ олим Навоий ижоди билан астойдил шуғулланишдан олдин Низомий ижодий мероси бўйича йирик тадқиқотлар яратиб нашр этган эди. "*Искандар ҳақида роман...*" асарининг биринчи қисмида ҳам Низомий "*Искандарнома*"сига анчагина жой ажратилган. Достоннинг бош ғояси ҳақида олимнинг хулосаси қуйидагича: "*Наконец он смог развернуть во всех деталях образ идеального правителя таким, каким он ему рисовался".* Ўйлаш мумкинки, Навоий достонининг бош қаҳрамони ҳақида хулоса бераётганда ҳам Е.Э.Бертельс қаршисида доимо Низомийнинг Искандари гавдаланиб турган, ўз тадқиқотида ҳар икки достоннинг барча фарқларини бирма-бир кўриб чиққан олим икки буюк шоирнинг масалага ёндошувларидаги принципиал фарқни назардан қочирган.

5-6 ёшдаги Алишер буюк тасаввуф шоири, «*ҳақиқат тариқининг суханвари*» Фаридиддин Атторнинг мураккаб фалсафий-рамзий достони «*Мантиқ ут-тайр*» ни ёд олишга киришгани бугунги авлод учун фавқулодда ҳодиса бўлиб кўринади. Биз бу ҳақиқатни ўз чоғимизга мосламоқчи бўлиб, балки қушлар тили билан айтилган турли ҳикоятлар болани жалб қилган бўлса керак, деб мулоҳаза юритамиз. Аммо Атторнинг туғёнли ифодаларида ҳеч бир ҳикоят беҳикмат эмас ва бу асарда биз кутган «*болаларбоп*» тасвирлар ҳам учрамайди. Ёш Алишер достонни тўтидек ёд олган эмас. Бошиданоқ ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, ҳар бир ишора ва рамзни англаб етишга ҳаракат қилган. Шу туфайли ҳам бутун фикри-зикри ушбу китобга жазб бўлиб, дўст-ўртоқлари, жамоатдан ҳам ўзини беихтиёр четга торта бошлаган.

Бу ҳолатлар нимадан далолат беради?

«*Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд*» китобида келтирилган дастлабки ўқишда биз учун муболағадек туюлувчи ривоятга эътибор берайлик:

«*Бир куни хожамизнинг шариф суҳбатларида султон ул-орифин (Боязид Бастомий) нинг «бу йўлда юрувчи қанчалик бўлмасин, сўнгги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади», деган сўзлари нақл қилинибди. Хожамиз ғайрат юзасидан: «Биринчи қадами Боязиднинг охирги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ субҳонаҳунинг суҳбати харом бўлсин!» – деган эдилар.*

Ва улар «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз», – дер эдилар».

Ушбу ривоят XIV-XV аср воқелигининг муайян бир хислатидан дарак беради. Ислом-нинг Тавҳид таълимотини англаб етиш инсоният учун осон кўчгани йўқ. Бу йўналишда миллатимиз бутун минтақа аҳли билан бирга-бирга қатор маънавий такомил босқичларини, жумладан, **Сунна** (VIII-IX асрларда), Ислом маърифатчилиги (X-XI асрларда), Тасаввуф ирфони (XII-XIII асрларда) босқичларини босиб ўтди. Шундай экан, IX аср охи-

рида шайх Боязид Бастомий етиб келган ирфоний мақом эндиликда – XIV аср сўнгида, тасаввуф ирфонининг энг юқори чўққиси бўлмиш ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти нуқтайи назаридан, Ҳақ йўлининг йўлчилари – соликлар учун биринчи қадам даражасида қабул қилинган бўлса, ўша давр ўлчовларида бунинг ҳеч қандай ғайритабиий жиҳати йўқ эди.

Демак, бўлғуси шоирнинг XII аср охирида яратилган «*Мантиқ ут-тайр*»ни беш-олти ёшидан ўзлаштира бошлагани ҳам ўша давр маънавиятининг юксак талабларига мувофиқ келарди.

Алишернинг мурғак қалби ирфоний ишқ олови билан туғилишдан нурланган, она сути билан унинг руҳияти шавқу ҳолга ошно бўлган. Шу сабабли Мансури Халлож ва Боязид Бастомийлар умр бўйи риёзат чекиб эришган ирфоний ишқ сири («*интиҳоси*») Алишер руҳияти учун «*ибтидо*» (бошланиш) мартабасида бўлди. У кичик ёшидан ўзи англаб-англамаган ҳолда ринд ва ошиқ мақомида эди. Агар биз бундай маънавий камолотни муболаға деб қабул қилсак, Алишер Навоий ижодини мутлақо тушуна олмаймиз, бундай жўн ёндошувда, айтиш мумкинки, умуман, Навоий-Фоний ҳодисаси биз учун жумбоқ ҳолида қолиб кетаверади.

Филология фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Қуронбеков *"Адабий мажоз, ирфоний рамз ва тимсоллар"* мақоласида *"... Саноий, Хоқоний ва Аттор шеъриятини ҳақиқат тариқининг намуналари деб баҳоланса, Румий, Саъдий, Ҳофиз ва бошқа шоирларнинг шеъриятини мажоз тариқи деб қараш ҳақиқатга яқин бўлур эди"*, деб ёзади[1]. Бу талқин ҳазрат Навоий талқинидан фарқ қилиб қолмоқда. Маълумки, Навоий Фаридидин Аттор ва Жалолиддин Румийларни ҳақиқат тариқига, Саноий ва Хоқоний, Саъдий ва Ҳофизларни эса мажоз тариқига мансуб деб баҳолаган эди. Биз ҳурматли дўстимизнинг фикрлари тамом хато ёки ўйламай айтилган деган хаёлдан йироқмиз. Бизнинг назаримизда, бундай таснифлашнинг муайян асослари бор. Профессор дўстимиз Эрон ва Афғонистонлик ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётшуносларининг тадқиқотлари билан яқиндан таниш. Бунинг устига ўзи лингвопоэтика илмининг нодир ва билимдон мутахассисларидан. Аммо Навоийнинг масалага ёндошуви мумтоз форс адабиёти ва тасаввуф илми мутахассислари қамраб олган мавзулар доирасидан кўра анча кенгроқ ва теранроқ миқёс ва даражага кўтарилганлиги сабабидан соф адабиёт ва ҳатто ирфоний мавзулар доирасида тадқиқот олиб борган илм аҳли баъзи нозик жиҳатларни эътиборга олмаган бўлиши мумкин. Бундан ташқари форс тилидаги мумтоз адабиёт билан туркийзабон адабиёт, айниқса, Марказий Осиё туркийзабон мумтоз адабиётининг мавзуларга ёндошувида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Навоий гарчи ўз мулоҳазаларида асосан форсийзабон мумтоз адабиёт вакиллари ижодига таяниб хулосалар берса-да, унинг талқинлари ва ёндошувлари форс тилидаги шеърият тадқиқотчиларининг масалага ёндошувларидан фарқ қилиши табиийдир. Масаланинг яна бир жиҳати бор. Тасаввуф илми ва амалиёти ҳам, тасаввуф адабиёти ҳам бир жойда тўхтаб қолган нарсалар эмас. Масалан, XI асрда яшаб ижод этган Абусаид Абулхайр ва Бобо Тоҳир Уръёнлар ирфоний лирикаси билан XII - XIII асрларда яшаган Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийларнинг тасаввуфий эҳтиросга йўғрилган буюк эпик асарлари орасидаги фарқ очиқ-ойдин кўриниб турса, Аттор ва Мавлавий шеъриятидаги фарқларни аниқлаш алоҳида жиддий тадқиқотларни талаб этади. Саноий ва Ҳофизни ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам тасаввуфий шеърият вакиллари деб ҳисобловчи илм аҳли кўпчиликни ташкил қилади.

[1] Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Т., ТДШИ, 2010, с.69.

Бундай баҳсларнинг туғилишига энг асосий сабабчи “мажоз” тушунчасидир. Араб тилида “ўтмоқ” (бир жойдан бошқа жойга ўтмоқ), “ижозат берилмоқ” маъноларидаги “жааза” феълидан ясалган бу сўзнинг энг умумий луғавий мазмуни “ўтиш”, “ўтиш жойи” бўлиб, тилшуносликда сўзнинг “бир маънодан иккинчи маънога кўчиб ўтиши”ни билдиради. Аммо минтақа маданиятида бу тушунчанинг маънолар майдони бора-бора жуда кенгайиб кетган. Бу маъноларнинг ўзаро нисбатини тўғри тасаввур қилиш учун аввало бадиий адабиётдаги маъно қатламлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилмоқ керак. Уларнинг биринчиси сўз қатлами бўлиб, бунда сўзларнинг маъно жилвалари асосида бадиий матн яратилади. Бу қатламда мажознинг анъанавий бадиий санъатлар доирасидаги турли шакллари ҳақида фикр юритилади. Лингвопоэтика илми асосан шу қатламга эътибор қаратади. Иккинчиси воқеа қатлами бўлиб, унда ҳаётий ҳодисаларни мажозий тимсоллар орқали ифодалаш, шу орқали китобхонга эстетик завқ беришга хизмат қилувчи турли мажозий тасвирлар ҳақида сўз боради. Рудакий, Манучеҳрий каби дунёвий адабиёт вакиллари бундай усулдан кенг фойдаланганлар. Кейинчалик тасаввуфий эпик шеърият вакиллари ҳам бу усулдан ўз мақсадлари йўлида унумли фойдаланганлар. Бунинг энг ёрқин мисоли Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонидир. Кўпчилик адабиёт илмининг билимдонлари бу икки қатламни яхши биладилар. Аммо минтақа маданиятимизда “мажоз” тушунчасининг маънолар майдонига хос учинчи - ғоявий қатлам ҳам шаклланган бўлиб, бунда энди “бир маънодан иккинчи маънога кўчиб ўтиш” сўз ёки тасвир даражасида эмас, балки Борлиқ ҳақиқатини идрок этиш даражасида юз беради. Дарҳақиқат, XIII-XIV асрлар минтақа тафаккурида “мажоз” ва “ҳақиқат” сўзларини бугунги кунда одатан биз “моддий олам” ва “ғайб олами” деб атаётган воқеликларга нисбатан қўллаш урф бўлди. Тасаввуф адабиёти ва Навоий илмий таомилга киритган “мажоз тариқи” йўналишидаги адабиётнинг ўзаро фарқи айни шу ғоявий қатламда намоён бўлади.

Алишер Навоийнинг бадиий тафаккури, биринчидан, минтақа фалсафий, илмий, диний, ирфоний, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан боғлиқ эканлиги, иккинчи жиҳатдан, бу тафаккур йўналишининг ўзга йўналишлардан моҳиятан мустақиллиги, ўз ички ривожланиш қонунларига, мукаммал ички қурилишга эга эканлигини ҳис қилиб, ушбу қонуниятларни минтақа адабиёт илми ва шоирнинг ўз назарий хулосаларига асосланган ҳолда, унинг асарлари .мураккаб мазмунидан келиб чиқиб очиб беришга астойдил интилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Навоий ўз ижодида Низомий ва Амир Хусрав, Аттор ва Фахриддин Ироқий яратган бадиий ва ирфоний оламлар ёғдусидан баҳраманд бўлди. Саъдий, Ҳофиз, Анварий, Хоқоний каби ўнлаб форс мумтоз адабиёти вакилларига татаббуъ-жавоблар ёзди. Ва ўз мустақил бадиий оламини яратди. Бу олам туркий шеърият оламига тааллуқли эди. Туркий адабиёт вакиллари эса азалдан ижтимоий-ахлоқий муаммоларга алоҳида эътибор бериб келадилар.

АНВАРИЙ ВА НАВОИЙ

Алишер Навоий ижодий меросини ўша давр минтақа маданияти, жумладан, форс мумтоз адабиётининг буюк намояндалари ижоди ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилмай туриб жиддий англаб етиш ва тўғри талқин қилиш қийин. Албатта, навоийшуносликда бу борада катта ишлар амалга оширилган. Навоий ва Аттор, Навоий, Деҳлавий, Низомий асарларини қиёсий ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар талайгина. Нажмиддин Комилов ўзининг "*Фақр нури порлаган қалб*" китобида[1] шоирнинг "*Девони Фоний*" таркибига кирган форсий қасидаларини батафсил таҳлил қилиб, унинг "*Хоқонийга татаббуъ*" деб изоҳланган "*Насим ул-хулд*" қасидасини шу мавзудаги салафлари (Хоқоний, Амир Хусрав ва Жомий) асарлари билан мукаммал қиёслаб чиққан. Маълумки, "*Ситтайи зарурия*" деб номланган олти фалсафий-ирфоний қасидаларнинг 4таси шоирнинг ўз эътирофига кўра таниқли форсигўй шоирларнинг асарларига татаббуъ сифатида ёзилган бўлиб, шулардан "*Қут ул-қулуб*" бевосита Анварийга, "*Минҳож ун-нажот*" эса Анварий ва Хоқоний қасидаларига татаббуъ эканлиги қайд этилган.

Авҳадиддин Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Анварий Абивардий XII аср бошларида (1105 йилда) Эроннинг Ховарон вилоятида дунёга келиб, аввал Ховарий тахаллуси билан шеърлар ёзди. 1125 йили 20 ёшида Султон Санжар мадҳидаги қасидаси ҳукмдорга маъқул келиб, ёш шоир саройга кириб келди ва Амир Муиззий вафотидан сўнг саройнинг етакчи қасиданависига айланди.

Шоирнинг салжуқийлар саройига кириб келиши билан боғлиқ бир ривоят тазкираларда сабт этилган. Ўша даврда Султон Санжар ҳузуридаги шеърият мактабининг етакчиси Муиззий тахаллусли Абу Абдуллоҳ ибн Абдулмалик Нишопурий (1048-1126) бўлган. Амир уш-шуаро унвонига сазовор бўлган бу санъаткорнинг ўз вақтида обрўйи шу даража кўтарилганки, бирор ёш шоир сарой хизматига ўтмоқчи бўлса аввал унинг кўригидан ўтиши талаб қилинган. Муиззий хотираси ниҳоятда кучли бўлиб, бир марта эшитган шеърини тўлиқ ёдида сақлаб қоларкан. Бундан усталик билан фойдаланган Амир уш-шуарога агар бирор истеъдодли ёш шоир ўз шеърини ўқиб берса, Муиззий ҳукмдор олдида ўша шеърни бошдан-оёқ ёд айтиб бу шеърни мен ёзганман, деб даъво қилар ва натижада асл муаллиф мулзам бўлиб қолаверар экан. Хондамирнинг "*Ҳабиб ус-сияр*" тарихий асарида ҳикоя қилинишича, Муиззийнинг ҳийласини биринчи бўлиб фош қилган шоир Анварий Абивардий бўлиб, у эски-туски кийимларда Муиззийга ўзини ночор ҳолатда кўрсатиб, "Мен султон мадҳида қасида битдим, шуни ул ҳазратга ўқиб бермоқчиман", деган ва унга яроқсиз бир мадҳия-шеърни ўқиб берган. Муиззий уни шоҳ олдида мазаҳ қилиш мақсадида Султон Санжар ҳузурида шеър ўқишига рози бўлади. Шунда Анварий ўзининг кейинчалик катта шуҳрат қозонган гўзал бир қасидасини бошлаб 2 байт ўқигач, Амир уш-шуарога қараб "Агар шу шеър сизники бўлса, марҳамат қилиб давом этинг", дейди. Хижолатда қолган Муиззий лом-мим дея олмайди ва Анварий ўзи шеърини охиригача давом эттиради. Шу кундан бошлаб, Анварий султон надимлари қаторидан ўрин олади.

---

[1] Нажмиддин Комилов. Фақр нури порлаган қалб. Т., "Маънавият", 2001, 96 сах. Кейинчалик бу китоб тўлиғича олимнинг Навоий ижодига бағишланган *"Хизр чашмаси"* (Т., "Маънавият", 2005, 320 сах.) асарига киритилди (с. 193-282).

Анварийнинг ижодий мероси баракали бўлиб, Саид Нафисий нашрга тайёрлаган девонида 250 қасида, 335 ғазал, 557 қитъа, 1 маснавий, 432 рубоий – жами 14720 байт шеърий асарлар жой олган[1]. Тожик олими Т.Самадов бунга бошқа қўлёзмалардан ўзи топган яна 1 қасида ва 7 ғазални қўшиб, байтлар сонини 14805га етказган[2]. Биз шоир девонини топишга муяссар бўлмадик. Интернетдан унинг фақат 208 та қасидасини топдик.

1153 йилдаги ўғузлар босқинида Султон Санжар асирга тушиб, давлат пароканда бўлади. Шу муносабат билан Анварий султоннинг асранди ўғли Самарқанд ҳокими Рукниддин Қилич Тамғочхондан Хуросон аҳлига кўмак сўраб ўзининг "Хуросоннинг кўз ёшлари" номи билан шуҳрат топган қасидасини яратади. Шеър шундай бошланади:

Бар Самарқанд агар бугзари, эй боди саҳар,
Номайи аҳли Хуросон ба бари хоқон бар.
Номае – матлаи он ранжи тану офати жон,
Номае – мақтаи он дарди дилу хуни жигар.
Номае – бар рақамаш оҳи азизон пайдо,
Номае – дар шиканаш хуни шаҳидон музмар.
Нақши таҳрираш аз синайи мазлумон хушк,
Сатри унвонаш аз дийдайи маҳрумон тар...
(Самарқандга йўлинг тушса агар, эй тонг шаббодаси,
Хуросон аҳли мактубини етказ хоқон ҳузурига.
Бир мактубки - бошланиши тан азоби, жон офати,
Бир мактубки – интиҳоси дил дардию жигар қони.
Бир мактубки – ёзувлари азизлар оҳидан нишон,
Бир мактубки - нуқталари шаҳидлар сачраган қони.
Нақшлари мазлумларнинг бағри каби куйиб кетган,
Унвонлари маҳрумларнинг кўз ёшидан ювилиб кетган...)

Шеър бошидан охиригача шу оҳангда халқ дардининг изҳоридан иборат. Уни ўқир экансиз, вайрон бўлган шаҳру қишлоқ, масжиду мадрасалар, ситамдида халқу ғоратгар босқинчилар, бағриқон оналару қонига беланган мурғак болалар кўз олдингизда ёрқин намоён бўлади. Шоҳ саройида "*амир уш-шуаро*" унвонига эришиб, гўзал санамлар васфини қилиб юрган шоир бирдан халқ ҳаётининг аччиқ лаҳзаларини кўзи билан кўргач, ўз касбига муносабати ҳам ўзгара бошлайди. Бунинг устига улуғ ҳомийси вафотидан кейин шоирнинг шахсий ҳаётида ҳам кетма-кет кўнгилсиз воқеалар юз бера бошлайди[3]. Натижада шоирнинг ўз касбига муносабати тубдан ўзгаради. Юқорида шоирнинг бу ҳақдаги икки сатр аччиқ иқрори берилган эди. Бундай сатрлар унинг девонида кўп учрайди. Ҳатто бу мавзуда алоҳида қасидаси ҳам бор. Қасида шундай бошланади:

Эй биродар бишнави рамзе зи шеъру шоири,
То зи мо мушти гадо касро ба мардум нашмари.

[1] Т.Самадов. Анварий ва ғазалиёти у. Душанбе, "Дониш"- 1988, с. 34.
[2] Шу китоб,с. 39.
[3] Т.Самадов. Анварий ва ғазалиёти у. Душанбе, "Дониш"- 1988, с. 16-22.

Дон, ки аз канноси нокас дар мамолик чора нест,
Ҳошалиллоҳ, то надони ин суханро сар-сари.
З-он ки гар ҳожат фитад то фазлаеро кам куни,
Ноқиле бояд тӯ натвони, ки худ берун бари...
Боз агар шоир набошад, ҳеч нуқсон уфтад,
Дар низоми олам аз рӯйи хирад, гар бингари.
Одамиро чун маунат шарти кори бандагист,
Нон зи канноси хурад, беҳ з-он бувад, к-аз шоири...
(Эй, биродар, шеъру шоирликка бир рамз айтайин,
То ки инсон деб адашма, биз - тиланчи зотини.
Билки, бир фаррошу ахлаткаш зарур ҳар мулк учун,
Тангри ҳаққи бу сўзимни шунчаки гапдир, дема.
Ҳовлида ахлат кўпайса, бартараф этмоқ учун
Сенга бир ёрдамчи лозим, битмас иш у бўлмаса...
Лек агар шоир топилмай қолса, не нуқсон бўлур
Олам ичра, гар фикр қилсанг ақлни ишлатиб.
Шундай эркан, бандалик-чун танласанг бир касб агар,
Бўлсанг ахлаткаш дуруст, шоирлик этмоқдан кўра...)

Анварийнинг кексалик даври ижоди жуда қайғули сатрлардан иборат. Унинг баъзи шеърларида замонасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти жуда кескин танқид остига олинади:

Он шунидасти, ки рӯзе зираке бо аблаҳе
Гуфт, к-ин волии шаҳри мо гадое бериёст.
Гуфт: "Чун бошад гадо он, к-аз кулоҳаш тугмае,
Сад чу моро рӯзҳо, бал солҳо баргу навост?!"
Гуфтам: "Эй нодон, ғалат инак аз ин жо кардайи,
Он ҳама баргу наво дони, ки он жо аз кужост?
Дурру марвориди тожаш ашки атфоли ман аст,
Лаълу ёқути ситомаш хуни айтоми шумост!
Он ки то оби сабу пайваста аз мо хостаст,
Гар бижуйи, то ба мағзи устухонаш они мост!"
(Эшит, бир кун бир донишманд бир нодонга дер эди:
"Билсанг агар шаҳримизнинг ҳокими ғирт гадойдир".
Нодон айтур: "Ундай дема, ахир унинг либосида бир тугма
Баҳосидир сену менинг неча кунлик рӯзғоримиз маоши."
Мен дедим: "Сен билмайин шунда хато кетмоқдасан,
Ул ҳама бойлик-ҳашам қайдан келур билмасмисен?
Тожида дур-марворидлар гўдагим кўз ёшидан,
Отининг анжомида лаъл – етимлар қонидан.
Кўзада сувигача бизнинг ҳисобдан-ку ахир,
Эътибор қилсанг, бутун мавжудлиги биздан эрур...")

XV аср Ҳирот адабий мактабида Анварийнинг обрўйи жуда юқори бўлган. Жомий ўзининг "*Баҳористон*" асарида Анварий ҳақида муболағали таърифлар қилиб, унинг сарой шоирлари танқидида ёзган бир қитъасини намуна сифатида келтиради[1]. Бундан ташқари Саъдий хусусидаги таърифи сўнггида қуйидаги тўртликни келтирадики, Анварийнинг форс мумтоз адабиётидаги ўрнига берилган жуда юқори баҳо дейиш мумкин:

Дар шеър се кас паямбаронанд,
Ҳар чанд ки ло набию баъди.
Авсофу қасидаву ғазалро
Фирдавсию Анварию Саъдий[2].

(Агарчи Муҳаммад (с.а.в)дан кейин пайғамбар бўлмаслиги аниқ бўлса-да, Шеъриятда уч шахсни пайғамбар дейиш мумкин: *Булар – васфда, қасидада ва ғазалда Фирдавсий, Анварий ва Саъдий).*

Шу ўринда бир масалани қайд этиб ўтиш лозим кўринади. Марина Львовна Рейснернинг "*X–XIII аср бошлари форс лироэпик шеърияти. Мумтоз қасиданинг келиб чиқиши ва ривожи*" монографик тадқиқотида[3] негадир Анварий ижодига етарли эътибор қаратилмаган. Шоирдан фақат биргина қасидани олиб 2-боб 1-фаслда таҳлил қилган олима, аввало, ушбу боб сарлавҳасида ("*Генезис персидской касыды в X–XI вв.*") чегараланган тарихий даврдан бутунлай чиқиб кетган (Анварий XII асрда яшаган)[4]. Қолаверса, Анварий яшаган даврга бағишланган 3-бобда *("Завершение формирования канона в персидской касыде XI – начала XIII века")* XI аср шоири Носир Хусравнинг 3 та қасидасини таҳлил қилган ҳолда Анварий ижодига умуман мурожаат қилмаган. Шундай қилиб, қасиданависликда нега Унсурий, Фаррухий, Носир Хусрав, Масъуд Саъд, Саноий ёки Хоқоний эмас, балки айни Анварий "*пайғамбар*" деб тан олингани хусусидаги савол мутлақо жавобсиз қолган.[5]

Навоийнинг "*Хамсат ул-мутаҳаййирин*" асарида Жомий билан суҳбатлардан бири шундай хотирланади:

"Бир кун фақир алар хизматида эрдим ва яна киши йўқ эрди. Анварий қасойиди бобида сўз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиладур эрдиким: «Биз анинг ашъорин, батахсис қасойидин оз кўруб эрдик, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтуб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарға келадур».

Чун фақир асҳоб орасида муттаҳам мунга борменким, Анварийға муътақид дурур ва анинг шеърин кўп ўқур. Филвоқеъ мундоқдур. Бағоят хушвақт бўлуб айттим: «Илтимосим борким, ул қасидасинким будур:

---

[1] Абдарраҳман Джами. Баҳаристан (Весенний сад). Крит.текст и предисловие А.Афсаҳзада. М., ГРВЛ, 1987, с.132-134.
[2] Шу китоб, с. 145. (Шеър таржимаси Саъдий ижодига оид фаслда келтирилган.)
[3] М.Л.Рейснер. Персидская лироэпическая поэзия X– начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. М.: Наталис, 2006. 424 стр.
[4] Тўғри, тадқиқотчи боб охирида изоҳ берган. Аммо илмий тадқиқотда сарлавҳа боб матнига мувофиқ бўлиши керак эмасми?
[5] Албатта, бу муаммони ҳал қилиш умуман Анварий ижодини қасиданавислик тараққиёти жараёни фонида алоҳида жиддий қиёсий ўрганишни талаб қилади. Ушбу мақола ҳажми бундай вазифани кўтара олмайди.

Гар дилу даст баҳру кон бошад,
Дилу дасти худоегон бошад[1]

(Агар кўнгил билан қўллар денгиз ва кон бўлса,

Албатта, улар ҳукмдорнинг кўнгли ва қўллари бўлур.)

бир қатла ўқуб мулоҳаза қилилса». Алар мутабассим бўлуб айттиларким: «Ажаб сўз айттинг,биз бу уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз, – деб мусаввадани бир худранг варақда чиқариб, фақирнинг илгиға бердиларким: «Ўқуб кўр». Матлаи бу эрдиким:

Ҳар киро дар даҳон забон бошад,
Дар санои шаҳи жаҳон бошад.
(Кимнинг агар оғзида тили мавжуд бўлса,
Бу тил жаҳон ҳукмдорининг мадҳи билан банддир.)

Биз фақирлар не истиҳқоқ била таъриф қила олғайбиз. Мунча густоҳлиқ қилилдиким, ул қасидани сиҳр хаёл қилур эрдук, бу шеър ани паст қилғондек кўрунадур, ҳамоноки мўъжиза деса бўлғай"[2]

Келтирилган иқтибосдан Навоийнинг Анварий ижодига алоҳида эътибори бежиз эмаслиги кўриниб турибди. "Девони Фоний"даги форсий қасидалардан

Жаҳонки марҳалайи танги шоҳроҳи фаност
Дар у мажўй иқомат, ки роҳи шоҳу гадост –

сатрлари билан бошланадиган "*Қут ул-қулуб*" (Қалблар озиғи) қасидаси Анварийнинг

Агар муҳаввали[3] *ҳоли жаҳониён на қазост*
Чаро мажорийи[4] *аҳвол бар хилофи ризост*

матлаъли қасидасига татаббуъ сифатида ёзилган[5] ва девонда аниқ *"татаббуъи Ҳаким Анварий"* деб қайд этилган.

Қасида жами 70 байт бўлиб, 20 байти – ташбиб, 3 байт– гуризгоҳ, қолгани – мадҳдан иборат. Масала равшан бўлиши учун асарнинг бошланишидан бир неча байтни насрий таржимаси билан келтирамиз:

---

[6] Шоирнинг қандай қилиб Муиззий тузоғидан омон ўтиб, буюк салжуқий Султон Санжар саройига кириб келгани ҳақида юқорида ҳикоя қилинди. Анварийнинг ўшанда ўқиган ҳукмдор мадҳидаги илк қасидаси ривоятга кўра шу сатрлар билан бошланган экан.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. Т.-«Фан »-1999, с. 27.

[2] *Муҳаввал* - 1. тағйир додашуда, дигаргун шуда, аз ҳоле ба ҳоле гардида. 2. ҳавола карда шуда, супурда шуда, ба зиммаи касе гузошта шуда

[3] Мажорий – мажро сўзининг кўплиги. Мажро - жойи жараёни об, мажорийи аҳвол - вазъияти корҳо, жараёну рафти корҳо

[4] Девони Анварий. Қасоид. Қасидайи шумора 18 – Дар мадҳи Носир ул-милла ва-д-дин Абулфатҳ Тоҳир (Интернет материали).

1.

Агар муҳаввали ҳоли жаҳониён на қазост
Чаро мажорийи аҳвол бар хилофи ризост

(Агар жаҳон аҳлининг аҳволида ўзгариш қазою қадардан бўлмаса,)
Нега дунё ишларининг бориши биз хоҳлагандек эмас.

2.

Бале қазост ба ҳар неку бад инонкаши халқ
Бад-он далил ки тадбирҳойи жумла хатост.

(Ҳа, инсонларни ҳар қандай яхшилигу ёмонликка етакловчи тақдирдир,
Бунинг далили шуки, биз қандай тадбир қилмайлик барчаси хато бўлиб чиқади.)

3.

Ҳазор нақш бар орад замона ву набувад
Яки чунон ки дар ойинайи тасаввури мост,
(Замона минг бир ҳунар кўрсатади, аммо бирортаси
Бизнинг тасаввуримиз кўзгусида акс этгандек бўлиб чиқмайди.)

4.

Каси зи чун у черо дам ҳами наёрад зад
Ки нақшибанди ҳаводису ройи чун у черост.
(Бирор инсон "нима учун" деб сўрашга ҳадди сиғмайди,
Чунки "нима учун"лиги ҳам ҳодисалар тарҳини чизувчининг ўзига аён.)

5.

Агарчи нақш ҳама уммуҳот мибанданд,
Дар ин сарой ки кавну фасоду нашву намост.
(Агарчи ҳаёт ва мамот, ўсиш ва ўзгариш юз берувчи
Бу оламда барча ҳолатлар замирида тўрт унсур ётса-да)

6.

Тафовути ки дар ин нақшҳо ҳами бини,
Зи хомайист ки дар дасти жунбиши обост.
(Улардаги кўриб турганинг ҳама фарқланишлар боиси
Сайёраларнинг самодаги ҳаракатлари натижасидир.)

7.

Ба дасти мо чу аз ин ҳаллу ақд чизи нист,
Ба айши нохушу хуш гар ризо деҳим сазост.
(Бу ишларнинг тугуни ва ечими қўлимизда бўлмагач,
Умримизнинг яхши-ёмон кунларини ризолик билан ўтказганимиз маъқул.)

Кўриниб турибдики, қасида насиби тасаввуфий-ирфоний мавзуга, яъни *таваккул* мавзусига бағишланган. Айни шу сабабдан ҳам Навоий ўзининг фалсафий-ирфоний қасидасини унга татаббуъ қилган. Агар таққослаш учун XI аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган Манучеҳрий шеъриятига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг 1974 йилда Тожикистонда нашр этилган "Сайланма"сидаги 36 қасидадан бирортасининг ташбиби бу каби мавзуларга бағишланган эмас.

Навоийнинг “*Қут ул-қулуб*” (Қалблар озиғи) қасидаси Нажмиддин Комиловнинг “*Фақр нуридан порлаган қалб*” ва кейинчалик “*Хизр чашмаси*” китобларида “*Таваккул талқини”* фаслида (с. 228-234) батафсил таҳлил қилинган[1]. Шу сабабли биз олимнинг мулоҳазаларини қайтариб ўтирмай фақат бир масалага Анварий ва Навоий қасидалари орасидаги фарқ ва унинг сабабларига қисқача тўхталиб ўтиш билан чекланамиз. Биринчидан, Анварий қасидаси аслида мадҳиявий қасида - вазир Носириддин Абулфатҳ Тоҳирга бағишланган, унинг фақат кириш (ташбиб ёки насиб) қисми таваккул мавзусида бўлиб, қасиданинг 21 байтидан гўризгоҳ (ташбибдан мадҳга ўтиш) ва кейинги 47 байт вазирнинг мадҳидан иборат. Иккинчидан, биз юқорида келтирган 7 байтнинг охиргиси – (яъни, “*Бу ишларнинг тугуни ва ечими қўлимизда бўлмагач, умримизнинг яхши-ёмон кунларини ризолик билан ўтказганимиз маъқул”,* деган фикр) кўтарилган мавзу бўйича шоирнинг хулосаси бўлиб, кейинги байтларда бу хулоса чуқурлаштирилмаган (шу сабабли биз уларни таржимаси билан келтиришни лозим топмадик). Навоий эса, биринчидан, ўзининг 120 байтли татаббуъ қасидасини тўлиғича ягона мавзуга бағишлайди ва унинг асари соф фалсафий-ижтимоий мавзуда бўлиб, мадҳияга алоқаси йўқ. Иккинчидан, ўзбек шоири *таваккул* мавзусини қуруқ баён қилиб қўя қолмайди, балки унинг ахлоқий-ижтимоий ечимини ҳам мукаммал таҳлил қилиб беради.

Маълумки, Алишер Навоийнинг**“***Маҳбуб ул- қулуб***”** рисоласи “*Аввалги қисм*”ининг **“***Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида***”** деб аталган 16-фасли шоирлар таърифида бўлиб, унда форс мумтоз адабиёти намояндалари бир неча гуруҳга бўлинади. Биринчиси, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий каби соф тасаввуфий шеърият вакиллари. Уларни муаллиф “*ҳақиқат тариқининг суханварлари”* деб атайди. Иккинчи гуруҳга Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий кабиларни киритиб, уларни “*ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар*” деб таърифлайди. Яна бир алоҳида гуруҳ сифатида Камол Исфахоний, Хоқоний Ширвоний, Абдулвосиъ Жабалий, Асириддин Ахсикатий, Заҳир Фарёбий каби шоирларни санаб ўтиб, шулар қаторида Анварийни ҳам тилга олади ва ушбу гуруҳ таърифида “*мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдурлар*” деб хулоса қилади. Ва ниҳоят, устози Абдураҳмон Жомий ҳақида махсус тўхталиб, уни “*ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми икаласи тариқида вофий ва шомил*” деб улуғлайди. Масалага юзакироқ ёндошганда санаб ўтилган иккинчи ва учинчи гуруҳ вакиллари бир йўналишда (“*мажоз тариқи*”да) ижод қилгандек кўринади. Аммо агар Анварий ва Хоқонийлар учун “*мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб”* дейилган бўлса, Саъдий, Амир Хусрав ва Ҳофизлар ҳақида “*ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилубдурлар”* деб таъкид этиладики, бу таърифларнинг ўзаро жиддий фарқи бор. XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган “*мажоз тариқи*” вакиллари - Анварий ва Хоқонийлар ҳам ижтимоий-фалсафий, ҳам тасаввуфий-ирфоний мавзуларни ўз ижодларида кенг акс эттирганлар, аммо улар Аттор ва Румий сингари “*ҳақиқат тариқининг суханварлари”*дан илгари яшаганлари туфайли Амир Хусрав ва Ҳофизлар даражасида “*ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут қилишга”* муяссар бўлмаганлар. Шу сабабли улар ижоди мазмунан “*тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг юксалиши”* аталган **иккинчи босқичга** тааллуқли бўлиб, Алишер Навоийнинг нафақат форсий қасидалари, балки бутун ижоди мазмуний теранлиги жиҳатидан Амир Хусрав ва Ҳофизлар билан бир

[1] Нажмиддин Комилов. Хизр чашмаси. Т.-«Маънавият»-2005, с. 228-234.

босқичга - минтақа адабиётининг XIV-XV асрларни ўз ичига олган **учинчи босқичи** –*"мажоз тариқи адабиёти"* босқичига мувофиқ келади. Бу босқичнинг асосий хусусияти эса ирфоний ва ижтимоий мазмунларнинг ўзаро уйғун ифодаланиши билан ажралиб турар эди.

Навоий "*Садди Искандарий*" достони охиридаги мажозий тасвирда улуғ устозлари Низомий, Амир Хусрав, Жомий, Саъдий, Фирдавсий, Саноий, Хоқоний, Унсурийлар даврасида Анварий номини ҳам фахр билан тилга оладики[1] бу унинг "*қасидада пайғамбар*" деб шуҳрат қозонган шоирга бўлган юксак эҳтиромининг яна бир ифодаси эди.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 11-том. Т.-«Фан »-1993, с. 573-574.

АТТОР ВА НАВОИЙ. ТАТАББУЪ МЎЪЖИЗАСИ

Адабий асарда нима муҳим? XX аср китобхони кўпроқ сюжетга қизиқадиган бўлди. Аммо илгари ундай эмас эди. XIX асргача бутун дунё адабиётида, айниқса, Шарқ мумтоз шеъриятида бир мавзу, бир сюжет асосида бир қанча ижодкорларнинг асарлар яратиши кенг тарқалган аньана бўлиб, татаббуъ ҳодисаси ушбу анъананинг юксак кўриниши сифатида юзага келди. Ушбу ҳодисага илк марта эътибор қаратганлардан бўлмиш Е.Э. Бертельснинг 1929 йили ёзган «*Навоий ва Аттор*» рисоласи ҳануз ўз илмий аҳамиятини йўқотмай келаётган тадқиқотлардандир.

1986-87 йиллари мен ҳам устозга татаббуъ йўсинида Навоий ва Аттор мавзусига киришиб, «*Ҳақиқат ва мажоз*» номли рисола қоралаган эдим. Мана орадан 16-17 йил ўтди. Мустақиллик шарофати туфайли ислом минтақа маданиятининг асос манбалари билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлди. Шундай шароитда мавзуга янада жиддийроқ ёндашиш эҳтиёжи туғилди.

Татаббуьнинг моҳиятини англаб етиш учун матнларни сатрма-сатр қиёслаш керак. Бунда фақат мутлоқ янги сатрларни топиб кўрсатишгина эмас, балки бир қарашда таржимага ўхшаб кўринган ўринлардаги маъно товланишларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Биз илк тажриба сифатида ишни Аттор ва Навоий достонларидаги биринчи 10 байтни қиёслашдан бошладик. Манба сифатида «*Лисон ут-тайр*»нинг Шарафиддин Эшонхўжаев тайёрлаган илмий-танқидий матни, Аттор достонининг эса Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари хазинасида сақланаётган 1424 йили Ҳиротда кўчирилган «*Ситтайи Фаридиддин Аттор*» деб номланувчи мўътабар қўлёзма таркибидаги матни танланди[1]. Ҳар икки достон анъанага мувофиқ Оллоҳ ҳамди билан бошланади. Ушбу муқаддима боб Атторда 159 байт, Навоийда 60 байтдан иборат.

Аттор ўз асарини шундай бошлайди:

Офарин жонофарини покро,
Онки жон бахшид мушти хокро.

(Жоннинг яратувчисига офаринлар бўлсинки, У бир сиқим тупроққа жон бахш этди.)

Алишер Навоий бу илк сатрлар мазмунига ўз муносабатини билдиришга шошилмайди. Ўз достонини буткул бошқача бошлайди:

Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тангри ҳамди бирла оғоз айлагай.

Достон аввалидаёқ «*жон куши*», «*мантиқи роз*» каби рамзий иборалар қўлланиб, асарнинг асл манбаига ишора қилади (бу икки иборани бирлаштирилса, Аттор асарининг сарлавҳаси

[1] Таъкидлаб ўтиш лозимки, Аттор асарининг турли даврларда кўчирилган кўп сонли қўлёзмалари матни баъзи ўринларда бир-биридан жиддий фарқланади. Шу нуқтайи назардан бугунги кунда XIX асрда француз олими Гарсин де Тасси тайёрлаган танқидий матнни ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати бор.

ҳосил бўлади). Ҳар икки достоннинг кейинги байтлари ягона Тангри мадҳи, унинг кўрсатган мўъжизаларини бирма-бир таъриф-тавсифлаш билан давом этади. Аттор:

Аршро бар об бунёд у ниҳод,
Хокиёнро умр бар бод у ниҳод,
Осмонро бар забардасти бедошт,
Хокро дар ғойиби пасти бедошт.
Он якиро жўнбиши модом дод,
В-он дигарро доимо ором дод.
Осмон чун хаймайи бар пой кард,
Бисутун гирди заминаш жой кард.
Кард дар шаш рўз ҳафт анжўм падид,
Ва-з ду ҳарфи амр нуҳ торўм падид.
Муҳрайи анжўм дар ин ҳўққа бисохт,
Бо фалак дар хўққа ҳар шаб муҳра бохт.
Доми танро мухталиф аҳвол кард,
Мўрғи жонро хок бар дўмбол кард.
Баҳрро бигудохт дар таслими хеш,
Кўҳро афсурда кард аз бийми хеш.
Кўҳро ҳам тиғ дод у, ҳам камар.
То басарҳангийи у афрошт сар...
(Аршни сув устига қурган – у,
Тупроқдан яралганлар умрини елга топширган – у.
Осмоннинг қўлини баланд қилиб қўйди,
Тупроқни кўзга илинмайдиган даражада пастликда сақлади.
Ул бирига (олдингисига) бетиним ҳаракат бахш этди.
Бошқасига (кейингисига) доимий ҳаракатсизликни лозим кўрди.
Осмонни худди чодирдек тиклаб қўйди,
Бирор таянчсиз ер атрофини ўраб турувчи қилди.
Олти кунда етти юлдузни (сайёрани) яратди,
Икки ҳарф («коф» ва «нун») билан амр қилиб,
тўққиз фалакни бино қилди.
Юлдузлар мунчоғини ушбу (фалак) сандуқчасига жойлади,
Ҳар тунда фалак билан юлдузлар ўйинини олиб борди.
Бадан қафасини турли ҳолатларга солди,
Жон қушини тупроқ қафасига тутқун қилиб қўйди.
Денгиз(лар)ни ўзига бўйсундириб, эритди.
Тоғ(лар)ни ўз ҳайбати билан қўркувдан тошга айлантирди.
Тоғ(лар)га, (заминга) посбонликда қад ростлаб туриши учун
Ҳам тиғ (қиррали чўққилар), ҳам камар (тор даралар) берди...)

Навоий:

Улки махлуқот халлоқидур ул,
Ондин ўзга фонию боқийдур ул.

Сонеъиким чекти чун сунъи қалам,
Офариниш тарҳини қилди рақам
Айлагач дойир тўқуз афлокни,
Қосир этди фаҳмидин идрокни.
Кўкни тун, кундин муламмаъ айлади,
Меҳру анжумни мурассаъ айлади.
Ойни кўк тирноғидин қилди мисол,
Олғон ул тирноғ бир ёндин ҳилол.
Сайрдин гардунга солди изтирор,
Ерга онинг жавфида берди қарор.
Ер юзин ёмғир суви бирла юди,
Гарду чирки ул юмоғдин ўксуди.
Баҳр уза жўнг айлади туфроғдин,
Жўнг учун лангар ёсоди тоғдин.
Қилди дарёға бухорин пардапўш,
Меҳр ўтидин тушмасун деб сувға жўш...

Келтирилган 10 байт қиёсидан ҳам очиқ кўриниб турибдики, ўз даврида Е.Э.Бертельс чиқарган хулоса мутлақо тўғри бўлган – Навоий Аттор асарини таржима қилишга уринган ҳам эмас. Албатта, ҳар икки матн орасида бир қанча ўринларда туташлик борлиги ҳам рост. Навоий Аттор тилга олган кўп масалаларга ўз муносабатини билдириб ўтган.

Аттор бир байтнинг аввалги сатрида арши аълодан гапирса, иккинчи мисрада инсон ҳаётининг бебақолигига кўчади, хаёли гоҳ осмонга кўтарилса, гоҳ пастликка – тупроққа тушади, гоҳ юлдузлар ўйинидан баҳс этса, гоҳ тан ва жон ҳақида фикрлайди. Аммо бундай «*бетартиблик*»нинг ҳам ўз тартиб-қоидаси бор, уни кўриш учун шоирнинг мақсадига эътибор бериш лозим. Аслида суфий шоирнинг мақсади Парвардигорнинг яратувчилик маҳоратини тасвирлаш эмас, балки унинг чексиз қудратини намоён этиб, тупроқдан бино бўлган инсоннинг бу қудрат қаршисида нақадар ожизлигини кўрсатиш.

Алишер Навоий тасвири эса ниҳоятда изчил. Шу даражадаки, унинг баёнида Халлоқи олам биринчи навбатда яратадиган нарсаларининг режасини (тарҳини) белгилаб олади. Шундан сўнг ушбу «*тарҳ*» асосида яратувчилик жараёни бир текис ривож топа бошлайди. Аввал 9 фалак (осмон қабатлари) яратилади, сўнг кун билан тун бир-биридан ажралади, қуёш («*меҳр*») ва юлдузлар пайдо бўлади, қуёшдан сўнг ой эсланади, тинимсиз айланиб турган фалак бағрида ер курраси қарор топади. Ана энди тасвир ер юзига кўчади – унда ёмғирлар чанг-ғуборни ювади, чексиз уммон орасида қуруқлик худди кемадек жойлашиб, унга тоғлар собитлик бахш этади. Денгизлар узра буғ кўтарилиб, булутга айланади ва ҳоказо.

Аттор байтларида мазмуний узлуксизлик изчил эмас. Умуман, «*Мантиқ ут-тайр*» достонида эпик тасвир изчиллигидан кўра, эхтиросли лирик-дидактик оҳанг устун туради. Навоийнинг баён оҳанги эса ниҳоятда босиқ, туйғуга эмас, акл-идрокка таъсир этишга қаратилган. Бундай тасвир оҳанги тасаввуфий шеъриятга хос эмас. Навоий ҳаёт ҳодисаларини таҳлил этмоқда, аммо бу таҳлил тўлиғича рамзий-мажозий тасвир услуби доирасидан четга чиқмайди. Асли, Навоий кўтарган муаммоларни ўша даврда бошқача усул билан ҳал қилиш ҳам имкондан ташқари эди.

Ушбу қисқа қиёсий таҳлил ҳам Навоий асарининг айни татаббуъ қонун-қоидаларига риоя этиб ёзилганлигини исботлайди. Масалани янада равшанлаштириш учун татаббуъ-нинг яна бир қоидасига тўхталиб ўтамиз.

Татаббуъчи шоир, албатта, ўз салафининг матнидаги энг муҳим жиҳатларга жавоб бериб ўтиши керак. Ўзи аслида татаббуъ – оддий назира эмас, балки салафининг олға сурган асос ғояларига ўзига хос зукколик билан берилган жавобдир. Бунда тазмин қоидаси муҳим ўрин тутади. Тазмин салафнинг муайян сатрларини янгича жарангда такрорлаш усули бўлиб, Навоийнинг «*Туҳфат ул-аҳрор*» қасидасида Дехлавий ва Жомийга жуда гўзал тазминлари бор.

Хўш, «*Мантиқ ут-тайр*»нинг илк байти «*Лисон ут-тайр*»да тазмин қилинганми? Ҳа, шундай тазмин қилинганки, ҳар икки асарнинг асосий фарқи ана шу тазминда ўз ёрқин ифодасини топган, деса ҳам бўлади. Навоийнинг Атторга жавоби «*Лисон ут-тайр*»нинг 28-байтига яширинган.

Юқорида биз оламнинг яратилиши Навоий асарида изчил баён этилганлигига эътибор қаратдик. Ушбу изчиллик кейинги байтларда ҳам давом этади. Жумладан, 11-21-байтларда уммондаги ва қуруқликдаги жонзотлар, наботот, ер юзи иқлимига оид кузатишлар баёни берилади. Аста-секин тасвир навбати инсонга ўтади...

Ўйлаким, душман яротиб ўтқа сув,
Елни ҳам туфроққа айлаб адув.
Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўлиб инсон хилқатида муттаҳид.
Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беэваз.
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзин пинҳон цилиб.
Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилсим.
Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин,
Офарин сунъунгға, эй жонофарин!

(Гўёки сувни оловга душман қилиб яратди, Шамолни [аслида, ҳавони] ҳам тупроққа зид қилди.

Халлоқи оламнинг яратувчилик қудратини кўринг-ки, Бир-бирига зид бўлган шундай тўрт унсур Инсон вужудида бир бутун ҳолга келди.

Бутун оламни яратишдан Ҳақ таолонинг мақсади инсон эди, Уни бутун махлуқотлар ичида тенги йўқ қилиб яратди. Унинг кўнглини ирфон хазинаси қилиб, Ушбу тилсим ичра ўзини яширди. (Оллоҳнинг) яширин сири бир хазина бўлиб, Бу ажойиб жисм (яъни инсон) ўша хазинани Ўзида (эҳтиётлаб) сақловчи бир тилсим сифатида яратилди. Ул хазина узра ҳам (сеҳрли) тилсим бўлса, Ҳам (уни қўриқловчи) ишончли зот бўлса, Сенинг бундай яратувчилик маҳоратингга Офаринлар бўлсин, эй жонофарин!)

Аттор достонидаги биринчи сатрга Навоий шундай тазмин қилади. Аттор наздида, Халлоқи олам «*бир сиқим тупроққа*» жон бахш этгани учун мадҳ этилган бўлса, Навоий инсонни шундай мураккаб ва сирли бир зот сифатида яратганлиги учун яратувчилик маҳоратига таҳсин ўқимокда. Агар бир сўз билан баён қилинса, ҳар икки шоир ҳам инсонга жон бахш этган Ҳақ

таолога ҳамд айтмокда, аммо баъзилар шундан келиб чиқиб, Навоий асарини «*таржима*» деб атасалар, унда Деҳлавий «*Хамса*»си нима бўлади – форс тилидан форс тилига таржимами?

Аслида Атторнинг ҳам, Навоийнинг ҳам мақсади бир – инсон маънавий такомили. Фарқ шундаки, Аттор XII аср охири – XIII аср бошларидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб масалага ёндошмоқда, Навоий эса XV аср сўнгида туриб ўз сўзини айтмокда.

Масаланинг бошқа бир жиҳати – Аттор тўлиқ тасаввуф ғоялари таъсирида бўлса, Навоийнинг масалага қараши тасаввуфий ғоялар доирасидан анча-мунча кенгроқ қамровга эга. Аттор инсон вужудининг тўрт унсурдан ташкил топганлигини билмайдими? Ундай эмас. Фақат тасаввуфий ғоялар куйчиси учун инсон жисмининг қайси унсурлардан ташкил топгани муҳим эмас. Унинг учун инсон ва Ҳақ муносабати масаласи – бош масала.

Алишер Навоий ишлатган «*тилсим*» ва «*ганж*» рамзлари ҳам Атторда бор. Фақат Аттор уларни жон ва жисм, модда ва руҳ нисбати сифатида олади:

Ганж ёби, чун тилисм аз пеш рафт,
Жон шавад пайдо, чу жисм аз пеш рафт.
(Тилсим кўздан йўқолгач, хазинани топасан,
Жисм кўздан йўқолсагина, жон кўриниш беради.)

Аттор асари ҳам рамзий-мажозий услубда ёзилган, Навоий татаббуъъси ҳам. Фарқ шундаки, **Аттор учун *мажоз* фақат *аллегория* холос. Навоий учун эса *мажоз* қуруқ аллегория эмас, балки метафорадир.** Ушбу ўта муҳим масалага, афсуски, жуда кўп зукко мунаққидлар чандон эътибор қаратмайдилар. Бу катта фарқнинг моҳиятини тўғри идрок этиш учун татаббуъъ ҳодисасининг минтақа халқлари маънавий такомил жараёни билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Ушбу жараённинг ички қонуниятларини англамаган ҳолда, Навоий татаббуъъсининг сирини очиш имкондан ташқаридир.

Алишер Навоий Аттор достони ҳақида «*шарҳи асрори илоҳий*» дейдики, бу таъриф ушбу достоннинг илоҳий китоб мазмунига оид теран ғояларнинг ўзига хос таъвили эканлигига ишора қилади[1].

Ислом минтақа маданиятининг шаклланиши ва ўзига хослиги, биринчи навбатда, Қуръони карим шакли ва мазмуни билан боғлиқ. Илоҳий китоб мазмуни шу қадар чексиз теранлик хусусиятига эгаки, уни мукаммал тушуниб етиш бани башар учун то қиёмат кунигача давом этадиган ижодий жараёндир. Айниқса, ундаги етакчи ғоя бўлмиш тавҳид таълимотини борган сари теранроқ идрок қилиб бориш минтақа халқлари маънавий камолотини белгиловчи омиллардан бўлгани сир эмас. Масалан, ислом даври маънавий такомил босқичларининг биринчиси – «*Сунна*» босқичи (VIII – IX асрлар) илоҳий ваҳий мазмунини Пайғамбаримиз ибрати асосида англаб етиш даври бўлди. Бу даврда Расулиллоҳ ҳадисларини тўплаш ва ҳадисшунослик илмининг қатъий талаблари асосида уларни таснифлаш амалга оширилди. «*Ислом маърифатчилиги*» аталмиш иккинчи босқичда (X – XI асрлар) алломаларимиз тавҳид ғоясини илмий-мантиқий асосда англаб етишга эришдилар. Улар ўша давргача аҳли башар яратган барча маънавий бойликларни чуқур ўрганиб чиқиб, сарагини саракка, пучагини пучакка

[1] Қуръони карим оятларининг зоҳирий маънолари тафсир қилинади, ботиний мазмунларни шарҳлашга уриниш эса таъвил дейилади.

ажратиб бердилар. Дастлаб зоҳидлик ва тақвога эътибордан бошланган суфийлик ҳаракати IX – XI асрларда ўз мустақил таълимотини шакллантирди. Илм аҳли кўпроқ ижтимоий масалалар ва моддий борлиқни ўрганиш билан шуғулланган бўлсалар, тасаввуф инсон маънавиятига, унинг ботиний, ички дунёсига нигоҳини қаратди, ҳар бир шахснинг маънавий-ахлоқий такомили масаласини биринчи ўринга қўйди. XII – XIII асрларда ислом дунёсида тасаввуф тариқатларининг шаклланиш жараёни кенг тус олди, ирфоний мавзуга эътибор ниҳоятда кучайди. Шундай қилиб мусулмон халқлари маънавий такомили учинчи – «*Тасаввуф тариқатлари ва ирфон*» босқичига кўтарилди.

Шўролар даврида илмий-мантиқий тафаккур ҳам, ирфоний ғоялар ҳам атайин исломга зидлаштирилди. Натижада, бугунги кунда тавҳид ғоясининг исломий, илмий, ирфоний талқинлари орасидаги тадрижий изчилликни англаб етиш оғир кўчиб, айни шу сабабли мусулмон минтақа маънавияти такомилидаги тўртинчи – «*мажоз тариқи*» босқичининг моҳияти кўпчилик учун тушунарсиз қолмокда.

Исломий ғояларнинг шеъриятга кириб келиши бирданига юз бергани йўқ. Маълумки, Қуръони каримда шеър ва шоирларга салбий муносабат билдирилган. Бунинг сабаби жоҳилия (исломдан олдинги давр) араб шеърияти шаклий жиҳатдан анча балоғат касб этган бўлса-да, ғоявий мазмуни мутлақо ислом ва инсон ахлоқига зид бўлиб, асосан, манманлик, талончилик ва фаҳш ишлари билан ғурурланиш, майхўрликни мадҳ этиш, ўз душманларини ҳақоратли йўсинда ҳажв этиш каби мавзуларга бағишланган эди. Мусулмон уммати шаклланa бошлагач, дастлаб Пайғамбарни ва у даъват қилаётган эътиқод системасини улуғлаш билан бошланган шеъриятдаги янгиланиш жараёни бир неча аср давом этди. X – XI асрлардан шеъриятга тасаввуфий ғояларнинг таъсири ҳам аста-секин кучайиб бориб, ниҳоят XII – XIII асрда фалсафий-ирфоний шеърият мумтоз даражага кўтарилди. Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий соф ирфоний ғояларни бадиий инъикос эттиришда (Алишер Навоий таъбири билан айтсак, "*ҳақиқат тариқи*"да) юксак чўққиларни эгалладилар. Тавҳид ғоясининг тасаввуфий талқини улар ижодининг бош мавзуи эди.

Суфийлар Борлиққа муносабатда ўзига хос қарашларни олға сурдилар. Улар тавҳид ғоясини ўзига хос талқин этиб, абадий ва азалий, бинобарин, ҳақиқий Борлиқ – Ҳақнинг борлиғи, биз кўриб турган моддий борлиқ эса ўткинчи, муваққат, ўзгарувчан, бебақо, демакки, ҳақиқий борлиқ эмас, балки Ҳақнинг «*мажози*», яъни гўёки унинг кўзгудаги акси, деб ҳисоблайдилар. Шундай мулоҳазалардан «*ҳақиқат*» ва «*мажоз*» нисбати келиб чиқади. Адабиётда бу нисбат асосан «*ишқи ҳақиқий*» (яъни Ҳақ ишқи) ва «*ишқи мажозий*» (моддий дунё унсурларига кўнгил боғлаш) тушунчаларида ўзини намоён этди. Ҳақиқат тариқи куйчилари инсонларни бу ўткинчи, мажозий борлиққа алданмаслик, балки ягона ҳақиқий Борлиқ бўлмиш Ҳаққа меҳр боғлаш, Ҳаққа интилишга чақирдилар. XIII аср охири – XIV аср бошларида Хусрав Деҳлавий (1253 – 1325) ҳақиқат ва мажоз нисбати масаласида тасаввуфий қарашларни рад этмагани ҳолда, суфийларнинг ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозийни бир-бирига зидлаштириш принципига қарши чиқди. XIV – XV асрларда бу янгича қарашлар адабиёт майдонида кенг ёйилиб, кейинчалик Алишер Навоий асарларида «*мажоз тариқи*» номи билан тилга олинган янги йўналиш шаклланди. Форсий ва туркий тилли шеъриятда урф бўлган бу йўналиш намояндалари суфиёна қарашлардан фарқли ўлароқ, моддий дунё неъматлари аҳамиятсиз, рад қилиниши керак бўлган нарсалар эмас, балки улар Ҳақ яратган, ҳақиқат сирларини ўзида пинҳон этган махлуқотлар сифатида катта эътиборга лойиқ, деб ҳисобладилар. Пайғамбаримизга нисбат берилган «*Мажоз – ҳақиқатнинг кўпригидир*» ҳадисига мувофиқ бу олам ун-

сурларига, айниқса, инсонга нисбатан меҳрни («*мажоз ишқи*»ни) *«ишқи ҳақиқий»* сари олиб борадиган йўл, деб талқин қилдилар. Ушбу қарашлар силсиласи уч буюк шоир яратган «*Хамса*»лар мазмунида рўй-рост ўзини кўрсатди ва Навоий асарларида назарий жиҳатдан ҳам мукаммал изоҳланди.

«*Симурғ – си мурғ*» мажозий нисбатида ифодаланган ғоянинг тасаввуфий талқини Жалолиддин Румийнинг «*Маснавийи маънавий*» асарида фалсафий-назарий такомилига етказилган бўлса, «*Лисон ут-тайр*» уч даҳо шоир ижодининг муштарак маҳсули бўлган улуғ «*Хамса*» бадиий-фалсафий оламига рамзий бир хулоса сифатида дунёга келди.

Татаббуъ мўъжизаси ва унинг ислом минтақа маданиятида тутган мавқеи ҳақидаги суҳбат энди бошланди. Биз ҳозирча татаббуъ тўғрисида Алишер Навоийнинг «*Тухфат ул-афкор*» қасидасидан бир байт келтириш билан сўзимизни якунлаймиз:

Дар татаббуъ кардани ин назм озодам зи таън,
Тобеъи суннат бувад ҳар ку набиро чокар аст.
(Бу назмни татаббуъ қилишда таънадан озодман, чунки кимки
Пайғамбарнинг хизматкори бўлса, унинг суннатига тобеъ бўлади.)

ҲОФИЗ ҒАЗАЛЛАРИ ВА ФОНИЙ ТАТАББУЪЛАРИ

Шарқда Хўжа Ҳофиз тахаллуси билан машҳур бўлган, шоирнинг асл номи Шамсуддин Муҳаммад бўлиб, у тақрибан 1320–1389 йиллар орасида Шерозда яшаб, жаҳонга машҳур ғазаллар ижод этган. Бу даврда Эронда чингизий Илхонлар сулоласи тушкунликка учраб, мамлакат бир неча кичик вилоятларга бўлиниб кетган эди. Турли вилоят ҳукмдорлари орасида доимий низо ва қонли курашлар тўхтовсиз давом этар бундан асосан оддий халқ жабр кўрарди.

Отасидан ёш етим қолган шоир жуда эрта мустақил ҳаёт йўлини бошлашига тўғри келди. У нонвойга шогирд тушади, хамиртуруш ва нон сотади. Шу орада ўқиб, савод чиқариб, Қуръонни ёдлайди, маъракаларда Қуръон ўқийди, китоб кўчириб ёзади. Ҳофизнинг ўз қўли билан 1355 йилда кўчириб ёзилган китоб нусхаси бизгача етиб келган[1]. Бу китоб улуғ ҳинд шоири Хисрав Деҳлавийнинг «Хамса»си бўлиб, ундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи достонлар Ҳофиз қўли билан кўчирилган. Ҳар бир достон охирида кўчирувчининг имзоси «Муҳаммад ибни Муҳаммад ул-мулаққаб биш-Шамс ил-Ҳофиз аш-Шерозий» деб ёзиб қўйилган.

Ҳаёти қийинчилик билан ўтишига қарамай, Ҳофиз бутун умр илмини ошириб борган. Униг шеърлари мазмунидан билим доираси ниҳоят кенглигини, шоирнинг ўз давридаги ҳамма фанлардан жуда яхши хабардор эканлигини сезиш мумкин.

Йиллар ўтиб шоирнинг шуҳрати эл-юрт орасида кенг ёйилди. Аммо устоз Ш.Шомуҳамедов унинг ҳаёти моддий жиҳатдан фақирона ва машаққатли кечганлигини баён қилади. Бу ҳақда шоирнинг машҳур –

Агар кўнглимни шод этса ўшал шероз жонопи,
Қаро холига бахш эткум Самарқанду Бухорони...

деб бошланувчи ғазалига Амир Темурнинг муносабатига оид ривоят мисол келтирилади. Аммо шавкатли саркарданинг Ғарбий Эрон ҳудудини эгаллаш санаси тарихий китобларда 1393 йили билан белгиланишига қараганда, у Шерозга шоир вафотидан кейин кириб келганлиги маълум бўлади. Ҳарҳолда, кейинчалик шуҳрати бутун Шарқу Ғарбни тутган шоирнинг ҳаёти фақирликда кечгани шубҳасиздир, зеро ҳаётида ҳам, ижодида ҳам риндлик фалсафасига амал қилган улуғ истеъдод эгаси моддий тўкинчиликни ҳавас ҳам қилган эмас.

Ш.Шомуҳамедов 1965 йилда нашр этилган китобида Ҳофиз асарларининг дунё тилларига таржималари ва унинг ижодий меросини жаҳон илмида ўрганилиши тўғрисида батафсил ёзар экан, хулоса қилиб: *“Ҳали Ҳофиз ижоди ҳақида мукаммал монографик асар майдонга келгани йўқ”,* деган эди.[2] М.Л.Рейснер китобида «*Ҳофизнинг ғазалчилик санъатига жаҳон шарқшунослик илмида 500дан ошиқ тадқиқот бағишланган...” (“Газельному искусству Хафиза в мировой ориенталистике посвящено свыше пятисот работ...”)*[3] деб ёзди. Дўстимиз,

[1] Бу нодир қўлёзма Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш маркази хазинасида сақланади.
[2] Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. Т., «Фан», 1965, саҳ. 12.
[3] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века) М., “Наука”, ГРВЛ, 1989, с. 179.

Ҳофиз ижодини ўрганиш бўйича докторлик диссертацияси тайёрлаб ёқлаган Аҳмаджон Қуронбеков *“Ҳофиз ҳақида ҳозиргача ёзилган китобларни жамласа минглаб жилдни ташкил этади”* дейди.[1] Олим ўзи шу жумладан италиялик олима Даниела Менжини Кореалнинг *“Ҳофиз ғазаллари конкордanси”*, туркиялик Судий Бўснавийнинг *“Шарҳи девони Ҳофиз”*, эронлик ҳофизшунослар Баҳовуддин Хуррамшоҳий, Рижоий Бухороий ва Раҳим Зуннурларнинг *“Ҳофизнома”, “Фарҳанги ашъори Ҳофиз” ва “Дар жўстижўйи Ҳофиз”* асарларидан ўз тадқиқотида кенг истифода этади[2]. Дарҳақиқат, Ҳофиз ижодининг умуминсоний аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, шеъриятга озми-кўп ошнолиги бўлган ҳар инсоннинг, хоҳ у Шарқда бўлсин, хоҳ Ғарбда, Ҳофиз ва унинг ғазаллари ҳақида эшитмагани кам. Аммо бу мавзуда ёзганларнинг ҳар бири шоир меросини ўзича талқин қилади. А.Қуронбеков Ҳофиз ғазалларидаги сўз-тимсолларни таҳлил қилиб икки китоб нашр қилди. Бу тадқиқотларида у форсларнинг *“Шеъри Ҳофиз ҳафт парда рўйи ҳам дорад”* нақлидан келиб чиқиб, Ҳофиз ғазалиётидаги маънолар силсиласининг етти қабатини бирма-бир изоҳлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Саъдийни *“ғазал устаси”* дейишади, ҳатто Жомий *“Баҳористон”* асарида келтирган бир тўртликда уни шу жанрнинг *“пайғамбари”* деб таърифланади. Дарҳақиқат, М.Л.Рейснер ҳам ўз тадқиқотида шоир ғазалларини – *“XIII аср ғазалчилигининг эътироф этилган юксак чўққиси” (“признанная вершина газельной лирики XIII века”), “XIII асрда шаклланган муттоз ғазал андозасининг энг мукаммал ва тўлиқ рўёбга чиқиши” (“наиболее глубокая и полная реализация канона классической газели, сложившегося в XIII веке.”)* деб таъкидлайди.[3] Маълумки, Саъдий нафақат ғазаллари билан, балки ўзининг шеърий *“Бўстон”* ва насрий *“Гулистон”* асарлари билан ҳам машҳур. Ҳофиз Шерозий эса ўз улуғ ҳамшаҳаридан фарқли ўлароқ фақат бир лирик девон қолдирган, унинг ҳам асосий қисми ғазаллардан иборат. Шундай экан, Ҳофизнинг ғазалсароликда Саъдийдан ўтган жойи нимада? Унинг умумжаҳоний шуҳратининг сири қаерда?

Бизга бу муаммони ечишда ҳам Алишер Навоий ёрдам бермасмикин? *“Насойим ул-муҳаббат”* асари 734-фаслида Ҳофиз ҳақида шундай сатрлар битилган:

*“Алар **лисон ул-ғайб** ва **таржумон ул-асрор**дурлар. **Басо асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқияки, сурат кисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар**. Агарчи маълум эмаски, алар иродат илики бир пирга бермиш бўлғайлар ва тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар. Аммо сўзлари андоқ бу тоифа машраби била мувофиқ воқеъ бўлубдурки, ҳеч кишига андоқ иттифоқ тушмайдур. Доғи алфоз латифлиғи ва таркиб покизалиғи ва равонлиғи ва адо салосати ва латофати ва маъно ғариблиғи чошнисида худ аларни таъриф қилмоқ ҳаёт суйин жонбахшлиққа таъриф қилғондек бўлғай. Хожалар(қ.а.) силсиласидин азизе дебдурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирға андоқ маълум бўлубдур ва машҳур мундоқдурки, Ҳазрат Мир Қосим(қ.с.) аларнинг девонини «Қуръони форсий» дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маонисидин мамлу ва асрору нукотидин машҳурдир. Чун аларнинг ашъори маорифнигори андин машҳурроқдурки, иродға эҳтиёж бўлғай. Ҳар ойина қалам инони андин масруф қилилди. Алар етти юз тўқсон иккида оламдин ўтуб-*

[4] Аҳмаджон Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси.Т., ТДШИ, 2009, саҳ.3.
[5] Қаранг: Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи.Т., “Фан”, 1994, 208 саҳ.; Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси.Т., ТДШИ, 2009, 116 саҳ.
[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века), с.154.

дурлар"[1]. Бу сатрларни "*Нафаҳот ул-унс*" матнига қиёслаб кўрилганда маълум бўлдики, Навоий устозининг сўзларини деярли шундайлигича туркийлаштирган экан[2]. Айтиш мумкинки, бу таърифлар аслида ўша давр Ҳирот адабий мактаби вакилларининг Ҳофиз ижоди ҳақидаги тасаввурларини акс эттирар эди.

Агар келтирилган таърифларни таснифлаб чиқадиган бўлсак, биринчидан, Ҳофиз ғазаллари ғайб сирлари ва Борлиқ ҳақиқати моҳиятини (***асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқия),*** яъни ирфоний маъноларни дунёвий тимсоллар ёрдамида (***сурат кисватида ва мажоз либосида)*** ғазалхонга етказиш (юқтириш) воситаси эканлиги уқтирилмоқда. Иккинчидан, шоирнинг бирор пирга қўл бергани ва бирор тасаввуф тариқатига расман алоқадор бўлганлиги маълум эмаслиги эътироф этилмоқда. Учинчидан, шоир сўзлари тасаввуф соликлари маслаги ва маънавий олами билан ниҳоятда мувофиқ эканлиги таъкидланмоқда. (***бу тоифа машраби била мувофиқ***). Тўртинчидан, Ҳофиз ғазалларининг бадиий қуввати (***алфоз латифлиғи ва таркиб покизалиғи ва равонлиғи ва адо салосати ва латофати ва маъно ғариблиғи***) шу даражада юксакки уни инсонга жон бахш этувчи афсонавий оби ҳаёт билан тенглаштирса бўлади. Шу хислатлари туфайли суфийлар даврасида самоъ пайти важду ҳол пайдо қилиш учун Ҳофиз девонидин яхшироқ восита мавжуд эмас. Шу жойгача "*Насойим*" матни сўзма-сўз Жомийдан таржимадир. Кўриниб турибдики, Жомий тасаввуф олими ва пири сифатида Ҳофизни таърифлашда унинг тасаввуфга алоқаси масаласига биринчи даражали эътибор қаратади. Навоий устози сўзларини рад этмаган ҳолда ўзидан фақат бир жумла қўшади, яъни Жомийга илова қилиб, Ҳофиз девонини давр улуғлари *«Қуръони форсий»* дейишларига сабаб ундаги ғазаллар Каломуллоҳ оятлари маънолари билан тўлиқ ва улардаги илоҳий сирлару нозик нукталарни ботинига жо этганлиги эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатади. "*Нафаҳот*" ва "*Насоим*"даги таърифлар Навоийни тўлиқ қониқтирмаган эди. Ниҳоят, умрининг поёнида аллома ***"Маҳбуб ул-қулуб"*** рисоласини ёзиб, ундаги икки фаслда Ҳофизни ижодкор шахс сифатида таърифловчи охирги узил-кесил хулосасини баён қилади. Рисоланинг биринчи қисмида уни Саъдий ва Хусрав Деҳлавийлар қаторида "*ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут*" этган ва "*каломларини бу услубда марбут*" этганлар сафига қўшган бўлса[3], асарнинг иккинчи қисмида уни яна Хусрав Деҳлавий ва Жомийлар билан бир сафда "*пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқ"* ва *"пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ"* тариқини танлаган "***хос ишқ***" эгалари қаторига киритиб, шундай таърифлайди: "*Ва мутааххириндин икки оламни бир дов била ўйнағон муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози шамсул-миллати вад-дин Хожа Ҳофиз Шерозийдур.*"[4]

М.Л.Рейснер шоир ижодини *"улуғ санъаткор томонидан бадиий шаклда ёзилган форс адабиётидаги ғазалчилик тараққиётининг тарихи..."* (*"его творчество представляет собой написанную великим мастером в поэтической форме историю эволюции газели на фарси..."*)[5] деб баҳолайди. "*Ҳофиз ғазаллари қаҳрамонида барча анъанавий ғазал қаҳрамонларининг хислатлари шоирнинг ижодий хаёлотида яхлит бир қиёфага бирлашиб зуҳур этади.*

---

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том. Т., "Фан", 2001, саҳ. 479-480.
[3] Қаранг: Абдураҳмони Жомий. Осор. Дар ҳашт жилд. Жилди ҳаштум. Душанбе, "Адиб", 1990, саҳ.128-129.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том. Т., "Фан", 1998, саҳ. 25.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том, саҳ. 68.
[3] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси,с. 201.

Ушбу яхлит қиёфа эгаси "ринд" тимсолида намоён бўладики, бу тимсол Ҳофиз ижодида биринчи мақомга кўтарилади..." ("В герое хафизовской газели так или иначе воплотились черты всех традиционных героев газели, переплавленные и отлитые в единую форму творческим сознанием поэта. Этой единой оболочкой, формой можно назвать ***ринда,*** *который в творчестве Хафиза выдвигается на первое место...*")[1] Навоий шоирни *"ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози"* деса, рус олимаси ҳам унинг ғазалларида бош қаҳрамон – **ринд** тимсолида намоён бўлишини таъкидлайди. Хўш, шоир ғазалларидаги бош қаҳрамон, яъни ***ринд*** ўзи ким?

Аҳмаджон Қуронбеков ўзининг махсус мақоласида бу бадиий тимсолга шундай таъриф беради: "*Ҳофиз ғазалларидаги* ***"ринд"*** *тимсоли, назаримизда, шоирнинг инсон ҳақидаги, унинг ижтимоий миссияси (яъни рисолати) ҳақидаги, инсоннинг табиатидаги зиддиятлар, руҳий оламидаги кечинмалар ва шоирнинг фалсафий мушоҳадалари ва олам сирлари ҳақидаги ўй-хаёлларини мужассамлаштирган.*"[2] Олимнинг ҳисобига кўра, Ҳофиз ғазаллари матнида "*ринд*" сўзи ва ундан ясалган сўзлар жами 90 марта учрар экан. Олим ғазаллар матнига таянган ҳолда бу тимсолнинг турли маъноларини батафсил таҳлил қилади. Диққатга сазовор жойи шундаки, Ҳофиз талқинида бу тимсол фақат тасаввуфий эмас, балки дунёвий, ижтимоий, фалсафий маъноларга ҳам эга эканлиги аниқ далиллар мисолида очиб берилган. Биз мақолани тўлиқ такрорлашдан ўзимизни тийиб, фақат охирги хулосани келтирамиз: *"Ринд" Ҳофиз наздида "ҳурфикрли, дунё сирларини англашга интилган, ҳеч бир мутлақ ҳақиқатлар қолипига асир бўлмаган, озод инсон тимсолидир.*"[3] Дарвоқеъ, мақоланинг сарлавҳаси ҳам шундай: *"Ринд"-озод инсон тимсоли"*. Назаримизда, дўстимиз муаммонинг нақ илдизини оча билган.

Биз фақат муаммонинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратиш билан чекланамиз. Албатта, шоир, яъни ҳаётдаги тирик инсон билан унинг ижодидаги бош қаҳрамон ("*лирик қаҳрамон*") бир-биридан фарқ қилади. Тирик инсоннинг ўзига хос тирикчилик ташвишлари бор, ётар-турари, ейиш-ичиши, атрофидаги турли инсонлар билан мулоқоти, хуллас, бир инсоннинг воқеий ҳаёти. Шоир асарларидаги лирик қаҳрамон эса унинг маънавий ҳаётини акс эттиради. Жомий ва Навоийлар таърифлаган **Ҳофиз** аслида айни шу - шоирнинг ғазалларида ўз аксини топган лирик қаҳрамон - *"**Ринд**"*- ёки Навоийнинг аниқроқ ифодасида "***риндлар ҳамрози***" (риндлар сирдоши)дир. Аҳмаджон Қуронбеков ўзи ишлаб чиққан лингвопоэтик ёндошувга биноан фақат "*ринд*" сўзи ёки унинг асосида ясалган сўзлар таҳлилига асосий эътибор қаратади. Лекин бу тимсол шоир ғазалларининг **бош қаҳрамони** сифатида унинг деярли ҳар бир шеъри, ҳар бир сатрида ўзлигини намоён этади. Ҳофиз девонидаги биринчи шеър, айтиш мумкинки, унинг бутун ижодининг лейтмотиви, Европа романтиклари тили билан айтганда "***риндлар манифести***"-дир[4]. Мана унинг биринчи байти ва шоир Хуршиднинг шеърий таржимаси[5]:

---

[4] Там же.

[5] Аҳмаджон Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси, саҳ.63.

[3] Аҳмаджон Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси, саҳ.75.

[4] Шўролар даврининг буқаламунликларига бир намуна сифатида эслаб ўтиш жоизки, 1957 йилда Сталинобод (ҳозирги Душанбе)да нашр этилган Ҳофиз девонида айни шу шеър мафкуравий "*қалтислиги*" туфайли тушириб қолдирилган. Унинг ўрнига девонга хос алифбо тартибини бузиб, китоб аввалида учта ўша давр талқинига кўра "*антиклерикал*" (диний ақидалар ва арбобларини "*фош қилувчи*") ва "*исёнкорлик*" руҳидаги ғазаллар келтирилган, кейинги шеърлар алифбо тартибида давом этган. Қаранг: Ҳофизи Шерози. Мунтаҳаби девон. Сталинобод, нашриёти давлатии Тожикистон, 1957, 612 саҳ.

[5] Мумтоз адабиётимиз анъаналаридан мукаммал хабардор бўлган кекса авлоднинг истеъдодли вакили буюк "***риндлар ҳамрози***"нинг дилидаги туйғуларни бизга имкон даражасида мукаммал етказа олган, дейиш мумкин.

Алоё айюҳас-соқий, адар каъсону навилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале ўфтод мушкилҳо.
(Аё соқий, суниб жоминг қил эҳсон яшнасин диллар,
Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар.)

Девоннинг шу илк сатрларидаёқ бош қаҳрамон бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Шеър араб тилида анъанавий соқийга мурожаат билан бошланиб, келгуси форсий мисраъ инжа шеъриятнинг бош мавзуси - ишқ туйғусининг муаммоларига эътиборимизни қаратмоқда. Хўш, аввал осон туюлиб, кейин мушкилотлари келиб чиққан бу туйғу қайси оламга тегишли – гап ирфоний (илоҳий, тасаввуфий) ишқ ҳақидами, ёки ўзимиз билган инсоний (дунёвий, мажозий) муҳаббат ҳақидами? Навоий таъкид этган "*мажоз тариқи*" шеърияти учун ишқдаги бу икки йўналиш бир-биридан жудо эмас, унда илоҳий муҳаббат инсонга муҳаббат билан ўлчанади, инсонга меҳр эса илоҳий ишқ даражасида соф, боқий ва беғараздир. Ҳофизнинг қаҳрамони тилга олган муаммо ҳар икки ҳолатга ҳам бегона эмасдир. Шеър таҳлилида давом этамиз:

Ба бўйи нофайи к-охир сабо з-он турра бигшояд
Зи тоби жаъди мушкинаш че хун уфтод дар дилҳо.
(Сабо ечмоқчи бўлган сочининг ҳуш бўйига онт ким,
Муанбар ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди бу диллар.)

"Сабо" нима? "соч"(*турра, зулф*) – кимнинг сочи? унинг "*ҳуш бўйи*" (*бўйи нофа*) нимани англатади? Нега хушбўй жингала сочлардан диллар қонга тўлади? Агар бу сатрларни тариқат аҳли ўқиса, албатта важду ҳолга тушади, чунки ундаги барча тимсоллар тасаввуфий маънолардан холи эмас ва Ҳақ ошиғининг ҳолатини жуда баланд пардаларда ва мукаммал ифодалайди. Шу билан бирга, айни шу байт мазмуни дунёвий шеърият ишқибозларини ҳам тўлиғича ҳаяжонга солишга қодир.

Маро дар манзили жонон че амни айш чун ҳар дам
Жарас фарёд медорад ки бар бандид маҳфилҳо.
(Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,
Қилуркан қўнғироқ фарёдки, боғланг юкни ғофиллар.)

Бу мисралар ҳам ҳар икки тоифа учун тўлиқ тушунарли. Умар Хайём ҳам бу дунё фонийлигини таъкидлаган, аҳли тариқат ҳам шу сабабли бу ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига меҳр боғламасликка чақиради.

Ба май сажжода рангин кун гарат пири муғон гўяд,
Ки солик бехабар набвад зи роҳу расми манзилҳо.
(Ботир сажжодани майга агар пири мўғон айтса,
Йўловчига эрур маълум йўл аҳволи ва манзиллар.)

Ана энди "*антиклерикал*" ёки "*ҳурфикрли*" сатрларга дуч келдик. Май – маст қилувчи ичимлик сифатида "*ҳаром*" қилинган. Жойнамоз эса пок бўлиши керак. Унга шароб тўкилса

нима бўлади? Аммо "*пири муғон*" 1) мажусийлар руҳонийси; 2) майхона эгаси; 3) тариқатда пири муршид; жойнамозни май билан бўяшни буюрмоқда. Бу қандай буйруқ бўлди? Ривоятга кўра бир улуғ суфий номоз ўқимас экан. Бир куни ундан сабабини сўрашибди. Суфий таҳорат олиб жойнамозга турибди ва қулоқ қоқиб "*Аллоҳу акбар*" деган экан, бутун баданидаги ҳар тола мўйи остидан қон тирқираб чиқибди. Шу билан таҳорати бузилиб, намоз ўқиш имкони бекор бўлибди. Ана сизга илоҳий ишқнинг жазаба қудрати ва жойнамознинг "*ваҳдат майи*" билан "*бўялиши*".

Шаби торику бими мавжу гирдоби чунин ҳоил,
Кужо донанд ҳоли мо сабукборони солилҳо.
(Қоронғидур кеча, қўрқинчли мавж, даҳшатлидир гирдоб,
На билгай ҳолимизни четда турган юки енгиллар).

Одамлар кўзига "*ринд*" бепарво ва беғам, масту лоуболи (ҳеч нарсадан тап тортмас). Аслида унинг маънавий оламида гирдобу тўфонлар мавж уради, бу ёруғ дунёнинг, ундаги одам наслининг барча ғаму ташвишлари унинг қалбини ўртайди, изтиробга солади. Бу дунё ҳою ҳаваслари билан андармон бўлиб, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам ҳақиқий аҳволидан бехабар ғофил инсонлар ориф дилидаги ўртанишларни сезармиди?

Ҳама корам зи худкоми ба бадноми кашид охир,
Ниҳон кай монад он розе к-аз у созанд маҳфилҳо.
(Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,
Нечук ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда оқиллар).

Бу сатрлар Ҳофиз тилида Мансури Халлож тақдирини эслатади. Шоир Халлож эмас, аммо унга бегона ҳам эмас. Таржимон мазмунни юмшатган, "***худкоми***" оддий ўжарлик эмас, унда ўз истагини жиловлаб ола билмаслик, яъни худбинлик иллатидан тўлиқ қутила олмаганликка ишора бор. Ринд ҳар қанча маънавий камолот касб этган бўлмасин, ўзи сезмаган ҳолда яна "*мен*"лиги унинг жиловига қўл узатиши мумкин. Тариқат аҳлининг давра олиб зикру само мажлиси қуриши ҳам "*мен*"ликка берилиш, дил сирини бегоналарга ифшо қилиш воситаси бўлиб қолмасмикин? Ана энди Жомийнинг "*ҳар чанд маълум нест, ки дасти иродати пире гирифта ва дар тасаввуф ба яке аз ин тоифа нисбат дуруст карда бошад*" деган гапларининг мазмун-моҳияти бироз равшанлашди.

Ҳузури гар ҳами хоҳи аз у ғойиб машав, Ҳофиз,
Мата ма талқ ман таҳви дуа дуня ва аҳлиҳа.
(Агар васл истасанг ундан йироққа кетма, эй Ҳофиз,
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга табдиллар.)

Шўролар даврида қилинган таржимада араб тилидаги охирги сатр мазмуни яна бироз юмшатилган. Орзуга етаман десанг, дунё ва унинг аҳлини қўй, улар билан ишинг бўлмасин, демоқчи шоир. Хуллас, ушбу ғазал юқорида келтирилган Жомий ва Навоий таърифларига тўлиқ мос келади. "*Ҳофиз таъкидлашича, риндлар тариқи – Олий ҳақиқатни англаб етиш-*

нинг ягона йўлидир" («*Хафиз утверждает, что путь риндов – единственный путь к познанию Истины*»)[1] деб ёзади М.Л.Рейснер. Хўш бу қандай йўл экан?

Шиблий Нуъмоний: *"ғазалнинг ҳақиқий ривожи тасаввуфдан бошланади",* дейди. Дарҳақиқат, XII аср бошларида ижод этган Муиззийда фақат 60 ғазал учраса, XIII аср бошларида вафот этган Аттор девонида унгача яшаган барча шоирлар меросига қараганда энг кўп - 756 ғазал мавжуд. **Ислом маърифатчилиги** даври учун (X-XI асрлар) шеъриятда **қасида** етакчилик қилган бўлса, **Тасаввуф тариқатлари ва ирфон босқичида** (XII-XIII асрлар) **ғазал** жанри олдинги ўринга ўта бошлаганининг гувоҳимиз. Айни сарой мадҳиягўйлигини тарк этган ва ирфоний ғояларни куйлашга ўтган шоирлар ижодида ғазалнинг шаклий мукаммаллашуви ва етакчи лирик жанрга айланиши маълум.

Тасаввуф сулукларининг асл мақсади нима? Минтақа маънавий такомилининг муайян босқичида нега улар юз минглаб инсонларни ўзига жалб этди? Чунки ҳар бир инсонда моддий эҳтиёжлардан ташқари **маънавий эҳтиёж,** аниқроғи **маънавий камолот эҳтиёжи** мавжуд**.** Маънавий камолот эса инсоннинг ўз борлиғи **Ҳақиқатини,** мавжудлигининг **Сабаби, Моҳиятини** англаб етишга интилиш сифатида рўёбга чиқади**. Сунна босқичида** (VIII-IX асрлар) мусулмонлар Пайғамбар(с.а.в) ибратини етарли билган бўлсалар, **Ислом маърифатчилиги** алломалари ақлни, мантиқий тафаккур ва билимни инсонлар учун **Борлиқ Ҳақиқати**ни ёритувчи маёқ деб талқин қилдилар. Бу давр кишиси учун туйғу эмас, тафаккур муҳим бўлди. Аммо инсон ботиний дунёси фақат ақл, билим ва тафаккур билан чекланмайди. Инсонга булар ўта зарур, аммо булар уни тўлиқ қониқтирмайди. Чунки унда қалб бор, кўнгил бор. Суфийлар айни шу кўнгилни қониқтириш йўлини изладилар. Кўнгил эса фақат меҳр истайди, муҳаббат қидиради. Лекин, афсуски, инсонларнинг бир-бирига меҳри, муҳаббати пойдор эмас, ўзгарувчан. Суфийлар илм йўли билан Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига етиб бўлмаслигини тушундилар. Улар энди ишқ йўлини танладилар. Улар ўткинчи туйғуларни тарк этиб Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига ошиқ бўлдилар, унга бутун борлиғи билан интиладилар, ўзларини ундан айро тасаввур қила олмайдиган бўлдилар.

Ирфоний шеърият ана шу кайфият изҳоридан туғилди. Ҳақ ошиғи ўз туйғуларини қандай ифодалаши мумкин? Ғайб сирларини оддий тил билан тўғридан-тўғри ифодалашнинг имкони йўқ. Ана шунда мумтоз шеъриятнинг мажозий тимсоллари қўл келди. Бироқ агар Аттор сингари мажозий тимсоллардан фақат тасаввуфий ғояларни баён қилиш учун, фақат ботиний, ғайбий мазмунларни ифодалаш учун оддий бир восита сифатида фойдаланишга уриниладиган бўлса, шеърий сатрларда кўп маънолилик ўрнини шартлилик, бадиий тимсол ўрнини диний-фалсафий ваъз эгаллаб оладиган бўлса, унда бундай шеърлар моддий воқеликдан, инсонни ўраб турган моддий ҳаётдан узоқлашиб қолади. Натижада шеър жозибаси йўқолади, бундай сатрлар яна инсонлар қалбига етиб бормайди.

Шундай қилиб, инсон ақли ва тафаккурига таянган **дунёвий адабиёт** Борлиқнинг Олий Ҳақиқатини ифодалай олмагани сабабли бора-бора ижодкорларнинг ўзини ҳам қониқтирмай қўйган бўлса, "*ҳақиқат тариқи*"ни танлаган шоирлар йўли ҳам амалда қониқарли бўлиб чиқмади. Чунки инсон моҳияти фақат моддийликдан ҳам, ёки фақат маънавий эҳтиёжлар мажмуидан ҳам иборат эмас. XII-XIII асрлар давомида Саноий, Анварий, Хоқоний, Саъдий каби устоз шоирлар бадиий ижодда ана шу биртомонламаликларни енгиб ўта бошладилар. Аммо уларнинг бадиий мероси яхлит олиб қаралганда, очиқ тан олиш керакки,

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 204.

бу соҳадаги олий уйғунлик намунаси даражасига ета олгани йўқ. Масалан, Саъдийни оладиган бўлсак, унинг "*Эй сорбон, оҳиста рон"*деб бошланувчи юксак бадиий ифодага эришган ишқий ғазаллари мавжудлигини инкор қилмаган ҳолда улуғ устознинг панд-насиҳатга мойиллигини ҳам тан олиш керак бўлади. Унинг "*Тани одами шариф аст ба жони одамият"* деб бошланувчи ғазали бундай шеърларнинг ёрқин намунасидир. Саъдий даври учун бу йўналишдаги шеърларнинг нақадар долзарблиги ҳақида гапирилди. Аммо Ҳофиз бошқа давр одами. Энди аёвсиз мўғул босқини ваҳшат солаётгани йўқ. Шу билан бирга дориламон замонларга эришилди, дейиш ҳам қийин. Турли сиёсий кучларнинг ўзаро қирғинбарот жанжаллари камайгани йўқ. Турли ижтимоий тоифаларнинг ўзаро рақобати сусайгани йўқ. Ҳукмрон гуруҳлар ўз беш кунлик айши-ишратлари йўлида меҳнаткаш аҳолининг бори-йўқ топганини шилиб олиш пайида, дин пешволари – зоҳирий уламолар Аллоҳ ҳукмларини ўз фойдалари ва ҳукмрон доиралар манфаати нуқтайи назаридан талқин қилиш билан овора.

Саъдий инсонларга одамийликнинг моҳиятини тушунтиради. Ҳофиз учун энди буни қайта тушунтиришга ҳожат йўқ. Ҳофиз ғазаллари устоз шоир шеърида олға сурилган ғоянинг ҳаётдаги амалий ифодасини гавдалантириб беради. Шоирнинг қаҳрамони айни Саъдий истаган одамийликни тўлиқ ўзлаштириб, ўз ҳаёт фалсафасига, турмуш тарзига айлантирган инсоннинг нақд ўзидир. Яъни салаф шоир тушунтирган, тарғиб қилган бўлса, халаф шоир ушбу ғоя ифодачисини бевосита кўрсатади, тирик инсон қиёфасида намоён қилади.

Яна М.Л.Рейснерга мурожаат этамиз: "*Форс тилидаги инжа шеъриятнинг ютуқларини уларнинг бутун хилма-хиллиги билан қалбига сингитиб, Ҳофиз уларга ўз ижодий услубига мос ҳолда ранго-ранг бир яхлитлик бахш этди." ("Восприняв достижения лирической поэзии на фарси во всем их многообразии, Хафиз синтезировал их в соответствии с собственной творческой манерой")*[1] Бир пайтлар мен – ёш талаба – устоз қошида имтиҳон топширар эканман, Ҳофиз шеъриятининг энг ёрқин жиҳати – исёнкорлик деб баҳолаган эдим. Бунга асос, масалан, қуйидаги бошланувчи шеър:

Биё то гул бар афшонему май дар соғар андозем,
Фалакро сақф бишкофему тарҳи нав дар андозем!
Агар ғам лашкар ангезад, ки хуни ошиқон резад,
Ману соқий ба ҳам созему буньёдаш бар андозем...
(Кел энди гул сочиб ҳар ён, қадаҳ қўлда ўтургаймиз,
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила қургаймиз.
Агарда тортса ғам лашкар, тўкишга ишқ эли қонин,
Мену соқий бўлуб бирга, бу ташвишни битиргаймиз...)

Дарҳақиқат, "*Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила қургаймиз*" каби журъатли сатрлар муаллифи бир қарашда ўта исёнкор кўринади. Бунинг устига

"Агар жаннат тиларсан, биз билан майхонага юргил,
Сени хумнинг тагидан ҳавзи кавсарга етургаймиз",

деган ҳазиломуз гаплар ҳам ўша давр мафкурасига жуда кескин зарбага ўхшаб туюлади. Аммо "*исёнкор*" шоирнинг ғам лашкарини енгиш борасидаги амалий таклифи қандай?

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 205.

“Агарда тортса ғам лашкар тўкишга ишқ эли қонин,
Мену соқий бўлуб бирга, бу ташвишни битиргаймиз”.

Демак, шоирнинг “*исёнкорлиги*”ни амалий фаолият саҳнига ўтказадиган бўлсак, “*ғам лашкарини*” бода кайфи билан бироз унутиш таклифидан нари ўтмас экан. Ҳофиз жангчи эмас, қўзғолонга ҳам даъват қилаётгани йўқ. У – шоир, шеър – кўнгил малҳами, шоир маҳзун кўнгилларни дилкаш сатрлар билан овлаш пайида, оғир замонларда ўз шеърлари билан одамлар дилида ҳаётга муҳаббатни янгилаш ниятида. Ҳофиз ижодида шеър ниҳоят ўз асл мустақил моҳиятини тўлиқ англаб етди ва шунга мувофиқ шаклу мазмун касб этди. “*Шеърият Ҳофиз учун ҳақиқат ифшосидир ва у олий моҳият сирларини англаб етиш учун шоирдан қандай хислатлар талаб этилишини ҳам кўрсатиб беради” («Поэзия есть для Хафиза открытие истины, и он указывает, какие качества необходимы поэту, чтобы проникнуть в тайну высшего смысла»)*[1] Ҳофиз қаҳрамони бир пайтнинг ўзида ҳам юксак намуна, маънавий ибрат, ҳам воқеликдаги оддий инсон.

Ҳофиз суфий эмас, аммо тасаввуф ғояларига бефарқ ҳам эмас. Унинг шеърияти бир пайтнинг ўзида **мукаммал ирфоний шеърият** ва шу билан бирга тўлиқ маънода инсоннинг дунёвий ғам-ташвишлари, завқу шавқлари, айшу лаззатлари ҳам бу шеъриятда жонли ва ёрқин акс этган. Бундай олий уйғунликка эришиш осон иш эмас, ва унча-мунча истеъдод эгасига насиб қиладиган нарса эмас. Аммо инсоннинг кўнглини топишнинг бошқа йўли йўқ. Зеро **инсон моҳияти моддий ва маънавий олам уйғунлигидадир**[2]. Унинг кўнглини топиш учун ана шу уйғунликни ўз ижодида акс эттира билмоқ керак. Шу юмушнинг уҳдасидан чиққан ижодкоргина ҳақиқий ижодкор, ҳақиқий санъаткор сифатида эл кўнглидан, бутун инсоният дилидан Ҳофиз сингари абадий жой ола билади.

Шарқ шеъриятида байт мустақиллиги тамойили мавжудлигини деярли барча тадқиқотчилар таъкидлашади. Ғазалдаги ҳар бир байт марварид шодасидаги дурдек алоҳида чақнаб туриши шеърнинг катта ютуғи ҳисобланади. Академик А.Мирзоев ёзади: “*Ғазалда тарихан анча илгари бошланган ҳар бир байтнинг мустақил маънога эга бўлиш хусусияти кундан-кунга такомил топди ва Ҳофиз ижодида мужассамланди. Аксарият Ҳофиз ғазалларидаги ҳар бир байт мустақил маънога эга байтлардир.*”[3] Байтлар мустақиллиги эса, олимнинг фикрига кўра ғазалга айрим байтларни беркитиб, ишқий мисралар орасига чуқур социал мазмунли байтларни кўмиб кетишга имкон беради. Бундай имкониятлардан Ҳофиз, айниқса, ўринли фойдаланган, деб ҳисоблайди тожик совет олими. Буни шоир ижоди билан шуғулланган бошқа бир қатор олимлар ҳам қайд қиладилар. А.Мирзоев ўз фикрида давом этиб: «*Ҳофиз ижодида ғазаллар байтининг мустақил маънога эга бўлиши шоирга ишқ ва ошиқлик тушунчаси қатори ахлоқий, панду ҳикмат, фалсафа ва шунга ўхшаш масалалар ҳақидаги фикрларни ҳам ўз салафлари ва ўз асрдошларига нисбатан кўпроқ киритиб кетиш имконини беради*»[4] дейди-да, Шибли Нуъмонийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: *«Хожа Ҳофиз бир томондан ғазал тематикасини анча кенгайтирди, унга ахлоқ, фалсафа, панд ва сиёсат масалалари ва бошқа мазмунларни киритди ва, иккинчи томондан, у махсус ғазал услубини жуда яхши эгаллади, ғазал тилига хос ва*

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 205.
[2] Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, саҳ. 65-70.
[3] Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий, саҳ. 42.
[4] Шу китоб, саҳ. 44.

унга даркор бўлган латофат, ширинлик, рангдорлик ва зарофат каби хусусиятларнинг ҳаммасига риоя қилди ва сақлаб қолдиким, ҳеч бири унипг қаламидан четда қолмади»[1]. А.Мирзоев Шибли Нуъмонийнинг фикрини дуруст топиб, унинг тасдиғи учун қуйидаги сатрлар билан бошланувчи ғазални мисол қилиб келтиради:

Гульизоре зи гулистони жаҳон моро бас,
З-ин чаман сояи он сарви равон моро бас.
Ману ҳамсуҳбатии аҳли риё дурам бод!
Аз гаронони чаҳон ратли гарон моро бас.
Қасри Фирдавс ба подоши амал мебахшанд,
Мо, ки риндему гадо дайри муғон моро бас...
(Бу жаҳон гулшанина ул юзи гул раъно бас.
Бу чаманда у қадди сарв равон танҳо бас.
Тилагим аҳли риё суҳбатидан бўлмоқ узоқ
Ҳам ёқимсиз кишидан менга қадаҳ саҳбо бас.
Қилмишингга яраша бергусидир жаннатни
Биз гадо риндга муғ дайридаги маъво бас...)[2]

Бундай турли тамойил ва хилма-хил мазмунларни ўзида бирлаштирган ғазалларга бирор сарлавҳа қўйиш ҳам қийин, чунки у барибир шеър мазмунини тўлиқ ифода этолмайди. Ушбу ғазалда ҳам олдингиларга ўхшаш ишқни улуғлаш билан бирга риёкорларни фош этиш, фалсафа, зиндадиллик, риндона фикрлар ва шунга ўхшаш хилма-хил мавзулар мавжуд.

Аммо тожик олими Ҳофиз ғазалининг бу хусусиятидан камчилик ҳам топади: *"Бу ҳолат ўз навбатида ғазал байтлари орасидаги маънавий ва мантиқий алоқанинг ниҳоятда сусайишига сабаб бўлади."*[3] Ушбу мулоҳазада бир нозик жиҳат назардан қочирилган. Назаримизда, Ҳофиз шеъри ҳақида бундай тасаввур олимнинг икки турли матн орасидаги жиддий фарққа етарли эътибор бермаганлигидан келиб чиққан. Гап шундаки, илмий матнда жумлалар орасидаги мазмуний ва мантиқий алоқа ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Унинг бузилиши, ва ҳатто сусайиши жиддий камчилик ҳисобланади. Бадиий матн, айниқса, шеър сатрлари орасидаги боғланиш эса буткул бошқа қонуниятларга бўйинсунади. Агар "*соғлом ақл*" нуқтайи назаридан қарайдиган бўлсак, шеърга қофиянинг нима кераги бор, вазннинг нима ҳожати бор? "*Одамга ўхшаб*" тўғри гапираверсак, фикримизни равшан ифодаласак бўлмайдими? Ҳамма гап ана шунда. Шеър "*фикрни равшан ифодалаш*" воситаси эмас. Ундаги вазн ва қофия қандай вазифа бажарса, ҳар бир байтнинг "*марварид шодасидаги дурдек алоҳида чақнаб туриши*" ҳам шундай вазифа бажаради. Чунки шеър шоир дилидаги инжа туйғуларни шеърхон кўнглига юқтириш воситасидир. Ундаги вазн ва қофия, радиф ва бадиий санъатлар, мусиқийлик ва оҳанг,

---

[1] Шу китоб, шу саҳифа.
[2] Шеър ва унинг таржимаси ҳам Ш.Шомуҳамедовнинг "Ҳофиз Шерозий" китобидан олинди, саҳ. 44-45.
[3] Мирзоев А. Рудаки.Жизнь и творчество. М., «Наука» ГРВЛ, 1968, стр. 281-282. Европа шарқшунослари буни «*дезинтегрированный тип газели*» деб аташади. (Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 200. (дезинтеграция – «распадение, расчленение целого на составные части» - Словарь иностранных слов. М., 1988, с. 152.)

“*байт мустақиллиги*” ва ҳар бир сўз-тимсолнинг кўп маънолилиги шу вазифага хизмат қилади. Ҳофизнинг буюклиги шундаки, у бадиий сўзнинг асл моҳиятини ниҳоятда чуқур ҳис қилди ва унинг инсон қалбига таъсир кучини ниҳоятда юқори даражага кўтара олди. Ҳофиз фалсафа сўқимайди, панд-насиҳат қилмайди, бировни мадҳ этиш ёки қоралашни мақсад қилмайди, бирор буюмни васф этмайди, ақл ўргатмайди, сиёсий-ижтимоий масалаларни таҳлил қилиш билан шуғулланмайди, ҳатто маъшуқага севги изҳор қилиш ҳам мумтоз шеъриятнинг вазифасига кирмайди. “*Ишқий, фалсафий, ирфоний, дидактик, тавсифий ғазаллар ўрнини Ҳофизда ушбу мавзуларнинг барчасини у ёки бу даражада ўзига сингдира олган яхлит бир инжа туйғу уйғотувчи шеърий асар эгаллади,*” (“*Место газели любовной, гедонической, философской, мистической, назидательной или повествовательной у Хафиза занимает газель, дающая определенный набор указанных тем, которые демонстрируют практически универсальную сочетаемость.*”)[1] деб таъкидлайди М.Л.Рейснер.

Ҳофиз ғазаллари фақат бир нарсага қаратилган: инсонлар дили билан дардлашиш, ҳаёт ғам-ташвишлари билан озорланган қалбларга малҳам қўйиш, уларнинг кўнглини кўтариб ҳаётга чанқоқлик туйғусини тиклаш. Ҳофиз одамларни фақат бир нарсадан қайтаришга уринади - мардумозорликдан, ўзи сингари бир одам кўнглига озор етказишдан. Ҳақиқий инсонийлик ўзи шу эмасми? Шоир фақат бир нарсани ёмон кўради - риёни, сўз ва амал орасидаги зиддиятни. Унинг учун энг қиммат нарсалар – самимият ва меҳр-шафқат. Шоирнинг ҳар бир ғазали моҳиятан айни шу туйғулар ифодачисидир.

“Ҳофиз ижодида ғазал ўз такомилининг шу даражасига эришдики, энди бадиий сўз ўз мустақил рисолати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш қувватини ҳосил қилди”. («Газель в творчестве Хафиза достигла той степени зрелости, когда поэтическое слово способно размышлять над своим собственным смыслом и назначением.»)[2] XVIII аср охири - XIX аср бошлари немис романтизмининг атоқли вакили, адиб ва файласуф Жан Поль (Иоганн Пауль Фридрих Рихтер, 1763-1825) ўзининг эстетикага оид фалсафий асарида шундай мулоҳаза юритади: *“*Эпос ўтмишда бўлиб ўтган воқеани тасвирлайди, драма - келажакка йўналган ва келажак сари ривожланиб борувчи фаолият, лирика эса ҳозир кўнгилдан *кечиб турган тирик туйғу ифодасидир. Лирика, моҳиятан, барча шеърий шаклларнинг ибтидосидир, чунки шеърият туйғудан туғилади, унда шеъриятни алангалантирувчи учқун бор... Ўз-ўзича лирика олови... ҳаётдаги ҳар қандай аланга сингари эркин ёнади, муқим бир шаклга кирмайди...” (“Эпос изображает событие, развертывающееся на основе прошлого, драма - действие, развивающееся в сторону будущего и направленное на будущее, лирика – чувство, заключенное в настоящем. Лирика, по существу, предшествует всем поэтическим формам, потому что вообще чувство рождает поэзию, в нем искра, ее зажигающая;... Сам по себе лирический огонь ... как и всякое пламя в жизни, горит свободно, не принимает устойчивого облика...”)* [3] Ҳофиз ғазаллари айни шундай эркин алангаланувчи туйғулар олови бўлиб, уни муайян мантиқий қолипга тушириш ҳаракати бефойда уринишдир. Уларнинг бениҳоя таъсир қудрати ҳам шундандир.

Алишер Навоийнинг форс тилидаги ижоди, қўрқмай айтиш мумкинки, биринчи навбатда Ҳофиз ғазалиётидан улгу олади. “*Девони Фоний*” мундарижасида ғазаллар миқдори 552 та бўлса, шундан, менинг ҳисобим бўйича, 227 та ғазал, яъни жами Фоний ғазал-

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 205-206.
[2] Там же, с. 206.
[3] Жан-Поль. Приготовительная школа эстетики. М., «Искусство», 1981, с. 276.

ларининг ярмидан кўпи *"Татаббуъи Хожа" ёки "Дар таври Хожа (Ҳофиз)" деб номланган. Аммо кейинчалик покистонлик олима Суғробону Шукуфта бу ҳисобга тузатиш киритди. Олиманинг аниқлашича, "Девони Фоний" қўлёзмаларида баъзан Татаббўъи Шайх (ёки Татаббўъи Шайх Саъдий) деб номланган ғазалларнинг баъзилари аслида Ҳофизга татаббуъъ қилинган экан*[1]*. Шундай ғазаллардан 7 тасининг матлаъи олима тадқиқотида қайд этилган бўлиб, Алишер Навоий "Мукаммал асарлар тўплами"нинг 18-19 томларини*[2] *текшириб чиққанда маълум бўлдики, улардан фақат биттаси тузатилган бўлиб,*[3] *қолган 5 таси, дарҳақиқат, "Татаббўъи Шайх" (ёки "Айзан", яъни, "яна шу шоир шеърига татаббуъъ" маъносида) сарлавҳаси остида тузатилмай қолиб кетган экан*[4]*. Охирги бир шеър эса, "Мухтараъ" (яъни шоирнинг ўз ихтироси) сифатида "Айзан" деб кўрсатилган*[5]*. Демак, бизнинг юқорида кўрсатган рақамимизга яна 6 ғазални қўшиб, 233 тага етказиш лозим бўлар экан.*

Навоий ҳам устози Жомийга ҳамоҳанг равишда Саъдийни ғазал ижодчиси деб ҳисоблайди. "*Девони Фоний*"даги 22 ғазал Саъдийга татаббуъъ қилинган бўлиб, татаббуъъ-ълар миқдори жиҳатидан Шайх тўртинчи ўринда туради. Биринчи уч ўрин Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Ҳофиз Шерозийларга аталган. Навоий ўзининг машҳур қитъасида ёзади:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли,
Бири муъжизбаёнлиғ соҳири ҳинд
Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли,
Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири қудси асарлик орифи Жом
Ки, жоми Жамдурур синған сафоли.
Навоий назмиға боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх махвашнинг жамоли.[6]

Демак, Навоий Саъдийнинг ғазалнависликдаги мавқеини тўғри идрок этган ва унга шу мавқеига яраша ҳурмат кўрсатган бўлса-да, бу соҳадаги ўзининг устозлари қаторида тилга олмайди. Чунки Амир Хусрав ва Ҳофизга нисбатан бир аср олдинги давр ижодкори Саъдий ғазални ўзининг салафларига нисбатан жуда юқори поғонага кўтара олган, уни камолга етказиб, мустақил жанрга айлантира олган, аммо XIV аср ғазалнавислари бу

[2]Шукуфте Суғробону. Шарҳи аҳвол ва осори форси Амир Алишер Навоий мутахаллус ба Фоний. Исломобод-Покистон, 2005, саҳ. 287-288.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18-19 томлар. Т., "Фан", 2002, 552+600 саҳ.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. Т., "Фан", 2002, саҳ. 164.
[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. Т., "Фан", 2002, саҳ. 214, 222,224, 226, 228.
[6] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 19 том. Т., "Фан", 2002, саҳ. 544.
[6] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. Т., "Фан", 1990, саҳ. 516.

жанр ривожида ундан илгари кетдилар. Навоий XIV-XV асрларга оид уч шоирни устоз деб тан олади, аммо улардан қайсиси кўпроқ шоирни маҳлиё этганлигини юқорида кўрдик. "*Девони Фоний*"да устозларга бағишланган татаббуъълар миқдори бўйича Саъдийдан олдинги ўринни 29 татаббуъъга сазовор бўлган Амир Хусрав эгаллайди, шоирнинг севимли ва ниҳоятда қадрли устози Абдураҳмон Жомий ғазалларига шоир 47 татаббуъъ бағишлайди. Шундай қилиб, бу жанрнинг энг эътироф этилган 3 забардаст намояндасига Фоний девонида жами 103та татаббуъъ бағишланган. Оддий ҳисоб-китобдан ҳам Ҳофиз Шерозийнинг ғазалнавислик соҳасидаги қудрати Навоий наздида қай даражада устун эканлиги маълум бўлиб турибди. Амир Хусрав 5 девон тузган, ғазалларининг умумий миқдори мутахасислар ҳисоб-китобига кўра 2000дан ошади[1]. Жомийнинг 3 девони таркибида 1800дан ортиқ ғазал мавжуд. Ҳофиз девонида эса бори-йўғи 636 та ғазал жамланган. Ҳирот адабий мактабида нафақат Жомийнинг, балки Амир Хусравнинг ҳам мавқеи жуда баланд бўлган. Шунга қарамай, юқоридаги нисбатлар Навоий учун Ҳофиз ғазаллари бошқа барча бу соҳа устозлари ижодидан қай даража мафтункорроқ эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Покистонлик навоийшунос Суғробону Шукуфтанинг Амир Алишер Навоий (Фоний) ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус тадқиқотида шу мавзуга махсус тўхталиб, унинг 217 та форсий ғазали Ҳофизга татаббуъъ эканлигини таъкидлайди ва китобида шулардан 188 тасининг матлаълари қиёсини келтиради[2]. Олиманинг кўрсатиб ўтишича, "*Татаббуъи Хожа*" (ёки "*Татаббуъи Хожа Ҳофиз*") дейилганда шоирнинг аниқ бир шеърига татаббуъъ-жавоб қилинган бўлиб, "*Дар таври Хожа (ёки Дар таври Хожа Ҳофиз*)" дейилган бўлса, бу шеър умуман Ҳофиз ғазаллари руҳида ёзилган, аммо аниқ бир шеърга жавоб эмаслигини тушуниш керак экан. Аммо шундай маънода оладиган бўлсак, баъзан девонда ***"Мухтараъ"*** (яъни шоирнинг ўз ихтироси) сифатида келтирилган шеърлар ҳам Хўжа Ҳофиз "***таврида***" ёзилганлиги очиқ сезилиб туради. Масалан, Фонийнинг –

Мо ба кужо, зуҳду ибодат кужо?
Маст кужо, тақвию тоат кужо?[3]
деб бошланувчи шеър Ҳофизнинг -
Салоҳи кор кужо-ву ман хароб кужо?
Бебин тафовут раҳ, к-аз кужост то ба кужо?
(Қаёнда ўнгламоқ ишни ва ман хароб қаён?
Бу йўл қаёндаю мен қайдаман, жавоб қаён?) -

матлаъли ғазали таъсирида эмасми? Бизнинг назаримизда, шоир ўзи махсус кўрсатмаган бундай ўхшашликлар "*Девони Фоний*"ни Ҳофиз девони билан астойдил солиштирганда яна анча-мунча чиқса керак.

Покистонлик олима жуда савобли иш қилган. У улуғ ўзбек аллома шоири ва адибининг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан форсийзабон китобхонларни яқиндан мукаммал таништирибгина қўймай, Навоий-Фонийнинг форс шеърияти устодлари билан ижодий

[1] Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Деҳлави. Душанбе, "Дониш", 1975, с. 165. Амир Хусрави Деҳлави. Осори мунтахаб. Жилди 4, Душанбе, "Ирфон", 1975, с. 5.
[3] Шукуфте Суғробону. Шарҳи аҳвол ва осори форси Амир Алишер Навоий мутахаллус ба Фоний. Исломобод-Покистон, 2005, саҳ. 250-273.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. Т., "Фан", 2002, саҳ. 28.

ҳамкорлигининг аниқ далилларини бирма-бир аниқлаган. Жумладан, нафақат Ҳофиз, балки бошқа Навоий тилга олган устозлар – Жомий, Амир Хусрав, Ҳасан Деҳлавий ва бошқаларнинг Фоний татаббуъъ боғлаган шеърларини аниқлаб, тадқиқотида уларнинг матлаъларини Навоий ғазалларига қиёслаб келтирган. Натижада юқорида кўрсатилган баъзи камчиликларни ҳам тузатиш имкони пайдо бўлди. Масалан, "*Девони Фоний*"нинг мавжуд нашрига таяниб биз келтирган рақамни тузатиб Саъдийга татаббуъъ қилинган ғазаллар сонини 27 тадан 22 тага камайтиришга тўғри келди. Аммо ҳар тўкисда бир айб дегандек, негадир Ҳофизнинг бир қатор машҳур шеърларига Фоний татаббуъълари олима келтирган рўйхатдан тушиб қолган. Жумладан, Ҳофизнинг қуйида матлаълари келтирилган икки ғазали ва унга Фоний жавоблари Суғробону Шукуфта китобида номаълум сабабларга кўра тушуриб қолдирилган:

Ҳофиз:

Дӯш аз масжид сӯи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?

Фоний:

Дӣ сӯи дайри муғон омад зи масжид пири мо,
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо?[1]

Ҳофиз:

Суфий биё, ки оина софист жомро,
То бенгари сафойи майи лаълфомро.

Фоний:

Соқий, биёр жоми майи лаълфомро,
Бежавф соз пайкари ёқут жомро.[2]

Икки девонни солиштириш мобайнида яна бир янгилик аниқландики, на покистонлик олима назари тушмаган, ва на 20 томликда белгиланмаган татаббуъълар ҳам йўқ эмас экан. Масалан, қуйидаги матлаъли ғазаллар:

Ҳофиз:

Равнақи аҳди шабобаст дигар бӯстонро,
Мирасад муждайи гул булбули хушилҳонро.

Фоний:

Базмгаҳ сохт дигар шоҳиди гул бӯстонро,
Мужда деҳ, боди сабо, булбули хушилҳонро[3].

Хулоса шуки, юқоридаги 233 рақами ҳам охирги чегара эмас, яъни агар икки девонни охиригача диққат билан қиёсланса, рўйхат янада бойиб бориши эҳтимолдан холи эмас экан. Дарҳақиқат, устоз Ш.Шомуҳамедов "*Девони Фоний*"даги ғазаллардан 250 таси Ҳофизга татаббуъъ деганда янглишмаган кўринади.

Энди намуна тариқасида Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббуъъларини икки ғазал доирасида қиёслаб кўрамиз. Ҳофизнинг лейтмотив ғазалини юқорида сатрма-сатр кўриб чиқдик. Фоний девонидаги 4-ғазал айни шу ғазалга татаббуъъ бўлиб, у ҳам арабий сатр

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. Т., "Фан", 2002, сах. 66.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. Т., "Фан", 2002, сах. 74.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. Т., "Фан", 2002, сах. 68.

билан бошланиб, арабий жумлада тугалланади. Татаббўъ қоидасига кўра, Фоний ғазали Ҳофиз шеъри билан бир ҳил вазнда ёзилиши, қофиялари ҳам мувофиқ бўлиши, мазмунида ҳам маълум даражада умумийлик бўлиши лозим. Шу билан бирга кейинги ғазалда муайян янгиликлар ҳам юз кўрсатиши шарт бўлади.

Фоний ғазалининг биринчи байти билан танишамиз:

Румузул-ишқ конат мушкилан, бил-каъс ҳаллилҳо,
Ки он ёқути маҳлулат намояд ҳалли мушкилҳо.

(Ишқ сирлари қийин экан, уни май билан осон қил, Чунки эритилган ёқут (май) мушкилларни ҳал қилади.)[1]

Ҳофиз сатрларида ҳам Фонийда ҳам мавзу муҳаббат ва май ҳақида. Шероз ринди соқийдан май сўрайди, чунки дилидаги ишқ туфайли бошига тушган мушкилотлар май нашъаси билан бироз енгиллашишига умид қилади, аммо бу фикр байтда очиқ ифодаланган эмас. Фоний ўз матлаида бу фикрни очиқ айтади, яъни араб тилида "ечувчи", "ҳал қилувчи", "эритувчи" маъноларида келадиган "***ҳалл"*** феъли асосидаги қатор сўзлардан моҳирона фойдаланиб, эритилган ёқут каби қирмизи май мушкулларни ҳал қилучи энг таъсирли воситадир деб лутф қилади. Агар Ҳофизда биринчи сатр май ҳақида, иккинчи сатр муҳаббат мушкулотлари тўғрисида бўлса, Фоний аксинча ишқ сирларининг мушкуллиги ҳақида гап бошлаб, кейин уларни ҳал қилиш йўлини баён қилади.

Иккинчи байтда Ҳофиз ўз одатига кўра бошқа мавзуга ўтиб кетади. Аммо Фоний мушкилларни ҳал қилувчи май мавзусини давом эттиради:

Сӯи дайри муғон бихром то бини ду сад маҳфил,
Саросар з-офтоби май фурузон шамъи маҳфилҳо.

(Сен майхонага бор, ул ерда икки юзча даврани кўрасанки, Бу давралар шамъи тамомила май офтобидан қувват олиб, ёруғлик таратади.)

Фоний матлаъида яна бир нозик фарқ бор эдики, агар Ҳофиз ғазалида умуман "*ишқ*" ҳақида фикр билдирилган бўлса, татаббуъъда *"румуз ул-ишқ"* яъни "ишқ сирлари" ҳақида суҳбат очилган эди. Демак, бу сирларни ифшо қилишда давом этиш имкони пайдо бўлади ва шоир бундан унумли фойдалана бошлайди. Дилни ишқ олови қиздирмоқда, майнинг ҳам қиздириш хусусияти бор, энди булар орасида баҳс бошланди:

Дилу май ҳар ду равшан шуд, намедонам ки тоби май,
Зад оташҳо ба дил, ё тоби май шуд з-оташи дилҳо.

(Дил билан майнинг ҳар иккови ёришди, билмайманки, Майнинг тоби дилни ёритдими, ёки дил оташи майними?)

[1] Ғазал матни ва таржимаси ҳам юқоридаги китобдан олинди, сах. 14-15.

Дилдаги ишқ олови устига қиздирувчи май қуйилди, мақсад йўли узоқ эди, энди янада алангаланган кўнгил чақмоқ каби бир ҳамла билан манзилга етиши мумкин:

Ба мақсад гарчи раҳ дур аст, агар оташ расад аз ишқ,
Чу барқ осон тавон кардан ба гоме қатъи манзилҳо.

(Мақсадга етмоқ йўли узоқдир, лекин агар сенга ишқ ўти тушса, Бир қадам ташлаб яшин каби манзилга етмоқ мумкиндир.)

Кўрдикки, Фоний ғазали мазмунан Ҳофиздан анча узоқлашиб кетди. Аммо шоир ҳушёр - татаббуъ байтлари салафи қофияларини (*маҳфилҳо, дилҳо, манзилҳо*) бехато такрорлаб турибди. Шундай қилиб, ғазалнинг биринчи 4 байтида татаббуъ қоидаларига изчил амал қилинмоқда, аммо кейинги 3 байтда қофиялар ҳам қисман янгилана бошланди:

Ману беҳосили, к-аз илму зуҳдам, ончи шуд ҳосил,
Яко-як дар сари маъшуқу май шуд жумла ҳосилҳо.

(Мен илм ва тақводорликдан бебаҳраман, (аммо) нимадан Баҳраманд бўлган бўлсам, у ҳам маъшуқ ва майга қурбон бўлди.)

Ҳофиз ўжарлик, ўзбилармонликдан (“*худкоми*”) шикоят қилган бўлса, Фоний илму тақводан бебаҳралигини эътироф этмоқда, борини ҳам ишқу май барбод қилган.

Бувад чун абр сайри ноқаи Лайли, ки дар водий
Фиғон аз чоки дил Мажнун кашад, не занги маҳмилҳо.

(Лайлининг туялари саҳрода булутдек сайр қилганида эшитиладиган овоз Бу туялар қўнғироғининг овози эмас, балки Мажнун дилининг фиғонидир.)

Бу байтда яна татаббуъ қоидасига биноан нафақат қофия (*маҳмилҳо*), балки қўнғироқ овози ҳам Ҳофизни эслатмоқда (фақат “*жарас*” *эмас, “занг”, “фарёд” эмас, “фиғон”*).

Чу дар дашти фано манзил куни як рўз, эй Фоний,
Зи ман он жонфизо атлолро фасжуд ва қаббилҳо.

(Эй Фоний, бир куни фано даштида маизил қилсанг, менинг томонимдан Жонга руҳ бахш этувчи кўҳна биноларга сажда қилиб, улардан бўса ол!)

Охирги сатр яна араб тилида тугалланган, фақат тўлиқ мисраъ эмас, гап форсча бошланиб, сўнгги икки сўзи арабча ифодага ўтиб кетган. Бундан ташқари жумла мазмуни араб шоирларининг қасидаларини эслатади (“*атлол*” – ташлаб кетилган манзилгоҳ харобалари). Шундай қилиб, Фоний татаббуъи ўз шаклий ва мазмуний мундарижаси билан шоирнинг нафақат форс, балки бутун ислом минтақа адабиёти анъаналари билан яхши таниш эканлигини намойиш этмоқда.

Иккинчи шеър Ҳофизнинг шўролар даврида оғиз кўпиртириб мақталган “*антиклерикал*” оҳангдаги ғазалига татаббуъ бўлиб, бунда ҳам Фоний ўз салафига ҳам шаклий, ҳам мазмуний изчил назира-жавоб йўлидан борган. Ишни осонлаштириш мақсадида байтма-байт қиёслашни мақбул кўрдик[1].

Ҳофиз:

Дӯш аз масжид сӯи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?
(Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиримиз,
Не бўлур йўлдошларим, бундан кейин тадбиримиз?)[2]

Фоний:

Дӣ сӯи дайри муғон омад зи масжид пири мо,
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо?
(Кеча бизнинг пиримиз масжидни ташлаб, майхонага келди,
Бундан кейин зуннор боғлашдан бошқа нима тадбиримиз бўлар эди?)[3]

Иккала ғазалнинг биринчи сатрлари бир хил мазмунда, иккинчи сатрда Ҳофиз савол бермоқда, Фонийда эса жавоб тайёр. Иккинчи байт Ҳофизда мазмунан матлаъдаги мавзуни давом эттиради. Фоний эса мавзуни буткул ўзгартиради:

Ҳофиз:

Мо муридон рӯ ба сӯи Каъба чун орем, чун
Рӯ ба сӯи хонаи хаммор дорад пири мо?
(Биз муридлар қайси йўл бирла борурмиз каъбага?
Бошламоқда йўлни майхона томонга пиримиз!)

Фоний:

Пири дайр ар кард моро мужрим аз тақсири зуҳд,
Гар бимонад қатра дар соғар, бувад тақсири мо.
(Дайр пири тақводорлигимиз учун гуноҳкор қилса (ҳеч гап эмас),
Май косасида майдан бир қатра қолса, у бизнинг гуноҳимиздир.)

Фоний татаббуъ қоидаларига биноан қатор байтларда Ҳофиз ғазали қофияларини такрорлайди, шу сабабдан ушбу байтлар мазмунида ҳам маълум даражада уйғунлик юзага келади:

Ҳофиз:

Дар хароботи муғон мо низ ҳамманзил шавем,
К-ин чунин рафтаст дар аҳди азал тақдири мо.
(Ўтпарастлар манзилида биз ҳам айлармиз макон,
Чунки шундай деб ёзилмишдир азал тақдиримиз.)

---

[1] Ҳофиз ғазали Эрон ва Ўзбекистон нашрларида 7 байтдан иборат бўлиб, Тожикистон нашрида 10 байт. Фоний ғазали эса 9 байт. Биз7 байт билан чегараландик. Қиёслашга қулай бўлсин учун ҳар икки ғазалдаги баъзи байтлар ўрни ўзгартирилди.

[2] Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. (Форсча матн - ўзбекча таржима). Т., 1958, сах. 30-31.

[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том, сах. 66-67.

Фоний:

Баҳри панди мо макаш, зй шайх, заҳмат чун шудаст,
Риндию расвой аз рӯзи азал тақдири мо.
(Эй шайх, бизга панду насиҳат қиламан деб заҳмат чекма,
Чунки азалдан бизнинг тақдиримиз ринду расволикдир.)

Ҳофиз:

Ақл агар донад, ки дил дар банди зулфаш чун хуш аст,
Оқилон девона гарданд аз паи занжири мо.
(Банд бўлиб зулфига дил шод бўлганин билсайди ақл,
Ақл эли истарди, девона бўлуб занжиримиз.)

Фоний:

Кофири ишқему беҳуш аз жунун, эй муғбача,
Ҳам зи зуннори сари зулфи ту бас занжири мо.
(Биз ишқ кофири ва телбаликдан беҳушмиз, эй муғбача,
Сенинг зулф зуннорингдан ясалган занжир бизга кифоядир.)

Ҳофиз:

Бо дили сангинат оё ҳеч дар гирад шабе?
Оҳи оташбору сӯзи нолаи шабгири мо?
(Тош каби қаттиғ дилингға ҳеч бир айларми асар,
Шунча ўтлуғ оҳ бирла йўқмидир таъсиримиз?)

Фоний:

Шабнишинонро ажаб рӯзи сиёҳ ояд ба пеш,
Гар зи зулфи ӯ барояд нолаи шабгири мо.

(Агар маҳбубнинг зулфи туфайли тунги фиғонимиз кўкка кўтарилса, Кечаси ухламай ибодат қилувчиларнинг бошига ажаб қора кунлар тушади.)

Қуйидаги байтларда ҳар икки ғазал қофиялари мустақил танланиб, уларнинг мазмунлари ҳам мустақил йўлдан кетади:

Ҳофиз:

Рӯи хубат ояте аз лутф бар мо кашф кард,
З-он сабаб жуз лутфи хуби нест дар тафсири мо.
(Шул гўзал юз лутфу эҳсон оятин этди баён,
Шу учун яхшилиғингдан ўзга йўқ тафсиримиз.)

Тири оҳи мо зи гардун бигзарад, Ҳофиз, хамӯш,
Раҳм кун аз жони худ, парҳез кун аз тири мо.
(Оҳимизнинг ўқлари, Ҳофиз, фалакдан ҳам ўтар,
Раҳм қил жонингға, сақлан, тегмагай то тийримиз)

Фоний:

Кай тавон будан дигар дар хонақаҳ, чун ёфтанд
Шишаи май дар даруни хирқаи тазвири мо.
(Бизнинг фирибгар ямоқ тўнимиз ичидан сўфилар
Бир шиша май топиб олдилар, энди хонақоҳда қолиб бўладими?)

Шиша дар гардан чу гардондӣ ба дайр, эй муҳтасиб,
Машканаш боре, ки набвад беш аз ин таъзири мо.

(Эй муҳтасиб, шишани бўйнимга осиб майхонада сазойи қилдинг, (Лекин) шишани синдирма, (чунки) бизга бундан ортиқ таъзир бўлмайди.)

Оллоҳ-оллоҳ, шарм аз имонаш надорад шайхи шаҳр,
Мекунад аз сажда пеши он санам такфири мо.
(Эй Оллоҳ, шаҳарнинг шайхи ўз имонидан уялмасдан,
У санамнинг олдида сажда қилганимиз учун бизни кофирга чиқаряпти.)
Шояд, эй Фоний, ба қабри Ҳофизаш созанд сабт,
Гар ба хоки Форс афтад нусхаи таҳрири мо.
(Эй Фоний, асаримиздан бир нусхаси Форс элига етса,
Уни Ҳофиз қабрига ёзиб қўйсалар ҳам ажаб эмас.)

Кўриб турганимиздек, Фоний ғазалининг охирги байти фахрия бўлиб, унда шоир ўз татаббуъларининг овозаси устози юртига ҳам етиб боришини орзу қилади. Агар қиёсий таҳлилимиздан хулоса чиқарадиган бўлсак, айтиш мумкинки, Навоий-Фоний "*ринди Шероз*"ни ниҳоятда яхши кўради, ғазалнависликда биринчи навбатда унга эргашади, аммо шу билан бирга рўйи-рост кўриниб турибдики, шеъриятда, ҳаётга ёндошувда форс шоирининг ўз йўли бор, ўзбек Навоийнинг ўз қарашлари, ўз йўналиши бор. Ҳофиз ҳаётчан шоир, ҳаётни, оддий инсоннинг ўй-хаёлларини яхши биладиган шоир, аммо унинг шеъриятида хоҳ ирфоний бўлсин, хоҳ инсоний, туйғу биринчи ўринда туради. Ҳофиз шеърияти кайфият ҳосил қилади, ҳаётчан ва некбин кайфият. Навоий-Фонийнинг хоҳ туркий, хоҳ форсий ғазалини олиб қараманг, фақат ҳаётчан ва некбин кайфият билан чекланмайди, унда ҳаётий тасвир ва ҳаётга фаол муносабат жуда кучли. Навоий-Фоний оддий шоир эмас, аллома шоир. Унда кузатувчанлик ва ҳаётдаги ҳар бир кичик тафсилот, ҳар бир кўзга зўрға илинадиган нуқтада улуғ моҳиятни кўра билиш зукколиги мавжуд. Бу хислат унинг ҳар бир мисрасида, ҳар бир байтида ёрқин намоён бўлиб туради. Яна Навоий фақат хулоса чиқариб қўя қолмайди, балки шеърхонни олға ундайди, ҳаётга фаол муносабатга чақиради, унинг шеърларида уфққа, нурга, зиёга интилиш руҳи мавжуд. Албатта, Навоий шеърияти ҳақида тўлақонли сўзлаш учун унинг форсий ва туркий ижодини яхлит тадқиқ этиш лозим, биз бу ерда фақат Ҳофизга қиёсан гапирдик, холос.

ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ. «*ХАМСА*» ВА “*ҲАФТ АВРАНГ*”

Абдураҳмон Жомий кўп қиррали ижодкор бўлиб, ҳам диний-ирфоний, ҳам дунёвий илмий асарлар муаллифи сифатида, ҳам адиб, ҳам лирик, ҳам эпик шоир сифатида эътиборга сазовор асарлар яратган. Унинг “*Куллиёт*”и таркибида 37 асар жам қилинган бўлиб, булардан адабиётшуносликка оид *“Аруз ҳақида рисола”, “Қофия ҳақида рисола”, “Тажниси хатт ҳақида рисола”,* муаммо жанри хусусида 4 рисола, араб тили синтаксисига оид *“Фавойид уз-Зиёия” (ёки “Шарҳи Мулло”),* назм ва насрда битилган форс тили сарфу наҳви, *“Мусиқа ҳақида рисола”,* диний илмларга оид *«Тафсири Қуръон»* (тугалланмаган*), «Шавоҳид ун-нубувва», “Рисолайи маносики ҳаж”* асарлари, тасаввуф тарихи, назарияси ва амалиётига оид *“Рисолайи шароити зикр”, «Нафахот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс», «Нақд ун-нусус фи шарҳи “Нақш ал-Фусус», «Ашиъат ул-ламаот», «Лавоеҳ», «Лавомеъ фи шарҳи қасидайи мимияйи хамрияйи Ибни Фориз», “Шарҳи рубоиёт”, “Шарҳи суханони Хожа Порсо”, “Шарҳи қасидайи Тойия”, Шарҳи “Фусус ал-ҳикам”, “Шарҳи байти Амир Хусрави Деҳлавий”, “Шарҳи байтайни Маснавий”, “Рисола фи-л-вужуд”, “Таҳқиқ ул-мазоҳиб”(ёки “Ад-дуррат ул-фохира*”) ва бошқалар алломанинг илмий асарлари сирасига киради.

Навоий устози ҳақида батафсил ёзган. Биз фақат “Насойим”даги қисқача таърифни келтириб ўтамиз: “*Шайх ул-ислом Мавлоно* ***Нуруддин Абдурраҳмон Жомий*** *(қ. р.). Алар васфида хома тили лол ва тил хомаси шикаста мақолдур. Йиллар тақрир қилилса ва қарнлар таҳрир суръати била битилса, улча ҳаққи бор. Васфларининг адо топмоғи мутаассирдир ва таърифларининг сонға келмаги мутааззир. Бу бебизоат ва қалил ул-иститоатнинг яқини мунга содиқ ва таҳқиқи мунга мувофиқдурки, бу умматда аларинг камоли сувари ва истикмоли маънавийлари жомеъияти била турмамиш бўлғай. Чун аср фузалосидин ва замон уламосидин ким аларнинг шогирдлиғиға муаззазу мумтоз ва мушаррафу сарафроз эрдилар. Неча киши аларнинг сийрату камолоти шарҳида расоилу кутуб битибдурлар ва тасониф сабт этибдурлар, ародадур. Билай деган киши ул жамъи таълифдин ўз фаҳми хурдида махсус бўлур ва баҳра ола олур. Бу заиф дағи ҳам бу бобда «Хамсат ул-мутаҳаййирин» рисоласи битибмен. Анда фил-жумла густохлиғ юзидин алар зикри била қаламни гавҳарнисор этибмен. Турк улусида иродат аҳли ва ихлос хайли ул паришон авроқдин ва пароканда ажзодин иликка олсалар ва кўз солсалар, бирор нима била олурлар ва шуур ҳосил қила олурлар. Алар зоҳир юзидин ўзларин қутб ул-муҳаққиқин ва ғавс ус-соликин Мавлоно Саъд ул-миллати ва дин Қошғарий (қ. р. а.) муриди кўргузурлар эрди. Аммо ҳамоноки Увайсий эрдилар ва ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидин тарбият топиб эрдилар ва замон машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо (қ. с.) муборак назарлариға етишиб эрдилар ва Хожа Абу Наср Порсо ва Хожа Муҳаммад Кусавий ва Мавлоно Боязид Пуроний ва Мавлоно Муҳаммад Асар ва Мавлоно-Муҳаммад Табодгоний ва Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий ва Мавлоно Муҳаммад Амин Кўҳистоний ва Мавлоно Саъдиддин Жожармий (қ. т. а.) ва сойир замон машойихи била суҳбат тутуб эрдилар ва ҳам бу тоифа ҳолоту масоилидин барчадин баҳра топиб эрдилар ва ҳам баҳра еткуруб эрдилар. Саксон бир ёшқа еттилар ва секкиз юз тўқсон саккизда жумъа кечаси Ҳирот хиёбони бошида ўз манзилларида Тангри таоло раҳматиға восил бўлдилар ва аларнинг мухлисларидин бири мунаввар марқадлари устида олий иморат ясаб,баъзи муридлар ва шогирдларидин ул иморатда дақойиқ фунунин ва ҳақойиқ улумин ҳоло*

дарс этиб, жамоати касир толиблардин алар руҳонияти баракатидин нафъи шомил ва файзи комил топадурлар ва назму наср таснифларидин элликка яқин борки, замон аҳли андин баҳраманддурлар.

Назмларидин уч девондур. Аввалғи девон «Фотиҳат уш-шабоб»қа машҳур ва иккинчи «Воситат ул-иқд»қа маъруф ва учунчи «Хотимат ул-ҳаёт»қа мавсумки, олам аҳли тилида ул назмлардин ўзга назм жорий бўлур ва маснавийдин «Ҳафт Авранг"дур, етти дафтар тарбият топибдурки,"Туҳфат ул-аҳрор"дур ва «Силсилат уз-заҳаб"дур ва «Юсуф ва Зулайҳо»дур ва «Лайли ва Мажнун»дур ва «Хирадномаи Искандарий»дур ва «Субҳат ул-аҳрор»-дур ва "Саломон ва Абсол"дур ва насрларидин «Тафсир»дур ва «Шавоҳид ун-нубувват»дур ва «Нафахот ул-унс»дур ва «Нақши Фусус»дур ва «Ашъиат ул-ламаот»дур ва «Лавоеҳ»дур ва «Лавомеъ»дур ва "Шарҳи рубоиёт"дур. Чун барчаси аларнинг куллиётида мастур ва мазкур-дур, теъдодиға ҳожат эмас ва аларнинг маоний ва нукоти андин машҳурроқдурки, бирор нима сабт қилмоққа ҳожат бўлғай. Ул сабабдин ихтисор қилилди. Ҳақ субҳона таоло алар руҳиға вусул нузҳатгоҳида қиёматқача ором ва ниёзмандларға кому нашоти тамом насиб қилсун, омин ё Рабб ал-оламин!"[1]

Жомийнинг илмий-ирфоний мероси ниҳоятда бой ва теран. Фалсафа фанлари номзоди Жаъфар Холмўминовнинг Тошкентда 2008 йилда нашр этилган монографиясида[2] Жомийнинг Ибн ал-Арабий таълимотини нақшбандия тариқати билан уйғунлаштиришдаги ҳиссасини батафсил ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Шоирнинг лирик мероси Навоий номларини тилга олиб ўтган уч девондан иборат бўлиб, Аълохон Афсаҳзод тайёрлаб Москвада нашр эттирган девонлар таркибида 53 қасида, 1805 ғазал, (шундан Тожикистонда нашр этилган кўп томликнинг 1, 2, 6 ва 7 жилдларида 28 қасида, 1793 ғазал қамраб олинган), 137 қитъа, 274 рубоий ва бошқа жанрлардаги асарлар ҳам қўшилганда жами – **2320 шеърдан** (16629 байт) иборат бўлиб, бу улкан меросни жиддий ўрганиш алоҳида салмоқли тадқиқотларни талаб қилади. Унинг насрда ёзилган "*Баҳористон*" асари Саъдий "*Гулистон*"ига татаббуъ бўлиб, асар таркиби ҳар бири "*равза*" (жаннат боғи) деб аталган 8 бобдан иборат. Биринчи равзада 36 тасаввуф пирлари ҳақида ибратли мўъжаз ҳикоятлар келтирилган бўлса, иккинчи равза ўтмиш донишманд ҳаким ва ҳукмдорларнинг ибратли сўзларидан нақл қилади. 3-равзада улуғ подшоҳлар ҳаётидан ибратли мисоллар келтирилиб, адолату инсоф ҳақида сўз юритилади. 4-равза саховатпешалик ҳақида, 5-равза ишқу ошиқлик хусусида, 6-равза турли мавзулардаги ҳазил-мутойибалардан иборат бўлиб, замонасининг улуғ ирфоний алломаси ва нақшбандия тариқатининг пири муршиди завқи-табъига закий ҳазилкашлик ҳам бегона эмаслигига ёрқин мисолдир. 7-равза ўзига хос "Тазкират уш-шуаро" бўлиб, Рудакийдан Ориф Ҳиравийгача 38 форсизабон шоирларни қисқача тилга олиб ўтилган. Улардан баъзилари Фирдавсий, Низомий, Амир Хусрав, Саъдий ва Ҳофиз каби машҳур шоирлар бўлса, баъзилари Иморайи Марвазий, Ассор Табризий, Хаёлий Бухороий каби кўпчиликка унча таниш бўлмаган шоирлар ҳам ёд этилган. Бобнинг охирги 39-фасли махсус Алишер Навоийга бағишланган бўлиб, устоз ўз шогирди ва дўстини олий пардаларда мадҳ этади. 8-равза турли жонзотлар ҳақидаги ибратли ҳикоятлардан тузилган. Ушбу мундарижадан кўриниб турганидек Жомий асари

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том. Т., "Фан", 2001, саҳ. 479-480.
[2] Холмўминов Жаъфар, Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2008, 236 саҳ.

нимаси биландир Саъдий “Гулистон”ига ҳамоҳанг бўлса, баъзи жиҳатлари билан ундан кескин фарқ қилади.

Энди аллома шоирнинг эпик ижоди борасида бироз баҳс юритамиз. Баъзи адабиётларда хамсанавис шоирлар қаторида Навоийнинг пири, тасаввуф назариясини чуқур англаб етишда унга устозлик қилган улуғ форс-тожик шоири Абдураҳмон Жомий номи ҳам тилга олиб ўтилади. Шу масалага бироз аниқлик киритиш, баҳонада Жомий достонларининг Низомий, Деҳлавий ва Алишер Навоий эпик меросига нисбати хусусида баъзи мулоҳазалар билдириш ниятида дастлабки ёндошув тарзида қисқача қиёсий таҳлилга киришамиз. Бизнинг бу таҳлилимиз асосан Алишер Навоий нуқтайи назарига таянишини олдиндан эътироф этиш лозим.

Устоз – шогирд муносабатлари ҳеч қачон оддий бўлмаган. Айниқса, ижод масаласида. Аҳмад Яссавий – пир, Сулаймон Боқирғоний – мурид. Ғоявий йўналиш бир хил. Аммо бу икки шахс шеърият оламида ҳар бири ўз овозига эга. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг бадиий олами ҳам ҳар бири – ўзга бир руҳ, ўзга бир кайфият ифодасидир.

Маълумки, Алишер Навоий «*Хамса*» достонларининг ҳар бирида Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийлар ҳақида баҳс юритгач, Жомийга ҳам алоҳида боб бағишлайди. Аммо олдинги икки салафидан фарқли ўлароқ, Жомийнинг «*Хамса*» яратганлиги ҳақида аниқ маълумот бермайди.

Агар биринчи достон – «*Ҳайрат ул-аброр*» муқаддимасида «*Махзан ул-асрор*» ва «*Матлаъ ул-анвор*» билан бир қаторда «*Туҳфат ул-аҳрор*»ни ҳам тилга олиб ўтса-да (XIII боб), «*Хамса*»нинг иккинчи достони – «*Фарҳод ва Ширин*»даги Жомийга бағишланган VII бобда уни жуда кўтаринки руҳда мадҳ этганлигига қарамай, бирор асарини аниқ тилга олмайди. «*Лайли ва Мажнун*» дебочасида эса:

Гар “Хамса”ни этмай(ин) мураттаб...

(яъни, «гарчи «Хамса» ёзмаган бўлсанг-да»), деб қайд этади ва «Панж ганж» ҳисобида «*Силсилат уз-заҳаб», «Туҳфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳо» («Аҳсан ул-қисас»)* ва «*Девон*»ни (сўз биринчи девон – «*Фотиҳат уш-шабоб*» устида кетган бўлса керак) санаб ўтади. Демак, Навоий «*Лайли ва Мажнун*»ни бошлаганда Жомий ҳали бошқа достонларини ёзиб тугатмаган экан. «*Сабъаи сайёр*» ибтидосида Жомийнинг «*Шарҳи Рубоиёт*», «*Лавомеъ», «Лавойиҳ», «Ашиъат ул-ламаот», «Нафаҳот ул-унс*» каби бир қанча насрий асарлари ҳамда «*Силсилат уз-заҳаб», «Туҳфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Ошиқу маъшуқ» («Юсуф ва Зулайҳо*» достонининг яна бир номланиши) достонлари, қасидалари, ғазалиёти тилга олинади. «*Хамса*» хусусида сўз йўқ. Охирги – «*Садди Искандарий*» достони муқаддимасида (VII боб) Жомий яратган маснавийлар хусусида Навоий шундай дейди:

Бўлиб жилвагар табъи кўзгусида,
Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида.
Эрур андин ортуқки, ўксук эмас,
Эл андин дер ортуқки, ўксук демас.

Демак, яна Жомийнинг «*Хамса*» яратгани хусусида эмас, балки «*Хамса ўтрусида*» (яъни, унга муқобил равишда) яратган маснавийлари бештадан ошиқ, аммо кам эмас, деб таъкидлайди. «*Туҳфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳо*»га қўшимча қилиб «*Лайли*

ва Мажнун» достони яратилгани ва «*Хирадномайи Искандарий*» достони эса, ёзилиш жараёнида эканлигидан хабар беради.

Алишер Навоийнинг Жомий вафотидан кейин, унинг хотирасига бағишлаб махсус ёзган «*Хамсат ул-мутаҳаййирин*» рисоласи «*Учинчи мақолат*»ида улуғ шоир ва алломанинг барча асарлари бирма-бир санаб ўтилади. Унда, жумладан, шундай сатрлар битилган:

«яна: «Ҳафт авранг»ки муштамилдур етти китобға;

аввал: «Силсилат уз-заҳҳаб»ки, уч дафтардур;

иккинчи: «Саломон ва Абсол»;

учунчи: «Туҳфат ул-аҳрор»;

тўртунчи: ««Субҳат ул-аброр»;

бешинчи: «Юсуф ва Зулайхо»ким «Ошиқ ва маъшуқ»ға мавсумдур; олтинчи: «Лайли ва Мажнун»;

еттинчи: «Хирадномайи Искандарий».

Шундай қилиб, Жомийнинг «*Хамса*» ёзганлиги хусусида Алишер Навоий аниқ гувоҳлик бермайди. Савол туғилади: нега ўзбек шоири ўз достонлари муқаддимасида Низомий ва Амир Хусравлар қаторида Жомийга ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатган ҳолда, уни хамсанавис сифатида тилга олмаган? Бунинг биринчи сабаби жуда оддий, яъни Жомий ўз эпик масналарини Навоий билан ҳамнафасликда, яъни олдинма-кетин (бирини - олдин, бирини – кейин) ёзиб борган. Аммо, бизнинг назаримизда, бунинг иккинчи – ғоявий ва мазмуний йўналишларга оид жиҳати ҳам бор.

Жомий достонлари ичида Навоий «*Хамса*»сидан олдин Низомий ва Деҳлавий достонларига татаббуъ йўсинида ёзилган асар юқорида кўп эслаб ўтилган «*Туҳфат ул-аҳрор*»дир. Нақшбандия пирлари шарафига бағишланган ушбу достон ҳам «*Махзан ул-асрор*» ва «*Матла ул-анвор*» сингари асосий қисмида 20 *мақола*ни («*мақолат*» эмас) ўз ичига олади.

Улардан биринчиси Оламнинг яратилиши, иккинчиси – Одамнинг яратилиши мавзуларида бўлиб, навбатдаги 5 мақола (3 – 7-мақолалар) бирма-бир ислом арконларига (калимаи шаҳодат, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларига) бағишланган. Кейин 2 мақола хомушлик (сукут) ва тунда бедор бўлишнинг ҳикматлари ҳақида. Ундан кейинги маколаларда пир-шоир жамиятдаги турли тоифа ва амал эгалари – суфийлар, уламолар, султонлар, вазир ва дабирлар(сарой мирзолари) тўғрисида ўз қарашларини баён қилади. 15 – 16 мақолалар қариб қуйилмаган кексаларга танбех ва мағрур ёшларга насиҳат бўлиб, 17 – 18 мақолалар гўзаллар ҳусн-жамоли ва ишқ борасидадир. 19-мақола шоирлар тоифасига оид бўлиб, охирги мақола шоирнинг ўз фарзандига насиҳатидан иборат. Ҳар мақола сўнгида унинг мазмунига алоқадор бир ҳикоят келтирилган.

Кўриб турганимиздек, асар татаббуъ қоидаларига тўла мувофиқ ёзилган. Шу жиҳатдан, Жомий «*Хамса*» туркумини бошлагандек кўринади. Аммо шунга қарамай баъзи ўзига хос принципларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ислом арконлари ҳақида Низомийда алоҳида мақолат йўқ. Деҳлавий достонида ушбу мавзуга биргина мақолат (4-мақолат) ажратилган. Жомий эса ўз достонида бу мавзуни анча батафсил ёритади. Албатта, Низомий ва Деҳлавий достонларидаги мақолатлар мундарижаси ҳам бир-биридан сезиларли фарқ қилишини назарда тутсак, бундай фарқланишларга алоҳида эътибор бермаслик ҳам мумкин.

Аммо Жомий достончилигининг кейинги ривожи бундай ўзига хосликлар бежиз эмаслигини кўрсатди. Низомий ва Деҳлавий изидан бориб Навоий иккинчи достонида **шоҳлик**

ва ошиқлик нисбати мавзуини тилга олган бир пайтда, Жомий ижтимоий масалалардан буткул четланиб, **соф тасаввуфий мавзу**га юзланди. Унинг «*Субҳат ул-аброр*» достони 40 иқддан (Жомий достоннинг асосий бобларини шундай атайди) иборат бўлиб, унинг 4 – 6 иқдлари «*ваҳдати вужуд*» таълимоти ҳақида, 7-иқд тасаввуф шарҳида, 8 – 30 иқдлар – ирода, тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, шукр, хавфу ижо, таваккул, ризо, муҳаббат, шавқ, ғайрат, қурб, ҳаё, ҳуррият, футувват, сидқ, ихлос, саховат(базл), қаноат, тавозу каби суфийлик мақом ва ҳолларининг тавсифига бағишланган. Кейинги иқдлар ҳам суфийлик одоблари хусусида бўлиб, фақат 33- ва 34-иқдларда Оллоҳ яратган махлуқотларга шафқат ва муҳаббат, султонлар ва аркони давлатга хайрихоҳлик билан насиҳат мавзулари тилга олинган. Бу достон мундарижаси ўз йўналишига кўра «*Туҳфат ул-аҳрор*» мундарижасини изчил давом эттириб, пир ва шогирд (Жомий ва Навоий) ўз достончилик анъаналарида буткул бошқа-бошқа тамойилларни танлаганликларига яққол гувоҳлик беради.

Навоий биринчи достонидаёқ ижтимоий таҳлил йўлини танлаганлиги ундаги мақолат мавзуларидан ҳам очиқ кўриниб туради. «*Ҳайрат ул-аброр*»нинг биринчи мақолати «*Имон ҳақида*», иккинчиси «*Ислом ҳақида*» бўлиб, учинчи мақолат ҳукмдорларнинг салбий хатти-ҳаракатларининг кескин танқидига ва тўртинчи мақолат сохта суфийларни аёвсиз фош этишга қаратилган. Кейинги бир қанча мақолатлар ислом ахлоқига оид бўлиб, унинг карам, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илм каби умуминсоний қоидаларига бағишланган. Айниқса, достоннинг ўн учинчи мақолатида ўзига хос мавзу танланган бўлиб, салафлардан бироргасида бундай мавзуга алоҳида боб ажратилган эмас. «*Нафърасонлар ҳақида*» деб аталган ушбу мақолатда Алишер Навоий ўз ижтимоий қарашларининг бош қоидасини ифода этган:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур.

Албатта, пир ва шогирд қарашлари орасида умумий томонлар кўп. Масалан, Навоий «*Ислом ҳақида*» мақолатида таҳорат, намоз, рўза, ҳаж ҳақида мукаммал тўхталиб, уларнинг ҳар бирини ҳам аҳли сунна талқинида, ҳам тасаввуфий талқинда баён қилади. Имон масаласига, юқорида эслаб ўтганимиздек, алоҳида боб ажратади.

Жомийнинг дастлаб “*Хамса*” ёзиш иштиёқи бўлганлиги унинг биринчи достонидан маълум. Аммо иккинчи достонда Низомий ва Деҳлавийлар изидан бормаганлигининг яна бир сабаби, бизнинг назаримизда, Хусрав Парвиз тимсолининг Амир Хусрав достонидаги талқини билан ҳам боғлиқ. Ҳинд форсизабон шоири ўз асарида шоҳлик ва ошиқлик мутлақо бир-бирига мос келмаслигини ишонарли гавдалантириб бергач, энди шоҳ Хусрав ишқий достоннинг бош қаҳрамони бўла олмас эди. Жомий ҳам кўра-била туриб бу мавзуни танлай олмас эди. Шу сабабли ишқий достон учун “Юсуф ва Зулайҳо” сюжети мақбул кўрилди. Айни шу сабабли Алишер Навоий ҳам шоҳ Парвизни тўлиғича салбий қаҳрамонга айлантириб, салафларида эпизодик образ бўлган Фарҳодни, яъни инсонийлик йўлида ҳукмдорликдан тамомила воз кечган шаҳзода тимсолини бош қаҳрамонга айлантирди.

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, ундан **тасаввуф ирфони** бўйича махсус таълим олган. «*Маҳбуб ул-қулуб*» рисоласининг «*Назм гулистонининг хушовоз булбуллари*» бобида Алишер Навоий шоирларни адабий йўналиш нуқтайи назаридан «*ҳақиқат тариқи*» ва «*мажоз тариқи*» намояндаларига ажратар экан, Жомий ҳақида гапириб уни ҳар икки йўналишда ҳам «*вофир ва шомил*» деб таърифлайди. Бундай мақтов

асоссиз эмас. Жомий ўз ғазалларида ҳам, достонларида ҳам фақат ишқи илоҳий («*ишқи ҳақиқий*»)ни куйлаш билан чекланмаган. Унинг соф инсоний севги *(«ишқи мажозий»)* ни завқ-шавқ билан тараннум этган ғазаллари девонларида кам учрамайди. Устоз шоир нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Пири муршиднинг «***Юсуф ва Зулайхо» («Ошиқ ва маъшуқ,»), «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол»*** достонлари бир пайтнинг ўзида ҳам мажозий ишқни, ҳам Ҳақ ишқининг сирру асрорини кашф этувчи мураккаб мазмунли асарлардир. Бу достонлар сюжети давомида Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва ибсолларнинг оташин муҳаббати эҳтирос билан гавдалантирилади, шу билан бирга асар охирида тасаввуф шоири **барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни ҳам унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам "*мажозий ишқ*" рамздир, аллегориядир.**

Навоийнинг «*Лайли ва Мажнун*» достони устозни ҳам шу мавзуда асар ёзишга илҳомлантирди. *«Туҳфат ул-аҳрор»*дан кейин фақат шу достонгина «*Хамса*» туркуми достонлари билан ҳам мавзу, ҳам ғоявий йўналиш жиҳатидан уйғунлашади. Ишқий мавзуда ёзилган қолган икки достон сюжети ҳам, ғоялар олами ҳам буткул ўзига хос бўлиб, уларни на «*Фарҳод ва Ширин*», на «*Сабъаи сайёр*» билан бевосита қиёслаб бўлмайди.

Жомийнинг «*Хамса*» туркуми мавзуларига бевосита алоқадор бўлган учинчи достони – «*Хирадномайи Искандарий*»дир.

Низомий ўз даврида Искандари Мақдуний билан боғлиқ икки алоҳида достон яратган бўлиб, уларнинг биринчиси «*Шарафнома*»да машҳур саркарда ва ҳукмдорнинг турли мамлакатларни фатҳ этиш учун олиб борган жангу жадаллари тасвирланган эди. Иккинчи достон – «*Иқболнома*» деб номланган бўлиб, унда асосан Искандарнинг юнон ҳакимлари билан олиб борган фалсафий суҳбатлари баён қилинган. Бу икки асар ҳар бири алоҳида анъанавий муқаддима боблар билан таъминланган ва яхлит композицион системага эга бўлиб, уларни шоир қайта ишлаб бир достон ҳолига келтирган эмас[1]. Демак, аслида Низомий «*Хамса*» (ёки «*Панж ганж*» – Беш хазина) ёзишни режалаштирмаган ва ижодий ҳаёти давомида 6 мустақил эпик асар яратган. Аммо кейинчалик котиблар томонидан охирги икки достон «*Искандарнома*» унвони билан ҳеч қандай ўзгаришсиз (ҳар иккисининг алоҳида анъанавий боблари ҳам сақланган ҳолда) бирлаштирилган ва шоирнинг 30 йиллик ижодий фаолияти самаралари туркум ҳолига келтирилиб, унга «*Хамса*» (Бешлик) номи берилган.

Низомий вафотидан деярли бир аср ўтиб, Амир Хусрав Деҳлавий Низомий туркумига жавобан «*Хамса*» яратганда унинг охирги икки достони мундарижасига бир достон билан жавоб берган. Бунинг учун у асар композициясини мураккаблаштириб, ҳар бир қисмда аввал бир боб – Искандар саргузаштларига оид лавҳа, кейин бир боб муайян ахлоқий-фалсафий мавзуда мулоҳазалар, охирида бир ҳикоят шаклида бериб борган. (Низомий достонларида эпик принцип изчил сақланган бўлиб, «*Иқболнома*»да ҳам Искандарнинг ҳаётий саргузаштлари қисман баён этилган.)

Навоий Деҳлавий анъанасини ривожлантириб, 1-боб Искандар ҳаётидан, 2-боб муайян ахлоқий-ижтимоий мавзуда мулоҳазалар, 3-боб – ибратли ҳикоят, 4-боб Искандар ва бир донишманднинг савол-жавоби шаклида 4 бобдан иборат яхлит бўлимлар тузган.

Жомий ўз асарида бу йўлдан бормади. Аслида, «*Хирадномайи Искандарий»* Низомийнинг машҳур фотиҳ ҳақидаги иккинчи достони «*Иқболнома*»га жавобдир. Бу ҳолат достоннинг

[1] Ҳатто ҳар икки достон бошқа-бошқа икки ҳукмдорга бағишланган.

номланишидаёқ ўз аксини топган. «*Иқболнома*»да «*Хирадномайи Арасту*», «*Хирадномайи Афлотун*», «*Хирадномайи Суқрот*» деб номланган алоҳида боблар мавжуд (1746 – 2077-байтлар – жами 302 байт). Жомий айни шу боблар сарлавҳаларига татаббуъ қилиб достонига ном берган.

Пири муршид достоннинг асосий қисмини бошлагач, 6 боб (410 – 618-байтлар – жами 218 байт) ўтказиб туриб, «Хирадномайи Аристотелис»га киришади. Олдинги 6 бобнинг ҳам учтаси алоҳида ҳикоятлар бўлиб, Искандар саргузаштларига аслида бори-йўғи **136 байт** (410-455, 477-529, 563-599-байтлар) ажратилган, холос. Кейинги боблар машҳур (ҳақиқий ва афсонавий) юнон ҳакимлари – Афлотун, Суқрот, Буқрот, Файсоғурс, Искалинус, Хермес хирадномаларидан иборат бўлиб, ҳар боб охирида алоҳида ибратли ҳикоятлар берилган. Ушбу 7 «*Хираднома*» (ҳикоятлари билан) 579 байтни (619 – 1197-байтлар) ташкил этган. Кейинги боб – «*Достони жаҳонгирийи Искандар ва иморати шаҳрҳо ва ихтиройи корҳойи вей бар сабили ижмол*»(Искандарнинг жаҳонгирлиги, шаҳарлар қуриши ва ихтиролари) деб аталган бўлиб, жуда катта мавзуни қамраб олса-да, ҳажми жуда ихчам – 45 байтдан (1198 – 1242-байтлар) иборат. Шоирнинг ўзи ҳам буни эътироф этиб «*бар сабили ижмол*», яъни «*қисқача санаб ўтилди*», деб махсус изоҳ берган. Кейинги 50 байтли (1262 – 1311-байтлар) боб – «*Хирадномайи Искандар*» деб номланган. Қолган боблар ҳам Низомийнинг «*Иқболнома*»си мазмуни билан тўла ҳамоҳанг ва тўлиғича уларга татаббуъ йўсинида ёзилган. Уларда Искандар билан бир қанча донишмандларнинг суҳбатлари, ибратли мисоллар, Искандар ўлими ва шу муносабат билан ҳакимларнинг таъзиялари баёнидан ташкил топган. Шоир Деҳлавий ва Навоий асарларидаги мураккаб композициядан воз кечиб, ҳар боб сўнгида бир ибратли хикоят келтириш билан кифояланган.

Хулоса қилиб айтганда, Жомий муайян муддат «*Хамса*» яратиш фикрида бўлганлигидан қатъи назар («*Хирадномайи Искандарий*» достони муқаддимасида шундай истак сезилади), достонлар туркумини шакллантиришда ҳам ўз ҳаёт йўлида танлаган принципларига содиқ қолган ва «*Ҳафт авранг*» асарини фақат ирфоний-ахлоқий ҳамда ишқий мавзулар билан чеклаб, ижтимоий-сиёсий мавзуларга чуқур кириб боришдан сақланган. Шу сабабли «*Етти тахт*»нинг тўрт достони ирфоний-ахлоқий мавзулардаги «*Хираднома*»лар ва қолган учтаси ҳам мажозий, ҳам ирфоний руҳда талқин этилган ишқий достонлардан ташкил топган.

АЛИШЕР НАВОИЙ НАФС ВА РУҲ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг *“Юксак маънавият – енгилмас куч”* асарида шеърият мулкининг султони **Алишер Навоий** ижодий меросига жуда юқори баҳо берилади. Умуман, агар **Алишер Навоий**ни **миллатнинг маънавий мураббийси** деб атасак, асло муболаға қилган бўлмаймиз. Сабаби, улуғ шоир бутун ижодини келгуси авлод тарбиясига бағишлади. Масалан, X-XV асрлардан бизгача етиб келган кўпчилик шоирларнинг лирик девонларидаги ғазаллар одатда ишқий ёхуд ирфоний мавзуларга бағишланиб, ора-орада бир байт, икки байт ижтимоий-ахлоқий мавзуларга тааллуқли бўлади. **Алишер Навоий** девонларида эса баъзан бутун бир ғазал тўлиғича катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган назарий масалаларни кўтариб чиқади. Шундай асарлардан бири **“***Фавоид ул-кибар***”** девонидаги 280-рақамли ғазалдир. Бу шеър тўлиғича миллий тарбиянинг назарий асосларидан бўлмиш **нафс ва руҳ нисбати** масаласига бағишланган бўлиб, биринчи байтиданоқ муаммонинг ўзак томирига эътибор қаратилади:

Гар фано расмини[1] қилмоқ тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.
(Агар фано расмини маҳкам тутмоқчи бўлсанг,
Зинҳор нафс билан руҳни бир-бирига аралаштирма.)

Янги даврда Ғарб психология илми тўлиқ табиий фанлар мажмуига алоқадор бўлиб, инсон руҳиятини ўрганишда уни соф биологик мавжудот сифатида олиб қарашга мойил бўлмоқда. Бундай ёндошувда инсоннинг бошқа жонзотлардан моҳиятан фарқи эътибордан четда қолади. Маълумки, барча жониворларда **нафс** бор, аммо **руҳ** фақат инсонга хос нарса. Инсон руҳиятини биологик асосда ўрганиш унинг нафси ҳақида тасаввур бериши мумкин, бироқ бунда руҳнинг моҳияти мутлақо сояда қолиб кетади. Қуръони каримнинг Ал-Исро сураси, 85-оятида айтилади: *“(Эй, Муҳаммад!) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ фақат раббимнинг ишидандир.” Сизларга эса оз илм берилгандир”.* Дарҳақиқат, инсон ўз ақли билан фақат моддий олам сирларини очиши мумкин. Маънавий ҳодисаларни англаб етиш учун эса ақл ва нақл уйғунлиги лозим бўлади. Миллий маънавиятимизнинг етакчи тамойилларидан бўлмиш тасаввуф руҳшунослиги айни шу йўлни танлаган эди.

Руҳ ул нурдурурким, Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматга қолиб, қилмиш анга поя ҳубут.
(Руҳ бир нурдирки, уни Ҳақ таоло юксакликкка кўтармиш,
Нафс зулматга чўмиб, унинг асоси завол бўлмиш.)

Нега нафс зулматга чўмиб, инсонни пастга қараб тортади? Чунки нафс инсоннинг моддий вужуди билан боғлиқ, инсонга нафс унинг моддий эҳтиёжларини қондириш учун ато этилган. Инсон ҳеч қачон нафсдан буткул кечиб кета олмайди. Бунинг учун фаришта бўлиш керак. Аммо агар биз тамом нафс измига тушиб қолсак, албатта, инсонийлигимиз заволга

[1] “Фано расми” тасаввуфий талқинда “маънавий камолот йўли” маъносини билдиради.

юз тутади. Юсуф сураси 53-оятда Юсуф (а.с.) шундай дейди: *“Нафсимни оқламайман. Зеро, нафс ёмонликка ундовчидир”*. Руҳ эса инсонни юксакликка чорлаб олий илоҳий қудрат билан боғлаб туради. Қуръони каримнинг қатор сураларида бунга очиқ ишора бор. Масалан, Сажда сураси, 6-9 оятларда шундай битилган: *“Ана шу ғайбни ва ҳозирни билувчи, Азиз ва Раҳим, барча нарсани кўркам (мукаммал) қилиб яратган зот, инсонни (илк бор) яратишни лойдан бошлади... Сўнгра уни битказиб, ичига Ўз руҳидан киритди...”* Маълумки, Аллоҳ бутун моддий оламдаги барча нарсаларни яратишда бир оғиз “*Бўл!*” деган, барчаси пайдо бўлган. Фақат бани Одамни яратишга алоҳида эътибор қаратиб, уни Ўзининг муқаддас руҳи билан сарафроз этган. Бу хабар Аллоҳ китобида бир эмас, бир неча бор (Масалан, Ҳижр сураси, 26-29 оятлар; Сод сураси, 71-72 оятлар) таъкидланади.

Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний,
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур машрут.
(Руҳ раҳмонийдир, нафс эса шайтоний,
Иккисин бир-бирига қўшиш тўғри бўлмайди.)

Ушбу байт шарҳида аввал *“Руҳ раҳмондандир, нафс эса шайтондан”* деб кўрдик, қарасак, бундай талқин монийлик тамойилига қараб кетмоқда. Шоирни бундай жўн талқин қилиш масалани чалкаштиришга олиб келар экан. Бу ерда яна тасаввуфнинг нафс даражалари ҳақидаги назариясини эслаш дуруст бўлади. Суфийлар Аллоҳ китобидаги талқинларга суянган ҳолда, “*нафси аммора*” (амр қилувчи нафс), “*нафси мулҳама”* (гуноҳ ишларга ҳам, тақвога ҳам илҳомлантирувчи нафс), “*нафси лаввома*” (маломатчи нафс), “*нафси мутмаинна*” (хотиржам, сокин нафс), “*нафси розия*” ва “*нафси марзия*” каби тимсол-тушунчаларни шакллантирдилар ва шу асосда бутун бошли “*нафс тарбияси*” йўллари (бугунги кун педагогика илми тили билан айтилса, “*методика*”си, ёки “*технология*”сини) ишлаб чиқдилар. Қуръони каримнинг Шамс сураси 8-10 оятларида “*Дарвоқе, (Аллоҳ) унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб қўйган. Ҳақиқатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топур. Ва уни (гуноҳлар билан) кўмиб, хорлаган кимса ноумид бўлур”,* дейилган.

Кейинги байтлар **руҳ**нинг йўлидан юрганлар қандай мартабага эришади-ю, **нафс** домига илинганларнинг аҳволи нечук кечишидан тарихий мисоллар асосида огоҳлантиришни мақсад қилади:

Руҳға шева Калимулло ишин қилмоқ фош,
Нафс фиръавнлиқ асбобини айлаб марбут.
Руҳға дааъб Ҳабибуллоҳ иши ойини,
Нафс бужаҳллиқ асбобини айлаб мабсут.
(Руҳнинг иши Мусо алайҳисалом йўлидан юрмоқ,
Нафс эса Фиръавн қилган ишни қилмоқчи бўлади.
Руҳ Аллоҳнинг ҳабиби йўлидан боришга жидду жаҳд қилади,
Нафс Абужаҳл феълини ёйишга уринади.)

Демак, руҳ инсонни пайғамбарлар йўлига бошласа, нафс уни зулм ва жаҳолат сари ундар экан. Дарҳақиқат, нафс йўлига кирган одам аввало ўзига зулм қилади, қолаверса, худбин-

лиги орқасидан бошқаларга ҳам жабру жафо келтиради. Охирги икки байтда шоир Аллоҳдан ўзига эзгулик тилаб, тўғри йўлга йўллашини сўрайди.

Ё Рабб, эт бизни ҳабибинг сифатиға росиҳ,
Айла Бу Жаҳл тариқин ичимиздин маскут.
Қил Навоийни ҳамул хат била, ё Рабб, озим,
Ким бирор ёнидин айрилди ўтуз олти хутут.
(Эй Парвардигор, бизни ҳабибинг сифатларида устивор эт,
Абу Жаҳл феълини ичимиздин аритгин.
Эй Парвардигор, Навоийни шу (тўғри) йўлга йўллагинки,
Унинг ҳар ёнидан ўттиз олти сўқмоқ айрилиб кетган.[1])

Аллоҳ китобида "руҳ" сўзи 25 марта ёдга олинади ва асосан инсонни олий илоҳий қудрат билан боғлаб турувчи ботиний маънавий куч маъносида, баъзан шунга туташ бўлган "*имон*" ва "*ваҳий*" маъноларида ишлатилади. "*Руҳ ул-қудс*", "*Руҳ ул-амин*" бирикмаларида эса Аллоҳ сўзини пайғамбарларга етказувчи фаришта Жаброил маъносида ҳам қўлланилади.

"*Нафс*" сўзи Қуръони карим матнида энг кўп учрайдиган сўзлардан бўлиб, турли шакллари билан 300 мартага яқин (292 марта) ишлатилган. Унинг маънолари ҳам хилма-хил. Жумладан, энг кўп ишлатилганлари "*инсон*", "*одам*" (ҳатто "*Одам ато*"), инсоннинг биологик мавжудот сифатидаги тириклик хислати маъноларида бўлиб, ўзбек тилига таржимада бу маънолар кўпроқ "*жон*", баъзан матндаги ўрнига қараб "*инсон*", "*одам*" ёки "*биров*" "*ўзга*" сўзлари билан ўгирилган. Шу билан бирга юқорида кўриб ўтганимиздек, Аллоҳ китобида бу сўзнинг кўпинча бизнинг тилимизда ишлатилувчи салбий оҳангли маъноси ҳам учрайди. Ўзбек тилида "*нафс*" сўзининг Қуръони каримда ишлатилган асосий маъноси "*жон*" сўзига ўтиб, халқимиз "*нафс*" сўзини айни инсонни моддий ҳою ҳаваслар томон тортувчи куч сифатидаги маъносига урғу бера бошлаган, яъни сўзнинг маъно доираси торайган. Лекин бунда ҳам барибир Қуръон оятларидаги талқинлар асос бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди.Масалан, Нозиот сураси 37-41 оятларида шундай огоҳлантириш бор: *"Бас, кимки (ёруғ дунёда) ҳаддан ошган ва дунё ҳаётини (охиратдан) устун қўйган бўлса, у ҳолда, фақат жаҳаннамгина (унга) макон бўлур. Аммо, кимки Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва ҳисобот бериши)дан қўрққан ва* ***нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса,*** *бас, фақат жаннатгина (унга) макон бўлур".*[2]

Нафс ва руҳ масаласида Навоийдан олдин ҳам турли фикрлар билдирилган, алоҳида китоблар ёзилган. Масалан, Абу Наср Форобийнинг "*Рисола фи моҳият ан-нафс*", Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "*Иҳёйи улум ад-дин*" асарининг "*Риёзат ун-нафс*" боби, "*Расоили Ихвон ус-сафо*" таркибида, Абу Али ибн Сино, Азизуддин Насафий каби файласуф ва мутасаввуфларнинг асарларида руҳ ҳақида махсус рисола, боб, фасл ва бўлимлар мавжудлигини биламиз. Аммо уларнинг аксариятига хос бир жиҳат шундаки, улардаги "*руҳ*" ва "*нафс*" атамаларининг талқини бу сўзларнинг араб тилидаги маъно товланишларидан келиб чиқиб таҳлил қилинади. Навоий ғазали эса бу сўзларнинг ўзбекча талқинига таянади. Араб тилида "*жон*" сўзи йўқ, шу сабабли Қуръони карим матнида ушбу сўзнинг маъноси кўп ўринда "*нафс*"

[1] Шеърнинг охирги сатрида мусулмончиликдаги турли адашган фирқаларга ишора бор.
[2] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т., 2007. С. 584. (Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур).

калимаси билан, баъзи ўринда “*руҳ*” сўзи орқали англатилган. Ўзбек тилида эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, “*нафс*”нинг аксарият маъноси “*жон*”га ўтиб, натижада “*руҳ*” ва “*нафс*” атамалари маъно жиҳатидан муайянлашувига имконият туғилган[1].

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг *“Юксак маънавият – енгилмас куч”* асарида инсонларнинг Борлиқ ҳақиқатига муносабатидаги икки хил ёндошув, “*бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётий қараш*” ҳақида файласуфона, барчамиз ўйлаб мағзини чақишимиз лозим бўлган маънавий камолотимизнинг эртанги куни тақдирига тааллуқли буюк фикрлар баён этилади:

“***Биринчиси*** *– ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки* ***охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонлар****га хос ҳаётий қарашлар.*

Иккинчиси *– бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни,* ***ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан,*** *бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан,* ***фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган,*** *ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.*

Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келади...”

Шундай экан, Алишер Навоий ғазалида кўтарилган муаммо бугун ҳам нафақат бизнинг юртимиз, балки бутун башарият олдида турган ўта долзарб масалалардан биридир. Зеро, айни пайтда Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир инсон олдида икки йўл турибди: эртаги кунни ўйлаб ўтирмай, *“ҳозири-ю ҳузури”* деб **нафс қаёққа етакласа,** шу ёққа кетавериш керакми, ёки **руҳ измида** юксакларга интилиб **маънавий камолот касб этиш** қайғусини қилиш керакми – гап шунда.

---

[1] Шу ўринда афсус билан қайд этиш керак-ки, шўролар давридаги якка мафкура зўравонлигидан ижтимоий-гуманитар йўналишдаги мавзуларда қалам тебратувчи кўп зиёлиларимизнинг ўз она тилидаги нозик маъно товланишларга эътибори анча-мунча сусайган. Шу боисдан ҳозирги кунда ҳам улар қаламига мансуб аксарият мақола ва китобларда турли атамаларнинг маънолари ўша атаманинг рус ёки араб тилидаги маъносидан келиб чиқиб талқин қилинаётгани сезилиб туради. Яъни бу муаллифлар бошқа тилда фикрлаб, кейин ўз фикрларини ўзбекчага нўноқлик билан ўгириб ёзаётганликларини ўзлари ҳам англамайдилар, шекилли. Шундай китоблардан бирида ёзилишича, “мафкура сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, ғоя ҳақидаги таълимот маъносини билдиради”.

МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ МУРАББИЙСИ

Маълумки, Алишер Навоий бадиий ижодга ниҳоятда масъулият билан ёндошади. Жумладан; шоир ишлатган ҳар бир сўз, ҳар бир бадиий тимсол ўз бағрида теран маънолар ташийди, бу маънолар йўқ жойдан пайдо бўлиб қолмаган, балки инсоният маънавий такомил жараёни билан узвий алоқадорликда шаклланган бўлади. Биргина мисолга мурожаат қилайлик.

«*Бадойиъ ул-бидоя*»нинг илк ғазали машҳур «*Ашрақат*»да шундай сатрлар бор:

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Бу сатрларда май таъриф қилиняпти, ушбу майни ичган тиланчи Жамшид сингари улуғ ҳукмдор мақомига кўтарилар экан. Ул май қуйилган қадаҳ эса бутун коинотни ўзида акс эттирувчи сеҳрли кўзгу сифатини касб этар экан. Бу қандай сирли ичимлик эканлиги ҳақида баҳс юритишдан аввал унга қадаҳ («*жом*») вазифасини ўтаган «*синғон сафол*» тимсолига эътибор қаратайлик.

Қуръони каримнинг «*ар-Раҳмон*» сураси 14-оятида Аллоҳнинг яратувчилик қудрати «*Халақа-л-инсона мин салсолин ка-л-фаххор*» (Абдулазиз Мансур ҳазратлари таржимасида «*У инсонни сопол янглиғ қуруқ лойдан яратди*») деб ифода этилган. Ҳақиқатан, луғатларда арабча «*салсол*» сўзи кулоллар ишлатадиган оқ (тоза) лой, «*фаххор*» сўзи эса чинни, сопол сингари кулолчилик маҳсулоти сифатида изоҳланган, Демак шоир ишлатган тимсол беҳуда эмас. Аммо нега энди бутун эмас, «*синғон*» сафол. Бу саволга ушбу девоннинг ўзида мукаммал жавоб мавжуд. Унинг охирроғида машҳур бир таржиъбанд бўлиб, дастлабки бандида шундай бир рамзий саргузашт тасвир этилади.

Шоир майхонада бир неча майпараст билан бир муддат майхўрлик қилгач, қўлига май солинган сопол кўзани олиб, манзили сари йўл олади. Йўлда сархуш кетаётса, уни бир гуруҳ «*иҳтисоб аҳли*», яъни шаҳарликларни шариат қоидаларига қанчалик риоя қилишини назорат этувчи муҳтасибнинг миршаблари тутиб олиб калтаклашади, орада май тўла кўза ҳам синади. Шоир баданига етган зарбалардан кўра кўза синганидан кўпроқ озорланади ва яна май истаб орқага қайтади. Шеърнинг биринчи банди (кейингилари ҳам) қуйидаги сатрлар билан якунланади:

Харобат аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

Таржибанднинг иккинчи банди бошланар экан, яна «*Ашрақат*»даги мазмун такрорланади, фақат энди у мукаммалроқ ифода топган:

Сафол ичра бир журьа лойе манга,
Эрур жоми гетинамойе манга,
Кетурмакка худбинлигим ранжини,
Қани бода янглиғ давойе манга.

Асар қаҳрамони учун яхлит кўзадан қолган бир парча «*синғон сафол*» юзасида агар бир қултум май қуйқаси бўлса ҳам шу қуйқа унга бутун жаҳонии ўзида акс эттира олувчи кўзгу бўла олади. Шоир қандай «*май*» ҳақида гап кетаётганини ҳам ўзи изоҳлайди:

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ҳақиқатан ҳам, тасаввуфда «*майи ваҳдат*» (ягоналик майи) тушунчаси бор. Шеъриятимизда кўп ишлатиладиган ушбу тимсолнинг пайдо бўлишига оид бир масалага, назаримизда, ойдинлик киритиш зарур. Бунда яна Навоийнинг ўзидан кўмак истаймиз. Юқорида тилга олинган тажрибанд шундай бошланади:

Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.

Шоир соқийдан шундай бир майни талаб қилмокдаки, у кўнгилни «*субҳи аласт*»даёқ ўз кайфи билан эгаллаб олган бўлсин. «*Субҳ*» сўзи тонг маъносини беради, аммо «*аласт*» нима? Оллоҳнинг китобига мурожаат этамиз. «*Аъроф*» сурасининг 172-оятида «*Аласту би-раббикум. Қолу: Бало...*» ибораси учрайди. Оятнинг тўлиқ мазмуни Абдулазиз Мансур таржимасида шундай берилган: «*Раббимиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб «Мен Раббингиз эмасманми?» (деди). (Улар): Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик,-дедилар...*»

Демак «*Аласт тонги*» тимсоли ҳали «*кўза*» бутун бўлган, яъни бани башар ўз бобокалони Одам ато пушти камаридан ажралмаган илк даврдаги ўз яратувчиси билан аҳдлашувига ишора этмокда. «*Ваҳдат майи*» ўша пайтда – инсониятнинг даставвал яратилиш асносида кўнгилга ўрнашган муқаддас туйғу ҳақида дарак берувчи улуғ тушунчадир.

Бу тушунчанинг бугунги номи «*Меҳр*», Навоий даври тилида «*Ишқ*»дир. «*Лайли ва Мажнун*» достонида шундай сатрлар бор:

Эй ишқ, ғариб кимиёсен,
Бал ойинайи жаҳоннамосен.
Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ...
Хуршиди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен.
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти ёр топти.

Яна ўша «*синғон сафол*»даги «*бир журъа май*» ҳақида гап кетмокда, «*жоми гетинамо*», «*ойинайи жаҳоннамо*», «*миръоти жаҳоннамо*» барчаси бир тимсолнинг турлича ифодалари.

«*Синғон сафол*» - инсон кўнгли, ундаги «*бир журъа май*» - кўнгилдаги меҳр булоғидир. Бутун инсоният бир ота-онанинг фарзандлари қилиб яратилган, шундай экан, ҳар бир инсон

кўнгли яхлит кўзанинг бир бўлаги, парчаси, уларни бирлаштириб турувчи «*ваҳдат майи*» эса инсонларнинг Яратувчи олдидаги ваъдаси, бир-бирига бўлган меҳридир. Юсуф Ҳамадоний пайғамбаримиздан бир ҳадис келтиради: «*Жоним қудрат қўлида бўлган Оллоҳ таолога қасамки, иймон келтирмагунингизча жаннатга киролмайсизлар, бир-бирларингизни севмагунча иймонли бўлолмайсизлар...*»

VIII-IX асрларда яшаган буюк имомларимиз инсонларга Муҳаммад (с.а.в) ибратларини йўлчи юлдуз қилиб кўрсатган бўлсалар, X-XI асрларнинг қомусий билим эгалари, биринчи навбатда, ақлга, илмга таяндилар, мантиқий тафаккурни инсонга бахт келтирувчи омил деб қарадилар. Тасаввуф пирлари ягона Ҳаққа интилиш, «*Ишқи илоҳий*»ни инсоният нажоткори деб талқин этдилар. Алишер Навоий ўз салафлари, маънавий устозларининг қарашларини рад этиш йўлидан бормади, у илоҳий китоб мазмунини чуқур ўзлаштирди, Ҳадиси шарифлар ибратини эъзозлади, ақлни, илм ва тафаккурни улуғлади, ирфоний ғояларга самимий эҳтиром билан ёндошди. Буларнинг барчасини тасдиқлаган ҳолда инсоний меҳр тараннумини ўз ҳаётининг бош мазмунига айлантирди, ўзгаларга меҳр-шафқатни инсоний иймоннинг етакчи мезони сифатида талқин этди. Бугун биз меҳр-мурувватни ҳаётимизнинг бош тамойили қилиб олаётган эканмиз, улуғ мураббийнинг машҳур байтларини яна бир эслаб ўтмасак бўлмас:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

ЖАҲОН АДАБИЁТШУНОСЛИК ИЛМИНИНГ РИВОЖИДА АБУ НАСР ФОРОБИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Адабиёт инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий манбадир, ёш авлодни **маънавий баркамол** қилиб тарбиялашда унинг аҳамиятини ҳеч нарсага тенглаштириб ҳам, бу соҳада уни ҳеч нарса билан алмаштириб ҳам бўлмайди. *"**Адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир**"*, деб таъкид этади Ислом Каримов. Демак, маънавиятнинг нима эканлигини англаб етмай туриб адабиётнинг моҳиятини ҳам тугал англаб етиш қийин. Маълумки, бадиий адабиётнинг моҳияти, унинг инсон ва жамият ҳаётига таъсири ҳақида дастлабки жиддий назарияни олға сурган аллома Аристотель бўлиб, **поэтика** илмига у киритган *"**мимезис"*** ва ***"катарсис"*** тушунчалари кейинчалик бутун жаҳон илмида довруқ қозонди[1].

Қадим юнон фалсафасини чуқур ўрганган Абу Наср Форобий (873-950) ўз ижодида ушбу муаммога махсус тўхталиб, "Шеър санъати қонунлари ҳақида рисола" (Рисола фи қавонин синоъат аш-шеър) ва "Шеърият ҳақида" (Китоб аш-шеър) асарларини яратди. Бу асарлар юнон тилидаги китобнинг оддий таржимаси эмас эди. Форобий юнон файласуфининг қарашларига ижодий ёндошган ҳолда ўз даври мусулмон минтақа шеърияти тажрибасидан келиб чиқиб, адабиётнинг моҳиятини тушунишда Аристотель кўздан қочирган жиддий бир масалага алоҳида эътибор қаратди.

Аристотельнинг *"**мимезис"*** назарияси ўтган асрда ўзбек тилида нашр этилган китобларда *"адабиёт – ҳаётнинг инъикосидир"* деб талқин қилинди[2]. Дарҳақиқат, адабиёт инсон ва жамият ҳаётини акс эттиради. Аммо қандай акс эттиради? Аристотель матнига мурожаат қиламиз: "*... **шоирнинг вазифаси ҳақиқатда юз берган нарса ҳақида эмас, балки юз бериши мумкин бўлган нарса ҳақида гапиришдир...**"* (*«... задача поэта говорить не о действительно случившемся, но о том, что могло бы случиться»)*[3] Бу фикрни барча санъат соҳаси ижодкорларига нисбатан қўллаш мумкин. Демак, ижодкор ҳаётий материалга таянади, аммо асарида ҳаёт ҳақидаги ўз тасаввурларини акс эттиради. Бу ҳолат фотосурат ва рассом чизган сурат орасидаги фарққа ўхшайди. Фотосуратда ҳаётда бор нарса худди ўзидай акс этса, рассом чизган суратда ҳаётий ҳодиса ижодкор тасаввурида қандай гавдаланган бўлса, шундай ифодаланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳақиқий санъат асари дунёга келиши учун **ижодкорнинг хаёлот олами** доялик қилиши лозим бўлар экан.

Аристотель ўз асарида антик давр адабиёти материалларига таянади. Улар асосида эса қадим юнон асотирлари ётар эди. XX аср олими Я.Э.Голосовкер айни шу қадим юнон асотирларининг моҳиятини ўрганар экан, адабиётнинг ушбу муҳим хусусиятига алоҳида эътибор қаратди ва уни "***имагинация***" термини билан ифодалади[4]. Бу атама лотинча ***"imaginatio"***

---

[1] Масалан, ўтган аср йирик немис адабиётшуноси Эрих Ауэрбахнинг Европа адабиёти тарихида инсон ва жамият ҳаётининг акс этиши масаласига бағишланган фундаментал тадқиқоти айни буюк юнон файласуфи ишлатган атама билан номланган: Эрих Ауэрбах. Мимесис. Изображение дейтвительности в западноевропейской литературе. М., "Прогресс", 1976, 560 стр. (Erich Auerbach. Mimesis. Dargestellte Wirklichkeit in der abendländischen Literatur. Bern und München, 1967.)

[2] Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т., "Ўқитувчи",1980, с.53; яна қаранг: "*Санъат ва адабиётнинг тасвир предмети ва мазмуни ҳаётдир*" - Адабиёт назарияси. 1-том. Адабий асар. Т., "Фан",1978, с.21;

[3] Аристотель.Поэтика (Об искусстве поэзии). М., 1957, стр. 67.

[4] Голосовкер Я.Э. Логика мифа. М., «Наука», 1987, стр. 9-13, 146-154.

сўзидан олинган бўлиб, рус тилига "*воображение*", "*представление*" сўзлари билан таржима қилинади ва тимсоллар (образлар) воситаси билан фикрлашни англатади[1]. Аммо, афсус билан қайд этиш лозимки, Я.Э.Голосовкернинг қарашлари ҳанузгача ҳозирги замон Европа ва ҳатто рус назарий адабиётшунослигида ҳам жиддий эътиборга олингани йўқ[2].

Абу Наср Форобий бу масалага X асрдаёқ (рус олимидан минг йил илгари) аҳамият бериб, Аристотель киритган ***"мимезис"*** тушунчасини араб тилида ***"муҳокот"*** атамаси билан ифодалабгина қўяқолмай, айни Я.Э.Голосовкер ишлатган ***"имагинация"*** терминининг аниқ арабча муқобили бўлган ***"тахайюл"*** тушунчасини адабиёт илмига киритган ва натижада **бадиий тафаккурнинг асос унсурларини** ислом минтақа илмида илк мартаба мантиқий изоҳлаб беришга муваффақ бўлган эди[3].

Маълумки, Аристотель асарида ишлатилган иккинчи муҳим тушунча ***"катарсис"*** атамаси файласуфнинг ўзи ***«Политика»*** асарида берган ваъдасига қарамай, "***Шеърият илми***" китобининг бугунги қўлимизда мавжуд матнида тайинли изоҳланмаган. Натижада Европа адабиётшунослиги тарихида бу атама доимо турлича изоҳланиб ва талқин қилиниб келади. Ваҳоланки, Форобий рисолаларида бу тушунчанинг ҳам аниқ шарҳи мавжуд.

Аллома ёзади: "*Шоир тахайюли билан сўзлар ва жумлалар воситасида яралган тимсоллар эзгулик ва ёвузлик, адолат ва зулм, ҳиммат ва разолат ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, китобхонда уларга нисбатан ўз муносабатини шакллантиришга хизмат қилади*"[4]. Маълум бўладики, адабиётнинг ва умуман санъатнинг инсон маънавий тарбиясига қандай таъсир қилиши бизнинг минтақа илмида X асрдаёқ мукаммал изоҳлаб берилган экан.

Бугунги кунда "***жаҳон илми***" деганда назарий жиҳатдан кўпроқ Европа минтақасида шаклланган илмий андазалар тасаввур этилмоқда. Аслида Ер юзининг турли минтақаларида минг йиллар давомида шаклланган турли минтақа маданиятлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро турли даражада ҳамкорликка киришган мустақил ва залворли маданият тизимларини ҳосил қилган ва шунга яраша **ўз мустақил илмий андазаларига эга бўлган**. Масалан, бизнинг диёрда етишган қомусий алломаларимизнинг деярли барчалари шеърият билан ошно бўлиб, ё шеърий асарлар битганлар, ё шеърият назариясига оид рисолалар яратганлар. Буюк аждодларимиз ўз даврида адабиётшунослик фанини мустақил назарий тизим даражасига кўтарганлар. Буюк аждодларимизнинг бу соҳадаги хизматларига мисол сифатида X - XV асрлар мобайнида Марказий Осиёда яшаб ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "*Мафотиҳ ал-улум*" ("Илмларнинг калитлари") асарининг махсус боби, Абу Хафс ан-Насафийнинг "*Мажмаъ ул-улум матлаъ ун-нужум*" ("Илмларнинг жам бўлиши - юлдуз-

---

[1] Я.Э.Голосовкер антик файласуфлар (Гераклит, Платон ва бошқаларни) ҳам худди шундай тимсолий тафаккур эгалари деб таърифлайди ва умуман фалсафани илмга зид қўйиб, санъатнинг бир тури деб ҳисоблайди.

[2] Масалан, махсус адабиёт назариясига оид 1999 йилда Моквада «Высшая школа» нашриётида чоп этилган В.Е. Хализевнинг "***Теория литературы***" ёки 2004 йилда «ACADEMIA» нашр этган Н.Д.Тамарченко, В.И.Тюпа, С.Н.Бройтманларнинг ***"Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика"*** китобларида бадиий адабиётнинг етакчи унсурлари ҳақида на Форобий, на Я.Э.Голосовкер олға сурган муҳим тушунчалар юзасидан тасаввур ҳам сезилмайди. Ваҳоланки, айни шу тушунчаларга эътиборсизлик орқасидан адабиётнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида Европа илмида ҳануз чалкашликлар барҳам топган эмас.

[3] Ал-Фараби. Логические трактаты. Алма-ата, «Наука», 1975, с. 527-555, 595-602, 630, 632.

[4] Биз ўзбекчада аллома жумлаларини бироз соддалаштириб ифодаладик. Асли рус тилидаги таржима матн қуйидагича берилган: «*Так действуют высказывания, создающие образные представления о добре, зле, несправедливости, пошлости и благородстве в рассматриваемой вещи... [Можно отметить], что высказывания, использующие воображаемые вещи, направлены на то, чтобы побудить слушающего совершить какой-нибудь поступок, вызываемый образом, который представился ему в рассматриваемой вещи...».* (Аль-Фараби. Логические трактаты, с. 553-554.)

ларнинг чиқиши") қомусий рисолалар тўпламига киритилган *"Мухтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз"*, Абул Ҳасан Наср ал-Марғилонийнинг "*Маҳосин ал-калом",* хоразмлик аллома Рашидиддин Ватвотнинг *"Ҳадойиқ ас-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър*", Маҳмуд аз-Замахшарийнинг "*Ал-қустос фил аруз*", Юсуф ас-Саккокийнинг "*Мифтоҳ ул-улум*", Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбек замонида туркий тилда яратилган "*Фунун ал-балоға*" асарларини, Навоий ва Бобурнинг арузга оид рисолаларини эслаб ўтиш кифоя.

Адабиёт назариясига оид илмлар асосан **икки йўналишда** бўлиб, улардан **биринчиси адабиётнинг шакли, яъни бадиий тасвир воситаларига оид**дир. Жумладан, аруз илми, қофия илми, бадиий санъатлар назарияси (илми бадеъ), илми баён, илми маъоний ва ҳ.к. Юқорида тилга олинган асарларнинг аксарияти ушбу йўналишга оиддир. **Адабиёт назариясининг иккинчи муҳим йўналиши бадиий адабиётнинг мазмуний жиҳати, яъни бадиий тафаккур қонун-қоидаларига алоқадор бўлиб, бадиий ижод тариқи (методи) масаласи** ушбу йўналишнинг бош мавзусидир.

Кўпчиликка маълумки, Европа адабиётида XVII-XVIII асрлардан бошлаб **барокко, классицизм, романтизм, реализм** номлари билан аталувчи ҳодисалар пайдо бўлди. Тадқиқотчилар бундай ҳодисаларни **адабий йўналиш** ёки оқим ("*литературное направление или течение*") деб атадилар ва кейинчалик (XX асрда) шулар асосида **ижодий ёки бадиий метод (*творческий или художественний метод*) назарияси** шакллантирилди.

Мустақилликкача бўлган даврда биздаги баъзи тадқиқотларда ўтмиш шоирларимиз, жумладан, Алишер Навоий ижодини ҳам, Европа адабиётига нисбатан ишлаб чиқилган ушбу қолипларга мослаш ҳаракатлари кузатилади. Хўш, минтақа анъанасида ўз даврида шу йўналишда ҳам назарий қарашлар мавжуд бўлганми? Агар аждодларимиз меросини холис ва жиддий таҳлил қилсак, бу соҳада улар Европа илмидан бир неча аср илғор эканлари маълум бўлади. Айниқса, миллатнинг маънавий мураббийси даражасига етишган бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бу йўналишдаги буюк хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юқорида тилга олинган **адабиёт назариясининг иккинчи муҳим йўналиши** борасида шуни айтиш мумкинки, агар X-XI асрларда шеъриятда *"энг ёлғон шеър – энг яхши шеър"* ёки "*энг рост шеър – энг яхши шеър*" деган икки хил қараш урф бўлган бўлса, XI аср иккинчи ярмига келиб **Абу Қоҳир ал-Жўржоний** (вафоти 1078 йил) Қуръони карим оятларининг юксак бадиий қудратини илмий таҳлил асосида далиллаб беришга бағишланган **"***Далойил ул-эъжоз***"** ва **"***Асрор ул-балоға*" асарларида мутлақо ўзига хос **бадиий тимсол назариясини** кашф этди. XIII аср охири - XIV аср бошларида **Амир Хусрав Деҳлавий** (1253-1325) ўзининг **"***Расоил ул-эъжоз"* ва бошқа асарларида ушбу муаммоларнинг **янгича ечимлари**ни берди. Ва ниҳоят, XV аср охирида **Алишер Навоий ўзигача 8 аср давомида минтақа миқёсида кенг ривожланиб борган бадиий тафаккур илмини янада юксак назарий умумлашмалар даражасига кўтариб, жаҳон маънавияти такомилига ўзининг мустақил босқич даражасидаги кашфиётини олиб кирди.**

Қадим юнон тилида **"*методос*"** нима маънони билдирса, IX- XV асрлар ислом минтақа маданиятининг илмий атамалар тили бўлмиш араб тилида **"*тариқ*"** сўзи ҳам худди шу маънони, яъни **"***йўл", "Борлиқни англаб етиш ва акс эттиришнинг ўзига хос йўли***"** маъносини англатар эди. **Алишер Навоий** ушбу атамадан ижодий фойдаланиб, ислом минтақа адабиётида **"*ҳақиқат тариқи*"** ва **"*мажоз тариқи*"** деб аталмиш икки **адабий йўналиш ва бадиий ижод тариқи** мавжудлигини кашф этди ва уларнинг ҳар бирини қисқача таъ-

рифлаб, XII-XV асрларда яшаб форсий ва туркий тилларда ижод этган улуғ шоирларнинг қайси бири қайси йўналишга мансуб эканлигини аниқ кўрсатиб берди. Шундай қилиб, **бадиий ижодга Борлиқ моҳиятини идрок этиш ва ижодий акслантиришнинг алоҳида бир йўналиши сифатида онгли ёндошув** ислом минтақасида Европадан бир неча аср илгари мукаммал шаклланди[1].

Навоийнинг адабиётшуносликка оид қарашлари бир неча жиҳатдан биз учун ғоят муҳимдир. Биринчидан, бу қарашлар ўша даврнинг ўз одами мулоҳазалари сифатида қадрли. Иккинчидан, Навоий ўзбек (туркийзабон) шоири сифатида машҳур бўлса-да, унинг адабиёт ҳақидаги назарий қарашлари деярли тўлиғича мумтоз форс шоирлари ижодига ҳам тегишлидир. Учинчидан, Навоий адабиётнинг нафақат шаклига, балки, биринчи навбатда, мазмунига, ундан инсонларга етадиган маънавий манфаатга, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига айрича эътибор қаратган.

Алишер Навоийнинг 1500 йилда ёзилган охирги асари **"***Маҳбуб ул-қулуб***"** рисоласидаги ушбу масалага оид назарий мулоҳазаларига таянган ҳолда, минтақа адабиётининг ривожланиш даврлари хусусида мутлақо янгича хулосаларга келиш мумкин. Ушбу сатрлар муаллифи Шарқ халқлари адабиёти тарихига оид давлат гранти доирасида тайёрланган *"X-XV асрлар мумтоз форс шеърияти (Даврлаштириш муаммолари. Адабиётнинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши)"* номли тадқиқотида айни Навоий талқинларига таянган ҳолда минтақа адабиётини даврлаштиришнинг янгича тамойилларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Қуйида ушбу тамойиллар қисқача баён қилинади.

Маълумки, исломгача минтақа маънавиятида **асотир тафаккур** ҳукмронлиги сақланиб келганлиги туфайли соф маънодаги бадиий адабиёт куртаклари фақат сосонийлар даврининг охирларига келиб пайдо бўла бошлади. Мусулмон минтақа маданиятининг шаклланиш даври бўлган VIII-IX асрларда бутун минтақада асосан араб тилидаги шеърият кенг урф бўлиб, бу даврга оид янги форс ва туркий тилларда яратилган шеърлардан жуда кам намуналар бизгача етиб келган.

X-XI асрлар минтақа адабиётида даставвал **бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси** ҳануз амалийроқ кўринишда идрок этилиб, ҳаётга муносабатда кенгфеъллик, элу юртда яхши ном қозониш, ҳар ишни ақл тарозусида ўлчаб амалга ошириш билан инсон албатта бахтли бўлади ва шоду хурсандлик билан умр кечиради, деган фикрлар етакчилик қилган бўлса, кейинроқ бориб Унсурийнинг сиёсий шеърияти, Фирдавсий эпопеяси, Носир Хусравнинг фалсафий қасидалари мисолида ижтимоий воқеликнинг мураккаб жиҳатлари ҳам адабиётда ўз аксини топа бошлади.

Биз бу даврни **"дунёвий адабиёт" босқичи** деб аташни лозим топдик, чунки бу давр шеърияти мавзулари моддий дунё ҳою ҳавасларидан жуда ҳам узоқ кетмагани унинг барча намояндалари ижодида кўзга ташланиб туради. Бу босқичда бадиий адабиётнинг **эстетик завқ бериш хусусияти** кучли бир тарзда намоён бўлди, лекин адабиётнинг иккинчи бир вазифаси – **инсоннинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати** қониқарли даражада бўлмади. Инсон ва инсоният муносабати саволлигича қолди. Бу давр адабиётининг **дунёвийлиги** шундаки, ундаги барча тасвир ва талқинлар моддий дунё чегараларидан ташқари чиқмади, бу давр шоирлари учун ҳануз ғайб олами билан моддий

[1] Афсуски, XX асрда Алишер Навоий ижодини ўрганиш масаласида улкан ютуқларни қўлга киритган аллома навоийшуносларимиз шўролар даври мафкуравий қолиплари доирасидан чиқиш имкониятларидан маҳрум қилинганликлари туфайли ушбу масалага етарли эътибор ажрата олмадилар.

олам орасидаги муносабатлар хусусида жиддий тафаккурга берилиш хос эмас эди. XI асрлар иккинчи ярмидан фалсафий қасидалар ва тасаввуфий ғоялар ифодаланган асарлар яратила бошланган бўлса ҳам ҳануз бу йўналишлар етакчи мақомга эга эмас, аксарият шеърият мактаблари соф дунёвий йўналишни сақлаб келар эдилар.

XII–XIII асрлар **тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг юксалиш босқичи** бўлиб, бу даврда нафақат Ибн ал-Арабий ва Ибн ал-Фарид, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний сингари жаҳон миқёсида шуҳрат таратган тасаввуф шоирлари ижод қилди, балки Саноий ва Анварий, Хоқоний ва Низомий каби забардаст шоирлар ижодига ҳам тасаввуфий-ирфоний мавзулар кириб келди.

Дунёвий адабиёт ва **ирфоний адабиёт**нинг ўзаро фарқи шундаки, Рудакий ва Манучеҳрий асарларида **мажозий тасвир** фақат **эстетик завқ бериш, оддий ҳаёт ҳодисаларини нафис тимсоллар орқали ифодалаш**га **хизмат қилган,** яъни **шаклий гўзалликка** биринчи даражали эътибор қаратган бўлса, **XII-XIII асрлар ирфоний шеърияти** олдинги давр шоирлари бадиий тасвир соҳасида эришган ютуқлардан унумли фойдаланган ҳолда **мажозий тасвирни ирфоний туйғулар тараннуми билан уйғунлаштириб,** шеъриятни инсоннинг маънавий баркамоллиги, **инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлигини таъминлаш** йўлида хизмат қилдиришга киришди. Бу давр шеърияти **Ғаззолий** ғоялари таъсирида **ақлга таяниш** принципидан **кўнгилни поклаш** принципига ўта бошлади. **Низомий** биринчи достони "***Махзан ул-асрор***"нинг кириш бобларидаёқ бу асарни ёзишдан мақсади «***кўнгил қиссаси***»ни баён қилиш эканини алоҳида таъкидлади. Шоир тасаввурига кўра, инсоннинг барча аъзолари устидан **ҳукмрон кўнгил**. Шоир **кўнгил**ни Хожа, **инсон табиатининг тарбиячиси** деб атайди. Чунки **инсон кўнгли уни олий ҳақиқат билан боғлаб турувчи тилсим**, олий ҳақиқат сирларини ўзида жилвалантирувчи **кўзгу**дир, фақат унга сайқал беришда эринмаслик, уни занг ва чирк босишига йўл қўймаслик лозим. Кўнгил инсонни инсонликда тутиб турувчи, **алоҳида бир вужудни олий маънавият билан туташликда асровчи моҳият**дир.

Жалолиддин Румий "*Маснавийи маънавий*" асарида илоҳий ишқ тараннумини **инсон ва инсоният нисбати,** ҳар бир инсоннинг нафақат инсоният, балки бутун Борлиқ олдидаги масъулияти масаласи билан уйғунлаштира олди. Инсоннинг бошқа жонли мавжудотлардан фарқи шундаки у ўзининг ўзга инсонлар билан боғлиқ эканлигини, ўзининг "***инсоният***" аталувчи яхлит моҳиятнинг ажралмас бир бўлаги, қисми эканлигини сезиб туради. Агар шуни сезмайдиган бўлса, уни энди ўзга биологик мавжудотлардан фарқи қолмайди, моҳиятан у энди инсон эмас. Агар буюк суфий ўз асарида фикрларини ирфоний тимсолларга чўлғаб ташлаган бўлса, унинг замондоши Саъдий Шерозий ижодида бу улуғ ғоя очиқ-ойдин намоён бўлди.

Адабиёт асосан сарой атрофида ривожланган X-XI асрларда шеъриятда **қасида** етакчи жанр бўлиб келди. Чунки **дунёвий адабиёт** вакили ўз ижодида, биринчи навбатда, мамдуҳга, яъни жамиятдаги **ҳукмрон гуруҳлар** вакилига (у подшоҳми, вазирми, ёки йирик мулк эгасими, қатъи назар) таянади, достон ёзадими, қасида ёзадими, муайян шахсга бағишлайди, ундан инъом ёки эътироф кутади. Тасаввуфий-ирфоний шеърият босқичида эса ғазал жанри биринчи ўринга ўтди, чунки суфий энди подшоҳдан ҳимоя ёки инъом кутмайди, у – Ҳақ ошиғи. Ошиқ эса қасида ёзмайди, у ғазал ёзади, чунки қасида - ўзидан юқори турган ўзганинг таърифи, **ғазал - ошиқнинг кўнгил изҳори**. Шундай қилиб, тасаввуфий-ирфоний шеърият ғазал жанрининг ривожида ҳал қилувчи босқични ташкил этди. Тасаввуф

шеърияти **мажозий тасвир**нинг чексиз имкониятларига мурожаат қилади. Борлиқнинг Олий Ҳақиқати "***ёр***", "***маҳбуб***" аталади, унга етишиш иштиёқи "***ишқ***" дейилади, суфийнинг туйғулари "***васл***" ва ***"ҳижрон",*** ҳолати – ***"май"*** ва ***"мастлик",*** макони – ***"харобот"*** ва ***"дайр"*** тимсоллари билан ифодаланади. Натижада мазмуний қўп қабатлик жозибаси юзага келади. Ана шу жозибадорлик ғазалнинг ботиний асосини ташкил қилади. Демак, ирфоний туйғуларсиз мумтоз форс адабиётида ғазалнинг етакчи лирик жанрга айланиши имкондан ташқари эди. Лекин сўфий шоирларнинг соф тасаввуфий ғазалиёти илоҳий ишққа ортиқча урғу берганлиги туфайли халқ ичида кенг тарқалмади. Ўз ижодида айни шу камчиликни узил-кесил енгиб ўта олган шоир Саъдий Шерозий бўлди. Шу сабабли унинг ғазаллари бу жанрнинг мумтоз намунаси сифатида хосу авом орасида тўла-тўкис эътироф этилди ва катта шуҳрат қозонди.

Тасаввуф ғояларининг идроки Фаридидин Аттордан Фаҳриддин Ироқий ва Авҳадиддин Кирмонийларга қараб теранлашиб борди. Ироқий "*мажоз*" ва "*ҳақиқат*" нисбатини денгиз ва тузга қиёс этган бўлса, **Авҳадиддин Кирмоний** «*Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас*» деган хулосага келди. Бу хулоса Аллоҳнинг китоби мазмунига тўлиқ мувофиқ бўлиб, Аллоҳ ишқи у яратган мавжудотларга беғараз, ҳолисанлиллоҳ муҳаббатда намоён бўлиши лозим деган фикрга олиб келиши тайин эди. Алишер Навоийнинг бу улуғ шайхга эътибори беҳуда эмас.

Низомий **ишқ** ҳақида ёзар экан, уни «*ҳақиқий*» ва «*мажозий*»га ажратмайди. XII аср ирфоний адабиётида ҳануз бундай тушунчалар шаклланган эмас. Аммо XIII аср охири - XIV аср бошларида ижод қилган **Амир Хусрав Деҳлавий** салафи достонларига жавобида ***"ишқи мажозий"***ни куйлашини манифест сифатида очиқ эълон қилади. **Унинг эътиқодича, шоир на воиз (насиҳатгўй), на суфий сингари ёэмаслиги керак, балки бадиий ижод қонунларига риоя этиши лозим.** Бундай ёндошув минтақа адабиётида кейинчалик Навоий «***мажоз тариқи***» деб ном қўйган янги йўналишнинг узил-кесил ғалабасини билдирар эди.

XV асрга келиб тасаввуф сулукида нақшбандия йўналишини танлаб, 1476 йилда замонанинг улуғ пири муршиди Абдураҳмон Жомийга расман муридликни ихтиёр этган Алишер Навоий ўз ижодида **Амир Хусрав** ва **Ҳофиз**лар изидан борди. Шу ўринда бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳаётий амалиётда суфийлик йўлини ихтиёр қилиш билан ижодда соф тасаввуфий адабиёт йўналишидан бориш бир нарса эмас. Амир Хусрав ҳаётда чиштия тариқатининг буюк пири Низомиддин Авлиёнинг энг севимли муриди бўлган, аммо шеъриятда «*ишқи ҳақиқий*»ни эмас, «*мажоз ишқи*»ни куйлашини қайта-қайта таъкидлаган эди. Унинг замонавий мавзуда яратган машҳур достони қаҳрамони шаҳзода Хизрхон ҳам Низомиддин Авлиёга қўл бериб, мурид бўлганлиги аниқ. Ҳинд форсизабон шоири ўз замондошлари - тарихий шахслар - валиаҳд шаҳзода ва собиқ ҳинд рожасининг қизи Девалдининг пок муҳаббатини тараннум этар экан, уларнинг висол онлари тасвирини якунлаб шундай ёзади:

Чу ишқ андар мажозаш жилвагаҳ дод,
Мажозаш бар пули таҳқиқ раҳ дод[1].
(Ишқ мажозида намоён бўлгани сабабли,
Бу **мажоз Ҳақиқатни англаб етиш учун кўприк** *бўлди.)*

[1] Деҳлавий Амир Хусрав. Дувалрони ва Хизрхон. (Матни интиқоди). Душанбе, 1975, с. 224.

Бу мисраларда бевосита Муҳаммад(с.а.в)нинг "***Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа***" ("Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир") деган ҳадиси шарифларига ишора яширинган бўлиб, эътибор қилинса, уларни Навоийнинг назарий қарашлари моҳиятини очиб берувчи калит сифатида тасаввур қилиш мумкин. Яъни инсонларнинг бир-бирига беғараз муҳаббати Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг энг ишончли йўли эканлиги таъкид этилмоқда. Туркий тилдаги шеъриятнинг буюк даҳоси ўз асарларидаги Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби барҳаёт сиймоларни айни шундай беғараз ва фидойи муҳаббат эгалари сифатида тасвирлар экан, маънавий баркамолликка эришувда «*ишқи мажозий*» (янада аниқроғи «*хос ишқ*») қандай чексиз қудратга эга эканлигини ёрқин гавдалантириб бера олди. Содда қилиб айтадиган бўлсак, Навоий асослаб берган «***мажоз тариқи***» Аттор ва Румийлар ижодида ўз ифодасини топган соф **тасаввуфий адабиёт («***ҳақиқат тариқи***»)** эмас, аммо кенг маънодаги ирфоний адабиётдан ташқарида ҳам эмас.

Навоий охирги достони **«*Лисон ут-тайр*»**да Симурғ тимсоли орқали ўзининг асрий орзусини, улуғ ва қимматли **ижтимоий ғоя**ни ифодалади. **Унинг талқинидаги Симурғ – камолотнинг олий босқичи – Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш («***си мурғ***») нинг бирлиги - маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридир.**

Шундай қилиб, инсонни ва табиатни тўғри тушуниш, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини англаш ва англатишга уриниш - "*Мажоз тариқи*"нинг буюк вакиллари **Саъдий Шерозий**, **Хусрав Деҳлавий** ва **Ҳофиз Шерозий** асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган бўлса, Алишер Навоий ижодида ижтимоий воқеликни бадиий тадқиқ этиш амалий жиҳатдан ўзининг юксак чўққисига кўтарилиб, назарий жиҳатдан пухта асослаб берилди. Қуйида ушбу мулоҳазаларнинг қисқача хулосасини жадвал шаклида ифодалаб кўрамиз.

VIII- XV АСРЛАР МИНТАҚА МАДАНИЯТИДА МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ РИВОЖИ

Тарихий давр	Мумтоз адабиётнинг ривожланиш босқичлари	Ҳар бир босқичда адабиётнинг етакчи мавзу тамойиллари	Ҳар бир босқичда ишқ мавзу-сининг талқини
VIII-IX Асрлар	Минтақада араб тилидаги адабиётнинг ҳукмронлиги	Мадҳиявий қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт, зуҳдиёт, ҳажв	Дунёвий ишқ
IX аср охири – XI аср	Форс ва туркий тилларда дунёвий адабиётнинг шаклланиши ва гуллаб яшнаши	Мадҳиявий қасидалар, ишқий ғазаллар, ҳажв, тарихий ва ишқий достонлар	Дунёвий ишқ
XII-XIII Асрлар	Минтақада тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг гуллаб-яшнаши	Фалсафий-ирфоний қасидалар, ишқий-ирфоний ғазаллар, ирфоний достон ва маснавийлар	Ирфоний (илоҳий) ишқ (*“ишқи ҳақиқий”*)
XIV-XV Асрлар	Форс ва туркий тиллардаги *“**мажоз тариқи”*** адабиётининг гуллаб-яшнаши	Турли жанрдаги ишқий-ирфоний ва ижтимоий мазмун-даги шеърлар, Мажозий ишқни куйловчи достонлар (*“хамсачилик”* анъаналари ривожи)	Мажозий ишқ *(“хавос ишқи”*)

Эслатиб ўтиш лозимки, бу жадвалда ҳар бир ривожланиш босқичининг етакчи тамойиллари ифодаланган. Аслида адабий воқелик бирмунча мураккаброқ эканлиги сир эмас. Масалан, XII-XIII асрларда яшаган Саноий, Анварий, Хоқоний, Саъдий Шерозийларнинг ижоди моҳиятан *“**мажоз тариқи”***га мансуб бўлса, XV асрда яшаган Абдураҳмон Жомий ижодида тасаввуфий йўналиш етакчилик қилганлиги маълум. Ижтимоий воқелик ҳарқандай назарий қолипларга қараганда ҳамиша мураккаброқ бўлиши ҳаёт тақозосидир.

Китобнинг ушбу биринчи қисмини якунлар эканмиз, баъзи изоҳ ва хулосаларни баён этиб ўтиш лозим кўринади. Биринчидан, ушбу қисм фасллари кўп ўринда бир мавзунинг турли қирраларини ёритишга бағишлангани учун мазмуний қайтариқлар борга ўхшаб туюлади. Бунинг сабаби асосий масала, яъни Алишер Навоий ижодининг бош тамойили ва маънавий такомил жиҳатидан умуминсоний аҳамиятини ҳар томонлама батафсил кўрсатиб беришга уриниш бўлиб, сўзма-сўз қайтариқлардан иложи борича қочишга ҳаракат қилинди.

Иккинчи жуда муҳим изоҳ шундан иборатки, Навоий назарий ва амалий исботлаб берган «*мажоз тариқи*» тушунчаси XIV - XV асрларда Европа минтақасининг буюк алломалари ва ижодкорлари асарларида шакллана бошлаган «*гуманизм*» тушунчаси билан қатор умумий томонлари мавжуд бўлиб, шу туфайли ўтган аср устоз навоийшунослари бу масалага алоҳида эътибор қаратган эдилар.[1]

XIV - XV асрлар Ғарб оламида шаклланган **Уйғониш** (***Ренессанс***) ҳодисасининг вужудга келишида мусулмон минтақа маданиятининг таъсири масаласи алоҳида жиддий тадқиқотларни тақозо қилади. Ҳозирча бир нозик муаммони қайд этиб ўтиш зарурати борки, яхши

[1] Ҳатто айни номда тадқиқотлар ҳам эълон қилинган. Қаранг: Малик Арипов. Гуманизм Алишера Навои. Т., “Ўзбекистон”, 1991, 224 стр.

ниятлар билан олға сурилган «*гуманизм*» ғояси дастлабки даврда христиан диний ақидаларига зид қўйилмаган бўлса ҳам, вақт ўтиши билан Европадаги ҳукмрон черков ақидалари билан ривожланиб бораётган табиий фанлар ютуқлари орасида зиддият кучайган сари бу муҳитда даҳрийлик тамойиллари борган сари кенг ёйилиб кета бошлади ва XVIII асрга келиб илғор зиёли гуруҳлар орасида етакчи мавқега кўтарилишга муваффақ бўлди. Даврнинг буюк алломалари - француз маърифатчилари Гелвеций, Гольбах, Ламетри, Дидролар қиёфасида ўзлигини кўрсатган бу тамойил Европада илк бор шакллантирилган кўп жилдли қомус мазмунида ҳам намоён бўлди. Натижада Ғарбдаги «*гуманизм*» ғояси бугунги кунга келиб алоҳида инсон истакларининг мутлоқлаштирилиши ва қонунлаштирилиши тариқасида талқин қилина бошлади. Бундай мутлоқлаштиришнинг инсоният келажаги учун нақадар хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги бугунги Европа муҳитидаги ўта ғайриинсоний «назариялар»нинг кенг тарқалиши ва уларнинг жиддий равишда ижтимоий амалиётга татбиқ этилишида намоён бўлмоқда. Аммо Навоий олға сурган «*мажоз тариқи*» тушунчаси Қуръони каримда қайта-қайта таъкидланган «*ҳар бир инсон ер юзида* ***халифа*** *қилиб яратилган»* маъносидаги қоидага таянадики, бу энди ҳар бир инсоннинг ўз хатти ҳаракати учун Аллоҳ таоло ва умуминсоният келажаги олдидаги масъулиятини жиддий ҳис қилиши вожиблигини англатиши билан Европа христиан муҳитида шаклланган «*гуманизм*» тушунчасидан, айниқса, унинг даҳриёна талқинидан тубдан фарқ қилади. Агар биз масаланинг ушбу жиҳатларини инобатга олмайдиган бўлсак, аждодлар меросини ҳеч қачон тўғри англаб етишга эриша олмаймиз. Умуман олганда, ҳар бир халқнинг маънавий такомили унинг ўз тарихи, аждодлар мероси, яшаб турган муҳити билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни ўзга маконда шаклланган маънавий-маданий қадриятларга таянган ҳолда тадқиқ ва талқин этишга уриниш асл ҳақиқатга яқинлаштирмайди ва ҳеч қачон кўнгилдагидек натижаларга олиб келмайди.

2-ҚИСМ. XX АСР. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

МИНТАҚА МАДАНИЯТИДА ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТНИНГ РИВОЖИ.

Алишер Навоий ўз ижодида Низомий ва Амир Хусрав, Аттор ва Фахриддин Ироқий яратган бадиий ва ирфоний оламлар ёғдусидан баҳраманд бўлди. Саъдий, Ҳофиз, Анварий, Хоқоний каби ўнлаб форс мумтоз адабиёти вакилларига татаббуъ-жавоблар ёзди. Ва ўз мустақил бадиий оламини яратди. Бу олам туркий шеърият оламига тааллуқли эди. Туркий адабиёт вакиллари эса азалдан ижтимоий-ахлоқий муаммоларга алоҳида эътибор бериб келадилар. **Йўллиғ Тигин, Тўнюқуқ (**VII-VIIIасрлар), **Адиб Аҳмад** (VIII-IX асрлар), **Юсуф Хос Ҳожиб** (XI аср), **Аҳмад Яссавий** ва **Сулаймон Боқирғоний** (XII аср), **Қул Али** (XII - XIII асрлар), **Юнус Эмро** (XIII аср), **Рабғузий** (XIV аср) каби буюк сиймоларни етиштирган туркий тилдаги адабиёт XIV асрдан бошлаб янада гуркираб ривожланди. Дастлаб Хоразм адабий мактаби шаклланди. Унда «*Муҳаббатнома*» муаллифи **Хоразмий**, **Қутб**, **Сайфи Сароий** каби улуғ ижодкорлар етишиб чиқди.

XIV аср 70-йилларидан минтақа сиёсий ҳаётида мўғуллар ҳукмронлиги тугаб, Темурийлар даври бошланди. Буюк Соҳибқирон Амир Темур таназзулга юз тутган ва парчаланган Чиғатой улусининг ўрнида ислом минтақасининг қалб қисмини ўз ҳудудига бирлаштирган улуғ салтанатни вужудга келтирди. Ғарбда Ироқ ва Сурия ерлари, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё ўлкаларини деярли тўлиқ қамраб олган бу мамлакат ислом минтақа халқларининг ягона сиёсий ҳудудга охирги марта бирлашуви бўлиб, Темур минтақа миқёсида нуфузга эга бўлган охирги давлат бошлиғи эди. Унинг давлатни бошқариш ва улус осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматлари ислом минтақа маданияти давлатчилик соҳасидаги ютуқларининг юқори чўққиси бўлди.

Бу давр минтақа адабий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Низомий ва Амир Хусравлар туркий элат вакили бўла туриб, форс тилида ижод қилган бўлсалар, энди туркий шеърият бутун минтақа ҳудудида ривож ола бошлади. Шерозда **Ҳофиз Хоразмий** шуҳрат қозонди. Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Табриз, Хўжанд шаҳарлари, Ироқ, Кичик Осиё, Миср, Волгабўйи, Фарғона, Хоразм ўлкаларида туркий тилда ижод қилувчилар етишиб чиқа бошлашди. **Сайид Қосимий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий, Юсуф Амирий, Яқиний, Сайид Аҳмад, Хўжандий, Муқимий, Сайид Насимий, Наимий, Камолий, Латифий, Суҳайлий, Мирзо Ҳожи Суғдий** ва бошқа шоир ва адиблар туркий тилда ғазаллар, рубоийлар, қитъалар, қасида ва маснавий, достон ва насрий асарлар ёза бошладилар. Темурийзодалар, яъни Амир Темурнинг набира-эваралари кўпчилиги туркий назмга майл кўрсатдилар. Алишер Навоий «*Мажолис ун-нафоис*»да **Султон Искандар Шерозий, Халил Султон, Иброҳим Муҳаммад Халил, Абубакр Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Абулқосим Бобур, Сайид Аҳмад Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо** ва бошқа қатор амирзодаларнинг шеърларидан намуналар келтиради. **Амир Сайфиддин Барлос, Арслон Хўжа Тархон** каби нуфузли амирлар ҳам шеъриятга ҳомийлик қилар, ҳам ўзлари ижод билан шуғулланар эдилар.

Жами XV асрда ўтган 50га яқин туркий шеърият намояндалари Навоий асарларида тилга олинади ва шеърларидан намуналар берилади. Айниқса, **Султон Ҳусайн Бойқаро** бу соҳада алоҳида хизмат кўрсатди. Алишер Навоийнинг баракали ижодий фаолиятида ушбу

улуғ туркий шеърият вакили ҳамда ҳомийсининг кўмаги ва далдаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийларнинг «*Хамса*» анъаналарини туркий шеъриятга ёйиш ҳаракатлари, Саъдий «*Гулистони*», Атторнинг «*Илоҳийнома*» (**Сайид Қосимий**) ва «*Мантиқ ут-тайр*» (**Гулшаҳрий**) асарларининг таржима ва татаббуълари, **Насимий**нинг юксак ирфоний шеърияти, **Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий**ларнинг девонлари, **Хоразмий, Хўжандий, Амирий ва Сайид Аҳмад** «*Ишқнома*»лари (“*Муҳаббатнома», «Латофатнома», «Таашшуқнома», «Даҳнома»*), **Амирий** ва **Яқиний**ларнинг рамзий мунозаралари ва бошқалар туркий мумтоз шеъриятни минтақа адабиётининг юксак поғоналарига кўтарган эди. Бу даврда Қуръоннинг қатор туркий тафсирлари, туркий тилда пайғамбарлар қиссаси, ахлоқий ва тарихий рисолалар, адабиётшуносликка оид асарлар (**Аҳмад Тарозий, Навоий, Бобур**) яратилган эди.

Алишер Навоийбадиий ижод тариқи ҳақидаги ўз назариясини қисман туркий адабиёт вакилларига ҳам татбиқ этади. «*Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*» асарида унинг ўзига ота қаторида меҳрибонликлар кўрсатган устози, куштигирлар пири билан бир суҳбати келтирилади:

Паҳлавон навқирон шоирдан сўрайдики, туркигўй шоирлар ичида энг яхшиси ким? Навоий жавобида мавлоно Лутфийни тилга олади. Шунда Паҳлавон Муҳаммад ҳайрон бўлиб, сўрайди:

- Нечук Сайид Насимий демадинг?

Фақир дедим:

- Хотирға келмади ва ба тақдир келмоқ, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки **ҳақиқат тариқин** адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг **мажоз тариқида** айтур эл эрди.»[1]

Бу суҳбатдан икки нарса аён бўлади. Биринчидан, «*мажоз тариқи» ва «ҳақиқат тариқи*» йўналишлари фақат Алишер Навоий тахайюлининг меваси бўлмай, унинг ёшлик даврида-ёқ илм ва санъат аҳлига маълум бўлган. (Бунга ишоралар «*Хамсат ул-мутаҳаййирин*»да ҳам учрайди.) Иккинчидан, Лутфий ва Насимий каби улуғ туркий тилли шоирлар танлаган бадиий ижод тариқларини бир-биридан фарқ қилиш билан Навоий навқиронлик даврида-ёқ бу масалада ўзининг аниқ-равшан қарашларига эга бўлганлиги ойдинлашади.

Алишер Навоий устозлар изидан бориб, **“ҳақиқат асрори”**ни (сирларини) **“мажоз”**-дан излади. **Навоий ғазаллари, таржъебандлари, қитъалари, “Хамса” достонлари ва, айниқса, “Лисон ут-тайр” асарида “мажозий ишқни” Ҳақиқатга етишишнинг асосий йўли деб талқин этди.** Ишқни ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган шоир **одамийлик**ни ўзгалар ғамини ўзиникидек билишда деб тушунди:

Одаме эрсанг демагил одаме -
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами[2]*.*

Шоир инсонларни **“нафрасон”,** яъни ўзгаларга, халққа фойдаси тегадиган шахс бўлишга даъват этади, инсоннинг бу дунёда яшашдан асл мақсади ўзга инсонларга, эл-юртга фойдаси, нафи тегишида деб билди[3].

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-ж. Т., 1999, с. 116.
[2] “Ҳайратул аброр” , 13-мақолат.
[3] Навоий ва туркий шеърият ривожи алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиб, биз бу ўринда фақат Навоийгача ва у

ШОИР ИЖОДИНИНГ ТАКОМИЛ БОСҚИЧЛАРИ

Биринчи босқич.
Навоийнинг лирик шоир сифатида шаклланиши

Маънавият аҳли башарни бирлаштирувчи ягона қудратдир. Аммо шу билан бирга, ҳар бир миллатнинг маънавий олами бетакрор ҳодиса. Чунки маънавият Бақонинг фанода зуҳури, бир томондан ҳар бир инсон, ҳар бир миллат руҳий оламининг ўзига хослигини таъмин этади, иккинчи томондан, бутун инсонлар, барча миллатлар руҳини ўзаро уйғунлаштириб туради.

Ўзбекнинг маънавий такомили асрлар эмас, минг йилларни қамраб олади. Ибтидоий жамоаларга бирлашиб, яратувчилик ишқида тош кетмонлар билан ариқлар қазишга уринган қадим аждодларимиздан тортиб, бугунги компьютер асрида яшаётган замондошларимизгача миллатимиз босиб ўтган камолот йўли мураккаб жараён бўлиб, ундаги жиддий эврилишлар, кескин янгиланиш паллалари муайян даврлар, ўзига хос босқичларни ҳосил қилади, дейиш мумкин. Ана шу бардавом силсилада Алишер Навоий намоён этган маънавий оламнинг ўрни ва аҳамияти, назаримда, фақат биз учун эмас, балки жумла инсоният тажрибаси нуқтайи назаридан ҳам беқиёсдир.

XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил муборак рамазон ойининг 17-кунида, туркий мучал ҳисоби билан товуқ йили (милодий 1441 йил 9 феврал)да Ҳиротда туғилди. Ҳирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуғ салтанатнинг иккинчи пойтахти даражасида бўлиб, Темурнинг кенжа ўғли, Мирзо Улуғбекнинг падари бузруквори Шоҳруҳнинг қароргоҳи, юртнинг энг обод манзилларидан бири эди.

Саркардалик – буюк иқтидор. Аммо фақат ҳарбий қудратга ва маҳоратга таяниб салтанатни бошқариш ва давлатнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин эмас. Амир Темур таназзулга юз тутган ва парчаланган Чиғатой улуси ўрнида мусулмон минтақасининг қалб қисмини ўз ҳудудида бирлаштирган улуғ салтанатни вужудга келтирди. Ироқ, Сурия, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё ўлкаларини деярли тўлиқ қамраб олган бу мамлакат мусулмон минтақаси халқларининг ягона сиёсий ҳудудга охирги марта бирлашуви бўлиб, Темур минтақа миқёсида нуфузга эга бўлган давлат бошлиғи эди. Унинг давлатни бошқариш ва улус осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматлари VII-XV асрлар мусулмон минтақа маданиятининг давлатчилик соҳасидаги энг юксак ютуғидир.

Шоҳруҳ Мирзо отаси ҳаётлигида Ҳирот ва унинг атрофидаги ўлкаларга ҳукмдор этиб тайинланди. 1405-1409 йилларда Самарқанд билан шимолий ҳудудларни бошқариб турган Халил Султон ўз аъёнлари фитнасидан зарбага учрагач, Шоҳруҳ унга ёрдамга келиб, қутқарди ҳамда 10 минг лашкар бериб, уни отаси Мироншоҳга аталган Эрон ва Озарбайжон ўлкалари сари йўллади.

Самарқандда шу даврдан эътиборан 40 йил мобайнида (1409-1449) Мирзо Улуғбек юрт бошқарди. Шоҳруҳ ва унинг истеъдодли ўғли темурий мирзолар ичида Соҳибқирон асос

билан бир даврда яшаб ижод этган машҳур туркигўй шоирларнинг номларини санаб ўтиш билан чекландик.

солган салтанатнинг энг кўп қисмини энг узоқ муддат – 50 йилдан ортиқ нисбий осойишталикда, барқарорликда бошқариб туришга муваффақ бўлдилар. Шоҳруҳ тадбиркор ва инсофли ҳукмдор эди. У ҳатто ўзига қарши қуролли исён кўтарган темурийзодаларни ҳам қон-қардошлик ва Соҳибқирон оталари руҳига ҳурмат юзасидан қатл эттирмасди.

Кенжа ўғил мерос қолган улуғ салтанатни иложи борича яхлит сақлади, баъзан жанг, баъзан муроса билан темурий шаҳзодалар аро парокандаликка йўл қўймасликка интилди, юртни қўлидан келганича обод қилди, фарзанди Улуғбекнинг илм-фан камолоти йўлидаги ғайрат-шижоатини қўллаб турди, уламоларга эҳтиром сақлади. Тасаввуф шайхлари – ҳазрати Баҳоуддиннинг халафлари бу даврда эл орасида юксак мавқе қозондилар.

Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди. Бўлғуси шоир «*бисёр саодатманд ва некниятлик инсон*» бўлмиш юқори мартабали отаси Ғиёсиддин Муҳаммад тарбиясида ҳам наслий, ҳам тарбиявий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етди. Алишер она томонидан ҳам юрт «*озодаларидан*» бўлиб, унинг шеъриятдаги илк устозлари тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар эди. Уларнинг туркий байтлари ёш жиянлари хотирасида узоқ сақланиб қолди ва китобларида ёд этилди.

Шоирнинг руҳий кечинмалари унинг севимли қаҳрамонлари қиёфасида аксини топади. Шу маънода шаҳзода Фарҳоднинг илк тасвири гўдак Алишер руҳиятига ишорадир:

Юзинда ишк асрори ёзилғон,
Ичинда дард таъвизи қозилғон...
Муҳаббат нури олинда ҳувайдо,
Жамолида вафо туғроси пайдо.
Фалак деб дард элининг шоҳи они,
Малак деб дард ўти огоҳи они...

Шу ўринда сўнгги тазодга эътибор қилинг: «*фалак*» кўриниб турган моддий дунё тимсоли, «*эл*» ҳам, «*шоҳ*» ҳам зоҳирий ҳодисалар, «*малак*» – руҳий дунёга тааллуқли, нурдан яралган мавжудот. Моддий дунё вакили воқеликни зоҳирдан, ташқаридан кўрса, руҳият олами унинг ички моҳиятига эътибор қилади, инсон ишқ олови туфайли огоҳликка эришишини таъкидлайди. «*Фалак*» ва «*малак*» ички қофияси моддийлик ва маънавийлик аро уйғунликка ишорадир.

Навоий таржимаи ҳолидаги баъзи ўринлар билан Фарҳоднинг илк қадамлари, дарҳақиқат, мувофиқ:

Чу уч ёшинга чекди даври афлок,
Такаллум қилди андоқким дури пок,
Сўзи бори бўлиб афсонаи ишқ,
Мақому маснади кошонаи ишқ.
Ажабдур уч ёшинда кўзга атфол,
Нечукким ўн ёшида ўзга атфол.

Навоийнинг ўзи гувоҳлик беришича, 3-4 ёшлик бўлажак шоир қалбидан дастлаб жой олган шеърий сатрлар даврнпнг оташин шоири Қосим Анварнинг қуйидаги мисралари эди:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон че бок.

(Кийими пора, дил олови жаҳонни куйдирувчи риндмиз, ошиқмиз,
Жаҳон ташвишлари бизни чўчитмайди, сенинг ғаминг саодати бизга етарлидир).

Бу даражадаги юксак маънавиятнинг мурғак бола қалбига жо бўлишини бугун биз тасаввур қила олмаймиз, ҳатто, умуман, Навоий даври маънавиятини тўғри идрок этамизми, деган савол туғилади...

Алишерни тўрт ёшида мактабга берадилар, орадан бир йил ўтиб-ўтмай, у буюк тасаввуф шоири, «*ҳақиқат тариқининг суханвари*» Фариддидин Атторнинг мураккаб фалсафий-рамзий достони «*Мантиқ ут-тайр*»ни ёд олишга киришди. Беш-олти ёшдаги болани асар шу даражада ўзига ром этадики, ҳатто ўша давр маънавиятининг юксак поғоналарида турган шоирнинг ота-онаси ҳам гўдак онгига бу жиддий ирфоний билим оғирлик қилиб, бир шикаст етказишидан ташвиш торта бошлайдилар. Биз, одатда, қушлар тили билан айтилган турли ҳикоятлар болани машғул қилган, деб мулоҳаза юритамиз. Аммо Аттор асарида ҳеч бир ҳикоят беҳикмат эмас ва бугунги тасаввуримиз даражасидаги «*болаларбоп*» ҳам эмас:

Одат эттим ул ҳикоятлар била,
Қуш мақомидин киноятлар била.
Чун бирор сўздин топиб таъбим кушод,
Топсам эрдиким недур ондин мурод –
Завқи кўп хушҳол этар эрди мени,
Шарҳи они лол этар эрди мени.

Демак, ёш Алишер достонни тўтидек ёд олган эмас, бошиданоқ ҳар бир сўз, жумла, ҳар бир ишора ва рамзни англаб етишга ҳаракат қилган. Шу туфайли ҳам бутун фикри-зикри ушбу китобга жазб бўлиб, дўст-ўртоқлари, жамоатдан ҳам ўзини беихтиёр четга торта бошлаган:

Ўйлаким, элдин узулди улфатим,
Ул китоб эди аниси хилватим.

«*Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд*» китобида келтирилган бир ривоят дастлабки ўқишда биз учун муболағадек туюлади:

*«Бир куни хожамизнинг шариф суҳбатларида Султон ул-орифин (*Боязид Бистомий*) нинг: «Бу йўлда юрувчи қанчалик юрмасин, сўнгги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади», деган сўзлари нақл қилинипти. Хожамиз ғайрат юзасидан: «Биринчи қадами Боязиднинг охирги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ субҳанаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» – деган эдилар. Ва улар: «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз», – дер эдилар».*

Ушбу ривоят XIII-XV аср воқелигининг муайян бир хислатидан дарак беради. Исломнинг Тавҳид таълимотини англаб етиш минтақа аҳли учун осон кўчгани йўқ. Бу йўналишда қатор босқичлар, жумладан, **Сунна, Ислом маърифатчилиги, Тасаввуф ирфони** босқичлари босиб ўтилган. Тасаввуф ирфонининг энг юқори чўққиси бўлмиш ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти нуқтайи назаридан, дарҳақиқат, IX аср охирида шайх Боязид Бистомий етиб келган ирфоний мақом нақшбандия соликлари учун биринчи қадам бўлмоғи табиий эди.

Алишер Навоий яшаган давр илғор тушунча эгаларининг маънавий камоли шу қадар юксак эдики, бўлғуси шоирнинг XII аср охирида яратилган «*Мантиқ ут-тайр*»ни беш-олти ёшидан ўзлаштира бошлагани ўша давр нуқтайи назаридан ғайритабиий туюлмасди.

Алишернинг мурғак қалби ирфоний ишқ олови билан туғилишдан нурланган, она сути билан унинг руҳияти шавқу ҳолга ошно бўлганлигини англаб етиш пайти келди. Бўлғуси шоир туғилганида, нақшбандия руҳи Темурийлар даври маънавиятида ҳукмрон эди.

Мансури Халлож ва Боязид Бистомийлар умр бўйи риёзат чекиб эришган ирфоний ишқ «*интиҳоси*»' Алишер учун «*ибтидо*» (бошланиш) бўлди. Уч ёшида у ўзи англаб-англамаган ҳолда ринд ва ошиқ мақомида эди. Агар биз бундай даражани муболаға деб ўйласак, Алишер Навоий ижодини мутлақо тушуна олмаймиз, умуман, Навоий – Фоний ҳодисаси биз учун жумбоқ ҳолида қолиб кетаверади. Бу даврда барча темурийзода мирзолар шеър машқ қилардилар, кўчадаги темирчидан тортиб ҳаммолу саққо (мешкобчи)гача шоир эди. Ҳунар аҳли жавонмардлик (футувва) жамоаларига бирлашган бўлиб, шайх қўлида ҳам ирфоний таълим олар, ҳам жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб, руҳини ва жисмини камолга етказарди.

Алишер Навоийни ҳаётнинг ўзи ҳам тарбиялади. 1447 йилда Шоҳруҳ вафот этгач, шоирнинг устози ва ҳомийларидан бўлган Саййид Ҳасан Ардашер айтмоқчи, темурий шаҳзодалар аро «*жоҳ бадмастлиги*» (мансаб, тож-тахт талашув дарди) хуруж қилиб, юртда талотўп бошланди, натижада Ғиёсиддин Муҳаммад хонадони ҳам кўп қатори аҳли аёли муҳофазасини ўйлаб, ватанни тарк этди. Ёш Алишер учун тақдир синовлари шу кунлардан бошланди. Орадан йиллар ўтиб, Шоҳруҳнинг набираси, эрта вафот этган истеъдодли шоир ва олим, Ҳирот матншунослик мактабига асос солган Ғиёсиддин Бойсўнғур Мирзонинг (1397-1433) ўғли Абулқосим Бобур 1452 йилда Ҳирот тахтига ўтиргач, Алишерлар оиласи она шаҳрига қайтиб келди. Алишернинг отаси Сабзаворга ҳоким этиб тайинланди. Бу пайтда Алишер яхшигина шеър машқини олган, сарбадор шоирлардан Мир Шоҳий Сабзаворий билан ғойибона мактублар алмашган эди. Ғиёсиддин Кичкина Сабзаворга кириб борганда, Мир Шоҳий вафот этиб, дафн маросими кечаётган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмай, ота ҳам дунёдан кўз юмди ва ўн икки ёшида Алишер етим қолди. Аммо Абулқосим Бобур Алишер ва Ҳусайнни – бу мактабдош икки дўстни ўкситиб қўймай, саройда тарбият қилди, 1456 йили эса ўзи билан Машҳадга олиб кетди. Бу пайтда ўн саккиз ёшли Мирзо Ҳусайн Бойқаро сипоҳийлик йўлини танлаб, от миниб, қилич чопишнинг ҳадисини олган, аммо Алишер билан тенгма-тенг шеър машқини ҳам қўймас эди. Ўн беш ёшли Алишер эса:

Оразин ёпкоч кўзимдин сочилур ҳарлаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо булур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш,

каби ажойиб сатрлар муаллифи сифатида замонасининг «*малик ул-каломи*», мавлоно Лутфий таҳсини ва ҳайратига сазовор бўлиб улгурган истеъдод эгаси эди. «*Фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутиб эрди*», деб ёзади Навоийнинг ўзи 1455-1456 йиллар ҳақида. Ушбу йилларда замонанинг эътиборли зотларидан бўлмиш «*солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний*» Саййид Ҳасан Ардашер ёш шоир истеъдодига алоҳида меҳр пайдо қилиб, унга ҳомий, мураббий сифатида юз кўрсатган, аллақачон Навоий ғазал ва маснавийларини ёд олиб, суҳбатларда ўқишни одат қилган эди.

Тақдир Алишер Навоийни ёшлик чоғларидан замонанинг улуғ ҳамда шарафли кишиларига яқин ва дўст қилди, унинг етимлигини билдирмай, ҳам оталик, ҳам устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан учраштирди. Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Шамсиддин Муҳаммад, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий – булар барчаси ёш Алишернинг ноёб истеъдодини ардоқлаб, умр бўйи уни тарбият этдилар, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келдилар. Алишернинг, умуман, устозлардан омади бор эди. Олти ёшида Тафтда Шарафиддин Али Яздий дуосини олди, Машҳадда шайх Камол Турбатий суҳбатига ноил бўлди, кейинча Самарқандда йирик фақиҳ ва файласуф Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий мадрасасида таълим олиб, бевосита олим илтифотига сазовор бўлди.

1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этгач, Алишер Машҳадда қолиб, таҳсилни давом эттирди ва фақат 1464 йилда Ҳиротга қайтди. Аммо 1457-1469 йилларда Хуросон ва Мовароуннаҳрни бирлаштиришга муваффақ бўлган темурийзода Абусаид Мирзо (Темурнинг эвараси, Мироншоҳнинг набираси) Навоийга кўп ҳам илтифот кўргазмади, чунки бу даврда Алишернинг ёшликдаги дўсти Ҳусайн Бойқаро Абусаидга қарши кураш олиб борар, шоирнинг тоғалари Ҳусайн Мирзо тарафида жанг қилиб, Абусаиднинг одамлари қўлида 1461 йилда қатл этилган эдилар. Султон Абусаид шоирнинг отасидан қолган бутун мол-мулкни хазина ихтиёрига олиб қўйган, Алишер учун яшашга тузукроқ шароит ҳам йўқ эди. Бир муддат қийинчилик билан она шаҳрида истиқомат қилишга уринган ёш шоир охири Самарқандга кетишга мажбур бўлади. 1466-1468 йиллар асосан Самарқандда кечади, шоир бу шаҳарда фақатгина таҳсил олиб қолмай, тахминларга қараганда, давлат ишларида ҳам иштирок этган. Бу ўринда Навоийни ўз ҳомийлигига олган Самарқанднинг бообрў амирларидан Аҳмад Ҳожибекнинг мавқеини ҳам назарда тутмоқ керак. Хуллас, 1469 йилда Султон Абусаид ҳалок бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли юртга танилган шоир, мукаммал билимлар эгаси ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди. Унинг шеърияти мухлислари ўзларига мақбул ашъорларидан шоирнинг илк девонини ҳам тузган эдилар. Таниқли навоийшунос Ҳ.Сулаймонов маълумотларига кўра, 1465-1466 йилларда тузилган ушбу девондан шоирнинг 434 шеъри (391 ғазал, 1 таржиъбанд, 1 мухаммас, 41 рубоий) жой олган. 1469 (ҳижрий 873) йил апрелда Султон Ҳусайн илтимосига кўра Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтади ва рамазон ҳайити муносабати билан дўсти шарафига битилган «Ҳилолия» қасидасини унга тақдим этади.

Ҳусайн Бойқаро Навоийни муҳрдор қилиб тайинлайди ва шу пайтдан Алишернинг эл хизматидаги фаол жидду жаҳди бошланади. Шоҳ 1472 йил феврал (ҳижрий 876 шаъбон ойи)да Навоийни вазирлик лавозимига тайинлайди ва Амири Кабир (Улуғ Амир) унвонини беради. Навоийнинг бу унвони умри охиригача сақланади. Бу лавозимлардан Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси

учун фойдаландики, буларнинг барчаси оқибат натижада Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ҳамда нуфузини таъминлади.

1470-80 йиллар орасида Алишер Навоий ўз қўли билан икки девондан иборат биринчи яхлит шеърий мажмуаси «*Бадойиъ ул-бидоя*» ва «*Наводирун-ниҳоя*»ни тузди. Бу девонларга унинг 7-8 ёшидан 35-40 ёшларигача бўлган даврда яратилган асарлари жамланди. Уларга 1,5 мингдан ортиқ шеър (жумладан, 1300 га яқин ғазал) киритилган бўлиб, шоир ижодий камолотининг ўзи онгли равишда хулосалаган **биринчи босқичи**ни акслантирар эди. Навоийнинг бу даврдаги дунёқараши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун биринчи девондан жой олган икки асарига эътиборни қаратамиз. Булардан биринчиси «*Бадойиъ ул-бидоя*»нинг ибтидоси бўлмиш «*Ашрақат*...» ғазали, иккинчиси ушбу девон таркибидаги «*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...*» деб бошланувчи таржиъбанддир. Бизнинг бу икки асарга диққатни қаратишимиз улардаги бош тимсоллар билан боғлиқ. Бу тимсоллар «*май*», «*жом*» ва «*синғон сафол*» мажозлари бўлиб, улар ҳар икки шеър мазмунини бир-бирига боғлаб туради.

Биз доимо Навоийнинг бош қаҳрамони – Инсон деймиз. Менимча, бунга аниқлик киритиш керак. Шоирнинг бош қаҳрамонига оддий инсон эмас – ошиқ инсон, деб қаралса, ҳақиқатга мувофиқ бўлур эди. Аммо бу қандай ошиқлик?

«*Бадойиъ ул-бидоя*»даги биринчи ғазалнинг илк сатрларини ўқиймиз:

Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул-ҳудо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.

Бу сатрлар бошдан-оёқ тимсоллардан иборат: «*ёр*» – ким, «*май*» – нима, «*жом*» – қайси жом? Садо қандай садо? Иккинчи байтни ўқиймиз:

Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,
Йўқдур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Ғайр – бегона демакдир. Ғамзудо – ғам зангини тозалагувчи маъносини билдиради. Май ва жом тимсолларига шоир ўзи изоҳ бермокда: май – майи ваҳдат (бирлик, ягоналик шароби), яъни ирфоний ишқ, жом эса кўнгил жоми экан. Кўнгил жоми, агар бегона акси тушиб, занг оладиган бўлса, ушбу ғамдан фориғ этувчи энг мақбул восита ваҳдат майи бўлиб чиқмоқда. Мана энди байтдаги барча сўзларнинг маъноси аниқлашди. Аммо Навоий назарда тутган мазмун бизга тўлиқ равшан бўлдими? Шеър давомига мурожаат қиламиз:

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Гети – жаҳон, коинот; гетинамо – бутун жаҳонни, коинотни акс эттирувчи кўзгу. Ваҳдат майини ичган кишининг кўнгли бутун коинотни ўзида акс эттириш хислатини касб этади. Ҳеч нарсаси йўқ гадо агар ваҳдат майини ичса, Жамшид, яъни бутун ер юзининг подшоҳига айланади (жоми Жамшид тимсолига ишора). Аммо синғон сафол тимсоли қандай сирни ўзида яширмоқда? Буни аниқлаш учун энди шоирнинг йигитлик айёмида яратган қуйидаги таржиъбандига мурожаат қиламиз:

Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгил эрди маст.
Майиким, қилур қуйсалар жом аро,
Ўзи масту, кайфияти майпараст...

Шеър давомида шоир лирик қаҳрамон бошидан кечирган бир саргузаштни ҳикоя қилади:

Эшит саргузаштеки, бугун менга
Неча майпараст ўлдилар ҳамнишаст...

Шоир майхонада бир неча майпараст билан ҳамдам бўлгач, қўлига яна май солинган сопол кўзани олиб, манзили сари йўлга чиқади. Йўлда бир неча «*эҳтисоб аҳли*» (яъни шаҳар аҳли шариат қоидаларига қандай риоя этаётганини назорат қилиб борувчи муҳтасибнинг одамлари) шоирни майхўрликда айблаб калтаклайдилар. Шоир баданига етган озорни сезмайди, аммо қўлидаги май тўла кўза синганига қаттиқ куюнади:

Шикастим менинг онча эрмас эди,
Ки май зарфи топди арода шикаст,
Чу синди сабу, чорае топмадим,
Мени муфлису, уру, гирёну маст.

Навоий қаҳрамони муфлис – яъни бозори касод бўлган, ур – яъни яланғоч, либослари пора, гирён – кўзларида шашқатор ёш ва маст ҳолида хароботга киради:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

Харобот – ҳам вайрона, ҳам майхона, ҳам муг дайри, яъни оташпарастлар ибодатхонаси, ҳам бу фоний дунё.

Шоир май истайди, аммо май тўла кўза чил-чил бўлган, унинг қўлида синган сопол парчалари қолган. Лекин:

Сафол ичра бир журъа лойи манга,
Эрур жоми гетинамойи манга,
Кетармакка худбинлигим ранжини,
Қани бода янглиг давойи манга.

Ҳақиқий ошиқ учун май кўзаси сингандан кейин шоир қўлида қолган сопол парча юзида сақланган бир қултум май қуйқаси (лойи) ҳам бутун жаҳонни (балки коинотни) ўзида акс эттира олувчи ваҳдат майи тўла қадаҳ (жом) ўрнига ўтаверади, ўша вазифани бажараверади.

Бу нима дегани? Борлиқ моҳияти – воҳид ва ягона. Аммо инсон ушбу ягона моҳиятни кўз билан кўра олмайди, инсон фақат унинг мажозини – кўзгудаги аксини кўришга қодир.

Мажозда, яъни табиат, воқелик кўзгусида тасвир парчаланиб кетган, **ваҳдат** (ягоналик) зоҳиран **касрат** (кўплик)га айланган, шу сабабли бу воқеий дунё хароботдир, вайронадир, бутпарастлар ибодатхонасидир, уни ошиқ майхона сифатида кўради, ҳар санамда ягона бир санамни кўриб, унга ошиқ бўлади.

Инсон кўнгли ваҳдат майи билан тўла бўлган кўза (сабў)нинг синган бир парчаси, унда бир қултум лойқа аралаш май мавжуд. Ваҳдат майига ташна ошиқ шу май қуйқасини яхшилаб тинитмоғи лозим, шундагина у яхлит кўзгунинг бир парчаси сингари тавҳид нурини ўзида акс эттира бошлайди. Ошиқ унга боқиб маст бўлади, ўзлигини йўқотиб, абадиятга дахлдорлик имконини пайдо қилади. Бундай ошиқлик – мастлик инсон кўнглидан ҳирсу ҳавас зангини, худбинлик (эгоизм) зангини (ранжини, ғамини) ювиб ташлайди. Ғайр (бегона) шу худбинликдир, ширк шу худбинликка дилдан жой беришдир, кўнгил кўзгусини босган занг ҳам ушбу худбинликнинг ўзидир.

Ваҳдат майини ичган ошиққа ҳеч ким жафо қила олмайди, унинг ўзи ҳам бировга жафо қилишдан холи бўлади:

Чун мен дайр пири вафосида мен,
Фалакдин етишмас жафойе манга[1].

Дайр пири – майхона соҳиби, борлиқ ҳақиқатининг сақловчиси, эгаси. Ошиқ ягона Борлиқ ҳақиқатига, Олий ҳақиқатга хиёнат қилмайди, унинг асрорини англаб етишга интилишдан чекинмайди. Демак, унга ҳам тақдирдан шикаст етмайди, дайр пирига вафодорлик сақлаган ошиққа фалак жафо етказа олмайди. Чунки унда худбинлик ранжи енгиб ўтилган, ваҳдат майи ёрдамида кўнгил кўзгуси гайр нақшидан покланган. Бундай кўнгил кўзгуси фанодан бақога юзлангандир.

Бу тимсол ва тасвирлар **нақшбандия ирфони** доирасидан туриб илгари интилаётган **ошиқ-шоир** қалбида туғилиб келаётган **мажоз тариқи унсурларидир**. Улар келгусида янги пояларга кўтарилиш учун қўйилган илк қадамлардир. 15 ёшида кекса Лутфийни ҳайратга солган илоҳий истеъдод шу тариқа янги уфқларга кўз тикмоқда эди.

Алишер Навоий ишлатган ҳар бир сўз, ҳар бир бадиий тимсол шоир хаёлотининг оддийгина маҳсули эмас. Уларнниг ҳар бирида илоҳий китоб – Қуръони карим оятларига ишоралар, ирфоний рамзлар яширинган ва уларни чуқур англамай, асл манбани кашф этмай туриб, Навоий сатрларининг мазмун-моҳиятига кириб бориш қийин. “Ашрақат” ғазалининг охирги байти-мақтасида арабча “*Ишрабу ё айюҳал-аттшон*” (“Ичинглар, эй ташналар”) ибораси ишлатилган. Ушбу иборада Қуръони карим “Бақара” сурасининг 60-ояти мазмунига ишора бор[2]. Ушбу шеърда учрайдиган “синғон сафол” тимсоли Қуръони каримнинг “*ар-Раҳмон*” сураси 14-оятида Аллоҳнинг яратувчилик қудрати ифода этилган “*Халақа-л-инсана мин салсолин ка-л-фаххор*” (У инсонни сопол янглиғ қуруқ лойдан яратди)[3] жумласига таяниб шакллантирилган. Таржеъбанднинг илк сатридаги “*субҳи аласт*” ибораси эса “Аъроф” сурасининг 172-оятида айтилган “*Аласту би-Роббикум? Қолу: Бало...*”[4] жумлалари асосида пайдо бўлган. Оятнинг тўлиқ мазмуни Абдулазиз Мансур тафсирида

[1] Ўша китоб, с. 603.
[2] Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур). Т., 2001,с. 9.
[2] Ўша китоб, с. 531.
[3] Ўша китоб, с. 173.

шундай берилган: “*Роббимиз одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзига гувоҳ қилиб туриб, “Мен Роббингиз эмасманми?” (деди). (Улар) “Йўғе! (Роббимизсан!) Гувоҳлик бердик”, дедилар”*. Башариятнинг яратилиш тонгида бўлиб ўтган бу муқаддас аҳд Исломда “ал-Мийсоқ” (аҳдлашув) атамаси билан машҳурдир.

Шеъриятнинг, бадиий адабиётнинг қудрати шундаки, ўз қаъридаги сирларни ўзи очади, тилсим ҳам ўзи, бу тилсимнинг калити ҳам ўзида, фақат уни холис назар билан, синчковлик билан, меҳр билан ўқиш керак. Навоий мероси улуғ чўққилардан бошланган долғали, муаззам, тошқин дарё кабидир. «*Авесто*» ва туркий тошбитикларни билмасак, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар мазмунига ошно бўлмасак, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Соҳибқирон Амир Темурларни танимасак, Алишер Навоий бадиий тафаккурининг жозибали жилолари, теран моҳияти ҳам бизга ўз асл жамолини намоён қилиши мушкул. Минг шукрлар бўлсинким, шундай саодатли кунларга ҳам етиб келдик. Энди маънавий меросимизни ўз асл андазаларида жиддий ўрганиш имкони очилди. Бу ёзилганлар келгуси жиддий тадқиқотлар олдидан бир чизгилар, холос.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ.
НАВОИЙ – ЛИРИК ВА ЭПИК ШОИР СИФАТИДА.
“ХАМСА” ОЛАМИ.

Маънавият инсон кўнглида Ҳақ нурининг акс этишидир. Шу сабабли маънавият Борлиқ янглиғ бепоён. Лекин инсон зотининг барча хатти-ҳаракати, таъбир жоиз бўлса, тадбир холос. Тадбир амалга оширилади, аммо мақсад қўлга кирадими, йўқми, инсон олдиндан башорат эта олмайди. Нима қилиш керак? Нажот қаерда? Шу нуқтайи назардан қараганда, Алишер Навоийнинг буюк «*Хамса*»си ибрат ва ишоратлар қомусидир. Унинг биринчи достони «*Ҳайрат ул-аброр*»нинг биринчи боби «*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим*» илоҳий калимасининг мажозий шарҳига бағишланган. Унда бу табаррук калиманинг ҳар бир ҳарфига икки карра бадиий шарҳ берилган. Нега икки карра? Чунки биринчи шарҳ – «*аҳли қабул*» учун, иккинчиси «*аҳли рад*» учун.

Қилғувчи бу бодия қатъига майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл.

Инсон учун имтиҳон майдони бўлмиш бу дунё ҳаётига қадам қўйган ҳар бир шахс ўзига икки йўлдан бирини танлайди, унинг бири – адолат ва нурга, иккинчиси – залолат ва зулматга олиб боради.

Ҳар биримизнинг Оллоҳдан тилагимиз саодатманд тақдир эрур. Инсон умид билан яшайди. У ўз умидига мувофиқ яшаса, эзгулик сари йўналган тадбирни ният қилса ва шу йўлда собитқадам бўлса, иншоллоҳ, зарар кўрмагай. Яна Оллоҳ билгувчидир.

Алишер Навоийга бағишланган тарихий ва илмий асарларда тавсиф қилинишича, ҳижрий 873-886 (милодий 1469-1481) йиллар шоирниг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат кўрсатган даври бўлди. У 886 йили «Вақфия» асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига якун ясайди, ўз-ўзига сарҳисоб беради.

Навоий деҳқончилик ишларини йўлга қўйиб, жуда яхши натижаларга эришади. Тарихчиларнинг ёзишича, унинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳруҳий динор бўлган. Улуғ амир бу даромаддан бир кишининг «*иссиқ-совуғига*» етарли қисминигина ўзига колдириб, қолганини хайрия мақсадларига сарф қилган. Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, қанчадан-қанча тўғонлар, ариқлар, ҳаммомлар, масжид-мадрасаларни эслайди[1]. Ҳирот ва унинг атрофида ўша даврда жуда кўп боғлар ва чиройли бинолар бунёд этилди. Шуларнинг кўпи Навоийнинг маблағи ва саъй-ҳаракати билан юзага келган эди. Бундан ташқари, ҳазрат турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб нлмий рисолалар битилишига бевосита сабабчи бўлган. 881 ҳижрий йилида (1476 йил милодий) амир Алишер вазирлик лавозимидан истеъфо берди. Устози Жомий бунинг сабабини сўраганда, Навоий шундай жавоб қилади:

– Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин (одамлар билан суҳбат ва муомаладан) малул бўлиб эрдим, бу ишга ул боис бўлди.

Жомий деди:

[1] Яқинда “*Макорим ул-ахлоқ*”нинг янги, тўлиқ таржимаси нашрдан чиқди.

– Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга доғи кўргуз!

Навоийнинг сарой аъёни учун шарт бўлган расмиятчилик талабларидан ўзини мумкин қадар озод этишга интилиши унинг кўнгил кўзгусида борган сари ёрқинроқ ёришиб келаётган «*Хамса*» олами билан холи тиллашиш эҳтиёжига туташ бўлса, ажаб эмас.

888 (1483) йилдан Алишер Навоий «*Хамса*» достонлар туркумини ёзишга киришади ва уни 890 (1485) йилда тугаллайди. Беш достонни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан кўпроқ бўлиб, Навоий шеърий меросининг қарийб ярмини ташкил этади. Аммо гап ҳажмда эмас. «*Хамса*» Алишер Навоий ижодининг қалбидир. Ўн беш ёшида ёзган ғазаллари билан ўша давр кекса ижодкорларини ҳайратга солган буюк бобокалонимиз фақатгина ўзи тузган биринчи девони «*Бадоеъ ул-бидоя*» биланоқ туркий тилдаги шеъриятни араб ва форс мумтоз адабиётининг энг пешқадам намуналари даражасига олиб чиқди. Аммо бу ишлар барчаси «*Хамса*»нинг дебочаси эди, холос. Агар Навоийнинг туркий «*Хамса*»си ёзилмаса, нафақат бизнинг адабиётимиз, маънавиятимиз, балки бутун мусулмон минтақаси маънавияти бугунги яхлитлиги, бугунги тугаллигига эга бўлмас эди, деб бемалол айтиш мумкин. Алишер Навоийдек аслий ошиқнинг дунёга келиши, унга берилган улуғ истеъдод моҳияти «*Хамса*» учундир, бу буюк ижодкор меросининг аввали ҳам, охири ҳам «*Хамса*» туфайли, шу асар атрофидадир.

Мусулмон минтақаси маънавиятининг энг асосий, энг муҳим хусусияти, наздимизда, тадрижийлик, давомий камолотдир. Мусулмон минтақа маънавияти намояндалари ўз ижодларида салафларини инкор этишга, илгари мутлақо кўрилмаган янгилик яратишга интилган эмаслар, балки улар устозлар яратган маънавий бойликларни янада такомиллаштириш, уларга янги жило бериш, улар излаган яхлит, буюк Ҳақиқатнинг янги ва тоза қирраларини кашф этиш, мазмунан бойитиш йўлидан борганлар. Бу, том маъноси билан, муқаддас анъана бўлиб, исломнинг илоҳий китоби «*Қуръони карим*»дан сарчашма олади.

«*Бақара*» сураси бошланишидаги «*улар сенга нозил қилинган ва сендан илгари нозил қилинган нарсаларга имон келтирадилар ва охиратга аниқ ишонадилар*» ояти каримасидан муайян бўлувчи ва кейинги сураларда мазмунан неча марта таъкидланувчи бу тадрижийлик мусулмон минтақа маънавияти учун фарз даражасида, дейиш мумкин. Чунки бу анъана тавҳид эътиқодининг асл моҳиятидан келиб чиқади. Фирдавсий ўз "*Шоҳнома*"си билан минтақамиздаги исломгача маънавиятнинг бадиий қомусини яратиб, уни янгича талқинда мусулмон минтақа маънавиятига олиб кирган бўлса, Низомий илк достони «*Махзан ул-асрор*» («Сирлар хазинаси») билан Олий ҳақиқат сирларини бадиий кашф этишга бел боғлади ва бу йўлда Абдулмажид Саноийнинг «*Ҳадойиқ ул-ҳақиқа*» асари билан бошлаб берилган йўналишни янги босқичга олиб чиқди. Низомий умр бўйи олти достон яратиб, зоҳирий мазмунда кўпроқ Фирдавсий қаҳрамонларининг саргузаштларини янгича талқин қилган бўлса, ботиний моҳиятда Саноий ниятларини такомилига етказди. Унинг яратгани янги бир бадиий олам – «*Хамса*» («Бешлик») муҳити эканлигини балки шоирнинг ўзи тугал тасаввур этмагандир. (Низомий ўз асарини «*Хамса*» ёки «*Панж ганж*» – «*Беш хазина*» деб ҳеч қаерда атамайди). Аммо Низомий вафотидан кейин орадан 100 йил ўтиб, Ҳиндистонда туғилиб ўсган форсийзабон турк ўғлони Амир Хусрав Деҳлавий «*Хамса*»нинг қудратини очиқ-ойдин англаб етди ва ўзи унга биринчи бўлиб жавоб – татаббуъ ёзиб, хамсачилик анъанасини бошлаб берди.

Деҳлавий «*Хамса*»си Низомийга ажойиб шарҳ ва ундаги мазмунларнинг рангин талқини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шуҳратини оламга ёйди. Кейинги XIV – XV асрлар минтақа маънавияти «*Хамса*» анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори, – ҳеч бўлмаганда, – «*Хамса*»нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маданияти тарихида бетакрор ҳодисадир. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмий бошлаб берган хамсачилик анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида кутаётган эди ва бу қутлуғ интизорлик бениҳоя эзгу самара берди. **Низомий, Амир Хусрав, Алишер Навоий руҳиятлари «*Хамса*»нинг маънавият майдонида бирлашиб, ягона иқлим, ягона моҳият касб этдилар. Ушбу ягона моҳият бутун мусулмон минтақаси маънавиятининг энг буюк чўққиларидандир.**

Низомий ва Амир Хусравсиз Навоийни тасаввур этиб бўлмаганидек, Алишер Навоий ижодий меросисиз Низомий ва Амир Хусрав бадиий оламини ҳам бутун кўлами билан идрок этиб бўлмайди. Шоир ўз достонларини «*зоҳир юзидин афсона*» деган эди. Яқин кунларгача мактабларимизда XX аср авлодига «*Хамса*» достонлари ушбу «*афсона*» даражасида, ушбу юза сатҳда талқин этилиб, тушунтириб келингани маълум. Кейинги йилларда бу ҳолат баъзи ёш тадқиқотчиларимизни Навоийни янгидан «*кашф этиб*», унинг исломий шоир эканлиги, асарларидаги тасаввуф ирфони изларини қидиришга ундади. Ваҳоланки, барча жиддий навоийшунослар бу «*янгилик*»ларни аввал бошданоқ яхши билишган, тўлиқ идрок этишган, фақат ўша давр «замона зўрлиги» – коммунистик мафкура тазйиқидан навоийшуносликни ҳимоялаш мақсадлари билан бу жиҳатлар пардалаб ўтилган, ишоралар билан чекланилган эди.

Бугунги мустақиллик, ҳурлик замонида энди маънавиятимизнинг асл моҳияти ҳақида жиддий мулоҳаза юритиш учун нафақат аждодларимиз меросидаги исломий ва ирфоний илдизларни оддий қайд этиш, балки, бадиий тафаккурнинг мустақил муаммолари муҳитига чуқурроқ кириб бориш, ўзимизни ҳам, ёш авлодни ҳам теран таҳлилга ўргатиб бориш айни фарздир.

Алишер Навоийнинг «*Хамса*» достонлари ҳар бири алоҳида неча-неча тадқиқотлар мавзуи бўлиб келди, бу иш яна давом этади, чунки мазкур асарларнинг мазмун қабатлари бениҳоядир. Бу достонлар шаклан қандай мукаммал бўлса, мазмунан ундан ҳам уйғун, муаззамдир.

Ислом ақидаларига кўра, бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз «*ал-хамсату*» дейилади, динимизнинг беш устуни (рукни) ҳам тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж – ўзига хос **хамса** (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий достонларининг «*Хамса*» туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Хусрав ва Навоий жавоблари бежиз эмас. Алишер Навоий «*Садди Искандарий*» достони муқаддимасида бу масалага махсус тўхталиб, «*Хамса*»нинг ҳар бир достони ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва ҳуфтон намозлари билан қиёс этади ҳамда «*Хамса*»ни буюк тоғ чўққисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга. ўхшатади. Бу оромгоҳларни яратиш учун шоир «*билик тахти узра чиқиб ўлтурмаги», «хаёл элчисини*» ҳар тарафга чоптириши, «*жон мулкидин*» «*маоний сипоҳини*» (маънолар лашкарини) гуруҳ-гуруҳ (“*фавж-фавж*”) етказиб бериб туриши, маъно лашкарлари жам бўлгач, инсонлар дилини забт этишга киришмоғи, яъни маънавият оламида жаҳонгирлик санъатини намойиш қилмоғи лозим эди. «*Хамса*» до-

стонлари ижтимоий ҳаётни, турли тоифаларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини уларнинг тамом ички дунёси ва руҳияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади, шу билан бирга, ундаги барча ботиний ришталар Тавҳид эътиқодига бориб уланади.

Хамса»нинг бадиий олами маълум мақсадга – инсон маънавий камолотини таъминлаш мақсадига йўналтирилган бўлиб, бу йўлда мусулмон минтақа маънавиятининг **Сунна** (исломий ибодатлар, ислом ахлоқи), **Маърифатчилик** (мантиқий тафаккурга таяниш, исломгача яралган меросни ўзлаштириш), **Тасаввуф ирфони** (тариқат мақоми ва ҳоллари, пир иршоди, риёзат билан Ҳақ васлига интилиш, шу йўл билан маънавий покланиш) каби турли босқичларини босиб ўтиб эришилган даражадан кейинги, янги босқични англатар эди. Бу босқич ибрат, илм, ирфон йўналишларидан фарқ қилувчи йўналиш – бадиий тафаккур йўналиши доирасида бўлиб, Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи даврида, ниҳоят, унга алоҳида ном берилди.

«*Хамса*» туркуми – алоҳида бир олам. Ундаги нафақат ҳар бир достон, балки **ҳар бир боб беҳудуд бой мазмун ва моҳиятларни ўз ичига яширган ажиб тилсимдир.** Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад алайҳиссалом арши аъло остида қулфлоғлик бир хона кўриб, ҳазрати Жаброилдан: «*Бу қандай макон*?» деб сўрабдилар. «*Эй, Расулиллоҳ, – жавоб берибди Жаброил, – бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур*». Ушбу ривоятдан келиб чиқиб, Низомий ўзининг биринчи достонини «*Махзан ул-асрор*», яъни (илоҳий) «*Сирлар хазинаси*» деб атаган эди.

Навоий «*Хамса*»сининг биринчи достони «*Ҳайрат ул-аброр*»:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Риштага чекти неча дурри ятим, –

деб бошланади. Бу боб фақат биринчи достонга эмас, балки бутун «*Хамса*»га табаррук муқаддимадир, чунки унда Оллоҳ китобининг илк ояти каримаси бадиий тафсир этилади. Бу анъана яна Низомийни эслатади, ул устоз «*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим*» калимасини «*ҳикматлар эгаси хазинаси эшигининг калитидир*», деб таърифлаган эди. Навоий ушбу таъриф мазмунини ёйиб тушунтириб, янгича талқин этиб беради. Унда, жумладан, «*аҳли қабул*» ва «*аҳли рад*» тушунчалари шарҳ этилган. «*Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан*» деб таржима қилинувчи илоҳий оят «*махзани тавҳид*» (тавҳид, ягоналик хазинаси) сари йўл бўлиб, у йўл бошида икки гуруҳ туради: бири – «*аҳли қабул*» ва иккинчиси – «*аҳли рад*».

«*Аҳли рад*» «*раҳбари тавфиқдан мадад етмаганлар*» бўлиб, улар учун бу йўл азобдан-азобдир. Сабаби «*аҳли рад*» кўзи ҳар неки асл мақсадга қаратилган бўлса, унга «*мардуд*» (рад этилган, номақбул) кўринади ва улар нигоҳи йўналган барча нарсалар «*аҳли назар*» учун қабул эмас. Аммо «*аҳли қабул*» учун бу йўл саодат йўлидир, улар учун бунда барча эшиклар очиқ, барча воситалар муҳайёдир. Чунки «*аҳли қабул*» дунёга ёруғ чеҳра, нурли кўз, файзли кўнгил билан боқади, холис ният билан эзгу амалга интилади. Натижада:

Азмида ул қавмға доғ узра доғ,
Қатъида бу хайлға боғ узра боғ.

Навоий ўз-ўзига насиҳат қилар экан, бизга ҳам Ҳақ йўлни кўрсатиб ўтади:

Истабон, эй хаста Навоий, наво,
Бўйла сафарга қилур эрсанг ҳаво,
Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйгил қадам.

Биринчи достон муқаддимасидаги анъанавий холиқ ҳамди, тўрт муножот, беш наът мазмуни шоирнинг ирфоний тафаккур кўламини бизга ошкор этади[1]. Шоир ўз салафлари Низомий, Амир Хусрав, Жомийларни таъриф этиб, сўз васфига ўтар экан, сўздаги маънини инсон танасидаги жонга қиёс қилади. Шоҳ Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон мадҳида бир неча байт айтгач, Кўнгил таърифини бошлайди:

Каъбаки, оламнинг ўлиб қибласи,
Қадри йўқ андоқки кўнгил каъбаси–
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ.

Кейинги уч «*ҳайрат*» кўнгил қиссасидан шарҳу ҳол баён этади. Низомий анъанасини ривожлантирувчи бу боблар бизни инсоннинг руҳият олами сари етаклайди. Кўнгил инсонни Олий ҳақиқат ёғдуси билан боғлаб турувчи тилсимдир, у инсон вужудидан, моддийликдан ташқарида эмас, аммо танҳо моддий вужуд билан чекланган ҳам эмас, чунки у маънавият нури билан йўғрилган.

«*Хамса*»нинг биринчи достони мазмунан кейинги достонларга фалсафий муқаддима бўлиб хизмат қилган. Уларда олға сурилган ижтимоий-ахлоқий мулоҳазалар бошқа достонларда мажозий тимсоллар, қиёфалар ва тарихий-бадиий қиссалар тасвири орқали воқеабанд бир тусда киши кўз олдида гавдалантирилади, ибрат нигоҳидан ўтказилади. Низомийнинг биринчи достонига нисбатан ирфоний, маънавий-руҳий, ижтимоий-ахлоқий мавзулар қамровида ва талқинида Навоийнинг «*Ҳайрат ул-аброр*»и бениҳоя ўзига хос ва ички уйғунлиги билан ҳам бетакрор. Низомий тасвирларида Оламнинг, табиатнинг гултожи ҳисобланган Инсон, асосан, Шоҳ қиёфасида талқин этилиб, унинг адолати ва фуқароларга ҳиммати ҳал қилувчи мавқега кўтарилган, ҳукмдорнинг инсон сифатида Борлиқ олдидаги маъсулияти шоирнинг бутун эътиборини жалб этган бўлиб, бундай ёндошув XII аср маънавий-ижтимоий воқелиги учун, дарҳақиқат, мувофиқ эди.

Деҳлавийнинг жавоб достони «*Матлаъ ул-анвор*»да бу мавзу доираси анча кенгайди. Унда энди ижтимоий воқелик икки гуруҳ аро қиёсда аксланади. Буларнинг бири маънавият аҳли сифатида талқин этилган анбиё-авлиёлар, дарвеш ва муршидлар, иккинчиси – жоҳ аҳли, яъни ҳукмдорлар, сарой аъёнлари, мансабдорлар. «*Матлаъ ул-анвор*»даги ҳикоятлар ҳам, асосан, шу икки тоифа ҳаётидан олинади ёки шуларга қиёс этилади.

Алишер Навоий достони XV аср ижтимоий-маънавий ҳаётининг турли қирра ва жиҳатларини бутун ички мураккаблиги ва ўзаро қиёслари билан қамраб ола билган. «*Ҳайрат ул-аброр*»даги муаммолар воқелик янглиғ мураккабдир. Навоий ўз «*Хамса*»си биринчи

[1] Бу боблар шарҳи академик Алибек Рустамов томонидан Навоий бадийяти ва маънавияти хусусида нашр этилган китобларда аллақачон амалга оширилган.

достонининг асосий қисмини **имон** ва **ислом** шарҳидаги мақолатлар билан бошлайди. Аммо унинг бу борадаги мулоҳазалари анъанавий қарашлардан ажралиб туради. Навоийнинг масалаларга ёндошуви ҳатто устози ва замондоши Абдураҳмон Жомий қарашларидан ҳам маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, Жомий ўз бадиий ижодида диний ақидалар ва тасаввуф қоидалари таърифига атрофлича ўрин ажратган бўлиб, унинг "*Ҳафт авранг*" ("Етти тахт") туркумидаги "*Туҳфат ул-аҳрор*" ва "*Субҳат ул-аброр*" достонларида намоз, рўза, закот, ҳаж, узлат, тавба, зуҳд, фақр, ҳавфу ижо, таваккул каби турли исломий ва ирфоний тушунчалар шарҳига алоҳида боблар бағишланган эди.

«*Ҳайрат ул-аброр*»нинг биринчи мақолатига шундай батафсил сарлавҳа берилган: «*Аввалги мақолат имон шарҳида-ким, «Ал-имону ат-туъмину биллоҳи ва малойикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва бил-явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи» демакдан мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни демас ва улуҳият дарёсиға шинолиғ ажзин зоҳир қилмоқ, малоика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча ҳарф сурмак ва русул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмак.*» Ушбу сарлавҳанинг ўзидаёқ зоҳирий имон билан ботиний имон, «*аҳли зоҳир*» (ташқи тақлид билан чекланувчи инсонлар)нинг имон ҳақидаги тасаввури билан «*аҳли маъни*» (борлиқ моҳиятини идрок этишга интилувчи, ўзлигини англаган инсонлар) имонни қандай тушуниши орасидаги фарқ бадиий изоҳланмоқда. Мақолатда тирик (жонли, «*ҳайвон*») бўлсаю, гапиришни билса («*нотиқ*» бўлса), демак, инсон деб ўйлаш ниҳоятда хато эканлигидан баҳс этиб, суҳбат бошланади:

Сен доғи инсон муни қилсанг гумон,
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон.
Муники инсон мутафовут эрур,
Тенгри каломи хабар андин берур.
Бас, киши жазм айласа инсон ани
Яхши-ёмон ичра тафовут қани?
Бўлмади, бас, ноқису комилда фарқ,
Топмагай эл олиму жоҳилда фарқ.

Энди **ислом** ҳақидаги боб охирида берилган ҳикоят мазмуни билан танишайлик. Унда машҳур сўфий, шайх «*Иброҳим Адҳамнинг Каъбаға намоз била борғони ва Робияи Адвияға Каъбанинг ниёз била келгони*» ривоят этилади. Зоҳидликни ихтиёр этган Балх ўлкасининг собиқ ҳукмдори ҳар қадамида икки ракат намоз ўқиб, 14 йил риёзат чекиб, Макка шаҳрига етиб келиб қараса, Каъба ўз ўрнида йўқ. Шайхнинг: «*Эй, Оллоҳ*», – деб ҳайрат билан қилган саволига ғойибдан Каъба Робияи Адвияни тавоф қилиш учун кетганлиги ҳақида жавоб бўлади. Робия эса тасаввуфда ишқ йўлини танлаган сўфий аёл эди. Навоий ислом ва тасаввуфда зудҳ мақомидан ишқ мартабасини шу даража юксак қўйган.

Достоннинг учинчи ва тўртинчи мақолатларида золим шоҳ ва риёкор шайхлар адолатпеша ҳукмдорлар ва ҳақиқий орифларга қиёсан фош этилади.

Кейинги мақолатлар карам (саховат), адаб ва тавозуъ, қаноат, вафо, ишқ, ростгўйлик, илм янглиғ инсоний фазилатлар ва жаҳл, худбинлик каби инсон зотига номуносиб қусурлар ҳақида баҳс этар экан, жамиятдаги турли тоифаларнинг маънавий-ижтимо-

ий қиёфаси, уларнинг ўзаро муносабатларини очиб беради. Бу боблар орасида «*Саҳобдек нафърасонлар бобида*» деб номланган 13-мақолат алоҳида ўринга эга. Навоий яхшиликни тараннум этар экан, элга наф етказувчи инсонларни тонгга, уларнинг дилидаги меҳрни қуёшга ўхшатади.

Субҳ каби халқ юзига кулиб,
Чарх каби эл бошига эврилиб.

Кимки ўз хизмати билан халқда фойда етказса, билсинки, ушбу иши унинг ўзи учун янада фойдалироқдир, агар элга зарари тегса, оқибатда элга эмас, ўзига жабр этади. «Хамса» достонлари моҳиятини ташкил этувчи бу етакчи фикр мусулмон минтақаси маънавий такомилининг мантиқий хулосаларидан бири эди.

Одамий эрсанг демагил одами
Оники йўқ халқ ғамидин ғами –

мисралари ҳақли равишда ушбу мақолатдан жой олган. Аммо бу маънавий қоида бировга яхшилик қилиб, кейин ундан ҳам шунга яраша жавоб умидвор бўлиб туришни маъқул топмайди, чунки инсон ҳар бир жонзотга яхшилигини, мурувватини «*холисан-лиллоҳ*» (ёлғиз Оллоҳ йўлида, Ҳақ йўлида) адо этмоғи керак. Халқимизнинг: «*Яхшилик қил, сувга сол...* «, – деган мақоли бежиз айтилган эмас.

«*Хамса*» достонларининг ҳар бир боби шу каби одамнинг руҳий, маънавий, ахлоқий дунёси, инсонлараро ижтимоий муносабатлар хусусида, ўта муҳим, ўта долзарб, ўта мураккаб муаммолар хусусида баҳс юритади. Уларда ҳаётий воқеалар тасвири юксак мажозий ишоралар билан ажойиб бир уйғунликда келади. «*Хамса*»нинг барча достонларида шу бадиий қудрат ҳар бир тимсол, ҳар бир қиёфа ва ҳодисадан табиий уфуриб туради.

Иккинчи достон – «*Фарҳод ва Ширин*»ни олайлик. Низомий ва Деҳлавий тарихий шахс Хусрав Парвиз хусусида суҳбат юритган бўлсалар, Навоий афсонавий ошиқ шаҳзода Фарҳодни ўз достонига бош тимсол қилиб танлади. Низомий шаҳзода ва шоҳ тимсолида оддий инсонни тасаввур қилиб, унинг тантиқлиги, айбу қусурлари самимий ишқи туфайли аста-секин барҳам топиб, оқила Ширин таъсирида Хусравнинг камолот ва фозиллик касб эта борганлигини ибрат қилиб кўрсатишни ният этган бўлса, Деҳлавий ижтимоий мавқе ва муҳитнинг шахс маънавий қиёфаси ва хатти-ҳаракатига таъсирини очиб бера олди. Навоий ўз салафлари тажрибасидан тегишли хулосалар чиқариб, шоҳ Хусравни буткул салбий тимсол сифатида талқин этди ва олдинги достонларда идеал ошиқ, аммо иккинчи даражали қаҳрамон мавқеида турган Фарҳодга асосий диққатни қаратди. Ушбу ўзгаришнинг бош сабаби, Чин шаҳзодасининг маънавиятидаги етакчи фазилат – унинг ўзлигидан (шаҳзодалиги ва отаси Хоқон мулкига ворислигидан) буткул воз кечиб, пок ошиқлик ва элга наф етказиш йўлини тутганлиги (тошкесар ва наққошлик ҳунарини касб қилиб олганлиги) бўлдики, фақат шундай тимсолгина Навоий ғояларини мукаммал ифодалай олиши мумкин эди.

Достон қаҳрамони Ширинниng ҳуснига мафтун бўлган Чин шаҳзодаси эканлигини мактаб дарсликларидан яхши биламиз. Аммо зоҳирий (ташқи) афсона билан чекланмаслик кераклигини шоир ўзи алоҳида уқтирган. Жумладан, Фарҳоднинг Юнонга сафари

воқеалари шунчаки «*халқ афсоналарининг бадиий қайта ишланиши*» эмас. Навоий инсоннинг, миллатнинг, башариятнинг маънавий камолоти ҳақида қайғуради. Шаҳзоданинг дилда ишқ билан туғилиши, унинг Ҳоқон мулкини қабул қилиб олишдан илгари сирли сандиқ ва ундаги кўзгу тилсимини ечиш қасдида Юнон сафарига йўл олиши, бу йўлда турли ёвларни бартараф этиб, донишманд Суқрот билан учрашувга муваффақ бўлиши – бу афсонавий саргузаштлар замирида башариятнинг, инсоннинг, айниқса, туркий элатнинг ўз моҳиятини англаб етиш йўлидаги камолот босқичларини бир-бир босиб ўтишига бадиий-мажозий ишоралар яширинган.

Суқротнинг мажоз ишқи ҳақидаги ҳикматли башоратлари бу ботиний мазмунга калит бўлиб хизмат қилади. Суқрот тимсолида юнон фалсафаси (ва умуман, маънавияти) Навоийнинг Фарҳодини минг йилдан ортиқ интизорлик билан кутди, чунки тавҳидий тадрижийлик шуни тақозо этарди: таъбир жоиз бўлса, қадим юнон маънавияти ўз фалсафий руҳини келгуси давр авлодига бус-бутун, яхлит етказмоғи лозим эди. Мусулмон минтақа маънавиятининг дастлабки босқичларида – VIII-IX асрларда ушбу иш амалга ошди. X асрда яшаган буюк ватандошимиз Форобий, Афлотун ва Арасту фалсафий тафаккурига ривож бериб, «Иккинчи муаллим» (Муаллими соний, Устози соний) фахрли рутбасига сазовор бўлди. Афлотун ва Арастулар Суқротнинг шогирдлари, халафлари эдилар. Бас, шундай экан, Суқрот ва Фарҳод учрашуви Форобийнинг Аристотелга фикрий издошлигига мажозий ишора эмасми?

Аммо Фарҳод юнон ҳикматининг пирига осонликча рўбарў бўлмайди, у аввал аждаҳони енгиб ўтади, сўнг Аҳриман – дев билан олишади, яна темир танли камон отувчи устидан ғалаба қозониб, шундан кейингина Суқрот паноҳ тутган ғорга етиб боради. Аждаҳо (Ажи Даҳака, Заҳҳок) – ибтидоий жамоа маънавиятида ёвузлик тимсоли, Аҳриман – бронза асри, илк шаҳарлар жамоаси даврида, «Авесто» маънавиятида (маздаясна эътиқодида) ёвузлик, зулмат, ёлғончи кучлар етакчиси, камон отувчи темиртан тилсим – «*ҳарбий демократия*» деб аталган қабилалараро аёвсиз урушлар даврининг мажозий қиёфасидир. Улар Фарҳод тимсолидаги туркий халқлар маънавияти томонидан бирма-бир мағлуб этиладилар. Маълумки, мусулмон минтақасидаги маърифатчилик даврининг мумтоз вакиллари – аждодларимиз: Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар қадим юнон маънавиятини ҳам чуқур ўзлаштириб, уни янги босқичда ривожлантирдилар. Фарҳод тимсоли бу ҳодисанинг асардаги бадиий инъикосидир.

Алишер Навоий таъкидлайди:

Бу уч манзилдан ўткарганга маҳмил,
Дейилган тоғ эрур тўртинчи манзил.

Бу ерда Суқрот жойлашган тоғ тўртинчи манзил деб аталмоқда. Унга олдинги уч манзилни босиб ўта олган одамгина етишади. Мусулмон маънавиятида махсус таъкид этилувчи тадрижийлик *"Хамса"* бадиий оламида шу тарзда ўз мажозий инъикосини топди.

«*Хамса*»да мажозий ишқ тасвирланади, инсонлар ҳаётига оид ижтимоий, ахлоқий муносабатлар мажмуи Тавҳид эътиқоди нуқтайи назаридан кўриб чиқилади. Достонни диққат билан ўқиган одам унинг мазмуни Чин шаҳзодасининг арман маликаси ишқида

бошидан кечирган саргузаштлари баёнидан иборат эмаслигини аниқ сезади. Жумладан, сирли кўзгуда ҳам Фарҳод Ширинни эмас, аввало ўз тақдирини кўради.

«*Лайли ва Мажнун*» афсонаси форсий ва туркий тилларда ўнлаб достонларга мавзу бўлган. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор маъно қатламларидан сўзлайди. Бу достоннинг энг асосий хислати – Мажнун ҳам, Лайли ҳам бир-бирига тенг ошиқ, тенг маъшуқ. Бу достон икки ошиқ инсоннинг ҳақиқий ишқни англаб етмаганлар орасидаги фожеъ ҳолати тасвирига бағишланган, дейиш мумкин. Аммо бу энг умумий таърифдир. Ҳар бир достон талқини эса ўзига хос.

«*Сабъаи сайёр*» инсоннинг ҳаёт ва хаёл дунёсидаги чексиз адашувларининг мажозий тасвиридан иборат. Бунда яна *"аҳли қабул"* ва «*аҳли рад*» орасидаги тазод (зиддият) биринчи ўринга чиқади. Муқбил ва Мудбир, Суҳайл ва Жобир, Жуна ва Жайсур, Маъсуд ва Маллу тимсоллари ушбу икки гуруҳга мансуб бўлиб, ҳаёт синовларидан қандай ўтишига қараб, «*аҳли қабул*» саодатга эришади, «*аҳли рад*» эса қилмишларига яраша жазо тортади. Ички қиссалардаги бу тимсоллар асар бош қаҳрамони Баҳромшоҳ учун ҳам ибрат сифатида келтирилади. Аммо ҳукмдор ўз ҳирсу ҳавасларини жиловлаб ола билмаганлиги, бегуноҳ жонзотлар қонини аёвсиз тўкканлиги касофатидан ўзини ҳам ер ютиб, ҳалок бўлади.

Буюк жаҳонгир тақдири ҳақидаги охирги достон – «*Садди Искандарий*» шаклан маълум даражада «Хамса» нинг биринчи достонини эслатади. Унинг ҳам ҳар бобида турли ижтимоий-ахлоқий мавзудаги фалсафий мушоҳадалар, кичик-кичик ибратли ҳикоят ва ҳикмат-хулосалар келтирилади. Шундан сўнггина Искандар ҳаётидан бир воқеа ҳикоя қилинади. Искандар тимсоли яқингача ҳам Е.Э.Бертельс талқинига биноан, **одил шоҳ тимсоли** деб қабул қилиб келинди. Фақат Азиз Қаюмов 1975 йилда нашр этилган ушбу мавзудаги махсус рисоласида асли Навоий каҳрамони мураккаб тимсол эканини, достонда Искандар қиёфаси тадрижий такомилда очиб берилганини илмий исбот этди. Юнон шаҳзодаси аввал шоҳликка ўзини ноқобил деб билган журъатсиз, камтар йигитча бўлса, ҳаёт ва фотиҳлик сиёсати тақозоси билан аста-секин ўзбилармон, шафқатсиз истилочига айланиб боради, фақат ўлими яқинлашганини сезгачгина, жоҳ ва кибр йўлидаги бутун уринишлари сароб эканлигини англаб етиб, кўзи очилади.

Хамсанавислик анъанаси мусулмон минтақа маънавияти такомилининг бадиий тафаккурдаги ўзига хос маҳсули бўлиб, шунга яраша муносабатни талаб қилади. Бу анъана тадқиқотчидан ҳам, оддий китобхондан ҳам ҳар бир достоннинг шакл ва мазмунига алоҳида эътибор беришни талаб этади, чунки бир мавзуда ёзилган ўнлаб достонлар диққат билан ўқилса, улар асло бир-бирини такрор этмагани, балки ўзаро ижодий баҳсда ёзилгани маълум бўлади. Шу сабабдан ҳар бир достонни ўқиганда ҳам унинг ушбу мавзу силсиласидаги ўрнига, ҳам ҳар бир шоир ижодий меросидаги мавқеига диққатни қаратган маъқул. Шундагина унинг ўзига хослиги ва мазмуний қамровини англаб етиш мумкин. Мусулмон минтақа адабиётининг бу мураккаб хислати, унинг, масалан, янги давр Ғарб адабиётидан фарқи XX асрнинг 30-йилларидаёқ Е.Э.Бертельс томонидан Навоий ва Аттор, Низомий, Деҳлавий ижодини қиёсий ўрганиш асосида илмий исботланган эди.

Улуғ одамлар бу дунёга бежиз келмайдилар. Уларнинг ҳаёт йўли зиммаларига юкланган ғайб муроди билан уйғун кечади, қийинчиликлари ҳам, омадлари ҳам шунга боғлиқ.

Туркий «Хамса»нинг яратилиши бутун XV аср маънавият аҳли, хусусан, Хуросон эли учун фавқулодда шодумонлик ва саодат сифатида қабул килинади. Даврнинг икки қут-

би – маънавият пири Жомий ва буюк султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳайрати ва юксак эътирофи ушбу ҳақикатга далилдир. Султон Соҳибқирон давр подшоҳи бўла туриб, дўсти Алишерни, унинг қаршилигига қарамай, отга миндириб, ўзи жиловдорлик қилди ва шу тариқа шоирни ўзига пиру муршид деб тан олди. Жомий эса ўз достонлари туркумидан ва бутун форсий тилидаги «*Хамса*»лардан Навоий асари аълороқ эканлигини қайд этди ва унинг туркийда ёзилганига шукрона билдирди. Навоий эса ўз асарларини фақат туркий халқлар эмас, балки бутун жаҳон аҳлининг маънавий мулки деб ҳисоблади ва бунга шоир тўлиқ ҳақлидир.

Шундай қилиб, Навоий ижодий такомили **иккинчи босқичи**нинг таянч устуни - шоирнинг шоҳ асари **“Хамса”** десак, янглишмаймиз. 1483-1485 йиллар ичида ёзиб тугалланган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади. Айтиш мумкинки, бу беш хазина Алишер Навоий ижодининг қалбидир.

НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ УЧИНЧИ, ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ. *“ЛИСОН УТ-ТАЙР”* ВА *“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ”*.

Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижоди ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бу масалада, айниқса, шоир ва ҳукмдор, яъни Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро муносабатлари диққатга сазовор. Даврнинг бу икки улуғ шахси орасида дўстлик Алишер ва шаҳзода Ҳусайннинг гўдак ёшларидан бошланган бўлиб, умрлари охирига қадар давом этди. Алишернинг дўстларга садоқати (“*Жамолида вафо туғроси пайдо*”) ҳар қандай таъриф ва тасаввурдан ортиқроқ ва бу ҳам унинг Борлиққа муносабати ва эътиқоди билан белгиланади. Бу чин инсон нафақат дўстлари, яқинларига, балки барча инсониятга, ҳатто бутун атроф-воқеликка садоқат сақлар эдики, унинг эътиқодида бирор жонзотга, ҳатто буюмга хиёнат Аллоҳга хиёнат даражасида эди.

Султон Ҳусайн ҳақиқий дарвеш-шоҳ эди, маърифатли шоир эди. У ҳам дўстига хиёнат қилган эмас, кўнглида ғараз сақлаган эмас. Аммо ҳукмдорлик қоидалари баъзан аёвсиздир, Ҳусайн эса инсон.

Ҳижрий 892 (милодий 1487) йили қишда Навоий Астробод ҳокими этиб тайинланди. Бу шаҳар “дорулфатҳ” (Султон Ҳусайн илк ғалаба қозонган шаҳар) деб улуғланар ва кўпинча валиаҳд шаҳзода ҳукмида бўлар эди. Бошқа бек ва амирлар учун шарафли ҳисобланиши жойиз бўлган мартаба Амир Алишернинг нозик табиати учун муайян даражада озорли бўлди. Аммо шоҳ ҳукми вожиб, Амири Кабир ўлканинг хассос бир ҳудудини муҳофаза ва обод қилиш ниятида жўнаб кетди. Астрободда Навоийнинг икки йил чамаси ҳокимлиги бу шаҳар аҳли учун саодатли, Бойқаро салтанати учун хайрли бўлди. Ўша тарафдан хавф солган мухолифлар Алишер ҳурматидан хайрихоҳлик муносабатлари ўрнатдилар. Аммо шоир учун ўзи ўрганган муҳитдан ёвуқлик, дўстлар васлига интизорлик дил ранжи эди[1].

Султон Ҳусайн Шоҳруҳ мирзо замонидан вазирлар хонадонига мансуб бўлган Мажиддин Муҳаммадни ўзига яна яқинлаштиргани ҳам дўст рашкига сабаб бўларди. Амири Кабирнинг Мажиддин, Низомулмулк, Хожа Афзал ва бошқа аъёнлар, Музаффар Барлос каби нуфузли беклар билан ўзаро муносабатларини холис ва дақиқ ўрганиш икки дўст - шоҳ ва шоир муносабатларидаги мураккаб эврилишларни теранроқ англаб етишга яқиндан ёрдам берса керак. Ҳануз даврнинг муҳим ёдгорликлари – Хондамир ва Мирхонд асарлари на ўзбек тилида, на асл ҳолида босилиб чиққан эмас. Қизиқувчилар фақат Иззат Султон каби баъзи навоийшунослар келтирган парчалар, баъзи тўпламлардаги иқтибослар билан қаноатланишларига тўғри келади.

Бу орада бирин-кетин Навоийнинг энг яқин устоз ва мусоҳиблари ҳаётдан кўз юма бошладилар. 1488 йили Сайид Ҳасан Ардашер, 1492 йили Абдураҳмон Жомий, 1493 йили Паҳлавон Муҳаммад вафот этди. Навоий анча ёлғизланиб қолди. Устозлар хотирасига бағишлаб *“Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”* (Жомий ҳақида) асарларини ёзиб тугаллади. Бу асарларда ўша давр воқелигига оид жуда қимматли маълумотлар билан бирга Навоий яратган янги бадиий оламнинг назарий асосларига оид кўп далил ва мулоҳазалар ҳам баён этилган.

---

[1] Султон Ҳусайннинг ушбу даврдаги ботиний ҳолати истеъдодли адиб Урфон Отажоннинг “*Тафарруж*” деб номланган ҳикоясида ажаб ҳаяжонли ва таъсирли тиклаб берилган.

Бундай мулоҳазалар адибнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида тасниф этилган "*Мажолисун нафоис*" ("Нафис мажлислар"), "*Насоимул муҳаббат мин шамойим ул-футувва*" ("Футувва бўйларини эслатувчи муҳаббат шабодалари") каби насрий рисолаларида ҳам ўз ифодасини топган. Ундан ташқари шоир умри интиҳосида ёзилган форс тилидаги фалсафий қасидалари ("*Ситтайи зарурия", "Фусули арбаъ*") ҳам шоир дунёқарашини равшан англаб етишга ёрдам беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақиқатни очиқ баён этишда ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аяган эмас. У Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигини барча ижобий ва салбий жиҳатлари билан тавсифлаб берди. Султоннинг мард ва шижоатли киши бўлганини, табъи назми борлигини қайд этиш билан бирга, айниқса, подшоҳлигининг кейинги йилларида айш-ишрат ва ичкиликка қаттиқ берилиб кетганини ҳам кўрсатиб ўтади. Умуман, Султон Ҳусайн Бойқародек нозиктаъб одам нега майхўрликка бунча берилиб кетди? Инсон бекорга ўзини ичкиликка урмайди. Биз султон қалбидаги мураккаб руҳий кечинмаларни ҳозир тўлиқ тасаввур қила олмаймиз, аммо темурийлар салтанатининг XV аср охиридан бошланган таназзули биргина ушбу хонадоннинг ёзмиши эмас, балки Ўрта асрлар давлат бошқариш усулларининг минтақа халқлари маънавий тараққиёт даражасидан анча-мунча орқада қола бошлаганидан нишона эканини эътироф этишга эҳтиёж сезилади.

Султон Ҳусайн ва ўғли Бадиуззамон орасидаги ихтилофлар ахийри бориб фожиа билан якунланди. 1497 йили Астробод ҳокимлиги жанжали ичида Мўъмин Мирзо (Бадиуззамоннинг ўғли, Навоий тарбиясини олган 14 ёшли ўспирин, шоир йигитча) аввал Ихтиёриддин қалъасида маҳбусликда сақланиб, кейин шоҳ бобосининг мастлик билан қўл қўйган фармони асосида қатл этилади. Салтанат келажаги учун ёмон фол даракчиси бўлган бу мудҳиш ҳодиса кекса Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга солади. Бу ҳодиса асосида чиқарилган аччиқ хулосалар шоирнинг "*васиятнома*"си ўрнида ҳисобланган охирги уч асари мазмунига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

1498 йилда "*Лисон ут-тайр*", 1499 йилда "*Муҳокамат ул-луғатайн",* 1500 йили *"Маҳбуб ул-қулуб"* асарлари ёзилди. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг энг авж нуқталари эди. Адиб "*Муҳокамат ул- луғатайн*"да ўзининг бутун ижодий йўлини сарҳисоб қилади, туркий тилдаги шеъриятнинг қудратини таъкидлайди. Унда, жумладан, қуйидаги маълумот бор: "*Чун "Лисонут тайр" илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била* ***ҳақиқат асрорини мажоз суратида*** *кўргузупмен*".[1] Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеъриятининг устоди Фаридиддин Аттор (1148-1229) яратган "*Мантиқ ут-тайр*" асарига меҳр қўйгани маълум. Умрининг охирида ушбу асарга татаббуъ-жавоб ёзар экан, Навоий ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий якун ясайди. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳияти ҳақида, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкони қай даражада эканлиги ҳақида эди. Навоий асари ҳам асли шу ҳақда. Навоий устоз ва салафига зид фикр билдирмайди, аммо унинг фикрларини такрорламайди ҳам. Асарда Фоний (Навоий)нинг таржима ҳақидаги сўзлари шарҳ, талқин маъносини билдиради. "*Лисон ут-тайр*"нинг мутлақо мустақил асар эканлигини 1928 йилдаги "*Навоий ва Аттор*" рисоласида Е.Э.Бертельс қониқарли тарзда исбот этиб берган эди. Ўша рисолада зукко рус шарқшуноси Атторни тасаввуф шеърияти вакили сифатида ёдга олиб, "*Лисон ут-тайр*" муаллифи ҳақида эса "*Навои не был суфием..., он представлял собой нечто большее"* деб қайд

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. Т.-«Фан»-2000, с. 26

этади[1]. Навоийнинг дунёни идрок этиш ва бадиий акслантириши юзасидан Е.Э. Бертельс баён этган кўп мулоҳазалар қатори бу фикри ҳам кейинги тадқиқотчилар диққатини жалб этмади. Албатта, бунинг ўз сабаблари ҳам мавжуд, аммо ҳозир гап у ҳақда эмас.

Атторнинг бошқа достонларида яхши воқеабандлик мавжуд. Аммо қушлар тилидан ёзилган достонида ирфоний эҳтирос ниҳоятда жўшқиндир. Навоий эса босиқ воқеабанд тасвирга урғу беради, қушлар саргузаштида ва ички ҳикоятларда ҳаётийликни кучайтиради. Бу бежиз эмас. Охирги хулосада Навоий салафига қараганда олға кетади, масала моҳиятини теранроқ ҳис қилади ва бадиий тасвирни ҳам шунга муносиб яратади. Симурғ ва қушлар нисбати ҳақида Аттор:

Сурати мурғони олам сар-басар
Сояйи уст, ин бидон, эй бехабар -
(Оламдаги барча қушлар сурати,
Унинг соясидир, буни билгин, эй бехабар)

деб тушунтирса, Навоий:

Барча олам қушларининг сурати,
Билгил, онинг сояйи пурҳикмати -[2]

деб оддий "*соя*" ўрнига "*ҳикматли соя*"ни ишлатади. Агар биз "*пурҳикмат*" (ички мазмунга бой) сўзи фақат "*сурат*"га қофия керак бўлгани учун ишлатилган деб шарҳласак, Навоий истеъдодига шак келтирган бўлур эдик.

Аттордан илгари "*Қуш рисоласи*"ни яратган Ибн Сино, Аҳмад Ғаззолийлар бош тимсолни "*Симурғ*" эмас, "*Анқо*" деб номлаган эдилар. Аттор "*Симурғ*" тимсоли билан жуда чуқур мазмунга ишора қилди. Аммо барибир энг масъул ўринда:

Чун шумо симурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чеҳел, панжоҳ мурғ ояд боз,
Пардаро аз хеш багушоянд боз.[3] *-*
(Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриндиларинг.
Агар яна қирқта ё элликта қуш келса,
Яна ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар) -

деб ўзи топган тимсол қувватини кесиб қўяди. Навоий ундай қилмайди. Навоий 30 қуш (форсча - "*си мурғ*") ва Симурғни (жаҳондаги барча қушларнинг афсонавий ҳукмдорини) бир сўз сифатида бир хил жаранглашига қайта-қайта эътиборни жалб қилади. Аммо бу мажозий талқинни яна жўнлаштириб, демак, ўттиз қуш ўзи Симурғ экан, яъни улар ҳукмдорини изламаса ҳам бўлар экан, деб тушуниш шоирни тўғри англаб етишимизга ёрдам

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М.-«Наука»-1965, с. 419
[3] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991, с.83.
[3] Ситтаи Фаридиддин Аттор(қўлёзма), 72 б-варақ.

бермайди. Навоийнинг тимсоллари ҳам, улар орқали англатмоқчи бўлган бадиий ҳақиқати ҳам бундай жўнлаштиришлардан беҳад юқори туради. Навоийнинг талқинлари тасаввуф адабиётининг ирфонини инкор қилмайди, балки инсон маънавиятини ундан-да юксакроқ босқичга етаклайди. Аттор XII аср охири XIII аср бошларидаги тасаввуф адабиётининг намояндаси бўлиб, унинг даврида ҳануз Ибн ал-Арабий (1165-1240) фалсафаси яратилмаган эди. Навоий эса Ибн ал-Арабий ирфонини Ироқий талқинида Жомий ёрдами билан чуқур ўзлаштиргач, кейин қушлар тилида достон ёзишга киришди. Шу сабабли, айтиш мумкинки, Алишер Навоий асари зоҳиран Аттор асарига таянган бўлса, ботинан, мазмун моҳиятига кўра Ироқий қарашларини ривожлантирган.

Олдинги бобдан маълумки, бадиий адабиётнинг бош мавзуси инсон, унинг руҳий кечинмалари бўлиб, улар, асосан, **икки йўналишда** ўзлигини намоён этади: бири - **инсоннинг Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига нисбати доирасида;** иккинчиси - **инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати йўналишида**. "***Мажоз тариқи***"нинг моҳияти, унинг жаҳон бадиий тафаккур тарихида етишган улуғ мартабаси шундаки, унинг асосчилари юқоридаги икки йўналишнинг ўзаро теран уйғунлигини сеҳрли бир тарзда таъмин эта билдилар.

Навоий Низомий ва Деҳлавий каби забардаст устозлари яратган анъаналарни изчиллик билан давом эттириб, "*Хамса*" достонларида ўз даври ижтимоий муаммоларининг маънавий моҳиятини чуқур бадиий тадқиқ этган бўлса, «*Лисон ут-тайр*» достонида Атторнинг ирфоний мажозларига хиёнат қилмаган ҳолда уларга бир пайтнинг ўзида ижтимоий жило бахш этишга муяссар бўлди. Шу тарзда шоирнинг охирги достони ҳам мазмуний теранликда, ҳам шаклий мукаммалликда "***мажоз тариқи***"нинг энг авж нуқтаси даражасига кўтарилди.

Асарнинг минтақадаги бадиий тафаккур тарихи жараёни саҳнида «*Мантиқ ут-тайр*» билан батафсил қиёсий таҳлили ва орадаги фарқлар моҳиятини шоирнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш орқали жуда ажойиб кашфиётларга эришиш мумкинлиги шубҳасиз. Бу йўлдаги дастлабки босқич тадқиқотларга таяниб туриб, ҳозирча ушбу ғоят қисқа мулоҳазаларни баён этиш мумкин:

Биринчидан, тасаввуф анъанасидаги соликнинг Олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул фориғ бўлиши ғояси Навоийда шахс сифатида мутлақ ўзликни йўқотиш, ҳатто жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, **шахс маънавий камолотининг муайян даражаси** сифатида талқин этилади. Иккинчидан, Навоий талқинида Симурғ тимсоли бир пайтнинг ўзида ҳам соликлар (қушлар) интилган **Борлиқнинг Олий моҳияти**, ҳам комил инсонлар жамоаси ("си мурғ" - ўттиз қуш) – Форобий тасвиридаги "*фозил жамият*" орзуси сифатида намоён бўлади. Шу йўл билан **Навоий тавҳид ғоясининг Қуръон оятларига мувофиқ энг мукаммал ва теран мазмунини бадиий тимсол қудрати билан очиб бера олди**. Инсон Халлоқи олам томонидан **ер юзида халифа** қилиб яратилган. Унинг масъулияти улуғ. Жумладан, ер юзида ижтимоий адолат ўрнатиш масъулияти ҳам ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурч бўлиб, бунинг учун, аввало, у шахс сифатида шаклланмоғи, яъни **маънавий камолот касб этмоғи** керак. Шу нуқтайи назардан достоннинг ижтимоий мазмуни ҳақида қуйидагича тасаввур ҳосил бўлади:

Қушлар – инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният. Уларнинг Симурғ сари машаққатли йўли – бахтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёни. Йўл бошида бу кўп аср-

лик орзу «одил шоҳ« излаш тариқасида намоён бўлади. Тарихий жараён давомида инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, камолотда юксалиб борадилар, турли маънавий босқичларни босиб ўтадилар. Ва охири бориб «одил шоҳ» орзуси муаммони асосли ҳал қилиб бера олмаслиги равшан бўлиб қолади, яъни қушлар *"биринчи фано"*да *"иззат човуши"*дан *"То магар Симурғ бўлғай шоҳимиз"* деган орзулари беҳуда хомхаёл эканлиги ҳақида узил-кесил жавоб оладилар. Аммо *"Ҳудҳуд иршодидан"* яна қувват ҳосил қилган **ўттиз қуш** мардонавор парвозда давом этиб, «*иккинчи фано*» босқичида *"**фано ҳусулидан бақо вусулиға**"* етишадилар. *"Улар олдида ниқоб бўлиб турган барча пардалар"* бартараф бўлгач, қушлар ўзларини *"васл боғида"* кўрадилар. *"Бу гулшанда ҳар бир гул гўё бир кўзгу каби эди. Қушлар қаёққа қарасалар, ўзлари намоён бўлар эдилар."* Навоий бу рамзий тасвирларни изоҳлар экан, инсонларни маънавий камолотга интилиш, бу йўлда барча ранжу-машаққатларни мардонаворлик ва фидойилик билан енгиб ўтишга чақиради. У ҳар бир инсон агар улуғ орзу йўлида шахсан фидойилик кўрсатмас экан, хаёл хаёллигича қолаверади; *"ҳар неки истар бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, камолингга таян»*, демоқчи бўлади. Бир сўз билан айтганда, «*Олий ҳақиқат мазҳари*» сифатида олиб қаралаётган **комил ижтимоий тартиб**ни вужудга келтириш ҳам инсониятнинг ўз маънавий камоли ва фаоллик қудратига боғлиқ эканлигини уқтиради. Шоирнинг комил ишончига кўра, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат - уйғун ва бахтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида барча жиҳатлар берилган, фақат бу имкониятни рўёбга чиқариш учун маънавий баркамоллик ва фидойи фаоллик лозим.

Навоий талқинидаги **Симурғ** – бутун **Инсониятнинг** яхлитликда эришуви мумкин бўлган **Олий такомил босқичи**га ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилмоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ – бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи - Тавҳид босқичига кўтарилиб етган **ўттиз қуш**(«***симурғ***»)нинг **бирлиги - маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси**, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига **Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳри**дир[1].

Е.Э.Бертельс 1941 йилда " *Навоий дунёқарашига доир*" деб номланган мақола ёзиб, унда шоир ижодига Ибн ал-Арабий ва Фахриддин Ироқийлар таъсирини алоҳида таъкид этган[2] ва бу масалани жиддий ўрганишга чақирган эди. Аммо ҳанузгача на навоийшунослар, на жомийшунослар ушбу муҳим муаммога эътибор бергани йўқ, Жомий асарларининг Душанбеда нашр этилган 8 жилдлик тўпламига *"Ашаъот ул-ламаъот"* мутлақо киритилмаганлиги ҳам шундан дарак беради.

Навоийнинг охирги асари *"Маҳбуб ул-қулуб"*ни шоирнинг бутун ижодий меросига ўзи томонидан ёзилган **назарий хулоса ва якун**, дейиш мумкин. Бу асар мазмуни ниҳоятда бой. Унда XV асрда мавжуд бўлган барча ижтимоий, ахлоқий ва маънавий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ишонарли таъкидланган. Ушбу китоб саҳифаларида бадиий тафаккурнинг назарий муаммолари, жумладан, олдинроқ эслаб ўтилган бадиий ижод тариқи масалалари бўйича ҳам олдинги рисола ва шеърий асарларда йўл-йўлакай айтиб ўтилган фикрлар умумлаштирилиб, хулосалар чиқарилган. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Сано-

[1] Бу фаслда Навоий ва Аттор мавзуси ўта қисқа баён қилинди. Сабаби, китобнинг келгуси, учинчи қисмида бу ҳақда алоҳида муфассал тадқиқот келтирилган.

[2] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965, с.447-449.

ий, Низомий, Саъдий, Ироқий, Амир Хусрав, Ҳофиз асарларида муайян даражада ўз аксини топган ва Алишер Навоий ижодида мукаммал даражага етиб, унинг томонидан назарий асосланган мутлақо янги мустақил бадиий тафаккур тарзи "***мажоз тариқи***" деб ном олди ва унда Ҳақ (Олий ҳақиқат) асрори "*мажоз сувратинда*" намоён бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи "*нақшбандия*"нинг "*Дил ба ёру даст ба кор*" қоидасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқараш тизими "*Хамса*" ва "*Лисон ут-тайр*" асарларида, шоир лирикасида бадиий инъикосини топган бўлса, бир қанча рисолаларда муаммонинг назарий жиҳатларига эътибор берилди. Биз юқорида уларни ўз идрокимиз етган қадар шарҳлашга уриндик.

Мажоз тариқи намояндалари мажозда ҳақиқат асрорини кўрадилар. Навоий охирги девонида ёзади:

Кўрмаса ҳусни мажозий ичра жуз сунъини,
Ошиқеким бўлса ишқ атвори ичра покбоз.
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқникким,
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдир мажоз.

«*Мажозий ишқ*» инсоннинг инсонга бўлган, Ҳақ йўлидаги, холис, ҳар қандай ғараздан холи, пок меҳридир. Навоий уни шундай таъриф этади: «*Ул пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдир ва пок кўнгил ул пок юз ошубидан қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олмоқ*». Шоир ана шундай ишқ намояндалари – «*ишқ аҳлининг покбозлари*» сифатида биринчи навбатда улут форсийзабон шоирлар Саноий, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Хожа Ҳофиз Шерозийларни, туркийда эса мавлоно Лутфийни эҳтиром билан тилга олади.

Алишер Навоийнинг ўзи умр бўйи ҳам ҳаётда, ҳам ижодда ушбу зумрадан – «*ишқ аҳлининг покбозлари*» сафидан бир сония чекинмай ўтди. Бадиий тафаккурни **ибрат, илм, ирфон** қатори Олий ҳақиқат асрорини англаб етишнинг мустақил йўналиши даражасига кўтарди.

Бу унинг туркий халқлар ёки ислом минтақаси даражасидагина эмас, XV аср аҳли башар маънавиятида ҳам янги босқични бошлаб берганини билдирар эди. **«*Мажоз тариқи*» дунёни англаб етишдаги бир силсила камолот йулини якунлаб, аҳли башарни янги давр маънавиятига ўтиш сари йўллади.**

НАВОИЙ ВА РИЗОИЙ ПАЙВАНДИЙ

Алишер Навоийнинг *“Лисон ут-тайр»* достони тасаввуф адабиёти (*“ҳақиқат тариқи”*)га оидми, ёки бу ерда иш мураккаброқми, деган саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Устоз ўзи *“Муҳокамат ул-луғатайн”*да: *“Чун “Лисон ут-тайр” илҳони била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен”,* деб ёзган, аммо бу жумла ҳам икки хил талқин қилинади. Ушбу жумбоқни ечмоқ тараддудида *“ҳақиқат тариқининг суханвари”* Фаридиддин Аттор асари Навоий татаббуъси билан солиштирилиб, *“Ҳақиқат ва мажоз”* рисоласи ёзилди ва 1988-1991 йиллар давомида *“Шарқ юлдузи”* журнали саҳифаларида қисқартирилган ҳолда алоҳида мақолалар тарзида эълон қилинди. Аммо ҳануз масаланинг мубҳам ўринлари сақланиб қолаётган эди.

Шундай бир пайтда бой меросимизнинг очилмаган саҳифалари тақдир иродаси билан бизга ўз туганмас асроридан бирини аён этди. 1991 йил баҳорда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида қадим матнларни ўрганар эканмиз, ўзбек тасаввуф адабиётининг яна бир нодир дурдонаси – шоир Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий қаламига мансуб туркий адабий тилда битилган *“Мантиқ ут-тайр”* (ёки *“Қуш тили”*) достонига дуч келдик. Достон қўлёзмаси илмгоҳ махзанида 127-сон тартиб рақами билан сақланиб келинган бўлиб, рўйхатларда янглиш тарзда форс тилидаги асар деб кўрсатилган, шу сабаб бўлса керак, номи туфайли Аттор асари билан адаштирилиб, шунча йил давомида олимлар диққатини ўзига жалб этмай келган кўринади. Асар муаллифи Ризоий тахаллусли шоир эканлиги қўлёзма охиридаги арабий матнда алоҳида қайд этилган, асарнинг асл матнида ҳам шоир *“Эй, Ризоий”* деб бир икки ўринда ўз-ўзига мурожаат қилади. Масалан:

Эй, Ризоий, не Сулаймонсен букун,
Ким қилурсен қуш тили бирла сухун,–

деб бошлайди шоир *“Китоб хотимаси”*ни. Достон қўлёзмаси алоҳида муқоваланган 148 варақдан иборат (295 саҳифа). Ҳар саҳифада кўпи билан ўн беш байт жой олган. Китоб Хонқа шаҳрида (балади Хонақоҳ) ҳижрий 1232 (милодий 1816-17) йилда Қози Муҳаммад Мусо ибн ал-Мустафид томонидан кўчирилган.

Ёзилган йили ҳақида достон матни тугаллангандан сўнг ўзгача вазн билан алоҳида «*Таърих*» келтирилган:

Чун қуш тилидан киноят эрди бу китоб,
Туркий бирла бўлди “Мантиқ ут-тайр” хитоб,
Тарихини жон булбулидин сўрдим эса,
«Қуш тили бирла наво чекиб» *қилди жавоб.*

Агар «*Қуш тили бирла наво чекиб*» жумласини араб ёзувида абжад ҳисобига солиб кўрсак, 1005 ҳижрий қамарий, яъни 1596-1597 милодий йиллар ораси келиб чиқмоқда. Бу албатта,

аниқ хулоса эмас, чунки сана чиқиши кўзда тутилган сўзлар тепаси чизиб қўйилмаган. Аммо ўша давр Хоразмдаги ижтимоий-маънавий муҳитда шундай руҳдаги асар дунёга келиши мумкин эди.

Асар муаллифи ҳақида ҳануз қониқарли манбалар топмадик. «*Ўзбек адабиёт тарихи*» 3-жилдида (Т., 1978) XIX асрда Хоразмда яшаб ўтган шоир Ризоий ҳақида эслаб ўтилади ҳамда унинг «*Гулфараҳ», "Хуршид ва Маликаи Дилором»* номли достонлар ёзганлиги қайд этилади.

"*Ўзбек адабиёти антологияси*" IV жилд 2-китобида (Т., 1960) бу икки асардан парчалар берилган ва "*Гулфарах" достонининг муаллифи номаълум*" деб изоҳ келтирилган. "*Хуршид ва маликаи Дилором*" халқ достонлари руҳида – ҳикоя қисми наср билан ва қаҳрамонларнииг кечинма-нутқлари шеър йўсинида ёзилган бўлиб, бизнинг қўлимиздаги асардан услуб ва мазмуний йўналишига кўра кескин фарқ қилади. Ризоий тахаллусли шоир шеърлари баъзи баёзларда ҳам учрайди. Асар тилида баъзан Хоразм шевасига хос бўлган ўғуз унсурлари сезилади.

Мисоллар:

Тутти ул йўлға ани бебоклик –
Ким, қилур хотунлара даллоклик,
Топгай ул қавм ичида ҳусни қабул,
Маҳрам ўлғай мажлиса қилғай духул.

Бу ўринда *-га* ёки *-ға* қўшимчаси ўрнига *а* ("*хотунлара", "мажлиса"*) келмоқда. Лекин матнда асосан *-га -ға* ишлатилади. Яна:

Биз тақи бир подшоҳе исталинг,
Фитнадин пуштипаноҳе исталинг...
Исталим ўз шоҳимизни турмойин,
Турмолим ул шоҳ юзин кўрмойин.

Бунда энди феъл шакллари ўзига хосдир. Аммо бундай унсурлар матнда мунтазам учрамайди, асар асосан умумтуркий адабий тил (Навоий тили) қонунларига риоя қилиб ёзилган. Асарда жаъми 156 сарлавҳа учрайди, улардан 66 таси асосий боб номлари, 33 ҳикоят ва 53 ўринда Аллоҳ китоби ва пайғамбаримиз ҳадисларига ишоралар алоҳида арабий сарлавҳалар сифатида берилган. Яна бир-икки жузъий сарлавҳачалар (Масалан, баъзи ҳикоятларнинг ички сарлавҳалари) учрайди, «*Шайх Санъон*» қиссаси асар таркибида мавжуд эмас.

Биринчи боб сарлавҳасиз бошланиб, мазмунан «*тавҳид*" ва «*ҳамд*»ни ўзида бирлаштирган. Иккинчи боб «*Муножот*», учинчи –"*Наът*», тўртинчи – тазарру ва ўтинчга бағишланган. Бешинчи боб – тўрт халифа (*Абу Бакр, Умар, Усмон, Али*) мадҳида бўлиб муқаддима қисмнинг охирги бобидир. Одатдаги достон муқаддималарида учрагувчи ҳукмдор мадҳи ва "*Китоб ёзилиш сабаби»*га бағишланган боблар Ризоий асарида буткул йўқ.

Асосий қисм 6-бобдан бошланади. Бу боб "*Қушлар ғафлат уйқусидан уйғониб, ижтимоъ қилиб, ўзларига подшоҳ истаб кенгашганлари*" деб номланган. Кейинги бобдан Ҳудҳуд саҳнага кириб келади. Муаллиф бошиданоқ асарнинг ирфоний йўналишини очиқ таъкидлайди. Воқеалар тасвиридан олдин шарҳ берилади:

Мурғу моҳийники бор беиштибоҳ,
Борчага бор бир ҳақиқий подишоҳ,
Ким ани билмак бариға фарз эрур,
Вожибу лозим мисоли қарз эрур.
Аррафуни бирла ул олийжаноб
Барча махлуқотиға қилди хитоб.
Бас ани билмак керакдур фарзи айн,
Қатъ қилмоқлик тамом ибъоди байн.
Тирик эркан ким-ки они билмаса,
Бу қирофсиз водий қатъин қилмаса,
Ўлганидин сўнгра билмакдур хаёл,
Негаким қатъи масофатдур маҳол.

Ушбу дастлабки изоҳ берилгандан кейингина воқеалар тасвирига ўтилади:

Мўътабар ровийдин этдим истимоъ,
Ким қилиб бир ерда қушлар ижтимоъ...

Ҳудҳуд қушларни Симурғ сари отланишга тарғиб қилади. Орада унинг таърифи ва бошқа мавзулар хусусида Қуръон ва ҳадислардан оятлар ва уларнинг шеърий шарҳлари берилади.

Ҳудҳуд билан бошқа қушлар орасида савол-жавоб бошланади ва солиқларнинг "*йўл озуқаси*" (муаллиф уни «*тўша*» деб номлайди) масаласи кўтарилади. Баҳонада **Биринчи тўша** (*"Тўшайи аввал")* ҳақида сўз бошланиб, тасаввуф сулуки йўлчилари учун бу –»*Тавба*" ҳисобланар экан:

Тўшайи аввал бу йўлда, эй, рафиқ!
Тавба*дур гар истасанг қатъи тариқ.*

Ушбу "*йўл озуқаси"* таърифига бағишланган боб катта бир ибратли ҳикоятни ўз ичига олади. Бу асардаги биринчи ҳикоят бўлиб, "*Нусуҳ ҳикояти*" деб аталган ва Нусуҳ исмли афсонавий бир шахс саргузаштлари ҳақидадир. Воқеа жуда батафсил, барча икир-чикирлари билан тасвирланган ва 88 байтни ўз ичига олади. Шундан сўнг иккинчи тўша таърифига ўтилади:

Яна ул бир тўшаким қувват берур
*Роҳравга бу сафарда, **зуҳд** эрур.*

Иккинчи тўшадан сўнг Ҳудҳуд билан қушлар аро савол-жавоб давом этади. Ризоий бу қушлар қаторида Тўти, Товус, Ўрдак, Каклик, Ҳумой, Қарчиғай, Бутимор, Бойқуш, Саъва – жаъми 10 та қуш узрини ва уларга Ҳудҳуднинг жавобларини баён қилади. Унинг кўпчилик жавоблари ибратли ҳикоят билан якунланади. Фақат 2 қуш – Бутимор ва Бойқушга берилган жавобларда алоҳида ҳикоят ажратиб кўрсатилмаган.

Ҳудҳуд насиҳатларидан журъат касб этган қушлар йўлга отланадилар ва биринчи водийга етиб келадилар:

“Ҳайбатидин сарбасар қўрқуштилар,
Чун кўриб водий бошинда туштилар”.

Муаллиф бу биринчи водийни “*ҳалокат водийси*” деб атайди ва тасвир ҳам шунга муносиб.

Ҳудҳуд қушларнинг қўрқувини яна ваъз-насиҳатлар, ибратли ҳикоятлар билан тарқатади ва шу орада бирин-кетин кейинги йўл озуқалари (“*тўша*”лар) баёни берилади. Аввалги икки *тўша – тавба* ва *зуҳд* бўлса, кейингилари – *таваккул, қаноат, зикр, таважжуҳ, сабр, мароқиб ва ризо*дир. Жаъми 10 *тўша*га таъриф берилади. Асар давомида яна қушлар ва Ҳудҳуд ўртасида баҳс давом этади, аммо муайян қуш исмлари энди тилга олинмайди. Водийлар ҳам бошқа учрамайди. Аттор ва Навоийда “*водий*” деб ном олган тариқат йўлининг “*Талаб”, “Ишқ”, “Маърифат” “Истиғно”, “Тавҳид”, “Ҳайрат”, “Фақру фано*” босқичлари Ризоий достонида “*иқлим*” (“*Аввалги иқлим - Талаб*”, “*Иккинчи иқлим - ишқ*” ва ҳоказо) деб аталган. Достон «*Китоб хотимаси*» деган боб билан якунланади. Ушбу хотимада Аттор номи учрайди, аммо жумла мазмуни икки маънолидир:

Мушк ўз сиррин ўзи изҳор этар,
Йўққим, анинг васфини Аттор этар.

Асарда Алишер Навоийнинг таъсири аниқ сезилиб турса-да, бирор ўринда номини учратмадик.

Маълумки, Аттор асарлари ичида энг машҳури “*Мантиқ ут-тайр*”дир. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари ўртасида бу достон кенг тарқалган. Масалан, Қўлёзмалар илмгоҳи тавсифлар тўпламининг босмадан чиққан 2-жилдида бу асарнинг 20 нусхаси қайд этилган. Бундан ташқари, Қўлёзмалар институтидаги қисқа муддатли тажрибамиз - ярим йил тавсифлаш давомида яна уч-тўрт қўшимча нусхаларга дуч келдик. Бу асарга туркий тилда илгари Гулшаҳрий (XIV аср)[1] ва Алишер Навоий татаббуълари шуҳрат топган бўлса, энди улар қаторига – яна бир достон ушбу Ризоий асари қўшилди. Бу асарларни бир-бири билан жиддий муқояса қилиш ва ҳар бирининг ўзига хос томонларини батафсил ёритиб бериш келгусидаги вазифалардандир[2]. Ҳозирча энг умумий ва юзада кўзга ташланиб турган фарқларга назар ташлаш билан кифояланамиз.

Аввало, асар ҳажми Атторда (биз кўрган мўътабар қўлёзмаларда) 4290 байт (Гарсин де Тассининг 1857 йилда тайёрлаб нашр эттирган илмий-танқидий матнида 4459 байт), Навоий асари 3495 байт, Ризоий достони эса 4237 байтдан иборатдир. Ҳикоятлар сони Атторда 200дан ортиқ, Навоий достонида 63 та, Ризоий Пайвандийда 33 та. Номлари алоҳида тилга олинган қушлар Атторда Ҳудҳуддан ташқари 10та - Булбул, Тўти, Товус, Бат (Ўрдак), Кабк (Какликк), Ҳумой, Боз (Бургут), Бутимор (Балиқчи қуш), Буф (Бойқуш), Саъва. Навоийда Ҳудҳуднинг 14 қуш билан савол-жавоблари берилади. Жумладан, Қумри, Кабутар, Тазарв, Қорчиғой, Шунқор, Товуғ каби қушлар номи Атторда умуман учрамайди. Бутимор

[1] Бу шоир ҳақида турк олими Огоҳ Сирри Левенднинг тадқиқоти мавжуд – Levend A.C. Gulsehri ve Mantiku’t-tayri, Ankara, 1957. (Маълумот марҳум навоийшунос олим Шарафиддин Шариповнинг “Лисон ут-тайр» ҳақиқати” (Т. “Маънавият”, 1998, с.21-23, 152) асаридан олинди.)

[2] Мустақиллик йилларида ёш олима Шафоат Ҳасанова Ризоий достони устида тадқиқот олиб бориб номзодлик диссертацияси ёқлади ва 2009 йилда “Қуш тили” достонини кирилл ёзувига табдил қилиб нашр эттирди.

ва Саъва эса Навоийнинг назаридан четда қолган. Бундан ташқари "*Лисон ут-тайр*" достони бошланишида Ҳудҳуд тарғиб юзасидан 10 қушга хитоб қилади ва булар ичидан Дуррож ва Шоҳбоз кейинги баҳсга аралашмайдилар. Қушларнинг узр айтишдаги навбатида ҳам "*Мантиқ ут-тайр*" ва "*Лисон ут-тайр*" аро фарқлар бор: Аттор Булбулдан, Навоий Тўтидан суҳбатни бошлайди. Ризоий достони бу масалаларда тўлиқ форс тилидаги асл манба изидан боради. Ундаги қушларнинг савол бериш тартиби ҳам, саноғи ҳам, номлари ҳам Аттор асарига мос, фақат Ризоий Батни Ўрдак, Кабкни Каклик, Бозни Қарчиғай, Буфни Бойқуш деб ўзбекча таржимада берган.

Ризоий махсус эътибор қаратган *"йўл озуқалари" ("тўшалар")* на Аттор асарида, на Навоийда қайд этилмаган. *"Ҳалокат водийси"* ҳам фақат Ризоий асарида учрайди. Аттор ва Навоий "*водийлар"* деб атаган камолот босқичларини Ризоий «*иқлимлар*» деб атаганини кўрдик. Шу ерда яна бир кичик ўзига хослик мавжуд. Навоий "*Маърифат водийсининг васфи*" деб сарлавҳа қўйса, Ризоий шунга мувофиқ ўринда «*Дар баёни маърифат-ул-лоҳ*" деб сарлавҳа қўяди ва ёлғиз шу ерда "*иқлим"* сўзини ишлатмайди.

Энди ҳар уч асарнинг бошланиш байтларини солиштириб кўрайлик.

Фаридиддин Аттор – "*Мантиқ ут-тайр*":

Офарин жонофарини покро,
Онки жон бахшид мушти хокро.
Аршро бар об бунёд у ниҳод,
Хокиёнро умр бар бод у ниҳод.
Осмонро бар забардасти бадошт,
Хокро дар ғойиби пасти бадошт.
Он якиро жунбиши модом дод.
В-он дигарро доимо ором дод...
(Бир қисм тупроққа жон бахш этган,
Ул пок жон яратувчига офарин!
Осмон олий қабатини сув устига қурган ўшадир,
Тупроқдан яралганларнинг умрини елга берган ўшадир.
Осмоннинг қўлини у баланд этти,
Тупроқни забунликда ва йўқликда (ғойибликда) тутувчи ҳам ўзи.
Ул бирига (осмонга) у доимий ҳаракат бағишлади.
Ва бу бошқасига (заминга) у доимий ҳаракатсизликни тақдир этди.)

Алишер Навоий – *"Лисон ут-тайр*":

Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай.
Улки маҳлуқот халлоқидур ул,
Ондин ўзга фонию боқийдур ул.
Сониеъким чекти чун сунъи алам,
Офариниш тарҳини қилди рақам.
Айлагач дойир тўқуз афлокни,
Қосир этди фаҳмидин идрокни...

Ризоий Пайвандий – “*Мантиқ ут-тайр*”:

Эй, жаҳонни йўқ экач, бор айлаган,
Қудрати зотини изҳор айлаган.
Субҳ янглиғ ғайбдин айлаб зуҳур,
Солдинг офоқи шаҳодат ичра нур.
Туғди нурингдин жаҳон кунтак кулуб,
Қолмади шоми адамда ўртулуб.
Икки олам файзи нурингдур сенинг,
Бу батунинг, ул зуҳурингдур сенинг.
Олами ботинда сандин ўзга йўқ,
Олами зоҳирда зоҳир ҳам сен-ўқ.
Эй-ки нуринг сочмагунча файзи жуд,
Топмағай оламда мавжуде вужуд.
Токи бор ул нур файзи мустадом,
Бордурур аъёни оламға низом..

Мана бошланиш сатрлариданоқ кўриниб турибдики, ҳар уч асар ўз мустақил мазмуний ва ҳиссий йўналишига эга, уларни ҳеч бир шаклда бир-бирининг таржимаси ёки тақлиди деб бўлмайди. Шарқнинг бу ўзига хос бадииятини биз ниҳоят англаб етмоғимиз лозим. Афсуски, ҳалигача биз, асримиз бошида фидойи рус низомийшунос ва навоийшуноси академик Е.Э.Бертельс кескин эътироз билдирган, бадиий адабиёт моҳиятига “*ғарб китобхони кўзи билан қараш*” (яъни асарнинг умумий фабуласидаги ўхшашликдан келиб чиқиб, унинг бадиий оригиналлик қийматига баҳо бериш) касалидан қутула олмаяпмиз. Марксизм-ленинизмни ва сохта «*социалистик реализм*» назариясини оғизда рад қилиш ва ундан юз ўгириш осон, аммо ўз мумтоз маданиятимиз ва нафис адабиётимизнинг нозик нукталарини илғаб етишимиз жуда қийин кечмоқда.

Мисол сифатида оладиган бўлсак, Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида насрий баёни билан нашрга тайёрланган Алишер Навоийнинг “*Лисон ут-тайр*” достонига филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмонов ёзган сўзбошида яна XIX аср Европа ориенталистларининг аллақачон рад этилган мутлақо ғайри илмий қарашларини янгидан “*кашф этишга*” уриниш кўзга ташланади. Ушбу мунаққид ҳар икки асар мундарижасига ҳам ниҳоятда юзаки ёндошиб, Навоий асарини Фаридиддин Аттор достонининг оддий таржимаси даражасида талқин этади ва ўзининг бу “*кашфиёти*”ни марҳум академик Воҳид Зоҳидов қарашларига зид қўймоқчи бўлади. Ваҳоланки, 1928 йилдаёқ Е.Э.Бертельс “*Навоий ва Аттор*” асарида туркий достоннинг янгича мазмунга эга эканлигини етарлича далиллар келтириб исботлаб берган эди. Бу ҳақда алоҳида мақола эълон қилингани сабабли биз баҳсни давом эттирмай, фақат шуни эслатиб ўтмоқчимизки, бадиий адабиётнинг ўз қонунлари бор. Унда ҳар бир кичик унсур, ҳар бир жумладаги хиёл ўзгариш, маънонинг қай сўз билан ифодаланишига қараб бадиий тимсолда ўзгачаликлар бўй кўрсатади. Шу сабабли Яқин ва Ўрта Шарқда нафосатшунослик назарияси ўзига хос асосларга эга. Уларга кўра 100 та “*Лайли ва Мажнун*” достони яратилган бўлса, ҳар бирининг ўрни бошқа, қиймати алоҳида. Бир мавзу тасаввуф

руҳидаги шеърият учун ҳам (*“ҳақиқат тариқи*»), мажоз шеърияти *(“мажоз тариқи”* – атамалар Навоийники) учун ҳам тагзамин бўлиб хизмат қилиши мумкин, ҳамма гап бадиий талқинда.

Аттор, Навоий ва Ризоий асарларини сатрма-сатр солиштирилса, жуда ажойиб хулосаларга келиш мумкин. Бу келгусидаги вазифа. Ҳозирча, менинг дастлабки тасаввурларим бўйича, Фаридиддии Аттор ажойиб шоир ва оташин воиз хусусиятларини ўзида бирлаштирган. Унинг баъзи асарларида шоирлик устун келса (масалан, “*Хусравнома*”да), баъзисида (айниқса, “*Мантиқут-тайр*”да) воизлиги босиб кетади. Шунда соф тасаввуф шеърияти намунаси юзага келади. Тасаввуф шеъриятига ҳам бадиий адабиёт намунаси деб қараш лозим. Шу жиҳатдан, улар Ибн ал-Арабий, Фахриддин Ироқий ёки Абдураҳмон Жомийлар қаламига мансуб ирфоний рисолалардан фарқ қилади. Аммо шу билан бирга тасаввуф шеъриятида ирфоний эҳтирос бадиятни ўз мақсадига деярли тўлиқ бўйсундириб олишлиги, тасвирни кўпинча таъкид босиб кетишини ҳисобга олиш зарур. Тасаввуф шеъриятининг мумтоз даври, мумтоз намуналари бор – булар, Навоий таъкид этганидек, масалан, Аттор ва Румий дилларидаги аланганинг ёлқинларидир. Кейинги давр поэзиясида эса Ризоий Пайвандий асари сингари мўътадил, аммо ўзи танлаган йўналишни изчил тутадиган, кўпроқ ирфоний тушунчаларнинг бадиий-оммабоп баёнига урғу берадиган адабиёт яратилдики, бу ҳам соф тасаввуф шеъриятига мансубдир.

“ТУРК НАЗМИДА ЧУ МЕН ТОРТИБ АЛАМ...”

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қўлёзмалар институти илмий кенгаши ёш олим Дилшод Райҳонов тайёрлаган илмий тадқиқот ишини муҳокама этди. Унда Шарқий Туркистон XVIII–XIX асрлар адабий ҳаётида Алишер Навоий асарларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Маълум бўлишича, уйғур адабиёти бевосита Алишер Навоий ижоди таъсирида, уни кенг ўқиб ўрганиш асосида гуллаб ривож олган экан. Шоир асарлари ҳам ҳукмдорлар қошида, ҳам меҳнаткаш халқ назарида муҳтарам тутилар, шоирлар унга татаббуълар бағишлаб, адиблар достонларнинг насрий баёнига киришган, хаттотлар табаррук қўлёзмалардан нусхалар кўчиришиб, ҳофизлар Навоий ғазалларини куйга солишар экан. Яъни, буюк Алишер уйғур халқининг ҳам ўз севимли фарзанди, уйғур адабиётининг ҳам энг улуғ намояндаси саналар экан. Биз турк, туркман, татар ёки озарбайжон адабиётига назар солсак, яна худди шу ҳолатни кузатишимиз мумкин[1]. Алишер Навоий барча туркий халқларнинг ўз шоири, мумтоз адабиётининг пешқадам намояндаси ҳисобланадики, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқдир. Ахир, устоз ўзи «Лисон ут-тайр»да лутф этганлар-ку:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Соҳибқирон Темур бирлаштирган юрт унинг вафотидан кўп ўтмай парчаланиб кетган бўлса, шоир асос солган маънавий дунё, тил бирлиги то XX аср бошларигача ўз яхлитлигини йўқотмай келди. Ироқда туғилиб, бутун умр ўша ўлкада яшаб ўтган Муҳаммад Фузулийнинг девони ва достонлари XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон матбааларида 56 марта, Озарбайжонда бир марта нашр этилгани ҳақида маълумотлар бор. Фузулий Алишер Навоийни ўзига устоз деб билади. У назарий асослаган мажоз тариқига риоя қилади:

Тутсам талаби ҳақиқата роҳи мажоз,
Афсона баҳонаси-ла арз этсам роз,
Лайли сабаби-ла васфин этсам оғоз,
Мажнун дили ила этсам изҳори ниёз.

XVIII асрда яшаб ўтган туркман шоири Нурмуҳаммад Андалибнинг Ишқободда босилиб чиққан шеърлар китобида шоирнинг Навоий ғазалларига боғланган 17 мухаммаси, Фузулийга икки, Убайдийга бир мухаммаси жой олган. Абдураҳмон Жомийнинг туркий тилида битган ажойиб ғазалига боғлаган мухаммаси эса айрича диққатга сазовордир:

Боқсам тўлар кўзимга сиришк, ул қуёшга,
Йўқдур юзинг назарда, кўзум тўлди ёшга,

[1] 2009 йили Бокуда Озарбайжон республикасида Навоий ижодини ўрганишга бағишланган мақолалар тўплами чоп этилди. Филология фанлари номзоди Олмос Улвий хоним тўплаб нашрга тайёрлаган бу китоб “*Алишер Навоий Озарбайжон адабиётшунослигида*” деб номланган бўлиб унда 1907 -2008 йиллар орасида Озарбайжон матбуотида эълон қилинган мақолалар жамланган бўлиб, бу китобнинг нашр этилиши то шу кунгача қардошларимиз хотирида буюк шоир яшаб ва яшнаб келаётганлигининг яна бир исботидир.

Зулминг зиёда бўлди мени дилхарошга,
“Зулфинг хаёли тушгали шўрида бошга
Ғам бошқа ўлтирур мени, ҳижрони бошқа”.
Пири муғонга банда бўлиб, пандин олгумен,
Бу навъ бирла дайр аро шойиста бўлгумен,
Ушшоқ мазҳабинда йўқ эрса уялгумен,
«Меҳробга не фарзки мен сажда қилгумен,
Қилгумдурур сужуд мен ул икки қошга».
Тутдим ўзимга дайр эшигинда ҳаримни,
Итлар била сафолидин ичдим наъимни,
Зор йиғладим кўнгулга солиб онча бимни,
“Ашкимни қон кўриб, деди: “кўргил етимни,
Бурни қонади, оғзи етишганда ошга».
Бўлди зиёда ишқ ўти куйдургали мени,
Йўқ раҳм бирла бир киши қайғургали мени,
Ғамзанг балоси қаҳр ила ёзғургали мени,
«Қошу кўзинг талошадур ўлдургали мени,
Ўлдур мени-ю, қўйма иковни талошга».
Ул Андалиби хаста мени – зора ўхшади,
Фарсуда жисми ғам юки остида говшади,
Ушшоқ ўйинин рост сурудида бошлади,
«Жомий бир оҳ чекди, анинг кўнгли юмшади,
Оҳим ўтин кўр, не асар қилди тошга.”

Албатта, Ишқободда ҳозирги туркман ёзуви асосида чоп этилган мухаммасни мен ўзбекча талаффуз қоидалари асосида кўчирдим. Аммо араб ёзувининг бир хислати ҳам шундаки, бу ёзув бир шакл билан ифода этган сўзларни туркман ўз лаҳжасига, уйғур ўз талаффузига, татар ёки қозоқ яна ўзига мослаб ўқиши мумкин, Улар Навоий ғазалларини, Андалиб ёки Фузулийни ўқир эканлар, бир-бирларини тушуниб турадилар.

Ҳозирги кунда душанбелик тожикни қандаҳорлик афғон доим ҳам яхши англайвермайди; Аммо Ҳофиз ғазаллари ва Низомий достонлари барча форсийзабон халқларга завқ бағишлай олади. Алишер Навоийни юксак чўққига олиб чиққан назм ва наср тили ҳам худди шундай бутун туркий тилли халқлар учун умумийдир. Демак, ушбу тилда яратилган маънавий хазина ҳам яхлитдир, муштаракдир. Биз халқлар дўстлиги ҳақида гапирар эканмиз, барча туркий халқларнинг тил ва маънавият бирлигини, қадим турк тошбитикларидан улгу олиб, Адиб Аҳмад тўртликлари ва Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Юсуф Хос Ҳожиб эпопеяси ва Рабғузий қиссаларида ривож олган, Алишер Навоийга келиб мукаммал мазмуний ва шаклий яхлитликка эришган, Фузулий ва Машраблар давом эттирган бирликни, биродарликни унутмаслигимиз керак. Яқин ва Ўрта Шарқда эрамиздан олдинги минг йилликдан шакл ола бошлаган, IX–XV асрларда юксак босқичига кўтарилган **ягона минтақа маданияти** жаҳоний аҳамиятга эга бўлган уч тилда – араб, форс, турк адабий тиллари асосида ривож олди ва бир ярим минг йиллик туркий тилдаги ёзма адабиёт унинг узвий қисми бўлиб, бу мерос тан олинмаса, умумминтақа маданияти ўз яхлитлиги ва мукаммаллигини йўқотади.

Алишер Навоий даҳосининг алоҳида қиймати ушбу умумтурк тилидаги бадиий ижод намуналарини энг юксак чўққига чиқариб турк эли маънавий мамлакатини якқалам этганлигидадир.

Маълумки, форс тилидаги мумтоз адабиёт турли маконларда ривож топди. Масалан, Озарбайжон форсийзабон шеърияти, Ҳинд форсийзабон шеърияти, Мовароуннаҳр форсийзабон шеърияти ва бошқалар тилга олинади. Булар барчаси бир улуғ адабиётнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Худди шунингдек, туркий адабий тилдаги Ўрта асрларда яратилган шеърият ҳам Шероз адабий мактаби, Ироқ мактаби, Ҳирот (Хуросон), Самарқанд-Бухоро (Мовароуннаҳр) адабий мактаблари, кейинроқ, XVII–IX асрларга келиб, Хоразм адабий муҳити, Қўқон, Қашқар (Шарқий Туркистон), Қозон-Уфа (Волгабўйи), Озарбайжон (Кавказ орти) адабий муҳитлари каби доираларда ривож олди ва айрим шева ўзига хосликларини унутмаган ҳолда тан олиш керакки, булар барчаси тил ва мазмунда умумийлик ва муштаракликка эга эдилар. Бу муштаракликнинг камолоти бевосита Алишер Навоий бадиий қудрати билан боғлиқдир.

3-қисм. XX аср. Мустақиллик арафаси.
1980-1991 йиллар.

ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

1-Б О Б

«ҲАҚИҚАТ ТАРИҚИНИНГ СУХАНВАРИ»

Атроф саҳро. Ҳудудсиз қум денгизи жазирамада олов янглиғ жимирлаб кўзни қамаштиради. Ҳорғин йўловчилар бир ютум сувга зор ўлароқ олға қараб бемадор сургалишади. Барчанинг нигоҳи олис уфқларда. Ниҳоят, сафларнинг олди қаторидан хаста ва ҳазин овоз келади: «*Олдинда бир кўм-кўк водий нишона бермоқда».* Беҳисоб кўзлар умидвор ўша томон талпинади: *"Қани? Қани ўша водий? Ҳаёт водийси! Бахт водийси!*»

Аммо йўловчининг нигоҳи яна алданади. Уфқларда ҳеч нарса йўқ. Фақат жазирама қум денгизи. Кўринган шарпа эса – аёвсиз саҳронинг навбатдаги «*ҳазили*» – сароб.

Сув – бу ҳақиқат. Йўловчилар – инсоният. Асрлар оша «*бахт*» дея, «*обиҳаёт*» дея, «*Ҳақиқат*» дея олға силжиб келаётган инсоният. У ўз йўлида не-не кичик, жузъий ҳақиқатларни қўлга киритмади, не-не қудуқлар, сардобалар, булоқ ва жилғалардан ўз ташналигини муваққатан, бир муддат қондириб бормади. Аммо йўлдан тўхтагани йўқ. Чунки унга Инсонлик моҳиятини, аҳли Башар тушунчасининг асл мазмунини ечиб бергувчи, ҳар бир инсоннинг тўкис ва устувор бахтини таъмин этиш тариқини ёритиб бергувчи улуғ Ҳақиқат керак. Жузъий, кичик ҳақиқатлар – бу қудуқ ва сардобалар – йўлчи учун бир дам ҳордиқ, нафасни ростлаб олмоқ учун бир кичик имкон, холос.

Ўрта асрлар Шарқ мумтоз шеъриятининг энг ёрқин сиймоларидан бири, буюк форс суфий шоири Фаридиддин Аттор ана шундай олий Ҳақиқатни умр бўйи ёниб излаганлардан бири эди.

Шоир XII аср иккинчи ярми – XIII аср бошларида яшаб ижод қилди. Бу давр ислом минтақа маданияти ривожида муайян сиёсий юксалиш босқичининг тугай бошлаганидан нишоналар берувчи дастлабки сиёсий, ғоявий ва маданий инқироз унсурлари билан тўлиб тошган замон эди. Салжуқийлар сулоласининг инқирози, Ҳиндистондан Ғурийлар, Хоразмдан Абулмузаффар Такаш ва охирги Салжуқий султонларининг ўзаро талашлари, айниқса, туркманларнинг ғуз қабиласи босқинлари шоир ватани Нишопур шаҳрини қаттиқ вайрон этди. Аттор умрининг сўнгги даврига тўғри келган мўғул босқини буларнинг барчасидан ўтиб тушди. Шоир асарларидаги чексиз алам билан йўғрилган умидсизлик кайфиятининг объектив асослари ушбу тарихий инқироз вазияти билан изоҳланса, эҳтимол. У ўзининг бевақт туғилганини яхши билади, аммо барибир шундай фожиавий шароитда ҳам юраги бахтга интиқ, ўзини яратган Олий қудратдан нажот тилайди.

Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Хелмут Риттер, Абдулваҳоб Аъзам, Абдулҳусайн Зарринкуб, Маҳди Ҳомидий ва бошқа бир қатор хорижий Шарқ ва Ғарб олимлари унинг асарларида асосан ирфоний ғоялар ифодасини кўрадилар. Аттор ирфони алоҳида мавзу. Биз бу соҳадаги забардаст тадқиқотчилар билдирган фикр ва хулосаларни жиддий қабул қиламиз ва улар билан бирор тарзда баҳсга киришувга ўзимизда журъат ва қувват сезмаймиз. Аммо Аттор, аввало, истеъдодли шоир, бадиий тафаккур эгаси. Шу нуқтайи назардан, биринчи галда унинг шеърий сатрлари остида яширинган буюк ижодкор шахснинг дил дардлари, қаттол замона зулмига қарши исёнкор руҳи, мазлум халқ кўргуликларига

куйиниши, энг муҳими, давр тарихий воқелиги қўйган мушкул ва бешафқат саволларга ўртаниб жавоб излашлари бизнинг диққатимизни тортади. Аттор тасаввуф шоири, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «*ҳақиқат тариқи*»нинг йўлчиси. Биз уни тасаввуф назариётчиси эмас, балки воқеликни бадиий идрок этувчи ва бадиий тимсолларда акс эттирувчи ҳассос шоир сифатида кўришга ҳаракат қилдик.

Аттор, дунёқарашига кўра, ўзини башариятдан, Борлиқдан айру кўрмайди, унингча инсон ва инсоният, барча жонзот ва бутун коинот бир бутун, яхлит. Шундай экан, атроф-жамиятдаги барча адолатсизлик, фасод, «*булғанчлик*» шоирга, ҳар бир инсонга бевосита алоқадор. Бундай нуқтайи назар ўша даврдаги мураккаб сиёсий-ижтимоий воқелик ва унинг идроки даражасида инсон «*нафси*»ни, унинг моддийлигини, яъни унинг асл моҳиятига дахлдор жиҳатларни мутлақо рад этиш кайфиятларини туғдириши табиий эди.

«*Булғанчлик*» манбаини моддий инсонга хос ҳирсу ҳавасларда, худбин интилишларда кўрган шоир, жўшиб кетганда, ўзининг эҳтиросли вужудини ҳам инкор этади. Мавжуд жамиятнинг булғанчлигига, фасод бойлаб кетганига тоқат эта олмаган шоир бутун башарият учун айбни ўз бўйнига олади,

Аттор идеали, унинг интилган Ҳақиқати, аввало, Поклик тимсолида намоён бўлади. Унингча, Поклик Олий руҳий қудратнинг асосий сифатидир. Унинг тасаввуридаги «*Мутлақ пок борлиқ*» ўша давр ислом динига эътиқод этувчи кўпчилик тасаввуридаги Тавҳид тушунчасининг талқинидан фарқ қилади. Шоир **ирфоний шатҳиёт** жазабасида баъзан ҳатто барча диний китоблар, жумладан, Қуръон матнининг талқинларини ҳам Олий моҳиятни англашга тўсқинлик қилувчи бир парда деб ҳисоблаб, бутпарастлар топинувчи санамларга қиёс этишдан тоймайди. Пайғамбар ва расулларнинг сўзларини илоҳий калом билан тенглаштириш тамойилларини кескин қоралайди.

«*Атторнинг худо ҳақидаги тасаввури,* – деб ёзади А.Муҳаммадхўжаев «*Фаридиддин Атторнинг дунёқараши*» китобида, – *Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа кўпчилик Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг худо ҳақидаги тасаввурларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди*». Унинг тасаввуридаги Олий пок борлиқ – бутун борлиқнинг ягона мутлақ моҳиятидан иборат бўлиб, уни алоҳида кўриш ва тасаввур қилиш мумкин эмас:

Жумла олам бе ту мибинам аён,
Ва-з ту дар олам намибинам нишон[1].
(Барча оламни сенсиз аён кўриб турибман,
Ва оламда сендан ҳеч бир нишона кўраётганим йўқ.)

XIII аср тасаввуф шеъриятининг бу буюк намояндаси, назаримизда, ҳаётий мураккаб жараёнларни изчил ички ривожланишда олиб қарамайди. Ушбу хусусият унинг асарларидаги умумий пессимистик руҳнинг кучли намоён бўлишига сабаб бўлган ва кейинги асрларда унинг ижодини турли гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида турлича талқин этишларига имкон берган. Бу ўринда Аттор қўлёзмаларига атайин «тузатишлар» киритиш, шоирнинг исёнкорлик руҳини ошкор этиб қўювчи маълум сатрларни «*қисқартириш*», кейинги асрларда «*ижод қилинган*» ўта тенденциоз «*асарлар*»ни шоирга нисбат бериш каби

[1] А.Муҳаммадхўжаев ўз китобида Теҳрон нусхаси асосида ушбу байт биринчи сатрини «жумлаи олам ба ту бинам аён» (Барча оламни сен туфайли аён кўриб турибман) шаклида келтиради. Бундай фарқлар яна бир марта Аттор асарлари матнига ёндошув ғоявий мақсадлардан холи эмаслигини исботлайди.

сохталаштиришнинг турли усуллари қўлланилган бўлиши мумкинлигини ҳам назардан соқит этиб бўлмайдики, ушбу ҳолатлар, биринчи навбатда, шоир мероси устида жиддий матншунослик тадқиқотларини талаб қилади.

А.Муҳаммадхўжаев ёзишича, шоир ўша даврларда шаҳар ҳунарманд доиралари орасида урф бўлган футувва (жавонмардлик, саховатпешалик, ўз манфаатларидан ўзганинг манфаатини устун қўйиш принципларига асосланган ўртоқлик жамоалари) таълимотининг тарафдори бўлган ва бу соҳада, ҳатто махсус «Футувватномайи манзум» (Шеърий футувватнома) номли достон битган[1]. Бу достонда Аттор футувва аҳлининг 72 фазилатини таърифлаб беради, жумладан, ростгўйлик, аҳдга вафо, ўзгага холис ёрдамга доим тайёр туриш, бахти қайтган инсонларни бахтли этиш йўлида фидойилик каби ажойиб умуминсоний хислатлар ушбу таълимотнинг асосини ташкил этарди.

Албатта, Аттор ижодининг бутун моҳиятини жузъий кузатишлар билан қамраб олишга уриниш бефойда. Унинг бой ва мураккаб бадиий олами кенг ва муфассал тадқиқотларни талаб қилади. Бизнинг асосий мақсадимиз Фаридиддин Аттор ижодининг муфассал тадқиқи эмас, балки унинг Алишер Навоий туфайли ўзбек адабиёти ихлосмандлари орасида машҳур бўлган «*Мантиқ ут-тайр*» достони мазмуни ҳақида баъзи мулоҳазалар билдиришдир.

Маълумки, Шарқ адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси академик Е.Э.Бертельс 1928 йилда ёзилган «*Навоий ва Аттор*» асарида Алишер Навоийнинг «*Лисон ут-тайр*» достонини «*Мантиқ ут-тайр*»нинг 1857 йилда француз шарқшуноси Гарсин де Тасси тайёрлаган илмий-танқидий матнига қиёслаган эди. Биз француз олимининг жиддий меҳнатга жилла бўлса ҳам ҳурматимизни камайтирмаган ҳолда, Навоий даврига яқин қўлёзмани қидиришни лозим кўрдик ва шундай қўлёзмани Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондидан топишга муваффақ бўлдик. Бу 813-инвентарь тартиб рақами остида сақланаётган «*Ситтайи Фаридиддин Аттор*» (Фаридиддин Аттор олтилиги) номли ноёб қўлёзма экан. «*Мантиқ ут-тайр*»дан ташқари яна тўрт достон ва шоир девонини ўз ичига олган бу китоб баъзи маълумотларга кўра 1424 йилда Ҳирот шаҳрида кўчирилган.

Достоннинг асосий сюжетига 200 дан зиёд ҳикоят-тамсиллар ва бир йирик қисса киритилган. Аттор «*тавҳид», «ҳамд», «наът*» каби анъанавий боблардан сўнг «*Ақлга хитоб*» сарлавҳаси остида Ҳудҳудга мурожаат билан асосий мавзуга киришади:

Марҳабо, эй Ҳудҳуди ҳодийшуда,
Дар ҳақиқат пайки ҳар водий шуда.
Эй ба сарҳадди Сабо сайри ту хуш,
*Бо Сулаймон «**мантиқ ут-тайр**»и ту хуш...*
(Хуш келибсан, эй йўлбошловчи бўлиб етишган Ҳудҳуд,

[1] Тадқиқотчи бу достон ҳақида мукаммал маълумот бермайди, аммо Атторнинг биринчи издоши, XIV асрда ижод қилган турк шоири Гулшаҳрий ёзган «*Мантиқ ут-тайр*» асари тўлиғича футувва ғояларини тартиб қилишга бағишланганлиги Ш.Шариповнинг «*Лисон ут-тайр*» генезиси ҳақида ёзилган асаридан китобхонга маълум. Шу нарсани афсус билан қайд этмоқ керакки, ўзбек кенг китобхон аҳлига яқингача ҳам ахийлик, футувва, жавонмардлик жамоалари ва уларнинг фалсафий-социал асослари ҳақида етарли маълумот берувчи адабиёт йўқ эди ва ҳатто 14 томлик «*Ўзбек совет энциклопедияси*»да ҳам бу каби атамаларнинг шарҳи берилган эмас. Ваҳоланки, Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари ўз даврида бу тушунчаларга алоҳида эътибор билан қарашган. Мустақиллик шарофати билан Воиз Кошифийнинг «*Футувватномаи султоний*» рисоласи Н.Комилов томонидан ўзбекчага ўгирилиб нашр этилганлиги бу соҳада катта ютуқ бўлди.

Ҳақиқатни билишда сен ҳар бир водийдан хабар
берувчи бўлиб етишдинг.
Сабо мамлакатига сенинг сайринг қутлуғ бўлсин,
Сулаймон билан қушлар тилида суҳбатинг қутлуғ бўлсин...)

Бу сатрларнинг мажозий мазмуни жуда теран. Улар машҳур ривоятдаги Ҳудҳуднинг Сулаймон пайғамбар билан Сабо мамлакатининг маликаси Билқис ўртасидаги элчилигига ишора қилмоқда. Бундан ташқари, Аттор Ҳудҳуд тимсолида Ақлни назарда тутади (Ҳудҳуднинг бошидаги тожи бу рамзга ишора ва Ақл инсон ҳис-туйғуларини етаклашда йўлбошловчи бўлиб етишгани, Ҳақиқатни англаб етишида инсон учун асосий восита деб тан олингани таъкидланмоқда). У Сабо мамлакатига – ишқ оламига сайр этади, Сулаймон, яъни Олий қудрат даракчиси билан қушлар тилида суҳбат қура олади. Кейинги сатрлар ушбу талқинни тўлиқ тасдиқлаш баробарида яна Атторнинг асосий концепциясига китобхон диққатини қаратади:

Девро дар банди зиндон боз дор,
То Сулаймонвор боши роздор.
Девро вақти ки дар зиндон куни,
Бо Сулаймон қасди шодирвон куни.
(Девни зиндонда банди этиб сақла,
Шундагина Сулаймон сингари(ҳақиқат) сирини англай оласан.
Девни зиндонга қамагачгина,
Сулаймон билан шоҳ чодирида суҳбат қуришни ўйласанг бўлади).

«Дев» деганда Аттор яна ўша моддий ҳирсу ҳавасларни назарда тутмоқда. Яъни Инсон ақл қудрати билан моддий истакларини енгиб ўтгандагина, Олий ҳақиқатни англаш даражасига етиша олади, демоқчи.

Шу тартибда Аттор яна ўн икки турли тоифа қушларга мажозий мурожаат қилади. Шундан сўнг Ҳудҳуднинг қушлар жамоасига мурожаати бошланади. Унинг сўзларидан маълум бўлишича, у ўз подшоҳини таниган, фақат ҳузурига танҳо йўлга чиқишга қудрати етмайди. Лекин бошқа қушлар унга ҳамроҳлик қилишса, ул шоҳ ва ул олий даргоҳга маҳрам бўлиш насиб этиши мумкин. Бу олий ҳукмдорнинг номи Симурғдир. Қушларнинг саволларига жавобан Ҳудҳуд уни таъриф этади ва барчалари Симурғга етишиш орзусида йўлга отланадилар. Аттор асосий сюжетда эпик тасвирга кўп мойил эмас, унинг достонида ҳис-ҳаяжон, туйғулар тошқини кучли, эпик ҳикоя кўп ўринда жуда қисқа ва шартлидир. Масалан, қушларнинг Ҳудҳуд тарғиботи таъсирида йўлга отланишлари ва йўл қийинчиликлари атиги уч байтда мухтасар ифода этилган, холос. Кейин яна қушлар ва Ҳудҳуд орасида баҳс-мунозара бошланиб кетади. Ҳар бир қуш йўл қийинчиликларидан зорланиб, ўз аҳволини баён этиб, умумий мақсад йўлида интилишдан тўхташга баҳона излай бошлайди. Ҳудҳуд эса уларнинг ҳар бир узрига ўринли инкор жавоблари бериб, гапининг исботи учун ибратли ҳикоялар келтиради, уларни ўз интилишларида собитқадамликка ундайди.

Қушлар йўлбошловчидан Симурғнинг ўзларига нисбатан қандай эканлигини суриштириб, шундай жавоб олишади:

Сурати мурғони олам сар басар
Сояйи уст, ин бедон, эй бехабар.
Ин бедонисти, бубин онгаҳ бибош,
Чун бидонисти, макун он роз фош.
(Оламдаги барча қушларнинг сурати
Унинг соясидир, буни бил, эй, бехабар.
Буни билдингми, қара, энди жим бўл,
Билган бўлсанг, ул сирни фош этма.)

Аттор достонининг ўзак ҳикояти Шайх Санъон қиссасидир. Бу достон ичра достон асарга қуйидаги сабаб билан киритилади. Қушлар барча узр ва саволларига мукаммал жавоб олгач, «*йўл кайфиятини*» сўрайдилар, яъни Симурғ сари интилган йўлчидан, аввало, қандай сифат талаб қилинишини билмоқчи бўладилар. Ҳудҳуд айтадики, бу йўлда асосий сифат фидойи ва беғараз ишқдир. Аттор қаҳрамони тилидан ишқни таъриф этар экан, ниҳоятда жўшиб кетади:

Гар туро гўянд аз имон бар ой,
Ва-р хитоб ояд туро к-аз жон бар ой,
Ту гаҳ инро ва гаҳ онро барфишон,
Тарки имон гиру жонро барфишон.
Сангари гўянд ки ин бас сангар аст,
Ишқ гў аз куфру имон бартар аст.
Ишқро бо куфру бо имон чи кор,
Ошиқонро лаҳзае бо жон чи кор?!
(Агар сенга имондан кеч деб айтишса,
Агар «жондан кеч» деб хитоб янграса,
Сен дарҳол бунисидан ҳам, унисидан ҳам воз кечиб қўй,
Имонни тарк этгину, жондан юз ўгир.
Бу тўсиқ (яъни куфр ва имон орасидаги тўсиқ)
жуда маҳкам дейишади,
Айтгинки, ишқ куфр ва имон
(аро зиддият)дан юксакроқдир.
Муҳаббатнинг куфру имон билан қанчалик иши бор?!
Ошиқларнинг бирор лаҳза жон билан ишлари борми ?!)

Шоир қалбидан тошиб келган бу эҳтиросли хитоблар тасаввуф маънавиятининг юксак парвозларидир. Мурғак Алишерни ўз сеҳрига чулғаган, унинг истеъдодига чўғ туташтирган худди шу сатрлар бўлса, не ажаб! Ушбу чақмоқли мисралар давомида баён этилган қисса ҳам «*Мантиқ ут-тайр*» достонининг авж пардаларини ташкил этади.

Каъбада эллик йил улуғ шайх бўлмиш Санъон тушида бир насроний маликани кўриб севиб қолгани ва барча обрў рутбаларидан кечиб, ўша тарсобачча санамнинг йўлига борлиғини, дину имонини бағишлагани ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя ўқувчига яхши маълум, бу ҳақда озар шоири Ҳусайн Жовид яратган драма ҳам кўп театрлар саҳнасида кўрсатилган. Алишер Навоий «*Лисон ут-тайр*» достонида воқеанинг асосий мазмунини му-

каммал гавдалантириб берган. Шу сабабли биз достон мазмунини такрорлаб ўтирмай, фақат баъзи жиҳатларига китобхон эътиборини тортмоқчимиз.

Аттор ўз достонини:

Шайх Санъон сирри аҳди хеш буд,
Дар камолаш ҳар чи гўям беш буд –
(Шайх Санъон ўз даврининг сири эди,
Камолоти, ҳар қанча таъриф этмай, ундан юқорироқ эди)

деб бошлайди. Бу сўзлар бутун қисса мазмунига калитдир. Дарҳақиқат, эллик йил Каъбада шайх бўлган, эллик марта ҳаж шартларини бажарган ислом динининг пешвоси аллақандай бир тарсо қизига хобида ошиқ бўлиб, ҳамма мартаба ва имтиёзларидан, орттирган обрўсидан воз кечиб йўлга чиқиши ва охир натижада тарсо қиз висолига етмоқ учун исломдан, имондан кечиб, ўзга динга ўтмоғи, унинг учун энг табаррук китоб «*Қуръон*»ни ўтга ёқиб, исломда энг ҳаром жонзот ҳисобланган чўчқаларни парвариш қилишга рози бўлмоқлиги – булар асло ҳирсу ҳавас туғёнининг белгиси бўла олмас эди. Унинг маънавий камолотини таъкидланиши ҳам бунга далолатдир. Назаримизда, бу 1221 йилда ёзилган асар Ғаззолийнинг ислом минтақасида турли оқимлар аро мўътадилликни таъминлашга қаратилган маънавий ислоҳотларидан, айниқса, унинг тасаввуф ирфонини муайян шариат қоидалари чегарасида талқин этишидан қониқмаслик руҳини ифодалар эди. Чунки Аттор ирфонида ҳам Ҳақиқат ишқи, Навоий талқинидаги Мансур Халлож хаёл қилганидек, дунёдаги барча мазҳаб намояндаларини бирлаштира олиши мумкин бўлган умумий бир эътиқод сифатида тасаввур этиларди. Шу сабабли бўлса керак, ўзи ақлдан туйғуни устун кўришига қарамай, гўё юнон фалсафа илмини танқид этган Ғаззолийга қасдма-қасд Рум гўзалига ошиқ бўлган Санъонни ўз асарига марказий қаҳрамон қилиб олади. Аттор асарининг етакчи ғояси Навоийнинг ҳам дилидаги армон, унинг учун ҳам мафтункор ва ўта оҳанрабо орзу эди.

Аммо XII асрда ҳануз шайх Санъон жасорати, маълум маънода, Атторнинг ўзи учун ҳам сир эди. Балки, шу сабабли буюк форс тасаввуф шоири ўз ғояларининг ҳимоясида изчил бўла олмади, унинг зиддиятли тафаккури доимо «*ишқ*» ва «*имон*» орасида тараддудда турди. У ўз қаҳрамонини юрак билан ёқлайди, ақл билан қоралайди, ботиний эҳтирос билан кўкка кўтаради, зоҳирий мулоҳазалар билан ерга уради. Румдаги дайрда тарсо қизининг шоир томонидан ички ҳавас билан муфассал таъриф этилган сулув жамолини кўргач –

Шайх имон дод, тарсоий харид,
Оқибат бифрухт, расвоий харид.
(Шайх имонини қўлдан бериб, тарсоликни сотиб олди,
Келажак дунёсини сотиб, расволикни олди.)
Аттор қиссасини бошлашдан бурун –
Ишқро дарди бебояд пардасўз,
Гоҳ жонро пардадар, гаҳ пардадўз, –
(Ишқ дарди пардани куйдирувчи бўлиши,
Гоҳ жон пардасини йиртувчи, гоҳ тикувчи бўлиши лозим.)

деган эди. Бу сатрлар мазмуни шоирнинг ўзига тамомила дахлдордир. Шайхнинг инсонлар орасидаги барча зоҳирий тўсиқларни куйдиргувчи алангали муҳаббати Аттор дилидан учқунлангандир, шайх Санъоннинг ўтли нидолари орқали Ошиқ шоир ўзи «*пардани йиртиб чиқиб*», дил дардларини тўкиб солади ва яна қаҳрамон эҳтиросларини парда қилиб ўзини паналайди.

Қисса бошида ишқни имондан юқори қўйган шоир якунлашда яна қушлар Санъон ишқини фақат бир тамсил, «*ҳақиқий ишқ*» (Симурғ ишқи) йўлида рамз (аллегория) деб қабул қилганларига ишора қилади, яъни бадиий тафаккур даражасида замона ақидаларига риндона исён кўтарган ҳолда, суфий сифатида яна мўътадилликни сақлаб қолади.

Қушлар бир муддат олға парвоз этиб, йўлнинг поёнсиз машаққатларидан толиқадилар ва яна Ҳудҳуд билан ораларида баҳс бошланади. Қисқаси, то тариқат водийлари шарҳига ўтилгунча (тақрибан 1,5 минг байт давомида) ўн бешга яқин қушнинг Ҳудҳуд билан савол-жавоби берилади. Ҳар бир жавоб бир неча ҳикоят орқали далилланади.

Охирги қисм водийларга бағишланган. Йўлбошчи Ҳудҳуд навбатдаги қушнинг саволига жавобан аввал 7 водий (*талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано водийлари*)ни номма-ном санаб, сўнг ҳар бирини алоҳида васф этади ва ҳар сафар 5-6 ҳикоят билан тавсифни муайянлаштиради.

Асар охирида минг машаққат ичра ҳудудсиз йўл босиб, кўпчилиги сафар давомида қолиб кетган қушларнинг жуда оз қисми «*ул Олий даргоҳ*»га етиб борадилар:

Олами пур мурғ мибурданд роҳ,
Беш нарасиданд си он жойигоҳ.
(Улар йўлга тушганда бир олам қуш эдилар,
Ул даргоҳга ўттизтадан ортиғи етиб келмади.)

Аммо улар етиб келган жой жуда маҳобатли бўлиб, бунда юз минглаб офтоб бир зарра каби арзимас туюларди. Ожиз ва бенаво ўттиз қуш қалбини яна қўрқинч ва умидсизлик қоплайди:

Кай падид оим мо ин жойигоҳ,
Эй дариғо, ранжбурди мо зи роҳ...
(Биз бу даргоҳда қандай ҳам кўзга ташлана олар эдик,
Эҳ, афсус, шунча йўл босиб тортган азоб уқубатларимиз...)

Қушлар шундай тараддуд ичра турганларида парда ортидан «*Иззат човуши*» (ҳудайчиси) чиқиб келиб, улардан нега келганликларини сўрайди. Қушлар ўз аҳволларини баён этиб, биз шунча йўл босиб, дард чекиб, Симурғдан бизга подшоҳ бўлишини илтимос қилиб келдик, дейишади. Човуш жавоб қиладики, «*агар сизлар жаҳонда бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам у мутлоқ ва абадий подшоҳдир*».

«*Иззат човуши*»нинг бу хитобига жавоб сифатида Аттор парвона ва шам ҳақида ҳикоят келтириб, қушлар кайфиятини билвосита изҳор этади. Шу пайт умидсизликка тушган йўлчилар олдида «*ҳожиби лутф*» (мурувват дарвозабони) пайдо бўлиб, қушлар олдидаги пардаларни бирма-бир кўтаради ва уларни бир нурли парда қаршисига етказиб, «*яқинлик*

остонаси»да «*ҳашамат ва иззат курсилари*»га ўтқазгач, қўлларига бир руқъа (хат битилган қоғоз) бериб, шуни охиригача ўқинглар, дейди.

Шоир шу ўринда Юсуф пайғамбар ва унинг биродарлари ҳақидаги ҳикоятни тамсил сифатида келтиради. Маълумки, отасининг севимли кенжа ўғли бўлмиш гўзал Юсуфни биродарлари рашк қилиб, саҳрода бир қудуққа элтиб ташлашган, сўнг савдогарга қул қилиб сотишган ва унинг кўйлагини қонга бўяб, йиртқичлар еб кетди, деб отасига хабар келтиришган эди. Орадан кўп ҳодисалар ўтиб, Юсуф тақдир тақозоси, ўзининг соф кўнгиллиги ва ақл-идроки туфайли Миср азизи даражасига етишади. Юртда қаҳатчилик бошланиб, очликдан қийналган акалари ўз биродарларини танимай, олдига нон сўраб келишади. Юсуф уларга айтади-ки, «*менда бир яҳудий тилида битилган ёзув бор, ҳеч ким уни ўқий олмаётир, агар сизлар шуни ўқишга ёрдам берсаларингиз, сизга қанча бўлса нон бераман*» (Юсуф ва акалари, ривоятдан маълумки, яҳудий эдилар. Мисрнинг ўша даврдаги аҳолиси эса бошқа, аниқроғи, қибтий тилида сўзлашар эдилар). Биродарлар шодмон бўлишиб, «*хатни келтир*», дейишади. Юсуф хат ўрнига биродарлари олдига ўзининг қонли кўйлагини келтириб ташлайди...

Ҳикоят ниҳоятда ибратлидир. Атторнинг юрагидаги бутун оғриқ яна бир карра шу тимсол орқали ярқ этиб юзага уради, шоир асос ғоясини қайта-қайта таъкид этади:

Чун нигоҳ карданд он си мурғи зор
Дар хати он руқъайи пурэътибор,
Ҳар чи ишон карда буданд он ҳама,
Буд карда нақши он тобон ҳама.
Он ҳама худ буд сахт, он буд лек,
К-он асирон чун нигаҳ карданд нек,
Рафта буданду тариқе сохта,
Юсуфи худро ба чоҳ андохта,
Жони Юсуфро ба хори сўхта,
В-онгаҳ уро бар сари бифрухта.
(Ул бечора ўттиз қуш эътиборга сазовор номадаги
Ёзувга нигоҳ ташлагач, (кўришдики)
Улар ҳаётларида нимайки иш қилган бўлсалар, барчаси
Ушбу (ёзув)да равшан акс этган эди.
У барчаси жуда оғир эди, лекин ул асирлар яхшилаб
Назар ташлашса, айни ўша қилмишлари эди,
Яъни улар ўзларига бир йўналиш олиб йўл босишган,
Аммо (йўл бошидаёқ) ўз Юсуфларини чоҳга ташлаб юборган эдилар.
Юсуфнинг жонини хорлик билан куйдиришган,
Ва уни бир бегонага сотиб юборишган эди).

Аттор жўшиб кетиб хитоб қилади:

Минадони ту – гадойи ҳеч кас,
Мифуруши Юсуфи дар ҳар нафас.

Юсуфат чун подшоҳ хоҳад шудан,
Пешгоҳу пешво хоҳад шудан,
Ту ба охир ҳам гадо, ҳам гўрисна,
Пеши у хоҳи шудан тан бараҳна.
(Сен – ҳеч ким бўлмаган гадо, ўзинг билмай –
Ҳар нафасда бир Юсуфингни сотасан,
Юсуфинг подшоҳ бўлиб етишганда эса,
Олий зот ва етакчига айланганда эса,
Ўзинг охир-натижада ҳам гадо, ҳам оч ҳолатда
Яланғоч тана билан унинг олдига (тиланиб борасан).

Қушлар бундай қиёсдан шарманда ва уят ичра қолиб, соф йўқликка чўмдилар ва танлари тўтиёга айланди. Шундан сўнг улар буткул покланиб, янгидан жон пайдо қилдилар.

Чун нигаҳ карданд он си мурғ зуд,
Бешак он Симурғ он си мурғ буд.
(Ул ўттиз қуш тезлик билан нигоҳ ташласа,
Шак-шубҳасиз ул Симурғ ўша ўттиз қушнинг ўзи эди.)

Қушлар барчаси ҳайратдан бошлари қотади, «*бу*» қандай қилиб «*у*» бўлиб қолганини тушуна олишмайди. Ўзларига қарашса, «*си мурғ*» (ўтгиз қуш), Симурғга боқишса, яна «*си мурғ*»нинг ўзи. Улар *"безабон"* (тилсиз, овоз чиқармай*)* ул Олий даргоҳга савол қилишади, у ердан ҳам «*безабон*» жавоб келади:

...К-ойинаст ин ҳазрати чун офтоб,
Ҳар ки ояд хешро бинад дар у,
Жону тан ҳам жону тан бинад дар у.
Чун шумо си мурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чиҳил$_{у}$ панжоҳ мурғ оянд боз,
Пардаро аз хеш бегушоянд боз.
Гарчи бисёри ба сар гардидаид,
Хеш мибиниду худро дидаид.
Ҳеч касро дида бар мо кай расад.
Чашми мўри бар сурайё кай расад.
Дийдайи мўри ке сандон бар гирифт,
Пашша кай фили ба дандон дар гирифт...
(...Бу офтоб каби (чарақлаган) даргоҳ кўзгудир,
Унда ҳар ким келса ўзини кўради,
Жон ва тан ҳам унда жон ва танни кўради.
Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриндиларинг,
Агар бошқа сафар қирқта ё элликта қуш келса,
Яна ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар.

Агарчи кўп нарсаларни бошдан кечирган бўлсаларинг ҳам,
Ўзларингни кўриб келдиларинг ва ўзларингни кўриб турибсизлар.
(Сиз каби) ҳеч ким бўлганлар нигоҳи бизга қачон етарди,
Чумоли кўзи билан сандонни яхлит кўриб бўладими ?
Пашша филни тишида бутун тишлай оладими?..)

Шоир хулосасидан шуни англаш мумкинки, аввало, Олий мутлақ Борлиқ ўзга нарса, унга интилувчи «*толиблар*» – ўзга; қолаверса, камолот йўлининг охирида ҳам улар ўз аксларини, ўз қилмиш-қидирмишларинигина кўрадилар, фақат улар ўз «*Юсуф*»ларини олдиндан чоҳга ташламасликлари маъқул, яъни доимо ўз сийратларини пок сақлаб қолишга уринмоқлари, булғанчликка берилмасликлари лозим. Асар бошида айтилган «*ниманики излаётган бўлсанг, нимагаки интилаётган бўлсанг, ўша сен ўзингсан, ўзингни англа, яна юз маротаба ўзингни англа*» деб қилинган хитобнинг маъноси ҳам шу, яъни инсондаги **Поклик** ундаги Олий зот нишонасидир, деган ақида. Шоир ғояларининг ижобий руҳи шунда. Аммо, кўриб ўтганимиздек, бу ижобий ният Атторда изчил эмас. У бани башарнинг моддий ҳаёт чегарасида ўз поклигини сақлаб қола билишига ишончсизлик билан қарайди.

Атторнинг ирфоний қарашларида ўша таҳликали замонлардаги адолатсизлик, ижтимоий нотўкисликлардан қониқмаслик, норизолик кайфияти намоён бўлди, аммо бу кайфият, объектив олганда, умидсизлик, моддий инсоннинг маънавий қудратига ишончсизлик кўринишида юзага чиқди. Биз агар шоирни тўғри тушунсак, моддий ҳирсу ҳавасларга ружу қўйиш ўша жамиятда фақат бир гуруҳ тўқликка шўхлик қилаётган фосиқларгагина алоқадор эди, бир бурда ҳалол луқма учун астойдил тер тўкиб ўтаётган меҳнаткашнинг нима нопоклиги бор эди, ахир? Аммо Аттор инсон руҳидаги шаҳват ва ғафлат, кибр ва ғазаб олудалигини ижтимоий жараёнлардан алоҳида, фақат бир умумий, мавҳум инсон фитратига хос нуқсон сифатида кўриб, ҳалол ва меҳнаткаш инсонни ҳаромтомоқ, қорин тўқлигидан эрмакталаблик кўчасига юз бурган фосиқ каслардан моҳиятан фарқ қила билмади. Унинг умри охиридаги асарларида намоён бўлган фожеъ руҳ, моддий дунё ислоҳидан умидсизлик кайфиятларининг илдизи ҳам, назаримизда, шу сабабдан эди.

Алишер Навоий тасаввуф шеъриятининг буюк сиймолари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар маънавиятига ниҳоятда теран ички эҳтиром билан ёндошади, уларни «*ҳақиқат тариқининг суханварлари*» деб улуғлайди ва уларнинг бадиий ижод тариқи (яъни методи)га ихчам ва бикр таъриф бериб, ирфоний йўналиш вакилларини «*нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ғаний*» (илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган) ва «*халқ таърифидин мустағний*» (ҳалқ таърифига эҳтиёж сезмаганлар) деб тушунтиради. Бу таърифларнинг талқини кейинги суҳбатлар мавзусидир.

2-БОБ.

ФАРҲОДНИНГ ЮНОНГА САФАРИ

Ҳақиқат Борлиқ янглиғ мураккаб, ранго-рангдир. Ҳар бир инсон уни маълум нисбийликдагина англаб етишга қодир. Бунинг устига турли даврлардаги одамларнинг тафаккур даражаси турлича. Асотир тафаккур, илмий тафаккур, ирфоний тафаккур...

Инсоннинг дунёни, ҳақиқатни англаб етиш жараёнига хос бўлган тарихий такомил турли миқёсда: 1) умуминсоният ривожида, 2) инсонлар жамоасининг турли замоний ва маконий бирлашмалари доирасида, 3) ҳар фард инсон умри давомида рўй беради. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқаси билан мураккаб боғланиш, туташув ҳосил қилмасдан иложи йўқ. Демакки, агар бирор ҳодиса ҳақида мулоҳаза юритишга, унинг моҳиятини жиддий англаб етишга қасд қилинса, уни атроф-воқелик, ўзи мансуб бўлган умумий ва хусусий ҳодисалар силсиласида олиб қаралмоғи, макон ва замонидан узиб олмай идрок этилмоғи асли ҳақиқатни, яъни ўша ҳодиса моҳиятини тўғри ёритишга ёрдам бериши мумкин.

Бадиий тафаккур меваси бўлмиш адабиётни олайлик.

Яқингача илмий тадқиқотлар ва дарсликларда XII–XV асрлар ўзбек адабиётидаги яхлит жараённи «*дунёвий адабиёт*» деб номланган тараққийпарвар йўналиш; «*диний-мистик*» ва «*феодал-сарой*» адабиётлари деб тамға босилган «*реакцион*» оқимларга ажратиб, уларни бир-бирига кескин қарши қўйиб келинганлиги биз кекса авлоднинг ёдимизда. Аммо бу атамалар давр бадиий тафаккури моҳиятини унинг асосий бадиий мезонлар силсиласига мос ҳолда очиб бера олмади. Чунки улар аслида марксистик мафкура нуқтайи назарини ифодалаб, ушбу мафкура тарғиботчисининг дунёни идрок этиш меъёрларини ўтмиш аждодлар меросига жиддий таҳрирсиз татбиқ этишга асосланарди. Шундай ёндошиш оқибатида, масалан, Алишер Навоий бадиий тафаккур олами ўз яхлитлигида тўғри талқинини топмади, сунъий равишда турли методлар, турли услубларнинг қовушмаган йиғиндисига «*айланиб қолди*». Натижада, шоир асарларини кенг китобхонга тақдим этиш жараёнида унинг ижодидаги баъзи жиҳатлар, боб ва қисмлар «*ошиқча*», «*кераксиз*» ҳисобланиб, тушириб қолдирилди. Масалан, «*Ҳайрат ул-аброр*»нинг китобхон кўзидан «*яшириб*» қолинган кириш боблари ва биринчи, иккинчи мақолатларида нафақат ёлғиз бу асар, балки бутун «*Хамса*», демакки, шоир ижодининг асосий моҳиятини, ундаги такомил босқичлари силсиласини тўғри тушуниб олиш учун калит мавжуд эди. Уларни чоп этмаслик билан улуғ шоир ижодининг асос моҳиятини тўғри англаш йўлига мутлақо оқлаб бўлмайдиган ғовлар ташланди.

Алишер Навоийнинг дунёни бадиий идрок этиши ўзига хос мураккаб жиҳатларга эга. Агар биз унинг бадиий тафаккури моҳиятини давр истилоҳ ва тушунчаларига таянган ҳолда, уларнинг ички мазмунини тўғри тушуниб етишга жиддий интилиб, талқин ва таъриф этмасак, ўзимиз ўйлаб топган, бугунги кунга хос, ёки ўзга маданият анъаналарига мосланган атамалар билан ифодалашга уринсак, улуғ даҳо қарашларини маълум даражада жўнлаштириб тушуна бошлаймиз, натижада ўз маънавий уфқларимизни муайян қолиплар доирасида чеклаб қўйиш хавфига рўбарў бўламиз. Шу сабабли Навоий фикрларини унинг ўз истилоҳларида англаб етишга уринганимиз хайрлидир.

Аввало, оддий бир ҳақиқатни эътироф этиш керакки, XII–XV асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида форс-тожик ва туркий тилларда яратилган адабиётнинг юксак намуналарида ижтимоий-фалсафий ва бадиий тафаккурнинг маълум муштараклиги мавжуд. Шу сабабли Алишер Навоий илмий-адабий мушоҳадаларида форс-тожик тилида ёзган шоирларни мутлақо бегона санамайди, уларнинг аксариятини ўзига ғойибона устоз деб билади.

Адабиётшунос А.Ҳайитметов илк илмий тадқиқотларида таъкидлаганидек, Навоий ижоди учун маълум даражада якунловчи асар бўлган «*Маҳбуб ул-қулуб*» рисоласида XII–XV асрлар минтақа адабиётининг энг йирик намояндалари дунёни бадиий идрок этиш ва акслантириш мезонларига кўра бир неча гуруҳга ажратилади. Булардан биринчиси олдинги мақола хулосасида тилга олинган «*илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлар*» бўлиб, бу гуруҳнинг энг кўзга кўринган вакиллари буюк тасаввуф шоирлари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий**лардир, уларнинг бадиий тафаккур методлари ва адабий йўналишлари Навоий тилида «***ҳақиқат тариқи***» деб ном олади.

Иккинчи гуруҳга Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Саноий, Ҳофиз Шерозий каби улуғ шоирлар мансуб ҳисобланиб, уларнинг бадиий идрок ва тасвир мезонлари «*ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут қилиш*» (аралаштириш) билан белгиланиши қайд этилади.

Учинчи жамоа форс-тожик шеъриятининг Камол Исфаҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Хожуйи Кирмоний каби ўз даврида донг таратган кўплаб намояндаларини ўз ичига олиб, бу гуруҳга «*мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар*» деб баҳоланади.

Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ижоди эса «*ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва вофир*» деб таърифланиб, унинг мазмуний ва услубий мураккаблигига алоҳида урғу берилади.

Қолган шоирлик даъвогарларини адиб «*паст табақа*» деб номлайди ва бу гуруҳга «*юз машаққат била бир байтни боғлаштирувчи*» қофиябозларни киритади. Устознинг бу мулоҳазалари ўша давр шеърияти моҳиятини англаб етишда ниҳоятда жиддий аҳамиятга эга ва асло тасодифий мулоҳаза ёки шахсий дид ва тасаввур доирасидаги таърифлар эмас эди. «*Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад*» асарида ёш Алишер билан Паҳлавон ўртасидаги суҳбат «*ҳақиқат тариқи*» ва «*мажоз тариқи*» истилоҳларининг ўша даврда шеърият нуктадонлари орасида маълум ва машҳур бўлганидан очиқ-ойдин дарак беради. Хўш, бу истилоҳларнинг туб маъноси нима, устод тилга олган адабий йўналишлар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади ва ҳар бирининг моҳияти нимадан иборат бўлган? Алишер Навоийнинг ўзи қайси йўналишни ихтиёр этган? Бу саволлар юзасидан илмий адабиётларда маълум мушоҳадалар йўқ эмас, албатта. Аммо биз масалага улуғ устоднинг ўз кўзлари билан қараш ва ўз сўзларидан жавоб қидиришга уриндик. Навоий ўзига устоз тутган шоирларнинг кўпчилигини «*мажоз тариқи*»га, янада аниқроғи, «*ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут этганлар*» сирасига киритади. Аммо «*Маҳбуб ул-қулуб*»дан бир йил бурун ёзилган «*Лисон ут-тайр*» достони «*ҳақиқат тариқи*» пешволаридан буюк форс тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор асарига татаббуъ-жавоб сифатида битилган эди. Навоий ўзининг бу достонига хос бадиий тафаккур йўналишини «*Муҳокамат ул-луғатайн*»да аниқ қилиб, «*ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўргузупмен*», деб, таъкидлаган. Аввало шуни айтиш

керакки, Аттор «*мажоз*» тушунчасини ўзига хос идрок этади ва «*ҳақиқат*»ни «*мажозга*» аралаштирганларни кўп ҳам ёқгиравермайди. «*Мантиқ ут-тайр*»да Ҳудҳуд қушлардан бирига шундай хитоб қилади:

... Эй гирифтори мажоз,
Аз сифат дуру ба сурат монда боз.
(...Эй, мажоз тузоғига илинган,
(Ички) сифатдан узоқлашиб,
(ташқи) суратга маҳлиё бўлиб қолган.)

Атторнинг бундай қарашлари маълум фалсафий-ирфоний асосларга эга эди. Навоий ўз салафи дилидаги дардларни чуқур ҳис қилади ва унинг қарашларига ниҳоятда эҳтиром билан муносабатда бўлади. Аммо унинг охирги достони мутлақо мустақил қийматга эга, унда шоир ўзи умр бўйи изланиб топган мураккаб, аммо яхлит ва теран Ҳақиқатни муносиб бадиий шаклда гавдалантириб берган. Бу асарнинг бадиий олами, айтиш мумкинки, Яқин ва Ўрта Шарқ бадиий тафаккури ривожининг катта бир босқичи – XII–XV асрлар эпик шеъриятининг ички маънавий юксалишида энг олий поғонани ташкил қилар эди. Шу билан биргаликда, бу асар мазмун-моҳиятига кўра шоир ижодидаги теран маънавият ганжиналарини чарақлатиб нурлантирувчи, уларга янги-янги товланишлар бахш этувчи ажойиб бир машъала, уларнинг тилсимли қулфларини жаранглатиб очиб юборгувчи калит вазифасини ўтар эди.

Биз ҳозирча бу достонни тўлиқ талқин этишдан сақланиб, фақат мавзуга тааллуқли бир ўринга диққатни жалб этсак.

Аттор достонининг бошланишида Ҳудҳуд тилидан Симурғ сифатларининг таърифи келтирилиб, «*ҳақиқат тариқи*» йўналиши моҳиятини теран очувчи нозик ишоралар орасида бу афсонавий қушнинг бир пати **Чин иқлимига** тушганлиги борасида етти байтли мўъжаз ахборот учрагани маълум. Навоий ушбу ушоқ хамиртурушдан йигирма беш байтли «*Чин шаҳри сифати ва Симурғ пари анда тушганининг кайфияти*» деган алоҳида боб яратади. Бу бобда, аввало, Чин ўлкаси васф қилинади, кейин Симурғ патининг Чин ўлкасига тушганлиги Моний номи ва унинг ажойиб санъати таърифи билан боғлаб бериладики, бу ажаб таассурот қолдиради:

Ҳар киши боғлаб тахайюлдин қалам,
Қилмиш ул пар нақшидин тарҳи рақам,
Борчанинг нақшу хаёл андешаси,
Бу иш ондин бўлмиш ул эл пешаси
Бир кишини қилмиш ул нақшу хаёл,
Нақшу тасвир амрида соҳибкамол,
Оти Моний, хомаси – мўъжизнамой,
Санъати наззораси ҳайратфизой.
Бўйла нисбатлардин аҳли маънавий[1]
Чинда дерлар коргоҳи монавий...

[1] *Аҳли маънавий* – маънавият аҳли, дунёнинг моҳияти ҳақида жиддий мулоҳаза юритувчилар.

Ажабким, Симурғ пати тушганлиги сабабли Хитойда Моний нақшу нигор корхонаси (яъни, ҳозирги тушунчаларни қўлласак – монийлик тасвирий мактаби – «*коргоҳи монавий*») ривож олиб кетибди. Агар биз монийлик бидъатида тажалли таълимоти унсурлари ва ижтимоий адолат учун кураш ғоялари анча кучли ифодаланганлиги ва бу диний-фалсафий оқим Ғарб христиан маданияти ва Шарқдаги турли фалсафий тамойилларнинг шаклланишида катта таъсир кўрсатганлигини эсласак, бу ерда ҳам Навоийнинг масалага нақадар жиддий ёндошганлиги ва тимсолларининг нақадар сермаънолигига қойил қолмай иложимиз йўқ.

Навоий учун Моний мактаби[1] онгли равишда «*Симурғ пати*» рамзига реал тагзамин бўлганлиги кейинги байтлардаги ишораларда янада очиқ кўрсатилади:

Ул пар эмди гўёким Чиндадир,
Ҳурдек ул мулки ҳулдойиндадир.
Бу эмиш ул пар зуҳурининг иши,
Мундин ортуқ фаҳм қилмайдур киши.
Кўрмагидан кимса дам урмайдурур,
Сўзни бу ғоятқа еткурмайдурур...

Яъни шоир «*Симурғ пати*» тимсолини рамзий ишора сифатида тушуниш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди ва шу билан бирга ўз талқинини ҳам асло мутлақлаштирмайди.

Нима бўлганда ҳам, Моний мусаввирлик мактабининг «*Симурғ пати*» билан боғланиши бежиз эмас. «*Хамса*» туркумининг Алишер Навоий томонидан энг тагзаминдан қайта ишланган достони «Фарҳод ва Ширин» бўлиб, ушбу достон етакчи қаҳрамони, айтиш мумкинки, бутун «*Хамса*» учун марказий тимсолдир. Наққош ва мусаввир Моний ана шу қаҳрамон – Фарҳоднинг севимли устози. Фарҳод – Чин диёрининг шаҳзодаси. «*Симурғ пати*» – Моний мактабига ишора бўлса, Фарҳод ушбу мактабнинг энг истеъдодли шогирди, Моний санъатининг давомчисидир. Симурғ – Олий ҳақиқат тимсоли деб қаралса, унинг «*пати*» маънавият гулханидан бир шарора бўлиб, туғилишидан Фарҳод дилига ишқ оловини туташтиради.

Достон воқеаларига мурожаат қилайлик. Шоирнинг севимли қаҳрамони Чин хоқонининг яккаю ёлғиз, арзанда фарзанди. Аммо бу фарзанд туғилишиданоқ ўзгача бир хислатларни ошкор этади:

Юзинда ишқ асрори ёзилғон,
Ичинда дард таъвизи қозилғон
... Муҳаббат нури олинда ҳувайдо,
Жамолида вафо туғроси пайдо.
Ҳатто унинг исмини ҳам ишқ белгилайди:
Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.
Борин устоди ишқ этган мураккаб,
Тараккубдин бу исм ўлди мураттаб.

[1] Навоий монийлик ҳақида гапирганда уни тасвирий санъат мактаби қилиб кўрсатганига сабаб, бизнинг назаримизда, монийлик бидъати ғояларини маълум дунёқараш сифатида очиқ тан олиш, ўша давр учун бениҳоя шаккоклик бўлар ва имкондан ташқари эди

Сутни ҳам бу гўдакка «*ишқ энагаси*» (“*дояи ишқ*”) ичиради, у ичган сутнинг ҳар қатраси шоир тарафидан «*маънавият дурлари*»га қиёс этилади.

Шайх Санъон 50 йил Каъбада хизмат бажаргач, кўнглига ишқ олови туташган бўлса, энди Чин шаҳзодаси туғилишиданоқ дилида Олий меҳр – муҳаббат дарди билан дунёга юзланиб турибди. Бу Симурғнинг сирли пати таъсири эмасми? Фарҳоднинг инсонлар корига ярагувчи илк ўрганган ҳунарларига ҳам бири – тошкесар Қоран ва иккинчиси – моҳир наққош ва мусаввир Монийлар устозлик қиладилар.

Монийлик нафақат юксак санъат, балки эзгу эътиқод ҳамдир. Бу сулукни танлаганлар жаҳонда, инсонлар онгида эзгуликнинг порлоқ ғалабасини таъминлаш, борлиқни зиёга чўмдириш учун, зулмат тимсоли Аҳриманга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқлари, унинг ҳукмронлигига узил-кесил барҳам бермоққа отланишлари керак. Фарҳод ҳам Юнонга отланади. Навоий учун Юнон фалсафаси (ҳикмати) инсониятнинг камолот сари олға силжишида эришилган юксак босқич, аммо унга етишиш, ундаги улуғ ҳикматларни ўзлаштириб олиш йўли машаққатли йўл.

Тарихда Чин ўлкаси билан Юнонни боғлаб турувчи муайян восита нима? Бу – Искандарнинг Чинга юриши. Искандар истилолари – унинг хатти-ҳаракати ва эришган натижаси – бу барча шоҳ ва шаҳзодалар учун ибратли ойина. Тақдир кўзгуси.

Искандар ойинаси – хоқон хазиналарининг ичида энг қимматли ва сирлиси. Унда инсон ўз асл тақдирини томоша қила олади. Бироқ бу кўзгу тилсими Юнон ҳикматини эгаллаган кишигагина ечилади. Фарҳоднинг Юнонга сафари – унинг ўз инсонлик сиридан воқиф бўлиш, ҳақиқатни билиш йўлидаги жиҳодидир. Кўнглида меҳр нури билан яралган бу мард ва зукко ўғлон Чин ўлкаси – ўз юртининг барча мавжуд назарий ва амалий билимларини ўзлаштиргач, энди Юнон сари йўл олмоқда. Юнон мулкида унинг биринчи етишгани ҳаким Суҳайло суҳбатидир. Қоронғи ғорда «*неча юз ранжу тимор ичра*» юзлаб йиллар шу кунни кутган Суҳайло Фарҳодга Жомосп васиятини етказади. Достон қаҳрамонининг бу давр саргузаштларини муфассал тавсиф ва талқин этган устоз А.П.Қаюмов китобида таъкид этилишича, Жомосп тарихда маздаясна эътиқодининг машҳур тарғиботчиларидан ҳисобланган, Моний мактаби эса бу эътиқод йўналиши билан узвий туташ эди. Жомосп васиятига кўра Чин шаҳзодаси:

Тутуб ранжу анога жону жисмин,
Очар Искандари Румий тилисмин.
Ва лекин икки манзил бўлғусидир,
Ки онинг қатъи мушкил бўлғусидир.
Бирида аждар айлаб жонситонлиғ,
Дамидин қилғуси оташфишонлиғ.
Бирида Аҳриман айлаб ситам фош,
Ҳаводин бошиға ёғдургуси тош...

Дарҳақиқат, достонда кейинги икки боб – бири Фарҳоднинг баҳайбат аждаҳони енгиши, иккинчиси қаттол Аҳриман устидан ғолиб чиқиши тасвирига бағишланган. Навоий ҳар икки бобда халқ эртаклари руҳидаги афсонавий олишувлар манзарасини классик шеъриятга хос сержило услубда батафсил гавдалантириб беради. Асарни дастлабки ўқиган одамда муайян қаҳрамоннинг бениҳоя забардастлиги ва мардлиги ҳақидаги тасаввур-

дан ўзга фикр туғилмаслиги мумкин. Аммо бутун умр улуғ Ҳақиқат излаган мутафаккир шоир даҳосининг сеҳри шундаки, унинг ҳар бир асари ҳар қайта кўздан кечирилганда ва айниқса, қиёсан ўрганилганда, янги-янги маъно товланишлари очила боради. Агар «*Лисон ут-тайр*»ни Аттор асарига қиёсан ўрганиб чиққач, яна «*Хамса*»га қайтилса, унда жуда ғаройиб ишоралар бор экани сезилиб қолади.

Аждаҳо – нима? У кўп халқлар оғзаки ижодида ёвузлик тимсоли, эртакларда эзгулик учун, ўз бахти учун курашган гўзал ва довюрак қаҳрамонлар йўлига ғов бўлувчи қора куч, яъни ёзув маданияти вужудга келгунча бўлган инсонлар маънавий такомили йўлидаги тўсиқ. Шу сабабли эзгулик, бахт ва ҳақиқат ғалабасини таъминлаш ибтидоий жамоа даври одамининг руҳидаги жаҳолат рамзи бўлган аждаҳони енгиб ўтиш билан бевосита боғлиқдир. **Аҳриман** эса эртаклардаги Аждаҳога қараганда мураккаброқ моҳиятга эга, бу тимсол Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ўлкалари учун энг қадимги муштарак ёзма маданият асоси «*Авесто*» асотирларида гавдаланувчи ёвуз куч тимсоли, зулмат рамзидир. Нур сари интилган инсоният йўлида янги ғовдир. Фарҳод ўз-ўзини англашга интилиб борар экан, аввал Аждаҳони, сўнг Аҳриманни аёвсиз жангда мағлуб этади.

Навоий иккинчи бобни тугатар экан, соқийга мурожаат қилиб айтади:

Кел, эй соқий, манга май қил ҳавола,
Этибон Аҳриман бошин пиёла,
Ки қилғай ул қадаҳтин руҳи мастим,
Замоне нафс девин зери дастим.

Эътибор қилинг, Аҳриман «*нафс деви*» билан чоғиштирилмоқда. Фарҳодни ёвуз кучлар устидан ҳар бир ғалабаси унинг кейинги кураши учун зарурий яроғ билан таъмин этади. Аждарни енгиб қилич ва қалқон (моддий воситалар) топган бўлса, Аҳриманни енгиб Сулаймон узугини (тилсимли куч) қўлга киритади. У очилган хазиналарнинг ҳаммасини отасига ва лашкарга бағишлайди, ўзига фақат кураш яроғинигина қолдиради.

Учинчи манзилда Фарҳод ҳозирги замон роботлари типидаги кўксига кўзгу қадалган темир одамга рўбарў келади. У ҳам тилсимли ёвуз кучлардан, унинг кўксидаги ойнага ўқ узиб, синдирилса, Искандар кўзгуси тилсими ҳам ечилади, бу тилсимни энди юксак Юнон маданияти мерос қолдирган Ҳақиқат сирларини англаш йўлида Фарҳод учун охирги ғов, деб билса бўлади. Ниҳоят, бу ғов ҳам бартараф этилиб, Фарҳод учун Суқрот ҳикматидан баҳраманд бўлиш имкони очилади.

Нега Алишер Навоий Юнон маданиятида эзгулик ва олий ҳикмат тимсоли этиб Афлотунни эмас, Арастуни эмас, донишмандликда энг комил уйғунликка эришган Суқротни танлади экан? Суқротнинг инсон ва олим сифатидаги улуғ хислати – эътиқодда изчиллиги ва илмдан шахсий ғараз изламаганлиги бунга сабаб бўлмадимикин?

Бунча даҳшатли хатарларни матонат билан енгиб, юксак чўққидаги мўъжизали ғорга – Суқрот ҳузурига етиб борган Фарҳод у ерда қандай улуғ ҳикмат эшитди? Келинг, яна бир марта дилида ишқ билан туғилган йигитга ҳамнафас бўлиб, биргаликда Суқрот насиҳатларини тинглаб кўрайлик. Донишманд Хоқон ва Мулкорони ҳузуридан чиқариб юборгач, ёлғиз Фарҳодга юзланиб, жумладан, ушбу сўзларни айтади (файласуф мулоҳазалари қисман насрий баёнда берилмоқда):

«...Мен минг йилдан буён шу тоғлар орасида пойи қадамингга интизорлик тортаман[1]. Худога шукрки, энди сени ўзим топтим, юзингни кўзим кўрди[2]. ...Сен шуни билки, бу дунё ўткинчи бир дунёдир. Уни ҳақиқат аҳлларига бир зиндон деса ҳам бўлади. Яратувчи инсонни вужудга келтирган экан... ҳақиқий маҳбуб унинг ўзи бўлиб, унинг васлига етишиш учун йўл босиш зарур...»

Вале бу давлатедур асру олий,
Эрур мушкул анга етмак хаёли.
Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,
Узоқ тортар, вале икки қадамдур:
...Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.
Киши ўзлукни қўймай они топмас.
Тенгиз кесмай дури яктони топмас.[3]
Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...
Сенинг олингдадир ишқи мажозий,
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози –
Ҳам овозангни офоқ ичра солғай,
Ҳам овозинг кўҳан тоқ ичра солғай.

Маълум бўладики, Фарҳод тақдири «*мажозий ишқ*» билан боғлиқ экан, унинг ушбу ишқ ўти бутун оламни ёритиб, жаҳонда унинг «*яхши оти*» абадий машҳур бўлиб, сақланиб қолар экан.

Шундай қилиб, яна «*Ҳақиқат*» ва «*мажоз*» нисбатига дуч келдик. «*Хамса*» муаллифи беш достонида «*мажозий ишқ*»нинг мукаммал бадиий тасвири ва талқинини яратиб беради. Аммо «*ҳақиқий ишқ*» талқинида ҳали мавжуд анъанадан кескин узоқлашмайди, бу бениҳоя оғир вазифа ҳали келгусида, шоир ижодининг охирги босқичида узил-кесил ҳал қилинади. «*Хамса*» ғояларининг ушбу йўналишдаги талқинига берилиб кетсак, сўз узалишини назарда тутиб, фақат мавзуга оид икки нуктани шоирнинг ўз сўзлари орқали шарҳ этиш билан кифояланамиз.

Аввало, Навоийнинг ишқ ҳақидаги қарашлари ва уларнинг шеъриятга алоқаси ҳақида. «*Хамса*» давомида «*ҳақиқий ишқ*» ҳақидаги ўша давр учун анъана даражасида бўлган сўфиёна нуқтаи назар ва шоир бадиий тасаввури орасидаги очиқ ифода этилмаган ному-

[1] Дарҳақиқат, қадим юнон маданияти таназзулидан то Яқин ва Ўрта Шарқ янги маданий тафаккури авж ола бошлаган даврга ча тақрибан минг йиллик масофа мавжуддир.

[2] Шарқ файласуфлари Юнон тафаккур меросини ўзлаштира бошладилар, деб «*таржима*» қиламиз.

[3] Мавжуд насрий баён давомида «ўзлукни қўймоқ» ибораси «киши ўзлигини йўқотиши», «ўзлигидан воз кечиш", уни йўқ қилиш маъноларида талқин этилади. «Тенгиз кесмай...» ибораси ҳам шу талқинига мослаб «денгизни маҳв этмай туриб...» деб таржима қилинади, ваҳоланки, денгизни кечиб ўтиш мумкин, уни «маҳв этиш» (яъни йўқ қилиш) асло мумкин эмас. Навоий ундай маслаҳат ҳам бермоқчи эмас. «Ўзлукни қўймоқ» – худбинликдан, ўз моддий манфаатларини ўйлашдан буткул кечмоқдирки, бусиз Олий ҳақиқатга етишиб бўлмайди.

вофиқлик борган сари кучайиб боради. Фақат «*Маҳбуб ул-қулуб*»да донишманд адиб бу масалага баъзи аниқликлар киритишни ва ўз фикрини давр имкон берган даражада илмий хулосалашни лозим топади. *«Ишқ уч қисмга бўлинади,* – деб ёзади у. – *Биринчи қисм – оддий одамлар (авом) ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси – шаръий никоҳдир... Қуйироқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандаликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш – одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир».*

«Иккинчи қисм – алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади...»[1]

«Учинчи қисм – сиддиқлар ишқидурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолиға унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул ғарқ этган ва улар ғарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар»... «Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса – улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган...»[12]

Ҳар уч қисм ишқ аҳлига Навоийнинг муносабати улар таърифида сўз танлаш ва қайси жиҳатларини ажратиб кўрсатишидан ҳам билиниб турибди. «*Маҳбуб ул-қулуб*» – ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантиқий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадиий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилиши мумкин. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисм ошиқлар («*сиддиқлар*»), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, «*халқ ғамидин ғами*» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуддир.

Агар мутафаккир шоирнинг «*ишқ*» тушунчаси моҳиятини таснифлаш мезонларига эътибор қилсак, уларда Ибн Сино (980-1037) ва Ғаззолий (1058-1111) асарларидаги ишқ таърифи ва таснифига нисбатан маълум даражада анъанага таянган ҳолда, мутлақо янгича ёндошувлар таклиф этилаётганлигини сезамиз. Ибн Сино «*Ишқ ҳақида*» рисоласида масалага дунёнинг моддий асослари ва моҳиятини тадқиқ қилувчи табиатшунос-файласуф сифатида ёндошгани учун «*ҳайвоний*» ва «*илоҳий*» ишқни аниқ ажратиб таърифлаб беради, аммо Навоий кейинча «*мажозий*» (ёки «*хос*») ишқ деб атаган моҳиятга махсус эътибор кўрсатмайди.

Ибн Сино рисоласининг бешинчи бобини «*зариф ва мард кишиларнинг гўзал тимсолларга бўлган ишқи ҳақида*» деб атаса-да, унинг мундарижасида юқоридаги икки ишқ турини ўзаро бириктирмоқчи бўлади, сабаби, у ҳануз табиатшунос ва мантиқшунос сифатида бир тарафдан психофизиологик, иккинчи тарафдан метафизик қарашларга таянади.

---

[1] Мисоллар тушунишга осон бўлсин учун насрий баёндан олинди ва фақат зарур ўринда асл нусхага мурожаат қилинди.

[2] Ушбу учинчи ишқ таърифи ҳам шўролар давридаги оммавий нашрларда тушириб қолдирилар ва фақат араб ёзувида босилган йиғма нусхадагина мавжуд эди. – *М. И.*

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий эса «*Иҳёйи улум-ад-дин*» (Диний илмларнинг қайта тикланиши) асарининг махсус бобида «*ишқ*» моҳиятини беш поғонага ажратади ва уларнинг барчасини охир-оқибат Олий яратувчи Аллоҳга нисбатан ишқ заруратига олиб бориб боғлайди.

Алишер Навоий ўз бадиий ва илмий-ижтимоий тафаккурида салафларидан олдин кетган жойи шундаки, у «*ишқ*» тушунчасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтайи назаридан қарайди, шу асосда «*мажозий ишқ*»ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради[1]. Инсон маънавий камолоти даражасини ушбу маҳак тошига уриб ўлчайди.

Бу «*алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ*» кўпчилик одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги севги-муҳаббатдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошуфта тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилади. Суқрот тилидан «*ҳақиқий ишқ*» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «*мажозий ишқ*» аслида Навоий бадиият оламида мустақиллик касб этган ва ҳатто ўз ирфоний интилишлари йўлида «*идрок этиш қобилиятидан бегона бўлган» («алардан шуур маслуб»)* тасаввуф аҳлининг соф илоҳий ишқига нисбатан мустақил моҳият касб этгандир.

Шоир адабиётдаги «*мажоз тариқи*» билан «*мажозий*» («*хос*») ишқ орасида бевосита муносабат мавжудлигига асарларида очиқ ишора қилади, «*Маҳбуб ул-қулуб*»нинг махсус бобида «иккинчи қисм» ишқ таърифидан сўнг, бундай ишққа молик шахслар сифатида яна Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий ва унинг туркий ва форсий тилли («*гуфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида офатангез*») шогирдларини (демакки, ўзини ҳам) эслаб ўтади. Адиб таъкид этадики, ушбу ижодкорлар «*ҳаммасининг ижод қилиш ва шеърият устида бош қотиришдан мақсадлари ишқ изҳоридир*». Навоий умуман шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «*Сўзким дард чошинисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидир ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур*». Охирги жумла ниҳоятда гўзал ва маънолидир – шоир назарида инсон ҳаётининг мазмуни ва завқини кўпинча «*мажозий*» сифати билан тилга олинувчи «хос ишқ»дан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмас.

Энди Суқрот башорати билан Фарҳод ўз келажак тақдирини кўрган Искандарнинг тилсимли кўзгуси орасида қандай боғланиш мавжуд деган саволга жавоб қидирсак.

Искандар кўзгуси ҳам «*жоми Жамшид*» сингари жаҳонни кўрсатувчи ойина, яъни «*ойинаи жаҳоннамо*»дир. Бу эса яна ўша «*мажозий*» ёки «*хос*» ишқининг ўзи эканлигини Навоий кейинги достон «*Лайли ва Мажнун*» хотимасида алоҳида таъкид этади:

Эй ишқ, ғариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.

---

[1] Бу ҳақда ўз вақтида В Зоҳидов ҳам фикр билдириб ўтган эди. Қаранг: В Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби.Т., "Ўзбекистон", 1970, с. 188-204. Афсуски, аллома давр мафкураси талабларидан келиб чиқиб, яна улуғ шоирнинг қарашларидаги "*маҳдудлик*" ҳақида эслатмай ўта олмади: "*XV аср Навоийсининг бу ишқ масаласидаги маҳдудлиги шундан иборат бўлдики, у, ишқни жамиятда, ижтимоий ҳаётда ҳал этувчи, асосий белгиловчи омил деб тушуниб, бир қадар Фейербах антропологизми руҳидаги, типидаги позицияга ҳам муайян маънода ва даражада тушиб кетади, "алкимёчилик" доирасида қолади"(Ўша китоб, с.204.)* Тарих Марксдан кўра Фейербах қарашлари мақбулроқ эканлигини исбот қилди. – М.И.

Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ...
Хуршеди жаҳонкушойсен, сен,
Миръоти жаҳоннамойсен, сен,
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти ёр топти,

Демак, «*ойинаи жаҳоннамо*» бу ишқ экан. Суқрот таъкид этган «*ишқи мажозий*». Фарҳод бу сирли кўзгуда нималарни кўрди? Аввал унда қуюнли улкан дашт ва унинг поёнида «*қаттиқ тоғ*» кўринади. Тоғ «*камаргоҳи*»да ҳад-ҳудудсиз оломон ариқ қазмоқ билан банд. Уларнинг ичида қаҳрамонимиз ўз қиёфасини ҳам кўради. Ушбу ҳолатда Ширин ўз канизлари билан пайдо бўлади. Кўзгудаги ва ҳаётдаги Фарҳод маҳбуба жамолини кўриб ўздан кетадилар. «*Ишқи мажозий*» улар қалбини забт этган эди, Эндиликда «*ишқи ҳақиқий*» сари машаққатли йўл турарди. Фарҳод бу йўлда ўзлигидан буткул кечишни, ўз бахтини фақатгина қалбидан жой олган ўзга инсон – Ширин бахтида, унинг мамлакатидаги мушфиқ инсонлар бахтида кўришни ўрганади. Шу мақсад йўлида фидокорона меҳнатга, курашга киришади.

Аммо бу тилга олинган «*ишқи ҳақиқий*» энди Суқрот таъбиридан фарқ қилувчи Навоий талқини эди. Бу янгича талқиннинг моҳиятини англаб етмоқ учун биз биринчи навбатда «*ҳақиқат асрорини мажоз суратида*» кўргаза олган «*Қушлар тили*»нинг мағзини чақишимиз, уни сатрма-сатр Аттор асари билан қиёслаб тадқиқ этишимиз лозим. Адабиётда «*мажоз тариқи*»нинг ўзига хос тутган ўрни ва салмоғини ҳис этиш учун эса XII–XV аср бадиий тафаккурининг забардаст алломалари Низомий, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва бошқалар ижодини ўзларидан олдин ўтган салафлари ва «*ҳақиқат тариқи*» устозлари ижоди билан муқоясада, юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларни инобатга олиб эринмай тадқиқ этмоқ лозим бўлади[1]. Шундагина бизнинг фикри ожизимизча, Навоий даҳоси бор бўйи билан ўз асл моҳиятини намоён этиши мумкин.

[1] Табиийки, бу кенг миқёсли вазифа қардош тожик, озарбайжон ва ўзбек олимларининг яқин ҳамкорлиги, эришилган ютуқларни ўзаро ижодий ўзлаштиришни тақозо этади.

3-БОБ.

СИМУРҒ МАШАҚҚАТИ

Адабиётни хаёл ҳосиласи, бекорчиликдаги эрмак деб тушунадиганлар ҳам бор. Тўғри, шоир ё адиб деган ном олиб, ёлғон ҳозиржавобликка, замона ҳокимларига ялтоқланиш ёки ҳангоматалаблар кўнглини овлашга ружу қўйганлар барча даврларда бўлган. Аммо ҳақиқий «*лисон ул-ғайб*» эгалари ҳеч қачон бадиий тафаккур қудратини пастга урган эмаслар, балки бу имкониятни инсониятнинг камолот йўлидаги машаққатли изланишлари пойига тўшаганлар, шу йўлда имдод қидирганлар. Улар меросининг абадиятга дахлдорлиги, руҳининг «*ўн саккиз минг олам*»га туташлиги шу сабабдандир. Демак, бугунги ҳаётимизнинг, маънавиятимизнинг мураккаб муаммоларига ечим излаганда руҳимиз яна ул табаррук меросга интилса, бобокалонлардан шафеълик тиласа жоиздир.

Алишер Навоий неча йиллар мажоз тариқи устодлари изидан бориб, «*Хамса*» мулкини тасарруф этгач, умр ниҳоясида «*ҳақиқат тариқининг суханвари*» Фаридиддин Аттор этагига илик урди, «*қуш тили ишорати билан ҳақиқат асрорини*» талқин этмоққа киришди.

Шоирни гўдаклик чоғидан мафтун этган бу рамзий достонни туркий тилда қайта нақл қилишга қандай эҳтиёж бор эди? Бунинг сабаби Аттор асари мазмуни билан туркий халқларни таништириш деб изоҳлаш етарли бўладими?

«*Мантиқ ут-тайр*» ҳам, «*Лисон ут-тайр*» ҳам кўп маъноли, турли-туман фалсафий, руҳоний (яъни, руҳиятга тегишли), ахлоқий, ижтимоий, маънавий ва ўзга ғояларга бой, ички қурилмаси ниҳоятда мураккаб асарлардир. Бир ўқиш билан уларнинг ҳатто асосий мундарижасини қамраб олиш ҳам қийин. Шунга кўра бу улкан вазифанинг кичик бир бўлагига қўл уриб, бугунги долзарб муаммоларга ҳамоҳанг бўлмиш «*Лисон ут-тайр*» достонининг ижтимоий фалсафасини Аттор достонига қиёсан ўрганиб кўрайлик.

Аттор ижтимоий воқеликни ўзгаришсиз олади, Олий ҳақиқатни ҳақиқий Борлиқ ва унинг моҳияти нима, деган нуқтайи назардан талқин қилади. Инсон ва илоҳиётнинг ўзаро муносабати унинг учун энг муҳим муаммодир. «*Мантиқ ут-тайр*» биринчи навбатда ушбу муаммони ҳал этишга бағишланган ва унда Атторнинг хулосаси Симурғ тимсолида энг ёрқин ифодасини топган. Аммо буюк тасаввуф шоири ўз замонаси воқелигига боғлиқ равишда бу хулосада собитқадамлик кўрсата олмади. «*Пашша ва фил*», «*Чумоли ва сандон*» қиёсий тимсоллари орқали, Олий даргоҳдан чиқарилган руқъа воқеаси билан яна қушлар ва Симурғ орасидаги фарқни мутлақлаштирди. «*Мажоз тариқи*» соликлари тарафидан воқеий борлиқ ва Олий моҳият аро нисбатнинг қандай талқин этилиши эса Навоийнинг «*Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувва*» асаридаги шайх Авҳадиддин Кирмоний[1] номидан келтирилган рубоийда ихчам ва лўнда ифода этилган:

З-он менигарам ба чашм сар дар сурат,
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.

[1] Авҳадидцин Кирмоний XIII асрда яшаб ўтган тасаввуф шайхларидан. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида уни Саъдий, Ҳофиз ва Деҳлавийлар қатори «ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилған»лар жумласига қўшади.

Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маьни натавон дид магар дар сурат.
(Бошидаги кўз билан суратга тикилишимнинг боиси –
Суратда маънонинг изи борлиги сабаблидир.
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас)

Яъни, бу сатрларда борлиқнинг Олий моҳияти ва унинг ташқи моддий намоён бўлиши (“*мазҳари*”) аро мураккаб уйғунлик мавжудлиги эътироф этилади. Бу анъанавий тасаввуф ирфони етиб келиб тўхтаган нуқта.

Худди ана шу нуқта «*Мажоз тариқи*» устодлари учун айни ибтидодир. Агар Аттор «*мажоз*» (сурат)га мақлиё бўлиш инсонни Олий ҳақиқат («*сифат», «маъно*»)дан йироқлаштиради, деб ҳисоблаб, бундай гумроҳликни тарк этишга чақирган бўлса, Амир Хусрав Деҳлавий «*ҳақиқат ишқи» («ишқи ҳақиқий»)*дан лоф ургандан кўра, *«мажоз ишқи» («ишқи мажозий»)*га ўзни фидо этган мақбулдир, деб билди. Навоий масалани янада ойдинлаштириб, *«Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдир мажоз»* деб тушунтирди.

Низомий инсоннинг Олий моҳиятга нисбати масаласини унинг ижтимоий адолатга муносабати масаласидан айру кўрган эмас. Шоҳ ҳам инсон. Аммо унинг ижтимоий хатти-ҳаракатидаги адолатсизлик нимадан туғилмоқда ва не қудрат шоҳ-инсоннинг моҳиятидаги ушбу қусурни бартараф эта олади? Мана, Низомий «*Хамса*»сининг бош масаласи. Низомий ўз даври доирасида фикр юритиб, шоҳ табиатидаги қусурлар билан оддий инсон табиатидаги иллатларни бир манбадан қидирди, ҳукмдор ўрнига шоир ўзини қўйиб кўриб, уни адолат йўлига бошлагувчи асос омиллар – **ишқ ва илм** деб хулоса чиқарди. Умрини султонлар саройида ўтказган Амир Хусрав Деҳлавий бутун ижоди билан бу ақидага ишончсизлик билдириб, **ошиқлик** ва **шоҳлик** буткул зид моҳиятлардир, тож ва меҳр бир-бирини истисно қилади, деб қайд этди.

Навоий ўз «*Хамса*»сида бадиий тафаккур қонуниятларига биноан ушбу қарашларни ҳар бир тимсол, ҳар бир қаҳрамон қиёфасида танқидий тадқиқ этди, янги хулосалар чиқарди. Унинг асосий хулосаси Фарҳод тимсолида мажозий тажассумини топди. Фарҳод – бу бошига тож кийишдан воз кечиб, инсонлигини, мажозий ишқ толиби бўлиш ҳуқуқини сақлаб қола билган шаҳзода, маънавий камолот касб этган хос инсон. Аммо ҳали «*Хамса*»да «*Мажоз тариқи*» устодларининг ижтимоий тафаккурига хос маълум чегаралар сақланиб қолган, бу соҳада руҳий инқилоб юз бермаган. «*Хамса*» ёзилган даврда Навоийнинг воқеий ҳаётдаги эзгу умидлари ҳали буткул поймол бўлмаган эди. Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро-ни «*дарвеш-шоҳ*» бўлишга тарғиб этар, Мўмин Мирзога алоҳида умидлар боғларди. Аммо тожу тахтнинг аёвсиз қонуниятлари, айниқса, ёш шаҳзоданинг ўз бобоси фармони билан ўлдирилиши, бу иккиланишларга узил-кесил барҳам берди.

Мутафаккир санъаткор янги қадриятлар яратиш йўлини танлади. Келгуси авлодларга васияти сифатида «*Лисон ут-тайр*» ва «*Маҳбуб ул-қулуб*» асарлари дунёга келди.

Е.Э. Бертельс 1929 йилда босилиб чиққан «*Навоий ва Аттор*» мақоласидаёқ «*Лисон ут-тайр*» таржима асар эмаслигини исботлаб берган эди. Олимнинг аниқлашича, ўзбекча маснавийдаги 63 ҳикоятдан фақат 12 таси «*Мантиқ ут-тайр*» мавзуларига мос бўлиб, қолган 51 таси мутлақо мустақил экан. Бундан ташқари, Навоий тасвири ҳаётийлиги, ақлга мувофиқлиги, ҳикоя тарзининг изчил ва босиқлиги жиҳатидан ҳам Аттор достони-

дан кескин ажралиб туради. Аммо тасаввуфнинг мухлис тадқиқотчиси нуқтайи назаридан туриб ёзилган бу мақола, бизнинг назаримизда, Навоий асари моҳиятини шоирнинг мустақил дунёқараши заминида етарли даражада мукаммал очиб бера олмаган. Шарқ адабиётининг фидойи тадқиқотчиси Навоий талқинларининг ўз салафларидан анча илгарилаб кетганлигини завқи салиқаси билан сезиб туради. «*Навои больше чем суфий*» деб эътироф этади олим. Аммо бу жумла маъносини алоҳида шарҳламайди. Кейинги тадқиқотлар (жумладан, В.Зоҳидов, Ш.Шарипов, А.Малехова ишлари)да ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмаган. Аввало, уларда Аттор достони қиёсий таҳлил учун етарлича истифода этилмаган.

Атторда ҳам, Навоийда ҳам биринчи кириш боб дунё ва Одам Атонинг яратилиши, Иблис бўйнига тавқи лаънат илиниши ҳақида, деб ёзади Е.Э. Бертельс. Бу умуман тўғри. Бироқ, батафсил қиёсий таҳлил илк байтларданоқ икки достоннинг мазмуний муносабатларида яширинган кўп сир-синоатларга диққатимизни торта бошлайди.

«*Мантиқ ул-тайр*»нинг биринчи байти:

Офарин жонофарини покро,
Он-ки, жон бахшид мушти хокро
(Бир сиқим тупроққа жон бахш этган
Ул пок жон яратувчига офарин.)
Навоий достонининг бошланиши:
Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тенгри ҳамда бирла оғоз айлагай.

Маълумки, бадиий тафаккур қонунларига биноан қофия қиёслаш, яширин зидлаштириш вазифаларини ўтайди. Аттор биринчи сатрларданоқ, бевосита «Жонофарин», яъни Халлоқи оламга офаринлар айтар экан, ўз етакчи ғояси измида бориб, унинг поклигига алоҳида эътибор қаратмоқда, бу азалий Покликни инсон сийратига хос «*хок*», яъни тупроққа оидликка муайян даражада зидлаштириб талқин этмоқда.

Навоийнинг асл мақсади «*таржимонлик*» эмас, шу сабабли у татаббуъ анъаналаридан фойдаланиб, сўзни буткул бошқа мавзудан, аниқроғи, салафи таърифида нозик мажозий ишоралар билан бошламоқда. Олий ҳақиқат розини қушлар мантиқи билан илк баён этган ким? Навоий асаридаги «*жон қуши*» – Аттор. Аммо «*Мантиқ ул-тайр*»нинг биринчи очқич – байти ҳам унутилмайди, у Навоий достонининг 28-байтида – инсон моҳияти талқинида эсга олинади:

Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин.
Офарин сунъингга, эй жонофарин.

Навоий ҳам «*Жонофарин*» қудратига мадҳия айтмоқда, аммо унинг эътибори «*пок*» ва «*хок*» зиддиятида эмас, унинг Халлоқи оламга мадҳу саноси Ҳақ яратган ноёб мўъжиза («*сунъ*») – Инсон туфайлидир. Чунки ушбу инсон кўнгли Олий ҳақиқатни англаб ета билиш (“*ирфон*”) салоҳиятига эга, шундай улуғ ганжинани ўзида яширган «*тилсим*»дир. Яна у «*амин*» ҳамдир, яъни айтилган Олий маънавий хазинанинг ишончли сақловчиси, эҳтиётловчисидир. Ундан илгари Олий ҳақиқат сирини на осмон, на ер қабул қилишга журъат

этмаган эдилар. Аттор инсонлар замирида тупроқ (*"хок"*) ва ел (*"бод"*) ётишини умидсизлик руҳида талқин қилган бўлса («*хокиёноро умр бар бод у ниҳод*» – «*тупроқдан яратилганларнинг умрини ел устига у қурди*»), Навоий ўтмиш донишмандлари асослаб берган «*табиат фалсафаси*» анъаналарига таянади:

Ўйлаким душман яротиб ўтқа сув,
Елни ҳам туфроққа айлаб адув,
Сунъидан кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўлиб инсон хилқатида муттаҳид.

Кўриб турибмизки, инсон моҳияти Атторда оддий зиддиятли жуфтлик («*хок*» ва «*жон*») сифатида бадиий талқин этилса, Навоий унинг турли табиат унсурларининг мураккаб уйғунлиги асосига қурилганлигига эътибор қаратади. Иккинчидан, на осмон ва на заминга муяссар бўлмаган Олий хазинани дилига жо қила билиш хислати ҳам ёлғиз Инсондагина тажассум топганлиги таъкидланади. Аттор «*чун кунам, чун ман надорам маърифат*» – «*қандай қилай, ахир менда маърифат (Олий ҳақиқатни билиш салоҳияти) йўқ бўлса*» деб фарёд чекса, Навоий инсон имкониятлари хусусида некбин қарашларни олға суради, Низомий изидан бориб, унинг кўнглини «*Олий ҳақиқатни англаш хазинахонаси*» («*махзани ирфон*»), деб таърифлайди. Аттор фикрича, инсон ҳар қанча изланса, фақат ўзини ўзи англаб етиши мумкин, Олий ҳақиқат сирлари барибир унинг дил кўзидан тамомила яширин қола беради. У инсондаги жон ва жисм бирикувини «*тилисм*» деб атар экан, фақат «*тилисм кўздан йўқолгач, хазина пайдо бўлади*», яъни жон жисмдан ажралгачгина Олий ҳақиқат сири ечилади, деб хулоса чиқаради. Навоий бу нисбатларни буткул бошқача талқин этади. У инсон моҳиятининг мураккаблигини инкор қилмайди, аммо айни мана шу мураккаб уйғунлик Олий ҳақиқатни чексиз англаб боришга, камолотга имкон яратувчи қудрат замири эканлигини ҳар жиҳатдан таъкиддайди.

Ҳар икки шоирнинг шайтон тақдири ҳақида турлича мулоҳаза юритишлари ҳам диққатга сазовор.

Аттор ҳикоя қилишича, Одам Ато яратилгач, барча унга сажда қилиши ҳақида ҳукм бўлди, аммо Азозил бош товлади ва шу сабабли абадий лаънатланди. Бунда суфий шоир «*юзи қаро бўлган*» иблисни «*иш билан таъминлаш*» масаласига асосий эътиборни қаратади. «*Мантиқ ут-тайр*» талқинича, шайтони лаинга инсон дилида қаҳр-ғазаб оловини ёқиш, васваса туғёнини урчитиш «*вазифа*»си топширилган.

Навоий эса инсон фазилатлари таърифида давом этиб, унинг бошига «*ҳидоят тожи*» – Олий ҳақиқат сари элтувчи йўлни тўғри топа билиш хусусияти – раво кўрилгани, демакки, тақдирида «*шараф меърожи*» – маънавий камолотга эришиш имконияти мавжудлигини башорат этади ва уни «*хайли малакка пешво*», яъни соф руҳий алангадан бино бўлган зотлар – фаришталар аҳлига раҳбар, етакчи мақомига лойиқ имконият эгаси сифатида улуғлайди.[1]

Аммо шайтон ким? Ҳали инсон яралмасдан илгари у худди ана шу мақомда, яъни «*жинну малоик* (яхшилик ва ёмонлик руҳлари*) сарвари*» бўлган, бутун олам унинг тасарруфида, ўзи минглаб йиллар Оллоҳ амрига итоат қилиб, тоат-ибодат билан вақт ўтказган, бутун

[1] Шу ўринлар насрий баёнда ва русча таржимада тўғри талқин қилинмаган.

коинотда у саждага бош урмаган бир қарич ер қолган эмас ва шу садоқати туфайли Олий қудратга яқинлик (“*тақарруб*”) сурурига эришган. Аммо бундай юксак шарафда шукроналикни унутиб, кўнглини ғурур ва такаббурлик эгаллаган шайтон бошқа фаришталардан фарқли ўлароқ Одамга сажда қилишни – инсон ҳурматига бош эгишни – истамади. У Одам лойдан ясалганлигини – моддий мавжудот эканини – кўрди, аммо унинг «*ажиб мазҳар*» – Олий ҳақиқат сирини ўз моҳиятига яширган хилқат эканини англаб ета билмади, чунки такаббурлик унинг руҳини заҳарлаган эди, инсонни назарга илмаслик кибру ҳавоси ушбу собиқ «*фаришталар пешво*»сини то қиёмат маънавий лаънатланишга маҳкум этди, итфеъллик – унинг тақдири, дўзах – макони бўлди. Бу ҳаммаси келажак инсонлар учун бир ибрат эканлигини шоир алоҳида таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, Навоий аввал бошданоқ инсон маънавиятига, инсониятнинг камолот сари интилиши муаммоларига айрича аҳамият бермоқда.

Албатта, Аттор ҳам бу жиҳатларни буткул эътибордан соқит қилган эмас. Масалан, «*Муножот*» бобида ноннинг азизлиги ҳақида ривоят келтирилади. Унда баён қилинишича, бир паҳлавон курашда ўз рақибидан ғолиб келгач, қўлини боғлаб, энди бошини кесиш мўлжалида ханжар олиб келгани кетса, паҳлавоннинг хотини асир қўлига нон тутқазиб қўяди. Паҳлавон тиғ билан келиб қараса, асири қўлида нон, «*Ким сенга бу нонни берди?*» деб хитоб қилади ғолиб. «*Аёлинг берди*» дейди асир. Паҳлавон бу сўзни эшитгач, «*бизга энди сени ўлдириш ҳаром бўлди, чунки нонимизни ушатган ҳар қандай кишига биз ортиқ тиғ кўтаролмаймиз. Бизнинг нонни еган одамдан (яъни, меҳмонимиздан) жонимизни ҳам аямаймиз-ку, қандай қилиб унинг қонини тўкишга қўл боради*», деб мағлуб ҳаётини сақлаб қолади.

Гарчи, Аттор бу ҳикоятни Оллоҳдан шафқат сўраш йўсинида баён этса ҳам, асли унинг мазмуни замон сардорлари, барча қўлига тиғ тутганларга қаратилгани сезилиб туради. Навоий «*Муножот*»ида бу тарздаги алоҳида ҳикоят йўқ. Аммо бир таъсирли парча мавжудки, унинг мажозий мазмунида давр воқелигига оид мураккаб муносабатларга бадиий ишора бор:

Бир тааддипешаликни хўб деб,
Ўзни ошиқ деб, они маҳбуб деб, –

(Бу «*зулм-ситамни касб қилиб олган*» ким бўлди экан? Ҳар ҳолда у «*маҳбуба*» эмас, эр киши – «*маҳбуб*». Демак, ошиқлик ҳам ишқибозлик эмас, муайян инсонга шоирнинг чин ихлос билан меҳр қўйишидир.)

Ҳар ситамким тундхўедин етиб,
Ул чу етгач, оҳ уриб, ўздин кетиб.

(Демак, бу тез феъли маҳбубдан аввалларида ҳам шоирга кўп аламлар ўтган.)

Оташин лаълидин ўт жоним аро,
Рўзғорим зулфу холидин қаро.

Яна «*оташин лаъл*»! Эътиборсиз китобхон «*маъшуқанинг лаби-да*», деб қўя қолиши мумкин. Бу анча жўн талқин бўлар эди. Биз эса шоир сатрларнинг тагзаминини ҳис қилиш учун унинг «*Туҳфат ул-афкор*» қасидасидаги биринчи сатрни эслаймиз: «*Оташин лаъл-леки тожи хусравонро зевар аст...*» («Ҳукмдорлар тожини безатиб турган оташин, яъни оловли, куйдирувчи, лаъл»)...

Васлу ҳажрин умру марг айлаб лақаб,
Бирдин осойиш топиб, бирдин тааб.
Ҳажри андуҳида жоме май ичиб,
Васли жомин чун топиб, жондин кечиб.
Онглабон онсиз тирикликни ўлум,
Жонга айлаб ҳажрида юз уштулум,
Они фаҳм айлаб ҳаётимда мурод.
Ондин ўзга келмайин кўнглумга ёд...
Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабон,
Они истарга сени ёд айлабон...

Навоийнинг бу сатрларида ёлқинли эҳтирос ва чуқур маъноли рамзлар бир бутунлик касб этган. «*Васл*» ва «*ҳижрон*» ҳам кейинги ўтли мисралар ёғдусида бошқача жаранглайди. Албатта, шоирнинг мажозий ишораларини, яқин ўтмишда урф бўлгани каби, жўн талқин қилмоқ, яъни бир «*тааддипешалик маҳбуб*»ни бевосита Ҳусайн Бойқаро деб тушунмоқ ҳам мумкин. Аммо, «*мажоз тариқи*» қонунлари ўзгача, улар масалага теранроқ ёндошувни талаб қилади. Ҳусайн Бойқаро воқеликдаги муайян шахс, унинг моҳияти воқелик янглиғ мураккаб ва уйғун, Навоийнинг ўз дўстига муносабати ҳам шунга муносиб. Аммо бу ҳаммаси – фоний дунё. Шеър – боқий. Шеърий тимсоллар булар тарихий Фарҳод, Хусрав, Искандар эмас, улар маълум ижтимоий моҳиятларнинг бадиий муайянлашган мажозларидир.

Бу моҳиятларнинг баъзиси ҳаётий, демак, ўтмишни тўғри баҳолашга алоқадор, баъзиси хаёлий, яъни келажакни тасаввур этишга қаратилган. Улуғ шоирнинг меҳри қанча юксак ва самимий бўлса, афсус-пушаймони ҳам шунчалар чуқур ва аламлидир:

Оллоҳ-оллоҳ! Ўлтурур шармандалик,
Ёдима келса бу янглиғ бандалик.
Юзқаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро,
Ким кўзумга қилди оламни қаро!

Бу изтироблар илдизи чуқур ва Навоий достони ўзининг асос қирраларида жиддий ижтимоий мазмун билан йўғрилганлигидан дарак беради. Шоирнинг «*Харобот аро кирдим ошуфта ҳол*» таржеъбандидаги қатор мисралар, «*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай*», деб бошланувчи машҳур ғазалдаги дўстидан мажоз услубида изҳор этилган аччиқ гиналари унинг бутун ижоди бўйлаб ўтувчи, умуман шоҳлар ва шоҳлик салтанатига муносабати билан маълум даражада туташиб кетади.

IX–XI асрлар бутун мусулмон минтақасида етакчи ғоявий йўналиш бўлган сарой маърифатчилигининг ижтимоий соҳадаги нуқтайи назари хаёлий «*одил шоҳ*», «*файласуф ҳукмдор*» тимсолида гавдаланган эди. XII асрдан минтақа аҳли руҳини эгаллай бориб, XIII

асрда Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий ижодида мантиқий чўққисига эришган тасаввуфий-ирфоний йўналиш таъсирида сарой маърифатчилиги олға сурган ижтимоий орзуларнинг анча оҳори тўкилиб қолди. Тасаввуф устозларининг маърифий тарбиясини олган Алишер Навоий ўз ижодининг бошланиш давриданоқ салтанат аҳлига ўта танқидий руҳ билан ёндошади:

Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анго.

Тазоднинг кучини қарангки, ҳукмдор бир нафас дўзах ваҳмидан жони тинч эмасмиш-у, дарвеш (яъни ҳалол меҳнати билан кун кечирувчи донишманд инсон) жаннатни кераксиз нарса сифатида аллақачон рад қилиб қўйган эмиш. Албатта, ёш шоирдаги бундай кайфиятлар унинг ўз тождор дўстига муносабатида ҳам муайян бир шаклда аксини топмай қолмасди. Алишер Навоий ижодининг биринчи даврида Форобий талқинидаги «*файласуф-шоҳ*» ўрнига давр руҳига уйғун «*дарвеш-шоҳ*» тимсолини олға суради. Ҳусайн Бойқаро таърифида бу ғояни очиқ изҳор этиб:

Шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳики бор
Шоҳлиғ сурат апга, дарвешлик сийрат анго, –

деб таъкидлайди.

Навоий асарларида яхши ва ёмон, одил ва золим шоҳлар ҳақида гапирса-да, унинг реал воқеликда «*одил шоҳ*»ни учратиш умиди қуйидаги ўзи яратган ажойиб ташбеҳда том ифодасини топган деса бўлади:

Ул сифатким, баҳрнинг аччиқ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам, вале маълум эмас.

Навоийнинг «*Туҳфат ул-афкор*» қасидаси, кўплаб ғазаллари, ўзга шеърлари унинг салтанат тизимига бўлган умумий муносабатини ёрқин очиб беради. Маълумки, классик шеъриятимиз учун энг мўътабар инсоний туйғу ишқ-муҳаббат туйғусидир. «*Ишқ аро душвордир*...» деб бошланувчи ғазалида Навоий ҳокимият («*жоҳ*») эгаси ва ошиқ (дилида ишқ-муҳаббат туйғуси ҳукмрон бўлган инсон) нисбатини ҳар тарафлама очиб берган:

Шоҳ мендан ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас,
Ким балокашлик менинг хўйимдир, онинг – иззу жоҳ.

(Ҳукмдор ишқ борасида мендан ожизроқ бўлса, ҳеч ажабланарли жойи йўқ,
Чунки менинг одатим зулму жафоларга чидашдир,
ҳукмдор одати эса иззатталаблик ва мансабпарастлик.)

Шоҳ ким, матлубиға қуллуқ буюргай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдир гувоҳ.

(Севгилисидан ўзига таъзим бажо келтириш, бўйсунишни
талаб қилувчи шоҳ туйғусини ишқ деб бўладими ?
Кимки чин ошиқ бўлса, ундан ишқ йўлида хокисорлик ва ўтинч талаб қилинади.)

Ғазал мақтаида ишқ ичра гадолик шоҳликдан ортиқ қўйилади:

Эй, Навоий, сидқ ила бўлгин гадо ишқ ичра ким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Бундай нуқтаи назар Навоийнинг улуғ салафларига ҳам хос эди, шоир уларга чин кўнгилдан эргашади. Аммо бир оғир ҳаётий масала ҳал қилинмай келарди, у ҳам бўлса қандай қилиб ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий тартиб ва инсоний туйғулар орасида уйғунликни вужудга келтириш.

Қушларнинг афсонавий подшоҳ сари сафари Абу Али ибн Синонинг *«Рисолат ут-тайр»* ва Аҳмад Ғаззолийнинг (Имом Абу Ҳомид Ғаззолий иниси) шу номдаги рисоласида аввал ҳам тасвир этилган бўлиб, уларда қушлар шоҳининг номи Симурғ эмас эди. Аттор достонининг бош тимсолини биринчи бўлиб бундай икки маъноли номлаш билан келгусидаги мажозий тасвирларга маълум тагзамин яратди. Навоий салафи мерос қолдирган ушбу янги тафаккур чизгиларига изчил ривож бахш этиб ва уларни мантиқий якунлаб, яхлит дунёқараш даражасига кўтарди. Аттор, асосан, эски ақидаларни рад этишга аҳамият берган бўлса, Навоий янги руҳий дунёни шакллантиришга эътиборини қаратди. Мисол учун, Аттор Симурғни «*офтоб*» ва қушларни «*соя*»га ташбеҳ этади. Навоий буни инкор этмайди, фақат у масаланинг нозик бир жиҳатига диққатни тортиб айтадики, нимаики воқеан мавжуд бўлса, унинг сояси бор, сояси йўқ нарсанинг ўзи ҳам бўлмайди. Бу ташбиҳ Авҳадиддин Кирмонийнинг юқорида тилга олинган хулосаси билан мосдир. Демак, олий ҳақиқатни англаб етиш учун унинг «*сояси*» («*мажози», «сурати*») бўлмиш оддий кўз билан кўриниб турган моддий воқеликни, унинг турли кўринишларини, ҳодисаларини тадқиқ этиш, ички мураккаб боғланишлари, турли-туман жараёнларини таҳлил этиш, ўрганиш лозим. Навоий хотирини ўзига жалб этган нарса ижтимоий жараёнлар, инсонларнинг бахти ва камолотини белгиловчи ўзаро муносабат қонуниятларидир. Бу муаммони жиддий ўрганиш шунинг учун ҳам муҳимки, инсон Олий ҳақиқат «*мазҳари*», унинг кўнгли «*ҳақиқат асрори*»ни ўзида пинҳон этгандир.

Навоий аввало шоир, шу сабабдан унинг Борлиқ, инсон ва жамият ҳақидаги изланишлари шеъриятида, бадиий тафаккур қонунлари асосида кечади ва хулосалари илмий таърифлар йўсинида эмас, мажозий тимсоллар қиёфасида юз кўрсатади. «*Мажоз тариқи*»нинг яна бир қудрати – унда бир тимсол қабат-қабат маъно беради ёки бир моҳиятнинг айри-айри жиҳатлари бир йўла ўзлигини намоён қилади. «*Мантиқ ут-тайр*» муаллифи истифода этган Симурғ тимсоли худди шу мажоз тариқи имкониятларига жуда мос келарди.

Аттор талқинига кўра, жаҳоннинг барча паррандалари йиғилишиб, *«бу замонда шаҳриёрсиз ҳеч бир шаҳар йўқ, нега энди бизнинг иқлимда шоҳ бўлмас экан, бундан буёғи биз ҳам шоҳсиз юришимиз бўлмас, бир-биримизга кўмакдош бўлсак-да, биз ҳам ўзимизга бир подшоҳ изласак»*, дейишади.

Худди шу пайт қушлар жамоасига Ҳудҳуд (пўпишак) мурожаат қилиб, «*мен ўз подшоҳимни таниганман*», агар ўзга қушлар истаса, ул олий даргоҳга бошлаб боришим мумкин, дейди. У шоҳ номини ҳам эълон қилади:

Номи у Симурғ – султони туюр,
У ба мо наздику мо з-у дур-дур.
(Унинг номи Симурғдир – қушлар султони,
У бизга яқин, аммо биз ундан жуда узоқмиз.)

Кўриб турганимиздек, ирфоний ҳақиқатлар куйчиси бошиданоқ асл фикрини очиқ айтиб қўйган. Унинг мақсади тасаввуф ақидаларининг рамзий тасвири ва шарҳи бўлганлигидан қушлар жамоасининг афсонавий шоҳи Симурғ – фақат **аллегория,** шоҳу шаҳриёр зарурати (яъни, ижтимоий масала) суфий шоир наздида жиддий муаммо эмас, унга ортиқча тўхталиб ўтириш бекор.

Аммо Навоий достонида бошланишданоқ ўзгача йўналиш танланади. Аввало сарлавҳа: «*Қушлар ижтимои тақдим ва таъхир учун бир-бири билан низоъи*». Насрий баён муаллифи ноаниқ талқин бергани туфайли бу сарлавҳа қайта шарҳ этишни талаб қилади: «*Ижтимои тақдим ва таъхир*» («Ким олдинроқ ва ким орқароқдан жой олиб ўзаро уюшуви») бирикмаси «*ижтимоий иерархия*» маъносини билдиради. Демак, сарлавҳа маъноси: «*Қушларнинг жамоада ким олдинги ўринларни ва ким орқароқдагиларини эгаллаши лозимлиги ҳақида бир-бирлари билан жанжаллашувлари*»дир. Бобнинг мазмуни ҳам сарлавҳасига тўлиқ мос келади.

Ўлтирурда чунки ойин йўқ эди,
Ҳар бирининг ўрни таъйин йўқ эди...

Яъни, агар қушлар инсоният рамзи экани назарда тутилса, инсонлар ўзлигини англаб, кишилик жамияти тузишга эҳтиёж туғилгач, бу жамиятда ким қайси ўринни эгаллаши кераклиги бўйинча, даставвал, аниқ бир қоида-қонун («*ойин*») йўқлиги билиниб қолди. Натижада шакаргуфтор тўти пастда қолиб, олақарға юқорига кўтарилди, хушовоз булбулу қумридан гўнгқарға олдинга ўтиб кетди. Калхат шунқордан олийроқ мақомга эга бўлиб, ўлаксахўр товусдан баланд парвоз этди.

Хуллас, беҳунарлар ҳунарлилар устидан ҳукмрон бўлиб олишди. Шарафлилар гуруҳи бунга норозилик билдирди, аммо разиллар уларнинг сўзига қулоқ осмадилар. Ана шу можарони ҳал қилиш учун бир адолатли шоҳга эҳтиёж туғилди. Кўпчилик умид қилдики, агар бир шукуҳли ва одил Олий ҳукмдор бўлганда пасткаш, тубан кишилардан олий мартабага лойиқ кишиларга шикаст етмас ва шарафлилар хасислар олдида хор бўлмас эдилар.

Навоий қушлар низосининг асл моҳиятига жиддий эътибор беради: унинг учун «*ижтимои тақдим ва таъхир*» масаласи муҳим муаммо. Е.Э.Бертельс Аттордa «*аниқ кўзга ташланувчи пантеизм*» («*ярко выраженный пантеизм*»)ни кўрган, Навоий ҳақида эса «*Атторнинг бениҳоя кескин қарашларини юмшатиб, мўътадил ислом чегараларига жойлаштиради*», деб баҳо берган эди. Аслида, Навоийнинг мақсади ирфоний қарашларни мўътадиллаштириш эмас, балки улар заминидан чекинмаган ҳолда янги уфқларни кашф этиш эди.

Бунинг учун у «*Мантиқ ут-тайр*»нинг бадиий тимсоллар тизимида яширинган ички имкониятлардан жуда унумли фойдаланади. Масалан, Аттор асарида ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини акс эттирувчи ҳар бири ўзича жуда ибратли қатор ҳикоятлар мавжуд бўлса-да, уларга тасаввуф шоири фақат тамсил сифатида ёндошиб, бадиий лавҳалардаги воқелик тасвирини, улардаги ички мантиқни асар бош йўналиши билан узвий боғламаган эди. Навоий ҳикоятларидаги ҳаётий кўринишлар эса қушларнинг мажозий сафари ва мақсадлари билан мураккаб ички боғланиш ҳосил қилиб, бутун достон сеҳрли ва кўзни қамаштирувчи сержило кошинлардан тартиб берилган муҳташам ва уйғун манзара янглиғ таассурот уйғотади. Биз, албатта, достондаги ҳар бир ҳикоятни ўзимиз танлаган йўналиш асосида талқин қилиб чиқишимиз қийин. Аммо ундаги Шайх Санъон номи билан боғлиқ ўзак қиссанинг мазмуни шундай теранки, бу ҳақда батафсил тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Симурғ (яъни адолатли жамият кафолати сифатида тасаввур қилинган адолатли шоҳ) сари интилган тўда ҳар хил қушлардан ташкил топган. Инсонлар жамияти ҳам аслида турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифа, элат ва миллатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ этувчи алоҳида моҳиятга, фазилат ва қусурларга эга. Дини, эътиқоди, тафаккур йўналиши ҳам ҳар хил. Маълумки, Навоий давридаги анъанавий тасаввурларга кўра турли инсон гуруҳлари орасидаги маънавий жиҳатдан энг катта фарқ икки эътиқод қутби – ислом дунёси ва куфр дунёси аро ҳисобланарди. Шайх Санъон ислом дунёси маркази Каъбадан чиқиб, мусулмон нуқтайи назаридан зид дунё бўлган куфр ўчоғи – Рум дайри (яъни христианлар монастири) сари йўлга отланиш билан ўз даврининг энг олис ва ўтиб бўлмас саналган масофасини босиб ўтишга қасд қилди. Бу журъат комил ва яхлит инсоният оламини шакллантириш йўлида ниҳоятда муҳим қадам бўлиб, қисса мазмуни шу жиҳатдан ҳам Навоийга бу қадар манзур бўлган.

Аттор шайх Санъон қиссасини хулосалаб, қушлар саргузаштига қайтар экан, қушлар шайх ишқини рамзий, яъни Симурғ ишқи («*ишқи ҳақиқий*»)га ишора маъносида тушунганликларини алоҳида таъкид этади. «*Лисон ут-тайр*»да эса қисса хулосаси Симурғ тимсоли билан мутлақо боғланмайди, балки ишқ туйғусининг ўзи мустақил тараннум этилади. Бу ишқ энди авом ишқи, яъни икки инсон орасидаги тор кечинма ҳам, Ҳақ ишқига оддий аллегория ҳам эмас. «*Ишқ баҳредур-ки, поён йўқ анга...*», «*Оламедур ишқ, лекин бас васе*» деб таъриф этади шоир. Бу бепоён оламда инсонлар ўзаро ижтимоий мавқелари, билим даражалари билан фарқланмайди:

Ишқ мулкида гадову шоҳ бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.

Бу олий туйғу асло кўнгилхуши эмас, унинг масъулияти бениҳоя оғир, эвазига ҳеч қандай имтиёз ваъда этилмайди:

Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ.

Бу олий туйғу ихтиёрини банд этган, шавқ ўтида ёнган қушлар камолот сари олға интилар экан, йўл қийинчиликлари борган сари ошиб боради ва бир йўлбошчига эҳтиёж

туғилади. Қушлар Ҳудҳудга сардорликни таклиф этишади. Ҳудҳуд қабул қилмайди. *(«Айлади табъи ҳукуматдан ибо»* – ҳокимлик қилишни таъби кўтармади)[1].

У, майли, мен йўлни бошқариб боришни зиммамга олай, аммо ортиғини таклиф этсангиз, ўртада яна нифоқ тушиш хавфи вужудга келади, дейди.

«*Маърифат водийсининг васфи*»да эса Навоий жамиятда инсонларнинг ҳар бир гуруҳи Олий ҳақиқатни излашда ўз мустақил йўли билан боришини, ҳар ким ўз йўлини тўғри деб, ўзганинг йўлини тан олмаслигини турли мисоллар билан очиб кўрсатади. Хуллас, инсонлар қанча бўлса, йўл ҳам шунча кўп, аммо бир-бири билан доимий ихтилофда бўлган турли мазҳаблар, эътиқодлар мазмунида қуйқа (“*дурд*”), яъни хатоликлар кўпроқ, соф (ҳақиқат) эса жуда оз эди, дейди афсус билан шоир.

Қушлар Симурғ даргоҳига яқинлашар эканлар, Ҳудҳуддан сўрашади: «*Бу йўл нега кимсасиз*?» Уларнинг маънавий пешвоси жавоб беради:

Ким эрур холи улус ғавғосидин,
Шоҳ иззу жоҳу истиғносидин.

Биз улуғ ҳодий насиҳатларини бугун ҳам унутмаслигимиз керак: кимки ижтимоий адолатга эришиш йўлини қидирмоқчи экан, у бир томондан, «*улус ғавғосини*» унутмоғлиги, яъни мавжуд вазиятни англаб етишга тоқати етмай, айбни бировларга юклашни осон билган оломон ғулусидан юқори турмоғи, иккинчи томондан, давр ҳукмдорларининг кибру ҳавоси, иззатталаблиги, чала мулоҳазалари ва хом ишларини оқлаб қўрсатиш, улар истаги билан муроса қилиш заруратидан мутлақо фориғ бўлмоғи лозим. Асл ҳақиқат шундагина юз кўрсатиши мумкин.

Навоий достонидаги қушлар ожиз, ноумидликка берилган бечора нотавонлар эмас, балки мақсад йўлида собитқадамлик билан олға босиб бораётган, ҳеч қандай дўқ-пўписа ёки тескари ташвиқотга учрамайдиган йўлчилардир:

Йўл югурмоқдин туну кун ҳормайин,
Ҳар балоким келса юз қайтармайин...
Ҳам аларда бор эди мардоналик,
Ҳодию комилда ҳам фарзоналик,
Сидқи ихлос ичра иккинчи фано
Ёрни қилди аларға ошно...

Бу ерда Навоий «*иккинчи фано*» тушунчасидан моҳирона фойдаланади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва шайх Суфиёни Сурийлар[2] номидан ифодаланган, дабдурустдан қушларни ноумидликка туширган «*биринчи фано*», яъни Олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул фориғ бўлиш шахс сифатида ўзликни йўқотиш, жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади ва соликлар ушбу юксакликдан «*иккинчи фано*» босқичига етишадилар. Бу мартабада энди васл

[1] Имоми Аъзамнинг қозилик лавозимини эгаллашга пўписа остида ҳам рози бўлмаганлиги эсга тушади.
[2] Суфиёни Сурий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд каби машҳур тасаввуф шайхларидан. Навоий «*биринчи фано*» талқинини улар тилидан ифодалайди

боғидан Масиҳонинг жон бахш этувчи нафасидек майин ел эсади-да, барча нуру зулмат пардаларини ҳар тарафга кўтариб ташлайди.

«*Лисон ут-тайр*»да Аттор достонидаги маҳобатли, кишини ларзага солувчи сирли даргоҳ ўрнига қушлар ўзларини табиат қўйнида, ажойиб бир бўстонда кўрадилар. Гулу гулзор, «*нуру сафо*», «*софу равшан сув*» каби киши кўнглига осудалик, беғубор осойишталик бахш этувчи фараҳли тасвир намоён бўлади. Бу гулшанда ҳар гул бир кўзгу янглиғ, уларга боққан қушлар нурга чўмгандек, соф ва тиниқ ёғду аро ўз аксларини кўрар эдилар. Мунча ранжу азоб кўриб, бардош билан шу кунга етишган қушлар –

Кўрдилар ўзни қаёнким тушди кўз,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойибдир бу сўз!

(Навоий энг асосий фикрни билдирар экан, яна ўз мулоҳазаларига урғу бериб, «*не ажойибдир бу сўз*!» деб хитоб қилиб қўяди).

Аттордаги ўттиз қуш (“*си мурғ*”) руқьа (ёзувли парча қоғоз)да аксларини кўрган бўлсалар, Навоий қаҳрамонлари учун табиат неъматлари – гул, барглар ва зилол сув кўзгу вазифасини бажаради, яъни инсонлар атроф-табиат билан мулоқотда ўзликларини англаб етадилар. Олий моҳият (“*Симурғ*”) билан комил инсонлар жамоаси (“*си мурғ*”) орасида мутлақ узилиш йўқ, «*мажоз кўприги*» уларни туташтириб турибди, Аттордаги «*чумоли ва сандон*», «*пашша ва фил*» тазодлари Навоийда тушириб қолдирилган. Олий ҳақиқат улуғ мақсад йўлида риёзат чекиш орқали турли ҳирсу ҳаваслардан пок бўлган инсонларнинг соф «*руҳонияти*»да ўзини намоён этмоқда. «*Нафсоният*» тушунчаси ҳам Аттор кўзда тутган маънода, яъни умуман инсоннинг моддий борлиғи деб эмас, балки маънавий баркамоллик касб этмаган инсонга хос **худбин ғаразлар мажмуи** сифатида тушунилмоқда.

Навоий форс эпик шеъриятининг Низомий, Саъдий, Деҳлавий каби забардаст устозлари анъаналарини изчиллик билан давом эттириб, шоирлик салоҳиятини асосан ўз даври ижтимоий муаммоларининг бадиий тадқиқига бағишлади. Шу асосда «*ҳақиқат*» ва «*мажоз*» муносабати унинг ижодида тасаввуф анъанасидан кескин фарқ қилувчи янгича талқинга эга бўлиб қолди ва бу талқиннинг калити «*Лисон ут-тайр*»нинг бош ғоясида яширингандир.

Биз асарни «*Мантиқ ут-тайр*» билан солиштириб, орадаги фарқларни Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш орқали ушбу талқинни қайта тиклашга уриндик. Ва бу тадқиқот хулосасини қисқа қилиб шундай баён этиш мумкин:

Қушлар – инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният. Уларнинг Симурғ сари машаққатли йўли – бахтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёни. Йўл бошида бу кўп асрлик орзу «*одил шоҳ*« излаш тариқасида намоён бўлади. Юзлаб йўналишларни ўз ичига олиши мумкин бўлган бу шоҳйўлнинг ҳадсиз-ҳудудсиз эканлиги Навоий томонидан алоҳида таъкидланади. Тарихий жараён давомида инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, камолотда юксалиб борадилар, турли маънавий босқичларни босиб ўтадилар. Ва охири бориб «*одил шоҳ*« орзуси муаммони асосли ҳал қилиб бера олмаслиги равшан бўлиб қолади. («*Биринчи фано*»даги вазият: шоҳ, агар Симурғ бўлганда ҳам, оддий халқни назар-писанд

этмайди). Аммо улар мақсадларидан чекинмай, «*иззат човуши*»нинг пўписасидан қўрқмай, мардонавор олға парвоз этишда давом этсалар, «*иккинчи фано*» босқичига етишадилар:

Мунда гар яхши тахайюл айласанг
Ёки иш сиррин тааммул айласанг,
Муттасиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила -
Ким сен-ўқ сен, ҳар не ким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолиға тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколиға таъвилсен.
Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.[1]

Бунда шоир ҳар бир қушга мурожаат этиб, *"агар сен «одил шоҳ»дан мурувват кутиб фаолиятсиз, ўйсиз ўтирадиган бўлсанг, истагинг ўзича амалга ошиши маҳол, улуғ орзу йўлида шахсан фидойилик кўрсатмас экансан, хаёл хаёллигича қолаберади; ҳар неки истар бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, камолингга таян»,* демоқда. Бир сўз билан айтганда, «*Олий ҳақиқат мазҳари*» сифатида олиб қаралаётган **комил ижтимоий тартиб**ни вужудга келтириш ҳам инсониятнинг ўз маънавий камоли ва фаоллик қудратига боғлиқдир:

Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр -
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ҳам билқуввa ул мавжуд эрур.
Феълга келса даво мақсуд эрур.[2]

Демак, шоир фикрича, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат – уйғун ва бахтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида барча жиҳатлар берилган, фақат бу имкониятни рўёбга чиқариш учун маънавий баркамоллик ва фидойи фаоллик лозим.

Масаланинг энг диққатга сазовор жойи шундаки, Навоий талқинида **Симурғ** – бу бутун **Инсониятнинг** яхлитликда эришуви мумкин бўлган **Олий такомил босқичи**ни ифодаловчи **бадиий тимсол,** унга ҳар бир киши ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилмоғи лозим. Ва бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ – бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи – **Тавҳид босқичи**га кўтарилиб етган ўттиз қуш («*си мурғ*»)нинг бирлиги – маънавий ягоналик ҳосил қила билган **уйғун инсонлар жамоаси**дир.

Аммо давр оғир эди. Мустақил риёзат чекиб покланмаган (ёки, бошқача айтганда, маърифат йўлининг **ибрат, илм, риёзат ва меҳр босқичлари**ни тўлиқ босиб ўтмаган) нафс

[1] Ўша китоб, с.238
[2] Ўша китоб, с.238

бандаларига муаммони очиқ тушунтириш фикрни жўнлаштиришга олиб келиши натижасида кутилган самара ўрнига фожиа чиқариши мумкинлигидан мутафаккир шоир минг мулоҳазага боради. Шу сабабли ўз ёлқинли фикрларини мажоз пардасидан ташқари чиқармайди, қайта бошқаларни ҳам мавжуд хавфдан огоҳлантиради, қайта-қайта ҳушёрликка, эҳтиётқорликка чақиради:

Кимки бу маънидин огоҳ ўлди бил,
Ким кесилди онга сўз айтурға тил...
Қуш тили билган сўзум фаҳм айлагай,
Фаҳм этардин ҳам басе ваҳм айлагай.
Лек зийрак қуш чу билди бу мақол.
Онглағайким недурур бу сўзда ҳол.
Барча сўзлар мушкулидир бу ҳадис,
Безабонларнинг тилидир бу ҳадис.

Улуғ шоир асарлари замонамизгача омон етиб келди. Аммо улардаги мажозий қобиқ кўпинча теран ва эзгу фикрларни ўқувчи кўзидан яшириб келмоқда. Кўп ўринда улар анъанавий талқин қилинмоқда. Шу сабабли бўлса керак, биз – шоир ижодининг тадқиқотчилари – ҳануз унинг сатрлари қатига яширинган улуғ асрор ва рамзларни кашф этишга етарли журъат ва камолот топа олмай қолмоқдамиз, иккиланмоқдамиз, жўн таҳлиллар билан буюк ҳикматлар устоди олдида ўзимизни хижолатда қолдирмоқдамиз. Хўш, нега Навоий талқинидаги ўттиз қуш бизнинг замонамизгача етиб келди? Чунки бу «*ўттиз қуш*» – бу «*Симурғ*» инсониятнинг минг йиллик тарихидан бизгача тирик етиб кела олган, бутун инсониятга бўлган юксак меҳрини улкан қалбларига жо эта олган ва шу билан бақога – **абадиятга эришган аждодларимиз**дир. Улар бугун ҳам тирик. Ва биз билан ҳамнафас, янги тараққиёт уфқларига қараб толиқиш билмай парвоз этиб бормоқдалар, ҳали ҳам бизни олға чорламоқдалар. Бугунги кунда уларнинг кўпгина армонлари кушойиш топа бошлади. Аммо биз – камолот сари интилаётган қушлар – бир нафас йўл машаққатларидан толиқсак, беғамлик, тараддуд ва ё тушкунликка берилсак, Олий ҳақиқат сари интилишдан бир нафас чекинсак, бутун инсониятнинг минг йиллик орзуларига хиёнат қилган бўламиз, боболаримизнинг табаррук умидига шак келтирган бўламиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз борми?

4-БОБ

НАВОИЙШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ

(Алишер Навоий ва минтақа адабиётшунослиги)

Алишер Навоий ижоди Яқин ва Ўрта Шарқ минтақа маданиятининг кўп асрлик ривожи ҳосиласидир. Ўз навбатида бу минтақа маданияти жаҳон маданиятининг муҳим ва салмоқли узвий қпсмларидан бири ҳисобланади. Навоий ижоди турли жиҳатлардан ўрганиб келинмоқда. Шу жумладан унинг адабий-танқидий қарашлари ҳам анчагина ўрганилган ва бу соҳада А. Ҳайитметовнинг 1959 йилда нашр этилган китоби анча мукаммалдир.

Яқин ва Ўрта Шарқда адабиётшунослик илмининг ривожи ва такомилини, унинг бошқа минтақалар, жумладан, қадим юнон адабиёт назарияси билан боғлиқ ва фарқли жиҳатларини ўрганиш бўйича А.Ҳайитметов ва 80-90 йиллар орасида қатор тожик олимлари (А.Сатторов, Р.Мусулмонқулов, Х.Шарипов), баъзи рус олимлари (масалан, А.Б.Куделин) жиддий тадқиқотларни амалга оширдилар.

Эндиликда муҳим бир вазифа навбатда турибди. Бу ҳам бўлса, минтақа адабиётшунослигининг назарий масалаларини бугунги кун талаблари даражасида ишлаб чиқиш, шакллантириш ва ўтмиш ижодкорлар, жумладан Алишер Навоий ижодий меросини ушбу назарий асосда текшириш. Чунки ҳозирги кунда биз қўллаётган назарий замин асосан Европа минтақа адабиётининг бой амалий тажрибаси асосида ўша минтақа назариётчилари томонидан асрлар давомида шакллантирилган ва Шарқ адабиётининг XIX-XX асрдан олдинги ривожига татбиқ этиш учун кўп жиҳатлардан мос келмайди.

Шу нуқтайи назардан, айниқса, бадиий ижод тариқи масаласи жиддий тадқиққа лойиқ бўлиб, агар Европа адабиётида ушбу категория адабий йўналиш сифатида XVII–XVIII асрдан бошлаб ва бевосита «*метод*» тушунчаси сифатида фақат XX асрда назарий шаклланган бўлса, Яқин ва Ўрта Шарқ адабиёт илмида ўзига хос адабий йўналиш сифатида XII асрдан ва илмий тушунча сифатида XV асрда шаклланган ва шу сабабдан ҳам бу соҳадаги муайян тушунчаларни кейинги давр Европа анъанасидан кўчириб Шарқ адабиёти классиклари ижодига татбиқ этиб бўлмайди.

Алишер Навоийнинг минтақа адабиётшунослигини яратишга қўшган ҳиссаси улкандир. Фақат унинг ўз бадиий ижодини ушбу адабиётшунослик анъаналари асосида ўрганиш ҳанузгача ҳал қилинмай келяпти. Бугунги кунда шоир ижодини баъзан диний мотивлар, баьзан тасаввуф аньаналари нуқтайи назаридан талқин этишга уринишлар, бу соҳадаги оқсашлар ва чалкашликларнинг жиддийлигини, ҳар бир минтақа бадиий ижод тажрибасини ўша заминда туғилган илмий тушунчалар системаси асосида англаб етишга уриниш лозим эканлигини кўрсатиб турибди. Бунда, бир жиҳатдан, Алишер Навоий бадиий тафаккури минтақа фалсафий, илмий, диний, ирфоний, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан боғлиқ эканлиги, иккинчи жиҳатдан, бу тафаккур йўналишининг ўзга йўналишлардан моҳиятан мустақиллиги, ўз ички ривожланиш қонунларига, мукаммал ички қурилишга эга эканлигини ҳис қилиб, ушбу қонуниятларни минтақа адабиёт илми ва шоирнинг ўз назарий ху-

лосаларига асосланган ҳолда, унинг асарлари .мураккаб мазмунидан келиб чиқиб очиб беришга астойдил интилиш зарурдир. Қуйида ушбу фикрларни мустақил тадқиқот натижалари ва янги топилган адабий фактларга асосланиб исбот этишга ҳаракат қилинади.

Аввало олдинги бобларда айтилган масалалар юзасидан бироз назарий изоҳ ва хулосалар лозим бўлади. Маълумки, фанда «*жаҳон адабиёти*» деган тушунча мавжуд. Бу тушунча жаҳонда адабиёт пайдо бўлган биринчи кундан бошлаб ўз тўлақонли маъносига эга бўлган эмас, албатта. Аввал жаҳоннинг турли минтақаларида бадиий адабиёт маълум халқларнинг оғзаки ижоди, кенг маънодаги маданияти асосида шаклланиб, ривожланиб, ушбу халқлар маданиятининг алоҳида тармоғи бўлиб ажралиб чиққан. Ҳар бир адабиётнинг асос-ашёсини, тагзаминини муайян халқ тили ташкил қилади. Шундай экан, даставвал, миллий тиллар асосида миллий адабиётлар шаклланиши табиийдир. Аммо қадим асрларда маълум элатларнинг тиллари муайян тарихий шароитлар оқибатида ўз миллий чегарасидан ташқарига ёйилиб, умумминтақа аҳамиятидаги тилларга айланган. Масалан, қадимги ҳинд тили – санскрит, қадимги юнон ва лотин тиллари, хитой тили, қадимги турк тили, авесто тили, қадимги миср тили, яҳудий тили ва ҳоказолар. Кейинги асрларда Қуръон ва ислом динининг кенг тарқалиши билан араб тили ҳам катга минтақада адабий тил бўлиб шаклланди. Бу тилда бой бадиий, илмий, диний адабиёт яратилди.

X–XI асрларда форс ва турк тиллари ҳам минтақа тиллари сифатида шуҳрат қозондилар. Жумладан, XIII аср иккинчи ярми - XIV аср бошларида Ҳиндистонда яшаган Амир Хусрав Деҳлавий араб, форс, турк тилларини жаҳоний тиллар сифатида талқин этади. Бундай улуғ тиллар ва улар асосида яратилган адабиёт баъзи ҳолда тарих қаърида қолиб кетган бўлса (масалан, қадимги миср тили ва адабиёти), кўплари йирик минтақа маданиятларининг шаклланишига асос солдилар. Жумладан, қадимги юнон ва лотин тилларида яратилган бой адабий мерос яҳудий тилида нозил этилган «*Библия*» муқаддас китоби анъаналари билан уйғунлашиб, аввало, бутун Европа халқлари юксак маданияти ва бой адабиётига тагзамин бўлди. Кейинча эса бу умумевропа маданий анъаналари, Шимолий ва Жанубий Американинг ҳозирги кўпчилик аҳолиси, Австралия ва Янги Зеландия, Сибир ўлкаларига келиб жойлашган аҳоли орасида тарқалди.

XIX аср охирларидан бошлаб бутун дунёда капиталистик муносабатларнинг мавқеи кучайиб бориши натижасида ўзга минтақа зиёли табақалари орасида ҳам Европа минтақа маданиятига қизиқиш кучайиб борди ва Мирза Фатҳали Охундов, Робиндранатҳ Тҳакур, Жўржи Зайдон, Абдулла Қодирий каби миллий адабиётларнинг таниқли намояндалари онгли равишда Европа адабиёти анъаналарини ижодларида фаол ўзлаштира бошладилар. Натижада XX асрга келиб жаҳон адабиёти, жаҳон маданияти деганда, биринчи навбатда, Европа минтақа адабиёти ва маданияти анъаналари беихтиёр етакчилик мақомида тасаввур қилина бошланди ва бундай кайфият жуда кўп ўринларда сезилиб қолди. Айниқса, адабиёт назарияси, ундаги таъриф ва тушунчалар, ҳатто, ўзга минтақалар адабиётини тадқиқ этишда ҳам Европа минтақасида тарихан шаклланган асос йўналишлардан келиб чиқиб талқин қилинди ва *"шўролар даври"* адабиётшунослигида бу тамойил, айниқса, кучайиб кетди.

Ўзбек мумтоз адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ижодини ўрганишда ҳам ушбу тамойил узоқ йиллар ҳукмрон бўлиб келганлиги бугунга келиб баъзи ўринларда нохуш таассурот қолдирмоқда. XX аср бошлари янги аср маърифатпарварлиги ва жадидчилик ҳа-

ракати адабиёт соҳасида ҳам ўз даври учун муҳим ижобий ҳодиса бўлган эди. Бу даврга келиб Фитрат, Чўлпон, Айний ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли ўтмиш ўзбек адабиётини ўрганиш ҳам янгича заминда қаддини тиклай бошлаганди. Аммо, 1937–1938 йиллар қатағонлари ва «*социалистик реализм*» деб аталган янги пролетар адабиётнинг зўраки жорий қилинган яккаҳокимлиги оқибатида ўзбек адабиёти тарихий илдизларидан деярли узилиб қолди, ўтмиш адабиёт яхши ва ёмонга, «*прогрессив*» ва «*реакцион*»га ажратилди, ҳатто Алишер Навоийнинг яхлит дунёқараши ҳам иккига бўлиб ташланди. Агарчи, 60-йилларда шоир асарларининг асл матнларини жиддий тадқиқ этиш амалга оширилиб, «*Хамса*» ва «*Хазоинул-маоний*»нинг тўлиқ матнлари босиб чиқарилган бўлса ҳам, кейинча яна қирқиш-қисқартиришлар кенг урф бўлди, «*Маҳбуб ул-қулуб*», «*Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувва*» каби муҳим асарларнинг мукаммал матнлари эса мустақилликкача эски ёзувдаги қўлёзмаларни ўқий олмайдиган кўпчилик китобхон ва ҳатто адабиёт мутахассислари нигоҳидан яширин қолди. Бундай ҳолатда, албатта бизнинг ихтиёримизда Европа адабиётшунослиги қоида ва тушунчаларидан ўзга илмий тадқиқ воситалари мавжуд бўлмаслиги тайин эди. Навоий ижодини холис ўрганишга Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов каби етакчи олимларимизнинг қўшган ҳиссаси беқиёс. Айниқса, А.Ҳайитметовнинг «*Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан*» китоблари, Азиз Қаюмовнинг буюк мутафаккир ижодига бағишланган қатор рисолалари, А.Рустамовнинг «*Навоийнинг бадиий маҳорати*» каби асарларида, қатор бошқа мақола ва китобларда назарий жиҳатдан кўплаб қимматли фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Аммо ҳанузгача бу турли илмий манбаларда сочилиб ётган қизиқарли фикрлар бир мустақил ва уйғун тартибга келтирилган эмас. Натижада, мумтоз адабиётимизга оид илмий тадқиқотларда, кўплаб дарсликларда, олий ўқув юртларида ўқитилаётган курслар мазмунида ҳанузгача эскича ёндошув, яъни Европа минтақа адабиёти тажрибаси асосида шаклланган тушунчалар системасига кўр-кўрона боғланиб қолиш кучли даражада сезилмоқда, аниқроғи ҳукмрон мавқеини сақлаб келмоқда. Мен Европа адабиётшунослигининг улкан ютуқларини, унинг жаҳон адабиётини ўрганишга қўшган беқиёс ҳиссасини асло инкор қилмоқчи эмасман. Аммо жаҳон адабиёти таркибида Европа минтақасидан ўзга улкан минтақа адабиётлари ҳам бор. Улар Европа адабиёти анъаналаридан анча-мунча, баъзан кескин фарқ қилувчи, ниҳоятда ўзига хос, бой ва гўзал анъаналар яратганлар. Масалан, Узоқ Шарқ ёки Ҳиндистон минтақа маданиятларида мустақил фалсафий мактаблари, ўзига хос театри, тасвирий санъати, бадиий адабиёти билан бирга бой фалсафий ва бадиий тафаккур тажрибасига таяниб яратилган поэтика ва адабиёт илмининг мукаммал назарий тизимлари мавжуд. Биз ҳануз уларни жиддий ўрганишга қунт қилганимизча йўқ.

Хитой ва Ҳинд адабиётшунослигини қўя туриб, ўзимизнинг Марказий Осиёни олайлик. Ватанимиздан етишиб чиққан машҳур қомусий алломалар IX–XIII асрларда кўп умрларини Бағдодда, Гургонда, Исфаҳонда, Ғазнада ва ўзга шаҳарларда ўтказганлар, ўша юртларда баракали ижод қилганлар. Асли қадимда Балх, Ҳирот, Астробод каби шаҳарларни ўз ичига олган Хуросон ҳамда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Урганч, Хива, Термиз, Тошкент, Қўқон, Хўжанд каби маданият марказларига эга бўлган Мовароуннаҳр (Амударёнинг бериги қирғоғи маъносида) ўлкалари юксак маданий мавқедаги яхлит бир минтақа эди.

Масалага янада кенгроқ миқёс билан ёндошилса, яхлит минтақа маданияти маъносида илгари «Яқин ва Ўрта Шарқ» деган шартли атама остида назарда тутилган, деярли

икки минг йил давомида шаклланиб келган Хуросон ва Мовароуннаҳр, Эрон ва Шимолий Ҳиндистон, Арабистон ва Шимолий Африка, маълум даврда араб Испаниясидан ҳозирги Шарқий Туркистон, Кавказ, Волгабўйлари ва Сибирнинг маълум қисмларигача ўз ичига қамраб олган улкан бир ҳудудга тегишли маънавий-руҳий ягоналик мавжуддирки, унинг асослари исломдан ҳам олдин, «Авесто» ва монийлик ғоялари тарқала бошлаган даврдаёқ юзага кела бошлаган. Бу жараёнда агар Эрон-Ироқ ҳудуди арабий, сурёний ва эроний элатлар маданиятини чатиштирувчи замин бўлган бўлса, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари дарий-туркий ва ҳатто ҳинд элатлари маданиятларининг ўзаро бойиш ва таъсирланиш майдони бўлди. Мелодий эранинг VII–VIII асрларидан бошлаб ислом динининг минтақада кенг тарқалиши ушбу тарихий-маданий жараённи янада ривож олдириб юборди. Бу маданият, албатта, ўзга минтақа маданиятларининг баракали таъсиридан холи қолмади. Ҳинд, мўғул ва хитой маданиятлари унга катта таъсир кўрсатди, Византия орқали христиан ва юнон-рим маданиятининг унга таъсири исломдан анча илгари бошланди.

IX–X асрларда кенг кўлам олган таржимачилик анъанаси нафақат қадим ҳинд, сурёний, Бобил ва Византия маданиятлари билан мусулмон алломаларини яқиндан ошно қилди, балки қадим Юнон ва Румнинг ниҳоятда бой, ранг-баранг фалсафий, тарихий-илмий, адабий меросининг асл манбаларини мусулмон дунёси тафаккур оламига бевосита олиб кирди. Натижада дунё маданий тараққиётида бир буюк ҳодиса юз берди – **мусулмон минтақа маданияти** аталмиш янги бир маънавий-руҳий олам шаклланди. Бу оламга мансуб кўпчилик юртдошларимиз номлари китобхонга яхши таниш. Ҳозир Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний дейилса, ёш бола ҳам билади. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, барча ўзаро қирғинлар, ноҳақ қон тўкишлар, олийзот мутаассибларнинг шафқатсиз қатағонларига қарамай, минтақамизда VIII асрдан диний мазҳаблар хилма-хиллиги, X асрдан эса ҳақиқат изловчиларнинг турли йўналишлари ва ҳурфикрлик тўлиқ маънода мавжуд бўлган ва расман тан олинган эди. Бу воқелик Муҳаммад Ғаззолий, Умар Хайём асарларида бевосита акс этган ва тарихий далиллангандир.

Бундай умумий маданий-маънавий иқлим бадиий адабиётнинг ҳар томонлама гуллаб яшнаши ва унинг назарий муаммолари мустақил асосда пухта ишлаб чиқилишига олиб келмай қўймас эди. Ҳақиқатан VIII–XIV асрлар давомида Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусийларнинг бадиий тафаккур ҳақида чуқур фалсафий-назарий рисолалари яратилди, тазкиранавислик, қофия, аруз, бадиий санъатлар ҳақида алоҳида-алоҳида илм соҳалари шаклланди ва ривож олди. Абу Нувос, Мутанаббий, Ал-Мааррий сингари араб, Рудакий, Унсурий, Фирдавсий, Саноий каби форс, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Носируддин Рабғузий сингари турк тилли шоир ва адиблар дунёга шуҳрат таратдилар.

Алишер Навоий нафақат ушбу буюк маданий меросни мукаммал ўзлаштирди, балки уни ўзининг ҳам бадиий ижодида, ҳам назарий умумлашмаларида янада юқори босқичга кўтарди, яхлит такомилига етказди, мутлақ янгича бадиий-фалсафий дунёқарашни шакллантиришга муваффақ бўлди. Бунда у бевосита Аттор, Румий, Ироқий, Насимийлар фалсафий поэзиясидан кўмак олди, Низомий, Амир Хусрав, Лутфийлар асос солган анъаналарга таянди, устоди ва пири Абдураҳмон Жомий унга ҳам раҳнамо, ҳам сафдош, ҳам кўмакчи бўлди. Навоийнинг назарий мероси ўрганилмаган, деб бўлмайди. Мисолларни юқорида тилга олдик. Аммо бу назарий қарашларни унинг ўз ижодига, салаф ва халафлари ижодига татбиқ этишга жиддий уриниш деярли бўлмади. Бизнинг миллий маданиятимиз яқин ўтмишда ўз табиий-тарихий минтақа доирасидан сунъий равишда узиб олинди.

Натижада Европа минтақа маданияти анъаналарини «*жаҳон маданияти*» деб, ўз минтақа маданиятимиз анъаналарини, нари борса, маҳаллий-миллий чегаралардаги маданият унсурлари, деб қарашга одатландик. Миллий маданиятни жаҳон маданияти даражасига кўтариш, унга эш қилишни нотўғри тушундик. Бугун энди биз учун ўз минтақа маданиятимизни чуқур ўзлаштириб ва мустақил заминда ривожлантирибгина асл маънода жаҳон маданиятига эш бўла бошлашимиз мумкинлигини аста-секин тушуниб етмоқдамиз. Бундай қараш мутлақо бир минтақа маданиятини бошқасига қарши қўйиш ёки бири чегарасида иккинчисини ижодий ўзлаштиришдан тийилиш маъноларини билдирмайди, албатта. Жаҳон халқларидан ким қаерда арзигулик бир натижага эришган бўлса, уни таҳсин қилмоқ, ўрганмоқ, ўзлаштирмоқ лозим. Аммо ўзлигини унутиш ўзгани тўғри тушунишга йўл очмайди. Аксинча илмда бир ёқламаликни келтириб чиқаради.

Навоийшунослик илмининг устоз алломаларидан профессор А.Ҳайитметов юқорида номи тилга олинган илк рисоласида Навоий адабий-танқидий меросини таҳлил этар экан, улуғ мутафаккирнинг форсий ва туркий тилли шоирлар ҳақида мулоҳазаларини умумлаштириб ёзган эди: *«У (Навоий) бу шоирларнинг **ижодий метод**ларини асосан икки турга – **ҳақиқат тариқи** ва **мажоз тариқи**га ажратади»*. Дарҳақиқат, олим бу ўринда Яқин ва Ўрта Шарқ мумтоз адабиётини ўрганиш учун ниҳоятда муҳим бўлган фикрга диққатни жалб этган. «***Метод***» тушунчаси «*англаб етиш (ва етказиш) йўли, йўналиши*» маъносида юнон тилидан араб тилига «***тариқ***» сўзи билан аниқ таржима этилган. Ўтмишда, масалан, тасаввуф анъанасида «*тариқат*» шаклида бу тушунча фалсафий маънода кенг қўлланилган. Алишер Навоий асарларида эса ушбу атама **бадиий ижод тариқи** маъносида таърифланиб, илмий тушунча даражасига кўтарилди. Европа адабиётшунослиги анъанасига нисбатан 5 аср илгари рўй берган бу салмоқли илмий кашфиётнинг тўғри таъкидланиши навоийшуноснинг катта ютуғи эди. Аммо афсуслиси жойи шундаки, давр тақозоси билан кейинги тадқиқотларда шоирнинг ижод тариқи гоҳо «*прогрессив анъанавий романтизм*», гоҳо «*реализм*» деб талқин этилди ва Навоийнинг **ўз таъкидлари** етарли эътибор топмади. Бунга, бир жиҳатдан, ўша даврларда маънавий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига чангал урган мафкуравий тазйиқ бевосита сабаб бўлса, иккинчи жиҳатдан, умуман миллий маънавиятимиз такомилининг изчил ўрганиш имконияти чекланганлиги ҳам таъсир кўрсатди. Ҳар ҳолда «*романтизм*» XVIII аср охири – XIX аср бошларида муайян тарихий шароитда Европа адабиётида шаклланган адабий ҳодиса эди. Бу муайян тарихий-адабий тушунчани XV аср Шарқ адабиёти намояндалари ижодига нисбатан қўллаш фақат масалани чалкаштиришга олиб келарди. Ўша давр Европа олимлари таъкидлаб ўтишганидек, «*романтизм*» методи XVIII аср Буюк француз инқилоби натижаларининг давр ижодкор зиёлилари тафаккурига таъсири билан боғлиқ бўлиб, нафақат адабиёт, балки иқтисод илмида ҳам, фалсафий қарашларда ҳам ўз аксини топган ва яхлит бир маънавий-ижодий муҳит ҳосиласи сифатида юз кўрсатган эди.

Алишер Навоий ижод этган ва унинг дунёқараши шаклланган тарихий-минтақавий муҳит эса буткул ўзгача асосларга таянгани маълум. **Бадиий ижод тариқи** шоир ё адибнинг ўзи маълум даражада тушуниб туриб риоя қилган бадиий тадқиқ йўлини англатади. А.Ҳайитметовнинг илк тадқиқотларида ўз вақтида *«мажоз йўли билан асар ёзган шоирлар реал ҳаётга яқинроқ эдилар»* деб таъкидланган, «***Навоий ҳам ўз ижодий йўлини шу мажозий йўлга мансуб, деб атаган ва онгли равишда тобора унинг ичига кириб борган эди»*** деб билдирилган ниҳоятда тўғри фикрлар кейинги ишларда изчил ривож-

лантирилмади. Олимнинг «*Шарқ адабиёти ижодий методи тарихидан*» китобида Шарқ адабиёт назариясига оид ниҳоятда бой ва диққатга сазовор фактик материаллар мавжудлиги баробарида, муаллифнинг юқорида қайд этилган мулоҳазаларига моҳиятан зид хулосалар келтирилди. «*Тасаввуф ва мажоз*» бобида Навоий ҳамиша чуқур эҳтиром билан ёд этган Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий сингари «***ҳақиқат тариқи**нинг суханварлари*» ижодига муайян даражада беписандлик билан ёндошилиб, улар дунёқараши «*асос эътибори билан ниҳоятда реакцион*» эди, деб баҳоланганлигини давр талаби билан боғлаш мумкин, аммо бугун учун ҳам муҳим бўлган назарий чалкашлик шундаки, бу китобда «***мажоз***» тушунчаси тўлиғича «***аллегория***» маъносида талқин қилингани сабабли китобни ўқиган кишида Яссавий ва Боқирғонийлар «*ҳақиқат тариқига*» (суфизм ғояларини тўғридан-тўғри – аллегориясиз – баён қилувчилар сифатида), Аттор ва Румийлар эса «*мажоз тариқи*»га (ўз асарларида ирфоний ғояларни мажозий тасвирларга таянган ҳолда куйловчилар сифатида) мансуб бўлиб қолгандек таассурот туғилади.

Албатта, бугунги ҳурлик замонида илгари ёзилган асарларни танқид қилиш осон. Аммо, эски ақидалар, янглиш назарларни қайта кўриб чиқмасдан маънавий ҳаётда, жумладан адабиётшунослик илмида, янгиланишга, янги уфқлар сари интилишга эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўп марта тасдиқламоқда. Ҳатто, Азиз Қаюмовнинг «*Садди Искандарий*» достонининг ғоявий мазмуни ҳақида 70-йиллардаёқ билдирган мутлақо янгича мулоҳазалари, Алибек Рустамовнинг Навоий дунёқараши ҳақидаги жиддий фикрлари ҳалигача кўпчилик назаридан четда қолмоқда. Ваҳоланки, уларни янги дарсликлар ва оммабоп нашрлар мағзига сингдирилиши бугунги кун заруратидир.

Навоийдаги ***«мажоз тариқи»*** ниҳоятда теран фалсафий ва адабий-назарий тушунча. Уни тўғри талқин этиш учун «*мажоз*» тушунчасининг мазмуний миқёси Европа адабиётшунослигидаги «*аллегория*» термини маъно доираси билан чекланмаслигини ҳис этмоқ лозим. Бунинг учун эса минтақа маданияти мазмуний такомили ҳақида ҳар тарафлама маълумот ҳосил қилиш талаб этилади. Масалан, тасаввуф шеърияти намояндаларининг «***мажоз***» тушунчаси ҳақидаги тасаввурлари «*мажоз тариқи*» намояндаларининг мустақил тасаввурларидан моҳиятан фарқ қилишига жиддий эътибор қаратиш лозим. **Мажоз** – тасаввуф поэзиясида **аллегория**, Навоий талқинида эса **метафора**дир. *«Аллегория»* – бир моҳиятни бошқа бир суратда ифодалаш бўлса, «*метафора»* бир йўла бир неча маъно товланишига эга бўлган мураккаб моҳиятни англата билишдир. Аттор ва Румий асарларидаги мажозий ривоят ва ҳикматлар Низомий, Деҳлавий, Навоий эпик шеъриятидаги «*мажоз тариқи*» тасвир принциплари билан ўз вазифаларига кўра бошқа-бошқа моҳиятлардир. Аттор «*мажоз*» тушунчасини дунёқараш системасидаги унсур сифатида бир маънода ва тасвир принципи сифатида бошқа маънода тасаввур қилади. Навоий эса «*мажоз тариқи*» тушунчасини ҳам дунёни англаб етишнинг алоҳида бадиий-фалсафий йўли, ҳам бадиий тасвир принципи маъноларида бир йўла уйғун яхлитликда тушунади ва «*мажоз*» тушунчаси мазмун-мундарижасини мутлақо янгича талқин қилади. Мутафаккир адиб салафлари Низомий, Саъдий ва Ҳофизларга таяниб, бадиий-фалсафий тафаккур такомилида буюк бурилиш ясади ва кейинги авлодларга бу йўналишда буткул янги уфқлар очиб берди. Бадиий-фалсафий тафаккур такомилининг ушбу янги босқичида нафақат туркий Бобур, Фузулий, Андалиб сингари шоир ва адиблар, балки Соиб Табризий, Мирзо Бедил, Асадулло Ғолиб каби форсийзабон ва ҳатто Кабир сингари ҳиндузабон шоирлар ҳам янада янги ютуқларга эришдилар, инсон руҳий такомилини таъмин этиб

бордилар. Бугун энди «*Хамса*» достонларини афсона даражасида талқин этиш билан ҳам, ахлоқий ва ирфоний талқинлар билан ҳам қониқиш даври ўтди. Халқ бундан юқорироғини англашга қодир эмас, деб тасаввур қилиш учун ҳам асос қолгани йўқ. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, бугун халқимиз Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларнинг ўзбек тилидаги таржимаси билан эркин танишиш имконига эга. Миллий маънавиятимизнинг энг қадим илдизларидан бошлаб, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаригача ишқибозлар қўлига эркин етиб бормоқда. Ҳар бир шахс ўзлигини борган сари теранроқ англаб бориш имкониятлари кундан-кун кенгаймоқда.

Воқелик мураккаб. Унинг диний ва дунёвий мазмуни, фалсафий ва бадиий талқини мавжуд. Бир тимсолда буларнинг барчасига бир йўла ишора қилиш ўртача салоҳиятли одми шоирнинг қўлидан келадиган юмуш эмас. Бунинг учун даҳо қудрати лозим. Навоийнинг шеърий салоҳияти шу юкни зўриқиш билмай кўтара оладиган қувватга молик эди. Шу сабаб у «*Низомий панжасига панжа урмоқ*»қа журъат этди. Буюк салафи бошлаган тамойилни такомилига етказди. Шу билан ҳақиқий фалсафий теранликда воқеликни мустақил таҳлил ва талқин эта олувчи **бадиий ижод тариқини** Европадан бир неча аср олдин кашф қилди. Биз бу **ижод тариқи** нима эканини пухта англаб ета олмасак, нафақат ўз адабиётимиз, балки Арабистон ва Туркия, Ҳинд ва Эрон адабиётини ҳам, маданиятини ҳам мукаммал идрок эта олмаймиз. Миллий маънавиятимиз такомил даражасини бугунги кун талабига мувофиқ тарзда идрок этиш ва бундан тўғри хулосалар чиқара билиш учун Алишер Навоий бадиий оламини жиддий ва чуқур ўрганиш, айниқса, ундаги «*Ҳақиқат*» ва «*мажоз*» тимсолларини теран тасаввур этмак лозим. Шунда ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам нафимиз кўпроқ тегади, саъй-ҳаракатларимиз янада баракалироқ бўлади.

ҲАҚИҚАТ АСРОРИНИНГ ГАНЖИНАСИ

(Алишер Навоийнинг ижтимоий тоифалар хусусидаги қарашлари)

Қадим қўлёзмалардан бирида шундай дейилади: *«Агар сендан сўрасаларки, илм нима, унинг ибтидоси ва интиҳоси қандай белгиланади? Жавоб бергилки, илмнинг ибтидоси ҳақни танишдир ва интиҳоси ҳақ йўлида амал қилишдир».* Ҳақни таниш учун эса инсон, аввало, ўз-ўзини англаб етиши керак. Бу борада адабиёт ажойиб кўзгудир. Буюк аждодларимизнинг маънавий мероси шу сабабдан туганмас хазина ҳисобланади. Уларда нафақат бир инсон, балки бутун инсоният ўтмиши, бугуни ва келажаги яхлит намоён бўлади. Алишер Навоийнинг «*Лисон-ут-тайр*», «*Маҳбуб ул-қулуб*» асарларига мурожаат қилсак, бунга яққол ишонч ҳосил қиламиз.

НАВОИЙ НИГОҲИДА ДЕҲҚОН ВА ДАРВЕШ

Инсон яратувчидир, деймиз. Албатта, инсоннинг яратувчилиги нисбий, нотўкис ва иккиламчилик хусусиятларига эга. Шу билан бирга, бу фазилат чексиз такомиллашиб бориш тамойилидан ҳам фориғ эмас. Инсоннинг яратувчилиги икки йўналишда зоҳир бўлади – бири инсонлар эҳтиёжи учун зарур моддий неъматлар ҳосил қилиш, иккинчиси – инсонлар қалбига маънавий зиё таратиш, уларни боқий дунё билан туташув ҳосил қилишига кўмак-

лашиш. Ҳар икки яратувчилик фаолияти ҳам Аллоҳ иноятн билан амалга ошади, аммо бу йўлда инсонларнинг ўзлари бир-бирига восита этиб қўйилгандирлар.

Бизнинг назаримизда, «*Маҳбуб ул-қулуб*»нинг бош ва суюкли қаҳрамонлари шоҳ ва султонлар, мунажжим ва воизлар эмас, балки **деҳқон** ва **дарвеш**дир: «*Деҳқон-ки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар...*» Дунёга дил кўзи билак қарашни ўрганган шоир **деҳқон**ни Одам атога, ўзгаларни унинг қарамоғидаги фарзандларга ўхшатади, оламнинг ободлигини деҳқон меҳнатидан деб ҳисоблайди. Табиатдаги жуда кўп жонзотлар ҳам деҳқон меҳнати самараларидан баҳраманд бўладилар. Демак, шоир таъкидича, деҳқон жамиятда асосий яратувчи кучдир. У инсонлар ва табиат орасидаги мувозанатни сақлайди.

Қадим аждодларимиз назарида муқаддас китоб саналган «*Авесто*»да замин аёлга қиёс этилади, уни эркалаш, парвариш этиш улуғ ва муқаддас юмуш сифатида деҳқон зиммасига юкланади. Аждодларимиз ўзлигини танигандан бошлаб ер, сув ва оловни улуғлаганлар ва дастлабки иккисини пок сақлаш, эзгу ниятларда истифода этиш деҳқон учун ҳам ҳуқуқ, ҳам масъулият саналган.

Мутафаккир адиб жамиятдаги яна бир тоифага – **дарвеш**ларга ҳам алоҳида меҳр кўргазган. Афсуски, ўтмишда Навоий асарларидаги айрим мафкурачиларга маъқул келмаган жиҳатлар кўплаб нашрлардан аёвсиз қирқиб ташланарди. Жумладан, «*Дарвешлар зикрида*» деб номланган 1-қисмнинг 40-фасли ҳам биз тилга олган асар оммавий нашридан «*тушиб*» қолган. Ҳолбуки, Навоий бу тоифа мисолида **ҳақиқий зиёли** образини яратади. Ҳақиқий зиёли, яъни **дарвеш** элга фақат маърифат, илм нурини тарқатиш билан кифояланмайди, инсонлар дилига поклик, меҳр-оқибат, эзгуликка интиқлик, ўз-ўзини англаш туйғуларини сингдиради: «*Ичи таши билан мувофиқ, балки ориғроқ (покроқ), ботини зоҳир била мусови (тенг мувозанатда), балки ёруғроқ...*» Албатта, моддий ва маънавий қиёфа доим мутаносиб бўлавермайди: «*Дарвеш тўни йиртуқ, андоқ турурким, ганж (хазина) макони бузуқ».*

Форобий, Беруний, Ибн Синолар ҳукмдорни файласуф бўлишга даъват қилган бўлсалар, Навоий ўз асарларида Ҳусайн Бойқарони «*дарвеш-шоҳ*» бўлишга ундаган. Ўша замонда дарвешлар деганда кўпроқ сўфийлар, тасаввуф аҳли тушунилган. Уларнинг яратувчилиги, аввало, руҳий огоҳлик, маънавий поклик тимсолларини ўзликларида жонли тажассум этишлари билан боғлиқ бўлган. Шу боис улар – **маъно** (яъни, Ҳақ моҳиятидан огоҳликка интилиш) ва **сафо** (покликка, маънавий қусурларни енгиб ўтишга жаҳд қилиш) аҳли сифатида улуғланганлар. Алишер Навоийнинг асл дарвешлар – маъно ва сафо, зиё ва ишқ аҳли ҳақидаги мукаммал китоби «*Насоим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувва*»дир. Унинг тўлиқ нашри фақат мустақиллик туфайли дунё юзини кўрди.

Деҳқон ва зиёлидан ташқари яна икки асосий ижтимоий тоифа мавжуд бўлиб, улар ҳам жамият учун зарурийдир. Бири – барча ижтимоий соҳалардаги ташкилотчилар, иккинчиси – косиб-ҳунармандлар, яъни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардир. Ташкилотчилар гуруҳи ўз табиатига кўра, то қадим дунёдаги қабила бошлиғидан тортиб, ўрта асрлардаги шоҳ ва султонлар, Янги даврдаги тадбиркорлар тоифасигача кўпинча ҳукмронлик мавқеини эгаллаб келганлар. Навоий бу табақа вакилларини биринчи бўлиб таърифлайди: султонлар, беклар, ноиблар, вазирлар, садрлар, шайхулислом ва қозилар, лашкарбоши ва ясовуллар... Буларнинг аксарияти мутафаккир шоирнинг аччиқ гиналарига сазовор бўлади. Уларсиз жамият тўкис эмас, аммо уларнинг «*ташкил этиш*» усуллари давр тақозоси ва ҳукмронликнинг мураккаб ботиний қонуниятлари таъсирида ўта жоҳил ва аёвсиз шакл-

ларда намоён бўлар ва шу сабабли Навоий сингари орифлар ва меҳр аҳли дилида изтироблар уйғотар эди.

Адиб асарида ўша даврдаги «*бозор косиблари*» ва ўзга ҳунар аҳлини ҳам аямайди. «*Бозорда савдогар косиб – тенгрига хоин ва ваъдага козиб (ёлғончи). Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларға йўқ зарра уёт. Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлиқ ва ваъдага вафо аларға бадкирдорлиқ...*» Кўриниб турибдики, Навоий косибни бозорда, иқтисодий муомалада тасвир этмоқда. Бу ерда у хусусий мулкчи сифатида, савдогардан, сармоясини кўпайтириш ғамида юрган тижоратчидан ақидада фарқи йўқдир. Ҳунар аҳлининг деҳқондан фарқи – у яратувчи сифатида она-табиатдан узилиб қолганлигидир. У табиат билан эмас, бозор билан боғлиқ, бозорда ҳамма нарса нисбий, ё сен алдайсан, ё сени алдайдилар. Деҳқон эса табиат билан мулоқотда, табиатни алдаб бўлмайди, охир-оқибат ўзинг алданиб қоласан. Бу билимни деҳқон ва чорвадор минг йиллик амалий тажрибаси билан чуқур ўзлаштирган.

Яратувчи косиб, ҳунар аҳли ўз пухга маънавий асосини ишлаб чиқмаган, инсонлик моҳиятини англаб етмаган бўлса, оддий бозор товламачиси даражасига тушиб қолиши ёки хонавайрон бўлиши ҳеч гап эмас. Сабаби – инсон табиати ҳам барча воқелик ҳодисалари сингари ўз ички зиддиятига эгадир. У бир тарафдан ҳайвонот оламига, иккинчи томондан Ҳаққа, Борлиқнинг маънавий моҳиятига туташдир. «*Лисон ут– тайр*»да таъкидланишича, инсон жисмида тўрт бир-бирига зид моддий унсур бирлашган, дили эса **ҳақиқат асрорининг ганжинаси**дир. Ҳайвонларнинг ҳар қандай тоифаси, аввало, **қориннинг қули**, қолаверса, ўз наслидан авлод қолдириш вазифасини, табиат буюрган вазифани бажарадилар, яна бир-бирларига емиш бўладилар. Инсонда ҳам ҳайвонларда бўлган барча табиий эҳтиёжлар мавжуд. Агар инсон ўз ақлини маърифат зиёси билан ёритмаса, яратувчилик вазифасини адо этишга онгли муносабатда бўлиб, астойдил шуғуланмаса, дилида ўзгаларга меҳр-шафқат туйғуси ёлқинланмаса, у икки оёқли маҳлуқ – **қориннинг қули** бўлиб қолаверади.

Инсонга ақл Ҳақни таниш учун берилган. Агар ақл вазифасидан адашса, дорилик учун мўлжалланган жавҳардан заҳар сифатида фойдаланиш каби ҳолат вужудга келади. Заҳар вазифасини бажара бошлаган ақл қудрати бутун инсониятни заҳарлашга қодирдир. Ўтмиш «*лисон ул-ғайб*» эгаларининг асосий фаолияти мазмуни ушбу фалокатнинг олдини олишга қаратилган эди.

“АҲЛИ ФУТУВВА”

Шўролар даврида 70 йил давомида материализм ва атеизм тарғиботчилари изчиллик билан аждодлар меросидан ҳам моддиятпарастлик ва даҳрийлик унсурларини қидириб келишди. Мўлжалларига бироз мувофиқ келадиганга ўхшаб туюлган фикр ё жумла топилса, уни ҳар томонлама кўз-кўз қилинди. Борди-ю, аксинча бўлса, ҳукмрон мафкурага мос келмай қолган бундай жумла ва боблар оммавий нашрлардан тушириб қолдирилди, мураккаб ўринлар эса кўриб-кўрмасликка олиб айланиб ўтилди.

Энди ота-боболар эътиқодига қайтиш, уларни замонавий кўз билан тушуниб етиш жараёни борган сари кенг тус олиб бораётир. Дастлабки йилларда бу соҳада баъзан муаммога енгил-елпи ёндошиб, буюк аждодларимиз асарларидаги динга алоқадор ўринларини бўрттириб кўрсатиш, «*Мана, фалончи ҳам эътиқодли мусулмон бўлган, Аллоҳга муножот*

этган», деб таъкидлаш ҳаракатлари ҳам авж олганлиги бор гап. Тасаввуфни улуғлаш, барча ўтмиш алломаларимизнинг мутасаввуф эканлигини таъкидлашга уриниш ҳам ушбу жараённинг узвий қисми бўлди. Ҳар ишда меёр тузук. Инсон табиати фақат руҳий дунёдан иборат бўлмагани сабабли, у агар тўлиқ моддий дунё эҳтиёжларини рад этса, ё бу фоний дунёни тарк этмоғи, ё иккиюзламачиликни, яъни риёкорликни касб этмоғи лозим. **Аҳли футувва** ушбу зиддиятни енгиб ўта олган жамоадир. Футувва маънавиятини ўзлаштирган киши амалда ижтимоий фаол ва руҳиятда дарвешдир. Унинг ахлоқий жиҳатдан сифати – **жавонмардлик**, яъни саховатлилик, олийҳимматлик, камтаринлик, тўғрисўзлик, мардлик каби хислатларнинг узвий яхлитликда намоён бўлишидир. «*Бу гуруҳ меҳнат билан топган нонини бойлик деб билгай*», деб ёзади Унсуралмаолий Кайковус. Алишер Навоийнинг «*Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувва*» асарида тилга олинган машойиҳ ва авлиёларнинг ҳаёт тарзидаги асосий хусусиятлардан энг аввали уларнинг ҳар бири бир касб билан машғул бўлиб ҳалол меҳнатлари ҳисобига рўзғор тебратишларидир: Абу Саид Харроз – этикдўз, Муҳаммад Саккок – пичоқчи, Абу Ҳафз Ҳаддод – темирчи, Абулаббос Омилий – қассоб, Иброҳим Ожирий – ғишт қуювчи, яна бирлари ҳаммол, бошқалари нажжор, ҳеч бўлмаса, ўтин ташувчи ва ҳоказо.

Ҳунар аҳлининг икки қиёфаси бор: бири жамият учун зарур ашёни яратишда намоён бўлса, иккинчиси бозорда, ясаган буюмини пуллашда кўринади. Агар косибнинг яратувчилиги фақат моддий эҳтиёжини қондириш учун заруратан ижро этилса ва у ўз инсонлик моҳиятини, бинобарин, Ҳақни англаб етмаган бўлса, уни бозор фойда излашга ўргатади, олибсотарликка, ўзгаларнинг соддалиги ва ҳалоллигидан фойдаланиб имкон борича ўз ўчоғига кул тортишга одатлантиради. Бозор муносабатлари ҳукмронлиги -инсониятнинг камолот сари интилишида бир босқич, жамиятни ташкил этишда ҳарбий ва сиёсий зўрлик ишлатиш усулидан иқтисодий тазйиқ йўлига ўтиш, холос. Бозор ҳар бир инсонни ҳушёрликка, фурсатни беҳуда ўткаэмасликка ўргатади. Аммо бозор корчалонларининг танҳо ҳукмронлиги инсониятни разолатдан қутқармайди, табиатни эса ҳалокат сари элтади. Буни унутмаслигимиз керак. Футувва ахлоқи эса яратувчилик меҳнатини руҳий камолот билан уйғунлаштиришни мақсад қилиб қўйган эди. Меҳнатсиз, яратувчиликсиз руҳий камолот насиб эмасдир ва руҳий камолотга интилишсиз, Ҳақни танимай туриб, Инсонликка даъво ўринсиздир.

САВДОГАРЛИК КАСБМИ?

Навоий ҳақиқий савдогарни (“*тижорат аҳли*”ни) олибсотарлардан фарқ қилади. Савдогар ҳалол ризқ топаман деб узоқ, машаққатли йўлларни босади, яъни у инсон жамоалари аро иқтисодий муносабатларнинг ташкилотчисидир. Бир юртдаги маълум ашёларнинг ортиқча серобгарчилиги ва қадрсизлиги олдини олиб, ўзга юртдаги тақчиллик, камёбгарчиликка барҳам беради, иқтисодий мувозанатни таъминлайди. Бу касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва завқлари бор. Аммо “*тожир бошида бирни юз қилиш савдоси ва бўзни шойига айлантириш таманноси*” бор. Шаҳар олибсотарларида эса ушбу ҳирс буткул инсоф ўрнини эгаллаб олган бўлади. Демак, ҳунарманд яратувчилигини унутса ва савдогар вазифасини адо қилмаса, ҳар иккиси ҳам бозор товламачисига айланади. Янги даврга келиб ҳунарманд ва савдогар янги жиҳатлар касб этди: тадбиркор билан ёлланма ишчига айланди. Ишни ташкил этиш сармоя эгасининг вазифаси, тайёр иш қуролларида

тайёр хомашёни қайта ишлаш ишчининг вазифаси бўлиб қолди. Албатта, собиқ савдогар «*бирни минг килиш*» кайфиятини сақлаб қолди ва ишчига оз ҳақ бериб, ўзи кўп фойда олиш ҳаракатида бўлди. Ишчилар ҳам аста-секин ўз ҳақларини таниб, бирлаша бошладилар ва сармоя эгаси билан кураш усулларини ишлаб чиқдилар.

ЙЎҚСИЛЛАР ВА ИСТИБДОД

Марксистлар ўзларидан олдин ўтган барча инсонларни, улар қанчалик улуғ бўлмасин, барибир дунёқараши чекланган деб ҳисоблаб келдилар. Шўролар даврида ўтмиш аллома-ларнинг бутун "*хизмати*" келажакда яратилажак "*диалектик материализм*" назариясига қанчалик мувофиқ фикр юритганликлари билан белгиланди. Агар номувофиқ бўлса, демак, "*реакцион*". Улар назарида, ўтмишнинг энг "*прогрессив*" алломалари ҳам, айниқса Шарқдан бўлса, "*синфлар курашининг*" моҳиятига етиб бормаган. Жумладан,"*социалистик реализм*" назариётчилари Алишер Навоий тафаккурини ҳам бу қусурдан холи эмас, деб ҳисоблашган.

Алишер Навоий даврида том маънодаги ёлланма ишчилар синфи мавжуд бўлмаган. Албатта, бу шоирнинг "*айби*" эмас. Аммо шоирнинг **ижтимоий адолатни маънавий баркамоллик билан боғлаб тушуниши** марксист назариётчилар томонидан унинг дунёқарашидаги ноқислик сифатида талқин қилинди. "*Адолатли*" жамиятни инқилобий йўл билан барпо этиш тарафдори бўлган марксистлар ишчилар синфини ҳақиқий инқилобий куч деб эълон қилдилар[1]. Улар фикрича, пролетариатнинг илғорлиги унинг инқилобийлиги билан, бу эса ўз навбатида унинг **хусусий мулк эгаси эмаслиги** билан белгиланар эди[2].

Пролетар диктатураси ("*йўқсиллар истибдоди*") зўрликка зўрлик билан жавоб берувчи куч сифатида пайдо бўлди. Йўқсиллар манфаатини инқилобий асосда ҳал қилишни режалаштирган назариётчилар янги жамият барпо этиш йўлидаги **асосий тўсиқ** эзувчилар синфи ва **хусусий мулк муносабатлари** деб билдилар ва **хусусий мулкчиликнинг бекор қилиниши барча мушкулни ҳал қилади**, деб хулоса қилдилар. Бу кайфиятни ўтган аср бошларида яшаган рус адиби Андрей Платонов «*Чевенгур*» коммунаси аъзоларининг қарашлари тимсолида равшан кўрсатиб берган эди. Уларнинг йўлбошчиси Чепурний йўқсиллар "*адолатли*" жамоаси асосий хусусиятини аниқ ифодалайди: «*Чевенгур мулк йиғмайди, у мулкни йўқ қилади*». Бу комунна аъзоларининг таянч ғояси: «*Йўқсиллар бошқа синфларсиз ёлғиз яшаса, коммунизм ўз-ўзидан пайдо бўлади*». Бу жуда ҳам хавфли хаёлпарастлик эди, шунинг учун Платонов сингари софдил ва андишали санъаткорлар уни алоҳида бўрттириб акс эттирдилар. Афсуски, уларга қулоқ соладиган одам бўлмади. Сталин диктатураси пролетар диктатурасининг қонуний ҳосиласи эди, биз бутун бир ижтимоий гуруҳ хатосини бир ёки бир неча шахс бўйнига юклашимиз асло инсофдан ҳам, адолатдан ҳам эмас

[1] Аслида инқилобчилик, мавжуд тузумни зўрлик билан йўқ қилиш кайфияти ишчилар синфига эмас, маргинал, яъни аросатда қолган тоифаларга хосдир. Масалан, хусусий мулкчи бўлган деҳқон ёки ҳунарманд ўз мустақил даромад манбаи бўлга хусусий мулкидан муайян сабабларга кўра ажралиб қолса, то бирор ишнинг бошини ушлаб, ўз моддий аҳволини мўътадил ҳолатга тушуриб олгунча ана шундай аросат аҳволда бўлади. Бу аҳвол қанча узоқ давом этса, унинг ижтимоий норозилик кайфияти шунча кескинлашиб боради. Аммо муайян касб эгаси бўлган ёлланма ишчи аниқ ва доимий иш ўрни ва кун кечиришга етарли маош билан таъминланган бўлса, у ҳар қандай инқилобга қарши бўлади.

[2] "Пролетариату нечего терять кроме своих цепей" (Йўқсилнинг кишанларидан ўзга йўқотадиган нарсаси йўқ).

ва бу ўтмиш тажрибасидан тўғри хулосалар чиқаришимизга ёрдам бермайди. В.И.Ленин йўл қўйилган хатони вақтида сезиб қолиб ярим-чала тузатишга ҳаракат қилган бўлса ҳам, кўпчилик большевик арбоблар зўрликни ва бутун жамиятни пролетарлаштиришни янги жамият қуришнинг ўзак омиллари ҳисобладилар.

Ўз даври *"пролетар инқилоби"* назариётчиларидан бўлган Н.И.Бухарин ёзади: *«Пролетарча мажбур қилиш (пролетарское принуждение) ўзининг барча шаклларида – отиб ташлашлардан тортиб мажбурий меҳнатгача (трудовая повинность), қанчалик ақлга хилоф кўринмасин, барибир капитализм даврида шаклланган инсон ашёсидан (человеческий материал) коммунистик инсониятни барпо этишнинг асл усулидир»*. Бир пайтлар Сталинга Бухаринни қарама-қарши қўймоқчи бўлишди. Балки, уларнинг бири маккорроқ ва иккинчиси самимийроқ бўлгандир ва шу сабабдан жабр кўргандир. Аммо йўналиш ўз асосида бир хил эди, буни тан олмоқ керак.

70 йил давомида ишчининг меҳнаткаш ва яратувчи эканлиги, уюшган ва жанговар синф эканини таъкидлаб келинди. Деҳқонга ҳам, зиёлига ҳам ишчини ўрнак қилиб кўрсатилди. Бу билан ҳам чекланмай миллионлаб деҳқонларни совхоз, яъни давлат хўжалиги ишчиларига айлантирилди. Барча зиёлиларни давлат хизматчисига, умумдавлат машинасининг мурувати ва ғилдиракчаларига айлантирилди. 30-йиллардаги зўраки коллективлаштириш деҳқонларни пролетар давлатининг коллектив қарамлиги асоратига солди. Шундан сўнг ялпи пролетарлаштирилган жамият "*социализм*" деб эълон қилинди, барча «*шаккоклар*» ёки шундай гумон қилинганлар, том маънода қириб ташланди. Аслида эса *"ижтимоий адолат"* тимсоли ҳисобланган собиқ шўролар давлати инсоннинг энг оддий ҳуқуқи – ўзини ва оиласини иқтисодий жиҳатдан мустақил таъминлай олиш имконини берувчи **хусусий мулк ҳуқуқи**ни қонун йўли билан ялпи тақиқлаб, дунёдаги энг қақшатқич ва ғайри инсоний истибдодни 70 йил зўравонлик билан ушлаб турган эди. Бундай тузумда ишчининг ихтиёри ўзида эмас. Мажбуран пролетарлаштирилган барча мамлакатларда шароит шундай бўлган. Давлат хизматчилари ҳам шу аҳволда бўлган, улар ҳам юқоридан туширилган буйруқни бажарган. Бундай вазиятда ким агар виждони буюрганидек иш олиб бормоқчи бўлса, ютқизган, чунки бу тузумда маош виждон ўлчовлари асосида тўланмайди. Ишчига ҳам унинг онг даражасига қараб эмас, нечта милтиқ ёки бомба ясаганига қараб ҳақ тўланади. Энди давлат хизматчиси, ижодкор зиёли, деҳқон – барчаси ягона пролетар идеологияси, ягона пролетар сиёсати, ягона пролетар иқтисодий системасига бўйсуниши зарурий ва мажбурий бўлган жамиятни ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Ўша даврда коммунистик партия ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар манфаатини ҳимоя қилади, деб ёзиларди. Аслида ўша давр жамиятидаги адолатсизликнинг ягона сабаби ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам мафкуравий соҳаларда пролетариатнинг "*сиёсий илғори*" ("*авангарди*") деб эълон қилинган **коммунистик партиянинг яккаҳокимлиги, аёвсиз истибдоди** эмасмиди? Албатта, ишчилар – меҳнаткаш синф, шу сабабли унинг илғори бошқа меҳнаткаш гуруҳлар манфаатини ҳам маълум даражада, яъни йўқсил ёлланма меҳнатчилар манфаатига мос келган ҳолларда ифодалаши, ҳимоя қилиши тасаввур қилинади. Мос келмаган ўринларда-чи? Шўролар тарихи деҳқонлар ва зиёлилар манфаати ҳар доим камситилиб ва чекланиб келганлигининг 70 йиллик машъум йилномасидир. «*Коллективлаштириш*»да неча миллионлаб деҳқон очликдан ўлди, хонавайрон бўлди, чунки улар ёл-

ланма ишчи эмас, хусусий мулкчи эдилар. 1917 йилдан 1991 йилгача неча минг зиё аҳли отилди, қамоқ ва сургунларда умри хазон бўлди, юз минглаб фидойи инсонлар ватангадо бўлдилар, қолганлари шафқатсиз тузумнинг мажбурий маддоҳларига айлантирилди.

БОБОЛАР ВАСИЯТИ

Хуллас, миллатлар йўқбўлмаганидек, турли ижтимоий тоифалар ҳам йўқбўлмас экан. Уларни расман бекор қилиш мумкин, тақиқлаш мумкин,қириб ташлаш мумкин. Аммо улар бошқача бир қиёфада яна пайдо бўлаверади, фақат беҳуда қурбонлар кўпаяди, жамият ривожида оғишлар юз беради, нотўғри шакллар яралади. Бундай хавфли ва қонли «*тажриба*»лардан инсоният наф кўрмайди. Танҳо бир синф, танҳо бир дунёқараш, танҳо бир эътиқоднинг якка ҳокимлигини ҳар қандай усул билан таъминлашга уриниш ниҳоятда мудҳиш, аммо, шукурлар бўлсинки, воқеликда имкондан ташқари хаёл экан, инсоният бу тажрибани ҳам бир бўлса-да бошидан ўтказди. Инсониятнинг ўз-ўзини англаб етишида-балки бу ҳамзарурий босқичдир.

Алишер Навоий «*Маърифат водийси васфида*» ёзади:

Водиедур, юз туман минг онда йўл,
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул...
Юз туман раҳрав кўрарсен беқарор,
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр...
Бу они тутмай мусаллам, ул муни,
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай ул муни..

Ҳақиқат ягона, аммо унга элтувчи йўллар ҳад-ҳудудсиз. Биз инсонлар энди маълум даражада камолга эришганимизни намоён этайлик: ҳар қайсимиз ўз йўналиш, ўз дунёқарашимизда имонимиз собит бўлсин, бироқ шу билан бирга бизнинг йўлдан юрмаган, бизнинг кўзимиз билан дунёга қарамаган кишиларни душман деб ҳисобламайлик, уларни ҳам тушунишни, ҳеч бўлмаганда тоқат қилишни ўрганайлик. Дунё ранг-баранг. Ундаги ҳар жисм, ҳар ҳодиса, ҳар шахс, ҳар гуруҳ ўз мустақил суврат ва сийратини намоён этади ва бу дунё гўзаллигининг заминидир. Фақат бу ҳуснни, бу тароватни, бу моҳиятни кўра билмоқ керак.

Ўзбек эли тоифалар, ижтимоий гуруҳлар нисбатида деҳқонни мўътабар тутмоғи тарих ва макон тақозосидир. Шоҳдан дарвешни аъло билмоқ ҳам аждодларимизнинг табаррук анъанаси бўлиб келган. Бугун бозор иқтисодига ўтмоқдамиз. Кечаги кун бечора ишчи бахт қидириб кулфатга, ҳурлик истаб қулликка дуч келган бўлса, бугун бозор тарозуси ҳалолликни ўрганмоқда, шахсий манфаатлар умум манфаати билан уйғунлашиб бормоқда. Кечаги тижоратчи бугун пухта тадбиркорга, хизматчи зиёлига айланмоқда. Бугун фермер-деҳқон ҳам, ижод аҳли ҳам ўз илғорини, мустақил сиёсий намояндасини шакллантириб, ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қилишни ўрганмоқда. Эътиқодимиз, аҳли футувва анъаналари ҳам аста-секин тикланиб, халқимиз дилини равшан этиб бормоқда. Мустақиллигимиз туфайли ўтмиш боболаримиз васиятлари яна элимиз хотирига, ёш авлод онгига ўз мукаммаллигида қайтмоқда. Жамиятимиз турли тоифалар, турли диний эътиқод вакиллари, турли

ёшдаги, турли қизиқишларга эга бўлган инсонлардан иборат. Аммо Ўзбекистон ягона ва кимки ўз келажаги, ўз тақдирини ушбу Ватан билан боғлаган экан, мамлакатимизнинг юксалиши, эл фаровонлигининг ошиши барчамиз учун, ҳар бир фуқаро учун шахсий ютуқдир.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «*ЛИСОН УТ-ТАЙР*» АСАРИ
("Симурғ машаққати")[1]

Алишер Навоийнинг энг мураккаб асари, эпик шеъриятининг қонуний якуни «Лисонут-тайр» достонининг насрий баёни нашрдан чиқди[2]. Бу достон ҳақида ўз фикрини айтмаган йирик навоийшунослар кам, XX аср шарқшунослигининг йирик намоёндаларидан бири бўлмиш Е.Э.Бертельснинг 1928 йилда чоп этилган «*Навоий ва Аттор*» мақоласидан кейин бу асарни ўрганиш соҳасида кўп ишлар амалга оширилди, ўзбек классик адабиётининг Олим Шарафиддинов, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Воҳид Абдуллаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Суюма Ғаниева, Натан Маллаев каби билимдонлари бу асар ҳақида ўз тадқиқот ва кузатишларини эълон қилдилар. 60-йилларда «*Лисон ут-тайр*»нинг Ш. Эшонхўжаев томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни босилиб чиқди. Охирги йилларда бу достонга бўлган қизиқиш кучайиб бораётганига далил қилиб, 1978 йилда ушбу асар бўйича бир йўла икки кандидатлик диссертацияси ёқланганлигини эслаб ўтиш кифоядир.

Дарҳақиқат, «*қуш тили ишорати*» билан битилган бу ажойиб қомусий асар тадқиқотчилар томонидан турлича баҳоланиб келинмоқда. Бунга мазкур достоннинг мажозий услуби ва унда Ўрта аср шарқ шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари жамланганлиги сабабдир. «*Қуш тили*», яъни рамзий тил билан битилган бу асар – «*Лисон ут-тайр*» Фаридиддин Атторнинг суфиёна-пантеистик «*Мантиқ ут-тайр*» асарига татаббуъ-жавоб тариқасида ёзилган. Унинг асосий сюжети 63 ҳикоятни ўз ичига қамраб, ажойиб бир кошинли тасвир тусини олган. Унда шоир биографиясига оид ишораларга ҳам, социал, ахлоқий, суфиёна, фалсафий ва бошқа турли масалаларга ҳам ўрин берилган.

Асарнинг бош ва етакчи образи Симурғ – китобхон савияси, дунёқараши, салоҳиятига қараб – гоҳ олий маънавий хилқат – гўзаллик ва камолот тимсоли, гоҳ етишиб бўлмас олий қудрат тарзида гавдаланиши мумкин. Албатта, кўп маънолилик бу асарнинг асл моҳиятини ташкил қилади ва бу услуб мумтоз адабиётнинг энг ёрқин анъаналари руҳидадир. Асардаги ярқ этиб кўзга ташланувчи Ўрта аср Шарқ адабиётининг яна бир кучли бадиий анъанаси ҳайратомуз муболаға қудратидир.

Муболағага асосланган турли поэтик санъатларнинг чекланган шаклларидан ташқари, умуман муболаға принципи мавжуддирки, Ўрта асрлар жаҳон адабиёти учун етакчи услубий хусусиятлардан саналиши мумкин бўлган кенг маънодаги муболаға принципи Европа адабиётида Гаргантюа ва Пантагрюэль қиёфалари, «*Ламанчлик қайғули рицарь*» Дон Кихотнинг қаҳрамонлик саргузаштлари ва бошқалар тимсолида намоён бўлса, Шарқда бунинг мисоллари янада беҳисобдир.

Биз мурғак Алишернинг «*Мантиқ ут-тайр*»га оташин муҳаббати ҳақида ўйга чўмар эканмиз, юксакларда кенг қанот ёзиб парвоз этаётган бургут сари ҳавас билан талпинаёт-

---

[1] Муаллифнинг мақолага қўйган сарлавҳаси шундай эди. Аммо илк нашрида журнал муҳаррири талаби билан сарлавҳа ўзгартирилган.

[2] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (қуш тили). Насрий баён муаллифи Ш, Шарипов. Масъул муҳаррир С. Ғаниева. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Т., 1984,

ган тийрак полапон кўз олдимизга келаверади. Ҳали у Фаридиддин Аттор шеърий оламини ўткир танқидий нигоҳи билан қайта кўриб чиққанича йўқ, бироқ туғма даҳоларга хос ички шуур билан унинг улуғворлигини, атрофдаги мавжуд маънавий муҳитга нисбатан парвози жуда юксак эканини ҳис этади, унга ҳавас қилади, жон-дилдан интилади. Навоийшунос олимимиз Иззат Султон бу ҳолатни «*даҳонинг илк уйғониши*» деб жуда чиройли атаган эди. Аммо полапоннинг қанотлари қотмаган ҳали, қалб қўри энди учқун ола бошлаган пайт.

Шунинг учун узоқ йиллар Навоий улуғ Фаридиддин Аттор асарини фақат таржима қилишнигина орзу этади. Кейин орадан кўп йиллар ўтади. Ёш Алишер ҳаётнинг машаққатли довонларидан сабот ва чидам билан ўтиб улғаяди, ички маънавияти юксак камолотга кўтарилади. Юрагидаги эрта уйғонган парвозга интилиш элга, инсониятга бўлган ёлқинли меҳр алангасига айланади. Шеъриятига ундан сачраган шароралар кишилар қалбида ўт ёқади. Шеърият бобида бутун турк улусини яққалам қилиб, «*Хазоин ул-маоний*”нинг тўрт девонини ва «*Хамса*»нинг беш достонини ёзиб тугаллайди. Устод Жомий унга ҳавас қилади. Энди унинг қанотлари етти қават осмонни ҳам ёриб ўтишга қодир, юрагидаги аланга қуёшга айланган. Энди «*Мантиқ ут-тайр*»нинг оддий таржимаси Навоийни қониқтирмайди, унга жавоб-татаббуъ ёзиши зарур.

Албатта, «*Бадоеъ ул-бидоя*»дан «*Лисон ут-тайр*»гача босиб ўтилган ижодий йўл ўзининг маълум такомил поғоналарига эга эканлиги ўз-ўзидан равшан. Даҳолар ижодий такомилида баъзан сониялар асрлар қудратига эга бўлади. «*Ҳар бир фиғонимни бир достонимда жо қилганман»,* дейди шоир. Демакки, Навоий бадиий тафаккури генезисининг энг олий нуқталаридан бўлмиш «*қушлар тили*» билан битилган достони унинг ғазалларида ифодаланган рангин дунё билан, қитъа ва рубоийларидаги ҳикматлар ганжинаси билан, таржеъбанд («*Харобат аро кирдим ошуфта ҳол*») ва соқийномаларидаги руҳий ҳолатлар, Мажнун изтироблари ва Баҳром саргузаштлари, Фарҳоднома ва Искандарнома қаҳрамонларининг чўнг ва чигал камолот йўли билан ич-ичидан, томир-томирдан пайванд бўлиб кетганлиги ва ўшалар замиридан табиий ўсиб етишганлиги шубҳасиздир. Бахт қуши – Симурғни излаб йўлга чиққан қушлар тақдири «*Асрорнома», «Мусибатнома»* ва *«Уштурнома»*лар силсиласидаги *«Мантиқ ут-тайр»* образлар дунёсидан кўра Фарҳод ва Хусрав, Искандар ва Чин хоқони, Баҳром ва Шопурлар тақдирига кўпроқ боғлиқ эканлигига эътибор қилмаслик мумкин эмас.

Навоий қушлар саргузаштини уларнинг ўзаро маълум ижтимоий уюшув («*ижтимоий тақдим ва таъхир*») учун эҳтиёж пайдо қилганлари, бироқ тартиб бўлмагани сабабли пастлар баланд ва баландлар паст жойлашиб, ўртада низо чиққан лаҳзадан бошлайди. Бу низони ҳал қилишга ожиз қолган паррандалар бир адолатли шоҳ бўлганда, қийинчиликлар бартараф бўларди, деб умид қиладилар ва шу фурсатда Ҳудҳуд орага тушади. Бироқ Аттор асаридаги раҳбар, йўлбошловчи бўлмиш бу образ Навоий асарида маълум маънода зоҳирий воситага айланиб қолади. Навоий достонининг суюкли бош қаҳрамони Ҳудҳуд эмас, Симурғдир. Қушлар Симурғга интилади.

Навоий ўз ғояларини турли ишоралар, композицион воситалар ва, айниқса, ҳикоятларнинг ўзига хос жилолари асосига қурган. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, асардаги ҳикоятларни нафақат алоҳида таҳлил килиш, балки ҳатто композицион ўрин алмаштириш ҳам мумкин эмас. Баъзи навоийшунослар «*Лисон ут-тайр*»да улуғ шоир таржимаи ҳолига тааллуқли чизгилар ва шахсий кўнгил дардлари изҳорини кўради. Дарҳақиқат,

асарнинг кириш қисмида бу нарса маълум даражада сезилади. Лекин асарни бутунича автобиографик ёки шахсий кўнгил изҳори сифатида талқин қилиш уни муайян қобиққа тиқиштиришга уриниш бўларди, албатта. Зеро, муқаддимадаги ҳикоя қилинган ҳаётий лавҳа бу «*сеҳрли тилсим*»нинг биринчи эшикларини очувчи калит вазифасини ўтайди.

Маълумки, Навоий, «*одил шоҳ*» образини, янада аниқроқ қилиб ўз тили билан айтсак, «*дарвеш-шоҳ*» тимсолини ёшликдан бирга ўсган дўсти Султон Ҳусайн Мирзо қиёфасида реал ҳаётда яратмоқчи бўлган ва бу йўлда ўз умрининг энг қимматли даврларини сарф этган эди. Аммо натижа шоир кутганидек бўлиб чиқмади. Зеро, бу темурийзода ҳам ўз даври, ўз тоифасининг фарзанди эди, ўзи келиб чиққан феодал гуруҳларга таянарди, яъни айрим маърифатпарварлик майлларидан холи бўлмаган феодал ҳукмдор эди ва шу сифатда иш олиб борарди. Даҳони – келиб чиқиши жиҳатидан, зоҳиран, ўзи мансуб ҳисобланган табақанинг интилиш ва манфаатлари қолипларига асло сиғмаган улуғ гуманист шоирни бу сифат мутлақо қониқтирмас эди. Ҳусайн Бойқаронинг феодал табақа доираларида урф бўлган барча қабиҳ иллатларга тобора муккасидан кетиши, бунинг оқибатида унинг хонадонида юз берган фожиалар, ота ва ўғил, оға ва инилар орасидаги тинимсиз қонли тўқнашувлар, айниқса Навоийнинг бу сулоладаги сўнгги умид учқуни – Мўмин Мирзонинг бобоси қўли билан маҳв этилиши шоир руҳини беқиёс ларзага солган, ҳаёт ва жамият ҳақидаги ўзи илгари ҳам унча бовар қилмаган ғояларини чил-чил этган эди. Бу изтироб яллиғи, аччиқ ўкинч «*Лисон ут-тайр*»нинг ҳар сатри қатида яққол намоён бўлиб туради.

Дарҳақиқат, «*Лисон ут-тайр*»нинг ёзилиш даврига келиб, эл дарди билан ёнган Алишерни на афсонавий Искандар қониқтира олар эди, на реал Ҳусайн Бойқаро. Шундай экан, зоҳиран қараганда, «*Мантиқ ут-тайр*»нинг осмоний мистикаси айни муддао бўлиши мумкиндек. Аммо бунга Навоийдек улуғ арбоб ва бадиий тафаккур даҳосининг бутун умр йўли, унинг катта ижтимоий фаолият тажрибаси ва ўз илдизлари билан реал воқеликдан бир дам узилмаган беҳудуд поэтик олами бутун борлиғи билан қарши туради. Натижада, зоҳирий пантеизм қобиғида машаққатли ва ҳайратомуз янги дунё чеҳраси ёришиб келади. Навоий ўз мислсиз журъатининг ниҳоятда жиддий, бениҳоя машаққатли эканини қалбан ҳис қилади, у буни қайта-қайта таъкидлайди, китобхондан уни тушунишда ўта эҳтиёткорлик талаб қилади. Достоннинг «*қушлар тили*» билан баён қилиниши, ундаги асл мазмуннинг жуда ичма-ич қобиққа ўраб берилиши, асарнинг бошидан охиригача тараддуд зилзиласи билан чулғанганлиги, Ҳудҳуд тилидан ҳар қадамда ўлимга тайёр туриш лозимлигининг қайта-қайта такрор этилиши – ҳаммаси Навоий журъатиниг нақадар юксак парвоз этганлигидан ҳамда шу билан бирга бу интилишда оёқ остидаги реал заминдан узилиб кетиш хавфи шоирни чексиз изтиробга солаётганлигидан нишона беради.

Аҳли башарнинг идеал ижтимоий уюшув сари интилиши унинг ҳар бир аъзоси маънавий камолоти билан узвий боғлиқ эканлигини адабиёт қадимдан ғайри шуурий бўлса ҳам ҳис этиб келган. Туркийзабон адабиётнинг биринчи атоқли вакилларидаёқ социал ва ахлоқий масалаларнинг ўзаро боғлиқлигига асос-эътиборини қаратган эдилар. Юсуф Хос Ҳожиб бу масалага бағишланган улут китобини «*Қутадғу билик*» – «*Бахт келтирувчи билим*» деб атади. Аммо туркий элатлар аро феодализм жамияти энди мустаҳкам шаклланиб келаётган бу кўтарилиш босқичида муаммо адолатли шоҳ ва

унинг доно маслаҳатчилари диққат марказига қўйилган тарзда ҳал қилинган ва бу – ўз даври учун табиий ҳол эди.

Одил шоҳ, дарвеш-шоҳ ҳақидаги орзулар сароб эканлигини англаб етган Навоий қушларнинг мажозий образларини яратиш воситасида, халқнинг ўзига мурожаат қилади.

Алишер Навоий айтади: «*Ҳар бир киши ранг, нақш ва бўёқдан – ўзлигидан чиқмай туриб, бундай ишни қилиши мумкин эмас.*

Эй Фоний, сен ҳам ҳақдан ана шундай йўқлик тила! Бу хил йўқ бўлиш билан абадий борлиқни қўлга киритасан!»

Шундай қилиб, Навоий матнида тасаввуфнинг кўплаб одатий терминлари мутлақо бошқача маъно касб этади, ташқи томондан Аттор ва Навоийда учровчи бир-бирига ўхшаш ҳикоятларнинг ботиний принципиал фарқи яққол билинади.

Масалан, Мажнун ҳақидаги ҳикоятда **Аттор талқини** бўйича Ошиқ ўз Лайлисини қидириб, йўл бўйида тупроқ элаб ўтиради. Унга: «*Сен нега маъшуқангни тупроқ ичидан қидираяпсан?*» дейишса, «*Мен уни қаердан бўлмасин, қайси йўл билан бўлмасин излай бераман, топсам, бас*», деб жавоб қилади. Бу ҳикоятни, албатта, фақат пантеистик илоҳий ишқ маъносидагина талқин қилиш мумкин.

Навоийда ҳам Мажнун ҳақида бир неча ривоят учрайди. Уларнинг ҳар бири ташқи жиҳатдан юқоридаги мотивга маълум даражада мос келади. Масалан, даштда ўзи билан ўзи сўзлашиб кетаётган Мажнундан: «*Ким билан сўзлашмоқдасан?*» деб сўрашса, «*Лайли билан*», деб жавоб беради. «*Ахир у сендан жуда узоқда-ку*», дейишса, Мажнун: «*Эй, ғофил, у менинг жонимдан ўрин олган!*» деб жавоб қилади.

Иккинчи бир ҳикоятда Қайсдан отини сўрашса: «*Лайли*» деб жавоб беради. Яъни Навоий ишқ йўлида ўздан кечиш ғоясини ҳамиша инсоннинг ўзга реал инсонга меҳри планида ҳал қилади ва пантеистик ғоя аслида фақат қобиқ даражасига тушиб қолади. Ишқ тушунчаси «*Лисон ут-тайр*» ҳикоятларида баъзан қиз-йигит орасидаги табиий му-носабатлар тарзида ҳам талқин қилинади. Ҳатто ҳолат аниқ бўлсин учун шоир ўз одатига хилоф густоҳликка ҳам йўл қўйиб: «*Ҳам йигит муштоқ, ҳам қиз муҳтож бўлиб, улар юзга-юз, оғизга-оғиз қўйганча ётар эдилар. Қолган гапларни ҳам шунга қиёс этса бўлади*», деб очиқ таъкид беради. Айниқса, бу батафсил ҳикоят тариқат йўлининг олтинчи манзили «*ҳайрат водийси*» таърифига мисол тарзида келтирилгани ҳисобга олинса, Навоий маънавий камолотни асло таркидунёчилик деб тушунмагани аён бўлади. Бироқ шоирнинг асосий эътибори бу каби оддий турмуш воқеаларида эмас, у суфиёна **пок ишқ** тушунчасини **инсонларнинг бир-бирига бўлган ва ҳар бир комил инсоннинг бутун инсониятга нисбатан бўлган ёниқ дил меҳри** маъносида талқин этади. Ушбу улуғ ва табаррук тушунчани оддий халққа тушунарли тил билан етказиш учун ошиқ-маъшуқлик йўлидаги жонфидойиликлар тасвирига тамсилий ифода сифатида кўп ўрин беради. Достоннинг марказий эпизоди бир тарсо қиз ишқида дину имонидан кечиб, Қуръонни ўтга ёндирган исёнкор ошиқ Шайх Санъон саргузашти шу жиҳатдан жуда характерлидир.

«*Ишқ сўнмас бир машъалдир*», дейди Навоий, унинг акси эса худбинлик, манманлик ва кибрдир. Ўзгалар ғамини ейиш инсонга ўз ғамини енгиб ўтиш учун ёрдам беради. Инсоният камолоти учун кураш йўлида, одамийлик йўлида одамлар ғамини ейиш мардларнинг йўл озиғидир. Бундай ғамдан «*муҳаббат аҳли*» шод бўлади. Навоий лафзидаги «*ўзлик бандидан халос бўлмоқлик*» ғоясини ҳар инсон учун маънавий камолотда худбин-

лик, ўз шахсий манфаатларидан умуминсоний манфаатларни устун қўймоқлик, кибру ҳавонинг барча кўринишларидан фориғлик маъносида тушунмоқ лозимдир.

Машҳур тасаввуф термини «*ваҳдат*» тушунчаси ҳам, Навоий талқинининг умумий руҳидан келиб чиқилса, инсонларнинг қайси дин, қайси гуруҳга мансублигидан қатъий назар **ўзаро меҳр асосидаги бирликка эришуви** маъносига айланади ва идеал ижтимоий уюшувнинг энг асосий омилларидан бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Навоий рамзи жуда чуқур социал маънога эга. Унинг наздида бахт камолотга етган, ваҳдатга эришган инсонларнинг ўз қўлида, Бахт қуши – Симурғ – маънавий камолот йўлининг бутун машаққатларини енгиб, меҳр алангасида ўзаро бирикиб кетган инсонларнинг – рамзий ўттиз қушнинг – ўзидир...

Аммо Симурғ машаққати – оғир ва беҳудуд. Ҳали унга етгунча, инсоният неча юз йиллар йўл босмоғи, «*бошдан-оёқ ғам манзили*» бўлмиш бу жаҳоннинг «*ҳар дам юз минг дарду алам*» офат ва маломатларга тўла неча водийларини кечиб ўтмоғи керак эди. Ҳали «*бу водийлардаги манзиллардан ҳеч ким хабар берган эмас*» эди.

"*Ботирларнинг довюраклиги – ҳаёт ҳикматидир*!" дейди Максим Горький тасвиридаги кекса чўпон – доно чол Нодир Раҳим ўғли. Навоий бу ҳаёт ҳикматини бутун қалби билан ҳис қилган улуғ мутафаккир эди. Унинг юрагидаги буюк гуманистик меҳр, инсонларни, элни, башариятни бахтга етказишга бўлган ҳудудсиз истак – даҳо кўксидаги порлоқ аланга – уни Симурғ машаққатини ўз зиммасига олишга мажбур этган эдики, бутун ижоди, ижтимоий фаолияти бунинг исботидир. Алишер Навоий сиймосини кўз ўнгимизга келтирганда, XX аср адиби яратган ушбу романтик манзара беихтиёр тасаввуримизда жонланади:

«*У бирдан кўксини ёрди, ичидан юрагини юлиб олиб, боши узра баланд кутарди...*

– Юринглар! – деб ҳайқирди-ю, ёниб турган юрагини баланд кўтариб олдинга тушди...»

БЕРТЕЛЬС – НАВОИЙШУНОС

Евгений Эдуардович Бертельс Ўзбекистонда навоийшуносликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган ўтган аср шарқшунослик фанининг йирик намояндаларидан бири эди. У 1920– 30 йилларда Санкт-Петербург Шарқ тиллари институтида дарс ҳам берди. Айни пайтда олимнинг қатор илмий таржималари ва тадқиқотлари эълон қилинди. Унинг дастлабки тадқиқотларидан бири академик В.В.Бартольд тавсияси билан ёзилиб, 1928 йили «*Мир Али Шер*» тўпламида босилиб чиққан «*Навоий ва Аттор*» асари эди. Бу асар нафақат навоийшунослик, балки умуман Шарқ классик адабиётини ўрганиш соҳасида янги сўз бўлди. Е.Э.Бертельс классик Шарқ адабиётини ўрганишда унинг ўзига хос томонларини, ички қонуниятларини билмаслик ва ё назарга илмаслик, Ғарб адабиёти ўлчовлари билан ёндашув каби жиддий хатоликларга қарши бўлди. Е.Э.Бертельс Алишер Навоийнинг то ўша пайтгача «*Мантиқ ут-тайр*»нинг эркин таржимаси деб ҳисобланиб келинган «*Лисон ут-тайр*» достони мутлақо оригинал асар эканлигини сатрма-сатр, байтма-байт солиштириш заминида тўлиқ исбот қилиб бердики, унинг бу хизмати Ўзбекистон илмий жамоатчилиги назаридан четда қолмади. Профессор Е.Э. Бертельс ўша пайтлар республика пойтахти бўлган Самарқандга бир давра маърузалар ўқиб беришга таклиф қилинди ва 1930 йил май-июль ойларида Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Устознинг ушбу саёҳати ундаги туркий халқлар адабиётини, жумладан, Алишер

Навоий ижодини ўрганишга бўлган дастлабки ҳавасини бир умрли муҳаббатга айлантирди. Ўша йиллардаёқ республика матбуотида унинг бир қатор мақолалари ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди (Жумладан, «*Аланга*» журналининг 4-сонида босилиб чиққан икки мақоласини эслаш мумкин).

Олимнинг бу сафари яна бир хайрли натижа берди. Ўша давр Ўзбекистон республикаси раҳбариятининг илтимосига кўра республика шаҳар ва қишлоқларидан йиғиб келинган эски қўлёзмаларни кўздан кечирар экан, олим ноёб хазинага дуч келди – Алишер Навоий «*Хамса*»сининг ўша пайтгача номаълум бўлган энг қадимий ва табаррук қўлёзмаларидан бири – **Абдужамил котиб нусхаси** топилди. Ушбу қўлёзма келгусида шоир достонлари илмий-танқидий матнларини тайёрлашда асосий манбалардан бўлди.

Евгений Эдуардовичнинг Ўзбекистон билан, ўзбек классик шеърияти билан 30-йиллар бошида боғланган алоқаси йиллар ўтган сайин мустаҳкамланиб борди. Унинг Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Дурбек, Лутфий, Бобур, Абулғози Баҳодирхон ижодига бағишланган кўплаб мақолалари нашр этилди. Алломанинг Навоий ижодини атрофлича ўрганишга бўлган астойдил қизиқиши умр бўйи сўнмади. 1940–1948 йиллар ичида Навоий ижодининг муайян қирраларини тадқиқ этувчи жиддий мақолалари, доклад ва тақризлари эълон қилинди. Жумладан, *«Лайли ва Мажнун»* (1940), *«Навоий ва Шарқ адабиёти»* (1941), *«Навоий ва Жомий»* (1945), *«Навоий ва Низомий»* (1946), *«Навоийнинг дунёқараши масаласига доир»* (1945) каби қатор проблематик мақола ва докладларини эслаш мумкин.

Устоз уруш йиллари қамал қилинган Ленинград шаҳрида Навоий юбилейига бағишланган мажлисда маъруза қилди. «*Мажлис осмондан бўлаётган ҳаво ҳужумининг кучли зарбалари остида деворлари чайқалиб турган бинонинг иккинчи қаватида ўтарди, бироқ қатнашчилардан ҳеч бири зални ташлаб чиқиб кетмади»,* деб эслайди олимнинг ўзи. 1943–45 йилларда Е.Э.Бертельс бошқа кўпгина Москва ва Ленинград олимлари, ёзувчилари қатори Тошкентда яшаб турди ва педагогик фаолиятини Ўрта Осиё Давлат университети Шарқ факультетида давом эттирди. Шу йиллар ичида Ўзбекистонда унинг 20 дан ортиқ мақола ва рисолалари эълон қилинди. Чунончи, 1945 йилда «*Армуғон*» альманахи саҳифаларида ўзбек тилида босилиб чиққан «Бедил ҳақида мулоҳазалар» сарлавҳали ихчам, лекин мазмундор мақоласида Шарқ классик адабиётининг янги давр адабиётига ўтиш босқичида «*ҳинд услуби*» ва хусусан, Мирзо Бедил ижодининг айрича ўрни бор эканлигига биринчилардан бўлиб тадқиқотчилар диққатини қаратди.

1948 йилда Москвада олимнинг «***Навоий, ижодий биография тажрибаси»*** монографияси босилиб чиқди. 1949 йилда эса Москва-Ленинградда «*Александр ҳақида роман ва унинг Шарқдаги асосий версиялари*» асари нашр этилди. Бу ҳар икки йирик тадқиқот, асосан, Навоий ижодига бағишланган бўлиб, биринчиси буюк шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини XV асрнинг иккинчи ярми Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий, ижтимоий ва маданий аҳвол фонида яхлит олиб таҳлил қилади. Иккинчисида эса, шоир ижодининг айрим саҳифаси, яъни «*Садди Искандарий*» достони ушбу мавзудаги достонлар, хусусан, Низомий, Амир Хусрав ва Жомий достонлари билан изчил муқоясада ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари, биринчи китобда илк марта XV аср ўзбек шоирларидан Отойи, Саккокий, Лутфий ва Ҳусайнийлар ижоди қисқача таҳлил қилиниб, ҳар бирига ихчам ва пухта илмий шарҳлар берилганки, бу кейинча ушбу шоирлар ижодини кенг кўламда ўрганган ўзбек олимлари учун дастлабки муҳим йўлланма бўлиб хизмат қил-

ди. Тадқиқот охиридаги «*Навоий ва фольклор*» деб аталувчи боб бағоят қизиқарли бўлиб, унда Навоий шахси ва унинг ижодига оддий халқ муносабати, меҳри, шоир ҳақида тўқилган халқ афсоналари заминида очиб кўрсатилади.

Автор ўз асарларини асосий манбаларни чуқур ўрганган ҳолда яратганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Умуман, Евгений Эдуардович асосли илмий-танқидий матнлар тайёрланмай туриб, тасодифий сифатсиз қўлёзма ёки литографик нашрлар асосида жиддий тадқиқотлар олиб бориш бефойда, деб биларди. У Шарқ қўлёзмалари матншунослигининг асосий принципларини ишлаб чиқди ва Низомий «*Хамса*»си, Фирдавсий «*Шоҳнома*»си танқидий матнларини тузишга бевосита раҳбарлик қилди, бу соҳада кўплаб истеъдодли миллий мутахассисларни тарбиялаш ишига ҳисса қўшди.

Е.Э.Бертельс Шарқнинг улуғ шоирлари ижодини жиддий ўрганишда иккинчи босқич сифатида **муаллиф луғатлари** тузиш заруриятини таъкидлаб кўрсатди. Устознинг «*Низомий поэтикаси*» ҳақида қилган маърузасида, жумладан бундай дейилади: «*Биз, аввало, Низомий матнини тўғри тушунишни ўрганиб олмоғимиз керак ва бунинг йўли фақат битта: катта бир иш қилиниши лозим, яъни Низомийнинг барча сўз бойлигини, ҳар бир сўз неча марта, қайси ўринда учраши аниқ кўрсатилган ҳолда, жамлаб берувчи мукаммал луғат тузиш зарур. Озарбайжон олимлари бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим*». Олимнинг бошқа асарларида ҳам бир неча ўринда қайта эслатиб ўтилган бу қимматли ғояни амалга ошириш йўлида бирмунча илк қадамлар қўйилди, Москвада «*Шоҳнома*» луғатини, Озарбойжонда Низомий ва Ўзбекистонда Навоий мукаммал луғатини тузиш ишлари аллақачон бошланган. Бироқ бу соҳада ишлар анча-мунча секин силжиётгани ва ҳанузгача бирор иш охирига етказиб нашрга топширилмаганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Устознинг принципиал талабларидан бири илмда холислик ва ҳалоллик эди. У муайян адабий-тарихий ҳодисани чуқур илмий таҳлил воситасида баҳолаш зарур, деб ҳисобларди. Масалан, Ғарбий Европа буржуа олимлари Маҳмуд Ғазнавийнинг Фирдавсий «*Шоҳнома*»сига эътиборсиз қараганлигини изоҳламоқчи бўлиб: «*У ушбу достоннинг бутун улуғворлигини тушуниб етишга қодир бўлмаган бефаҳм турк*» деганига жавобан, Е.Э.Бертельс: «*Бундай шовинистик нуқтайи назарнинг фанга мутлақо алоқаси йўқлиги хусусида гапириб ўтиш ҳам ортиқчадир*» дейди ва фактлар асосида Маҳмуд Ғазнавийнинг Фирдавсий достонини тушуниш даражасида етарли билимга эга эканлиги ва худди шунинг учун ҳам ўз сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, «*Шоҳнома*»ни яхши қабул қилмаганлигини ишонарли далиллаб беради.

Е.Э.Бертельснинг форс-тожик классиклари ижодини ўрганишдаги хизматлари маълум ва машҳурдир. Фирдавсий ва Асадий Тусий, Унсурий ва Фахриддин Гўргоний, Саноий ва Аттор, Носир Хусрав ва Бобо Кўҳий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий каби улуғ шоирлар ижодига бағишланган ўнлаб мақола ва йирик тадқиқотларидан ташқари унинг «Форс-тожик адабиёти тарихи» деб номланган тўла тугалланмай қолган асари ҳам мавжуд.

Озарбайжонда Низомий юбилейи муносабати билан Евгений Эдуардович Бертельс раҳбарлиги остида 1938–40 ва 1945–47 йиллар ичида олиб борилган илмий-тадқиқий ишлар кўлами ниҳоятда беқиёсдир. Жуда қисқа муддат ичида (1938–39 йиллар) бевосита устознинг иштироки ва умумий таҳрири остида шоирнинг барча асарлари илмий-танқидий матнлари ва рус тилига илмий таржималари тайёрланди. Е.Э.Бертельс

улуғ Озарбайжон шоирининг ижоди бўйича 5 та монография ва 40 тадан зиёд мақола эълон қилди. У ўз тадқиқотлари билан низомийшуносликка асос солибгина қолмай, XII аср форс тилидаги озарбайжон адабий мактаби мавжуд бўлганлигини кашф қилди. Фузулийнинг араб тилидаги девонини тадқиқ этди. Унинг пушту тилидаги афғон адабиёти, ҳозирги замон Туркия шеърияти, Махтумқули ва туркман адабиёти ҳақидаги, уйғур адабиёти тўғрисидаги ва бошқа қатор ишлари Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида қадимдан яшаб ижод этган кўплаб халқларнинг маданий меросини ўрганишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Олимнинг шарқшунослик фанини юксалтиришдаги хизматлари муносиб тақдирланди: у 1939 йилда Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланди, 1948 йилда «*Искандарнома*» достонининг илмий-танқидий матнини тайёрлашдаги иштироки учун Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1944 йилда Ўзбекистонда ва 1946 йилда Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонини олди. У бир неча давлат орденларининг нишондори, қардош республикаларидаги, бундан ташқари, чет мамлакатлардаги кўпгина Фанлар академияларининг фахрий аъзоси эди.

Е.Э.Бертельс ўз асарларида минг йиллар давомида Ўрта Осиё ва унга қўшни ўлкаларда ёнма-ён яшаб келган туркий ва эроний элатларнинг ўзаро маданий ҳамкорлиги ҳақида ҳам ажойиб фикрларни ўртага ташлади. У баъзи ғарб буржуа олимларининг Ўрта Осиёнинг туркий аҳолиси ушбу минтақада деярли ўрта асрларда пайдо бўлган, деган ноилмий қарашларини рад этди ва туркий эл Ўрта Осиёда камида икки минг йиллардан бери эроний тилларда сўзлашувчи элатлар билан ёнма-ён тинч-тотув яшаб келган туб аҳоли эканлигини таъкидлаб ўтди. Бунинг исботи сифатида қадимги монийчилик руҳидаги матнларнинг суғд ва паҳлавий тиллари билан биргаликда қадимги туркий тилда ҳам сақланиб қолганлиги, эроний тиллардаги матнларда эса «*тегин*», «*тенгри*» каби туркий сўзлар учраб туришини зикр этди.

Худди шу масалага оид устоз билдирган бир мулоҳаза диққатга сазовордир. Бу форс шеъриятида қофиянинг пайдо бўлишига доир бўлиб, устоз асосли далиллар билан Шарқ адабиёти мутахассислари орасида кенг тарқалган янглиш фикр: дарий адабиётида қофиянинг пайдо бўлиши асосан араб тилининг таъсиридир, деган тахминни шубҳа остига олади. Устознинг фикрича, араб шеърияти, асосан, ҳоким доиралар орасида урф бўлган ва кенг халқ оммаси орасида шуҳрат топмаган. Қолаверса, арабларда асосий қофиялаш системаси ғазал ва қасидадаги каби бутун шеърнинг ягона қофия асосида қурилишидир. Қўш қофия, яъни маснавий арабларга умуман маълум бўлган эмас. Рубоий ҳам туркий халқларнинг оғзаки ижодида севимли жанрлардан саналган. Арабча «*мураббаъ*» деб аталувчи шеър шакли туркий элатлар оғзаки ижодига хос тўртликнинг ўзидир. «*Девону луғотит турк*»даги шеърий парчалар эса барчаси қофияланган. Шу мулоҳазаларни назарда тутгани ҳолда: «*Эроний халқларнинг кенг оммалари орасида бу икки адабиётдан қайсиси кўпроқ тарқалган бўлиши мумкин эди – араб адабиётими, турк оғзаки ижодими?*–деб ёзади Е.Э.Бертельс.– *Бизнингча, жавоб аниқ-равшандир: араб тили Ўрта Осиё аҳолиси кенг оммалари орасига ҳеч қачон чуқур сингиб бормаган, у ҳамиша улар учун бегона тил, ҳоким табақалар тили бўлиб қолган. Турли туркий тилларга келсак, унинг тожик аҳолиси орасида кенг тарқалганлиги етарли даражада маълумдир. Ва ўйлаш мумкинки, бу ҳодиса жуда қадим даврлардан ўз илдизига эгадир*» (Е.Э.Бертельс. «*Форс-тожик адабиёти тарихи*», М., 1960, 88-бет).

Хуллас, Е.Э.Бертельс илмий мероси ўтмиш маданиятимизни янада чуқурроқ англаб етишимизда, қадим аждодларимиз яратиб кетган бебаҳо дурдоналарнинг янада янгидан-янги қирраларини кашф этишда ақл ва шууримизга шунчалар қувват ва озуқа бахш этадики, унинг барчасини тавсифлаб ўтиш қийин.

Ҳақиқий инсон ва ҳассос олим Е.Э.Бертельс халқлар орасидаги дўстлик ва ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш, ҳар бир халқ миллий ва маданий анъаналарининг эзгу самараларидан янги давр кишисининг маънавий камолоти йўлида фойдаланиш ишига бутун умр ўз ижодий ҳиссасини қўшди. Мавлоно Бертельс ўтмишнинг улуғ ижодкорлари меросини – улар қайси миллатга, қайси асрга мансуб бўлмасинлар, тириклардек севиб, ҳурмат ва эҳтиром билан тадқиқ этар эди. Навоий ҳақидаги монографиясини тугаллар экан, устоз шундай деб ёзган эди: *«Навоий нафақат даҳо тафаккур эгаси ва улуғ шоир – у ўз халқини шавқ билан севгувчи ҳақиқий инсон эди. Бундай инсон эса абадий яшайди»*. Бу сўзлар Е.Э.Бертельснинг ўзига ҳам маълум маънода тегишлидир. Ўз халқинигина эмас, ўзга халқлар маданиятини ҳам самимий сева олиш ва уни ёниб тарғиб қилиш Е.Э.Бертельснинг ҳақиқий олимга хос хусусияти эди. Устоз Е.Э.Бертельс умрининг боқийлиги ҳам шунда.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК МИЛЛАТИ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

(*Хулоса ўрнида*)

Туркий тилдаги мумтоз адабиёт ижтимоий масалаларга доимо жиддий эътибор бериб келган. Биз тошбитиклар ва Юсуф Хос Ҳожиб асаридан буни яхши биламиз. Аммо Низомий "Хамса"сидан бошланган бадиий тафаккурнинг мураккаб изланишлари ижтимоий мавзуни – **давлат, жамият ва шахс маънавияти орасидан уйғунлик** масаласини бениҳоя теран таҳлил қилиб берди ва бу таҳлил Алишер Навоий ижодига келиб айтиш мумкинки, бир миллат ёки минтақа эмас, ҳатто жаҳон аҳли маънавияти ривожида буткул янги, юксак камолот босқичини мукаммал намоён қилди. Навоийнинг бутун мероси – девонларидаги ғазал, қитъа, қасида, таржеъбанд ва соқийномалар, достонлари ва насрий асарлари, илмий ижоди – барчаси яхлит бир манзара – Навоий давридан бир неча асрлар кейин – бизнинг замонамизда воқеликка айланиши мумкин бўлган Янги бир ижтимоий-маънавий уйғунликдан башорат қилади. Қонун устуворлигига асосланган, ҳақиқий фуқаролар жамияти деса арзийдиган, том маънода ижтимоий адолат ва халқ ҳокимияти амал қилаётган, давлат, жамият, халқ маънавиятининг юксак уйғунлиги асослари бундан 500 йил илгари шу даража ёрқин тасаввур этилгани ва бадиий ифодалаб берилгани инсонни ҳайратга солмай иложи йўқ.

Навоий яратган уйғун жамият манзараси қандай белгиларга эга?

Аввало, бу манзара хаёлий (утопик) эмас, воқеъ асосга қурилган манзарадир. Иккинчидан, бу манзара моддий тенглик ва беҳисоб тўкинчилик ҳолати эмас, **маънавий воқеликдир**. Учинчидан, Навоий яратган ижтимоий-маънавий уйғунлик манзараси зўрлик, муайян кичик бир гуруҳнинг зўравонлиги йўли билан жорий этилган мажбурий тенглик жамоаси эмас, умумбашариятнинг чексиз адашувлар, оғир машаққат ва изтироблар аро неча асрлар давомида аста-секин ва ихтиёрий эришган маънавий камолот ҳолатидир. Унда ҳали ҳам адашувлар, қийинчиликлар, изтироблар, йўқотишлар бўлиши мумкин, аммо баҳамжиҳатлик, инсонларнинг бир-бирини тушунишга интилиши охир-натижада ғолиб чиқиш эҳтимоли кенгайган, шунга мувофиқ маънавий муҳит шаклланган. Бу жамиятда мулкдор ҳам бор, мулксиз ҳам, аммо ҳар иккови ҳам ўз ихтиёри билан ушбу ҳолатни касб этган.

Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзлигини англаб етган, ўз мавқеига эга: давлат арбоби ҳам, олим ҳам, деҳқон ҳам, савдогар ҳам; гўдак ҳам, кекса ҳам; эркак ҳам, аёл ҳам. Ҳеч ким бир-бирига хасад қилмайди, қўлидан келмаган юмушга даъво қилмайди, ўз юкини бошқага ағдармайди, кўтара олмайдиган юкни елкага олишга беҳуда уринмайди.

Чунки инсонларда борлиқнинг Олий Ҳақиқатини тушуниш бор, унга чексиз интилиш бор, нафақат ақл, балки бутун вужуд билан, бутун эҳтирос билан англаб етилган имон, эътиқод бор. Бу эътиқод барчада бир хил тусда эмас, яъни ягона мафкуранинг ялпи ҳукмронлиги тарзида эмас, балки ўзаро меҳр, бир-бирини тушуниш ва Ҳаққа интилишдаги самимият заминида шаклангандир. Риоя, андиша, меҳр-оқибат, ҳилм (муомалада ҳалимлик), сабр-тоқат ва Олий Ҳақиқат олдидаги масъулият ҳисси ушбу эътиқоднинг меваларидир. Бу жамият кишилари гўзалликка интиладилар, аммо покликка хиёнат этмайдилар; фидойиликка улар қодир, аммо мутаассиблик уларга бегона; ҳар бир кишига юксак эҳтиром билан ёндошадилар, аммо ҳеч кимга тилёғламалик қилмайдилар; ҳар бир шахс ўз қадрини

билади, аммо такаббурликни билмайди; улар ҳар бири ўз эътиқодига содиқ, аммо бировни нодон деб ўйламайди, улар қалбида эҳтирос жўш уради, аммо улар эҳтиросларнинг қули эмас; улар ақлли, аммо маккорликдан ор қиладилар. Бундай хислатларни чексиз санаш мумкин, аммо Навоий яратган бу манзарани яққол кўриш учун нима талаб этилади, шоир ўзи бу даражада башоратга қандай эриша олган? – деган савол туғилиши мумкин. Сабаби битта – барча салафлари сингари Алишер Навоий ҳам ўзидан олдин яратилган буюк маънавий меросни имкони даражасида мукаммал ўзлаштирган, фақат ақли билан эмас, бутун вужуди, борлиги билан, меҳру самимияти билан ўзлаштирган, бут имон, эътиқод билан Ҳақиқатни излаган ва Ҳақиқат унга юз очган. Бу Аллоҳнинг иноят инсоннинг самимияти, ўзлигини англашга чексиз интилиши туфайлидир. Кимки ихлос билан, имон ва эътиқод билан, эзгу ният билан миллий ва умумбашарий маънавий меросни ўрганишга, унинг мағзини англаб етишга уринса, иншооллоҳ, унга ҳам Ҳақиқат жамоли насиб бўлгусидир.

Алишер Навоий бутун ижодида салафлар анъанасига таянди. Аммо ушбу анъаналар чегарасида турган ҳолда уларга ўз ижодида шундай назму тартиб бахш этдики, бунинг натижасида мутлақо янги моҳиятлар кашф этилди. Биринчидан, «Лисон ут-тайр»да «мажоз тариқи» воситасида инсониятнинг яхлитлиги ва буни англаб етиш ҳар бир инсоннинг маънавий камолот сари чексиз интилиши орқали юз бериши мумкин эканлиги яна бир карра таъкидланди. Шу билан бирга, башарият миқёсидаги мукаммал ижтимоий тизим шаклланиши ундаги ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги билан боғлиқ эканлиги, бу баркамоллик башариятнинг ҳар бир аъзосига (узвига) нисбатан беғараз ва самимий **меҳр масъулияти** билан ўлчаниши ёрқин тимсолларда очилди. Айниқса, Шайх Санъон қиссасида бу ғоя муҳим ва муайян бир муаммони – ҳар иккиси ҳам «аҳли китоб» бўлмиш ислом ва христиан дунёси кишиларининг ўз ички руҳиятидаги турли хурофотларни енгиб ўтиб, беғараз ва фидойи меҳр асосида ўзаро яқинлашувлари мумкинлигини кўрсатиш билан ифодаланди. Энди инсониятнинг яхлит моҳият сифатида бирлашуви зўрлик ва босқин асосида эмас, ўзаро меҳр ва бир-бирини тушунишга интилиш, ҳар бир шахснинг маънавий камолоти орқали эришиладиган воқелик экани - Янги даврнинг бу буюк ҳақиқати 500 йил илгари шундай башорат этилди.

Иккинчидан, «*Муҳокамат ул-луғатайн*»да Алишер Навоий давр тақозоси билан минтақа бўйлаб сочилиб кетган туркий қавм вакилларининг яхлит маънавий қиёфасини тугал сақлаб қолиш йўлидаги баракали фаолиятига назарий якун ясади. Амир Темур яратган сиёсий-ҳудудий яхлитлик охирги уриниш эканлигини дилдан сезган улуғ шоир Янги давр шароитида маънавий умумийликка интилиш хайрли эканлигини англаб етди ва шуни аниқ назарий асослади.

Учинчидан, «*Маҳбуб ул-қулуб*»да ўша давр жамиятидаги турли тоифалар ўз салбий ва ижобий хислатлари билан тўлиқ таъриф этилиб, уларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлат тизимида қандай ўзига хос вазифа эгаси эканликлари тушунтирилди. Бу жиҳатдан, Алишер Навоий Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк ва бошқаларнинг сиёсий-ижтимоий қарашларини ижодий ривожлантирди. Агар «Қутадғу билиг» муаллифи биринчи ўринга «*хос аҳли*»нинг тўрт етакчи намояндаси – **элик,** яъни ҳукмдор (**Кунтуғди** – адолат тимсоли), **вазир** (**Ойтўлди** – бахт, давлат тимсоли), унинг ўғли ва ўринбосари (**Ўгдулмиш** – ақл, билим тимсоли) ва **зоҳид** (**Ўзғурмиш** – қаноат тимсоли)ни чиқариб, қолган ижтимоий тоифаларни уларга тобе тарзда тасвирлаган бўлса, Алишер Навоий 40 бобда барча тоифаларга тенг ўрин ажратибгина қолмай, асосий моддий бойлик яратувчи куч – **деҳқонлар** ва маънавият

аҳли – зиёлилар тимсоли **дарвешлар**ни алоҳида меҳр билан тасвирлади. Яна алоҳида қисмларда энг муҳим ижтимоий-ахлоқий хислатлар моҳияти ва шахс тарбиясига оид ибратли танбеҳлар жой олди. «*Маҳбуб ул-қулуб*» мундарижаси, «*Лисон ут-тайр*» достонидаги ижтимоий-сиёсий талқин қатлами билан биргаликда, янгича ижтимоий тизим – **фуқаролик жамияти** маънавий талабларига ишора этувчи илк куртаклардан бўлиб чиқди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий «васиятномаси» Янги давр маънавиятининг ўзак томирларни ўзига хос бадиий ва илмий шаклларда илк бор изчил ифода этиш билан мусулмон минтақа маънавияти ва Янги давр ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилди.

Алишер Навоий ижодининг бу «*кўприк*»лик хусусияти яхлит олганда шоир илмий изоҳлаб берган ***«мажоз тариқи»*** тушунчасида мукаммал ифодасини топди. Биринчи навбатда бадиий ижод сифатида мужассамлашган бу тушунча моҳият жиҳатидан бадиий тафаккур доираси билан чекланмас, балки «*Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа*» (Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) ҳадисига таянувчи алоҳида дунёқараш тизими сифатида инсон ҳаётининг барча жабҳаларига тааллуқли эди. «*Мажоз тариқи*» намояндалари Ҳақиқат асрорини мажоздан изладилар, «*мажоз*»да Ҳақиқат изларини кўрдилар ва фано (ўзликдан, шахсий ҳузур-ҳаловат, ҳою-ҳавасдан кечиш) орқали бақога интилдилар. «*Мажоз тариқи*»да Тавҳид моҳияти Янги давр қадриятларига мувофиқ келувчи янгича талқин олди. Бу оламшумул кашфиёт эди.

Сунна **ибрат** орқали эътиқод бўлиб, Борлиқнинг ягона Олий Ҳақиқати мавжудлигини тан олиш ва унга чин дилдан эътиқод қилишни тақозо этган, маърифатчилик – инсоният англаб етган барча мавжуд билимлар моҳиятан Тавҳид эътиқодига мувофиқ эканлигини **илм** ва мантиқий таҳлил воситасида исбот қилишга қаратилган, **Ирфон** Ҳақиқат ишқи алангасига тик кириб бориб, нафсни худбинлик зангидан поклаш ва шу орқали шахснинг Олий Ҳақиқатга дахлдорлигини амалда таъминлаш йўли сифатида ўзини кўрсатган бўлса, «***Мажоз тариқи***» Ҳақиқат изловчиларни яна бақодан фанога юзлантирди. Ўзлигини англаб етганлар энди ўзгаларни англашга интилиб, ўз қалбига сайқал бериб, унда Ҳақиқат нурининг акс этишига эришганлар. Энди ўзгалар қалбига зиё бахш этишни ҳаёт мазмунига айлантирмоқлари асосий мақсад йўналиши қилиб белгиланди. Навоий ақидасига биноан **етакчи қоида «нафърасонлик»**, инсон кўнглини англаб етиш ва инсонни меҳр воситасида тарбиялаш эди.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.[1]

Яъни, бу фоний дунёда бир кўнгли ўксик инсонга шодлик бағишлаш Аллоҳ Каъбасини, бузилиб кетган бўлса, қайтадан обод қилишга тенгдир. Орифлар кўнгил Каъбасини тошдан тикланган Каъбадан улуғ билдилар. Чунки Иброҳим ва ўғли кўнгилларида нурланган Ҳақ ишқи туфайли Каъба қайта тикланди. Тош Каъба тавҳид эътиқодининг тимсоли бўлса, кўнгил Каъбаси унинг асл макони этиб мўлжалланган. Аммо инсон кўнглини обод этиш осон юмуш эмас. Бунинг учун фоний дунё қонуниятларини янгидан кашф этмоқ керак.

[1] *Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний, 3-жилд. Т., 1960, с.621*

Энди фақат Борлиқнинг асл моҳиятини излаш кифоя қилмайди. **Фоний дунё унсурларини сурат ва маъни яхлитлигида тадқиқ ва таҳлил этиш талаб этилади.**

Илоҳий китоблар Борлиқнинг асл моҳияти ва **Тавҳид Ҳақиқати**дан хабар беришади. Фоний дунё унсурларининг тадқиқи эса инсонларнинг ўз вазифаси доирасидадир. Фақат дилда **Ҳақиқат ишқи** билан ҳалол ва холис ёндошув лозим. Ҳалоллик ва холислик бўлмаса, ҳақиқат юзага чиқмайди. Инсон йўлдан озади ва ўзгани ҳам ҳалокатга элтиши мумкин. Холисликнинг асосий шарти кибр балосидан истиғфор этишдир. Кўнгилда **Ҳақиқат**дан ўзга зарра ғубор ҳам бўлмасин. Аммо Ҳақиқат фақат менинг кўнглимда, деб ўйлаган инсон ҳам янглишади. Аҳли башар барчаси Аллоҳнинг халифаларидир. Демак, Ҳақ ягона, аммо унинг турли қирралари турли кўнгилларда қарор топиши мумкин. Агар ушбу асосни сиёсатга татбиқ этсак, ер юзида давлат ҳокимиятининг ҳам ягона манбаи **умумхалқ иродаси** бўлиб чиқади.

Янги даврнинг моҳияти ушбу икки асос – **дунёни сурат ва маъни яхлитлигида ўрганиш ва баҳамжиҳатликда бошқаришга интилиш** билан ўзлигини намоён этади. Бу икки асос бир-бири билан узвий чатишиб кетган.

Янги давр маърифатчилиги **хос** ва **авом** орасидан чегарани олиб ташлашга қаратилди. Бунинг, албатта, ўзига яраша хавфи ҳам йўқ эмас эди. Навоийнинг деҳқонларга берган баҳоси, ижтимоий тоифалар ҳақидаги мулоҳазалари ушбу муаммони тўғри ҳал қилишнинг, назаримизда, энг мақбул йўли эди.

Фоний дунёни сурат ва маъни бирлигида тадқиқ этиш ижтимоий воқелик тадқиқини ҳам тақозо этади. Бу ҳаракат ислом дунёсида Форобийлар давридан бошланган бўлиб, Ибн Халдун ижодида ўз чўққисига эришди. Бу улуғ тарихчи-файласуф тақводор ва художўй киши эди. Унинг ижтимоий-сиёсий тараққиётга оид қарашлари инсониятнинг **ибтидоий жамоа** тузуми даражасидан **шаҳар жамоаси** тузуми даражасига қараб юксалиши ва бу икки ижтимоий тузум босқичларининг ўзаро қиёси асосига қурилган эди.

Баҳоуддин Нақшбандниг «*дил ба ёру даст ба кор*» қоидаси, Ибн Халдуннинг тарихий тараққиёт ҳақидаги назарияси XIV асрда Амир Хусрав ва Ҳофиз Шерозийлар шеърияти билан бир пайтда шаклланди ва улар барчаси ўзаро уйғунлик касб этди. Шу даврда ҳукмронлик қилган Темур ўзини шоҳ ёки султон атамади, ўлгунича бошқа амирлар қатори Амир Темур бўлиб қолди. XV аср маънавият замони, Хожа Аҳрор ва Алишер Навоийлар замони бўлди.

Аммо, афсус, на сарбадорлар, на темурий мирзолар Янги давр давлатчилиги асосларини узил-кесил амалга татбиқ эта билмадилар. Маънавиятда англаб етилган Ҳақиқат сиёсатга тўлиқ жорий этилмади. XV асрда Хожа Аҳрор ва Алишер Навоийлар ижтимоий мўътадилликни сақлаб туришга астойдил интилган бўлсалар ҳам, XV аср иккинчи ярмида Шоҳруҳ ва Улуғбек мирзолар ҳукмдорлик давридан кейин бошланган сиёсий парокандалик жараёни борган сари кучайиб борди. На Султон Ҳусайн, на Бобур бу жараённи тўхтатиб қола билмадилар. Улуғ бобокалонимиз орзуларини амалга ошириш ва келажак авлодларга муносиб жамиятни шакллантириш энди бизнинг - **XXI аср инсонларининг** зиммасидаги **табаррук юмуш** бўлиб қолди**.** Бу бизга миллатнинг, балки инсониятнинг улуғ маънавий мураббийси қолдирган **боқий** васият, балки **вазифа**дир.

МУАЛЛИФ ИЗОҲИ

1985 йил июль ойида «*Гулистон*» журналида «*Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари*» номли каттагина мақолам чоп этилди. Асли мен мақолага «*Симурғ машаққати*» деб ном қўйган эдим, аммо бу сарлавҳа бош муҳаррирга маъқул келмапти. Мақола ўша даврда ёш, аммо салоҳиятли навоийшунос Шарафиддин Шарипов томонидан амалга оширилган шоир асарининг насрий баёни нашр қилиниши муносабати билан ёзилган эди.

Аслида менинг Навоий шеъриятига қизиқишим мактаб ёшимда, ўзим ҳам шеърлар машқ қилиб юрган ўсмирлик давримдан бошланган. 1959 йили мактабни битиргач, ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг ўзбек филологиясига кириш учун имтиҳонлардан етарли балл йиға олмай, туғилган шаҳрим Қўқонга қайтиб бориб, 2 йил заводда ишладим. Шу даврда Алишер Навоий ижодини яхши тушуниш учун араб ва форс тилларидан хабардор бўлиш кераклигига ақлим ета бошлади ва университет таркибида Шарқ факультети борлигидан хабар топгач, 1961 йили эрон-афғон филологиясига ҳужжат топширдим.

Бахтимизга, ушбу факультет декани Шоислом Шомуҳамедов форс мумтоз шеъриятининг фидойи тарғиботчи ва тадқиқотчилардан эканлиги бизни ҳам шу йўналишга меҳр қўйишимизга сабабчи бўлди. Меҳрибон устозларим улуғ олимлар – Шоислом Шомуҳамедов, Нури-Муҳаммад Осмонов, Азизхон Қаюмовлар рағбатлантиришлари ва доимий беғараз қўллашлари туфайли Амир Хусрав Деҳлавий ижоди бўйича 1975 йилда номзодлик ва 1989 йилда докторлик ишларини ҳимоя қилдим. 1989 йилда нашр этилган Амир Хусрав Деҳлавийнинг эпик ижодига оид «*Тўққиз осмон юлдузлари*» номли китобим мумтоз адабиёт мухлисларининг ижобий баҳосига сазовор бўлди. Сўнг тақдир тақозоси билан **миллий маънавиятимиз тарихи ва назарияси** бўйича қатор китобларим нашрдан чиқди шу йўналишда олий таълим муассасаларида узоқ йиллар дарс бердим. 2012 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институтига қайтиб, талабаларга форс мумтоз адабиётидан маърузалар ўқиш билан бир пайтда қадрдон дўстларим – профессорлар Абдураҳим Маннонов ва Аҳмаджон Қуронбековлар билан ҳамкорликда 2012-2016 йиллар мобайнида бир пайтнинг ўзида икки давлат гранти асосида ҳам Шарқ адабиёти тарихи, ҳам Алишер Навоий «*Хамса*»си достонлари конкордансини тайёрлашда иштирок этдим. Жуда жиддий илмий изланишлар натижасида 2013 йилда «*X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти*", 2015 йилда *"Мумтоз форс шеърияти бадиятшунослиги ва жанрлар типологияси*" монографик тадқиқотларим босилиб чиқди.

Аммо шу даврлар мобайнида ҳам Алишер Навоий ижоди ҳечқачон диққат марказимизни тарк этгани йўқ. Айниқса, мустақиллик арафасидан бошлаб кейинги 30 йил давомида ушбу мавзуда деярли ҳар йили турли тўплам, журнал ва газеталарда қатор мақолаларим кетма-кет чоп этилиб келди ва келмоқда. Ва, ниҳоят, дўстлар далдаси билан 2015 йили 424 саҳифали "*Навоийшуносликка кириш*" китобим давлат гранти ҳисобидан нашр этилди. Ушбу китобдаги кўп жиҳатдан янгича ёндошувларнинг шаклланишига, менинг назаримда, аввало она юрт мустақиллиги, қолаверса, касбим тақозоси билан аждодлар меросидан асл манбалар орқали хабардорлигим ҳамда мен билан узоқ йиллар давомида яқин ҳамсуҳбат бўлган кўпдан-кўп устоз, дўст ва қадрдонларим – бугунги мустақил ватанимизнинг жонкуяр зиёлиларининг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Китобнинг номланишига келсак, аввало таъкидлаб ўтиш лозимки, бу рамзий номда ушбу асар Шарқ адабиёти ва миллий маънавиятимизни ўрганишда маълум натижаларга эришган муаллифнинг навоийшунослик фанида қўйган илк қадамлари эканлигига ишорадан ташқари янги аср навоийшунослигида бу соҳа олдига қўйилаётган талаб ва вазифаларнинг миқёси ва теранлик даражаси мутлақо янги босқичга кўтарилаётганлиги ҳам ҳисобга олинган. Ҳар икки ҳолат ҳам бу китобнинг турли камчиликлар ва баҳсли ўринлардан холи эмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, барча танқидчиларимизга олдиндан миннатдорлик изҳор қиламиз.

ИЛОВА

Муаллифнинг
Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича нашр этилган ишлари

Китоблар:

1. Навоийшуносликка кириш. Т., ТДШИ, 2015, 424 саҳ. 2. XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. Т., ТДШИ, 2021, 64 саҳ.

Мақолалар ва китоблар таркибидаги боб ва фасллар:

1.Олти девон муқоясаси (“*Бадойиъ ул-бидоя*”нинг янги топилган Теҳрон нусхаси асосида) // Алишер Навоий ва XXI аср. Буюк шоир ва мутафаккир таваллудининг 580 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. Т., “ ZEBO PRINTS”, 2021, 8-9 феврал, с. 60-80.

2.Ислом минтақа маданияти ривожида “мажоз тариқи” босқичи ёхуд Алишер Навоий маънавий меросининг бугунги кундаги жаҳоншумул аҳамияти. // Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий мақолалар тўплами. №11, Т., 2020 с.213-223.

3.Алишер Навоийнинг илк девонлари матншунослиги // Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Наманган, 2020 йил 12-13 июнь. Наманган, 2020, с. 14-24.

4.Ирфоний адабиётнинг такомил босқичлари ва Алишер Навоий ижоди // Алишер Навоий мероси ўзбек шарқшунослиги талқинида. (Республика илмий-амалий анжуман материаллари), №2, 2020 март, с. 34-51. (Магистрант К.Жумаева билан ҳамкорликда)

5.Навоийнинг журъати: у нега ҳукмдорнинг топшириғини дарҳол бажара олмаган? // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. Электрон журнал. 07.02.2020

6.Алишер Навоий даври адабиётининг ривожланиш босқичлари. // «Жаҳон адабиёти» журнали, 2019 йил, август сони, с. 121-128.

7.Дехлеви. Джами. Навои. // Социально-экономическое и культурное сотрудничество Таджикистана и Узбекистана: История и современность. Материалы международной научно-практической конференции (Хужанд, 21-22 июня 2019 года). Хужанд - «Нури маърифат» - 2019, с.262-268.

8.Восток и Запад: Проблемы духовности и будущее человечества. // Шарқ фалсафаси ва маданияти қадриятлари: Шарқ ва Ғарб цивилизацияларо мулоқоти контекстида. IV Республика илмий-амалий конференция материаллари) Т., ТДШИ, 2019, с.24-42.

9.Адабиётнинг мустақил маънавий моҳияти ва унинг шаклланишида Алишер Навоий ижоди ва назарий қарашларининг аҳамияти. // Алишер Навоий ва учинчи мингйиллик: Навоий меросини ўрганишнинг янги уфқлари. Илмий-амалий анжуман тўплами. Т., ТДШИ, 2019, с. 33-47.

10.XXI аср навоийшунослиги: методология муаммолари. // Алишер Навоий ва XXI аср. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари.Т., “ NAVOIY UNIVERSITETI” NASHRIY-OT-MATBAA UYI”, 2019, с. 13-19.

11.Навоий ва Хоқоний. // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. Халқаро III анъанавий илмий конференция материаллари. Навоий, 2019 йил 4-6 февраль, Т., "ФАН", 2019, с. 28-35.

12.Алишер Навоий маънавий меросининг бугунги кундаги жаҳоншумул аҳамияти. // «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. (Адабий-илмий мақолалар). Т., «MASHHUR-PRESS», 2018, с. 263-277.

13.«Бадойиъ ул-бидоя"нинг Париж нусхаси // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2018, № 1, с. 16-24.

14.Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеъриятида лирик жанрлар хронологиясига доир) // «Алишер Навоий ва XXI аср". Республика илмий-назарий анжумани материаллари.Т., "TURON-IQBOL", 2018, с.12-17.

15.Алишер Навоий ва форс тилидаги мумтоз шеъриятни даврлаштириш масалалари. // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. II анъанавий халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Навоий, 2018 йил 6-7 февраль, с. 269-275.

16.Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари. // «Алишер Навоий ва XXI аср". Республика илмий-назарий анжумани материаллари.Т., "Тамаддун", 2017, с. 6-10.

17.XXI аср навоийшунослигининг долзарб масалалари. // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари. Навоий, 2017 йил 11 февраль, с. 190-199.

18.Навоий асарларининг муаллиф хос луғатини тузиш ҳақида. // «*Мерос*» журнали, 2016 йил, 2-сон, с.10-17.

19. **Кўнгил ҳақида 4 достон шарҳи.** // "*Шарқ машъали*" журнали, 2016 йил, 1-сон, с.10-17.

20. **Анварий ва Навоий.** // "*Шарқшунослик*" илмий журнал, 2015, № 2-3, саҳ. 191-200.

21. **The role and importance of Abu Nasr Farabi and Navoi in the global literary thought** // "*Sharq Mash'ali*", 2014/2, p. 12-14.

22.Алишер Навоий ва "*Хамсачилик*" анъаналари (*тадрижийлик ва индивидуал талқин нисбати)// Ўзбек ва Шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари.* (Халқаро илмий анжуман), Т., 2014, 19-20 май, с.64-67.

23.Навоий ва тасаввуф. // "Нақшбандия" журнали, 2013, № 2, с.11-16.

24.Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббуълари // X-Xv асрлар форс мумтоз шеърияти. Т., 2013, с. 239-266.

25.Алишер Навоий ижодида тавҳид ғоясининг мазмуний такомили // *Шарқ фалсафаси ва Ўзбекистонда ижтимоий тафаккур ривожи* (III Республика илмий-амалий конференция материаллари) Т., ТДШИ, 2012, с.41-54.

26.Навоий ва форс мумтоз адабиёти: Татаббуъ ва талқин // *Алишер Навоий ижоди ва Шарқ адабиёти* (илмий мақолалар тўплами), Тошкент, 2011, с.28-43.

27.Навоий ва тасаввуф. (Муаммони ўрганишнинг баъзи жиҳатлари) //*Таълим босқичларида Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш* (Республика илмий-амалий анжумани материаллари), Тошкент, ТДПУ, 2011, с.13-21.

28.“*Мажоз тариқи*” нима? // Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Т., 2011, с. 265-281.

29.«*Мантиқ ул-тайр*» ва “*Лисонут-тайр*” // Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Т., 2011, с. 282-297.

30.Адабиёт ва маънавият *(Минтақа муттоз адабиётинингижтимоий мавқеи ҳақида)* // Хорижий Шарқ халқлари адабиёти ва адабий манбашунослигининг долзарб масалалари (Халқаро илмий анжуман), Т., 2010, 27-29 октябрь, с.11-18.

31. Минтақа адабиёти ривожида тасаввуфнинг ўрни. // Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Т., 2010, с. 6-29.

32.Адабиёт ва тасаввуф: Минтақа адабиёти ривожида тасаввуфнинг ўрни. // Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Т., 2010, с. 13-31.

33. Методологические основы периодизации классической литературы исламского региона // *Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни* (Илмий мақолалар тўплами) Т., ТДШИ, 2010, с.33-49.

34.Икки йўл бошида ёхуд нафс ва руҳ баёнида. // “*Халқ сўзи*” газетаси, 2009 йил, 26 июнь, с. 4.

35.Ислом минтақа маънавиятида “*Мажоз тариқи*” босқичи ва Алишер Навоий маънавий олами. // Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., “*Иқтисод-молия*”, 2008, с. 88-149.

36.Фоний ғазалларининг навоиёна жаранги. // Алишер Навоий. “*Девони Фоний*”дан.Т. “*Янги аср авлоди*”, 2006. с.64-65.

37.Ислом минтақа маънавиятида “*Мажоз тариқи*” босқичи. // Миллий маънавиятимиз асослари. Т., “*Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти*”, 2006, с.148-170.

38.Алишер Навоий маънавияти. // Миллий маънавиятимиз асослари. Т., “*Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти*”, 2006, с. 171-197.

39.Алишер Навоий ижодида Янги давр маънавиятига пойдевор қўйилиши. Янги даврнинг маънавий моҳияти. // Миллий маънавиятимиз асослари. Т., “*Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти*”, 2006, с. 197-201.

40.“*Мажоз тариқи*” нима? // Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари**. Т., 2005, с. 24-53.**

41.Жомий “*Хамса*” ёзганми? // «*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*” газетаси, 2005 йил, 16 декабр, №51, с.4.

42.Миллатнинг маънавий мураббийси. // “*Халқ сўзи*” газетаси, 2004 йил, 11 феврал, №29, с.4.

43.Татаббуъ мўъжизаси. // «*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*” газетаси, 2004 йил, 6 феврал, №6, с.2.

44.Алишер Навоий ва миллий маънавиятимиз. // “*Шарқ машъали*” журнали, 2002 йил, 1-2 сон, с.3-8.

45.Ислом минтақа маънавиятида “*Мажоз тариқи*” босқичи. // Миллий маънавиятимиз асослари. Т., “*Тошкент ислом университети*”, 2001, с.180-207.

46.Алишер Навоий маънавияти. // Миллий маънавиятимиз асослари. Т., “*Тошкент ислом университети*”, 2001, с. 207-237.

47.Алишер Навоий ижодида Янги давр маънавиятига пойдевор қўйилиши. Янги даврнинг маънавий моҳияти. // Миллий маънавиятимиз асослари. Т., “Тошкент ислом университети”, 2001, с. 237-251**.**

48.Алишер Навоий. // Маънавият юлдузлари.Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, с.208-213.

49.Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий. // Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. № 1. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1998. с. 13-20.

50.Навоиёна меҳр масъулияти...(*"Хамса"* маънавияти). // "Соғлом авлод учун" журнали, 1998, 4-5 сон, с.8-11, 26-29.

51.Навоиёна меҳр масъулияти... //"*Соғлом авлод учун*" журнали, 1997, 9-сон, с.4-7, 20-21, 27.

52.Алишер Навоий. // Буюк сиймолар, алломалар. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996, с.71-76.

53.*"Мажоз тариқи"* босқичи ёхуд Янги аср бўсағасида. // Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., 1996, с. 71-114.

54.Адиб Аҳмад қачон яшаган? // *"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"* газетаси, 1995 йил, 31 март, №13, с.4.

55.Навоий кашф этган олам. // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати"* газетаси, 1993 йил, 30 июль, №31, с.2.

56.*"Мажоз сулуки"*. (Мухбир билан суҳбат) // *"Ўзбекистон адабиёти ва санъати*" газетаси, 1992 йил, 4 декабрь, №49, с.8.

57.*"Турк назмида чу тортиб мен алам..."* // *"Тошкент оқшоми"* газетаси, 1992, 6 февраль, с.3.

58.Алишер Навоий ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ адабиётшунослиги. // Алишер Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. Т. "Фан", 1991, с.19-20.

59.Навоийшунослик ва жаҳон маданияти. // "*Мулоқот*",1991, №9, с.28-32.

60.Ҳақиқат ва мажоз. (Учинчи мақола). Симурғ машаққати. // "*Шарқ юлдузи*", 1991, №4, с.159-166.

61.Ҳақиқат асрорининг ганжинаси. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1991 йил, февраль, №31, с.2.

62.Ҳақиқат ва мажоз. (Иккинчи мақола). **Фарҳоднинг Юнонга сафари.** // "*Шарқ юлдузи*", 1990, №4, с.147-152.

63.Хамсачиликда тож ва меҳр зиддияти. // *"Гулистон"* журнали, 1990, №5, с.15.

64.Ҳақиқат ва мажоз. // "*Шарқ юлдузи*", 1988, №4, с.176-181.

65.К вопросу о социальной утопии в творчестве Алишера Навои. // Материалы научной конференции ППС ТВПШ по итогам НИ работ за 1986 год). Т.,1987, с.80-83.

66.Туганмас хазина. (Алишер Навоий асарларига 4 жилдлик луғат ҳақида) // *"Гулистон"* журнали, 1986, №12, с.23-24.

67.Навоийнинг *"Лисонут-тайр"* асари. // *"Гулистон"* журнали, 1985, №7, с.19-20.

68.Устоз Е.Э. Бертельс сабоқлари. // *"Гулистон"* журнали, 1982, №11, с.23-24.

Ҳамкорликдаги нашрлар:

1. Алишер Навоий «*Садди Искандарий*» достонининг санама (частотали) сўзлиги. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, М.Имомназаров, М. Қаландаров, А.Нишонбоева) Т., ТДШИ, 2018, 200 саҳ.

2. **Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг санама (частотали) сўзлиги.** (Тузувчилар:А.Қуронбеков, М.Имомназаров, М.Қаландаров, А.Нишонбоева) Т., ТДШИ, 2018, 160 саҳ.

3. Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонининг санама (частотали) сўзлиги. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, М.Имомназаров, А.Нишонбоева, М. Қаландаров) Т., ТДШИ, 2018, 160 саҳ.

4.Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг санама (частотали) сўзлиги. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, М.Имомназаров, А.Нишонбоева, М. Қаландаров) Т., ТДШИ, 2018, 180 саҳ.

5.Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг санама (частотали) сўзлиги. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, М.Имомназаров, А.Нишонбоева, М. Қаландаров) Т., ТДШИ, 2018, 160 саҳ.

6.Алишер Навоий «Хамса» достонларининг санама (частотали) сўзлиги. (Тузувчилар: А.Қуронбеков, М.Имомназаров, А.Нишонбоева, М. Қаландаров) Т., ТДШИ, 2018, 160 саҳ.

7.А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров. **Алишер**

8.Навоий асарлари бўйича конкорданс тузиш қўлланмаси. Т., ТДШИ, 2015, 96 саҳ.

9.А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров. **Алишер**

10.Навоий асарларининг танқидий матнлари ва нашрлари

11.хусусида // Шарқшунослик. ТДШИ илмий журнали, 2012,

12.№1, с.3-13.

13.А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров. **Алишер**

14.Навоий асарларига тузилган луғатлар ҳақида // Алишер Навоий асарлари бўйича конкорданс тузиш қўлланмаси. Т., ТДШИ, 2015, с.6-55.

15.Алишер Навоийнинг "*Садди Искандарий*" достони

16.конкордансси (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева) Т., ТДШИ, 2016, 832 саҳ.

17.Алишер Навоийнинг "*Сабъаи сайёр*" достони

18.конкордансси (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов,

19.М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева) Т., ТДШИ,

20.2015, 584 саҳ.

21.Алишер Навоийнинг "*Лайли ва Мажнун*" достони

22.конкордансси (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов,

23.М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева) Т., ТДШИ,

24.2014, 492 саҳ.

25.Алишер Навоийнинг "*Фарҳод ва Ширин*" достони

26.конкордансси (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов,

27.М.Имомназаров, Д.Аҳмедова, А.Нишонбоева) Т., ТДШИ,

28.2013, 796 саҳ.

29.Алишер Навоийнинг "*Ҳайрат ул-аброр*" достони

30.конкордансси (Тузувчилар: А.Қуронбеков, А.Маннонов,

31.М.Имомназаров, Ҳ.Турдиева) Т., ТДШИ, 2012, 596 саҳ.

Мундарижа

УЧИНЧИ МИНГЙИЛЛИКДА АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Кириш 12

I ҚИСМ. XXI АСР

Алишер Навоийни тушуниш 18
XXI аср навоийшунослигининг долзарб масалалари 20
Алишер Навоий асарларининг танқидий матнлари ва нашрлари хусусида 29
Алишер Навоий асарларига тузилган луғатлар ҳақида 38
“Хамса” достонлари матнларидаги сакталиклар ва конкорданс тузиш учун халқаро транскрипция тизимига ўтишда уларни тузатиш усуллари 51
Матнда сўзнинг чегараси 58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 60
Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг бугунги муаммолари 63
Уч девон муқоясаси 67
«Бадойиъ ул-бидоя”нинг Париж нусхаси 80
Олти девон муқоясаси 86
Навоий асарларининг муаллиф хос луғатини тузиш ҳақида 101
Луғат мақола: 108
Фойдаланилган адабиётлар: 112
Кўнгил ҳақида тўрт достон шарҳи 114
Алишер Навоий ижодида тавҳид ғоясининг мазмуний такомили 145
Навоий ва тасаввуф 154
Алишер Навоий ва «хамсачилик» анъаналари 162
Навоий ва форс мумтоз адабиёти 166
Анварий ва Навоий 171
Аттор ва Навоий. Татаббуъ мўъжизаси 179
Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббуълари 186
Жомий ва Навоий. «Хамса» ва “Ҳафт авранг” 205
Алишер Навоий нафс ва руҳ ҳақида 212
Миллатнинг маънавий мураббийси 216
Жаҳон адабиётшунослик илмининг ривожида Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий қарашларининг ўрни ва аҳамияти 219
VIII- XV асрлар минтақа маданиятида мумтоз адабиётнинг ривожи 226

II ҚИСМ. XX АСР. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

Минтақа маданиятида туркий шеъриятнинг ривожи. 228
Шоир ижодининг такомил босқичлари 230
Иккинчи босқич. Навоий – лирик ва эпик шоир сифатида “Хамса” олами. 239
Навоий ижодининг учинчи, якуний босқичи “Лисон ут-тайр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” 249
Навоий ва Ризоий Пайвандий 255
“Турк назмида чу мен тортиб алам...” 262

ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

1-Б О Б

«Ҳақиқат тариқининг суханвари» 265

2-БОБ

Фарҳоднинг Юнонга сафари 275

3-БОБ

Симурғ машаққати 285

4-БОБ

Навоийшунослик ва жаҳон маданияти 299
Ҳақиқат асрорининг ганжинаси Навоий нигоҳида деҳқон ва дарвеш 305
“Аҳли футувва” 307
Савдогарлик касбми? 308
Йўқсиллар ва истибдод 309
Боболар васияти 311
Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари 312
Бертельс – навоийшунос 316
Алишер Навоий ва янги давр ўзбек миллати маънавий қиёфасининг шаклланиши 321
Муаллиф изоҳи 325

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Муҳаммаджон Имомназаров: Алишер Навоий; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 336 бет.

Ж.8: Муҳаммаджон Имомназаров: Алишер Навоий. 336 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Саккизинчи жилд

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ

XXI АСР.
НАВОИЙШУНОСЛИККА КИРИШ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 21 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.